

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**ЎЗБЕК
ДИПЛОМАТИЯСИ
ТАРИХИДАН**

**Тарихий очерклар
ва лавҳалар**

Тошкент – 2003

Академик М. М. Хайруллаев
умумий таҳрири остида

Такризчилар:

т. ф. д. Нишонов М.,

т. ф. н. Остенова Г.

“Ўзбек дипломатияси тарихидан” китобида қадимги замонлардан то Россия истилосигача юртимиз сарҳадларида фаолият кўрсатиб ўтган давлатларнинг ташқи алоқаларига доир қизиқарли маълумотлар жамланган ва турли даврлардаги элчиликлар, дипломатик ёзишмалар хусусида фикр юритилган. Бу асар мамлакатимиз дипломатия тарихини яратиб йўлидаги дастлабки қадамдир. Китоб олий ўқув юрти талабалари, дипломатия ташкилотлари ходимлари, умуман, узоқ ва бой тарихимиз билан қизиқувчи кенг ўқувчилар оmmasига мўлжалланган.

Ушбу китоб Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг ижодий ҳамкорлиги маҳсули сифатида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети тараққиёт жамғармаси томонидан чоп этилди.

Тадқиқот ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида т.ф.н. Б.С. Маннонов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳ томонидан бажарилган.

© Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, 2003.

© Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти,
2003.

М У Н Д А Р И Ж А

МУҚАДДИМА	7
І ҚИСМ. ИЛМИЙ ОЧЕРКЛАР	
ЎЗБЕК ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ.....	14
ЎРТА ОСИЁНИНГ АРАБ ИСТИЛОСИ ДАВРИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ.....	38
МУЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ АРАФАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ТАРИХИДАН	53
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ДИПЛОМАТИЯСИ.....	61
<i>1. Амир Темуր дипломатияси</i>	<i>61</i>
<i>2. Темурийлар дипломатияси</i>	<i>91</i>
БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲИНДИСТОН ВА ТУРКИСТОН АЛОҚАЛАРИ (XVI-XVII АСРЛАР)	104
ҲОФИЗ МУҲАММАД ФОЗИЛХОННИНГ БУХОРО МИССИЯСИ	119
ХОРАЗМ ТАРИХНАВИСЛИГИДА ХИВА ХОНЛИГИ ТАШҚИ СИЁСАТИ	132
ЎРТА ОСИЁ – ЭРОН ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН	
<i>1. “Сафарномаи Бухоро”да Эрон-Бухоро элчилик алоқалари</i>	<i>147</i>
<i>2. Бухоро—Эрон дипломатик алоқаларига оид Амир Ҳайдар мактублари</i>	<i>156</i>
<i>3. Лолабошининг Хоразм сафари</i>	<i>162</i>
ЎРТА ОСИЁ ВА РОССИЯ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИГА ДОИР	
<i>1. “Элчига ўлим йўқ” таомили нега бузилди?</i>	<i>179</i>
<i>2. Поручик Субҳонқулов миссияси</i>	<i>191</i>
<i>3. Амир Ҳайдар даврида Бухоро—Россия дипломатия алоқаларига оид маълумотлар</i>	<i>208</i>
ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ САРОЙЛАРИДА ЭЛЧИЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МАРОСИМЛАРИ	220
Х У Л О С А	235

II ҚИСМ.

ЮРТИМИЗ ДИПЛОМАТИЯСИГА ОИД ЛАВҲАЛАР	237
Хитой элчиси Чжан Цян маълумотларидан:	237
Эрон шоҳи Дорога берилган жавоб	238
Турк хоқонлиги даври дипломатиясидан	240
Битиктошлардаги дипломатик маълумотлар	241
Македониялик Искандар билан элчилик мулоқотларидан	242
Сугд элчиси Фатуфарнинг Чочдан жўнатган мактуби	243
Юсуф Хос Ҳожиб элчилик ва элчилар ҳақида (XI аср).	245
Амир Темури хузурига 802 ҳижрий йилда (1399-1400) Соҳибкирон Авниқда (Грузия) турган вақтида Овруподан келган элчилар ҳақида	247
Амир Темурининг Византия императори Мануил Палеолог II нинг Константинополдаги ноибни Иоанн Палеологга ёзган мактуби	248
Амир Темурининг Франция қироли Карл VI га йўллаган биринчи мактуби ..	252
Амир Темурининг Фарангистон қироли Карл VI га йўллаган иккинчи номаси	253
Амир Темурининг Кастилия қироли Ҳеирих IIIга йўллаган мактуби	256
Амир Темури ўғли Мироншоҳ Мирзонинг Оврупо қиролларига йўллаган номаси.....	258
Фарангистон қироли Карл VI нинг Амир Темурга жавоб мактуби	261
Англия қироли Ҳеирих IV нинг Амир Темурга ёзган жавоб мактуби.....	264
Амир Темурининг Йилдириш Боязидга мактуби.....	266
Султон Боязиднинг Амир Темурга жавоби.....	272
Амир Темурининг Йилдириш Боязидга тўртинчи номаси.....	274
Амир Темурининг тўртинчи номасига Султон Боязиднинг жавоби.....	277
Амир Темурининг Султон Боязидга яна бир мактуби	279
(Абдулазизхоннинг) Ҳиндистон вилояти шоҳига ёзган мактубларидан бири.....	283
Ҳазрат Халофатпаноҳ (Субхонқулихоннинг) асялот саййиднасл Мир Абдурахмон Хўжа Садр элчилиги юзасидан Ҳиндистон шоҳига ёзган номаси.....	286
Ҳазрат Абдулазизхоннинг Ҳиндистон подшоҳи (Авраиғзеб)га ёзган жавоб мактуби.....	289

(Ҳиндистон шоҳи) Аврангзеб подшоҳининг (Субҳонқулихонга) ёзган мактубининг нусхаси.....	292
Ҳазрат Субҳонқулихоннинг Ҳиндистон волийсига ёзган мактубининг нусхаси	296
Ҳазрат Халофатпаноҳ (Абулфайзхон) нинг Ҳинд вилоятига табрик юзасидан Амонатпаноҳ Султонбий Қушбеги элчилиги орқали ёзиб юборган мактуби	300
Ҳазрат Халофатпаноҳ (Абдуллахон)нинг Муҳаммад Назарбий Додхоҳ элчилиги юзасидан Ҳинд подшоҳига ёзган мактуби	303
Абдуллахон Ўзбекка бирликни кучайтирувчи мактуб битилди.....	307
Ҳақиқатни изловчи жаҳондор, тоғдек савлатлик, адолатпарвар, илоҳий соя осмонининг юддузи, шаҳаншоҳлик кинининг гавҳари Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ Ҳазрат Сайид Абдулазиз сипоҳдори Абдуллахон Ўзбекка хитобномаси	314
Жаннатмакон, абадий оромгоҳдаги Ҳазрат Сайид Абдулазиз Муҳаммад Баҳодирхоннинг шоҳ Аврангзебга Ҳинд (истон) тахтига утиришини қутлаш юзасидан ёзган мактуби.....	324
Ҳиндистон подшоҳи (Аврангзеб)нинг бир қанча жмивор юборилгани сабабли Абдулазизхонга жавобномаси	326
Турои мулкининг сипоҳсолари Абдуллохон Ўзбекнинг хонларидан бирига.....	327
Абдулфайзининг Меҳтар Убайдулло элчилиги жиҳатидан Ҳиндистон подшоҳига ёзганлари.....	328
Ҳиндистон сафари воқеаяввасига (берилган нишон).....	330
Ҳожа Самандар Термизий “Дастур ул-мулк” (XVII аср). Олтинчи фасл. Элчининг сифати ҳақида	331
Хива солиномалари саҳифаларидан нямуналар	333
Хива ва Бухоро алоқалари ҳақида	333
Хива ва Қўқон хонликлари дипломатик алоқаларига доир айрим парчалар	338
Хива ва Эрон элчиликлари	341
Амир Ҳайдарнинг Эрон шоҳи Фатҳалишоҳга мактуби	348
Амир Ҳайдарнинг Россия подшоҳи Александр I га мактуби	349
Оренбург ҳарбий губернатори П.К. Эссен ташқи ишлар министрлиги башқарувчиси К.В. Нессельродега (1818 йил 7 (19) сентябрь).....	351

Азимжон Мўминжоновнинг элчилиги ҳақида.....	352
В.К. Нессельроде С.-Петербургдан Бухоро фавқулодда элчиси А. Муминжоновга 1816 йил 5 (17) июль	356
А. Мўминжоновнинг Оренбург ҳарбий губернаторининг хатига жавоби (1818 йил 4 (16) сентябрь)	359
Ташқи ишлар министрлиги бошқарувчиси К.В. Нессельроденинг Бухоронинг мухтор вакили Муминжоновга нотаси (1820 йил 3 (15) июндан олдин).....	363
МАНБАЛАР, АДАБИЁТЛАР.....	365
1. Кулёзма асарлар.....	365
2. Ўзбек ва рус тилларидаги тадқиқотлар ва адабиётлар.....	368
3. Чет тиллардаги адабиётлар	372

*Ўзликни англаш тарихни
билишдан бошланади
И. А. Каримов*

МУҚАДДИМА

Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ўзининг жуда бой ва қадимий тарихига эга. Бу ўлка инсон маданияти дастлабки кўртак отган сарзаминлардан бири саналади. У бутун тарих давомида умумбашарий қадриятларнинг такомиллашувига салмоқли ҳисса қўшиб келган. Бу ҳол ана шу сарҳадларда минг йиллар давомида қад кўтарган ва тарих тақозосига қўра биринкетин фаолият кўрсатиб ўтган ўнлаб давлатларнинг серқирра ва мазмундор тажрибасида ҳам яққол кўзга ташланиб туради.

Афсуски, шу пайтгача юртимиз ўтмишидаги давлатчилик тарихини ўрганишга, унинг тажрибаларини илмий жиҳатдан умумлаштиришга кам эътибор бериб келинди. Мустақиллик шароитида бу борада ҳам катта имкониятлар туғилди. Энди воқеаларга бой тарихимизни ҳар тарафлама объектив таҳлил этиш, советлар даврида унинг атайлаб бузилган ёки унутилган саҳифаларини тиклашга киришаётибмиз. Аммо бу соҳада мутахассислар олдида ҳали катта муаммолар қўндаланг турибди.

1998 йил 26 июнда Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар, адиблар ва журналистлар билан ўтказган суҳбатларида Ватанимиз тарихини бутун борлигича тиклаш, унинг нурли саҳифаларини одилona ёритишга қаратилган қатор вазифаларни майдонга ташладилар. Бу соҳада у киши кўтарган чуқур назарий муаммолар ва уларга ёндашиш тамойиллари ана шу суҳбатдан кейин эълон қилинган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида ўзининг ҳар томонлама ифодасини топди. Бу асар тарихчи мутахассислар учун беқиёс қўлланма бўлди. “Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, - деб таъкидлайди И.А. Каримов, - яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шэрқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу фузалолар, олиму уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб

чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган”¹. Ана шу кўп минг йиллик тарихни ҳаққоний тадқиқ этиш, уни халқимизнинг маънавий мулкига айлантириш бугунги кундаги гоят муҳим ва долзарб вазифалардан бири эканлигига урғу бериб, И.А. Каримов бу масаланинг улкан аҳамиятини қўйидаги таъсирли сўзлар билан таърифлаган эди: “Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроолантиришимиз зарур. Тарих билан қуроолантириш, яна бир бор қуроолантириш зарур”².

Маълумки, халқимиз уч минг йилдан ортиқроқ даврни камраб олган ўз давлатчилик тарихига эга экан, у ана шу узоқ вақт давомида бошқа халқлар ва давлатлар билан узвий алоқада бўлиб келган. Аммо шу пайтгача тарихимизда фаолият кўрсатган давлатларнинг хорижий мамлакатлар билан бу борада олиб борган муносабатлари ҳақида етарли маълумотлар жамланмаган.

Ваҳоланки, бутун дунёда (албатта, бу ерда ривожланган мамлакатлар ҳақида сўз кетаётибди) жуда кўп давлатларда бу масалага ҳамisha катта эътибор бериб келинган. Ғарб мамлакатлари тарихидаги ташқи сиёсат ва дипломатик алоқалар масалаларига кўплаб асарлар, силсилавий нашрлар бағишланганлиги кўпчиликка маълум. Сўнгги йилларда қатор хорижий Шарқ давлатларида ҳам бунга алоҳида аҳамият берилаётганлиги кўзга ташланади. Масалан, Туркия, Эрон ва Ҳиндистон каби мамлакатлар ташқи муносабатлари тарихига бағишланган қатор монографиялар, ҳужжатлар тўпламларининг бирин-кетин пайдо бўлаётганлиги фикримизга далил бўла олади.

Собиқ СССРда ҳам бу масала юзасидан катта ишлар амалга оширилган эди. Россия ташқи ишлар вазирлиги архиви ҳужжатлари жамланган тўпламлар силсиласи эълон қилинди, “Дипломатик луғат” ва 3 жилдли “Дипломатия тарихи” каби асарлар қайта-қайта нашр этилди. Аммо кўп жилдли “Дипломатия тарихи”да Россия сарҳадларидаги ҳар бир князлик дипломатияси тарихига алоҳида эътибор берилгани ҳолда, Ўрта Осиё заминидаги давлатлар дипломатияси тарихи четлаб

1. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7 жилд. Тошкент, «Ўзбекистон», 1999. 132-бет

2. Уша асар, 149-бет.

ўтилган, бу мавзуга атайлаб эътибор берилмаган. Бундан кўзланган мақсад маълум, албатта.

Ана шу тарихий муаммо юзасидан жиддий изланишга киришиш, ўтмишда бу ерда пайдо бўлган давлатларнинг ташқи алоқалари ҳақида маълумотлар тўплаш, дипломатик ёзишмаларни жамлаш ҳозирги тарихнавислигимиз олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардан биридир.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бизнинг тарихимизда юз берган бу соҳадаги воқеликларни тиклаш, уларни илмий ўрганиб, ҳалқимизнинг маънавий мулкига айлантириш нафақат катта меҳнат ва касб маҳоратини, балки бир неча хорижий тилларни мукамал билишни ҳам тақозо этади. Чунки ўтмишга бағишланган ва бизгача етиб келган асарларнинг каттагина қисми араб тилида битилган. Сўнгги бир неча аср мобайнида дипломатик ёзишмалар ўша вақтлардаги таомилга кўра форс тилида амалга оширилиб келинган. Бунинг устига, хонликларнинг архивлари бизгача тўла етиб келмаган, улар бу ерда юз берган сиёсий воқеалар туфайли талон-торож қилиб юборилган. Аммо дипломатик ёзишмаларнинг кўпчилиги кўшни давлатлар — хорижий Шарқ архивларида сақланиб қолган ва ўша мамлакатларда эълон қилинган тўплаларда келтирилган.

Кун сайин мустақил Ўзбекистоннинг ташқи алоқалари кенг кулоч ёймоқда. Республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси. Ист-Ривер қирғоғидаги мухташам бино пештоқида жаҳондаги мустақил давлатлар байроқлари қаторида Ўзбекистон байроғи ҳам ҳилпираб турибди. Мамлакатимиз қатор нуфузли халқаро ташкилот ва уюшмаларнинг эътиборли иштирокчиси сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақиллик эълон қилинганидан буён ўтган тарихан қисқа муддат ичида Ўзбекистон Республикасини жаҳондаги 160 та давлат тан олди ва шулардан 120 таси билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ташқи сиёсатимиздаги ана шу улкан ўзгаришлар ўз навбатида дипломатларимизнинг янги-янги авлодини тарбиялаб етиштиришни тақозо этади. Ҳозирда мамлакатимизда махсус Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети бу соҳада яхши фаолият кўрсатмоқда. Бўлажак дипломатларимиз, умуман, ватанимиз тарихини ўрганувчилар унинг дипломатия тарихидан ҳам яхши хабардор бўлишлари лозим бўлади. Бунинг учун эса мутахассисларимиз “Ўзбек дипломатияси тарихи”ни яратишлари керак.

Аммо илк бор бу соҳада дастлабки манбалар асосида диплома-

тия тарихимизнинг турли қирраларини илмий жиҳатдан ёритишга қаратилган ҳамда давлатлараро ёзишмалар намуналарини ўзида мужассамлаштирган бир неча асарлар тайёрланиши лозим бўлади. “Ўзбек дипломатияси тарихидан (қадимги даврлардан XIX асрнинг II ярмигача)” тўплам-монографияси ана шундай китоблардан бири сифатида тайёрланди.

Уни вужудга келтиришда дастлаб Марказий Осиё билан хорижий мамлакатларнинг элчилик ва дипломатик ёзишмаларини ўзида акс эттирган мажмуалар, чет элларда ва юртимизда чоп этилган асарлар аниқланди ва уларга таянган ҳолда, унинг илмий таҳлилий ҳамда илова қисми тайёрланди. Бу мавзуга алоқадор материаллар асосан қуйидаги турдаги манбалардан тўпланди:

1) Қўлёзмалар мажмуаларида мавжуд дастлабки манбалар. Улар араб, форс ва туркий тилларда битилган бўлиб, бу турдаги манбалар таркибида ўрта асрларга оид ноёб материаллар, жумладан, Урта Осиё ҳудудларида фаолият кўрсатган давлатлар бошлиқларининг бошқа мамлакатлар ҳукмдорлари билан ёзишмалари ўз аксини топган. Уларда мавжуд бўлган ана шу тарздаги маълумотлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш учун, масалан, XV-XVIII асрларга оид ёзишмалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган қўлёзма тўпламларга киритилган Бухоро хони Абдуллахоннинг Ҳиндистон подшоҳи Акбаршоҳга ёзган мактублари, Акбаршоҳнинг “Абдуллахон Ўзбекка бирликни кучайтирувчи мактуби”, Абдулазиз Муҳаммад Баҳодирнинг Ҳиндистон подшоҳлари Шоҳ Жаҳон ва Шоҳ Аврангзебга мактублари ҳамда “Амир Ҳайлар мактублари” номли қўлёзма манбаларини кўрсатиш мумкин.

Уларда Бухоро ҳукмдорларининг қатор хорижий давлатлар - Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон, Туркия, Россия каби мамлакатларга ёзган мактублари, юборган элчиларига берган топшириқ ва вазифалари ўз аксини топган.

Мазкур ёзишмаларда асосан “улуғ аждодлардан мерос қолган” якжиҳатлик муносабатларини давом эттириб, мактублар ва совғалар юбориб туриш истаклари, ўзаро элчилик ҳамда дипломатик алоқаларнинг турли қирралари ёритилади.

Шунингдек, қатор қўлёзмаларда (масалан, Мунис, Отаҳий ва Баёнийнинг “Хива солномалари” номи билан илмий жамоатчиликка маълум бўлган тарихий асарлари ёки XVII асрда

битилган Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асари каби) ўзбек дипломатиясининг ўзига хос услублари, элчиларга оид асосий талаблар, улар зиммасига юклатилган вазифалар ҳақида аниқ ва равшан фикрлар баён этилганки, бундай маълумотлар дипломатия тарихимизнинг назарий масалаларини илмий тадқиқ этишда фоят муҳим аҳамият касб этади.

2) Давлат архивларида сақланиб қолган ҳужжатлар. Бу хилдаги материалларнинг асосий қисми Россия ташқи ишлар вазирлигининг хорижий алоқалар тарихига оид ҳужжатларини ўз ичига олган тўпламлар силсиласида уз аксини топган. СССР тарқалгунга қадар чоп этилган бу китобларда Россия империясининг Ўрта Осиё давлатлари билан олиб борган алоқалари ҳам маълум тарзда ўз аксини топган. Уларда, жумладан, бу ердаги давлатлардан юборилган элчиликларнинг мактублари факсимилеси ҳам қисман эълон қилинган. Бундай архив материалларининг қиймати шундаки, уларнинг анчагина қисми бизда сақланиб қолмаган, чунки давлат архивларининг турли сабабларга кўра ўз вақтида фотат қилинганлиги туфайли улар йўқ бўлиб кетган, мавжудларини эса ана шу манбалардаги нусхалар билан қиёслаш натижасида кўпгина чалкаш масалаларни аниқлаш имкони туғилади. Ундан ташқари, Ўзбекистон Давлат тарих архивида Оренбург вилояти тарихи архиви материаллари микрофильмлари сақланади. Бу материаллар Туркистон Россия томонидан босиб олингунга қадар бўлган давр ичида хонликлар ташқи сиёсати ҳақида жуда қимматли маълумотларни ўзида мужассамлаштирган.

Архив материалларининг ўзи нодир тарихий манба эканлигини таъкидлаш билан бирга уларни, юқорида эслатилганидек, қўлёзма манбалар билан қиёсий ўрганиш, айниқса, муҳимдир. Бундай тарздаги муқояса ана шу гуруҳ манбалардаги маълумотларни ўзаро тўлдирибгина қолмай, балки ҳолисона ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилади, тарихий адабиётлар ва тадқиқотларда жойлашиб қолган бир қатор ноаниқликлар ва нотўғри хулосаларни бартараф этиш имконини беради.

3) Хорижий мамлакатларда чоп этилган материаллар. Бунга АҚШ, Англия, Ҳиндистон, Туркия ва Эронда босилган ва мавзуга бевосита алоқадор асарлар туркуми киради. Масалан, Э. Олвортнинг АҚШда чоп қилинган “Ўзбеклар” монографиясида “Ўзбек дипломатияси” ҳақида анча-мунча фикрлар баён этилган бўлса, хорижий шарқ мамлакатларида эълон қилинган қатор илмий тўпламларга Ўрта Осиёнинг бу давлатлар

билан олиб борган алоқалари, турли даврлардаги ёзишмалари ҳақида қимматли маълумотлар киритилган. Бу материаллар шу давлатларнинг архивларида сақланиб қолган маълумотлар асосида баён этилган.

Маълумки, ўзбек давлатчилиги тарихини тадқиқ этишнинг назарий тамойиллари Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримовнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида тўлатқис ўз ифодасини топган. Бундан уч минг йил илгари Аму ва Сир ҳавзаларида пайдо бўлган, суғорма деҳқончилик ва чорвачилик асосида вужудга келган дастлабки давлат уюшмаларидан ҳозиргача давом этган давлатчилик жараёни ўзига хос тадрижий характерга эга эканлигига асосланиш, четдан бўлган барча ҳужумлар унга у ёки бу тарзда таъсир кўрсатган бўлсада, аммо асл моҳиятини тубдан ўзгартира олмаганлиги, атрофдан келган халқларнинг бу ердаги асосий туб аҳолига қўшилиб, унинг тили ва маданиятига сингиб кетганлиги, бу минтақада қад кўтарган давлатлар ҳар вақт мустақил ташқи сиёсат юритишга ҳаракат қилиб келганлиги, мустақил давлатнинг асосий атрибути - дипломатия соҳасида ўзига хос йўл-йўриқ ва анъаналар вужудга келганлиги каби тамойиллар тадқиқотчилар диққат марказида бўлди. Шунингдек, изланишлар жараёнида айрим материаллар - хатлар, дипломатик ёзишмалар, турли воқеаларга оид лавҳаларни қиёсий ўрганишга ҳаракат қилинди. Айни вақтда, баъзи бир хорижий адабиётларда мавжуд бўлган нотўғри қарашлар, ўтмишда Туркистон сарҳадларида қад кўтарган давлатлар ва улар юритган ташқи алоқалар аҳамиятини атайлаб бузиб талқин этиш, уларни сохталаштириш каби қарашларга ишончли далиллар асосида кескин зарба беришга алоҳида эътибор берилди. Тадқиқотнинг асосий ёндашув тарзи дипломатиямиз тарихининг долзарб қирраларини ёритишда миллий маънавиятимиз нуқтаи назарига таянган ҳолда иш кўришга асосланди.

Тадқиқотда хронологик нуқтаи-назаридан, юқорида таъкидланганидек, қадим замонлардан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр ичида юртимиз ташқи алоқаларида рўй берган воқеалар юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилган. Бу узоқ вақт мобайнида Ўрта Осиё сарҳадларида кўплаб давлатлар тарих саҳнасида фаолият кўрсатиб ўтган ва умуминсоний қадриятлар тараққиётида чуқур из қолдирган. Уларнинг ҳарбири юритган ташқи дипломатик алоқаларнинг ўзи махсус илмий изланиш объекти бўлиши мумкин. Бу ерда дипломатия тарихи-

мизнинг ана шу давр ичидаги фақат айрим муҳим муаммолари тадқиқ этилиб, улар ҳақида тарихий очерклар яратилди ва лавҳалар илова қилинди. Барча тарихий очеркларнинг ягона мавзуга бағишланганлиги ва маълум тарзда тадрижий ҳолда бир-бирини тўлдириб борганлиги тадқиқотга тўплам-монография тусини берди. Унинг XIX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган давр билан чекланганлиги хусусида шуни айтиш керакки, Туркистоннинг Россия мустамлакасига айланиши билан бу қадимий ўлка мустақил ташқи сиёсат юритиш имконидан маҳрум этиб қўйилди ва бу ҳол ана шу соҳада юз берган айрим жўзъий атрибутлардан қатъий назар, Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган вақтгача давом этиб келди.

* * *

Китобнинг муқаддима, хулоса, «Ўзбек элчилик алоқаларининг тарихий илдишлари», «Амир Темур дипломатияси», «Ҳофиз Муҳаммад Фозилхоннинг Бухоро миссияси», «Хоразм тарихнавислигида Хива хонлиги ташқи сиёсати», «Лолабошининг Хоразм сафари», «Элчига ўлим йўқ» таомили нега бузилди?», «Поручик Субхонқулов миссияси» бўлимлари Б.С. Маннонов, «Ўрта Осиёнинг араб истилоси арафасидаги дипломатик алоқалари» - Б.С. Маннонов ва М. Исҳоқов, «Мўғиллар истилоси арафасидаги дипломатик алоқалар тарихидан» - Ж. Ҳазратқулов, «Темурийлар дипломатияси» - С. Фуломов, «Бобурийлар даврида Ҳиндистон ва Туркистон алоқалари» - Б.Обидов, «Сафарномаи Бухоро»да Эрон-Бухоро элчилик алоқалари», «Бухоро-Эрон дипломатик алоқаларига оид Амир Ҳайдар мактублари», «Амир Ҳайдар даврида Бухоро-Россия дипломатия алоқаларига оид маълумотлар», «Ўрта Осиё давлатлари саройларида элчиларни қабул қилиш маросимлари» очерклари - Д.Валиева томонидан ёзилган. Тадқиқотнинг «Юртимиз дипломатиясига оид лавҳалар» деб аталган иккинчи қисми материаллари Б.С.Маннонов ва Д.Валиевалар томонидан жамланган.

Муаллифлар гуруҳи ушбу китобни тайёрлашда кўрсатган ёрдамлари ва қимматли маслаҳатлари учун Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети раҳбарияти, шунингдек, тарих фанлари докторлари - А. Ўринбоев ва Р. Фармоновларга ўз миннатдорчилигини изҳор қилади.

І КИСМ. ИЛМИЙ ОЧЕРКЛАР

ЎЗБЕК ЭЛЧИЛИК АЛОҚАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Ўзбек элчилик муносабатларининг маънавий асосларини, унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш учун биз биринчи навбатда уч минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий давлатчилигимиз аънаналарига мурожаат қилишимиз лозим бўлади.

Туркистон сарҳадларидаги икки буюк дарё - Аму ва Сир ҳавзаларида Хитойдаги Хуанхэ ва Янцзи, Ҳиндистондаги Ҳинд ва Ганг, Ироқдаги Фурот ва Дажла, Мисрдаги Нил ҳавзаларида қад кўтарган буюк цивилизациялар билан бир вақтда суғорма-ўтроқчиликка асосланган маданий ҳаёт куртаклари барг ёзган, унинг замирида бундан неча минг йиллар аввал қадимги илк давлатлар вужудга келган. Бу ҳақда бизгача етиб келган ёзма манбаларда қуйидагиларни ўқиймиз: “Хоразмликлар, - деб ёзади Абу Райҳон Беруний ўзининг бундан минг йил олдин битилган “Асорул боқия” китобида, - Хоразмга одамлар жойлаша бошлаганидан тарих олар эдилар, бу Искандардан тўққиз юз саксон йил илгари бўлган эди”¹. Демак, бу вақтда, яъни милоддан қарийб 1300 йил илгари, бундай қараганда, 3300 йил аввал Хоразм заминида дастлабки давлатчилигимизга асос солинган экан. Беруний бу ерда қадимги халқларда мавжуд бўлган тақвим-календарлар ҳақида маълумот бераётибди. Тақвим-календарь эса фақатгина маданий ҳаёт қарор топган ерда, муайян тартиб-интизом ва қонун-қоидага асосланган давлатчилик атрибутлари ўрнатилган жойда вужудга келиши мумкин. Беруний бу қадимги давлатнинг қайси қавмга тааллуқли бўлганлиги ҳақида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб кетган. “Шу вақтда, - деб ёзади у, - Кайхусрав Хоразмга қўчиб, турк подшоҳлари устидан ҳукмронлигини юргизган эди. Бу воқеа Хоразмга одам жойлашишидан тўқсон икки йил кейин бўлди”². Бу воқеа, Беруний ҳисобича, тахминан милоддан 1200 йил муқаддам рўй берган. Буюк алломанинг таъкидлашига

1. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1-жилд. «ФАН» нашриёти, Тош., 1968. 71-бет.

2. Уша жойда.

қараганда, Хоразмда туркий шоҳлар ҳукмронлиги эса ундан анча илгари қарор топган. 2700 йил муқаддам шу заминда зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто” битилган. Подшоҳлик қилиш, шаҳар барпо этиш ва китоб битиш учун давлат, муайян сиёсий тизим мавжуд бўлмоғи лозим. Акс ҳолда буларнинг биронтаси ҳам нуҷудга келмайди, албатта. Аммо заминимиздаги ана шу қадимий давлатлар фаолияти тафсилотлари ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган маҳаллий ёзма манбалар бизгача етиб келмаган. Бунинг сабаби шундаки, араблар Ўрта Осиёни забт этар эканлар, бу ерда илгари мавжуд бўлган барча ёзма ёдгорликларни йўқ қилиб юборганлар. Масалан, Абу Райҳон Беруний юқорида эслатилган ўз асарида Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги араб истилочиларининг Хоразмни забт этгач, бу ердаги ёзма ёдгорликларга нисбатан юргизган сиёсати ҳақида шундай ёзади: “Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (xabар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди”¹. Шу сабабли энг қадимги давлатчилик тизимларимиз тўғрисидаги ёзма маълумотлар асосан юнон ва хитой манбалари ёки тошларга ўйиб ёзилган битиклар орқалигина бизгача етиб келган, холос.

Ўзбек давлатчилик тарихи минг йиллар ичида юз берган сон-саноксиз воқеалар, хориждан бало-қазодек ёпирилиб келган ёғийларнинг хуружлари, юксалиш ва таназзул даврларига қарамай, узлуксиз давом этган жараёндр. Табиийки, бу давр ичида давлатчилигимизнинг таркибий қисми, унинг ажралмас атрибути бўлган дипломатик муносабатлар ҳам изчил суратда давом этиб келган. Тўғри, у маълум воқеалар таъсирида айрим ҳолларда сусайган, баъзи вақтларда муваффақиятсизликлар гирдобига дуч келган, лекин ҳамма вақт ўз шакл ва мазмунида қадимий туркий урф-одатлар. Мовароуннаҳрдаги азалий туркий ўтроқ ҳамда кўчманчи халқларнинг бу соҳадаги анъаналарини давом қилдирган, уни турли шакл ва кўринишларда ўзида акс эттириб келган.

1. *Ўша асар, 72-бет.*

Туркистон сарҳадларида вужудга келган ва фаолият кўрсатган давлатлар ҳукмдорлари томонидан амалга оширилиб келинган дипломатик муносабатлар қадим замонлардан бошлабоқ “элчилик алоқалари” деб юритиб келинган. Бу тушунча узоқ ўтмишга эгадир.

Қадимий туркий атамаларни синчковлик билан тўплаб, улар юзасидан кенг кўламли изланишлар олиб борган таниқли туркшунос-луғатшунос Л.З. Будаговнинг таъкидлашича, “элчи” атамаси аслида “эл”, яъни халқ, қабила, жамоа сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Бунинг исботи учун у “элланмоқ” - ярашмоқ, дўстлашмоқ, мойил бўлмоқ, “эл турмоқ”, тинч, осойишта, дўстона, бўйсуниб яшамок, “эл бўлмоқ” - итоаткор, садоқатли бўлмоқ каби атамаларни келтиради¹. У қадимий қўлёзмаларга таянган ҳолда, “элчи” атамасининг қатор кўринишларига эътиборни жалб этади. Масалан, фавқулодда элчи - “элчийи махсус”, “элчийи кабир” ёки “буюк элчи” атамалари билан юритилган бўлса, “ўрта элчи” ва “кичик элчи” атамалари оралиқ элчиларга нисбатан ишлатилган. “Ишур элчи” атамаси эса бошқа мамлакатга бора туриб, йўлдаги мамлакат сарҳадларидан ўтаётганда унинг ҳукмдорига ташриф буюрган элчиларга нисбатан қўлланилган. Шунингдек, бошқа юртларга йўлланган вакилга топширилган вазифанинг “элчилик” деб аталганига, ўзаро элчилар алмашувини эса “элчилашмоқ” атамалари билан юритилганлигига ҳам ишора қилади². Айни вақтда Л.З. Будагов «элчи» атамаси туркий давлатларнинг ўзаро муносабатларида қадимдан қўлланилиб келинган “ялавач” атамаси билан боғлиқ бўлиши мумкинлигига ҳам эътиборни тортади. Бунда у мазкур иборанинг “элчи” маъносида ишлатилиб келинганлиги исботи учун “Муҳаммад пайгамбар Худонинг (оллоҳнинг) ялавачи”, деган калимани келтиради³. Бу икки атаманинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида баҳс юритиш мумкин, албатта. Аммо “ялавач” сўзининг “элчи” маъносида ўз вақтида кенг қўлланилгани тарихдан маълум. Бунинг учун Хоразмшоҳлар - ануштегинлар (1097-1231) даврида фаолият кўрсатган элчиларнинг “ялавач” деб аталганини, мўғуллар истилоси

1. Будагов Л.З. *Сравнительный словарь турецко-татарских наречий*, том 1, СПб. , 1869. с. 206.

2. *Уша асар*, 203-бет.

3. *Уша асар*, 11 жилд, 362-бет

арафасида ва ундан кейинги сиёсий воқеаларда муҳим ўрин тутган Маҳмуд Ялавач¹ (Элчи) фаолиятини эслатиб ўтиш кифоя қилади.

Америкалик шарқшунос Эдвард Олворт ўзининг “Ҳозирги ўзбеклар” монографиясида Туркистон дипломатияси тарихига назар ташлар экан, у ҳам “элчи” атамасининг қадимийлигига ва унинг замирида яширинган кенг қамровли маъноларга эътибор беришга ҳаракат қилади. “Марказий Осиёда, - деб ёзади у, - дипломатия ғояси балки чигатой тилидаги “элчилик” сўзининг таъсири остида пайдо бўлгандир. Бу сўз “дипломатнинг фаолияти” ёки “яқин алоқалар” ёхуд “қабила (эл) ичидаги муносабатлар” маъносини англатади”². Бу фикрларга, умуман, қўшилиш мумкин. Уларни давом эттириб шуни айтиш керакки, демак, дипломатия тарихимиз жуда қадим замонларданоқ туркий қавмлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, “эллар” орасидаги низоларга барҳам бериш, ўзаро яхши муносабатларни йўлга қўйиш тарзида вужудга келган ва у аста-секин туркий қавмларнинг ўзаро борди-келдиларидаги энг яхши анъаналарни ўзида мужассамлаштира бориб, изчил қонун-қондаларга эга бўлган дипломатик муносабатлар тарзида, яъни “элчилар муносабатлари”га айланган. Эдвард Олворт бу масала юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этар экан, у Марказий Осиёнинг жанубий қисмларида айрим ҳолларда элчи ва элчилик ўрнига “сафир” ва “сафорат” атамаларининг ишлатилганлигига ҳам ишора қилади. Араб ва форсий тилли давлатларда бу ҳол мавжуд, албатта. У жойлардан Туркистон сарҳадларида қад кўтарган давлатлар ҳукмдорларига йўлланган элчиларни шундай деб атаганлар. Аммо Туркистоннинг ўзидан бошқа давлатларга юборилган расмий вакиллар ҳамма вақт “элчи” ва уларнинг ваколати “элчилик” деб юритилган. Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, айрим ҳолларда форсий тилли юртлардан келган давлат

1. Бу ҳақда қаранг: Аббос Иқбол. *Тарихи муъйил аз ҳамле-йе то ташкил доулате Темури. Техрон, 1364 (1945), 22-23 бетлар (форс тилида). Муаллиф Маҳмуд Ялавач билан боғлиқ воқеаларни баён этар экан, “Ялавач” сўзининг туркий калима эканлигини тасдиқлайди ва унинг маъносини форсча “феристанде” - “юборилган”, яъни “элчи” сифатида ишлатилганлигини айтади.*

2. Эдвард Олворт. *Ҳозирги ўзбеклар. Ўн тўртинчи асрдан бугунги кунгача. Маданият тарихи. Станфорд, 1941, 81-бет (киноаудио тилида).*

вакиллари ҳам уларнинг ўзлари томонидан “элчи” деб аталганлар. Бу ҳол қадимий Туркистонда қарор топган “элчи” ва “элчилик” атамаларининг бошқа минтақаларга ҳам тарқалганлигидан далолат беради. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Улардан бири шуки, тарихда ушбу заминда қарор топган ва фаолият кўрсатган кўлгина давлатлар атроф юртлар, шу жумладан, форсий ҳамда арабий тилли мамлакатларни ҳам ўз тасарруфига олган ва узоқ муддат ичида улар ана шу давлатлар сиёсий, иқтисодий ва маданий атамаларининг бир-бирига ўтишига, баъзи ҳолларда эса умумий атамага айланишига шароит туғдирган. Марказий Осиё минтақаси дипломатияси тарихида “элчи” ва “элчилик” атамаларининг ана шундай жараёнларни тасдиқловчи бир омилга айланганлиги кўзга ташланади.

Ўзбек элчилик муносабатларининг маънавий асослари ҳақида гап кетар экан, унинг дастлабки илдизларини Мовароуннаҳр давлатчилигининг илк ёзма манбаси “Авесто”дан қидириш лозим бўлади. Бундан уч минг йил илгари Аму ва Сир дарёлари ҳавзасида вужудга келган ва юксак суғорма деҳқончиликка асосланган қадимги туркий цивилизациядан мужда берувчи ушбу муқаддас китобда бошқа эллар билан мулоқот масалаларининг асл маънавий моҳиятлари - эрк, ўзаро тенглик ва ватанпарварлик каби қадриятларга тааллуқли тушунчалар ўз ифодасини топган. Масалан, Зардушт Хат (нома)ларидан иборат «Авесто»нинг иккинчи китоби - “Ёсин”нинг 14- башоратида худо “Мен эзгу фикр (нийат)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман”, дейди. Зардуштийлик иймонининг ҳаётда фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги каби уч таянчга асослангани таъкидланади. “Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотикларда шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш” иймонлиликнинг кўринишлари сифатида талқин этилади¹. Ана шу яхши сифатлар кундалик ҳаётда, бошқа одамлар ва ҳавмлар билан олиб бориладиган муносабатларда осойишталик ҳамда бахтли ҳаёт кечирish йўлини таъминловчи омил бўлиши уқтирилади.

1. Иброҳим Каримов. *Зардуштийлик ҳақида ҳақиқат. “Мулоқот”, № 11-12, 1992. 26-27-бетлар.*

Мовароуннаҳр сарҳадларидаги халқлар асрлар мобайнида адолатли муносабатлар, ватан ҳимояси, уни бало-қазолардан асраш ғояларини афсонавий шоҳ Афросиёб номи билан боғлиқ кўплаб ривоятларда ривожлантириб келдилар, бу тушунчалар асрлар оша тобора сайқал топиб, тиниқлашиб борди. Тўғри, Афросиёб номи биргина туркий ривоятлар ва кейинроқ унинг ёзма адабиётида ўз аксини топиб қолмай, балки Эрон шоири Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида, ундан кейин форс тилида битилган қатор тарихий асарлар (масалан, “Равзат ус-сафо” каби)да ҳам зикр қилиниб келинди. Форсий адабиётда Афросиёб сиймоси маълум сабабларга кўра салбий тарзда баҳоланиб келинган бўлса, туркий тилли ёзма манбаларда у ниҳоятда улугланганини кўрамиз. Масалан, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида Афросиёб Афридунийнинг Тур исми ўғлининг набираси эканлиги, зўр инсоний хислатларга эга туркий баҳодир шоҳ бўлганлиги тавсиф этилади. “Бу турк беклариндан оти белгулик, тўнга алп эр эрди, қути белгулик”, деб таърифлайди уни Қошғарий. Муаллиф “тўнга” сўзига “ботир, шер, баҳодир, филни ўлдирувчи энг кучли ҳайвон” деган изоҳ беради. Шунинг учун эл оғзига тушган бу қаҳрамонни алп Эртўнга деб атайди. Муаллиф берган маълумотларга қараганда, Афросиёб давлатининг марказий шаҳри “ҳавоси яхши Қошғар” бўлган. Девонда Афросиёбга аталган тўртликларда у ақлли, доно ва моҳир жангчи сифатида таърифланиб, жанглардаги қаҳрамонлиги, душманларга зарба беришдаги маҳорати, баҳодирлигига таҳсин ўқилади ва унинг ўлимига афсус баён қилинади¹.

Дипломатиямизнинг ўзига хос ва умуминсоний қадриятларга монанд тамойиллари буюк туркий обида - “Қутадғу билик” (“Саодатга йўлловчи билим”) асарида ўзининг ҳар томонлама тавсифини топди².

1. Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар девони (Девони луғатит турк), таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов, 1 том. Ўзбекистон ФА нашриёти, Т., 1960. 493-494-бетлар.

2. Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билик” (Саодатга йўлловчи билим). Нашрга тайёрловчи Қаюм Каримов. “Фан”, Тошкент, 1971. Қаюм Каримов бу қадимий туркий обидани ҳозирги замон тилига ўгириб, уни кенг ўқувчилар оммасининг мулкига айлантиришда катта хизмат қилди. Бу билан чегараланмасдан, у ушбу асарга бағишланган кириш қисмида уни атрофлича тадқиқ ҳам этган.

Маълумки, бу ёдгорлик туркий халқлар тарихини, ижтимоий-сиёсий тузумини ўрганиш учун ашёвий далилларга ниҳоятда бой бўлиб, унда ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, илм-маърифат, турли ижтимоий табақалар ўртасидаги муносабат-муомала тамойиллари ҳақида баҳс этилади, давлатни идора қилиш усуллари, ўз даври ҳаёти қадриятлари силсиласи баён қилинади.

Бу асар XI асрда, қорахонийлар салтанатининг ғоят юксаликка кўтарилган даврида яратилди. Бу давлат Юқори Чиндан Каспий денгизи қирғоқларигача бўлган катта сарҳадларда қарор топган бўлиб, унинг пойтахти Қошғар (Ўрдукент) саналарди. Бу даврда туркий қавмлар орасида илм-маърифат, маданият ривожланди, кўплаб илмий-фалсафий асарлар яратилди. Бундай катта давлатни идора қилиш осон иш эмас эди. Ундаги халқларни маънавий жипслаштириш, ҳаётий зарур қонун-қоидаларни яратиш, бошқарув услуби тамойилларини ишлаб чиқиш, атроф элатлар, мамлакатлар ва давлатлар билан олиб борилиши зарур бўлган дипломатик алоқалар асосини яратиш иши ҳал этилиши ғоят муҳим бўлган вазифалардан бирита айланди. Ана шу ҳаётий талабнинг инъикоси сифатида давлатни идора қилиш усули, сиёсати, қонун-қоидалари, шунингдек, халқнинг расм-одатларини, ахлоқ тамойилларини ўзида мужассамлаштирган “Қутадғу билик” майдонга келди.

“Қутадғу билик” мундарижаси ўзига хос ҳолда тузилган бўлиб, ундаги воқеа-ҳодисалар, орзу тимсоли бўлган тўрт қаҳрамон: Кунтуғди (чиққан кун) - адолат, Ойтўлди (тўлган ой) - бахт ва давлат, Ўғдулмиш (ақлга тўлган) - ақл, Ўзгурмиш (уйғонган) - қаноатлар ўртасидаги савол-жавоб, мунозаралар тарзида баён этилади. Бу баҳс асносида оддий халқдан тортиб қорахонийлар салтанатининг олий ҳокими - элигача бўлган оралиқдаги барча табақа ва тоифаларнинг ахлоқ, одоб, хатти-ҳаракат, ўзаро муносабат чегаралари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ўртага ташланади ва бу соҳаларга оид муаммоларнинг ечимлари тўғрисида сўз юритилади. Панд-насиҳат, таълим-тарбия руҳи билан суғорилган ушбу асар туркий давлатчилик тарихи тараққиётида ўз таъсири жиҳатидан энг буюк чўққи ҳисобланади. У ўз замондошлари ва кейинги авлодлар томонидан ақл ва ҳикмат чироғи сифатида эътироф этилди.

Ҳикматлар қомуси бўлган ушбу асарнинг муаллифи Юсуф Боласоғунда¹ таваллуд топган бўлиб, у ўз асарини эллик ёшида китобат қилган. Асар биттач, Юсуф Боласоғуний уни Товғачхон хузурига келтиради. Бу тахминан 1070 йилда содир бўлади. Хон ушбу бебаҳо асар муаллифига ўз ўрдасида Хос Ҳожиблик - эшик оғаси лавозимини беради. Шунинг учун ҳам “Қутадғу билик” асарининг муаллифи номи Юсуф Хос Ҳожиб Боласоғуний деб юритилади.

“Қутадғу билик” тез орада машҳур бўлиб кетади. Унинг шуҳрати қорахонийлар сарҳадларидан чиқиб, узоқ хорижий давлатларгача тарқалади. Унга чинликлар “Одоб ул-мулук”, мочинликлар - “Амин ул-мамлакат”, Шарқ элининг улуғлари - “Зийнат ул-умаро”, эронликлар - “Шоҳномаи туркий”, баъзилар “Пандномаи мулук” деб ном берганлар². Бу асарнинг яна бир буюк жиҳати шундаки, унда ҳеч қайси халқ, элат ва қавм пастга урилмайди, билъақс унда барчага ҳурмат-эҳтиром ва тенглик назари билан қараш тарғиб этилгандир.

Ҳаётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, “Қутадғу билик”да дипломатия соҳасида шундай фикр-мулоҳазалар баён этилганки, уларнинг ҳар бири нафақат ўз даври, балки ҳозирги кун амалиёти учун ҳам беқиёс аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга, кўзга ташланадиган муҳим томонларидан бири шуки, асарда қадим замонлардан буён то муаллиф яшаган давргача, яъни XI асргача бу соҳада яратилган ва амал қилиниб келинган қадриятлар ҳам ўз аксини топган. Бу эса туркий (ўзбек) дипломатияси тарихининг умум давлатчилик тарихимизнинг бир қисми сифатида узлуксиз давом этганлиги ва асрлар оша бойиб борганлигидан далолат беради.

Юсуф Хос Ҳожиб ўз асарида халқлар ва давлатлар орасидаги яхши муносабатларни жорий этишда элчилик алоқаларини изчил суратда амалга ошириб бориш, бу масалага бўлган эътиборни сира сусайтирмаслик давлатчилик сиёсатида катта

1. Чу водийсидаги (XI-XIV аср) йирик шаҳар. У XI-XII асрнинг биринчи ярмигача қорахонийлар ва XII асрнинг иккинчи ярмида қорахитойлар империясининг пойтахти бўлган. Мўғуллар истилосидан кейин бу шаҳар Гўбалиқ (“Яхши Шаҳар”) деб аталган. XVI асрга келиб ўзаро урушлар натижасида у вайронага айланиб қолган. (Бартольд В.В. Баласағун. Соч., Т. 3, М., 1965. с. 265).

2. Юсуф Хос Ҳожиб. Кириш қисми, 14-бет.

аҳамиятга моликлигини уқтириш билан бирга, элчиларни танлаш, уларнинг шахсиятига нисбатан ғоят катта масъулият билан ёндашиш лозимлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Элчилар қадим замонлардан буён ҳамиша қийин ва шарафли вазифаларни адо этиб келганликлари, улар ҳар вақт катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлганликларини айтади. Бу ҳақда фикр юритар экан:

*“Худонинг қуллари орасида энг сайланганлари,
Кишиларнинг яхшиси - элчилар бўлганлар,
Турли хил ишлар элчилар туфайлигина битади,
Хайрли ишлар элчи туфайли содир бўлади”, -
деб хитоб қилади муаллиф¹.*

Ўз китобининг махсус бобини Юсуф Хос Ҳожиб дипломатия, яъни элчилик масалаларига бағишлаган. “Ўғдулмиш элигга элчи қилиб юборишга қандай киши керагини айтади” деб номланган ана шу бобда муаллиф элчилик муносабатларининг маънавий жиҳатларини, бу йўлда хизмат қиладиган кишиларнинг қандай хислатларга эга бўлиши лозимлигини бирма-бир чизиб беради. “Тамоми кишилардан сараси элчи (бўлиши) керак, билимли, заковатли, жуда етук (бўлиши) керак”, дейди у². Демак, ҳукмдорлар маълум топшириқ билан хорижга йўллайдиган вакилдан, авваламбор юксак, “сара” инсоний хислатларга эга бўлиш, бунинг устига, ўз замонасининг илм-маърифатидан хабардор, зукко шахс бўлмоқлик талаб этилган. Шу билан бирга, муаллиф элчиликка белгиланган киши ўз ватани, давлати ва ҳукмдорига садоқатли ҳамда ишончли шахс бўлиши лозимлигига алоҳида эътибор беради. Зотан, садоқатли ёки ватанпарвар бўлмаган вакилдан ҳар қандай ножўя хатти-ҳаракатларни кутиш мумкин. Айни вақтда, Юсуф Хос Ҳожиб элчиларни “кўзи тўқ” кишилардан тайинлаш, очкўз ва молдунёга ҳирс қўйганларни хорижий алоқа билан боғлиқ ишларга яқинлаштирмасликни маслаҳат беради. Унинг таъбирича, элчи: “Садоқатли ҳамда кўзи тўқ (бўлиши) керак, тўғри (бўлиши) керак.”³

-
1. *Ўша асар, 419-бет.*
 2. *Ўша жойда.*
 3. *Ўша асар, 421-бет.*

Юсуф Хос Ҳожиб элчиликка тайинланадиган кишилар иродали, маишатга берилмаган бўлишларини алоҳида таъкидлайди. Бу ҳақда фикр юритар экан, у шундай ёзади: “(Элчи) кайфли ичимлик ичмайдиган, ўзини тутган (бўлиши) керак, ўзини тутувчи киши кутга қувват бўлади. Билимли ичимлик ичса, билимсиз бўлади. Билимсиз маст бўлса, бошқа нима қилади”¹.

Элчиларга хос хислатлар ҳақида сўзлар экан, муаллиф ҳатто унинг ташқи кўриниши, турқи-тароватига ҳам эътибор бериш лозимлигини кўрсатади ва бу масаланинг гоъят катта аҳамиятга моликлигига ишора қилади. Буни у қуйидагича таърифлайди:

*“Юз кўрки чиройли бўлиши керак ҳамда
бўйи (яъни қадди-қомати),
Келишган бўлса, қадди-қомати келишган
(киши) одамлар орасида яхши бўлади!”².*

Юсуф Хос Ҳожиб ўз давлатининг вакили сифатида ўзга юртларга юборилишга лойиқ топилган кимсалар ана шу хислатлар билан бир қаторда, доно ва ширинсўз, нотик бўлишлари ҳам керак, деб ҳисоблайди. Унинг ёзишича:

*“Тили ширин ҳам(да) кўнгли очиқ (бўлиши) керак,
Сўзи ёқимли ҳам(да) жуда ақлли (бўлиши) керак.
Тили ширин киши ёқимли бўлади,
Сўзи ёқимли бўлса, кишининг иш(лар)и манзур бўлади,
Сўзи юмшоқ, шакардек ширин бўлса,
Ширин сўзга улуғ ҳам, кичик ҳам юмшайди.
Элчининг иши мутлоқ сўз(лар)дан иборат
(яъни сўзлар орқали битади),
Сўзи яхши бўлса, (у) тилагини топади”³.*

Умуман олганда, Юсуф Хос Ҳожиб даҳоси билан юзага келган ушбу қомусий асарда ана шу тарзда бундан қарийб минг йил олдин туркий дипломатиянинг ўзига хос қонун-қоидалари чизиб кўрсатилган. Юқорида таъкидланганидек, бу борада ушбу асарда баён этилган фикр-мулоҳазалар биргина муаллиф яшаган даврнинггина маҳсули бўлмасдан, балки уларга туркий дипломатиясига хос маънавий хислатларнинг муаллиф яшаган замонгача ўтган неча асрлар мобайнида ривожланиб келган

1. *Уша асар, 425-бет.*
2. *Уша асар, 427-бет.*
3. *Уша жойда.*

якуни сифатида ҳам қаралмоғи лозим бўлади. Худди шунингдек, “Қутадғу билик”да тавсифланган элчилик ҳақидаги мулоҳазалар сўнгги асрлардаги ўзбек давлатчилиги дипломатиясининг янада такомиллашуви учун ҳам дастуриламал вазифасини ўтаб келди.

Бу вақтда давлатчилик масалаларига бағишланган битиклар ичида XI асрда ёзилган яна бир асар - “Сиёсатнома” ҳам диққатга сазовордир. Давлатни бошқариш усуллари ва сир-асрорлари тавсифидан иборат ушбу асар илк ўрта асрларда Марказий Осиёда фаолият кўрсатган қудратли давлатлардан бири - Салжуқийлар ҳукмронлигига бағишланган. Араб халифалигининг ожизланиши натижасида қад кўтарган туркий давлатлардан бири - Салжуқийлар империяси ўғуз турклари ёки туркманларга нисбат берилади. Бу давлат Ўрта Осиёнинг ғарби - жанубий қисмларидан Сурия ва Фаластингача бўлган сарҳадларни ўз ичига олган. В.В. Бартольднинг таърифича, илк ўрта асрларда ташкил топган туркий давлатлар ичида салжуқийлар империяси мусулмон дунёсида энг катта аҳамиятга молик давлат бўлган. Бу давлат ҳукмдорлари ер эгаллигида шарқда янгилик бўлган “икта” тизимини жорий этишган. “Сиёсатнома” муаллифи Низомулмулк ана шу давлат гуркираган пайтда ҳукмронлик қилган султонлар - Алп Арслон (1063-1072) ва Малик шоҳ (1072-1092) даврларида вазирлик лавозимида фаолият кўрсатган. У салжуқийлар давлатида исмоилий асосинлар тариқатининг ёйилишига қарши курашган. Шунинг учун ҳам 1092 йилда ана шу тариқат тарафдорлари томонидан ўлдирилади. Айрим маълумотларга қараганда, унинг китоби муаллиф вафоти туфайли тамомланмай қолган ва у XII аср бошларида бошиқа бир муаллиф томонидан тўлдирилиб, бир бутун асар ҳолига келтирилган. Ҳар ҳолда шарқшунослик фанида ушбу асар Низомулмулкка нисбат берилиб келинади. У ҳақиқатан ҳам давлатчилик муаммоларига бағишланган ўша даврдаги шу тахлитдаги битиклар ичида ўз мазмуни ва аниқ масалаларни ўртага ташлаганлиги билан ажралиб туради. Бу асар илк ўрта асрларнинг муҳим ёзма манбалари қаторида кўп тилларга таржима қилинган. Унинг асли форс тилида битилган.

Эллик бир бобдан иборат ушбу асарда давлатни бошқариш билан боғлиқ жуда муҳим масалалар ўртага ташланган. Унда ҳукмдорнинг адолат юзасидан олиб бориши лозим бўлган сиёсати мезонларидан тортиб, қози, раис, хатиб, мухтасиблар,

ҳатто хизматкорлар ва чопарларнинг вазифалари хусусида, ҳарбий кучларга муносабат, ҳукмдор хизматидагиларни инъомлаш, рутбаларнинг аҳамияти ва бошқалар ҳақида эътиборга молик фикр-мулоҳазалар баён этилган. Ўз асарининг махсус бир бобини Низомулмулк элчилик борди-келдилари, яъни давлатнинг ташқи муносабатларини ташкил этиш масалаларига бағишлаган. Бу боб “Элчилар ва уларнинг хизматлари ҳақида” деб номланган. Муаллиф элчилик алоқаларига ҳамма вақт катта аҳамият бериш лозимлигини, ташқи сиёсат ҳар бир давлатнинг диққат марказида бўлишини алоҳида таъкидлайди. Унинг ёзишича, бу соҳада эришилган ютуқлар мамлакат қудратини мустаҳкамлайди, ҳукмдор обрў-эътиборини юксакликка кўтарди, йўл қўйилган хатолар эса кутилмаган салбий оқибатларга олиб келади. “Ҳукмдорлар, - деб ёзади Низомулмулк, - бир-бирларига нисбатан катта ҳурматда бўлиб келганлар, элчиларни эъозлаганлар, бу уларнинг мартабалари ва эътиборларининг ошишига имкон яратган. Ҳатто ўзаро душманлик зоҳир бўлган пайтларда ҳам элчиларга нисбатан одатдаги яхши муомалани бўлинган, чунки тескариси номанъқулдир”.

Муаллиф ўз китобининг элчилик муносабатларига бағишланган ушбу бобида шу масалага оид жуда кўп тафсилотларни, ҳатто хориждан келган элчиларни қабул қилганида ўзи йўл қўйган хато-камчиликларни ва унинг оқибатларини тавсифлаб, ҳукмдорларга, умуман, бу соҳа хизматида тааллуқли барча вазифадорларга ташқи алоқалар билан боғлиқ ҳар бир воқеага гоյат эҳтиёткорлик ва синчковлик билан ёндашиш лозимлигини уқтиради. Шу билан бирга, у хорижий давлатларга элчи сифатида юборилишга мўлжалланган кишилар қандай хусусиятларга эга бўлишини ҳам бирма-бир кўрсатишга ҳаракат қилади. “Элчиликка лойиқ кўрилган кимса, - деб ёзади муаллиф, - давлатпаноҳ хизматидагилардан танланмоғи лозим. У даврада бўшанг ва тортинчоқ бўлмаслиги, аммо ҳаддан зиёд сергап ҳам бўлмаслиги керак. Айни вақтда у кўп саёҳат қилган, ҳар бир илм соҳасидан маълум даражада хабардор, хотира қуввати кучли, эҳтиёткор, ўз қадрини билувчи ва кўркам кўринишли

1. Сиасет-наме. Книга о правлении вазира XI столетия Низам аль-Мулька. (Перевод, введение в изучение памятника, примечания проф. Б.Н. Заходера) Изд-во Академии наук, Москва-Ленинград, 1949. с. 101.

киши бўлмоғи лозим. Бунинг устига, у олим ва улуғ ёшли бўлса, яна ҳам яхши. Агар элчи сифатида нодим юборилса, кўпроқ ишончли бўлади. Мабодо бу вазифага шижоатли ва ботир ҳамда суворийликда моҳир киши тайинланса янада яхши. Чунки у борган жойида мамлакатимиздаги барча фуқароларнинг ўзига ўхшашлигини намойиш этади. Элчи пайғамбар авлодидан бўлса - бу ҳам яхши. Чунки у ўз насаби ва келиб чиқиши биланоқ катта ҳурматга сазовор бўлади”¹. Элчилик алоқаларига бағишланган бобни муаллиф қуйидаги сўзлар билан якунлайди: “Элчи ҳукмдорнинг феъл-атвори ва ақл-заковатини ўзида акс эттирадиган шахсдир”².

Шунингдек, дипломатияга оид масалалар салжуқийлар империясидан ажралиб чиққан Хоразмшоҳлар - ануштегинлар (1097-1231) салтанатига бағишланган қатор тарихий манбаларда ҳам у ёки бу тарзда ўз ифодасини топган. Масалан, шундай асарлардан бири - Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангубердиннинг ҳаёти”³ китобида бир қанча ибратли лавҳалар келтирилганки, улар XIII асрнинг биринчи ярмидаги ғоят мураккаб тарихий шароитларда дипломатиямиз тарихида намоён бўлган нодир ва ибратли воқеликлар ҳақида тасаввур беради. Мўғуллар истилоси туфайли тарих саҳнасидан тушиб кетган улкан давлат - Хоразмшоҳлар империясининг сўнгги султони Жалолиддин Мангубердиннинг котиби томонидан битилган ушбу китобда умуман Марказий Осиёдаги ўша давр давлатлараро муносабатларининг кўлгина қирралари ғоят катта моҳирлик билан тасвирланган.

Буюк Амир Темурнинг жаҳон сиёсат майдонига чиқиши билан бошланган маданий ренессанс туфайли Ўрта Осиёда ўша пайтгача тарихимизда мисли кўрилмаган даражада улкан ўзгаришлар юз берди. Бу жараён сиёсий воқеалар тавсифига бағишланган юзлаб тарихий асарларнинг вужудга келишида ҳам ўз ифодасини топди. Амир Темурнинг қутлуғ назари тушган Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”си ва ундан кейин битилган Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарлари

1. *Ўша асар, 104-бет.*

2. *Ўша жойда.*

3. *Ан-Насави Муҳаммад. Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурну. (Пер. с араб. З.М. Буниятова) Баку, 1973.*

каби битикларда бошқа тарихий воқеалар қаторида Соҳибқирон амалга оширган дипломатия соҳасидаги алоқаларига ҳам катта ўрин берилган. Бу даврдаги ўзбек дипломатияси тамойиллари учун буюк ҳукмдор ўз “Тузуки Темурий”ида баён этган фикр-мулоҳазалари ҳамда йўл-йўриқлари асос бўлган. Маълумки, бу асарда Соҳибқироннинг жамиятга, ижтимоий-сиёсий ҳаётга қарашлари, у вужудга келтирган улкан империянинг сиёсий ва ахлоқий принциплари ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, ушбу нодир асар автобиографик сажияга ҳам эгадир. Темуршунос олимларнинг фикрича, “Тузуки Темурий” Амир Темур томонидан давлатни идора қилиш мажмуи сифатида битилган (ёки оғзаки тарзда муншийларга айтиб ёздирилган) бўлиб, унинг ворислари учун дастуриламал вазифасини ўташи лозим бўлган. Бу асар Амир Темурдан анча кейинроқ форс тилидаги таржима - нусха орқали дунёга тарқалган. Ваҳоланки, унинг асли туркийда ёзилганлигини кўпчилик мутахассислар таъкидлаб келмоқдалар. У XIX асрда Хива ва Қўқон хонликларида ўзбекчага ўгирилган. Қўқон хони Муҳаммад Алихоннинг топшириғи билан ушбу асарни ўзбек тилига таржима қилган Хўжад қозиси Набижон Маҳмуд ўз таржимасининг кириш қисмида ушбу асарнинг аслида туркийда яратилганлигини қайд этгани ҳолда, хон тилидан унинг ҳукмдорлар учун нақадар катта аҳамият касб этиб келганлиги тўғрисида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Бир нусха кутуб ичра бор эрдиким, жаддий бузруквори Ҳазрати Амир Кабир ал-муштаҳар билвиқоёе ва асотир, умдатан ҳавоқин-иззамон Амир Темур Кўрагон ўз аҳвол ва атвор, юриш ва қўнуш, мусолоҳа ва муҳориба воқеотини туркий луғот бирла ёзиб эрди ва анинг бир кимса иқтизои вақт ила форсий тақририга оид қилиб эрди. Ул нусхаи форсийнинг ҳазрати шаҳриёрий маънишикор манзур ва малҳуз айлагач, буюрдиким, “Жаддий бузрукворим Амир Темур Кўрагон воқеатидин агарчи салотин ибрат олиб ҳукумат ва тасҳир муомаласин ўрганурлар, баҳодир ва сипоҳ ҳам вафодорлик ва хизматгузорлик русумини андин таълим олғусидур. Муносиб кўринурки, бу нусха яна туркий тақрирға рожеъ бўлғай. Такаллуфсиз ва истеъмоли алфози латифа ва гарива

бўлмагай, балки асвоқ ва навоҳи аҳлининг муқоварасига мувофиқ келгай. Тоқим барча баҳодир ва сипоҳга маҳфҳум бўлгай”¹.

Дарҳақиқат, ушбу нодир асар ҳукмдорларга бошқарув йўл-йўриглари кўрсатувчи тенги йўқ даражадаги бир насиҳатнома ёки ибратномадир. Ундан кейинги шоҳ ва хонлар томонидан бу мавзуда битилган қатор асарлар (масалан, машҳур “Бобурнома”, “Тарихи Рашидий”, “Ҳумоюннома” каби) шу буюк даҳо китобининг бевосита таъсири остида пайдо бўлгандир. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, “Тузуки Темурий”нинг ўзида кўп жиҳатдан қадимий туркий битикларда, масалан, “Қутадғу билик”да баён этилган давлатни идора қилиш усуллари, дўсту душман билан олиб бориладиган муносабатлар мезонлари, оқилу фозилларга таяниб иш кўриш зарурияти каби фикр-мулоҳазаларга таянилганлиги ва улар янада такомиллаштирилганлиги кўзга ташланади. Демак, давлатчилигимиз соҳасига оид қадимий битикларда ўз аксини топган масалалар асарлар оша янада сайқаллашиб борган, улар маълум шароит ва замон талабларига мослаштирилган ҳолда ривожлантириб келинган.

Бундан кейинги даврларда фаолият кўрсатган давлатчилигимизнинг турли босқичларида ёзилган қатор тарихий-дидактик асарларда ҳам ўзбек дипломатиясига хос услуб ва маънавий асослар янада тараққий топди ва бу соҳага оид масалаларга аниқликлар киритилди. Бу ерда биз бундай асарларнинг ҳар бири устида тўхталиб ўтириш имконига эга эмасмиз. Уларни қиёсий ўрганиш ва бу соҳадаги илмнинг тадрижий тараққиётини таҳлил этиш масаласи махсус мавзудир. Шунинг учун ҳам бу ерда ана шундай асарлардан бири - Ҳожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” асаридаги дипломатия масалаларининг турли қирраларига бағишланган саҳифаларидан бир-икки мисол келтириш билан чекланамиз.

Бу асар XVII асрдаги Бухоро ҳукмдори Субхонқули Муҳаммад Баҳодирхонга (1680-1702) бағишланган бўлиб, муаллиф

1. *Амир Темур Кўрагон. Тузуки Темурий. (Араб алифбосидан кирилл алифбосига ўгириш, сўзбоши, луғат ва изоҳ муаллифлари: Ҳ. Бобобекоев, Ҳ. Бобоев, А. Қуронбеков) Тош., 1999. 13-14-бетлар.*

уни “Дастур ул-мулук” - “Подшоҳларга қўлланма” деб номлаган¹. Муаллиф ўз замонасининг буюк адиб, тарихнавис ва шоирларидан бири бўлган. Катта салоҳият эгаси Хожа Самандар ўз асарини нафақат унгача яратилган ва панд-насиҳат услубида битилган асарлардан, балки шахсий тажрибасида учраган воқеликлардан ҳам таъсирланиб ёзган кўринади. Чунки бу ҳар томонлама етук аллома Жонийлар сулоласидан бўлган Бухоро хонлари - Абдулазизхон (1645-1680) ва Субҳонқулихон ҳукмронлиги давларида ўз бошидан жуда кўп воқеаларни кечирган ва уларнинг бевосита иштирокчиси ҳамда гувоҳи бўлган. Масалан, Абдулазизхон вақтида Бухоро сарҳадларига бостириб келган хоразмликларга қарши ташкил этилган юришда қатнашган, Субҳонқулихоннинг 1685, 1693 ва 1695 йилларда Балх вилоятига уюштирган ҳарбий тadbирларининг бевосита иштирокчиси бўлган. Унинг шахсий ҳаётида рўй берган воқеалар ичида бизнинг мавзу учун энг муҳими шуки, Хожа Самандар Субҳонқулихонга қарши бош кўтарган Самарқанд ҳокими Хожа Қули ҳузурига икки марта элчи сифатида юборилади ва у ерда Бухоро хони номидан ўзаро келишмовчиликни бартараф этиш юзасидан музокаралар олиб боради². Демак, ўз асарида элчилик масалаларига алоҳида эътибор берган адибнинг ўзи бевосита дипломатик амалиёт билан ҳам шуғулланган.

Хожа Самандар ташқи муносабатларни яхшилашда, бошқа мамлакатлар билан алоқалар даражасининг замирида элчилик ғоят катта, айрим ҳолларда ҳал қилувчи аҳамиятга моликлигини алоҳида таъкидлайди. Шунинг учун ҳам элчининг даставвал ўз ватанининг садоқатли фарзанди, яъни ватанпарвар бўлиши, ўз ҳукмдори ва мамлакатининг шон-шавкати учун жонини фидо этишга ҳамиша тайёр туриши лозимлигини уқтириб ўтади.

1. *Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук (Подшоҳларга қўлланма). Жаббор Эсонов таржимаси, Гафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. Т., 1997. Бу асар ўз вақтида рус тилига таржима қилиниб, Москвада чоп этилган эди. Қаранг: Ходжа Самандар Термези. Дастур аль-мулук (Назидания государям). Перевод с персидского, предисловие, примечания и указатели М.А. Салахетдиновой. Изд-во “Наука”. Главная редакция восточной литературы, М., 1971.*

Биз бу ерда ҳар иккала нашрдан ҳам фойдаландик.

2. *Ходжа Самандар Термези. Дастур аль-мулук (Назидание государям). с. 17.*

“Азизим, - деб ёзади у, - элчи икки масалада ниҳоят ҳушёр бўлиши зарур. У ўз подшоҳига содиқлигини ифодалаш учун мамлакатининг номуси, шон-шухратини, салтанатининг улугворлигини эҳтиёт қилиши, шунинг билан бирга, душман билан бўлган муносабатида унинг макр-ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва ҳушёр бўлиши лозим”¹.

“Дастур ул-мулук”да ҳам, худди “Қутадғу билик”да бўлганидек, элчиликка юборилаётган шахснинг ақли расо, тили, яъни нутқи равон ва гўзал бўлишига, у очиқ юзли ва ёқимли хулқ-атвор соҳиби бўлмоқлигига алоҳида эътибор берилади. “Азизим, элчи ўтқир, ялтироқ шамширға монанд тилдан чаққонлик ва моҳирлик билан фойдаланиши лозим, -деб хитоб қилади Хожа Самандар. - Аммо унинг очиқ юзли, гўзал муомаласи бирон-бир мурасага келиш ёки сулҳ тузиш пайтида мулойим, ёқимли нутқидан таралиб, сўз жавҳарларидан билиниб турсин. Агар у ўз нутқининг аввалида дағал, кўрс, кескин сўзлар борлигини сезса, бундай сўзларни юмшоқлик қайчиси билан кесиб ташлаши лозим. Элчи нутқининг бошланишида дўқ-пўписи тарзидаги сўзларни айтган бўлса, гапнинг хотимасини яхши, ёқимли муносабатларни, меҳрибонликни англатадиган сўзлар билан тугатиши керак»².

Айни вақтда бу асарда ҳар бир мамлакат ва эл билан бўлган муносабатлар даражасини белгилайдиган омилларни, бу йўлдаги мақсад ва вазифаларни, аниқ режалаштириш ва ҳар вақт буни атрофлича тушунтириш, яъни элчини унга юклатилган вазифадан ҳар томонлама хабардор этишга катта эътибор бериш лозимлиги таъкидланади. Дарҳақиқат, ўз ваколати даражаси ва зиммасига юклатилган вазифадан яхши огоҳ бўлмаган элчилик натижасидан қутлуғ мужда кутиб бўлмайди. “Азизим, - дея ҳукмдорга мурожаат қилади Хожа Самандар, - элчини бирор жойга жўнатишда ниҳоят катта эътибор ва аҳамият бергин, унга сафар моҳияти ва мазмунини чуқур тушунтир. Чунки элчи подшоҳнинг тилидир”³.

1. Хожа Самандар Термизий. Дастур ул-мулук (Подшоҳларга қўлланма). 80-бет.

2. Уша асар, 80-бет.

3. Уша асар, 81-бет.

Хожа Самандарнинг элчилик ва элчилар ҳақидаги ғоят теран мулоҳазаларидан яна бири шуки, муаллиф ҳукмдорларни тарихий ўтмишда дипломатия соҳасида юз берган хатоларни такрорлашдан йироқ бўлиш, элчилар танлашда ғоят эҳтиёткорлик билан иш кўриш, бу ишга белгиланган шахслар билан узи уртасидаги муносабатлар даражасига алоҳида эътибор бериш, уларнинг садоқатини синаб кўриш каби қатор масалаларга ҳар вақт катта эътибор бериш лозимлигига қаратишга ҳаракат қилади. У дипломатия тарихи тажрибасидан, эҳтимол, мўғул истилоси давридаги воқеалардан келиб чиққан ҳолда, бу масалада қуйидагиларни таъкидлайди: “Азизим, тўрт тоифа одамни элчи сифатида юбормаслик тажрибада исботланган. Биринчиси - подшоҳдан жафо кўрган, иккинчиси - мол-мулки, ҳурмат-иззати подшоҳ ғазаби шамоли билан соғурилган, учинчиси - ўз амалидан ҳайдалган, тўртинчиси - подшоҳнинг зарари ҳисобидан ўз манфаатини кўзлаган, яъни давлат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйган кишиларни давлат элчилари қилиб юбориш ақлдан узоқдир. Зеро, тажрибадан шу нарса маълумки, зеб-зийнатдан, обрў-эътиборидан жудо бўлган одамнинг қалбига алам-изтироб тиканаги қалалган бўлади. Шу боис бундай киши душманнинг куч-қуввати ва шавкати ўз давлатининг куч-қувватига нисбатан устун, ортиқ деб ҳисоблаб, шундай бир пайтда фурсат топиб, қалбида яшириниб ётган адоватни юзага чиқариб, подшоҳга хиёнат қилиш йўлига кириб, унга қарши фитна уюштириши мумкин”¹.

Бундан кейинги йилларда битилган турли тарздаги қатор тарихий асарларда ҳам юртимиз элчилик муносабатларининг ўзига хос хусусиятлари, элчиларга топширилган вазифаларнинг бажарилиш мезонлари, элчиларнинг шахсий хусусиятларининг мамлакатлараро муносабатларга кўрсатган таъсири каби жуда кўплаб масалалар баёнига дуч келамиз. Уларнинг асосий қисми бу соҳага оид айрим воқеа-ҳодисаларнинг тафсилоти тарзида берилган бўлсада, аммо ҳар бир айрим ҳолнинг замирида юқорида зикр қилинган назарий пандларга таянилганлиги сезилиб туради. Масалан, бухоролик Салимий ўзининг “Кашкули Салимий” китобида амир Насрулло (у 1827 йилда тахтга ўтирган) даврида элчиликка тайинланган икки шахснинг

1. *Ўша асар, 81-бет.*

бир- бирдан фарқини, улардан биттаси ўзининг чекланганлиги ва сўзга уста бўлмаганлиги туфайли Эрон ва Бухоро ўртасига совуқлик тушириши мумкин бўлган ҳолатга тушганлигини, иккинчиси эса зукколиги туфайли бундай мушкул аҳволдан жуда усталик билан чиқиб кетганлигини ҳикоя қилади. “Саййид Амир Насрулло подшо бўлганидан кейин, - деб ёзади у, - узоқ ва яқин подшоҳларга элчилар юбориб, ўзининг салтанат тахтига ўтирганини хабар қилди. Шу жумладан, Қобулбек Бий Қирқ Эрон подшоси Муҳаммадшоҳ Қожорга, ўн кундан сўнг Болтақулбек Чигатойбеги Қирқ Туркия султони Абдулмажид халифага элчи қилиб тайинланди”¹. Қобулбек Бий Эрон шоҳи билан учрашди. Аммо шоҳ Бухоро элчисини яхши қабул қилмайди, унинг мамлакатига нисбатан бўлган адоватини тўкиб солади.

Юқоридаги манбада зикр этилишича, Муҳаммадшоҳ Қожор элчига: “Бухоро халқи Эрон фуқароларини ўғирлаб сотиб тирикчилик ўтказадилар - у, бунинг устига шарм-ҳаё қилмасдан, подшоҳларга элчилар ҳам юборадилар”, дейди. Қобулбек Бий эса бунга жавоб тополмасдан сукут қилади.² Бу ерда гап ўша даврда Туркистонда мавжуд бўлган қуллар ва қул савдоси ҳақида боради. Қулларнинг асосий қисми Эроннинг шимоли-шарқий сарҳадларига уюштирилган “оломонлар” чопқини натижасида асир сифатида келтирилган шиалардан иборат бўлган. Бу масала ўз вақтида Эрон билан Туркистон хонликлари дипломатик алоқаларидаги музокараларнинг асосини ташкил этган. Бу парчада Эрон шоҳининг ана шу ҳолга шама қилиб, Бухоро элчисини мулзам этганлиги кўрсатилган. Афсуски, Бухоро элчиси бунга қарши бирор сўз дея олмайди, тўғрироғи, унинг ақл-фаросати камлиги ана шундай қалтис вазиятдан чиқиб кетишга имкон бермайди. Аммо орадан бир ҳафта ўтгач, Болтақулбек Чигатойбеги Туркияга Эрон орқали сафарга чиқиб, қабул қилинган таомилга кўра, бу мамлакат подшоҳига ҳам (гарчи унга махсус элчи юборилган бўлса-да) ўз ҳукмдорининг ҳурмат-эътиборини изҳор қилгани Тەҳронда тўхтаб, совға-саломлар билан Насриддиншоҳ ҳузурига киргани

1. Кашкули Салимий ва Тарихи мутақаддимин ва мутахайирин. Тошкент, 1912. 268-269-бетлар (форс тилида).

2. Ўша жойда.

ҳикоя қилинади. Шоҳ унга ҳам юқоридаги сўзлар билан муружаат қилади. Салимийнинг ёзишича, Чигатойбеги бу мушкул ҳолатдан донолик билан қутула олади ва ҳатто шоҳнинг этиборига ҳам муяссар бўлади. У шундай ёзади: “Шаҳаншоҳнинг ўзларига маълумки, - деб жавоб беради Чигатойбеги, - қадим замонлардан буён Бухоро подшоҳлари кўпгина мамлакатларга ҳукмрон бўлиб, ном чиқарганлар. Бу борада ҳеч кимда шакшубҳа бўлмаса керак. Бухоро билан Эрон ўртасида туркман жамоаси борки, у на Бухоро, на Эронга тобедир. Улар ўзбошимчалик билан бебошлик қилиб, Эрон фуқароларини қўлга тушириб ўғирлаб олиб борадилар. Бухоро халқи диндорлик ваҳидан, мурувват ва шафқат йўли билан уларни маълум баҳода сотиб олиб, ўз уй ичи ва уйдан ташқари юмушларини уларга топширадилар. Оз фурсатда озод бўлиб, Бухоро халқининг яхшилиги сабабидан у ерда уй-жойлик, бола-чақалик ва молдунёлик бўладилар. Подшоҳ хизматида юқори мансаблар эгаллаб Эрон вилоятини унутадилар”. Салимийнинг таъкидлашича, Насриддиншоҳ бу жавобдан қаноатланиб, “Сен ўз жавобинг билан мени хурсанд ва хотиржам қилдинг» деб, пул, махсус сарпо ва кўк от инъом қилиб, меҳрибонлик кўрсатади. Бир неча кун зиёфат қилиб, одам қўшиб Станбул чегарасигача кузатиб қўяди”.¹ Бу парчаларда “Кутадғу билик” да таърифланган элчига хос донолик хусусиятларининг намоён бўлиши икки давлат ўртасидаги англашилмовчилик ғови вақтинча бўлсада орадан кўтарилишига сабаб бўлади.

Умуман, Туркистон сарҳадларидаги давлатлар ўз элчилик муносабатларида ҳар вақт юқорида таъкидланган асосий қонунқоидаларга риоя қилиб келган. Бундай воқеаларга ғоятда бой ўтмишимиздан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Буни шундан ҳам билса бўладики, бу заминдан бошқа мамлакатларга юборилган элчилар асосан ўз юртларига ўта содиқ, сотқинлик нималигини билмайдиган, лозим бўлганда ўз ватани учун жон фидо қилишга ҳамиша тайёр шахслар бўлган. Чунки ҳукмдорлар Туркистонда азалдан ўрнатилган тартиб-қоидаларга қаттиқ риоя қилганлар, чет эллар билан бўлган ўз муносабатларини амалга оширувчи шахсларни танлаш ишига катта эҳтиёткорлик билан

1. *Уша жойда.*

ёндашганлар. Кўпгина ҳолларда бу ердан юборилган элчилар ўз вазифаларини адо эта туриб ҳатто ҳалок ҳам бўлганлар”¹.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳукмдорлар элчилик ишига ўз аъёнлари ичидан иложи борица энг зукко ва обрўли зотларни жалб этар эканлар, уларнинг фаолиятига бу ғоят масъулиятли вазифани қай даражада адо этишларига қараб баҳо берган. Агар элчиликнинг натижаси мақсадга мувофиқ тарзда яқунланса, унда бундай элчилар ўз дипломатик фаолиятларини давом эттираверганлар, акс ҳолда уларни бу соҳадаги хизмат вазифаси бир марталик сафар билан чекланиб қолаверган. Кўлёмаларда, айниқса, Хива солномаларида бу ҳақда жуда кўп маълумотлар мавжуд. Уларга таянган ҳолда шу хулосага келиш мумкинки, Туркистон давлатчилиги тарихида кўпгина ҳолларда давлат девонида ҳозирги тушунча билан айтилганда, элчилик билан шуғулланувчи махсус ва доимий дипломатик корпуслар вужудга келган. Улар ўз даври тақозосига кўра наинки ойлар, балки йилларга чўзилган сафарларда бирин-кетин иштирок этиб, умрларини элчилик ишига, ўз ватани билан хорижий мамлакатлар ўртасида яхши алоқалар ўрнатишдек эзгу ишга бахшида этганлар. Элчилик муносабатларини жорий этишдаги бу тамоийил ҳам Туркистонда қадим даврлардан тортиб то Россия босқинига қадар, сўнги ўзбек хонликлари ўз мустақилликларини йўқотган вақтгача давом этиб келган.

Юртимиз тарихида фаолият кўрсатган давлатлар дипломатиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг бошқа халқлар, мамлакатлар ва уларнинг ҳукмдорларига нисбатан ғоят ҳурмат ва эътибор билан ёндашишида ўз ифодасини топган. Бу ҳол бизгача етиб келган элчилик ёзишмалари мазмунидан шундоқ кўриниб турибди. Бунга ҳам, фикримизча, унинг тамал тошини қўйган қадимий йўл-йўриқларнинг оғишмай ва изчиллик билан авлоддан-авлодга ўтиб келганлиги сабаб бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлёмалар мажмуасида кўплаб дипломатия тарихига

1. Соловьев С.М. ўзининг “Россия тарихи”да ёзишича, князь Беркович-Черкасский ҳарбий экспедициясининг ҳалокати (1717 йил) муносабати билан Петербургда юборилган Хива хонлигининг расмий элчиси Аваз Мухаммад “Ўч” олиш мақсадида қамоққа ташлаб ўлдирилади. Қаранг: С.М.Соловьев. История России с древнейших времен. Книга IX (тома 17-18). Изд-во соц-экон. литературы. М., 1963. с. 354.

оид ҳужжатлар жамланган, мактублар тўпламлари мавжуд. Улар турли тарихий даврларга мансуб бўлиб, Туркистон ҳукмдорлари ташқи дунё билан юритиб келган алоқаларни ўзида мужассам этган. Масалан, 2278 рақамли “Мактуботи Темурия” тўпламига Амир Темури ва темурийлар хонадонига тааллуқли турли шахзода, кичик ҳукмдорларга юборилган хатлар, уларга берилган жавоблар намуналари киритилган бўлиб, улар ўша давр дипломатия қонун-қоидалари, ташқи муносабатлар олдида қўндаланг турган қатор муаммоларга ойдинлик киритади. 295/XXVII рақамли “Ҳар хил мазмундаги хатлар” - “Мактуботи мухталифа” қўлёзмасида жамланган мактублар эса 1489-1511 йиллар ичида Абдул Ҳасан номидан Лаҳордаги ҳинд шоҳига битилган номаларни ўз ичига олган.

XVI-XVII асрларга оид қўлёзмалар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган қўлёзма тўпламларга киритилган Бухоро амири Абдуллахоннинг Ҳиндистон подшоҳи Акбаршоҳга ёзган мактублари, Акбаршоҳнинг “Абдуллахон Ўзбекка бирликни кучайтирувчи мактуб” номли хати, Абулфазл Алломийнинг “Макотиби Абулфазл Алломий” тўпамидан жой олган Абдулазиз Муҳаммад Баҳодирхоннинг Ҳиндистон подшоҳлари Шоҳ Жаҳон ва Шоҳ Аврангзебга ёзганлари ҳамда “Амир Ҳайдар мактублари” каби қўлёзма асарлар ҳам шулар жумласига киради.

Мазкур қўлёзмаларда, асосан, “улуғ аждодлардан мерос қолган” яқжиҳатлик муносабатларини давом эттириб, ўзаро элчилар, мактублар ва совғалар юбориб туриш истаги, подшоҳларнинг тахтга ўтириши ёки турли жангу жадалларда эришган ютуқлари билан қутлов ва табриклаш, бир-бирининг аҳволидан хабардор бўлиш, ёхуд бирор мақсадда кучларни бирлаштириб тадбир кўриш каби истаклар ифода этилади, яъни дипломатик алоқаларнинг турли қирралари ёритилади.

Туркистон сарзаминида фаолият кўрсатиб ўтган давлатлар ҳукмдорларининг бизгача етиб келган барча дипломатик ёзишмаларига хос дастлабки нарса шуки, уларнинг ҳаммаси юборилган эл ёки мамлакатларнинг улуғлари ва ҳукмфармоларига нисбатан гоят катта ҳурмат билан битилган. Аслида, элчилар орқали юборилган бу мактубларни қушни ёки узоқ давлатлар, уларнинг халқи ва ҳукмдори шаънига қаратилган мақтов ҳамда эзгу

тилақлардан иборат бир пайғом-ҳужжат шаклида баҳолаш ҳам мумкин. Фақат яхшилик ва ўзаро ҳурматни қарор топтиришга қаратилган ушбу услуб қадимдан тортиб то сўнгги ўзбек хонликлари давригача оғишмай давом этиб келган. Бунга юқорида эслатилган мактублар мисол бўла олади.

Ушбу дипломатик услуб томонлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ёки англашилмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал этишга, кўпчилик ҳолларда орадаги гина-қудуратларга барҳам беришга, умуман, яхши муносабатлар йўлида пайдо бўлган турли ғовларни бартараф этишга ҳамиша йўл очиб келган. Шунинг учун ҳам юртимиз тарихидаги барча ҳукмдорлар одатда элчилик алоқаларидаги ана шу анъанага амал қилишга ҳаракат қилиб келганлар.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, қадимдан ўрнашиб қолган ва авлоддан-авлодга ўтиб келган элчилик ёзишмаларидаги ушбу тартиб-қоида ҳатто ультиматум тарзида ёзилган мактубларда ҳам бузилмаганлигини кўрамиз. Ана шу тарздаги хатларда ҳам ҳукмдорлар рақиб шон-шавкатини тупроқ билан қориштирувчи, уни ерга урувчи ва таҳқирловчи ибораларни ишлатишдан ўзларини тийиб келганлар. Масалан, Ибн Арабшоҳ султон Боязиднинг Амир Темурга ёзган сўнгги мактубида жуда кўп ножўя ва ҳақоратли иборалар ишлатилганлигини айтиб, бундай гап-сўзлар Туркистонлик ҳукмдорларга хос эмаслигини ва улар, жумладан, Амир Темур бундай хатти-ҳаракатлардан ҳамиша юқори туришларини алоҳида қайд этади. Буни шу билан исботласа бўладики, Амир Темур Боязид Йилдиримнинг эслатилган мактубига ғоят босиқлик ва ўзига хос улуғворлик билан жавоб қайтаради. Шомийнинг ёзишича, султон Боязиднинг ушбу мактубини келтирган элчиларга у “иш кўрган ўз одамларидан бирини элчи сифатида кўшиб”, унга қуйидаги мазмунда битилган ўз хатини зудлик билан етказишни буюради: “...Биз сенинг насаб ва хонадонинг аҳволини биламиз ва аслу наслингни таниймиз. Агар ўз ҳаддингни сақлаб, ўз қадринг палоси ўлчамидан ташқарига қадам босмасанг, сенинг учун яхшидир. Яна билгилки, сен фаранг лашқари билан ғазот ва жанг қилаётганлигингни эшитиб, то ҳозиргача сенинг диёрингга даҳл қилмадик ва у мамлакатга бизнинг нусратли аскарларимиздан бирор зарар

етишини хохламадик... Ҳозир сен ортиқчалик мақомига қадам қўйиб, ўз ҳаддингдан ташқари сўзларни айтаяпсан... Ақлни ишлатиб, фитнаю бало эшигини ўз юзинга очма”¹.

Амир Темур мактубидан келтирилган ана шу жузъий парчада ҳам Туркистон дипломатиясида таркиб топган ёзишмаларга хос услуб ўзини намоён этиб турибди.

Элчилик ёзишмаларида одатда элчи юборишдан кўзланган мақсад атрофлича баён этилмаган. Уларда фақат элчининг юборилаётганлиги, унинг насл-насаби ва исм-шарифи қайд этилган, холос. Бундай қараганда, хатлар одатда элчининг ваколатини тасдиқловчи ишонч ёрлиги вазифасини ўтаган кўринади. Кўпчилик ҳолларда мактуб охирида “қолган гапларни элчининг ўзидан эшитурсиз”, дейилган ибора қайд этилган. Бу нарса, биринчидан, узоқ давом этган сафар вақтида икки ўртадаги муносабатларга дахлдор масалалар тафсилотидан учинчи тарафнинг, баъзан эса рақиб томоннинг огоҳ бўлиб қолмаслиги ҳисобга олиниб қўлланган услуб бўлса, иккинчидан, юборилган элчининг ваколати нақадар юксак эканлиги ва у ўз ҳукмдори номидан ҳар қандай мушкул масала юзасидан музокаралар юритишга ҳақли эканлигига ҳам ишора бўлган.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларни яқунлаб, қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1. Туркистон (ўзбек) элчилик муносабатлари қадимий тарихга эга бўлиб, у бундан уч минг йил муқаддам сарҳадларимизда ташкил топган дастлабки давлатчилик уюшмаларининг таркибий қисми сифатида вужудга келган;

2. Унинг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари ва амалий йўл-йўриғлари бу замин алломалари асарларида ҳар томонлама пухта ишланиб, асрлар мобайнида сайқал топиб келди;

3. Тарихимизнинг барча даврларида туркий ҳукмдорлар ўз элчилик муносабатларида бу соҳада таркиб топган қадимий қонун-қоидалар ва аждоқлар панд-насихатларига риоя этишга ҳаракат қилиб келганлар.

1. Низомиддин Шомий. Зафарнома. (Форс тилидан ўғирувчи - Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб, нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир - Асомиддин Ўринбоев) Т., Ўзбекистон, 1996. 284-285-бетлар.

ЎРТА ОСИЁНИНГ АРАБ ИСТИЛОСИ ДАВРИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ

Бу давр Ўрта Осиё тарихида ғоят мураккаб бир босқични ташкил этади. Маълумки, араб истилоси бошланиши арафасида Туркистоннинг ғарбий минтақалари Буюк Турк хоқонлигининг ишхидлари (ҳокимлари) ҳукмронлигида эди. Аммо ишхидлар Турк хоқонлигининг бу даврга келиб ожизланиб қолганидан фойдаланган ҳолда мустақил сиёсат юритишга ҳаракат қилар эдилар. Шу билан бир қаторда, улар ҳали тўла равишда мустақил атрибутларга эга эмасдилар. Бу жараён ўз навбатида Ўрта Осиёда сиёсий парокандалик, марказдан четлашишни ўзида акс эттирган турли воқеликларнинг авж олишига шароит яратар эди. Ҳар бир катта тарихий бурилишнинг ўз сабаблари мавжуд. Араблар истилосининг жануби - ғарбдан ёпирилиб келиш вақтида Ўрта Осиёда ягона ва кучли мустақил давлатнинг йўқлиги ҳамда бу ердаги гуркий қавмларнинг ўзаро бирлиги таъминланмаган пайтга тўғри келди. Бу ҳол, табиийки, ислом байроғи остида бирлашган ва ғоя йўлида ўзини қурбон қилишга тайёр турган ҳамда кўплаб жангу жадалларда ғалаба қилиб тажриба орттирган мунтазам араб кўшинлари учун Ўрта Осиё сарҳадларига бостириб кириш учун ғоят катта қулайлик яратганди. Шунга қарамасдан, Ўрта Осиёнинг босиб олиниши ва унинг тўла равишда бўйсундирилиши қарийб икки асрга чўзилди. Бу давр тарихимизнинг энг мураккаб ва айни вақтда мазмунли (ислом динининг қабул қилиниши) даврларидан бири бўлди.

Ана шу мураккаб ва сиёсий воқеаларга ғоят бой, сермашаққат тарихий босқичда рўй берган дипломатик муносабатлар ҳам ўзига хос сажияга эга бўлди. Бу ҳақдаги маълумотлар, гарчанд тўла бўлмаса-да, ўша даврда ёзилган кўплаб араб манбаларида, сугдий ҳужжатларда ўз аксини топган. “Китоб футуҳ ал-булдон” (ал-Белазурий), “Китоб ал-булдон” (ал-Яъқубий), “Тарих ар-русул ва ал-мулук” (ат-Табари), “Китоб ал-масолик ва ал-мамолик” (Ибн Хўрдодбек), Ибн Фадлан таассуротлари каби ўнлаб асарлар шулар жумласига киради.

Ўша давр манбалари маълумотларига таянган ҳолда, бизнинг сарзаминда ўзаро олиб борилган дипломатик алоқаларни куйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. Араб лашкарбошилари билан маҳаллий ҳукмдорлар ўртасида олиб борилган алоқалар.

Бу тарздаги муносабатлар асосан томонларнинг ўзаро кураш жараёнидаги ёки уруш арафасидаги ҳолатларини ўзида акс эттирган бўлиб, улар кўпроқ арабларнинг улттиматум тарзидаги талаблари ҳамда маҳаллий ҳукмдорларнинг уларга юборган ижобий ёки салбий жавобларидан иборатдир. Воқеаларнинг кейинги ривожини ана шу ёзишмалар натижасига қараб белгиланган. Шу билан бир қаторда, айрим пайтларда араб истилочилари аҳволи танг бўлганда маълум ён бериш эвазига у ёки бу минтақада ўз позицияларини сақлаб қолиш учун маҳаллий ҳукмдорлар билан музокаралар олиб борганлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

2. Минтақадаги туркий халқлар ўртасида исломни тинч йўл билан жорий этиш учун араблар томонидан ташвиқот гуруҳлари-элчиликлари фаолияти ҳақидаги маълумотлар. Бундай элчиликлар ҳатто Волга бўйларидаги туркий халқлар ерларига ҳам юборилган. Улар айрим ҳолларда муваффақият қозonganлар, баъзан мағлубиятга учраганлар.

3. Ўрта Осиёдаги маҳаллий ҳукмдорларнинг араб истилочилари хавфи арафасида ва истило жараёнида ўзаро бирлашишга, бир-бирларига мадад беришга қаратилган ёзишмалари ва элчилик фаолиятлари.

Умуман олганда, ўша давр араб ва форс манбаларида Ўрта Осиёдаги халқлар билан араб истилочилари ўртасидаги муносабатлар ҳақида сўз борар экан, уларда барча алоқалар туркий қавмлар билан олиб борилганлиги, шаҳарлар ва истеҳкомлар туркийлар томонидан мудофаа қилинганлиги алоҳида таъкидланган. Шу билан бирга, маҳаллий аҳолига нисбатан менсимаслик қабалида ёзилган кўплаб сатрларга ҳам дуч келамиз. Бу ҳол, биринчидан, истилочиларнинг ўз душманларига нисбатан юқоридан туриб муомала қилишга ҳаракат қилганликларини кўрсатса, иккинчидан, уларни ғайридин ҳисоблаб, ана шундай таъриф-тавсифларга йўл қўйганликларини ифода этади. Шунинг учун ҳам бу тарздаги ёндашувларга танқидий қараш лозим бўлади. Масалан, Ат-Табарийнинг ёзишича, араблар Бухоро яқинидаги Ашрас деган истеҳкомни эгаллаганларида, туркийларнинг Фарғона, Тарабанд, Афшона, Насаф ҳамда Бухородан

келган бирлашган қўшинлари уларни қуршаб олади. Икки орада музокаралар бошланади. Арабларга, агар улар таслим бўлишса, авф эълон қилиниши айтилади. Шунда музокарага келган арабларнинг вакили Йазид бин Саид ал-Баҳили шундай дейди: “Бу нарса пишмайдиган савдо. Араблар бўри бўлсаю, қандай қилиб қўй бўлган туркийларга бўйсунини мумкин. Орамизда яраш бўлиши ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас”. Бу жойдаги жангда, деб таъкидлайди ат-Табарий, кўп араблар шахид бўлдилар.¹

Ибн Фадлан ўз хотираларида Бухородаги Сомонийлар тобе-лигидаги бир гуруҳ араблар элчи сифатида Амударёдан кемага тушиб, Шимолий Хоразм томон йўл олганликларини ёзади. Элчиларга ғайридинлар ўртасида исломни тарғиб этиш, уларни муслмонликни қабул қилишга кўндириш вазифаси юклатилганди. Улар кема билан бир неча кун дарёда сузиб, Жанубий Хоразм пойтахти Кат шахрига етиб келадилар. Элчилар бу ерда Жанубий Хоразм шоҳи Муҳаммад ибн Ироқ ҳузурда бўладилар. У Сомонийлар амирларини тан олган маҳаллий ҳукмдор эди. Шоҳ элчиларни катта хушнудлик билан қабул қилади. Элчилик - Сусамар - Рассий, Такин ат-Туркий, Барса ас-Саклабий ва Ибн Фадланлардан иборат эди².

Жанубий Хоразм шоҳи Такин ат-Туркийга нисбатан ишончсизлик билдиради ва уни элчилик таркибига қўшмасликни маслаҳат беради. Бу масалани ечиш учун у элчиларга Хуросон амирига хат ёзишни, ундан Бағдод халифасидан рухсат олиб беришни илтимос қилишларини айтади. Аммо элчилар бу маслаҳатни маъқул кўрсаларда, уни бажариш учун кўп вақт кетишини айтиб, шоҳдан узр сўрайдилар ва ўз йўлларини давом этишга рухсат беришни илтимос қиладилар. Натижада улар қиш совуғига қарамай Шимолий Хоразм ерлари сари равона бўладилар. Бу жойлардаги туркий қавмларни исломга тобе қилиб, сўнгра асосий мақсад - Волга бўйидаги Булғор хонлигига бориш эди. Бу элчиликнинг тафсилотига тўхтаб ўтирмасдан, фақат бир нарсани эслатиб ўтиш жоиз бўлади. Шимолий Хоразм

1. *История ат-Табари. Т., Фан, 1987. с. 99.*

2. *Путешествие Ибн-Фадлана на Волгу. (Перевод и комментарии под ред. И. Ю. Крачковского) Москва-Ленинград, 1939. с. 57.*

ва у билан тугаиш чўл минтақаларида истиқомат қилган қавмлар кўп ҳолларда араблар билан ислом динини қабул қилиш ҳақидаги суҳбатлар ва учрашувларда, Ибн Фадланнинг ёзишича, “Бир Тенгри”, яъни Худо битта эканлигини ҳамма тан олганлигини билдириб, бошқа динга, яъни исломга ўтишни маъқул кўрмайдилар.¹ Бу ҳол, биринчидан, жойларда азалдан туркий халқларнинг истиқомат қилиб келганлигини кўрсатса (Ибн Фадлан ўз асарида “Бир Тенгри” иборасини келтиради), иккинчидан, уларнинг исломгача бўлган диний эътиқодлари ҳақида ҳам янги маълумотлар беради. Шунингдек, бу нарса, юқорида таъкид-ланганидек, Туркистон минтақасида ислом динининг осонлик билан тарқалмаганлигини, бу ердаги туркий халқлар узоқ вақтлар давомида ўз эътиқодларида қолганликларини ҳам кўрсатади.

Араб истилочиларига қарши курашда ўзаро иттифоқ тузиш учун бўлган уринишлар суғдийча ҳужжатларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Гарчи юқорида эслатиб ўтилган араб ва форсий манбаларда минтақадаги туркий қавмлар ўзаро душманликда ҳаёт кечириб келганликлари туфайли, улар сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан уюшишга қодир эмасдилар, (жумладан, ат-Табарийда бу ҳол кўпроқ таъкидланади) дейилган фикр ҳукмрон бўлса-да, бизгача етиб келган айрим суғдий маълумотлар бунга рад этади. Тўғри, ўзаро иттифоқ тузишга мойиллик ҳамма жойда ҳам бир хилда намоён бўлмаган. Аммо ташқи хавф олдида уюшиш йўлида ҳаракатлар юз бериб турган. Демак, бу масалада ҳам манбалардаги ахборотларга танқидий ёндашиш лозим бўлади. Бунга 712-714 йилларда ёзилганлиги тахмин этилган, Суғд элчиси Фатуфарннинг Чочдан жўнатган мактуби ёрқин мисол бўла олади. Бу мактуб Суғд подшоҳи Самарқанд ҳокими Деваштичга йўлланган. Мактуб муаллифи подшоҳ Деваштичнинг Чочга (Тошкент), ундан турк хоқони ҳамда Фарғона подшоҳи ҳузурига махсус дипломатик вазифа билан, хусусан, араб истилочиларига қарши бирлашиб курашишни ташкил қилиш мақсадида юборган элчиси Фатуфарндир.

Ушбу дипломатик ҳужжат араб истилоси йилларидаги ватанимиз дипломатик муносабатларига тааллуқли гоаят муҳим суғдий

1. *Уша жойда, 60-бет.*

мужда бўлганлиги учун ҳам у ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Самарқанд ҳокими Деваштичнинг Чоч (Тошкент) ва Фарғонага дўстлик ва араб истилочиларига қарши иттифоқ тузишни таклиф этиб йўллаган махсус элчисининг ўз ҳукмдорига ёзган номаси қуйидагичадир:

“Жаноби ҳукмдорга, буюк таянчимиз, Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими Деваштичга унинг энг эътиборсиз (“миллионинчи даражали”) қули Фатуфарндан мурожаатнома.

Жаноби ҳукмдор, (сенга) бутун шон-шараф (эгасига) кўпдан-кўп таъзим йўллайман (“муурожаат қиламан”) ва жаноб, мен бу ерга, Чоч ҳукмдори ҳузурига келдим-Жаноб, хатларни ҳам топширдим, оғзаки (“тил билан”) лозим бўлган муурожаатларни ҳам тўлиқ, оқизмай-томизмай (“қолдиқсиз”) баён этдим.

Тудунга ҳам, унинг ёрдамчисига ҳам. Ва жаноб, хоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона подшосига мўлжалланган хатни ҳам Фарғона тутиғи қули билан (орқали) Фарғона подшоси томон жўнатдим. Жаноб, мен шу туфайли юқорига томон (яна йўл) юра олмадимки, хабарларга кўра хоқон (ҳеч) кўринмас эмиш. Жаноб, тудундан ва унинг ёрдамчисидан хат ва оғзаки жавобларни олдим ва жавоб (йўлга чиқиб) Анвартконга (етиб) келганимда, жаноб, Чодирчик ҳақида яхши хабарлар эшитмадим ҳамда Уструшон вилояти ҳаммаси (душманга) топширилган.

Жаноб, мен ёппа-ёлғиз беҳамроҳ ҳолда (йўлимни лавом этиб) юришга журъат қила олмаяпман. Жаноб, иккинчи қайта Чоч томон қайтиб келдим. Бунинг учун ҳукмдоримдан жуда ёмон кўрқаяпман. Жаноб, тудун чекинди, битимга кўра Жамраваз ва форс лашкарбошиси қуйи томон кетдилар.

Хабарлар (борки) товон ундириб олиш ва кучларни араблардан нарига олиб кетиш (уларнинг мақсадидир). Жаноб, хабарларга биноан хвонак ҳеч кўринмайди, чунки улар юқорига қараб кетишди ва ҳалигача ҳеч ким қайтиб келгани йўқ.

Жаноб, тудун Тарбанд билан битим тузган эди. У ердаги ҳамма жойларни олди. Жаноб, Чодирчикда (тузилган) сулҳ муносабати билан, эшитишимча (“Сулҳ хабари туфайли”) ёрдамчи жуда гамгин. андуҳнок бўлмоқда ва яна ёнига боролмагани учун сендан (“ҳукмдордан”) кўрқмоқда.

Жаноб, сўнгра сен томондан (“ҳукмдордан”) хабарлар келмай қолди.

Жаноб, мана бу хатларни мен Марвон (исмли киши) қўли орқали Канд томонидан (айланма йўл билан) жўнатдим.

Жаноби ҳукмдор, буюк таянчимиз Суғд подшоси, Самарқанд ҳоқими Деваштичга унинг энг эътиборсиз (“Миллионинчи даражали”) қули Фатуфарндан мактуб”¹.

Ушбу мактуб элчи Фатуфарн томонидан шундай қалтис ва унинг учун ноқулай вазиятда ёзилган эдики, афтидан элчи ўз сафари вақтида бундай ҳолатнинг вужудга келишини сира кутмаган эди. Гап шундаки, Фатуфарн Чочга келгач, тудун деб номланган Чоч ҳоқимига ва унинг ёрдамчисига тегишли мактуб ва оғзаки айтилиши лозим бўлган гапларни етказди. Улардан жавоб мактубини олади. Лекин турк хоқони билан учрашишнинг иложини топмайди. Вазият тақозоси билан хоқонга ва Фарғона подшоҳига тегишли мактубларни Фарғона тугуғи (шу кунларда Чочда экан) орқали жўнатади. Шошилинич Суғдга қайтгач, Фатуфарн Уструшан вилояти араблар қўлига ўтиб, йўли қирқилиб қолганлигини билиб қолади. Ёлғиз ҳолда йўлни давом этишга журъат қилолмай Чочга қайтиб келади ва шу ерда туриб, Деваштичга ушбу мактубни ёзиб, Марвон исмли кишидан айланма йўл - Конибодом орқали Суғдга жўнатади. Мактубнинг ёзилиш тарихи, санаси ҳақида турлича фикрлар баён этилган. Жумладан, В.А. Лившиц турли тарихий фактларга суяниб, уни 712-714 йилларда ёзилган, деб тахмин қилади. Ҳақиқатдан ҳам бу йилларда араб истилоси Жиззах, Зомин, Ўратепа, Хўжанд вилоятларига, Чоч-Тошкент воҳасига ёйилиб улгурган, унинг асосий йўналиши Фарғона водийсига қаратилган эди. Шу муносабат билан В.А. Лившиц элчи Фатуфарннинг қайтишига монелик қилган вазиятни араблар томонидан Уструшаннинг эгалланиши орқали изоҳлаган эди². О.И. Смирнова эса, Деваштичнинг подшоҳ деб кўрсатилишига таяниб, ушбу элчилик миссиясини 720-721 йиллар билан

1. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар (Бир туркум суғд ҳужжатларининг ўзбек тилига таржимаси ва изоҳлар). Т., Фан, 1992. 5-6-бетлар.

2. Согдийские документы с горы Муг. Вып. I-II. М., 1963. с. 84.

боғлайди. В.А. Лившиц Суғднинг VII аср охири ва VIII аср бошларидаги ҳокимлар масаласи билан боғлиқ ҳужжатларни тадқиқ этар экан, яна бу масалага қайтиб, унга аниқлик киритади - бу мактуб Деваштич подшоҳлик қилган 717-718-719 йилларнинг бирига тўғри келади, деган хулосага келади¹. Ҳақиқатан ҳам, хатнинг мазмунига қараганда, унинг ёзилиш вақти худди ана шу икки йилнинг бири билан белгиланишига шубҳа қолмайди.

Мактуб матни таркиб жиҳатидан иккига бўлинади: биринчи қисмда Фатуфарн шахсан подшоҳга етказиши лозим бўлган хабар мазмунидан иборат фикрлар баён этилган бўлса, унинг иккинчи қисмида Фатуфарн ўзи кузатган ҳарбий-сиёсий вазият ҳамда бу ҳақдаги хулосалари ҳақида маълумот келтиради.

Ушбу тарихий ҳужжатда қайд этилган масъул шахслар араб истилоси кунларидаги Тошкентнинг сиёсий маъқеи, унинг турк хоқонлиги, Фарғона водийси ва бошқа ерлар билан муносабати, вилоят бошқарувининг хусусиятлари кабиларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, хоқон, Чоч ҳокими, тудун, унинг ёрдамчиси (ёки “ёрдамчи” деб аталган расмий лавозим эгаси), Фарғона подшоҳи, Фарғона тутиги, форс лашкарбошиси, Марвон исмли шахс ва бошқалар бу ҳужжатда акс этган ҳодисаларнинг тирик қатнашчилари бўлиб, мураккаб тарихий воқеаларда у ёки бу даражада роль ўйнаганлар. Айни вақтда, матндаги «жаноб», «тудун» каби атамалар ҳам диққатни жалб қилади.

Суғд элчиси Фатуфарн Тошкентга келган вақтда - 717-719 йиллар давомида вилоят Шарқий турк хоқонлиги тасарруфидаги ўлка бўлиб, хоқон томонидан (ушбу мактубда қаган) тайинланувчи тудун томонидан бошқарилганлиги маълум. Лекин у ҳолда Чоч ҳокими ким бўлган? Манбаларда VIII аср бошларидаги воқеалар муносабати билан “Чоч подшоҳи” деб тилга олинган шахс Шарқий турк хоқонлиги ноибни назоратида иш кўрган, тўлиқ маънода сиёсий ҳуқуққа эга бўлмаган ҳоким бўлса керак. Фатуфарн ҳам дастлаб расмият юзасидан унга учрашиб, асосий дипломатик муносабатларни тудун билан амалга оширгани бежиз эмас.

1. Лившиц В.А. *Правители Пяньча. “Народы Азии и Африки”*, 1979, №4. с. 62-63.

Бу ҳужжатни дастлаб тадқиқ этган В.А. Лившиц қатор манбалар асосида 713 йилдан бошлаб Чочда тудун Махеду-Баҳодир бўлганини таъкидлайди¹. Лекин, ҳужжатнинг санаси ҳақида юқорида келтирилган янги фикр асосида, 717-719 йиллардаги Чоч тудуни Инай тудун Гуле бўлгани ҳам маълум. Агар Ат-Табарийнинг 738-739 йиллар билан боғлиқ воқеалар баёнида Чоч ҳукмдорининг “подшоҳ” деб аталгани², шунингдек, Ал-Берунийнинг “Осорул боқия” асарида³ ҳам Шош подшоҳи - тудун тенг маънони ифодалашига кўра фикр юритилса, тудун ва Шош подшоҳи, қолаверса, мазкур ҳужжатдаги хваб-ҳоким ўртасида фарқ йўқдек кўринади. Лекин шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Фатуфарн Шош подшоси ҳақида ёзган вақтида одатдагидек малка - ишхид - “подшоҳ” сўздан фойдаланиши мумкин эди. Демак, Фатуфарн учун Чоч-Шош подшоси тушунчаси “Фарғона подшоҳи” каби махсус маъно касб этмаган. Табарий ва Берунийлар вақтига келиб эса (X-XI асрлар), подшоҳ, тудун, ҳоким каби ижтимоий мавқе пиллапоёси ҳақидаги масала яхлит маъно касб этиб, анъанавий тарзда “подшоҳ” атамаси билан ифодаланган бўлиши мумкин. С.П. Толстовнинг фикрига кўра, “тудун” сўзи турк хоқонининг уруғидан чиққан ва бўйсундирилган вилоятларни бошқариш жойларидаги ҳокимлар фаолиятини назорат қилиш ҳамда ўлпон ва солиқлар тўплашни ташкил этиш мақсадида тайинланган ноибга нисбатан қўлланган⁴.

Ҳужжатга асосан Фарғона мулки подшоҳ томонидан бошқарилганлиги маълум бўлади. Ат-Табарий 712-723 йиллар воқеалари баёнида бу подшоҳнинг номини ҳам келтириб ўтган: Фарғона подшоси ал-Тар. Бу ҳақда В.А. Лившиц ҳам тўхталиб ўтган ва бошқа манбалар қиёсида буни тасдиқлаган⁵. Подшоҳдан ташқари (VIII аср бошларида) тутуғ лавозими бўлгани ҳам маълум. Тутуғ лавозими ҳарбий маъмурият бошлиғига нисбатан қўлланган.

“Чапиш” деб номланган лавозим ҳарбий лашкарбошилиқ билан боғлиқ. Мақтубнинг 22-сатрида “жамарваз ти хо парсиқ

-
1. *Согдийские документы с горы Муг. II. с. 82.*
 2. *История ат-Табари. с. 137.*
 3. *Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. I. Т., Фан, 1968. 72-бет.*
 4. *Толстов С.П. Древний Хорезм. М., 1948, с. 260.*
 5. *Согдийские документы с горы Муг. II. с. 84.*

чалиш” бирикмаси ўқилганки, бу “Жамраваз ва форс лашкарбошиси” демакдир. Бу шахслар кимлиги ҳақида аниқ бир маълумот йўқ. Лекин ушбу ҳужжат нашридаги изоҳларда В.А. Лившиц “лашкарбоши форс” ибораси ҳақида мулоҳаза билдирган. Гап шундаки, сосонийлар сулоласининг охириги вакили Язджирд III авлодлари узоқ вақт давомида, ҳатто 730-740 йилларгача ҳам арабларга қарши курашган қўшинлар ичида иштирок этган. Улар Эрон қўлдан кетгач, Турон сарҳадларига чекиниб келиб, бу ердаги давлатлар подшоҳ-ларининг доимий иттифоқчиларига айланиб қолишган. Бу воқеалардан сал олдинроқ сосоний шоҳлар Турондаги ҳукмдорлар иттифоқини ташкил этиш, уларга таянган ҳолда араб истилочиларига қарши чиқиб, душманни тор-мор келтириш ва шу йўл билан Эрон заминини озод этиш мақсадини амалга оширишга қаттиқ ҳаракат қилганлар. Бу йўлда, айниқса, Язджирнинг ўғли Феруз (678 йилда вафот этган) катта жонбозлик кўрсатган. У арабларга қарши форс ҳамда Ўрта Осиё халқлари ва турк хоқонлигининг кучларини бирлаштиришга уринган. Хулоса қилиб айтганда, ҳужжатда форс лашкарбошиси пастки Чодирчик ерларига жўнади, гап-сўзларга қараганда, араблардан товон ундириб, қўшинни узоқроққа олиб кетмоқчи, деган хабарнинг Деваштичга етказилиши арабларга қарши курашган кучларнинг таркиби ҳақида кенгроқ тасаввур беради. Бошқа жиҳатдан бу факт асосида конкрет тарихий воқеалар, айниқса, 718—719 йиллар ҳақида баъзи аниқликлар вужудга келади. Жумладан, мазкур йилларда араб истилочилари Ўрта Осиёни босиб олиб, у орқали Шарқий Туркистонга чиқиш ҳаракатини қилишган. Шу мақсадда халифаликнинг Хуросон ноиб ал-Жарроҳ бин Абдуллоҳ қўшин жўнатган. Лекин бу уриниш давомида араб қўшинини туркий қавмлар ўраб олган. Араблар товон тўлаб қутулган ва лашкарбоши Абдуллоҳ бин Маъмар ал-Йашкурий бошчилигида Чочга қайтиб келган. Бу воқеалар баёни Белозурийнинг “Китоб футуҳ ал-булдон” (“Шаҳарлар фатҳи китоби”)да келтирилган.¹ Шу тарихий маълумотларга суяниб матндаги: “Тудун араблар билан битимга асосан чекинди. Битим шарти бўйича Жамраваз ва форс лашкарбошиси пастга (қуйи ёки жануб) - Чодирчикка тушиб кетишди,

1. Лившиц В.А. *Правители Пяпча*, с. 63.

овозаларга қараганда, араблардан товон ундиришмоқчи ва қўшинни улардан нарига олиб кетишмоқчи”, деган парча уз маъносини топади ва 718 йил воқеалари сифатида аниқлик касб этади.

Бу ҳужжат айни вақтда тожик этнонимининг пайдо бўлиши тўғрисида қизиқ маълумот беради. Ҳужжат матнининг 21-сатрида “Тожиклар билан сулҳ (битим) асосида чекинди” деган жумла ишлатилган. Тожик этнонимига асос бўлган “тазик” сўзи суғд ёдгорликларида ана шу ҳужжат нашр этилгунга қадар учрамаган эди. Лекин бу сўз форс манбаларида “кул” маъносини англатгани маълум. Бу масалага ўз вақтида рус олими В.В. Бартольд, инглиз олими Т.В. Бейли, йирик эроншунос олим В.Б. Хеннинглар эътибор беришган эди. Арабларга нисбатан этноним сифатида қўлланган Този(к) сўзи ислом дини тарқала бошлаши муносабати билан шу динни қабул қилган бошқа халқларга, хусусан, эроний оилага кирувчи аҳолига нисбатан ҳам қўллана бошланган. Маълумки, араб истилосининг дастлабки босқичиданоқ Эрон ва унга қўшни ерлар босиб олиниб, ислом дини мажбурий жорий қилина бошланган. Кейинчалик бу жараён Ўрта Осиёга ҳам ёйилган. Шу воқеалар асносида исломни қабул қилган аҳоли қатламига нисбатан араблашган, яъни тожик атамасини қўллаш кенг тарқалган. Натижада бу ном ислом дини оммавий шаклга кирган босқичда эрон тилларида сўзлашувчи Ўрта Осиё халқларидан бирининг, ҳозирги тожик халқининг этнонимига айланган¹.

Бу ерда Чодирчик атамаси ҳам ишлатилганини кўрдик. У жуғрофий ном шаклида тилга олинган. У ҳолда бу жой қаерда бўлди экан? Эҳтимол, бу атама минтақа, жуғрофий тушунча сифатида ишлатилгандир. Биринчи ўринда элчи Фатуфарн “Чодрчик сулҳи туфайли ёрдамчи жуда андуҳноқдир” деб ёзади. Элчи Фатуфарн Суғдга қайтишга имкон топмаганлигини қуйидаги парча янада ойдинлаштиради ва жуғрофий тушунчаларга аниқлик киритади: “Сўнғра, жаноб, мен Анвартканга келган вақтимда, жаноб, пастки - Чодрчик ерларидан ҳеч қандай яхши овоза эшитмадим, бунинг устига, Уструшан ерлари (вилояти) ҳаммаси (душманга) топширилган”. Ушбу парчада хат муаллифи Чодрчик ҳамда Уструшан ерларини аниқ фарқлаб кўрсатган. Демак, юқорида қайд этилган Чодрчик сулҳи тарихий

1. *Совгдийские документы с горы Муг. II. с. 87-88.*

Чодрчик жуғрофий райони билан боғлиқ ҳодиса экан. Шунга биноан Фатуфарн, Уструшан ва ундан шарқда жойлашган Фалгар, Буттам, Панч каби тоғли вилоятлардан фарқли ўлароқ, пасттексисликда жойлашган ҳозирги Зомин, Мирзачўл, Жиззах музофотига нисбатан “Чодрчик” сўзини қўллаган бўлса керак, дейишга тула асос бор. Фатуфарн Сирдарёдан у томондаги ерлар, жумладан, Уструшан араблар қўлига ўтгани туфайли, бу ҳудудлар орқали Суғдга ўтиб кетолмади. Шу билан бир қаторда, “Чодирчик ерларидан ҳам бирор яхши хабар эшитилмади”. Бу фактни ҳисобга олсак, тахминимиз асосли экани кўзга ташланади. Гап шундаки, агар Уструшан йўли қирқилиб қолган бўлса, Фатуфарн Чодрчик ерлари орқали Зомин, Жиззах устидан айланма йўл бўйлаб Суғдга қайтишни мўлжаллаган бўлиши мумкин. Лекин у йўл ҳам араблар назоратига ўтгани туфайли, элчи ноилож Чочга қайтишга мажбур бўлади.

Чоч ҳокимининг ноибидан Чодирчик битими асосида қўшинларни араблардан узоқлаштиргани ҳақидаги хабар биз учун муҳим бир хулоса ясашга имкон беради. Бу ҳол Чоч вилоятининг илк ўрта асрларда Зомин, Жиззах ерлари устидан ҳам сиёсий ҳукмронлиги бўлганлигидан далолат берса керак. Араблар шу туфайли бу ўлкада Чоч турк қўшинлари қуршовида қолишган ва вақтинча сулҳ тузишган ҳамда товон тўлаб қутилишган. Шундан сўнг тудун қўшинлари, унинг турли қисмлари Чочга қайтган бўлиши керак. Айни шу кунларда суғд элчиси Тошкентда - Чочда тудун ва унинг ёрдамчиси билан учрашишга муяссар бўлган.

Чочнинг Чодирчик, тахминимизча, Зомин, Мирзачўл, Жиззах ерлари устидан ҳукмронлиги масаласи яна шу билан асосланадики, бу катта музофот суғд подшоҳлиги вилоятлари қаторида умуман тилга олинмайди. Бу ерларда мустақил маъмурий бирлик бўлгани тўғрисида ҳам ҳеч қандай маълумотга эга эмасмиз. Шу туфайли суғд элчиси мактуби асосида баён этилган сиёсий аҳвол манзараси илк ўрта асрларда Жиззах, Зомин, Мирзачўл ерлари қадимги Тошкент ҳокимлигига тобе ерлар бўлган дейишга асос беради.

Юқорида изоҳланган суғд дипломатик ҳужжатининг араблар истилоси давридаги сиёсий воқеаларни тасаввур этиш, уларни ҳаққоний тиклаш учун нақадар катта аҳамиятга молик эканлиги

ўз-ўзидан кўриниб турибди. У ўша замон ҳодисаларини ўзида ойнадек акс эттиргани учун ҳам бу ерда биз унга батафсил тўхталдик.

Бу ҳужжатдан келиб чиқадиган хулосалардан бири шуки, араблар истилоси бошланиши ва унинг жараёнида Ўрта Осиёда ягона ҳокимият бўлмаган. Ат-Табарийда таъкидланганидек, Хоразм алоҳида давлат, Суғд эса ўзига мустақил, Тошкент, Фарғона подшоҳликлари ҳам мустақил ҳудудлар сифатида иш кўрганлар. Бундай бир алфозда турк хоқонлигининг араб истилоси арафасида инқирозга юз тутганлиги, унинг сиёсий ва ҳарбий таъсири йўқ даражага тушиб қолганлиги тарихий факт сифатида намоён бўлади. Ваҳоланки, Ўрта Осиёнинг асосий аҳолиси бўлган туркий қавмлар бу ерларда қанчадан-қанча келгинди ёвларни яқсон қилмаганлар. Хоразмнинг қадим-қадимлардан туркий қавмлар ўлкаси эканлиги ва бу ерда туркий подшоҳлар ҳукмронлиги жорий этилганлигини Беруний уларнинг йил ҳисоби услублари, таърифи орқали таърифлагани тўғрисида юқорида унинг “Осорлу-боқия” асаридан иқтибослар келтириб ўтилди. Бундай қадимий давлатчилик тимсоллари Туркистоннинг бошқа қисмларида ҳам мавжуд бўлган. Аммо араблар истилоси арафасида бу ердаги сиёсий аҳвол, юқорида таъкидланганидек, анча бўшашган, ғарбий турк хоқонлиги таъсири ўта сусайиб кетган, Суғд элчиси Фатуфарн мактубида тилга олинган мустақил ҳукмронликларга бўлиниб кетганди. Ат-Табарийда Хоразм подшоҳлиги ҳақида, унинг араблар билан тузган сулҳлари, олиб борган жанглари ва ниҳоят, енгилиши тўғрисида шундай тафсилотлар келтирилганки, улардан чиқадиган хулоса: бу даврга келиб қадимий Хоразм ҳам кучсизланиб қолган, унинг атроф қавмларга бўлган таъсири унча катта бўлмаган. Умуман, Ўрта Осиёдаги сиёсий парокандалик араблар истилоси учун қулай имконият яратган ва бундай тарихий бир шароитда араб лашкарбошилари бу ерда ислом динини тарқатиш учун замин ҳозирлашга муваффақ бўлганлар. Ўрта Осиёга арабларнинг кириб келишига йўл очган ҳолатлардан яна бири - Эроннинг араблар шиддатига дош бера олмасдан тезда уларга таслим бўлгани ҳамдир.

Аммо тарихий асарлар ва ҳужжатлардаги далиллар шуни ҳам

кўрсатадики, Ўрта Осиёдаги араб истилоси осонликча муваффақиятга эришгани йўқ. Бу йўлда араблар жуда кўп қурбонлар бердилар. Чунки бу ерда истило жараёнида ўзаро бирлашиб, келгиндиларни даф этиш истаги ғоят даражада кучайиб кетади. Натижада араб лашкарбошилари - Ибн Қутайба ва бошқалар олдида ҳар сафар янги-янги тўсиқлар пайдо бўла бошлайди.

Туркистонда ўша пайтда мавжуд сиёсий ҳукмронликларнинг араб истилосига қарши Ватан ҳимояси учун бирлашиб кураш олиб бориш ҳаракати туфайли юқоридаги элчи Фатуфарн мактубини кўриб турибмиз. Шуниси диққатга сазоворки, Фатуфарн Шошга келганда бу ерда Фарғона подшоҳининг вакили - Тутуғни учратади. Демак, умумий хавф олдида Фарғона Суғд элчиси келгунга қадар аллақачон иттифоқ тузиш масаласида Чочга (Шош) ўз вакилини сафарбар этган экан. Яна бир нарса шуки, Фатуфарн мактуби мазмунидан элчи бу ерга келгунга қадар бирлашган турк қўшинлари арабларга қаттиқ зарба берган ва улар товон тўлаб, ўз кучларини батамом тор-мор этилишдан сақлаб қолганлар. Бу ҳақда юқорида айтиб ўтилганди. Албатта, бу ҳол юзаки қараганда бирлашган турк қўшинлари раҳнамоларининг катта хатоси бўлган. Ҳарбий мантиқ нуқтаи назаридан қараганда, истилочилардан товон олиб, ўз қўшинларини жанг майдонидан олиб кетиш ўрнига, уларни тор-мор келтириш маъқул иш бўлур эди. Аммо биз ўша пайтдаги кучлар мувозанати ҳамда сиёсий ҳолатнинг барча икир-чикирларидан хабардор эмасмиз. Эҳтимол, араблар товон тўлаш билан бирга, куч билан бошқа тазйиқ қилмаслик мажбуриятини ҳам ўз зиммаларига олишгандир. Аммо бундай келишувлар ўша даврда кўплаб тузилганлиги (масалан, Хоразм ва Суғд подшоҳлари билан) ва улар турли баҳоналарда поймол этилганлиги ҳақида тарихий фактлар кўплаб учрайди.

Суғд подшосининг Тошкент ва Фарғона ҳукмдорларига элчи юбориб, уларни биргаликда истилочиларга қарши ҳаракат этишга даъвати биргина юқоридаги мактуб билан эмас, балки ўша давр воқеаларига бағишланган қатор манбаларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, машҳур араб тарихчиси Муҳаммад бин Жарир ат-Табарийнинг (839 йилда таваллуд топган) “Пайғамбарлар ва подшоҳлар тарихи” асарида бу ҳақда аниқ маълумотлар келтирилган. Унинг асари “Тарихи ат-Табарий”

номи билан машхурдир. Юқорида бу асардан қатор фактлар келтириб ўтилди. Бу ерда биз Фатуфарн элчилиги билан боғлиқлиги тахмин этилаётган бир ҳолатни эслатиш билан кифояланмоқчимиз. Ат-Табарийнинг ёзишича, Суғд ихшиди (подшоси) Гурек (709-738) Самарқанднинг Абдурахмон бин Муслим ва Қутайба қўшинлари томонидан узоқ қамал қилинганлиги натижасида мадад сўраб Тошкент ва Фарғона ҳукмдорларига мактуб йўллаган. “Агар араблар бизни енгсалар, - деб ёзганди Гурек ўз мактубида, - бизнинг бошимизга тушган савдоларни сизларнинг ҳам бошингизга солишлари турган гап. Буни яхшилаб ўйлаб кўринглар ва шунга кўра ҳаракат қилиб, ўз ғамларингни ўзларинг енглар. Биз араблар билан сизнинг ўртангизда турганимиз учун ҳам ҳозирча сизларни улардан муҳофаза қилиб турибмиз. Агар улар бизни қўлга киритсалар, сиз ожизланиб қоласиз ва уларга бўйсунушга мажбур бўласиз. Ўз мустақиллигингизни сақлаш учун ихтиёрингиздаги барча имкониятларни ишга солинг”. Тарихчининг таъкидлашига қаратганда, “Улар ўз имкониятларини чамалаб кўрдилар ва қарор қилдилар: “Бизга ўз фуқароларимиздан тушум келиб турибди, аммо арабларда бизда мавжуд бўлган бойликлар йўқ. Бизлар бу ишнинг ғамини ейишимиз керак”. Ва улар қўшин тўплаб, унга шаҳзодаларни раҳнамо қилдилар ва буюрдиларки, шаҳзодалар Суғдни қамал қилиш билан машғул бўлган Қутайбага тунда тўсатдан ҳужум уюштирсинлар. Аммо бу хабар ўша вақтдаёқ Қутайбага етиб келди”.

Ушбу тарихий фактларнинг аниқ ой ва йиллари кўрсатилмаган бўлса-да, уларнинг Фатуфарн элчилиги билан бевосита алоқадорлигига шубҳа қолмайди. Биз Суғд элчисига ўз ҳукмдори томонидан Тошкент (Чоч), Фарғона ва Турк хоқонлиги ҳукмдорларига ёзилган хати мазмунидан хабардор эмас эдик. Аммо ат-Табарий ўша элчига топширилган ёзма фикр-мулоҳазаларни келтирганга ўхшайди. Бу билан чекланмасдан, тарихчи Суғд подшосининг илтимосига кўра кўрилган чора тадбирлар яъни подшоҳ мурожаат қилган ҳукмдорларнинг унинг таклифига жавобан амалга оширган ишлари ҳақида ҳам маълумот келтириб ўтган.

Юқорида таъкидланганидек, бу даврдаги Ўрта Осиё дипломатик алоқалари ғоят мураккаб сиёсий вазиятда юз берди. Бу соҳадаги ҳар бир ҳужжат ва ўша вақт манбаларидаги саҳифаларда ана шу қалтис сиёсий-ҳарбий ҳолат ўз аксини топган. Бу ерда фақат унинг айримлари ҳақида мулоҳазалар билдирилди, холос.

Шу тарзда бу даврга оид манбаларда келтирилган дипломатик алоқалар тарихига оид маълумотлар ўтмишимизнинг ўта мураккаб воқеалар билан тўла бир вақтида Ватан ҳимояси, унинг дахлсизлигини сақлаш йўлида аждодларимиз томонидан амалга оширилган тadbирлар ҳақида тасаввур беради. Бу соҳадаги кўп материаллар ўша давр сиёсий-тарихий воқеаларига янгича қараш, уларни одилona талқин этиш имконини яратади.

МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ АРАФАСИДАГИ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР ТАРИХИДАН

1199 йил ёзида Нишопурдан Хоразмга қайтаётган пайтда Хоразмшоҳ Алоуддин Такеш йўлда ҳаёт билан видолашади. Шу йилнинг июль ойида унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммад Хоразм салтанати тизгинини ўз қўлига олади. У тарихда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ номи билан машҳур бўлиб, буюк Хоразмшоҳлар империясининг ҳалокати бевосита унинг фаолияти билан боғлиқ.

Ушбу масалага бағишланган асарларда турли-туман, айрим ҳолларда бир-бирига зид қарашлар мавжудлиги кўзга ташланади. Уларнинг айримларида бу зот ўзининг давомли жангу жадаллари билан халқ оммасини норози қилиб қўйганлигидан мўғул босқинчиларига қарши кураш бошдан оқ ташкилий тус олмади, дейилса, бошқаларида унинг Бағдод халифалигига қарши кураши натижасида халифаликнинг мўғуллар билан яқинлашуви содир бўлди-ю, Хоразм ўртада яққаланиб қолди, деган фикр-мулоҳазалар майдонга ташланади, яна бирларида Хоразмшоҳнинг ҳарбий маҳорати пастлиги ва шиддатсизлиги ҳақида сўз борса, бошқа бир жойда у довиорак, ботир, жасур ва юксак ҳарбий истеъдод соҳиби сифатида талқин этилади. Бу ҳол гоёт мураккаб бир тарихий шароитда фаолият кўрсатган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ билан боғлиқ ҳодисалар атрофлича ўрганилмаганлигидан далолат беради. Унинг дипломатия соҳасидаги сиёсати ҳам, давлатчилик сиёсатининг бошқа жабҳаларида бўлганидек, ўта мураккаб бир вазиятда олиб борилганлигини кўрсатади. Кўпгина манбаларда таъкидланишича, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Марказий Осиёда ҳарбий жиҳатдан катта зафарларга эришгач, Хитойни ҳам забт этиш мақсадида анчамунча тайёргарчилик кўра бошлаган. Аммо тезда у шарқда Чингизхон раҳнамолигида пайдо бўлган улкан куч - мўғулларнинг қатор зафарлари ҳақида хабарлар эшита бошлайди. Янги фотиҳ Уйғур ва Тибет минтақаларини қўлга киритгач, 1215 йилда Шимолий Хитойнинг пойтахти Пекин шаҳрини эгаллайди.

Бундай бир шароитда Султон Муҳаммад ана шу хабарларни текшириб кўриш, шарққа ғулғула солаётган мўғул қудрати

ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш мақсадида ўз давлат арбобларидан бири Саййид Ажалл Баҳоуддин Розий бошчилигида Хитойга элчилик жўнатади. “Табақоти Носирий” китобининг муаллифи бу тўғрида маълумот берар экан, ушбу элчиликнинг мақсади ва вазифалари ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Бу элчиликнинг сабаби шул эдиким, Чингизхон-нинг пайдо бўлиш тарихи ва мўғул лашкарларининг Тамғоч, Тўқир, Тибет мамлакатлари, Чин иқлими, Узоқ Шарқдаги истилоси ҳақидаги хабарлар тўғрисида ишончли одамлар орқали аниқ маълумотлар йиғиш ҳамда мўғул лашкарларининг аҳволи, сифати, унинг сони ва қуроли ҳақида маълумот тўплашдан иборат эди”¹.

Чингизхон ўз ҳузурига келган Хоразм элчиларини яхши кутиб олади. У элчиларга катта иззат-икром кўрсатиб, икки мамлакат ўртасида дўстона муносабатлар ва тижорат ишларини йўлга қўйиш ниятида Хоразмшоҳга катта совға-саломлар юборди. Муаллифнинг ёзишича, у элчиларга шундай хитоб қилади: “Муҳаммад Хоразмшоҳга айтинг, мен кун чиқар томон подшоси бўлсам, у кун ботар томон подшосидур. Бизнинг ўртамизда аҳду вафо, меҳру муҳаббат ва дўстлик мустаҳкам бўлсин ва ўзаро тижорат ҳамда карвонлар борди-келдиси йўлга қўйилсин”².

Бу орада мўғуллар ўз ҳудудларини то Олтой тоғ тизмаларининг ғарбий этаклари, Тиён-Шон, Балхаш кўли ҳавзаси ва Иссиқ кўлгача кенгайтириб келдилар. Хоразмшоҳ ҳам ўз чегарасини Қипчоқ чўлларигача етказди. Натижада Хоразм тожирлари Олтой довони орқали Мўғулистон ва Хитой билан савдо-сотиқ олиб бориш имконига эга бўлдилар. Манбаларда айтилишича, мусулмон савдогарларидан уч нафари - Аҳмад Хўжандий, Абдулло бин Амир Ҳусайн Жендий ва Аҳмад Болжиж номли шахслар зардан тўқилган қимматбаҳо матолар ортилган ўз савдо карвонлари билан Чингизхон қароргоҳига келдилар. Мўғул ҳукмдори уларни катта ҳурмат ва эҳтиром ила қарши олиб, уларнинг матоларини юқори баҳода харид қилишни буюради. Ўз навбатида, у ўз тижоратчиларини хоразмликларга қўшиб жўнатади. Эронлик муаллифларнинг

1. *Минҳож Сирож. Табақоти Носири. Кобул, 1343 ҳ.ш., 2-жилд. 102-бет.*

2. *Ўша асар, 104-бет.*

ёзишича, мўғул савдогарларига Маҳмуд Хоразмий, Алихўжа Бухорий ва Юсуф Ўтрорий номли мусулмон савдогарлар бошчилиқ қилишган.¹ Афтидан, бу кимсалар мўғуллар билан анчадан бери боғлиқ бўлишган. Улар Ўрта Осиёнинг турли минтақаларидан эканлиги ҳам маълум мулоҳазага сабаб бўлиши мумкин. Демак, Чингизхон бу пайтга келиб ўзидан ғарбда жойлашган кучли ва йирик давлат - Хоразмшоҳлар империясини яқиндан ўрганиш, ўша ерлик зукко шахсларнинг ўз хизматида бўлишини таъминлаш, ўзаро мулоқотларда улардан фаол фойдаланиш сиёсатини қаттиқ йўлга қўйган. Бу эса мўлжалланган ва маълум мақсадлар сари йўналтирилган давлат сиёсатининг бир кўриниши эди, албатта.

Чингизхон ўз хизматидаги ана шу мусулмон савдогарлар орқали Хоразмшоҳга атаб қимматбаҳо совғалар юборган. Улар 1218 йилнинг баҳорида Мовароуннаҳрга келадилар. Элчи савдогарлар Чингизхоннинг совға-саломлари ҳамда мактубини султонга топширадилар. Чингизхон ўз мактубида қуйидагиларни ёзган эди: “Салом, сенга! Биламан сен ўзинг тенгсиз ва чексиз қудрат соҳиби улуг подшоҳсан, мен сени ўз фарзандимдек (ўғлим) эъозлайман. Шунини ҳам эслатиб қўймоқчиманки, мен ҳам дунёнинг бу қисмида катта қудратга эгаман, жумладан, Хитой, бутун Туркистон ва унинг турк қабилаларини ўз тасарруфимга киритиб, бўйсундирганман.

Бугунги кунда менинг мамлакатим жанговар қудратли ботирлар билан тўла, айна пайтда бойлик жиҳатдан ҳам кумуш ва тиллога кўмилган. Шунинг учун бундай қудрат ва бойлик соҳиби бўла туриб, бошқа мамалкатларни ўз қамровимга қўшиб олишга ҳеч қандай эҳтиёж сезмайман. Султон даргоҳига махсус элчиларни юборишдан мақсадим, дўстлик ва тижорат алоқаларини қарор топтиришдан иборат. Шундай бир битимни тузиш катта моддий бойликлардан фойдаланишдан ташқари фуқароларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлайди”².

Бундай қараганда, бу хат жула жўн, содда иборалар билан битилган саҳройи бир ҳукмдорнинг мактубига ўхшаб кетади. Аслида эса у Чингизхондек қув ва ўта талбиркор хон томонидан

1. Аббос Иқбол. *Таърихи Мўғул аз ҳамлаёе Чангиз то ташкиле дўулате Тимури*. Тейхрон, 1343 ҳ. ш. 22-бет.

2. Херольд Лэмб. *Чингизхон. Инглиз тилидан форс тилига таржима*. Таржимон Фулом Хусайн Қоракўзулу. Тейхрон, 1373 ҳ. ш. 197-бет.

атайлаб ана шу тарзда Хоразм шоҳига юборилган дастлабки мужда бўлиб, унда у ўзининг Муҳаммад Хоразмшоҳдан устунлигини, ўта бадавлат ва қудратли подшоҳлигини, айни вақтда, нафақат Хитой ва мўғуллар, балки туркий қабилаларнинг ҳам хоқонига айланганлигини шаъма қилиб ўтган эди. Бундай бепи-сандлик руҳида ёзилган мактуб, айниқса, ундаги “фарзандим” ва “Туркистон ва туркий қабилаларни ҳам бўйсундирдим” қаб-лидаги иборалар Хоразмшоҳни ғазабга келтирди. Тахтга чиққан-дан буён қатор ғалабаларни қўлга киритган, эндиликда ҳатто Бағдод халифалигидан ҳам ягона мусулмон ҳукмдори сифатида ўз номини хутбага қўшиб ўқилишини талаб қилаётган, Турон ва Эроннинг шоҳи саналган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бундай муомалага ўрганмаган эди. Шунинг учун ҳам у элчидан ҳақоратомуз бир оҳангда: “Айт-чи менга, сен тилга олган Чингиз ўзи ким ва нима иш қилади? Бу мактубда ёзганидек, Чин мамлакатини қўлга киритгани ростми?” - деб сўрайди.¹

Шоҳнинг барча саволларига элчилар бирин-кетин жуда эҳтиёткорлик ва ўта зийраклик билан жавоб қайтардилар. Улар асосий урғуни Чингизхоннинг дўстлик ҳақидаги фикрларини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратадилар. Чингизхон томонидан Хоразмшоҳга тортиқ сифатида юборилган жуда бой совға-саломлар - олтин-кумуш ёмбилар, турли қимматбаҳо яшма тошлари, оқ туя жунидан тўқилган матолар ва бошқа тортиқлар ҳам орадаги кўнгилсизликни юмшатишга сабаб бўлади. Ундан ташқари, Хоразмшоҳ шарқда пайдо бўлган бу қудратли давлатни яхши билмас, Бағдод билан муносабатларнинг кескинлашган бир вақтида у билан дўшманлик йўлига киришни маъқул топмасди. Хуллас, музокаралар асносида Хоразмшоҳнинг мактуб мазмунидан бўлган норозилиги аста-секин сўниб, томонлар икки ўртада Чингизхон таклиф этган дўстлик шартномасини тузишга эришадилар. Бу шартномага мувофиқ тарафлар бир-бирларининг дўстини дўст, душманини эса душман деб билиш мажбуриятини олади.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Чингизхон номидан ушбу шартномани қабул қилиб олган кишининг номи Маҳмуд бўлиб, унга Ялавоч деган лақаб берилган эди. Бу атама туркийда юборилган, вакил, элчи маъносини билдиради. Юқорида

1. *Ўша асар, 198-бет.*

Чингизхон юборган элчи савдогарлар ичида Маҳмуд Хоразмий деган кишининг ҳам бўлганлиги айтиб ўтилган эди. Кўпгина манбаларнинг тахмин этишича, ана шу одам Маҳмуд Ялавочнинг ўзи бўлиб, у Чингизхоннинг ишончли вакили сифатида сўнгги воқеаларда Туркистон тарихида муҳим манқега эга бўлган бир шахсга айланади.

Бу шартнома Чингизхон учун маълум даражада ўз ҳарбий юришларини бемалол тайёрлаш ҳамда қулай шароит пайдо бўлишини кутиш йўлида муҳим дипломатик қадам бўлганди. Айни вақтда у Хоразмшоҳлар ва мўғуллар ўртасидаги сиёсий ва тижорат масалаларини қонун сифатида мустаҳкамлаб, қадимий ипак йўлининг қайта тикланишига ҳам катта маънавий-ҳуқуқий асос яратган эди. Аммо воқеаларнинг кейинги ривожини ундан тинч муносабатларни тараққий эттириб бориш йўлида фойдаланиш имконини чеклаб қўйди.

Юқорида эслатилганидек, Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз тасарруфидаги тобе юртлар тобора кўпайиб, у катта бир империяга айлангач, Бағдод халифалиги ҳуқуқларини борган сайин чеклаш сиёсатини тута бошлайди. Айниқса, Хоразмшоҳнинг қорахонийлар устидан эришган ғалабасидан сўнг унинг шуҳрати кенг ёйилди ва уни “Зилуллоҳ” (Оллоҳнинг сояси) ва “Искандари соний” (иккинчи Искандар) деб аташ бошладилар. Шундай шароитда у Бағдоддан ўз номининг хутбага қўшиб ўқилишини талаб қила бошлайди.

Бағдод халифаси ўз навбатида орадаги келишмовчиликларни бартараф этиш, айни вақтда Хоразмшоҳни инсофга чақириш мақсадида унга махсус элчилик йўллади. Бу миссияга халифаликнинг энг нуфузли аъёнларидан бири - Шайх Шамсиддин Сухравардий бошлиқ этиб тайинланган эди. Аммо султон уни жуда совуқ кутиб олади ва саройда ҳатто ўтиришга ҳам изн бермайди. Шунда Шайх ундан набавий ҳадислардан зикр этишга рухсат сўрайди. Ҳадисларни тик туриб айтиш ва эшитиш мумкин бўлмаганлигидан, султон Шайхга ўтиришга ижозат беришга мажбур бўлади. Шайх Шамсиддин келтирилган ҳадисда пайғамбар ал-Аббосга бандайи мўминларга зиён етказмасликни уқтирилганлиги айтилганди. Бу билан элчи нима демоқчи бўлганлигини султон тез англайди ва Хоразмшоҳ элчига: “Гарчи мен турк бўлсам-да, араб тилини яхши билмасам-да, сен айтган ҳадис

маъносини яхши тушундим. Аммо хабарим борки, амирул мўминнинг зиндонида аббосий халифалардан баъзилари доимо ҳибсда сақланиб келадилар, уларнинг ҳатто ўша ерда насли купаймоқда. Шайх бу ҳадисни мендан кўра амирул мўминга айтгани маъқулроқ бўлур эди”, - дейди¹.

Бу элчилик шундай тарзда самарасиз якунланади.

Бағдод халифаси бу воқеадан кейин, айниқса, султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Чингизхон ўртасида дўстлик ҳақида шартнома имзолангач, қаттиқ талвасага тушиб қолади. У Хоразм билан мўғуллар орасини бузишга бел боғлайди. Шу мақсадда мусулмонлар халифаси ғайридин саҳройилар хоқони Чингизхонга махфий тарзда махсус элчи юборди. Элчининг қўлга тушмаслиги учун Чингизхонга юборилган маълумотлар унинг сочи қириб ташланиб, бошига ўчмас сиёҳ билан ёзилганди. Айни вақтда элчига хат мазмуни ёд ҳам олдирилганди. Манбаларда ёзилишича, бу элчи Чингизхон қароргоҳига етиб боради ва унинг қабулида бўлади².

Бу орада Хоразм ва мўғул давлати ўртасида шартнома имзолангандан сўнг мўғул савдогарларидан катта бир гуруҳи куп сонли карвон билан Мовароуннаҳр томон йўл олиб, сон-саноксиз туяларга тилло идиш-оёқлар ва буюмлар, қимматбаҳо газламалар, мушк-анбар ҳамда бошқа моллар ортиб, Хоразмшоҳлар сарҳадида жойлашган Ўтрор шаҳрига кириб келадилар. Бу ерда Хоразмшоҳнинг онаси - Туркон Хотуннинг жияни, яъни акасининг ўғли Ғойирхон номи билан машҳур бўлган Ойналчиқ ҳоким эди. Ўтрор ҳокими бевосита Туркон Хотун таъсирида бўлганлиги учун ҳам султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг мўғуллар билан олиб бораётган сиёсатига хайрихоҳ эмасди, албатта. Шунинг учун ҳам у бу карвонни савдогарлар карвони эмас, балки Хоразмга юборилган жосуслар тўдаси деб айблаб, ундаги барча мусулмон ва мўғул савдогарларни ҳибсга олади. Баъзи манбаларнинг шоҳидлик беришича, карвондаги мўғул савдогарлар Чингизхон уруғидан бўлиб, айримлари хоқонга яқин қариндош ҳам бўлган. Уларни жосус сифатида қатл этиш ва мол-мулкларини мусодара қилиш учун Ғойирхон султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан изн сўраб, чопар йўллайди.

1. *Муҳаммад Аҳмад Паноҳий. Чингизхон, 1373 ҳ. ш. 23-бет.*

2. *Ўша асар, 25-бет.*

Инглиз олими Ҳеролд Лэмбнинг ана шу воқеаларга бағишланган асариди бу ҳақда шундай ёзилган: “Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурига шошилинич чопар жўнатилди ва султонга мактуб йўлланиб, унда мўғул карвонида кўпгина жосуслар мавжудлиги айтилиб, улар ҳибсга олингандан сўнг ўз айбларига иқроп бўлганликлари билдирилди. Шу билан бирга, мактубда шу воқеа муносабати билан қатъий чора кўриш мақсадида султондан амри-фармон кутмоқдамиз, дейилганди”¹. Шу тарзда карвонни бошқариб келган қарийб 500 киши тифдан ўтказилади. Улардан бир мўғулгина қочиб қолишга муяссар бўлади, холос².

Бу воқеа Чингизхоннинг ҳаддан зиёд ғазабига сабаб бўлади. Албатта, карвон билан Ўтторга келган савдогарларнинг маълум қисми жосуслик билан шуғулланганига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бундай ҳол Хоразм томонидан мўғул юртига юборилган савдо карвонларида ҳам бўлганлиги табиий. Ҳар иккала томон ҳам шартнома бўлишига қарамай, бир-бирларининг ҳарбий тайёргарликлари, келажак режалари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиб боришга ҳаракат қилган. Аммо Ғойирхоннинг бу масалада ҳаддан ташқари эҳтиётсизлик ва ошқора ҳақоратомуз иш кўриши Чингизхон учун катта баҳона вазифасини бажарган эди. У зудлик билан Хоразмга норозилик элчилигини жўнатишга қарор қилади. Элчилардан бири асли хоразмлик Ибн Кафраж Бўғро бўлиб, унинг отаси Хоразмшоҳ хизматидаги аъёнлардан эди. Қолган иккитаси мўғуллардан эди. Улар етиб келиб, Хоразмшоҳга Чингизхон қўйган талабни баён этдилар: мўғул хони талон-торож этилган мол-мулкни зудлик билан қайтаришни, барча гуноҳкорларни, жумладан, Ғойирхонни ҳам, Чингизхон ҳузурига банди сифатида юборишни талаб этганди. Бунга жавобан Хоразмшоҳ Ибн Кафраж Бўғрони қатл этиш, мўғул элчиларни эса соқол-муртларини қириб, сазойи қилган ҳолда ҳайдаб юборишга фармон беради.

Натижада, Ҳ. Лэмбнинг ёзишича, Чингизхон султон Муҳаммадга очиқ таҳдид қилиб, қуйидаги мазмунда мактуб йўллайди: “Хонлар хони Чингизхондан Муҳаммад Хоразмшоҳга: қарасам, сен душманликни дўстликдан, урушни тинчликдан афзал

1. Ҳеролд Лэмб. Чингизхон. 200-бет.

2. Уша жойда.

кўряпсан. Ўзингнинг номардона қилмишинг билан орамиздаги дўстлик ва ҳурмат пардасини йиртдинг. Натижада ишни шу даражага етказдингки, энди ўртамизда жанг қилишдан ўзга чора қолмади. Охири галаба қайси биримизгадир nasib этади. Ростданам Худодан бўлак ҳеч ким бизнинг тақдиримиздан беҳабардир!"

Бундан кейин ҳам бир неча марта ҳар иккала томон бир-бирларига элчилар йўллайдилар. Аммо улар бажарган вазифа тинчликни мустаҳкамлаш эмас, аксинча, уруш даҳшатини яқинлаштиришга хизмат қилади. Чунки ҳар иккала томон ҳам аёвсиз курашга бел боғлаган ва унга жон-жаҳди билан ҳозирлик кўрар эди. Бунинг оқибати маълум.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ДИПЛОМАТИЯСИ

1. Амир Темур дипломатияси

Амир Темур давлатининг ташқи сиёсати, унинг хорижий мамлакатлар билан олиб борган дипломатик муносабатлари тарихчилигимизда ҳали жиддий қўл урилмаган соҳалардан бирини ташкил этади. Тўғри, чет элларда бу борада анча-мунча ишлар эълон қилинган. Масалан, форс тилида 1928 йилда Бомбайда,¹ 1963 йилда Техронда² чоп этилган Эронга оид ҳужжатлар ва мактублар мажмуаларида Темур даврига тегишли жуда кўплаб ёзишмалар уз аксини топган. Амир Темур даврига тааллуқли дипломатик ҳужжатлар Туркияда босилган қатор тарихий асарлар саҳифаларидан ҳам ўрин олган.³ Шунга қарамаздан, Ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абрў, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган “Мактуботи Темурия” мажмуаси каби Амир Темур фаолияти ҳақидаги асосий манбаларда ўз аксини топган дипломатик ҳужжатлар ҳали-ҳануз жиддий илмий изланишлар манбаига айланмай турибди. Ўзбекистон тарихчиларидан И.И. Умняковнинг Амир Темурнинг Оврупо давлатлари билан ёзишмаларига,⁴ А.А. Ҳасановнинг Ўрта Осиё ва Миср дипломатик алоқаларига⁵ бағишланган мақолалари, А. Ўринбоев ва О. Бўриевлар-

1. Мирзо Муҳаммадхон Қазвиний. *Бист мақолоти Қазвиний*. Бомбей. 1928.

2. Абдулҳусайн Навоий. *Аснод ва макотиботи тарихи-йи-Эрон*. Техрон. 1341 ҳ.

3. Масалан, улардан бири - Исмоил Ақа. *Темур ва давлати (турк тилида)*. Анқара, 1991.

4. Умняков И.И. *Международные отношения Средней Азии в начале XV в. Сношения Темура с Византией и Францией*. Труды Узбекского Университета. Самарканд. 1956, вып. 61. Бу мақола кенгайтирилган тарзда “Самарқанд тарихи”нинг (“Фан”, Т., 1971) 1-жилдида ҳам ўз аксини топган.

5. Ҳасанов А.А. *Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Египтом в конце XIV - начале XV в.* “Востоковедение”. Сб. научных трудов, № 589. Т., 1981.

нинг Абдураззоқ Самарқандий¹ ва Фиёсиддин Наққошнинг² дипломатик фаолиятлари ҳақидаги асарлари, илмий-изоҳли таржималари, Х. Исмагуллаевнинг матбуот саҳифаларида эълон қилган мақолалари³, Л. Керен, А. Саидовнинг “Амир Темур ва Франция” мавзудаги рисоласи⁴ ана шу муҳим муаммонинг баъзи жиҳатларини ёритишга қаратилган дастлабки қадамлар сифатида баҳоланиши мумкин.

Амир Темур давлатининг ташқи алоқаларини ўрганишда Оврүпода эълон қилинган қатор асарлар алоҳида аҳамият касб этади. Улар ичида Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг “Темурбек саройига саёҳат кундалиги” жуда машҳур бўлиб, у бир неча бор испан, инглиз, француз ва рус тилларида, шарқда эса форс тилида ҳам нашр этилган. Унга “Ўрта аср шарқининг қомусий сажиядаги асари” деган юксак баҳо берилган. Ҳақиқатан ҳам Клавихо эсдаликларида Амир Темур давлатида рўй берган кўпчилик воқеалар, мавжуд урф-одатлар, иқтисодий-сиёсий аҳволга доир хилма-хил ҳодисалар тилга олинганки, бундай хабарларни бошқа манбаларда учратиш қийин. Айниқса, унинг Амир Темур ҳузурига йўналтирилган элчилар, уларни қабул қилиш тартиб-қоидалари, империя ҳудудида улар учун яратилган қулайликлар ҳақидаги батафсил маълумотлари Соҳибқирон тузган давлатнинг ташқи алоқалари, унинг турли мамлакатлар билан олиб борган дипломатик муносабатлари ҳақида қимматли маълумот сифатида ғоят катта эътиборга моликдир⁵. Худди шу-

1. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. Кириш, таржима ва изоҳлар муаллифи А. Уринбоев. Тош., Фан, 1960.

2. Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Тош., Фан, 1991.

3. Қаранг: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” - 1995 йил, 7 апрель, 22 сентябр ва бошқа сонлари.

4. Керен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция. Тош., “Адолат”, 1996.

5. Ушбу асарнинг Оврүпо тилларидаги таржима нашрлари ичида 1990 йилда Парижда профессор Люстен Керен таржимасида “Самарқандга йўл” сарлавҳаси билан чиқарилган французча нашру (*La route de Samarkand an temps de Tamerlan. Relation de voyage de L., ambassade de Castille a la cour de Timour Beg par Ruy Gonzalez de Clavijo. 1403-1406. Traduite et commentes par Lucien Kehran. Paris, 1990*) алоҳида аҳамият касб этади. Унда таржимон ва тадқиқотчи Клавихо кундалиқларига оид барча маълумотларни бир жойга тўплаш билан чекланмасдан ўша даврда Оврүпо қиролларининг Амир Темур империяси билан олиб борган ёзишмаларини ҳам илова қилган.

нингдек, Амир Темурнинг Ўрта Ер денгизи шарқий соҳилларидаги мамлакатларни забт этиш учун уюштирган юришларини ўз кўзи билан кўрган, уларни бевосита кузатиш имконига эга бўлган овруполик муаллифлар томонидан ёзиб қолдирилган яна бир неча асарлар ҳам борки, уларнинг ҳар бири ўз навбатида ўша пайтда Амир Темурнинг бу мамлакатлар, айрим ҳолларда Фарбий Оврупо давлатларига нисбатан юргизган сиёсатини аниқлашда мутахассислар учун янги маълумотлар бериши мумкин. Италиялик тожир Белтрамус де Мигнанеллининг "Темурланг ҳаёти ёки Дамашқ харобаси" асари ана шундай манбалар қаторига киради. Муаллиф Амир Темур Дамашқни ишғол этганида ўша ерда бўлган, кейинчалик Ангора (Анқара) жангини (1402 йил июль), Смирнанинг ишғол этилишини кузатган ва ўрганган. Бу асар Яздий "Зафарнома"сидан 8 йил олдин, яъни 1416 йилда ёзилган. Уни лотин тилидан америкалик олим Фишел 1956 йилда сал қисқартирган ҳолда изоҳлар билан инглиз тилида нашр этган¹.

Улардан ташқари, ўз даврида Амир Темур барпо этган буюк империянинг бошқа мамлакатларга нисбатан юритган муносабатлари, унинг ташқи сиёсатининг қирраларини ўзида акс эттирган жуда кўплаб ҳужжатлар Оврупо қитъасининг турли қисмларидаги давлат ва шахсий архивларда сақланиб турганига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Улар ўша вақтда Соҳибқирон давлатига юборилган махсус вакиллар ёки минглаб хуфияларнинг ўз ҳукуматларига ёзма равишда юбориб турган ахборотларидан иборат бўлиб, бу таҳлитдаги материаллар ўз-ўзидан маълумки, босиб чиқаришга мўлжалланмаган. Уларни қидириб топиш, илмий тадқиқотлар доирасига киритиш Амир Темур даври мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Аmmo юқорида зикр қилинган манбаларда ҳам Амир Темур империясининг дипломатик алоқалари ҳақида қимматли материаллар жамланганки, уларга асосланган ҳолда бу борада ушбу мавзу юзасидан етарли даражада фикр юритиш мумкин деб ўйлаймиз.

Умуман олганда буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур дипломатияси жуда катта ва кенг қамровли мавзудир.

1. *Walter J. Fishel. A new Latin course on Tamerlane's conquest of Damascus (1400-1401), (B. De Mignanelli's "Vita Tamerlan", 1410). "Oriens", 9. 1956. p. 2.*

Амир Темурнинг Туркистонда мустақил давлат тузиш жараёнидаги дипломатик фаолияти, унинг ёш давлат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Олтин Ўрда ва Дашти Қипчоққа нисбатан амалга оширган тadbирлари, жаҳонгирлик фаолияти бошланганда дастлаб Хуросон, сўнгра Эрон ва Ажам Ироқи, Кавказ сарҳадлари, Ҳиндистон, сўнгра араб мамлакатлари ҳамда Туркия ва ниҳоят, Овруро давлатлари билан бўлган мулоқотларининг ҳар бири алоҳида илмий тадқиқот манбаи сифатида таҳлил қилиниши керак. Бу ерда фақат Амир Темур давлати ташқи сиёсати, унинг дипломатияси ҳақида умумий тасаввур бериши мумкин бўлган айрим мулоҳазаларни келтириш билан чекланилади, холос.

Маълумки, ўзбек олими Иброҳим Мўминов “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” асарида Соҳибқирон фаолиятини икки босқичга – Туронзаминда мустақил давлат тузиш ва хорижий мамлакатларни фатҳ этишга йўналтирилган даврларга бўлиб ўрганишни тавсия этган эди¹. Назаримизда, Соҳибқирон давлатининг ташқи сиёсатини таҳлил этишда ҳам ана шу мезондан келиб чиқиш маъқул кўринади. Чунки, тарихда таркиб топган ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсати ва унинг хорижий муносабатлари унинг ички сиёсатининг бевосита давоми сифатида намоён бўлади. Шундай экан, Амир Темур давлати дипломатик алоқалари ҳам у юритган умумий сиёсатнинг ажралмас ва узвий бир қисми сифатида майдонга чиққан ҳамда амалга оширилиб келинган.

Амир Темур фаолиятининг 1370 йилгача бўлган даври, асосан, Мовароуннаҳрни 150 йилдан ортиқроқ давом этган мўғуллар зулмидан озод қилиш, бу йўлда учраган барча тўсиқларни енгиб ўтиш ва Туронзаминда мустақиллик байроғини барқарор этиш билан белгиланади. Бу вақт ичида Соҳибқирон ана шу асосий мақсадни руёбга чиқариш билан боғлиқ тadbирларни амалга оширди. У жуда катта ақл-заковат ва зийраклик билан барча оғир вазиятлардан чиқа билди. Манбаларда баён қилинган воқеалар тафсилотлари шуни

1. Қаранг: Мўминов Иброҳим. *Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли*. Т., Фан, 1993. 57-бет.

кўрсатадики, бу ерда Амир Темур мавжуд кучлар нисбатини ва ҳодисалар ривожини ҳамма вақт янглишмай тўғри баҳолай олди ва шунга кўра иш кўрди. Амакиси Ҳожи Барлос Шаҳри-сабзни ташлаб қочганда, у вазиятни тўғри баҳолаб, мўғуллар билан иттифоқ тузишга қарор қилди ва ўз она юртини ҳамда ундаги ҳарбий-сиёсий таянчини сақлаб қола билди, сарбалдорлар раҳнамолигидаги ватанпарвар кучларнинг мустақиллик учун курашидан фойдалана билди ва Туркистон мустақиллиги учун завоқ келтириши муқаррар бўлган нўноқ ва нодон чингизий амир Ҳусайинни ўз вақтида четлаштиришга муваффақ бўлди. У Туркистон тахтини қўлга киритганда ҳам ўша давр сиёсий ҳаётида қаттиқ илдиз отган удумларни ҳисобга олган ҳолда иш кўрди: юзаки бўлса-да, чингизийлар сулоласидан хон кўтариб, ўзи амир-лашкарбоши унвони билан кифояланди, аммо, шу билан бир қаторда, чингизий маликага уйланиб “кўрагон - хон куёви” унвонига муяссар бўлди. У ана шу тарзда амалга оширган оқилона тadbирлар натижасида Мовароуннаҳрдаги барча қабила бошлиқлари, ўтроқ ноҳиялардаги аҳоли унинг атрофига маҳкам жипслашди. Тез орада Мовароуннаҳрда марказлашган кучли мустақил давлатга асос солинди.

Аммо, ўрта асрлар шароитида қайтадан ўз мустақиллигига эришган Мовароуннаҳрдек бой ва серфайз ўлкани чингизийлар империясининг парчаланиши ҳамда емирилиши натижасида атрофда авж олган сиёсий парокандалик ва жангу жадаллар шароитида қўл қовуштириб ўтириб сақлаб қолиб бўлмасди. Олтин Ўрда ҳали Хоразм воҳасидан умид узмаган, жета мўғуллари бу жойларга ўз очкўз нигоҳларини тикиб турар, жанубий сарҳадлардаги сиёсий парчаланиш эса Туркистонга ҳар қандай кучларнинг улар орқали ёпирилиб кириши учун қулай вазият яратар эди. Ана шундай бир шароитда Амир Темур фаолиятининг иккинчи даври - унинг Туркистондан ташқарида бўлган хорижий мамлакатлардаги фаолияти бошланади. Бу даврдаги Амир Темур сиёсати ва дипломатияси олдида энди янги, сон-саноксиз муаммолар пайдо бўлади. Улар, табиийки, Ўрта Осиёни ягона давлатга бирлаштиришдаги вазифалардан тубдан фарқ қилади, албатта. Аммо бу даврда ҳам, яъни 27 мамлакатни ўз ичига олган буюк империяни барпо этишда содир бўлган барча ҳодисаларда ҳам

Амир Темурнинг зукко давлат сиёсати ва дипломатияси уз аксини топиб боради.

Амир Темурнинг бу даврда Мовароуннаҳрдан ташқаридаги мамлакатлар ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик мулоқотлари шуни кўрсатадики, унинг жаҳонгирлик сиёсатидаги барча масалалар асосан ислом дини нуқтаи назарига асосланган ҳолда ҳал этишга қаратилган. Тўғри, кўпчилик ҳолларда Соҳибқироннинг ҳарбий юришлари ислом мамлакатларига нисбатан амалга оширилган. Гап шундаки, бундай ҳолларда мусулмон ҳукмдорининг ҳеч қандай асос бўлмаган бир шароитда бошқа мусулмон давлатига тажовуз қилишига фатво йўқ. Аммо мўғуллар ҳукмронлиги йилларида кўпгина мусулмон сарҳадларида ислом динининг олдинги мавқеи сусайиб қолган, чунки мажусий мўғул ҳукмдорлар (масалан, Ўрта Шарқдаги хулагийлар ёки Марказий Осиё шарқидаги жеталар) ўз манфаатлари йўлида ислом қонун-қоидалари билан мутлақо ҳисоблашмас эдилар. Амир Темур давлат тепасига келган вақтда бу борадаги аҳвол ислом дини фойдасига ўзгара бошлаган бўлсада, ҳали кўп ноҳияларда мажусийларнинг ғоявий ҳаётдаги салбий таъсиридан бўлган норозилик босилмаган эди. Соҳибқирон бу аҳволдан ўзига тобе кучларни мақсад сари сафарбар этишда ва бошқа мамлакатларга нисбатан уюштирилган ҳарбий юришларни оқлаш учун ғоят оқиллик билан фойдаланади. У олиб борган барча жангу жадаллар ислом динининг ғорат этилишига йўл қўймаслик, унинг сусайишига ўз хатти-ҳаракати билан сабабчи бўлган ҳукмдорларни жазолаш шиори остида амалга оширила бошланади. Ислом дини дахлсизлигини муҳофаза қилиш, бу борадаги қонун-қоидаларнинг бузилишига йўл қўймаслик, уни тарқатиш - Соҳибқирон давлатининг ғоявий байроғига айланади. Амир Темур Мовароуннаҳрни мўғул истибдодидан озод қилишда, сўнгра буюк империяни барпо этишда бир ярим аср давом этган ғайридин мўғуллар ҳукмронлигидан зада бўлган минтақалар учун уша даврда ислом ғоясининг бирлаштирувчи кучга айланиши мумкинлигини тўла англаган ҳолда ҳаракат қилади. “Тажрибадан хўриб билдимки, - деб таъкидлаган эди у, - давлат агар дину ойин (қоида) асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи қудрати ва

тартиби йўқолади”¹. Унинг дини ислом соҳасида юритган сиёсати дин пешволари томонидан қаттиқ қўллаб-қувватланди, ҳатто улар Амир Темурга “бу юз йилликда Муҳаммад динининг янгиловчиси шу киши бўлғай”², деган фатво ҳам бердилар. Жаҳонгирлик сиёсатининг ана шу ғоя билан асосланганига мисол тариқасида “Зафарнома”дан қуйидаги парчани эслатиб ўтишни лозим топамиз: “Давлатнинг равшан қуёши жангу жадал маъракаси гардининг қоронғилитидан сўнг юз кўрсатади, комронлик чаманининг яшнаши уруш булутидан қон-ёмғур ёққанидан кейин содир бўлади. Вақтики, бу саъю қўшишлардан кутилган мақсад ҳақ калимасининг юксаклигига эришиш ва ислом шиорини изҳор этиш бўлса, бу матлуб натижаси тезроқ қўлга киради ва у орзу чехраси осонроқ юз кўрсатади”³.

Шу тарзда Амир Темур исломни ғоявий байроқ сифатида ўзининг бошқа мамлакатлар ва халқлар билан бўлган муносабатларида ҳамиша бедахл сақлашга, уни бош масала тарзида ҳар вақт диққат марказида тутишга қаттиқ эътибор бериб келди. У, масалан, турк султони Боязид Йилдирим билан олиб борган ёзишмаларида доимо унинг ғайридинларга қарши олиб борган курашига хайрихоҳлик билдиришни унутмаган, бу борадаги ўз нуқтаи назарини имкони борича кенгроқ тарқатишга ҳаракат қилган. Боязид Йилдиримнинг Кемах қалъасини босиб олганига

1. *Темур тузуклари. (Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматов таржимаси) Тош., Фафур Ғулом номидаги нашриёт ва матбаа бирлашмаси, 1991. 57-бет.*

Бу асарни Амир Темур ёзган ёки Саҳибқирон айтиб туриб ёздирган, деган тушунча билан бир қаторда, у биринчи дафъа XVII асрда форс тилида битилган ва XV асрга тааллуқли эмас, деган тушунча ҳам маъжуд. Ҳозирга қадар бу масалада бир фикрга келинмаган. Аммо шунини таъкидлаш жоизки, кўпчилик темуришуносларнинг мулоҳазаларига кўра, унда Амир Темур даври, унинг давлатчилик сиёсатининг асосий қирралари аниқ тасвирланган. Бу ерда биз Саҳибқирон дипломатияси ҳақида фикр юритар эканмиз, унинг ушбу китобда бу соҳага тааллуқли сиёсати ва йўл-йўриғи аёс эттирилган қатор нуқталарга таянишни лозим топдик.

2. *Уша асар, 58-бет.*

3. *Низомиддин Шомий. Зафарнома. (Форс тилидан ўзгирувчи - Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир - Асомиддин Ўринбоев) Т., Ўзбекистон, 1996. 246-бет.*

қаттиқ эътироз билдирган Амир Темур турк султонидан уни дарҳол ўз эгаларига қайтариб беришни талаб қилар экан, бу масала юзасидан унга йўллаган мактубида, жумладан, қуйидагиларни таъкидлаган эди: “Уни (Кемах қалъасини) бизнинг гумашталаримизга топширасан, қолган Рум мамлақати сенга мусалламлигича қолгай, агар у ҳудудда (ислом) динига мухолиф бўлганларга қарши ғазот маросимини барпо қилсанг, ҳар нимаики илтимос қилсанг, қудратимиз етганча мадад ва ёрдамимизни дариг тутмаймиз, биз ҳам ғазот савобида сенга шерик бўлғаймиз”¹. Шундан сал олдин Қорабоққа Амир Темур ҳузурига келган турк элчиларига (тахминан 1402 йил март ойининг бошларида) Соҳибқирон шундай сўзларни айтади: “Мен табиатан у томонга юзланиш ва у мамлакатга лашкар суришни хоҳламайман. (Амир Боязид) доимо фарангларга қарши ғазот қилаётганлиги сабабли мен фаранглар қувватланиб, аҳли исломнинг кучсизланишини истамайман”². Амир Темур Оврупо давлатларига юборган элчиларига қироллар билан олиб бориладиган музокаралар учун кенг ҳуқуқлар бергани ҳолда, уларга диний масалалар юзасидан фикрлашишни мутлақо ман этган. Масалан, Амир Темурнинг 1402 йилда Фарангистон қироли Карл VI йўллаган мактубида шундай сатрларни ўқиймиз: “Буюк ҳукмдорлар ва дўстлар ўртасидаги улуғ ишлар ҳақида бир-бирларини огоҳ этиш одатига буйсуниб, мазкур архиепископ Жанни сиз жанобларининг ҳузурига жўнатдик, токи ул киши бизнинг мамлақатимиз ва ҳозирги аҳволимиз, шунинг бирла, сўнгги пайтларда бул ўлкаларда сизнинг ғанимларингизга нисбатан содир бўлган воқеалар тўғрисида сизни хабардор этсинлар, батафсил сўзлаб берсинлар. Тагин ул зот сизлар билан бўлган дўстлигимиз ва иттифоқимиз, сиз ва сизнинг одамларингизга ҳурмат-эътиборимиз ҳамда биродарлигимиз равнақи йўлида шу кунларда бажарилаётган кўпгина фойдали тadbирлар ҳақида ҳам ҳикоя қилгайлар. Ул зотни ҳам сизнинг, ҳам бизнинг одамимиз тариқасинда тавсия этмоқдамиз; ул кишини диний масалалардан ташқари, бошқа барча масалаларда ишончли вакил деб тинглағайсиз”³. Ушбу мактубдаги остига чизилган сўнгги жумла

1. *Ўша асар, 324-бет.*

2. *Ўша асар, 323-бет.*

3. *“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1993 йил 28 май.*

билан Амир Темур ўзининг мусулмон империяси ҳукмдори сифатида диний масалалар юзасидан музокаралар олиб бориш нияти йўқлигини билдириш билан бир қаторда, насроний эътиқодга оид ўз хизматкорининг (элчисининг) бу соҳада умуман ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуққа эга эмаслигини ҳам алоҳида қайд этган. Айрим тадқиқотчиларнинг, масалан, И.И. Умняковнинг “бу нарса Амир Темур ва унинг аъёнларининг фикри бўлмасдан, архиепископнинг ўзи томонидан мактубга қўшилган”¹, деган фикрини сира қувватлаб бўлмайди. Чунки элчи сифатида юборилган монах Жан бундай эркинликка йўл қўйиши ақл бовар қилмайдиган бир ҳолдир. Амир Темурнинг ислом дини ҳимоячиси сифатида юргизган ички ва ташқи сиёсатининг ифодаси тарзида бу жумла атайлаб ана шу мактубнинг бошдан оқ ўрин олганлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Амир Темурга бўйсуннишни истамаган ва ундан қочиб Боязид Йилдирим саройида паноҳ топган туркман сардори Қора Юсуф масаласида ҳам ислом дини нуқтаи назаридан ёндашилган. Аслида бундан Амир Темур ўз сиёсий ва ҳарбий мақсадларини амалга ошириш учун ғоят зукколик билан фойдаланган. Натижада Қора Юсуф масаласи унинг билан турк султони ўртасидаги энг чигал муаммолардан бири даражасига кўтарилади, чунки Соҳибқироннинг бу боралаги талабини Боязид бажаришдан бош тортади. Амир Темур Боязидга йўллаган қатор мактубларида Қора Юсуфни ўз юртида мусулмон қонун-қоидаларини оёғ ости қилганликда, қароқчилик йўлига ўтиб, Маккага бораётган ҳожилар қарвонларини талаганликда айблайди ва бундай шахснинг, Куръон оятларида кўрсатилганидек, оғир жазога мустаҳиқ этилиши лозимлигини таъкидлайди. “Қора Юсуф йўлтўсарлардан бўлганлиги ва неча марта ҳожиларни ғорат қилганлиги, ислом мамлакатларида талон-торож қилиб фитна кўзғотганлиги учун, - деб ёзган эди Соҳибқирон бу ҳақда Боязидга юборган ўз мактубларидан бирида, - умумхалқ ҳузурида дорга осилиши керак, токи ўзга муфсидларга ибрат бўлгай². Бу ерда ана шундай “дини исломни ғорат қилган” бир кимсани ўз паноҳида сақлаган ҳукм-

1. Умняков И.И. *Международные отношения Средней Азии в начале XV в. Сношения Тимура с Византией и Францией. Труды Узбекского Университета. Самарканд. Вып. 61, 1956. с.-180.*

2. Шомий. “Зафарнома”, 289-бет.

дорнинг ҳам шу гуноҳга шерик бўлиши, ислом қокун-қоидаларига хилоф йўл тутаётганлигига ҳам шаъма қилиб ўтилади.

Амир Темурнинг Миср мамлуклари билан олиб борган дипломатик ёзишмаларида худди шу диний масалаларни ҳисобга олган ҳолда сал бошқачароқ йўл тутгани кўзга ташланади. Гап шундаки, мўғуллар 1258 йилда Бағдодни эгаллаб, Аббосийлар халифалигига хотима бергач, ислом дунёси (суннийлар) ўзларининг ягона руҳоний раҳнамолари - халифаларидан жудо этиладилар, ўша пайтларда Бағдоддан Қоҳирага келган қочоқлардан бири ўзини сўнгги халифанинг амакиси деб эълон қилади. Бу даъво кўп ҳам ишончли бўлмаса-да мамлуклар ислом дунёсида уз сиёсий манқеларини мустақкамлаш мақсадида уни қабул қиладилар ва шундан бошлаб Қоҳирада Аббосийларнинг вакиллари мамлук султонлари ҳузурида ислом оламининг бош диний раҳнамоси сифатида қарор топадилар. Улар мамлук султонлари учун атроф мамлакатларни қўлга олишда маънавий таянч вазифасини ўтайдилар. Мамлук Бейбарс (1260-1277) даврида Африка қитъасидаги Ливия ва Барка, сўнгра Нубия Мисрга қўшиб олинади. Шунингдек, мамлук султонлари Макка ва Мадина жойлашган Хижоз устидан ҳам ўз ҳукмронликларини ўрнатадилар. Амир Темур Миср билан бўлган ўз мулоқотларида ана шу фактларни эътиборга олишга мажбур эди. У Бағдодни қўлга киритар экан, Миср билан ўз сарҳадларининг туташганини ҳисобга олиб, Барқуққа 1393 йил бошида “подшоҳона туҳфалар ва ҳадялар билан” “Сова шаҳрининг машойихларидан ва қадимий хонадонларидан бўлган аслзода ва шариф бир кишини элчи сифатида” йўллайди. Амир Темур Миср султониға ёзган мактубида: “ҳамсоялик ҳаққиға риоя қилиб, дўстлик эшигини очайлик, токи бундан буён ҳар икки томондан элчилар бориб келиб турсинлар, ҳар икки мамлакат савдогарлари учун йўл очиб қўйилсин ва бу маъни халқ осойишталигига ва йўлларнинг эминлигига сабаб бўлсин”, деган сўзларни битган эди. Аммо элчилик Шом ҳудудига етгач, ҳеч қандай сабабсиз элчи ва унинг ҳамма мулозимлари тигдан ўтказилади. Айни вақтда, Барқуқнинг фармониға мувофиқ, ўзаро тўқнашувда қўлга тўшган Амир Темурнинг яқин аъёнларидан бири Отламиш¹ Қоҳираға олиб кетилиб, банди

1. *Ибн Арабшоҳ уни Амир Темурнинг қариндоши деб таърифлайди. Ҳар ҳолда Отламиш Соҳибқиронға энг яқин, у билан уруғдош барлос бекларидан бири бўлса керак. 1405 йилда Темур Утронда вафот этганда, унинг валиаҳди*

зиндон этилади. Бу вақтда Амир Темур очикдан-очик Барқуққа қарши ҳарбий куч билан тазйиқ кўрсата олмас эди. У буюк стратег сифатида бунинг учун қулай фурсат етилмаганини яхши биларди. Чунки Барқуқ Амир Темурга қарши Боязид Йилдирим билан иттифоқ тузган, агар ўзаро муҳораба бошланса, унинг анъанавий шериги Олтин Ўрда ҳам Темур лашкарларига орқадан зарба бериши мумкин эди. Шунинг учун Амир Темур ўзига етказилган озорни вақтинча орқага ташлашга мажбур бўлади ва султон Барқуқни фақат қаттиқ огоҳлантириш билан чекланади. Шомийнинг ёзишича, у Рум чегараларидан ўтиб, Малотияга келганда Миср султониغا яна элчи юборади ва “Мен бегона лашкарни Шом ерларига киритишни хоҳламайман, сизлар бундан ортиқ жаҳл мақомига қадам босманглар, амир Отламишни тезлик билан юборинглар, токи мен элчини ўлдирганингиз гуноҳидан ўтаман ва диёрингизни саломат қолдираман”¹, деган мазмунда мактуб йўллайди. Аммо бу мактубга ҳам ижобий жавоб бўлмайди. Бу орада Амир Темур 1394 йилда тўсатдан ўз суворийлари жиловини орқага буришга фармон беради. Буни кўпгина ғарб тадқиқотчилари “Темур 1394 йилда мамлуклар ихтиёридаги Сурия ерлари томон йўлга чиққанди. Аммо у мамлук султон Барқуқ қўшинидан кўрқиб, бирдан шарққа чекинишга мажбур бўлди”, деб изоҳлайдилар². Аслида Амир Темур, юқорида таъкидланганидек, бу вақтда Мисрға қарши муҳораба майдонига чиқмоқчи эмас эди. Тўқнашув учун етарли ва асосли сабаб бор эди, аммо қулай фурсат ва шароит йўқ эди. Шунинг учун ҳам у мамлуклар билан бўладиган жангни орқага ташлаб, Ҳиндистон сафарига отланади. У Ҳиндистон юришидан қайтгач, мамлуклар ҳукмронлигидаги сарҳадларга ўзи учун қулай бўлган янги вазиятда юриш бошлайди, тез орада йирик шаҳарлардан Ҳалаб ва Дамашқни қўлга киритади. Миср султони Фараж тор-мор қилиниб, бу жойларни ўз ҳолига ташлаб Қоҳирага қочади.

Юқорида таъкидланганидек, Миср мамлукларига қарши уюш-

Пирмуҳаммадга барча беклар имзо чеккан “Иттифоқнома”ни зудлик билан Қандаҳорга етказишдек ғоят муҳим ва ўта махфий юмуш Отламишга юклатилганини кўраимиз. Қаранг: Тадж ад-дин Ас-Салмани, Тарих-наме. Перевод с туркского акад. З.М. Буниятова. Баку, Элм, 1911. с. 26.

1. Шомий. Зафарнома, 289-бет

2. W. J. Fishel. A new Latin source. - p. 201.

тирилган ҳарбий тадбир учун Соҳибқирон ихтиёрида етарли баҳона бор эди: унинг дўстлик муждаси билан султон Барқуққа юборилган элчилари хиёнаткорона ўлдирилганди. Барча халқлар томонидан қабул этилган ва амал қилиниб келинган қадимий удум - “элчига ўлим йўқ” удуми бузилганди. Амир Темур Сурия сарҳадларини эгаллагач, бу ерларга, яъни мусулмон халифалари қарор топган мамлакат сарҳадларига келганлигини маънавий жиҳатдан исботлаш мақсадида юқоридаги сабаб билан чекланмасдан яна қатор тадбирларни амалга оширади. 1401 йилда шарқнинг ўша даврдаги энг йирик ва гавжум савдо марказларидан бири - Дамашқ шаҳрининг Амир Темур қўшинлари томонидан забт этилишининг шоҳиди бўлган италиялик тожир Белтрамус де Мингнанелли ўз эсдаликларида ана шундай маънавий-дипломатик тадбирлардан бири ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади: “Бир кун Темур Мисрнинг Сурияда асир тушган мамлук шаҳзодалари ва султон ноибларини ўз ҳузурига олиб келишни буюрди. У уларга султон ҳузурда бажарган ишлари ҳақида қатор саволлар берди. Уларнинг жавобларини эшитгач, бошини сарак-сарак қилиб шундай деди: “Ўз-ўзидан равшанки, сизлар ҳеч нарсага яроқсиз кишилар экансиз, султонингиз эса нодон экан. Агар у нодон бўлмаганда, сизлардек одамларни шундай юксак лавозимларга тайинлармиди”. Шундан сўнг у Дамашқда Миср султони ноиб лавозимида бўлган Сайфуддин Судундан¹ бошлаб, қолган асирларни ҳам бирма-бир сўроқ қилди. Аммо уларнинг биронтасида ҳам эътиборга лойиқ ақл-заковат кўрмади. Шунда у: “Сизлар фақат чўчқа боқишга ярайсизлар, холос. Ҳаммангиз ўз инсоний қиёфангизни йўқотгансиз”, - деди ва буйруқ берди: “Бугдой, макка ва отларга хашак олиб келинглар. Булар орқалаб олиб кетсин, чунки бошқа ишга ярамайдилар”². Бу билан Амир Темур у ердаги аҳолига улар тепасида турган аёнларнинг юртни бошқарув ишига яроқсиз кишилар эканлигини, бундай зотлар зулмидан мусулмонларни озод этиш эса савобий тадбирлардан саналишини эслатиб қўяди. Таниқли тарихчи олим Эдвард Гиббоннинг таъкидлашича, Амир Темур худди шу вақтда Ҳалаб

1. *Темур элчиларининг ўлдирилишида асосий айбдор бўлган Сайфиддин Судунни Соҳибқирон ўлимга ҳукм этади.*

2. *Fishel W.J. A new Latin source. p. 211.*

шаҳрида асир тушганлар орасидан ҳуқуқ олимларини йиғиб, улар билан суҳбат қурган ва бу суҳбатда ислом байроғини бедахл ва безавол сақлаш унинг асосий мақсади эканлигини қатъий таъкидлаган. Айни вақтда, у бу жойларда мавжуд бўлган асл исломдан чекиниш ҳолларига ишора қилиб «Моавия истилочи эди. Ҳазрат Золим, қонхўр эди. Фақат Али ҳазратлари пайгамбаримизнинг қонуний издошлари бўлганлар»¹, дейди.

Бу парчадан кўриниб турибдики, Соҳибқирон атрофдагиларга ҳатто халифа бўлган мамлакатда ҳам ҳақ йўлидан тойган Муовия ва Ҳазрат тарафдорлари борлигини, бу мамлакатни ислом динига раҳна солувчи бузғунчилардан тозалаш Оллоҳга ҳуш келадиган савоб ишлардан эканлиги ва бу вазифа унинг зиммасига юкланганини тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу эса, ўз навбатида, унинг бошқа мамлакатларга амалга оширилган юришларидаги каби, қўшинлари билан Ҳалабга келганлигини маънавий жиҳатдан оқлашга қаратилган тарғибий тадбирлардан бири бўлганди. «Қайси бир вилоят халқининг эътиқоди, - деб ёзилган бу ҳақда “Темур тузукларида”, - Ҳазрати Саййид ал-Мурсалин, унга Оллоҳнинг марҳаматлари бўлсин, хонадони ақидаларидан фарқланиб ўзгарган бўлса, подшоҳлар ўша вилоятни босиб олишлари ва у ер аҳолисини бузуқ эътиқодларидан қайтаришлари лозим. Бунга мисол, мен Шом вилоятига кириб, бузуқ эътиқодли кишиларни жазоладим»².

Амир Темур “Тузуклари”да “Қайси ишни чора-тадбир билан битиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим”³ деган ибора битилган. Бу нарса унинг дипломатиясида асосий ўрин тутганлигини кўрамай. Бу дипломатик йўл Туронзаминни бир яхлит давлат сифатида бирлаштиришда катта ижобий натижалар берди. Акс ҳолда кўглаб қон тўкилган, мўғулларнинг 150 йил давом этган зулмидан кейин энди қад ростлаб келаётган ўнлаб шаҳар-қишлоқлар ва суғориш иншоотлари қайтадан вайрон

1. Эдвард Гиббон. Рум империясининг емирилиши ва қулаши тарихи, 6 - жилд. Нью-Йорк, 1850, 373-374-бетлар. Бу асардан келтирилган лавҳа Х. Исмаиловнинг “Амир Темур ва Оврупо” мақоласидан олинди. Қаранг: “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1995 йил, 14 июл.

2. Темур тузуклари. 92-бет.

3. Ўша асар, 12-бет.

қилинган бўлур эди. Бу эса, ўз навбатида, мўғул истибдодига қарши курашдаги яқдилликка раҳна солган, мустақиллик тарафдори сифатида сиёсий майдонга чиққан кучларнинг ижтимоий ва иқтисодий таянчини ожизлантириб, пировард натижада бу кучларнинг мақсадга эришув муддатини чўзиб юборган бўлур эди.

Дипломатик йўл билан ўз таъсир доирасини кенгайтириш усулини Амир Темур ўз фаолиятининг иккинчи босқичи, яъни жаҳонгирлик даврида ҳам кенг қўллаган. У, айниқса, кичик ҳукмдорларга жангу жадалга киришмасликни, юқори ҳокимият сифатила уни тан олган ҳолда ўз юртида аввалгидек ҳукмронлик қилаверишни тавсия этган. Манбалардан маълумки, кўп ҳолларда бу сиёсат муваффақият қозонган. Албатта, бундай ҳукмдорларнинг Амир Темур таклифларини қабул қилиши замирида Турондагидек бирлашиш зарурати эмас, балки ноиложлик асосий омил бўлган. Шу билан улар, чекланган бўлса-да, ўз ҳукмронликларини сақлаб қолганлар.

Ҳарбий куч-қудратга таянган бу дипломатик усул кўп ҳолларда муваффақият қозонганлигининг яна бир сабаби шундаки, Амир Темур ўз фаолиятида айтилган сўзни албатта амалга оширишга ҳаракат қилган.

Тарихдан маълумки, кўпгина фотиҳлар у ёки бу истехкомни забт этишда ёки бирон мамлакатни ўз тасарруфига олишда, агар ихтиёран таслим бўлинса жуда катта ваъдалар беришган, эл-юрт, мол-жон омонлигини сақлаш ҳақида қасамлар ичишган, аммо ўз мақсадларига эришгач, турли ривоятлар топиб, уни бузишган. Бундай ҳолни биз Чингизхон ва унинг лашкар-бошилари фаолиятида айниқса кўп учратамиз. Тарихий фактлар шунини кўрсатадики, Темур бундай ҳолларда сўз ва иш бирлигига асосан қатъий амал қилган. Бунга фақат битта мисол келтириш билан чекланамиз. Манбалардан маълумки, Амир Темур Боязид Йилдирим билан тўқнашувда турк султони тарафида бўлган “тоторлар” қавмини Туркистон сарҳадларига қайтариш ваъдаси билан ўз томонига ағдариниға муваффақ бўлади. Бу ҳақда Низомиддин Шомий ва Ибн Арабшоҳ асарларида тўла маълумот берилган. Муаллифи ўша давр воқеаларини ўз кўзи билан кўрган бошқа бир манба - “Тарихнома”да Соҳибқирон берган ана шу сўзнинг оқибати ҳақида аниқ фактларга дуч келамиз. Маълум-

ки, 1404 йил сентябрь ойида Самарқанд яқинидаги Конигилда Амир Темур уюштирган сайл-тўйда бошқа набиралари қатори унинг суюкли набираси Улуғбек ҳам уйлантирилади. Юқоридаги асар муаллифи Тожиддин ас-Салмонийнинг таъкидлашича, Амир Темур Муҳаммад Тарағай Улуғбекка “Мўғуллар яшайдиган юртларни (суба) ва ерларни (жулка) идора қилишни топширди ва деди: “Улуғбек у жойлардаги барча ишларга бошчилик қилсин, чунки унда шундай истеъдод мавжуд, Оллоҳ паноҳида у бу мамлакатга ҳукмронлик қилишга қодир ва бу ҳол мен бошқа юртларни забт этишга отланганимда мени хотиржам бўлишимга шароит яратади”. Бунинг учун Амир Темур ўз набираси ихтиёрига Мовароуннаҳр, Ироқ ва Ҳуросон одамлари билан бирга 20 минглик тотор суворийларини ҳам ўтказди. Улар Румдан хотин-халажлари ва бола-чақалари ва хешу - тоборлари билан бу ерга кўчирилган эдилар”¹.

Амир Темурнинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятига тааллуқли жуда кўп воқеалар шуни кўрсатадики, бу улуғ зот бирон дақиқа бўлмасин сиёсий ҳодисалар тизгинини назардан қочирмаган ва бу борада тинмасдан меҳнат қилган. У нафақат ўз пойтахти Самарқандда, балки бепоён империянинг қаерида бўлмасин, ҳар вақт четэл элчиларини қабул қилган, унга атроф мамлакатлардан узлуксиз сурагда хабарлар келиб турган. Умуман, Амир Темур даврида алоқа воситалари изчил ва пухта ташкил этилган эди. “Амр қилдимки, - дейди Темур ўз “Тузуқлар”ида, - мингта тезюрар туя минган, мингта от минган елиб-югурувчи кишини чопқунчи, минг нафар тезюрар пиёдани (чопар) этиб тайинласинларки, турли мамлакатлар, сарҳадларнинг хабарларини, қўшни ҳукмдорларнинг мақсадлари ва ниятларини билиб, ҳузуримга келиб, хабар қилсинлар, токи бирон воқеа, кор-ҳол юз бермасдан бурун чора ва иложини қилайлик...”². У ҳарбий юришлар вақтида ҳам йўл-йўлакай атроф-жавонидан келган элчиларни қабул қилган, ўз вассалларининг ўзига бўлган садоқатини синаб кўрган ва мустаҳкамлаш чораларини амалга оширган, ҳатто узоқ мамлакатлар билан дўстона алоқалар масалаларини ҳам ҳал этиб кетаверган. Ўша вақт шароитида бу

1. *Тадж ад-Дин ас-Салмоний. Тарих-наме. с. 115.*

2. *Темур тузуқлари, 26-бет.*

табий ҳол эди, албатта. Чунки четэл вакиллари Соҳибқиронни Самарқандда кутиб туролмас, унинг шахсан ўзи ечадиган муаммоларга эса ҳеч ким аралашолмас эди. Масалан, Ҳиндистон сафари вақтида, Кобул яқинидаги Дуринда Амир Темур ҳузурига Темур Қутлуғ Ўғлон, Амир Идику, Ҳизрхўжа Ўғлон элчилари келиб, Шомийнинг ёзишича, ўз хўжаларининг қуйидаги мазмунда битилган номаларини топширади: “Бизлар ҳаммамиз Соҳибқироннинг бандалари, хизматкорлари ва тарбияларини топган кишилармиз. Агар бундан илгари муҳолифат тирноғи ихлосимиз юзини тирнаган бўлса, энди биз ақл ойнасида унинг айбини кўрдик ва оёғимизни у (ихтилоф) мақомидан тортдик. Агар халифалик паноҳи бўлмиш ҳазрат авф қилсалар, бундан кейин бандалик кўчасидан четга қадам қўймаймиз ва итоат остонасидан бошимизни кўтармаймиз”¹. Соҳибқирон уларни авф этади ва “хисравона тухфалар билан сарафроз” этиб, қайтишларига ижозат беради.

Бу ерда бўлиб ўтган йиғинга атроф-жавонибдаги мамлакат ва ҳукмдорлардан келган элчилар билан бир қаторда узоқ Дўғу Мўғул (Улуғ юрт)нинг чингизий ҳукмдори Темур Қутлуғнинг махсус вакили, Хитой императорининг элчиси Тайзи Ўғлон ҳам ўз одамлари билан етиб келадилар. Бошқалар қаторида Амир Темур уларни ҳам катта ҳушнудлик билан кутиб олади. Ушбу анжуманга ташриф буюрганлар одатга мувофиқ катта совға-саломлар билан келган эдилар. Соҳибқирон элчиларга ўз навбатида қимматбаҳо тухфалар улашади. Йиғиндагиларни айниқса Форс вилояти волийси амирзода Шайх Нуриддиннинг Амир Темурга келтирган қимматбаҳо совға-саломлари қаттиқ ҳайратга солади. “Атроф (диёрлар)дан келган элчилар - деб ёзади Низомиддин Шомий бу ҳақда ҳикоя қилар экан, - масалан, Хитой мамлакатидан элчи бўлиб келган Тойзи Ўғлон ва Темур Қутлуғнинг элчилари ҳам шу мажлисда ҳозир бўлиб, у қимматбаҳо совғаларга таажжуб кўзи билан тикилардилар. Соҳибқирон ҳазратлари у тухфалардан элчиларга суюрғаллар улашди”². Хитой элчисининг Дуринга етиб келишининг сабаблари ҳақида манбаларда аниқ маълумот учрамаса-да, унинг

1. Шомий. Зафарнома, 225-226-бет.

2. Ушо асар. 226-бет.

бу ерга ўз-ўзидан келмаганлигини, Амир Темурнинг Ҳиндистонга отланганини эшитган Хитой императори Соҳибқироннинг галдаги режаларидан ташвишга тушиб, зудлик билан унинг ҳузурига ўз элчиси Тойзини юборганини тахмин этиш мумкин. Йирик шарқшунос олим Закий Валидий Тўғоннинг таъкидлашича, худди шу ерда, яъни Дуринда Амир Темур ҳинд сафаридан кейин Хитойга юриш уюштириш ниятини очиқ эълон қилади. Унинг фикрича, Соҳибқироннинг бу масаладаги режаси қатъий бўлиб, шу ниятда у 1397 йилда Чигатой хони Хизрхўжа билан ярашиб, унинг қизи Тугал хонимга уйланади ва валиаҳди Муҳаммадсултон Мирзо ҳамда бошқа бир қанча амирларга Хитой сафарига яқиндан тайёргарлик кўриш учун Мўғулистон тарафларида, Еттисувда қалъалар ва истеҳкомлар қуриш ва у ерларда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш билан шуғулланишни буюради. “Аммо, - деб ёзади Тўғон, - Миср ва Анадўли султонларининг Темур империясининг ғарбий сарҳадларига нисбатан олиб борган сиёсатлари Соҳибқиронни яна ғарбга отланишга ва Хитой сафарини у мўлжаллаган 1398 йилда бошлашга имкон бермади ва уни орқага суришга уни мажбур қилди. Агар Амир Темурнинг ана шу режаси амалга ошганда эди, эҳтимол, у барпо этган империянинг Соҳибқирон вафотидан кейинги тақдири бошқача бўларди”¹.

Ҳар ҳолда ҳинд сафари давомида Дуринда бўлиб ўтган ана шу йиғинда Амир Темур йўл-йўлакай ғоят муҳим ички ва ташқи сиёсатга доир қатор масалаларни муҳокамадан ўтказди, уларнинг ҳар бири юзасидан маълум қарорлар қабул қилади. Манбаларнинг хабарича, бундай анжуманлар тез-тез ўтказиб турилган.

Амир Темур Синд дарёси қирғоқларига етиб келганда унинг ҳузурига атрофдаги ҳокимликлардан яна бир қатор элчилар етиб келадилар. Улар Соҳибқиронга ўз ҳукмдорларининг ихлос ва тобелик изҳор этилган мактубларини топширадилар. Бу элчиларнинг айримларига топширилган жавоб мактубларидан Амир Темур уларнинг ҳукмдори гарданига Ҳиндистон фатҳи билан

1. A. Zeki Yelidi Togan. *Umumi Turk Tarihine giris. En eski devirlerden 16 asra kader. 3 baski, Istanbul, 1981. 347-348-бемнаор.*

боғлиқ бўлган аниқ вазифалар юклайди. Масалан, Кашмир ҳукмдори Искандар шоҳга Диболпур шаҳри ёнида ўз қўшинлари билан шай бўлиб туриш вазифасини топширади¹.

Амир Темур давлатининг ташқи муносабатларига оид ва турли давлат бошлиқлари – подшоҳлар, султонлар, қироллар ва ҳар хил ҳукмдорларга йўлланган дипломатик ёзишмалари асосан Соҳибқирон номидан олиб борилган. Бу табиий ҳол бўлиб, Мовароуннаҳрда вужудга келган мустақил давлат ва сўнг барпо этилган бепоён империянинг асосчиси ва ягона олий ҳукмдори - Амир Темур эди. Аммо, гал шундаки, ана шу давлатда айни вақтда унинг ўзи ва сафдошлари томонидан расмий суратда “хон” курсисига ўтказилиб қўйилган чингизий шаҳзодалар ҳам мавжуд эди. Темур давлатида зарб этилган ва давлатчиликнинг асосий белгиларидан бири бўлган муомала воситаси - тангаларда ана шу хоннинг номи албатта зикр этилар эди. Масалан, Самарқандда 1402-03 йилларда зарб этилган тангаларнинг олд томонига Куръондан калима ва уларнинг тўрт бурчагига биринчи тўрт халифанинг номи, бошқа бурчакларига эса тангалар зарб қилинган шаҳар ҳамда сана ёзилган бўлса, уларнинг орқа томонига аввал чингизий “хон” - султон Маҳмудхон ва сўнгра Амир Темур Кўрагон ва Амир Муҳаммад султон номлари ёзилган². Тўғри, номигагина “хон” кўтарилган чингизийларнинг энг юксак даражадаги расмий ҳурмати асосан шу билан чекланган. Чунки, улар аслида Амир Темурнинг яқин аъёнлари қаторида, унинг хизматида бўлганлар. Улар Амир Темур режаларининг бажарилишига маълум ҳисса қўшганлар, унинг топшириқларини сўзсиз адо этиб келганлар. Масалан, 1388 йилда Суюрготмиш ўрнига хон кўтарилган султон Маҳмудхон Амир Темур ҳарбий юришларига фаол иштирок этган. Соҳибқирон унга ҳар вақт қўшиннинг маълум қисмига қўмондонлик қилиш вазифасини юклаб келган. 1402 йилда Ангора (Анқара) ёнидаги жангда Боязид Йилдирим енгилиб, бир гуруҳ аъёнлари билан жанг майдонини ташлаб қочганда, уни Султон Маҳмудхон раҳбарлигидаги қўшин дастаси таъқиб

1. Шомий. Зафарнома, 225-бет.

2. Тўхтиев Т.И. Темур ва теурийлар сулоласининг тангалари. Т., “Фан”, 1992. 16-бет.

этади ва асир олиб Амир Темур ҳузурига олиб келади¹. Бу воқеадан бир неча йил бурун Амир Темур Ҳиндистон фатҳига йўлга чиққанда (1398 йил) Кобул шаҳри яқинидаги Дурин деган сўлим жойда катта базм уюштиргач, ўз ҳарамининг бир қисмини, жумладан, суюкли набираси Улуғбекни Самарқандга қайтаришга қарор қилганлигини билдириб, уларни кузатиб боришни султон Маҳмудхонга топширган².

Демак, Амир Темур давлатининг ташқи алоқалари билан боғлиқ масалаларга кўғирчоқ хонлар ёндаштирилмаган ва бу борадаги давлат сиёсати фақат Соҳибқироннинг иродаси билан амалга оширилган.

Маълумки, Амир Темур Туронзаминда мустақил давлатни қайта тиклагач, бу ерда туркий тилнинг давлат тили даражасига кўтарилишига катта имкон яратган ва бу масалага алоҳида эътибор берган. Бунга мисол тариқасида унинг Дашти Қипчоққа қарши уюштирган юриши ҳақида ўша жойдаги харсангларга бу юриш ҳақидаги маълумотни туркий тилда ўйиб ёзиш ҳақида фармон берганлиги³ ва Мовароуннаҳрдаги ўз ёрлиқларини шу тилда ёздирганлигини эслатиш kifоядир. Соҳибқироннинг Хоразмдаги Абу Муслим авлодлари бўлган саййидларга имтиёзлар бериш ҳақидаги ана шундай бир ёрлиғи Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Бу ёрлиқда Амир Темурнинг муҳри босилган⁴.

Аммо Соҳибқироннинг халқаро ёзишмалари асосан форс тилида олиб борилган. Чунки бу тил ўша пайтда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг нафақат ўзаро, балки бошқа минтақа давлатлари билан олиб борган мулоқотларида расмий халқаро алоқалар воситаси сифатида тан олинган ва дипломатик ёзишмалар кўпинча ана шу тилда олиб борилган. Амир Темур бу

1. Исмоил Ақа. *Темур ва давлати*, 29-30-бетлар.

2. Шомий. *"Зафарнома"*, 225-бет.

3. *Ҳарсангдаги араб алифбосида эски ўзбек тилида туширилган ёзувда бундай дейилган: "Турон султони Темурбек баҳор ойида (1391 йилнинг апрелида) икки юз минг аскар билан Тўрғамонга қарши юришида шу ерга келиб, тошдан кўрган кўтарди. Тангрига маъқул бўлса, ҳақлик қилур, умматлар эса эсга олур деб тошга ёздирдим"* Қаранг: *"Тошкент ҳақиқати"*, 1995 йил, 2 март.

4. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. 17-папка, ҳужжат рақами 5.*

анъанага амал қилди, лекин ўз хатларини “Амир Темур сўзим” ёки “сўзимиз” деган туркий калима билан бошлашни расмий удумга айлантирди. Буни Оврупо мамлакатларига йўлланган ёзишмаларда ҳам кўрамиз. Ҳатто Амир Темур мактубларининг лотинча таржималаридан бирида “сўзимиз” калимаси Темурнинг расмий унвонларидан бири бўлса керак, деган андиша билан ағдарилмасдан “сўсмўс” деб ёзиб қўя қолингалиги назарга ташланади¹.

Ўша даврга оид ёзишмалар мажмуалари ва бошқа манбаларда келтирилган ҳужжатларда Амир Темурнинг жаҳонтирлик сиёсати осонлик билан амалга ошмаганлиги, унга қарши жойларда турли тарзда ўзаро иттифоқлар тузилгани, ҳар хил подшоҳликлар ҳарбий имкониятларини бирлаштирган ҳолда ҳаракат қилишга уринишгани, Ўрта Шарқда эса дастлаб Миср султони Барқуқ мамлукни, сўнгра турк султони Боязид Йилдиримни Амир Темурга қарши курашга отлантиришга қаттиқ ҳаракатлар бўлгани ҳақида маълумотларга дуч келамиз. Бу ҳақда фақат бир-иккита мисол келтириш билан чекланамиз. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур Каспий бўйига йўналганда Мозандарон ҳокими Шоҳ Вали унинг элчиларини яхши қабул қилиб, тобелик баён этади, аммо орадан сал фурсат ўтгач, Ажам Ироқи ҳамда Кирмон ҳукмдорлари шоҳ Шужъа ва султон Аҳмадга элчи юбориб, Темурга қарши иттифоқ тузишни таклиф этади. Аммо унга берилган жавоб, бу подшоҳликлар атрофида рўй бераётган воқеалар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмаганликлари, шу туфайли гафлат уйқусида қолганликларини кўрсатади. Жумладан, султон Аҳмад Мозандарон ҳокимига юборган жавоб мактубида Амир Темур шаънига ёғдирган ҳақоратлардан кейин қуйидагиларни битган эди: “Темур Ироқни Хуросон мисоли хаёл қилмасин. Агар у бизнинг юртимизга келишни ният қилган бўлса, албатта, ўзи билан (бирга) ўлими ҳам келади ва унинг бутун орзу-умидлари пучга чиқиши муқаррардир. Бизлар шундай қиламизки, бизда ҳам куч-қувват ҳам шиддат, қурол-яроғу қўшин, мол-дунё ҳам шавкат мавжуддир. Фақат бизгагина баландпарвозлик ярашади”². Табиийки, бундай аҳволда иттифоқ ҳақида сўз ҳам

1. Умняков И. И. *Международные отношения.*, (шлова қисми). с. 186.

2. Шомий. *Зафарнома*, 284-бет.

бўлиши мумкин эмасди. 1963 йилда Техронда эълон қилинган Эрон тарихига оид ҳужжатлар ва хатлар мажмуасида келтирилган маълумотларга қараганда, Амир Темур Озарбайжон томон юз бурганда унинг Ўрта Шарқ ноҳиясидаги энг ашаддий душманларидан бири Қора Юсуф зудлик билан Боязид Йилдиригимга элчи йўллайди. У ўз элчиси орқали юборган мактубида шундай жумлаларни ўқиймиз: “Темур Турондан Эронга ўтиб, Хулагу сингари, элхонлик даъво қилиб, Форс чегарасигача бўлган ҳудудда аҳли ислом гуруҳини йўқ қилди... Каминангиз у билан юзма-юз тўқнашиш ва жанг қилишда мусулмонлар учун жону танини фидо қилади. Умид борки, ҳазратингиз ҳам бундан воқиф бўлиб, чегарадаги амирларга фармон берсалар, токи улар вақтида тайёр бўлиб турсинлар, агар эҳтиёж туғилса, фурсатни қўлдан бермасинлар, чунки у нобакорни даф қилиш кофирларга қарши ғазовот қилишдан кўра минг бор афзалроқдир. Қолган гапларни ҳурматли амир Муроддан эшитасиз ва тезлик билан чора кўрасиз”. Боязид Йилдиригим эса ўз жавоб хатида Қора Юсуфни бу масалада тўла қўллаб-қувватлашини билдириб, агар Амир Темур “сизларнинг вилоятларингизга яқинлашиб келса ғолиб ва музаффар аскарлар пайдар-пай етиб борадилар” ва “ўша жаҳонсўз оташни” ойна юзидан чангни сидиргандек супуриб ташлайдилар, деб Қора Юсуфни хотиржам қилади, айти вақтда унга Ширвон, Гилон, Курдистон ва Луристон ҳокимлари билан иттифоқ тузиб, бирга ҳаракат бошлашни маслаҳат беради¹.

Табиийки, Амир Темур ўз рақибларининг шу каби ҳатти-ҳаракатларидан ҳар вақт воқиф бўлиб турган ва ўз вақтида уларга қарши маълум чора-тадбирларни амалга ошириб борган.

Амир Темур дипломатиясига хос хусусиятлардан яна бири шуки, у рақибларига ёзган хатларида одатда шарқона одоб-ахлоқ ва асрлар мобайнида қарор топган удумлардан чекинмаган. Бу ҳақда юқорида Соҳибқирон ва Султон Боязид ўрталаридаги ёзишмалардан мисоллар келтириб ўтган эдик.

Бизгача етиб келган кўпгина ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, олдинги ўтган подшоҳлар удумига мувофиқ Амир Темур ҳам унга бўйсунган ва ўз юртида ҳукмдор қилиб қоллирилган подшоҳларнинг валиаҳдларини (одатда уларнинг бош

1. Шомий. Зафарнома, 133-бет.

ўғилларини) ўз ихтиёрига юборилишини талаб қилган. Улар унинг аъёнлари қаторида ҳаёт кечирганлар, шахзодаларга кўрсатилиши лозим бўлган ҳурмат-эъзозга лойиқ топилиб, барча юришларда Соҳибқирон атрофида маълум вазифа бажариб келганлар. Бундан кузатилган мақсад аён эди. Бу ҳам ўзига хос дипломатик услуб бўлиб, у асосан кафолат сифатида қўлланилар эди. Чунки, биринчидан, ўз фарзанди юксак ҳукмдор ихтиёрига юборилган ҳар қандай ҳоким итбатсизлик тадбирларини амалга оширишдан олдин валиаҳд тақдирини ўйлашга мажбур бўлган бўлса, иккинчидан, агар шундай воқеа содир бўлганда Амир Темур унинг ўрнига дарҳол валиаҳдни тайинлаши ҳам мумкин бўлган. Бу усул Амир Темурдан кейинги ҳукмдорлар томонидан ҳам доимий тарзда ишлатилиб келинганлиги тарихдан маълум. Ушбу таомилга фақат шарқ подшоҳлари амал қилиб колмасдан, у Оврупо қироллари томонидан ҳам изчил суратда қўлланиб келинган. Низомиддин Шомий ўз асарида Амир Темурнинг ана шу масала билан боғлиқ бўлган сиёсати ҳақида жуда кўп маълумотлар келтирган. Масалан, “Зафарнома”нинг “Амир Соҳибқироннинг Кичик Лур бузғунчиларини даф этишга юзлангани баёнида” деб номланган бобида, жумладан, қуйидагилар битилган: “Туркларнинг барс йилига мувофиқ келган етти юз саксон саккизинчи (ҳижрий) йили (милодий 1386 йил) Амир Соҳибқирон Ферузшоҳга етди. Шу ерда Саййид Камолiddин палос ўпишга етиб келди ва ўғли Саййид Гиёсиддинни Амир Соҳибқироннинг мулозимлигига мансуб этди. Амир уни иззат-икром билан қаршилаб, подшоҳона марҳаматлар кўрсатди”¹. Бу ҳол, шубҳасиз, ўз валиаҳдини Соҳибқирон хизматига юборган ҳукмдорнинг Амир Темурга бўйсунуши ёки унинг таъсирини тан олганлигини билдирувчи энг ёрқин аломат эди. Турк тарихчиси Исмоил Ақанинг ёзишича, Амир Темур ва Боязид Йилдириш ўртасидаги муносабатлар қалтис тус олганда, Темур турк султони билан бошқа талаблар қаторида унинг валиаҳдини ўз ҳузурига юборилишини ҳам қатъий қўйган. Бу талаб Боязидни ларзага келтирган ва у ўз вазирига: “Кучимиз ва шиддатимиз бор. Энди урушга тайёр бўлишимиз керак”, - деган². Шундан кейин, турк султони Амир Темурга элчилар орқали ультиматив сажиядаги

1. Шомий. Зафарнома. 327-328-бетлар.

2. W.J. Fischel. A new latin source. - p. 201, 206.

Ўз мактубини йуллаган бўлса ажаб эмас. Боязид Йилдирим олдига ана шундай талабнинг кўндаланг қўйилганлиги манбалардан ҳам маълум. Масалан, Низомиддин Шомий бу тўғридаги Амир Темурнинг, агар турк султони бу борадаги унинг талабини бажо келтирса, икки ўртада бўлиши мумкин бўлган тўқнашувга барҳам берилиши ҳамда турк султони ўз юртидаги ҳукмронлигини бемалол давом эттиравериши мумкинлиги ҳақидаги фикрларини келтириб, жумладан, қуйидагиларни ёзади: “Амир Темур турк элчиларига: “Бориб Боязидга айтинглар, ўз ўғлини ҳам бизнинг ҳузуримизга юборсин, токи биз унга шундай иззат-эҳсонлар кўргазайликки, бундайни ўз меҳрибон отасидан ҳам кўрмаган бўлсин, уни фарзандликка қабул қилиб, Рум мамлакатини Йилдирим Боязидга топшираман, ваҳшат ва гина тиконлари ўртадан кўтарилиб, у бундан кейин давлат ва қомронлик боғидан омонлик гулбаргини тергай, шаҳарлар, халқлар амин у омонлик ва фаровонликда, фароғату осудаликда бўлғайлар, бунинг савоби (у дунёда) бизнинг давлатимиз замонига мансуб бўлғай”¹.

Амир Темур бошқа ҳукмдорларга элчилар юборар экан, уларга юклатилган миссиянинг аҳамиятига қараб ўз номидан иш кўрувчи бундай одамларнинг эътиборли, эл-юрт ичида танилган, ақл ва заковатли бўлишига катта эътибор берган. Унинг аъёнлари ҳам ана шундай кишилардан иборат бўлган. Буни италиялик тожир Мигнанелли асарида келтирилган қуйидаги сатрлар тўла исботлайди: “Темурнинг кишилари, - деб ёзади у, - жуда ҳам кўркам эдилар, улар насли-насабига кўра ҳам улуғвор кўринарди. Улар олий хусусиятли, фаросатли, машҳур, ёшига қараб мансабдор бўлган кишилар эди. Темурнинг шундай одамлари бор эдики, улар араб, юнон, ҳибру (яхудий) ва бошқа қатор тилларни билардилар, осмон илми, геометриядан машҳур эдилар”². Соҳибқирон элчиларни ҳам ана шундай кишилардан танлаганлигига шубҳа қолмайди.

Манбаларда келтирилган Амир Темур дипломатик алоқаларига доир материаллар шундан далолат берадики, Соҳибқирон элчиларни танлашда ғоят эҳтиёткорлик кўрсатган, ўз аъёнлари ичидан энг садоқатли, билимдон ва ҳушёр кимсаларнигина бу ишга лойиқ кўрган.

1. Шомий. Зафарнома. 246-бет.

2. Исмоил Ақа. Темур ва давлати. 73-бет.

Бу ўринда Соҳибқирон, фикримизча, тўла-тўкис қадимий туркий дипломатияга хос бўлган урф-одатларга қаттиқ риоя қилган. У, шубҳасиз, бу соҳа учун гоят қимматли саналган, XI асрда битилган ва қадимий дипломатия сир-асрорларини ўзида ифода этган туркий тилдаги қомусий асар - "Қутадғу билик" билан яхши таниш бўлган.

Амир Темур ташқи сиёсатига ўз ҳаётини бағишлаган унинг садоқатли элчилари орасида Испанияга бориб, у ерда Амир Темур элчиси сифатида маълум муддат турган ва Кастилия элчилари билан Самарқандга қайтган Муҳаммад Ал-Кеший сингари зукко дипломатлар бор эди. Амир Темур салтанатининг машҳур дипломатларидан бири - Муҳаммад Ал-Кеший ҳақида маълумотлар кам учрайди. Оврупо мамлакатларига Амир Темур мусулмон дипломатлардан фақат Ал-Кешийни юборишни лозим топган. Бу нарса Ал-Кешийнинг юксак маданиятли ва саводли бир киши бўлиши билан бир қаторда унинг маълум даражада Оврупо тилларидан, ҳеч бўлмаганда унинг бирон-тасидан хабардор бўлганлигини билдиради. У Испанияга етиб бориб, унинг қироли Ҳенрих III ҳузурида Шарқнинг буюк императори - Амир Темурнинг шахсий вакили сифатида жуда катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади, қирол саройларидаги йиғинларда катта обрў қозонади. Ҳенрих III унга Руи Гонсалес де Клавихо раҳбарлигидаги ўз элчиларини қўшиб, ҳурмат-эҳтиром билан Самарқандга қайтаради¹.

Бу ажойиб дипломатни шу соҳанинг яна бир етук вакили - Жалолиддин Кеший билан таққосласа бўлади. У Амир Темурга асосан Мовароуннаҳрда мустақил ва бир бутун давлатни барпо қилиш йилларида катта хизматлар кўрсатганди. Масалан, Шара-

1. Муҳаммад Ал-Кеший ҳақида Клавихонинг эсдаликларида асосий маълумотлар ўз аксини топган. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, бу ёрқин сиймонинг исм-шарифи турли манбаларда ҳар хил тарзда ёзилади: Ал-Қаҳий, Ал-Қачи, Ал-Қози, Ал-Қожи. Маълумки, Соҳибқироннинг она ватани - Шаҳрисабзнинг аввалги номи Кеш бўлган. Клавихо уни ўз эсдаликларида "қач" деб талаффуз этган. У Темур элчиси номини ҳам ал-Қачи деб ёзган. Ҳар икки ҳолда ҳам гап Кеш ҳақида боради. Француз тадқиқотчиси Люсьен Керен элчи номини ал-Кеший, деб тўғри йўл тутган. Муҳаммад Ал-Кеший, асли Кеш шаҳридан бўлиб, Соҳибқироннинг яқин ватандошларидан бири бўлганлигига шубҳа қолмайди. У ўзига туғилган шаҳри номини нисба қилиб олган.

фиддин Али Яздийнинг ёзишича, Жалолиддин Кеший ортиқча қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида ўз талабига мувофиқ Амир Темур томонидан Хоразм волийси Ҳусайн Сўфи хузурига элчи тариқасида юборилганди.

“Мавлоно Жалолиддин хайрихоҳлик юзини Хоразм томон қаратди ва ул муҳим (вазифа)ни раҳми шафқат йўли билан ҳал этмоқчи бўлди. У ерга боргач, - деб ёзади Яздий, - донишманд уламо ва динпарвар пешволарга хос бўлган насиҳат ва хушмуомалалик билан сўз қотди; нисони тубдан бартараф этиш ва фитна оловини ўчириш учун оятлар ва исботига ҳадислар келтирди. Аммо пайти бўлмагани учун нотикнинг гапдонлиги ва сўзга чечанлиги фойдаси бўлмади ва натижа бермади. (Мисра: Кулоғи қар, эси йўқ (одамга) чиройли нутқ сўзламоғдан не фойда) Ҳусайн Сўфи (у айтган) сўзларни қабул қилмади ва у шундай ҳақиқатгўй улуг кишини қамаб қўйишга журъат қилади”¹.

Амир Темур аёнлари ичида бундай ажойиб дипломатлар кўп бўлган. Амир Темур Тўхтамишга юборган элчи Шамсиддин Алмолиқийни Низомиддин Шомий шундай таърифлайди: “У иш кўрган, ақлли, ҳушёр, донишманд бир киши эди. У бориб ширинсуханлик билан кўнгилга ёқар гапларни айтиб, сўзнинг уланишу ривожига риоя қилган ҳолда мақсадни адо этди. Унинг сўзлари подшоҳ ва амирлар қалбига таъсир кўрсатиб (Тўхтамишхон) сулуҳ сафога мойил бўлди ва Шамсиддин Алмолиқийни сийлаб, ҳурмат билан қайтарди...”². Бу ҳақда Шомийдан яна бир мисол келтириш мумкин. Амир Темур Деҳлини қўлга киритгач, атроф рожаларга элчилар юбориб, уларни тобеликка даъват этади. Бу дипломатик хизмат ҳам Темур атрофидаги гоят эътиборли шахсларга юклатилганлигини кўраимиз, “Деҳлининг Ферузобод дарвозасидан чиққанларида (Амир Темур) - деб ёзади Шомий, - бундан илгарироқ лашкаргоҳдан элчилик расми билан Лаҳовар тарафига жўнаган Термез саййидларидан бўлмиш Худовандзода Саййид Шамсуддин ва Аловуддин ноиб-

-
1. Шарафиддин Али Яздий. *Зафарнома. Мовароуннаҳр воқеалари. 1360-1370. Масъул муҳаррир, сўз боши муаллифи ва нашрга тайёрловчи Асомиддин Уринбоев, таржимон О. Бўриев. Т., “Комалак”, 1994. 242-243-бетлар.*
 2. Шомий. *Зафарнома. 209-бет.*

лар қайтиб келдилар ва Ҳинд вилоятларидан баъзисини ҳокими бўлган Баҳодир Наҳор куллик чизигига бош қўйиб, жума куни палос ўпиш шарафига мушарраф бўлажagini арз қилдилар”¹.

Айни вақтда Амир Темур давлатлараро ғоят нозик ва қалтис вазифаларни адо этишда юборилган элчиликлар бошлиқлигига ўз фарзандлари ёки набираларидан бирини тайинлаган ҳолларга ҳам дуч келамиз. Масалан, Соҳибқирон Мовароуннаҳр тахтига чиққач, Ҳиротдаги куртлар сулоласи намояндalари билан музокаралар олиб бориш учун юборилган элчиликни бошқаришни ўз тўнғич фарзанди - валиаҳди Жаҳонгир Мирзога топширган. Бу ҳақда яна бир воқеани келтириш мумкин. Манбалардан маълумки, Соҳибқироннинг суюкли набираси - Муҳаммад Тарағай Улуғбек жуда ёшлигиданоқ ўз ақл-заковати ва ўткир зеҳни билан атрофдагиларнинг таҳсинига сазовор бўлган. Амир Темур Султон Боязидга юборган элчиликларининг бирига энди 8-9 ёшларга кирган ана шу набирасини бошлиқ қилиб юборди. Бу ҳақда маълумот келтирилган манбада унинг топширилган вазифани бажаришда ва ўзаро савол-жавобларда элчи сифатида нақадар катта ақл ва топқирлик кўрсатганлиги ҳақида ҳикоя қилинади².

Шу билан бирга, Амир Темур Оврупо мамлакатлари билан олиб борган дипломатик алоқаларида насроний роҳиблар хизматидан ҳам кенг фойдаланган. Соҳибқирон билан Византия ўртасида, Франция ҳамда Англия билан бўлган унинг мулоқотларида катта хизмат кўрсатган монахлар Франциско ва Франциско Садру ҳамда Султониянинг архиепископи Жанлар Амир Темурга катта хизмат кўрсатган дипломатлардан эди. Бу борадаги ёзишмаларда таъкидланганидек, Соҳибқирон ўз хизматида бўлган христиан эътиқодигаги ана шу кишиларга тўла ишонган ва уларнинг фаолияти ҳақида ҳеч қачон шубҳа билдирмаган. Ўз навбатида, улар ҳам Амир Темурга сидқидилдан хизмат қилганлар.

1. *Уша асар, 254-бет.*

2. *“Оғози достони элчиғарийи Мирзо Улуғбек”. Форс тилида битилган бу қўлёзма Тошкент миллий университети кутубхонасида сақланади. Қаранг: А. Насиров. Указатель литературы о жизни и деятельности Улуғбека. В кн.: Из истории эпохи Улуғбека. Наука, Т., 1965. с. 377.*

Амир Темурнинг мамлакатлараро муносабатларга катта эътибор берганлигига яна бир далил шуки, у ҳукмронлик қилган давлат сарҳадларида хорижий вакиллар, айниқса, элчиларга бедахил кишилар сифатида қаралар, Соҳибқироннинг буйруғига биноан жойлардаги барча катта-кичик амалдорлар уларга ҳар томонлама қулай шароит ҳозирлашлари шарт қилиб қўйилганди. Бу ҳақда айниқса 1403-1406 йилларда Амир Темур империясида сафарда бўлган Кастилия (Испания) элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг эсдаликларида ажойиб маълумотларга дуч келамиз. Унинг ҳикоя қилишича, испан элчилари Амир Темур суворийлари туёқлари етган сарҳадларга қадам қўйишлари биланоқ ўзларига нисбатан бутунлай бошқача муносабатга дуч келадилар. Улар йўл-йўлакай қаерда тўхта-масинлар, ҳамма жойда катта ҳурмат билан эъозланадилар, мутлақо пулсиз старлича озиқ-овқат, от-улов ҳатто кийим-кечак билан ҳам таъминланиб борадилар. 1404 йил 3 майда элчиларни бир қишлоқда қандай кутиб олган-ликларини Клавихо шундай таърифлайди: “У ерда элчиларни яхши кутиб олишди, одамларга овқат ва мингани от, ҳатто юкларни ташиш учун улов ҳам беришди. Ётиш учун бошқа қишлоққа келишди. Бу ерда ҳам уларни меҳмон қилишди, от ва бошқа керакли нарсаларни беришди. Бу жойдаги одат шундай экан: қаерга элчилар келишмасин, у ерда қолишадими-йўқми, ҳар бир хонадондан палос олиб чиқишиб жой ҳозирлашади, олдиларига чармдан тикилган доира шаклидаги супра ёйишиб, унинг устига нон, сўнгра кўплаб гушт, қатиқ, тухум ва асал каби егуликларни тўкиб солишади”¹. Испан элчилари Эроннинг Хой шахрига келганларида Мисрдаги мамлук султони Носириддин Фаражнинг Самарқандга йўлланган элчиларини учратадилар. Клавихонинг таъкидлашича, “Вавилон султонининг элчиси билан бирга йигирматача суворий, Темурбекка султон юбора-ётган совға-саломлар ортилган ўн бешга яқин тевани кузатиб борарди. Ундан ташқари, элчи олтига страус ва жираф деб

1. Руи Гонсалес де Клавихо. *Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406): Перевод, предисловие и комментарии И.С. Мироковой.* М., Наука, 1990. с. 74.

аталувчи бир жониворларни ҳам ўзи билан бирга олиб кетаётган эди”¹. Шубҳа йўқки, бу элчиларга ҳам ҳамма жойда худди юқоридагидек хизмат кўрсатилган. Чунки бу ҳол Амир Темур давлатида ўрнатилган қатъий қоидалардан бири бўлган. Уни бузганлар жазога мустаҳиқ қилинганлар.

Амир Темур давлатида элчиларни қабул қилиш, тантанали йиғинларда уларнинг мамлакатлари мавқеига қараб жойлаштириш масалалари ўрнатилган қатъий тартиб-қоида асосида амалга оширилган. Бу ҳақда ҳам Клавихо китобида батафсил маълумотлар келтирилган. Ҳар бир давлат элчисига бўлган муносабат нафақат у вакил бўлган давлатнинг катта-кичиклиги ва қудрати билан, балки Темур империясининг у билан ўрнатган алоқалари мезони билан ҳам белгиланган. Баъзи маълумотларга қараганда, Амир Темур дастлабки йилларда Хитой императорига ҳар йили маълум миқдорда ўлпон тўлаб келган. Шуни ҳам айтиш керакки, хитой ҳукмдорлари кўпчилик ҳолларда ўзаро муносабатларда кўни-қўшнилардан юборилган совға-саломларни ҳам ўлпон сифатида тушунганлар. Клавихо берган маълумотларга кўра, Темур 1404 йилда Самарқандга қайтиб келганда, Хитой императоридан юборилган элчи унга етти йилдан буён ҳукмдорига ўлпон тўлаш-маётганлигини эслатади. Шунда Соҳибқирон унга: “бу гапнинг тўғрилигини таъкидлаб, ўлпонни тўлаш нияти борлигини, аммо уни элчи орқали юбормоқчи эмаслигини, йўлда ўлпонни ўзлаштириб қўймадликлари учун ўзи олиб бориб топшириш ниятида эканлигини айтди. Буни у ҳазил тариқасида айтганиди, чунки унинг ҳеч қанақа ўлпон тўлаш нияти йўқ эди”².

Маълумки, бу вақтда Амир Темур Хитой томонга ҳарбий юриш уюштиришга тайёргарлик ишларини тугаллаган эди. Шунинг учун ҳам элчилар қабули маросимида у Хитой элчисининг Кастилия элчиларидан юқорида ўтирганини кўриб, уларнинг жойларини алмаштиришни ва бундан кейин фақат шундай тартибда уларни ўтказиш кераклигини қатъий тайинлайди. “Шундан кейин, - деб ёзади Клавихо, - элчиларни, сеньор Амир Темур уюштирган барча байрам ва зиёфатларда ана шу тартибда жойлаштирадиган бўлдилар”³.

1. *Уша ерда, 76-бет.*

2. *Уша ерда, 140-бет.*

3. *Уша ерда, 110-бет.*

Умуман, нафақат Мовароуннаҳр, балки бутун империя сарҳадларида ўрнатилган қатъий тартиб-қоида ва қарвонлар қатнови учун туғдирилган қулай шарт-шароит туфайли, турли ноҳиялар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар билан бир қаторда хорижий эллар билан бўлган савдо-сотик ҳам ўсиб борган. Амир Темур ўзининг ёзишмаларида, жойларда олимлар билан уюштирган суҳбатларда бу масалага алоҳида урғу берган, мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши муҳим омиллардан бири эканлигини, унинг измидаги юртларда бу масалага алоҳида эътибор бериб келаётганлигини ҳар вақт қайд этиб ўтган. Бу нарсанинг ҳақиқатга мос эканлигини исботловчи далиллар кўп. Манбаларда ёзилишича, империя сарҳадларида мусулмон савдогарлари билан бир қаторда насроний, ҳинд, хитой савдо аҳли ҳам бемалол фаолият кўрсатган, қарвонсаройлар, бозорлар ва бошқа қулайликлардан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар. Айни вақтда, Амир Темур бошқа ҳукмдорларга ёзган мактубларида уларга ҳам савдо-сотик учун ана шундай шарт-шароитлар яратилишини тавсия этган. Бу ҳол унинг Франция қироли Карл VI, Англия қироли Ҳенрих IV, Кастилия қироли Ҳенрих III га йўллаган мактубларида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан, 1402 йилда Франция ва Англияга юборган ўз элчиси Султония архиепископи Жанга қироллар учун топширилган махсус мактублардан ташқари Соҳибқирон қуйидаги икки нарсага ғоят қаттиқ эътибор беришни уқтирган: 1. Ҳар иккала давлатда истиқомат қиладиган мусулмон ва христианлар ўртасида эркин иқтисодий муносабатларни барпо этиш, савдо-сотикни ҳар тарафлама ривожлантириш. 2. Агар қирол жаноби олийлари ва ҳурматли герцоглар бунга раъй бирдирсалар ва розилик берсалар, унда ушбу масала юзасидан бир шартнома тузиб, бу ҳолни расмий мустаҳкамлаш. Шунингдек, Амир Темур Хитойдаги Мин империяси билан ҳам то 1404 йилгача яқин дипломатик ва иқтисодий алоқаларнинг жорий этилишига алоҳида эътибор бериб келди. Хитой императори Тайцзу (1368-1398) Амир Темурга бир неча бор элчилар юборди ва Соҳибқирон ҳам 1387, 1392 ва 1395 йилларда бу мамлакатга ўз элчиларини йўллаган. Элчиларга топширилган мактублардан бирида Амир Темурнинг Мин империяси билан дўстона алоқаларни кўлаб-қувватлаш истаги, шунингдек, савдо-сотик соҳасидаги айрибошлашнинг қарор топишидан, Хитой бозорларининг очилишидан мамнуният туйғулари ифодаланган.

Ташқи савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши натижа-сида Темур империясининг барча қисмларида бозорлар гавжум бўлган. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг гувоҳлик беришича, мамлакат пойтахти Самарқанд шу ерда ишлаб чиқарилган ва жаҳоннинг турли қисмларидан келтирилган товарлар билан тўлиб-тошиб кетган эди. У ёзади: “Россия ва Татариядан бўз, сурп ва отлар, Хитойдан ипак газламалар келтирилган. Бундан ташқари, Хитойдан бошқа жойда бўлмайдиган мушк, ёқут ва марварид, бриллиантлар ва кўплаб анвойи зияворлар келтирилади”¹.

Амир Темурнинг Самарқанддаги саройида, у ҳарбий юришларда бўлган вақтларида империянинг турли жойларида уюштирилган барча тантаналарга атроф мамлакатлар элчилари таклиф этилган ва уларга эҳтиром кўрсатилган. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Амир Темур етти йиллик (1399-1404) ҳарбий юришдан қайтгач, ўз пойтахти Самарқанд яқинидаги Конибилда уюштирилган тўй сайлларида кўплаб чет эллик меҳмонлар, жумладан, қатор хорижий давлатларнинг элчилари ҳам ҳозир бўлганлар. “Ушбу улуғвор сайлларга, - деб ёзади уни ўз кўзи билан кўрган Ибн Арабшоҳ, - дунёнинг турли мамлакатларидан армуғон ва совғалар келтиридиларки, шулар жумласидан жирафлар, туяқушлар бор эди; Хитой, Ҳинд, Ироқ, Дашт, Синд, Фаранг элчилари ва улардан бошқалар, яқин ва узоқдаги барча қисмлардан келган вакиллар, ҳар бир мухолифу мувофиқ, дўсту душман вакиллари йиғилган эдилар”².

Амир Темур асос солган буюк империянинг хорижий ва дипломатик муносабатларига доир юқорида келтирилган маълумотлар Соҳибқироннинг буюк давлат арбоби ва зукко дипломат бўлганлигини, у тузган давлатнинг жаҳон миқёсида доврўқ таратганлиги ва кенг миқёсда фаолият кўрсатганлиги, ўз давридаги барча нуфузли мамлакатлар билан яқин алоқалар ўрнатганлигини исботлаб турибди.

1. *Ўша ерда, 139-бет.*

2. *Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи (“Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур” - “Темур тарихида тақдир ажойиботлари”). 1-китоб. Сўзбоши ва таржима У. Уватовники. Тош., Меҳнат, 1992. 311-312-бетлар.*

2. Темурийлар дипломатияси

Амир Темур олиб борган серқирра дипломатик фаолият унинг вафотидан кейин ҳам авлодлари томонидан давом эттирилди. Бу ҳақда бир томондан кўпгина тарихий асарларда учрайдиган маълумотлар гувоҳлик берса, иккинчи томондан темурий шаҳзодаларнинг замондош ҳукмдорлар билан олиб борган ёзишмалари, аниқроғи, мазкур мактубларнинг турли хатлар мажмуаларида сақланиб қолган нусхалари далолат беради.

Амир Темур тарихига оид асарларда бўлганидек, кўпгина темурийлар даври тарихига доир солномаларда темурий ҳукмдорлар саройларидан хориж ҳукмдорлар даргоҳларига дипломатик ташрифотлар, элчилик миссияларини адо этган ўз даврининг етук дипломатлари ҳақида кўплаб маълумотлар учрайди. Темурийлар давлатининг хорижий алоқалари шу қадар катта географик кенгликларни қамраб оладики, Шарқда Хитойдан тортиб, Фарбда Оврупо давлатлари бунга дохил бўлиб қолади.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Соҳибқирон ҳали ҳаётлик давридаёқ шаҳзода Мироншоҳ ғарбий Оврупо давлатлари билан мулоқотга кира бошлаган эди. Бизгача Англия қироли Ҳенрих IVнинг Мироншоҳ Мирзога йўллаган жавоб хати лотинча таржимада сақланиб қолган. Мактубда қирол Мироншоҳнинг католик мазҳабига ҳомийлик қилаётгани, христиан савдогарларининг хавфсизлигини таъминлагани учун ўз мамнуниятини изҳор қилади.

Бу мактубдан ташқари, Мироншоҳнинг христиан ҳукмдорларига йўллаган бир мактуби бизгача етиб келган. Фақат лотин тилидаги таржимаси сақланган бу мактубда Мироншоҳ Оврупо ҳукмдорларига “Сиз билан бизнинг душманимизни батамом мағлуб этдик” дея, Анқара жангида Боязид Йилдирим устидан қозонилган ғалабага ишора қилади.¹ Мактубда аниқ қиролнинг номи кўрсатилмаганидан ва асосан ғалаба ҳақида хабар берилишидан, бу Анқара жангидан сўнг битилган фатҳнома бўлса керак. Мироншоҳнинг Оврупо билан муносабатларида ҳам Амир Темур номидан Оврупога элчи бўлиб борган Султониядаги католик черковининг вакили Иоанн элчи вазифасини бажарган.

1. *История Самарканда. Т. 1, Т., 1969. с. 185.*

Амир Темур даврида халқаро майдонда катта нуфузга эга бўлган давлатларнинг кўпчилиги, сиёсий саҳнада кўпгина ўзгаришлар рўй берганлигига қарамай, ҳали ўз мавқеларини йўқотмаган ва баъзилари Амир Темурдек саркарданинг вафотидан сўнг анча фаоллашиб қолган эдилар.

Хорижий муносабатларда, албатта, катта вазифа элчилар зиммасида турар эди. Ўша замонда содир этаётган сиёсий воқеаларнинг чалкашлиги элчидан катта маҳоратни талаб этарди. Элчилар одатда зиммасига юкланган миссияни бажариш билан бирга ажнабий мамлакат ҳақидаги турли зарур маълумотларни тўплаб бориши зарур бўлган. Шу боис элчилар сафарнинг ибтидосидан интиҳосига қадар маршрут, йўлда содир бўлган воқеа-ҳодисалар, кўзланган манзилнинг жуғрофий ўрни, табиати, хўжалиги, ички сиёсий аҳволи, мамлакат ҳудудида жорий этилган тартиб-қоидалар, ҳукмдор саройидаги қабул маросимлари, дипломатик церемониал ва ҳоказолар борасидаги маълумотларни муфассал баён этганлар. Бундай кундаликлар сафар поёнига бориб каттагина сафарнома асар ҳолига ҳам келиши мумкин эди. Бу каби асарлар сирасига Бойсунқур Мирзо томонидан 1419 йилда Хитой ҳукмдори саройига элчи этиб йўлланган Фиёсиддин Наққошнинг сафарномасини киритиш мумкин. Асарга мурожаат этишдан аввал темурийларнинг Хитой билан алоқалари масаласига тўхталмоқ лозим, зеро Амир Темурнинг вафотидан сўнг то 1419 йилги Фиёсиддин Наққош элчилигига қадар икки давлат орасидаги муносабатларнинг ўз тарихи мавжуд. Шу кунгача бизга маълум бўлиб турган тарихий асарлардаги маълумотларга қараганда, темурийлар саройига Хитой ҳукмдорларидан элчилар 1409 йилда Шоҳрух Мирзо ҳузурига келганлар. Элчилик зиммасида турган энг асосий вазифа Хитой ҳукмдорининг Амир Темур вафоти муносабати билан таъзияномасини етказиш эди.¹ Бу элчилик ҳақида Хитой солномаларидан ташқари тафсилотли маълумот сақланмаган.

1412 йилда Шоҳрух саройига Хитой императори Дой-Минг томонидан яна бир элчилик ҳайъати келиб императорнинг

1. Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. (Фарс тилидан таржима, кириш сўз ва изоҳли луғатлар А. Уринбоевники) Тош. 1969. 124-бет.

мактубини топширган. Император ўз мактубини Шоҳрух номига сермақтов жумлалар, назокатомуз иборалар билан бошлаб, аввалги гал юборган элчиликлари саройда яхши кутиб олингани ва жавобан Хитойга элчилик ҳайъатини йўллаганидан ўзининг чуқур мамнуниятини изҳор қилади. Мактубда Амир Темур ҳақида ҳам сўз боради. Унинг Хитой императори Тайцзу¹ билан яхши муносабатда бўлгани, орадаги элчилик ташрифотларига хайрихоҳлик қилгани ва ҳоказолар ҳақида ёзади. Императорнинг номасида икки мамлакат орасидаги савдогарлар қатновини жонлантириш масаласига алоҳида ўрин берилган².

Хирот саройида элчиликнинг келишига анчагина тайёргарлик кўрилган кўринади. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандий ўзининг “Матлаи саъдайн” асарида шундай ёзган:

“Шу орада Хитой вилоятидан, у мамлакатларнинг Чину Мочин ва бошқа ерлари подшоҳи Дой-Минг хон тарафидан элчилар етиб келди. (Хоқони Саъид томонидан яъни Шоҳрух): “Шаҳар ва бозорларга зийнат берилсин, ҳар бир санъат эгаси ўз ҳунарини тўла зоҳир қилиб дўконини безатсин” — деган ҳумоюн фармон содир бўлди.

Амирлар истиқбол расми бўйича (шаҳардан) ташқари чиқиб, элчиларнинг ҳаммасини иззат-ҳурмат билан шаҳарга олиб кирдилар. (Бу) худди ёшлик чоғидек шодликни орттирувчи бир замон ва висол кечасидек ғамни тарқатувчи бир он эди. Ҳазрат Хоқони Саъиднинг фармони бўйича Боғи Зағонга худди жаннат боғидек оро бериб, Баҳром савлат, шер ҳайбат ясовуллар ҳар ким учун (ўзига хос) жой ва маконини тайин қилдилар. Ҳазрат Хоқони Саъид худди баландлик авжидаги офтоб сингари хуршид чеҳра билан салтанат тахтига кўтарилди. Улуғ амирлар элчиларни

1. Тайцзу - 1368-1398 йилларда Хитойда ҳукмронлик қилган императорнинг тахтга чиққандан кейинги номи. Хитой манбаларида Хун-у номи билан ҳам келади. Бунинг сабаби шундаки, Хитой давлатчиликлари одадларига кўра тахтга ўтирган ҳукмдорга янги исм берилган. Бундан ташқари, бу янги ҳукмдор ўзи учун ҳукмронлик шиорини танлаши лозим бўлган ва баъзан уларга шу шиор номи билан ҳам мурожаат этилган. Хун-у айнан Тайцзунинг ҳукмронлик шиоридир (Қаранг: Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари. «Шарқшунослик», № 7, Тош., 1996. 50-бет).

2. Матлаи саъдайн. 174-175-бетлар.

қўл ўпиш шарафига етказиб, тортиқларни қўйдилар ва уларнинг сўзларини арз қилдилар”¹.

Хитой элчилари қайтаётганларида улар билан бирга Шайх Муҳаммад Бахший номли шахс Хитойга Шоҳрух номидан элчи бўлиб борган ва ўзи билан унинг император номига ёзган мактубини етказган. Мактубнинг ўзига хос томони, унда Шоҳрух Хитой императоридан ислом дини ва шариати қоидалари асосида савдогарлар муҳофазасини таъминлашни илтимос қилади. Шоҳрух Мирзо Хитой императори номидан келган элчилик ҳақида ҳам тўхталиб ўтади ва бу элчиликка жавобан мазкур Муҳаммад Бахший исмли элчини йўллаётгани ҳақида ёзади.²

Дой-Минг билан Шоҳрух ораларида навбатдаги элчилик мубодаласи 1417 йилга тўғри келади. Ушбу элчилик ҳайъати Хитой императорининг мактубини тақдим этади. Абдураззоқ Самарқандий ушбу мактуб мазмунини қисқача шундай таърифлайди:

“Шунингдек, ўтмишдаги алоқаларни (яқунловчи) безак бўладиган ва келажакдаги ўзаро хайрихоҳлик учун асос бўладиган сўзларни ўз ичига олган бир мактубни ҳам келтирдилар. Мазмуни шундай: “Ҳар икки томондан ҳам ғайрилиқ ва бегоналиқ пардаси даф қилинмоғи, мувофиқатчилик, бирдамлик эшиги очилмоғи лозимдир, токи раъвиятлар ва савдогарлар ўз истак-ихтиёрлари билан бориб келсинлар, йўллар беҳавотир бўлсин”³.

Саройда элчиларга кўп навозиш ва илтифотлар кўрсатилади ва уларни кузатиш чоғида Шоҳрух Ардашер Тавочи исмли элчини ҳамроҳ қилиб Хитойга йўллайди.⁴

Ардашер Тавочи 1419 йилда Хитойдан катта элчилик билан

1. Мазкур асар, 174-б.

2. Мазкур асар, 176-178-бетлар.

3. Мазкур асар, 242-б.

4. Хитой манбаларида 1418 йилда Улуғбек Мирзо томонидан элчилик келгани ва унга Ардашер исмли элчи бошчилик қилганлиги ҳақида ёзилган. (Қаранг: Каримова Н. Темурийлар, 51-бет). “Матлаи савдайн” ҳам 1417 йилда Ардашер Тавочи исмли элчининг Хитойга Шоҳрух томонидан жўнатишганлиги ва 1419 йилда Ардашернинг хитойлик элчилар билан қайтганлиги ҳақида баён қилинган (242, 257 бетлар). Бундан маълум бўладики, агар икки Ардашер исмли элчининг отдош шахслар эканлигини инкор қилсак, бу элчи бир вақтнинг ўзида ҳам Шоҳрух, ҳам Улуғбек Мирзолар номидан элчиликни бошқарган.

бирга Хиротга қайтади ва Хитой элчиларини Шоҳрухга таништиради. Элчилар бу сафар ҳам ҳадялар ва императорнинг мактубини топширадилар. Бу мактубда ҳам Хитой императори унинг элчиларига кўрсатилган илтифотлардан ниҳоятда мамнун эканини, келгусида алоқаларни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги фикрларини баён этади.¹

Шу йилнинг ўзида Хитой императори саройига навбатдаги элчилик ҳайъати йўлга чиққан. Таркибига Фиёсиддин Наққош кирган бу элчилик деярли кўпчиликни ташкил этган, чунки унга фақатгина бир ҳукмдорнинг эмас, балки бир неча теурий шахзодаларнинг элчилари сафарбар этилган эди. Сафарнома муаллифи Фиёсиддин Наққош бу элчиларни номма-ном санаб, қайси ҳукмдорнинг ваколати билан бораётганлигини қайд этади. Асарга йўл маршрути, тўхталган манзиллардаги элчиларга кўрсатилган илтифотлар атрофлича тасвирланган. Хонбалиқ (Пекин) шаҳридаги император томонидан элчиларнинг қабул маросими, бутун дипломатик церемониал жузъий хусусларгача батафсил баён этилган. Шунинг билан бирга асарда сиёсий тарих, этнография, география, ҳуқуқшунослик соҳаларига доир кўплаб муҳим ва ўз навбатида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Асарга алоҳида аҳамият бахш этувчи яна бир масала, савдогарлар ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг акс этишидир.

Хитой билан ғарбий мамлакатлар (Хитойга нисбатан) ораларидаги ўзаро муносабатларда элчилар билан биргаликда катта савдогарлар гуруҳининг ҳам иштирок этишлари мазкур икки мамлакат алоқаларига хос бўлган бир қиррадир. Гап шундаки, Туркистон сарҳадларига йўл олган Хитой элчилари император мактубидан ташқари турли-туман ҳадялар билан келар эдилар. Бунга жавобан Мовароуннаҳр ва Хуросон элчилари ўз мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан Хитойга олиб бориб ҳадя сифатида тортиқ қилганлар. Бундай ҳадя улашиш анъанаси бора-бора ҳам шаклан, ҳам мазмунан ўзгариб, элчилар билан биргаликда энди катта-катта савдогарлар гуруҳи ҳамроҳлик қила бошлаган. Улар императорга аталган ҳадялардан ташқари Хитой ичкарасидаги аҳоли билан катта ҳажмда мол айирбошлайдилар.

1. *Матлаи сағдайн. 257-258-бетлар.*

Хитойда Мин сулоласи ҳукмронлиги даврида Туркистон ҳукмдорлари элчиларига аҳоли билан солиқдан озод ҳолда савдо қилишга рухсат берилган эди.¹

Элчилик таркибидаги савдогарларнинг ўрни ҳақида Фиёсиддин Наққошнинг қуйидаги маълумотларидан тасаввур ҳосил қилиш мумкин:

“Сўнгра элчилардан ҳар бири нечадан навкарга эга эканлиги ҳақида рўйхат туздилар, кўп савдогарлар элчилар қошида навкар бўлиб хизмат қиладилар. Рўйхат қуйидаги тартибда тузилди: Мирзо Шоҳрухнинг элчилари, Шодийхўжа ва Кўкча бошчилигида икки юз нафар; Мирзо Бойсунқурнинг элчилари, Султон Аҳмад ва Хожа Фиёсиддин бошчилигида, бир юз эллик нафар; Мирзо Суюрғатмишнинг элчиси, Уруғдоқ бошчилигида, етмиш нафар; амир Шоҳмаликнинг элчиси Ўрдувон – эллик нафар.

Иброҳим Султон Баҳодирнинг (Аллоҳ унинг подшолигини абадий этсин) элчилари эса ҳали етиб келмаган эдилар”².

Хитой солномаларида Мовароуннаҳр ва Хуросондан ташриф буюрган элчилар ҳақида талайгина маълумотлар сақланган.

Унга кўра Амир Темур давридан то 1500 йилларгача Самарқанд, Хуросон, Шероз, Ҳирот, Исфаҳон, Тошкентдан Хитойга қарийб 100 мартаба элчилик ташрифотлари амалга оширилганлиги қайд этилган³ -

1442 йил Шоҳрух саройидан Ҳиндистонга юборилган элчиликни бошқарган Абдураззоқ Самарқандий ўзининг “Достони сафар-и Ҳиндистон ва шарҳ-и фаройиб ва байон-и ажойиб-и он” асарида сафардан қайтиш чоғида Кермонга келгани ва мазкур шаҳар ҳокими билан қуйидаги суҳбатини баён этганки, назаримизда, бизнинг мавзуимиз билан боғлиқ қизиқ бир маълумотдир:

“Мавлоно, элчилар ва сизнинг (Ҳиндистонга) бориб келишингиз учун қанча маблағ сарф бўлди?”, деб ҳоким савол қилди. Мен: “Қарийб эллик минг динор деб жавоб бердим, У яна: “У ердан олиб келаётган буюмларингиз қанча маблағ туради?” - деб сўради. Мен “ўн минг динор” дедим. У (киноя билан): “Яхши савдо экан – эллик минг динор бериш-у, ўн минг динор қулга

1. Каримова Н. Темурийлар, 47-бет.

2. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. 13-14-бетлар.

3. Каримова Н. Темурийлар. 50-59-бетлар.

киритиш” – деди. Мен унга жавобан: “Ҳоқон-и Саъид ҳазратлари (Шоҳрух) бундай ҳисобларга бориб ўтирадиган савдогар эмаслар; гоҳо у кишига битта шунқорни келтириб қолсалар, унинг эвазига эллик минг динордан ҳам ортиқ (маблағ) берадилар.

Мен Сарандиб тарафларидан сечка, хутба, тухфа ва элчилар олиб келаяпман; бу ҳол у кишининг назарида хазинада эллик минг динор бўлишидан кўра ёқимлироқдир” – дедим”.¹

Абдураззоқ Самарқандийнинг охириги жумласидан маълум бўладики, элчиликнинг асл мақсади Ҳиндистоннинг Коликут шаҳри ҳукмдорига Шоҳрух номи билан ўқиладиган хутбани етказиш эди. Қўшни вилоятлар ораларидаги келишмовчиликларни кўрган Коликут волийсининг ўзи бундай ташаббус билан Шоҳрухга мурожаат қилган эди. Булар ҳақида сафарномада муаллифнинг ўзи бундай ёзади:

“Бу хабарни эшитган Коликут волийси ҳар хил тухфа ва совғалар туздирди ҳамда бир хабарчини Шоҳрухга юборди ва “бу бандарда жума ва ийд (намоз)ларида ислом хутбасини ўқийдилар, агар онҳазрат рухсат берсалар, (хутбани у кишининг) муборак номлари лақаблари билан азиз ва шарафли қилсалар” деб, арзга етказди”.

Абдураззоқ бу хабар билан Коликут элчиларининг Шоҳрух ҳузурига етиб келганликлари, шундан сўнг Ҳиндистонга элчилик ташрифоти мўлжаллангани ва бу элчиликка унинг (Абдураззоқнинг) ўзи бош этиб тайинланганлиги ҳақида маълумот беради.

Абдураззоқ Самарқандийнинг сафарномаси ҳам Гиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси сингари кўплаб тарихий, географик, этнографик маълумотларни ўзида акс эттиради.

Хусусан, дипломатик ва савдо-иқтисодий алоқаларга доир маълумотлар асарнинг аксарият қисмини ташкил этади.

Элчи Абдураззоқ Эроннинг жануби-шарқидаги Ҳўрмуз вилояти, Уммон ярим оролидаги Қурайёт ва Қалхот шаҳарларидан ўтиб, сув йўли билан 1442 йилда Ҳиндистоннинг Коликут шаҳрига етиб борган. У ердан Вижаянагар шаҳрига таклиф этилган.

Вижаянагарга боришига сабаб шуки, Абдураззоқ ҳали Коликутда эканлигида Вижаянагар ҳукмдори Дева Райа II (1422-

1. Ўринбоев А. Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. 1960. 72-бет.

1446) элчи юбориб, Шоҳрухнинг элчисини (яъни Абдураззоқни) унинг ҳузурига юборишларини талаб қилган.

Абдураззоқ Самарқандий Вижаянагарда ҳукмдор томонидан кўп маротаба саройга таклиф қилинган. У ерда бўлиб ўтган суҳбатлар, унга кўрсатилган илтифотларни муаллиф ўз кундаликларида батафсил баён этган. Мазкур элчиликдан илгари ҳам Темурийлар давлати ва Ҳиндистон орасида муносабатлар давом этиб келаётган эди. 1411, 1416, 1421 йилларда Шимолий Ҳиндистондан элчилар келганлиги маълум¹.

Шоҳрухнинг Деҳлига ҳукмронлик қилган Саид Хизрхон (1414-1421) номига йўллаган мактубининг нусхаси Ҳайдар Ивоғли томонидан тузилган мактублар мажмуасидан ўрин олган².

1414 йилда тахтга ўтирган Хизрхон Ҳиротга ўз элчиларини йўллаб, Шоҳрухдан унинг номи билан жума ва рамазон ийди намозларида ўқиладиган хутбанинг суратини сўраган.³ Шоҳрух ўз номасида Хизрхонни барча зафарлари билан муборакбод этади ва мактуб охирига хутбанинг матнини илова қилади.⁴

Темурий шаҳзодалар олиб борган дипломатик алоқалар кўламининг қанчалар кенг эканлиги уларнинг хорижий ҳукмдорлар ва замонанинг етук шахслари билан юритган ёзишмаларининг ҳозиргача сақланиб қолган нусхаларидан ҳам кўриниб туради. Бу ёзишмалар асосан дунёнинг турли қўлёзма захираларида сақланаётган муншаот - хатлар мажмуаларидан ўрин олган. Лекин алоҳида таъкидлаш жоизки, тарихий асарларда ҳам баъзан муаллиф хатларнинг матнини тўлиқ келтирган ҳолларни ҳам учратиш мумкин. Биз юқорида номини келтирган Абдураззоқ Самарқандийнинг “Матлаи саъдайн” асари ҳам бундан мустасно эмас.

Ушбу ёзишмалардан келиб чиққан ҳолда ўша пайтдаги темурийлар даври тарихий-сиёсий ва иқтисодий манзарасини

1. *Амир Темуր жаҳон тарихида. Париж. 1996. 106-бет.*

2. *Абдулҳусайн Навоий. Аснод ва макотибот-и тарихи-йи Эрон. (Аз Темуր то шоҳ Исмоил). Техрон. 1963. 143-145-бетлар.*

3. *Хизрхон 1399 йили Амир Темуր томонидан Ҳиндистоннинг Мултон, Лаҳор ва Дивалпур шаҳарларига ноиб этиб тайинланган эди. Кейинчалик 1414 йилда Деҳлида ҳукмронликни қўлга киритгандан кейин ҳам темурийларнинг ноиби сифатида ҳукмронлик қилган. Шоҳрухнинг хутба матнини йўллашининг боиси ҳам шунда эди.*

4. *Аснод ва макотибот, 145-бет.*

ҳам тасаввур этиш мумкин. Шоҳрух ҳукмронлиги даврида олиб борилган дипломатик ёзишмаларнинг кўплиги, уларни географик нуқтаи назардан бўлиб ўрганишни талаб этади. Жумладан, Хитой императори Дой Минг ва Шоҳрух ораларидаги дипломатик алоқалар, хусусан, ёзишмалар жуда фаол юритилган. Улар ҳақида биз юқорида, Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси ҳақида ёзганимизда қайд этиб, “Матлаи Саъдайн”да келтирилган мактублар мазмунини ҳам ҳавола этдик.

Амир Темур дипломатияси бўлимида XIV асрнинг охириги чорагида халқаро сиёсий вазият, содир бўлган сиёсий воқеалар, пайдо бўлган сиёсий мувозанат ҳақида гапириб ўтдик. Амир Темур вафотидан кейин унинг ворислари олиб борган муносабатларда анчагина ўзгаришларни кузатиш мумкин.

Лекин таъкидлаш лозимки, Амир Темурга замондош хориж ҳукмдорларнинг кўпчилиги темурий шаҳзодалар даврида ҳам ҳали ўз сиёсатларини юритаётган эдилар ва бу ҳол темурий ҳукмдорлардан ўта сергаклик ва нозик дипломатияни талаб этар эди.

Темурийлар ташқи муносабатларидаги ўзига хос бир босқични Усманийлар Давлати билан бўлган алоқалар мавзуси ташкил этади. Усманийлар Давлати, Анқара жанги (1402 й.)да мағлубиятга учраганлигига қарамасдан, сиёсий майдондаги ўз мавқеини тез орада мустаҳкамлаб олган эди. Темурий ҳукмдорлар улар билан муттасил алоқа боғлаб турганлар. Бу ҳақда ҳар икки томон орасида юборилиб турилган мактубларнинг нусхалари далолат беради.

Маълумки, Амир Темур билан усманийлар султони Боязид Йилдирим ораларидаги низонинг сабабларидан бири, Табризда ҳукмронлик қилган қора қуюнлилар ҳукмдори Қора Юсуф Туркман (1389-1420)га усманийлар султонининг ҳомийлик қилиши эди¹. Қора Юсуфга нисбатан Амир Темурдаги адоватнинг сабаби шунда эдики, Соҳибқирон Қора Юсуфни савдо ва ҳаж қарвонларини горат қилишда айблар эди. Бунинг устига, Қора Юсуф Амир Темур томонидан Авник қалъасига ҳукмдор этиб тайинланган Отламиш Қавчин исмли шахсни

1. Фуломов С. Амир Темур ва Боязид Йилдирим муносабатлари. «Шарқшунослик», № 7, 1996.

асир олиб, Қоҳирага - мамлуклар саройига юборган эди. Амир Темурдан кейин унинг ворислари билан ҳам мазкур Қора Юсуф ораларидаги муносабатлар муҳити ўзгармай қолди.

Темурий шаҳзодаларнинг усмонийлар, оқ қуюнлилар билан ёзишмаларининг кўпчилигида Қора Юсуфнинг номи ўртага чиқаверди. Шоҳрух Мирзо Усмонийлар султони Муҳаммад Чалабий (1402-1421)га нома йуллаган. Бу номада Шоҳрух, агар Қора Юсуф усмонийлар мамлакатида кўрингудек бўлса, уни темурийлар саройига жўнатиб юборишларини илтимос қилади.¹ Бу мактубга усмонийлар султони муфассал бир жавоб қайтарар экан, Қора Юсуф учун усмонийлар мамлакатига борадиган йўлларни беркитиши ёки узрхоҳлик юзасидан уни (Қора Юсуфни) темурийлар саройига юборишга ҳаракат қилажагини маълум қилади².

Қора Юсуфнинг ўзи бир неча бор Шоҳрухга мактуб юбориб унга таҳсинлар ўқиган³. Шу йўл билан Озарбайжон тахтини яна ўз тасарруфига олишни кўзлаган эди. Лекин Шоҳрух унинг Амир Темур билан муносабатларини, ўз иттифоқдоши Бағдод ҳокими Аҳмад Жалойирий (1382-1410)га нисбатан қилган хиёнаткорлигини ҳали унутмаганлиги учун бу уринишлар бенатижа қолади.

Амир Темур билан иттифоқдош бўлган ҳукмдорларнинг кўпчилиги унинг вафотидан кейин ҳам темурийлар билан муносабатларини давом эттирадилар. Маълумки, Кичик Осие ва унга чегарадош ҳудудлардаги бир қанча ҳукмдор доиралар Амир Темур томонини ёқлаган эдилар.⁴ Шулардан бири Диёрбакр ҳукмдорлари билан муносабатлар Шоҳрух ҳукмронлиги даврида ҳам давом этган. Бу табиий ҳол, чунки оқ қуюнлиларнинг ашаддий душмани бўлган қора қуюнлилар, юқорида таъкидлаганимиздек, ўз иттифоқчилари билан биргаликда ҳам

1. Аҳмад Ферийдунбек. *Муншаот ас-салотини. Истанбул, 1874. 150-151-бетлар.*

2. *Айни мажмуа. 151-бет.*

3. *Аснод ва макотибот, 167-173-бетлар.*

4. *Кичик Осиенинг Арзинжон шаҳрида ҳукмронлик қилган амир Тахуртан, Кония ҳокими Алоуддин Қараманлу, Диёрбакрда ҳукмронлик қилган оқ қуюнли ҳукмдори Қора Усмонлар Амир Темур томонини ёқлаган эдилар. Амир Темурнинг вафотидан кейин ҳам шу сулола бошлиқлари темурий ҳукмдорлар билан яхши алоқада бўлганлар.*

темурийлар, ҳам оқ куюнлиларга қарши фаол ҳаракатда эдилар¹. Муншаот мажмуаларида оқ куюнлилар ҳукмдори Қора Усмон (1378-1435)нинг Шоҳрухга йўллаган мактубининг нусхаси сақланиб қолган. Мактубда оқ куюнли ҳукмдори Кичик Осиё ва Озарбайжонда юзага келган сиёсий аҳвол, жумладан, Қора Юсуфнинг Озарбайжон тахти илинжида қилаётган ҳаракатлари ҳақида ёзади. Шу билан бирга, Шоҳрух Мирзога темурий шаҳзодалар ораларидаги ўзаро келишмовчи-ликларга барҳам беришни насиҳат қилади. Ушбу мактуб Шоҳрухга етиб бормаган, чунки у йўлда Қора Юсуфнинг кўлига тушган ва усмонийлар султониغا жунатиб юборилган. Булар ҳақида Қора Усмон ва усмонийлар султони Муҳаммад Чалабий ораларида олиб борилган ёзишмада маълумотлар бор².

Шоҳрухнинг усмонийлар султони билан ёзишмаларидан бири Қора Юсуф устидан қозонилган ғалаба билан боғлиқ. “Матлаи Саъдайн” муаллифи ўз асарида Шоҳрух Мирзонинг Ироқ ва Озарбайжон мамлакатлари фатҳ этилишининг сабаби ҳақида шундай ёзади:

“Он ҳазрат (Шоҳрух) Сиддиқ исмли бир навкарни Амир Қора Юсуф қошига юборди ва: “Амир Юсуф мувофиқатчилик йўлига тушсин ва фиску фасод кўчасидан ҳам тўғрилиқ содиқлик шеvasига бурилсин”, деган хабарни юборди. Сиддиқ элчилик мазмунини адога етказди. Бироқ амир Қора Юсуф исён белгиларини зоҳир қилди. Сиддиқ қайтиб келди ва ниманики кўриб билган бўлса, ҳақиқат-хулосасини арзга етказиб: “Амир Қора Юсуфнинг хаёлида салтанат даражаларига кўтарилиш савдосию давлат поғоналарига юксалиш орзуси бор ва у мамлакатда ўзини мустақил бир султон деб ҳисоблайди: Атроф амирлари унинг амрларига мутедирлар ва у мамлакатда унинг фармони жорий. У мустаҳкам ҳисорлар курдириб, кучли қалъалар бино қилган-у, аммо шаръий қонун-қоидалар бузилган, хайрли жойлар беравнақ, қаровсиз қолиб кетган. У кечаю кундузни фиску фужур билан ўтказмоқда ва мустақиллик хаёли димоғини ақлдан оздирмоқда”, дейди³.

1. John E. Woods. *The Agguyunlu Clan, Confederation Empire. Mineapolis and Chicago.* 1976.

2. *Аснод ва макотибот.* 183-186-бетлар.

3. *Матлаи Саъдайн,* 267-бет.

Шоҳрух Мирзо Қора Юсуф ҳузурига бир неча бор элчилар йўллаган. Дипломатик тадбирлар натижа бермагандан сўнг жанг тадбири кўрила бошлаган. Шу кезлари Қора Юсуф касалга чалиниб 1420 йилда вафот этади. Лашкари эса ҳар томонга тарқалиб кетади. Шоҳрух ушбу воқеадан сўнг турли мамлакатларга, шу жумладан, усмонийлар султониغا ҳам фатҳномалар йўллаган.¹

1421 йилдан бошлаб Усмонийлар давлатини султон Мурод (1421-1444; 1446-1451) бошқарди. Темурий ҳукмдорлар у билан ҳам муттасил алоқа боғлаб турганлар. Улар номидан ўзаро юборилган мактубларнинг нусхалари иншо мажмуаларида учрайди. Шоҳрух ва Мурод номларидан ёзилган олти мактуб нусхаси ҳозиргача аниқланган ва илмий муомалага киритилган.²

Султон Муҳаммад Фотиҳ (1444-1446)нинг Шоҳрух Мирзо билан макотибасининг нусхаси ҳам сақланган. Ушбу ёзма мулоқот ташаббуси Муҳаммад Фотиҳ томонидан кўрсатилган эди. Мактубда Фотиҳ ўз отаси Султон Муроднинг салтанат тахтини унга топширгани ва Оврупо иттифоқчи кучлари билан бўлган муҳорабаларда қозонган ғалабалари ҳақида ёзган. Шоҳрух ушбу номага жавобан ўз мактубида, аввало, Фотиҳни султонлик тахтига мушарраф бўлганлиги билан табриклаб, сўнг орада савдо, элчилик алоқаларини мустаҳкамлаш истагини билдирган.³

Шоҳрухдан кейинги ворислар, умуман, темурий шаҳзодаларнинг усмоний султонлари билан доимий алоқада бўлиб келганлиги, сақланиб қолган ёзишмалар тўпламларидан ҳам кўриниб туради.

Шоҳрухдан кейин темурийзодалардан унинг набираси султон Алоуддавла (1417-1460)нинг усмоний султонларидан султон Муҳаммад ва султон Муродлар билан ёзишмалари, Мироншоҳнинг набираси Абу Саид Мирзо (1451-1469)нинг қора қуюнлилар ҳукмдори Жаҳоншоҳ (1538-1467) билан ёзишмаси, султон Хусайн Бойқаро (1470-1506)нинг усмоний султонларидан султон Муҳаммад (1444-1446; 1451-1481) ва султон Боязид

1. *Аснод ва макотибот. 202-205-бетлар.*

2. *Айни мажмуа. 230-254-бетлар.*

3. *Айни мажмуа. 258-264-бетлар.*

(1481-1512)лар, оқ қуюнли ҳукмдорларидан Рустам шоҳ (1493-1497)лар билан ёзишмалари турли иншо тўпламлари таркибида сақланиб қолганки, уларнинг барчаси бизнинг мавзу бўйича жуда қимматли маълумотларни беради.

Тарихий асарларда учрайдиган темурий шаҳзодалар саройидан хорижий мамлакатларга кетган элчилар, хорижий элчиларни темурийлар саройида қабул маросимлари, хориж ҳукмдорлари билан ёзишмалар, қисқаси, темурийлар хорижий муносабатларига доир кўплаб маълумотлар борки, уларни кўздан кечиран эканмиз, темурийлар саройида ташқи ишлар билан шуғулланувчи бутун бир тизим ишлаб турганини кўриш мумкин. Хорижий давлатга борадиган элчиликни ташкил этиш, хориждан келадиган элчиларни кутиб олиш, қабул маросимларини ташкил этиш, элчиларга хизмат кўрсатиш каби ҳар бир масаланинг ўз мутасаддиси темурийлар саройида тайин қилинган. Саройда мунший девони фаолият кўрсатиб турган ва темурий ҳукмдор номидан хорижий шоҳу султонларга юбориладиган мактубнинг мукамал, назокатомуз иборалар билан безатилган бўлиши ва аксинча, хориж ҳукмдорларидан келадиган мактубларни таржима қилиш, уларнинг нусхасини олиш каби масалалар мазкур девоннинг масъулиятига кирган.

Темурийлар ташқи муносабатларида кўзга ташланадиган яна бир қирра шуки, уларнинг хориж ҳукмдорлари билан ёзишмаларида ёки элчиларнинг ҳукмдорлар билан мулоқотларида, албатта, савдо алоқаларини йўлга қўйиш ёки мустақкамлаш ва савдогарлар хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар кўтарилганлигини кўрамиз. Бу эса темурий ҳукмдорларнинг савдо-иқтисодий алоқаларга нақадар жиддий эътибор берганлигидан далолат беради.

Темурий шаҳзодаларнинг хориж ҳукмдорлари билан олиб борган дипломатик алоқалари кенг жугрофий ҳудудларни ва узун даврларни қамрагани боис, уларни бу ерда батафсил ёритиш имкони йўқ, албатта. Юқорида келтирилган айрим далилларнинг ўзиёқ темурийлар дипломатияси Амир Темур асос солган буюк давлат аъёналарига таянган ҳолда кенг кўламда ташқи сиёсат юритиб келганлигини исботлаб турибди.

БОБУРИЙЛАР ДАВРИДА ҲИНДИСТОН ВА ТУРКИСТОН АЛОҚАЛАРИ (XVI-XVII АСРЛАР)

Ҳиндистон ярим ороли энг қадим замонлардан бери дунё тизимининг бўлинмас бир қисми бўлиб келаётганлиги ҳаммага яхши маълум. Ушбу минтақа асосан шимоли-ғарб томонидан, яъни Ҳиндикуш тоғ тизмалари оша Марказий Осиё, хусусан, Туркистон билан бевосита алоқада бўлиб келганлиги ҳам ҳеч кимга янгилик эмас.

Биз мавзу қилиб олган давр ҳам ана шу алоқаларнинг бир қисмини ташкил этади. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, Ҳиндистон ва Туркистоннинг XVI-XVII асрлардаги тарихига бағишланган қўлёзма манбалар ва кейинчалик ёзилган босма манбалар жуда кўп ва хилма-хилдир. Лекин, шунга қарамай, бу икки минтақада яшовчи халқлар ўртасидаги алоқаларга бағишлаб ёзилган илмий тадқиқотлар камчиликини ташкил қилади. Айниқса, ушбу мавзуда ўзбек тилида ҳозирги замон талабларига жавоб бера оладиган, тарихни ҳолисона ифода этувчи илмий ишлар деярли йўқ деса ҳам бўлади.

Ана шу ҳолатни назарга олган ҳолда, биз XVI-XVII асрларда, яъни Ҳиндистонда бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган даврда, Туркистон билан олиб борилган алоқаларни ёритишга ҳаракат қилдик.

Жанубий Осиё ва Марказий Осиё ўртасида қадимдан давом этиб келаётган алоқалар айнан Ҳиндистонда теурийлар сулоласининг давомчилари бўлган бобурийлар ҳукмронлик қилган даврда ўз чўққисига етди деб айта оламиз. Чунки худди шу даврга келиб икки минтақа ўртасидаги маданий яқинлашув жараёни тезлашди ва ҳар жиҳатдан бу ўзаро қўшилув янгича ижобий синтезни вужудга келтирди. Бобурийлар ҳукмронлигига қадар Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги маданий алоқалар ва ўзаро таъсир қилиш ҳеч даврда шунчалик кўзга ташланарли даражага етмаган эди. Ушбу ҳолатни америкалик тарихчи олим Ричард Фольц шундай ифодалайди: “Ўша даврда мусулмон Осиёси кўп жиҳатдан бир дунё эди”¹. Бу ерда у ислом маданиятининг бирлаштирувчи куч эканлигини таъкидлайди. Албатта,

1. Richard C. Foltz, *Mughal and Central Asia*. Oxford, 1998. p. XX III.

бу фикрни инкор этмаган ҳолда, Марказий Осиё, хусусан, Туркистон халқларининг ўзига хос маданияти, миллий анъаналари, санъати, адабиёти ҳам икки минтақа халқлари алоқалари жараёнида бир-бирларига ўзаро таъсир қилиб, бойитганликларини алоҳида қайд этиш лозим.

Лекин яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу борада ҳали кўп масалалар илмий жиҳатдан тўлиқ ўрганилмаган. Масалан, Марказий ва Жанубий Осиёдаги мамлакатларда мусулмон жамиятлари ўртасидаги умумийлик қай даражада бўлган? Улар орасидаги ўзаро таъсир қанчалик фаол бўлган ва улар ўзлари яшаб турган мамлакат чегараларини жуғрофий жиҳатдан ҳозир биз билганчалик кўра олганларми? Ана шунга ўхшаш кўпгина саволлар ўз тадқиқотчиларни кутмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда қуйида Туркистон ва Ҳиндистон халқлари ўртасида XVI-XVII асрларда олиб борилган алоқалар хусусида сўз юритилар экан, улар орасидаги умумий томонлари ва фарқ қиладиган жиҳатлари ҳамда иккала томонни маданий жиҳатдан боғловчи омиллар ҳақида тўхталиб ўтишга ҳаракат қилинади.

Бобурийлар сулоласига мансуб ҳукмдорлар тўғрисида сўз борар экан, уларнинг Туркистонни ўзларининг “ҳақиқий” она юртлари ва темурийлардан мерос қолган ҳудудлар деб қарашларига ҳам аҳамият бериш жоиз бўлади. Ҳиндистон ярим оролида, умуман олганда, қарийб икки аср (1526-1707), яъни Ҳиндистонда мусулмонлар ҳукмронлик қилган энг диққатга сазовор даврда, давлатни бошқарган биринчи олти бобурий султонларнинг ҳар бири она юртлари, уларнинг кўпчилиги бу ерларни ҳеч қачон кўрмаган бўлсалар-да, Туркистон билан мустаҳкам алоқаларни ўрнатиш ҳис-туйғуларини намойиш этиб келганликларини кўраимиз.

Маълумки, Темурийлар сулоласининг энг сўнгги авлодлари бўлган бобурий ҳукмдорлар Ҳиндистон ярим оролига келиб ўз ҳокимиятларини ўрнатдилар. Бобурий султонлар даврида Туркистон ҳудудларидан Ҳиндистонга кенг миқёсда турли соҳа вакилларининг, айниқса, маданият соҳасига алоқадор кишиларнинг кўчиб ўтиши туркий халқлар маданияти билан ерлик халқларни таништирди ва шу маданиятнинг Ҳинд ерларида ёйилишига ҳам сабаб бўлди. Туркистонликлар Ҳиндистонга нафақат сиё-

сий, маъмурий ва ҳарбий томондан, балки маданият (рассомчилик, меъморчилик, адабиёт, шеърят ва ҳ.к.) соҳаларида ҳам катта таъсир кўрсатганлар. Бунга жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Ҳиндистонда энг машҳур тарихий обида Тож Маҳал, кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, Самарқанддаги Амир Темур мақбараси - “Гўри Амир”га туғридан-туғри тақлид қилиб солинган¹. Тож Маҳални қурдирган Шоҳ Жаҳон ўз “она ватани” бўлган Туркистонни қайтадан қўлга киритиш умидида яшаган. Ҳатто у 1646 йилда Балх вилояти орқали бу томонга ҳарбий юришни амалга оширишга ҳам уриниб кўрган. Шоҳ Жаҳоннинг Балхга юриши тўғрисида Бобурийларга тегишли кўпгина мактубларда ва бошқа ҳужжатларда Туркистон “аждодаларимизнинг қабрлари бор жой” деб қайд қилинган².

Ҳаттоки, отасининг қуп соҳалардаги сиёсатининг тескари-сини қилган Аврангзеб ҳам, бобурийларнинг Туркистонга нисбатан билдирган ўй-хаёлларига содиқ қолган. Бундай мисоллар XVI-XVII асрларда турли тўсиқларга қарамасдан, Туркистон ва Ҳиндистон ўртасида мунтазам алоқалар мавжуд бўлганлигидан далолат беради. XVII асрга тегишли манба бўлган “Музакир-и-асҳоб”да қайд қилинишича, бобурийларнинг сўнги авлодлари, ўз боболари Жаҳонгиршоҳ қилганидек, Самарқандга “Гўри Амирни” таъмирлаш учун пул ва усталарни юборган³.

Бобурийларнинг Марказий Осиё, хусусан, Туркистонга бўлган бундай муносабатларининг сабабини америкалик олим Ричард Фольц шундай шарҳлайди: “Муғул императорларининг ўз “она юртлари” бўлган Марказий Осиёга нисбатан кўрсатган соғинч ҳисларини ифода этишларига, улар ўзларини “Ҳинд” дунёсининг бир бўлаги дея олмасликлари эмас, балки йўқотган дунёларининг маркази, яъни нафақат Ҳиндистонни, балки Эрон, Сурия, Анатолия ва ички Осиёнинг дашт ерларини ҳам

1. *Ўша асар. Р. XXIII.*

2. *Низомиддинов И. Ё XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон муносабатлари. Тош., ФАН, 1966. 53-бет.*

3. *Муҳаммад Ҳади “Малиҳо” Самарқандий, Музакир-и-Асҳоб. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти кўлёзма фонди. № 4270. 234-бет.*

ўз ичига олган Темур империясининг гуллаб-яшнаган пойтахти - Самарқандни йўқотганликлари сабаб бўлган, деб ўйлаймиз”¹.

Ҳақиқатан ҳам Темур авлодлари бўлган бобурий султонлар Туркистонни ўзларига бошқариш учун мерос бўлиб қолган дунё деб ҳисоблаганлар. Масалан, Бобур Ҳиндистонда ўз ҳокимиятини ўрнатгандан сўнг, у ерда доимо яшаб қолиш нияти йўқ эди, балки у ўз давлатини Темур бобосига ўхшаб Самарқанддан туриб бошқаришни хоҳлар эди.

Бобурнинг вафотидан кейин, Ҳумоюн ва ундан кейинги авлодлар ниҳоят ўзларининг Ҳиндистон султонлари сифатидаги мавқеларини тан олганлар. Лекин келиб чиқиши, қайси сулолага мансублиги жуда ҳам катта аҳамият касб этган дунёда, Темурийлар сулоласининг вакиллари бўлган бобурий султонлар Ҳиндистонда мустаҳкам ўрнашиб олсалар-да, ўзларининг Туркистонга бўлган интилишларини ҳеч тўхтата олмаганлар. Абул Фазл Акбарни “Кўрагон оиласининг фаҳри” ва “Темур уруғининг чироғи “чироғ-и-дудмон-и- Соҳибқирон»² деб атайти. Жаҳонгир Кобулда, Бобурнинг мақбараси ёнида, ўз номи ва Темурдан кейинги аждодларининг номлари ўйиб ёзилган тошни ўрнатишни буюрган эди³.

Амир Темур сиймоси барча Бобурий султонлар учун намуна бўлиб хизмат қилган. Темур шахсиятига, унинг юришларига бағишланган китоблар доимо уларнинг ҳамроҳи бўлганлиги бизга манбалардан маълум. Масалан, Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳон Шарафиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарини қайта-қайта ўқиб юрганлар.

Бобурий султонлар Ҳиндистонда ўз фаолиятлари давомида (давлат бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий сиёсатда ва ҳ.к.) кўпинча Темурийлар давридаги қонун-қондалар, анъаналар, расм-русумларга амал қилганлар.

Бобурийлар Ҳиндистонда ўз ҳукмронлигини мустаҳкам ўрнатиб олганларидан сўнг, ташқи дунё ҳукмронлари уларни Темурийлар хонадони давомчилари сифатида тан олишни лозим

1. Richard C. Foltz. *Mughal and Central Asia*. Oxford, 1998, p. XX III.

2. Abul Fazl. “*Allami*”, Akbar-nama, ed. Abd al-Rahim, 3 vols., Tr. Henry Beveridge, (reprint Low Price Publ. Delhi, 1993), i, p., 17 (text p. 8).

3. Shan Nawaz Khan and Abd-Hayy. *Ma athir al-utama*, tr. Henry Beveridge, Calcutta, 1941-1942. p. 97.

топдилар. Масалан, Эрон шоҳи Аббос Жаҳонгирга йўллаган расмий мактубида “ушбуни Кўрагон тахтида ўтирган зотга ва Темур тожининг меросхўрига йўллайман”¹, деб ёзади ва яна бир жойда Ҳиндистон элчиси Хон Аъламга императорга совға тариқасида Исфаҳондан Темур, унинг ўғиллари ва лашкарбошиларининг Тўхтамишхон билан олиб бораётган жангги тасвирланган ноёб санъат асарини олиб кетишга руҳсат беради.²

Икки минтақа халқларининг XVI-XVII асрлардаги алоқаларида ислом динининг ҳам бирлаштирувчи роли борлигини инкор қилиб бўлмайди. Уша даврда Ҳиндистон мусулмонлари Туркистонни энг аввало диний илмлар маркази сифатида хурмат қилганлар, айниқса, Бухоро мадрасаларининг довруғи Ҳинд мусулмонлари орасида кенг ёйилган. Шу сабабдан бир қанча Ҳинд мусулмонлари Бухорода таҳсил олганликлари маълум³. Юқорида баён қилинган фикрлар ва бир қатор манба ва адабиётлардан олинган маълумотлар XVI-XVII асрларда бобурийлар давридаги Ҳиндистон ва Туркистон ўртасида дипломатик, ҳарбий, савдо ва маданий алоқалар анча фаол олиб борилганлигидан дарак беради.

XVI аср охирларида Мовароуннаҳр, Ҳиндистон ва Эронда кучли феодал давлатлар ташкил топади. Ҳиндистонда бобурийлар сулоласининг энг забардасти буюк Акбар салтанат эгаси бўлганда (1556), Мовароуннаҳрда шайбонийлар сулола-сининг сўнгги тadbиркор намояндаси Абдулла II ҳокимиятни ўз қўлига олди (1557).

Абдуллахон ва Акбар тахтни эгаллаганларидан кейин ўз давлатларини мустақкамлашга, мустақил ва ярим мустақил хон ва князликларни бўйсундиришга, янгидан-янги ўлкаларни босиб олишга киришдилар. Абдуллахон қаттиқ кураш натижасида Балх ва Ҳиротни (1573), Шаҳрисабз, Қарши ва Ҳисорни (1574), худди шу йиллари Акбар Малва, Гондван, Читор ва Гужаратни забт этди. Уша даврда иккала давлат ўртасида бир қатор дипломатик алмашинувлар бўлиб ўтди. Масалан, Абдулла-

1. *Tuzuk-i-Jahangiri*, tr. A. Rogers, ND. 1978 ii p. 1956 TJ. P. 112.

2. *Уша асар. II. Б. 116Б TJ. P. 3229. McChesney R. D. Wagf in Central Azia, Princeton Univ. Press, Princeton, 1991, p. 110.*

3. *McChesney R. D. Wagf in Central Azia, Princeton Univ. Press, Princeton, 1991. p. 110.*

хон 1572-73; 1577-78 ва 1586 йилларда Ҳиндистонга элчилар юборди.¹

Абдуллахоннинг элчиси Олтамиш 1572 йили Деҳлига боради. Элчи Абдуллахоннинг ҳар иккала мамлакат ўртасида давом этиб келаётган дўстлик алоқаларини кучайтириш ҳақидаги мактубини топширади.² Акбар ўзбек элчисини, Гужарат юриши муваффақиятли тугагач, қабул қилади. Акбар элчи орқали Абдуллахон номига юборган мактубида дўстлик муносабатларини ўрнатишга рози эканлигини билдиради.

Ўзбек элчиси Ҳиндистондан ўз юртига қайтиш арафасида Бадахшонда ҳокимият учун ўзаро кураш бошланганлиги маълум бўлади. Император Акбар бу курашда ўзбек хонининг қўли борлигини гумон қилади. 1577 йилда Абдуллахоннинг иккинчи элчиси Мир Абдураҳмон Хўжа Садр Ҳиндистонга келади. Элчи Туркистон билан Ҳиндистон ўртасида Эронни бўлиб олишни таклиф қилади. Энди Акбар ўз навбатида Мирза Фулод бошчилигида ўз элчиларини Абдуллахон саройига юборади. Бундан мақсад, ҳинд элчиси Эроннинг мусулмон давлати эканлигини эслатиб, Акбарнинг бу давлат ерларини бўлиб олишга рози эмаслигини англатиши керак эди. Элчи зиммасига иккинчи вазифа ҳам юклатилган эди. Абдуллахон давлатининг тобора кучайиб бориши Бадахшонга хавф туғдираётган эди. Ҳинд томони бу хавфнинг олдини олиш учун қуролли куч ишлатишдан кўра дипломатик йўл билан келишишга уринади. Шунинг учун Мирза Фулод ўзбек хонининг Бадахшонга нисбатан муносабатини аниқлаш вазифасини ҳам бажариши керак эди. Ҳақиқатда Акбарнинг тахмини тўғри эди.³

Абдуллахон Балх ва Ҳиротни эгаллагач, Бадахшон ва Кобулни ҳам босиб олишни мўлжаллаган эди. 1583-1584 йилларда ўзбек қўшинлари Бадахшонга ҳужум қилиб, уни босиб олдилар. Бадахшон ҳокими Мирза Сулаймон ва унинг набираси Шоҳрух Акбардан ёрдам сўради. Кобул ҳокими Мирза Ҳаким ҳам ўз

1. Аҳмедов Бури. *Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVII вв* Фан. Тош., 1985. с. 53.

2. Ramesh Chandra Varma. *Akbar and Abdulla Khan. "Islamic Culture"*, Vol. XXI, № 4, 1947, Hyderabad, p. 330.

3. Бу ҳақда қаранг: Низомиддинов И. *Ўрта Осиёнинг чет эл шарқи билан муносабатлари*. Т., 1961. 15-38-бетлар

ерларига туғилган хавфнинг олдини олиш учун Акбарга ёрдам сўраб мурожаат қилди.¹ Шу сабабдан Акбар катта қуроли куч билан 1585 йилда Панжобга келди ва шу йили Кобулни ўз империясига қўшиб олиб, Абдуллахоннинг режаларини чиппакка чиқарди. Акбар томонидан амалга оширилган ишлар Абдуллахонни хавфсиратиб қўйди ва унинг Эронга нисбатан босқинчилик сиёсатини давом эттиришда бу масала юзасидан ҳинд императорининг розилигини олиб, у билан иттифоқ бўлишга мажбур этди².

Шу йўсинда дипломатик алоқалар узлуксиз давом этаверганлиги бизга турли манбалардан маълум.

1585 йилда Абдуллахон томонидан Ҳиндистонга Мирқурайш раҳбарлигида элчилар юборилган эди. “Абдулланом” асарининг муаллифи Ҳофиз Танишнинг таъкидлашича, Мирқурайш элчилиги Ҳиндистонга ўзбеклар томонидан Бадахшоннинг (1584) босиб олиниш сабабларини тушунтириш учун юборилган, чунки бу ҳодиса бобурийлар империяси томонидан Ҳиндистонга нисбатан душманлик иши деб қаралиши мумкин эди³.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтида сақланаётган “Тарихи Акбаршоҳи” қўлёзмасида, Мирқурайш элчилиги саройга келмасдан олдин, Турондан Акбарни хурсанд қилиш учун энг яхши ўйноқи кабутарлар билан ўйнатувчи кабутарбозлар келишган. «Шу куни, - деб ёзади муаллиф, - Назарбий ва унинг болалари Қамбарбий, Шодбий ва Боқибийлар қудси остонага сажда қилиб, пешоналарини ёриқ этдилар. Турон элчилари шу вақт Синд дарёсига етган бўлиб, Зобулистон тупроғида эдилар. Мирқурайш-саййидлар уруғининг энг яхшиси, от, туя, йўрға, хачирлар, яхши пўстин, тери ва бошқа нафис моллар билан у олий даргоҳга диломиз дўстлик ҳақидаги нома билан юборилди». “Тарихи Акбаршоҳи” муаллифи Акбар касаллик сабабли узоқ вақт Мирқурайш элчисини қабул қилмагани, сўнгра бу ҳол элчиларни ташвишга солгач, уларни Акбар янги солинган 21-девохонада қабул қилганлиги ҳақида баён қилади, “Хисравона зиёфат берилди”, деб ёзади.⁴

1. И. Низомиддинов. *Ўша асар. 15-бет.*

2. *Ўша асар, 15-бет.*

3. Умняков И. *Абдулланоме Хафиза Таныша и его исследователи. “Записки коллегии востоковедов”. IV. Таш., 1929. с. 325.*

4. *Ўша жойда.*

Ҳақиқатда Мирқурайш элчилиги узоқ вақт Акбар томонидан қабул қилинмайди. Элчилар 1585 йилнинг охирида ўз мамлакатига қайтиш олдидангина қабул қилинадилар.¹

1586 йилнинг август ойида Мирқурайш бошлиқ элчилар Ҳиндистондан ўз юртларига Акбар томонидан Абдуллахон саройига юборилган Ҳаким Ҳўмом ва Мир Садржаҳон элчилиги билан биргаликда қайтиб келадилар. Ҳаким Ҳўмом давлат ишлари билан келган расмий элчи ҳисобланса, Садр Жаҳон Абдуллахоннинг отаси вафот этиши муносабати билан таъзия билдириш учун юборилган Акбар вакили эди.

Элчилар 1587 йили май ойида Абдуллахон саройига келадилар ва Абдуллахон уларни катта тантана билан қабул қилади².

Ҳинд элчиси Акбарнинг Абдуллахон номига ёзилган мактубини топширади. Мактубда давлат тепасида турган шоҳ ёки хоннинг ўз мамлакатини идора этиши ва бошқа мамлакатлар халқлари билан ўрнатиладиган дўстона муносабатларида унинг тутган ўрни, Абдуллахоннинг Акбарни ислом динига нисбатан бўлган салбий қарашлари тўғрисида ёзилади. Акбар ўзининг жавоб мактубида у чин мусулмонлиги, ислом дини қоидаларини бузишга уринмаганлиги, фақат уламолар ҳал қила олмаган масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилганлигини ёзади. Мактубда Эрон масаласи тўғрисида ҳам фикр билдирилган. Лекин Акбарнинг мактубида Эронни босиб олиш тўғрисида аниқ фикр айтилмаган, шу билан бирга Абдуллахон Бадахшонни босиб олганлиги ҳам эслатиб ўтилмаган, демак, Ҳиндистон давлати Абдуллахон билан алоқани мураккаблаштиришни истамаслиги аниқ эди.

1589 йилда Ҳаким Ҳўмом Туркистондан Ҳиндистонга қайтади. У Абдуллахоннинг мактубини олиб боради ва у билан бирга Абдуллахон Бобурийлар империяси саройига тайинланган элчилари сифатида Аҳмад Али Оталиқ ва Мир Садржаҳонлар унга ҳамроҳ бўлиб борадилар. Абдуллахон Акбаршоҳ номига ёзилган хатда унга миннатдорчилик билдиради, мактубда

1. Низомиддинов И. *Ўрта Осиёнинг чет эл шарқи билан муносабатлари*. Т., 1961. 17-бет.

2. *Уша жойда*.

шундай фикр билдирилган эдики, гуё Акбарнинг илтифоти билан Абдуллахон Ҳирот ва Хуросонни забт этишга муваффақ бўлган.

Бундай элчилар алмашинуви кейинчалик ҳам давом этди. Масалан 1591-1592 ва 1597 йилларда Акбарнинг элчилари Туркистонга келганлиги маълум.¹ Ҳар икки давлат ўзаро дўстлик муносабатларини сақлаб қолишдан манфаатдор эди. Абдуллахон учун Бобурийлар империясининг Эронга қарши курашда бетараф позицияда туриши аҳамиятли бўлса, бобурийлар империяси учун эса ўзбек хонлиги билан дўст бўлиши Ҳиндистоннинг ҳали тобе бўлмаган ўлкаларни босиб олишни муваффақиятли тамомлашда империянинг шарқий ўлкаларида осойишталик ҳукм суриб туриши учун зарур эди.

Ҳиндистонда Акбаршоҳдан кейинги бобурий султонлар Жаҳонгир (1605-1627) ва Шоҳ Жаҳон (1627-1658) ҳукмронлик қилган даврларда минтақалар ўртасидаги дипломатик алоқалар тўхтаб қолгани йўқ.

Масалан, Бухоро хони Имомқулихон (1611-1642) 1614 йилда ўз элчиларини император Жаҳонгир саройига юборган. Ҳинд тарихчиси Рамеш Варма ўзбек элчилари ҳақида гапириб, улар Имомқулихоннинг Жаҳонгир номига ёзган мактубини олиб келганликларини айтади.² Мактубда ўзбек хони марҳум Абдуллахон ва Акбар замонларида Туркистон ва Ҳиндистон мамлакатлари ўртасида ўзаро иттифоқ тузилган бўлиб, бу иттифоқ натижасида Ироқ ва Эроннинг кўп қисми ва Хуросоннинг босиб олинганлиги тўғрисида ёзилган, деб кўрсатилади.³ Орадан бир қанча вақт ўтгач, 1625 йилда Жаҳонгир ўз элчиси Ҳаким Ҳозиқни Мовароуннаҳрга - Имомқулихон саройига юборди.

Ҳаким Ҳозиқ ўз замонасининг буюк кишиси, ёрқин ақл эгаси, олим, шоир ва табиб эди. Ҳаким Ҳозиқнинг мамлакатлараро дўстликни мустаҳкамлашда катта роль ўйнаганлигини ўзбек олими И. Низомиддинов алоҳида таъкидлайди.⁴ 1626 йилда Имомқулихон император Жаҳонгир саройига ўз элчиси Абдурахмон Жуйборийни жўнатиб, Хуросон учун сафавийларга қарши курашда ёрдам

1. *Ўша асар. 21-22-бетлар.*

2. *Ramesh Chandra Varma. Op. Cit p. 332.*

3. *Ўша жойда.*

4. *Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл шарқи билан муносабатлари. 27-бет.*

кўрсатишини сўрайди, лекин музокаралар Жаҳонгирнинг вафоти туфайли тўхтаб қолади¹.

Шоҳ Жаҳон, ўз навбатида, Эроннинг бетараф мавқеда туриши мақсадга мувофиқ, деб фикр юритар эди. Чунки у Ўрта Осиёга юриш қилиш режаларини тузганди. Аммо Шоҳ Жаҳон кўшинларининг Балхта қилган юришлари муваффақиятсизлик билан тугайди².

Ҳинд тарихчилари Н.К. Синха ва А.Ч. Банержиларнинг фикрича, Шоҳ Жаҳон кўшинларининг Балх юришида муваффақиятсизликка учраш сабаблари шуки, биринчидан, бобурий аъёнлар дабдабали ва жўшқин ҳаётга ўрганиб қолган эдилар, улар бой Ҳиндистондан узоқ, улар учун доимо нотинч ўлкаларда туришни ёқтирмас эдилар, иккинчидан, улар ерли халқлар билан келишиб кетолмадилар³. Шу воқеалардан сўнг икки минтақа ўртасидаги алоқалар бироз тўхтаб қолди. Лекин 1658 йилда бобурийлар империясининг тахти Аврангзеб қўлига ўтди. У тахтни эгаллаганда отаси Шоҳ Жаҳон тирик бўлиб (1666 йилда вафот этди), то ўлимига қадар Аврангзеб кишиларининг назорати остида бўлди.

Аврангзеб замонида Ҳиндистон билан Туркистон ўртасидаги муносабатлар бирмунча дўстона сажия касб этади. Бу муносабатлар Бухоро хони Абдулазизнинг Аврангзеб подшоҳлик тахтига ўтирганлигини қутловчи хати билан бошланиб кетди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида сақланаётган “Мактубот, муншаот ва маншурот” қўлёзма асарда Абдулазизнинг Аврангзеб номига ёзилган уч мактуби келтирилган.⁴

Ушбу мактубларнинг мазмуни ва элчиларнинг кимлиги тўғрисида И. Низомиддинов ўзининг юқорида зикр қилинган асарида батафсил баён қилган.⁵

1. Richard C. Folz. *Mughal and Central Asia*. Oxford, 1998, p. 54.

2. Бу ҳақда қаранг: Низомиддинов И. *Ўрта Осиёнинг чел эл шарқи билан алоқалари*. 28-30-бетлар.

3. Синха Н.К., Банержи А.Ч. *История Индии*. М., 1954. с. 242.

4. *Мактубот, муншаот ва маншурот*. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинаси 289-қўлёзмаси 1.

5. Қаранг: Низомиддинов И. *Ўша асар*, 34-36-бетлар.

1684 йилда Аврангзеб Бухорога элчи юбориб, “дахрий” шиаларга қарши биргалашиб ҳужум қилиш таклифини билдирган. Шу билан бирга ушбу ташаббусдан яна бир алоҳида мақсад ҳам бор эди. Бунинг маъноси бобурийларнинг Қандаҳорни қайтариб олишга интилиши эди.¹ Худди шу фикр “Тарихи Муқимхоний”да ҳам билдирилади. Ундаги маълумотга кўра Ҳинд элчиси билан Бухоро хони ўртасида Эронга қарши бир иттифоқ тузилган. Субҳонқулихон шу иттифоққа суянган ҳолда Хуросонни босиб олиш учун бир неча бор ҳужум уюштирган, лекин ўша вақтда Хоразм хони Эрнак султоннинг Бухорога қўшин тортиб келиши Хуросон урушининг муваффақиятли чиқишига тўсқинлик қилган эди.²

Аврангзеб ҳам ўз навбатида маратхлар кўзғолонини бостириш билан, кейинчалик эса Деканни бўйсундириш билан узоқ вақт банд бўлгани сабабли, Эронга қарши курашда Бухоронинг иттифоқчиси сифатида иштирок этолмади.

Туркистон ва Ҳиндистондаги бобурийлар империяси ўртасидаги дипломатик алоқаларни таҳлил этар эканмиз, бу алоқалар кўпроқ икки томоннинг сафавийлар сулоласи ҳукмронлик қилган Эронга қарши курашда иттифоқ тузиш режасини амалга ошириш мақсадини кўзлаб олиб борилган деб тахмин қилиш мумкин. Бу борада учала томон ҳам муайян манфаатларни кўзлаб, яъни ўз чегараларига яқин жойлашган ҳудудлар, хусусан, Хуросон ва ҳозирги Афғонистон ерлари устидан назорат ўрнатиш учун кураш олиб борганлар³.

Туркистонликлар ҳам, бобурийлар ҳам элчиларни танлашда ўзларича бир-бирларини ҳайратга солишга ҳаракат қилганлар. Шуни таъкидлаш лозимки, ислом дунёсида қабул қилинган анъанага мувофиқ, элчилик лавозимига кўпинча дин арбобларини тайинлаганлар. Бу борада яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, “айрим ҳолларда ёмон хабар келтирган элчиларни қатл қилиш ҳодисаларининг олдини олишни кўзлаб ҳам

1. Семенов А.А. “К вопросу о культурно-политических связях Бухары и “Великомонгольской” Индии в XVII в.” Материалы 2-го совещания археологов и этнографов Средней Азии. Изд-во АН СССР, М. 1959. с. 1-10.

2. Мухаммад Юсуф Муниши. Мукимханская история. Таш., 1956. с. 153.

3. Қаранг: Семёнов А. А. “К вопросу о культурно-политических связях.” с. 14.

шундай қилинарди”, деб ёзади американик олим Р. Фольц¹. Ундан ташқари, Туркистон ҳукмдорлари ўз ҳудудларида нақшбандий силсиласидан бўлган катта обрў-эътиборга эга олим-фозил уламоларни элчи вазифасига тайинлаганлар². Бобурий султонлар эса, ўз навбатида, элчилик лавозимига келиб чиқиши асли туркистонлик бўлган ва юқори мансабларни эгаллаб турган шахсларни тайинлар эдилар. Масалан, асли бухоролик бўлган Мир Барака бир неча бор Жаҳонгир ва Шоҳ Жаҳон томонидан ўз ватанига элчи сифатида юборилганлиги маълум.³ Нодир Муҳаммад томонидан Ҳиндистонга элчи сифатида юборилган Ваққос Ҳожи 1633 йилда Туркистонга яна бошқа Ўрта Осиёлик шахс Тарбиятхон Фахриддин Аҳмад (у Жаҳонгир даврида Ҳиндистонга келган) билан бирга Ҳиндистон элчиси сифатида қайтиб келган.⁴ Ушбу элчиларнинг зиммасига, ўз ишларидан ташқари, кўпгина юқори лавозимдаги бобурий аслзодалар томонидан Мовароуннаҳрдаги дин арбобларига, дўст-биродарларига ёки қариндош-уруғларига жўнатилган мактублар, турли совғаларни топшириш ва шу минтақага тегишли камёб моллар ва буюмларни олиб келиш ҳам юклатилар эди. Масалан, элчи Ҳаким Ҳўмом Акбаршоҳ учун султон Ҳусайн томонидан ёзилган кабутарлар ҳақидаги китобдан икки нусхасини олиб кетганлиги маълум⁵.

Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Иккала томон намоёндалари томонидан олиб борилган шу хилдаги фаолият Ҳиндистонда яшаб турган бобурийлар ва бошқа туркий оилалар билан Мовароуннаҳрдаги ўзбеклар ўртасидаги шахсий алоқаларнинг мунтазам давом этиб туришига катта ёрдам берганлиги шубҳасиздир.

Албатта, элчилар зиммасига анъанавий равишда хуфия маълумотларни тўплаш ҳам юклатилганлиги ўз-ўзидан маълум. Бунга Абул Фазл Гилонийнинг 1588 йилда Бухорога элчи бўлиб келган Ҳаким Ҳўмомга йўллаган мактуби мисол бўла олади. Ушбу

1. Richard C. Foltz. *Mughal India and Central Asia*, p. 55.

2. Rahim, Abdur, “Mughal Relations with Central Asia. Islamic Culture, №9 (1937), p. 194.

3. *Ўша асар*. 92. 190-бембар.

4. Richard C. Foltz. *Mughal Relations and Central Asia*. p. 55.

5. *Islam, Riasul. A. Calendar of Documents on Indo-Persian Relations. (1500-1750), 11 vols. Karachi, 1979-1982. p. 218.*

мактубда Ҳиндистондаги бобурийлар манфаати учун хизмат қила оладиган империя дўстларини кўпайтириш йўлида ҳар қанча моддий харажат қилишга ҳам тайёр бўлиш кераклиги уқтирилади. Шу мактубда, Акбаршоҳнинг Бадахшон вилоятини қайтариб олишга қаратилган сиёсати элчининг бу ҳақда қандай маълумот олиб келишига боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланади.¹

Кейинчалик Аврангзеб замонида ҳам туркистонликлар унинг дипломатик хизматини бажарганликлари маълум. Аврангзеб уларни Мовароуннаҳр ва Балхда ҳукмронлик қилаётган ўзбек хонлари ҳузурига элчи қилиб юборган. Масалан, Ҳиндистонга келишдан олдин Балхда Субҳонқулихон хизматида бўлган Мулла Ниёз Қашғарий Аврангзеб томонидан 1687 йилда Забардастхон элчилигининг таркибида Субҳонқулихон ҳузурига жўнатишган.²

Бундай мисоллардан кўриниб турибдики, бобурий ҳукмронлар ўзлари бошқариб турган мамлакат манфаати ҳамда Туркистон халқлари ўртасидаги алоқаларни давом эттириш йўлида аждодларнинг она замини бўлган ерлардан келган илмни, обрў-эътиборли, тажрибали турли соҳа вакилларининг хизматидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилганлар.

Бобурий ҳукмдорлар турли сабабларга кўра Туркистондан Ҳиндистонга келиб қолган ва давлат ишларида ёки бошқа соҳаларда катта тажрибага эга бўлган билимли кишиларга ишонч билдириб, юқори лавозимларга, ҳарбий кўмондонлик вазифаларига тайинлаганлар ва улар меҳнати ва садоқатини юқори баҳолаганлар. Яхши хизматлари учун уларга катта мукофотлар, ерлар ҳадя қилганлар ва шу билан бирга улар йўл қўйган баъзи хатоларни ҳам кечириб кетганлар. Шу ўринда мисол қилиб Ҳиндистонга келиб анча бойлик ва нуфузга эга бўлган Турдибек Туркистонийнинг император Ҳумоюнга нисбатан ноинсофлик қилганлигини айтиб ўтиш мумкин. Ҳумоюн Ҳиндистонда Шер Шоҳ томонидан амалга оширилган исён туфайли Эронга бошпана излаб кетаётганида Турдибек Туркистоний унга отлар ва пул қарз бериб туришдан бош тортган ҳамда Ҳумоюннинг укаси, шаҳзода Аскарӣ томонига ўтиб кетган эди. Лекин Ҳумоюн

1. *Уша асар, 216-бет.*

2. *Муҳаммад Ҳади. Молиҳо Самарқандий Музаққирӣ асҳоб. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди, № 427, 237-а, в.*

Ҳиндистонга қайтиб, тахтни яна эгаллагандан сўнг Туркистоний ундан ўз қилган хатоси учун авф сўраб келганда Ҳумоюн уни кечиради ва Меват ҳокими этиб тайинлайди. Акбар даврида эса Турдибек Туркистоний Деҳли шаҳрининг ҳокими лавозимига тайинланиб, 5000 отлиқ аскарга бошлиқ бўлиш мансабига эришади, лекин кейинчалик Байрамхон томонидан уюштирилган иғво натижасида ўлдирилади¹. Шайбонийлар вакили Али Қулихон ва унинг укаси Баҳодирхон бобурийларга қарши икки марта исён кўтарган бўлсалар ҳам авф этилиб, учинчи мартасида қатл этилган эдилар². Илгари Балх вилояти ҳокими бўлган, кейин Абдуллахон билан чиқишмасдан ўзининг уч ўғли билан бирга бобурийлар хизматига ўтиб кетган Назрбийга Акбаршоҳ томонидан жогир (ер мулкига эгалик) ҳада этилган эди, лекин у 1590 йилда исён кўтаргани учун қатл этилган.³

Ўрта Осиёдаги тасаввуф оқимидаги бир қанча оилалар бобурийларнинг Нақшбандия тариқатига мансуб эканликларидан фойдаланиб, кўпчилиги Ҳиндистонга келган ва сарой хизматида олинганлар. Улардан бири бўлган Шарафиддин Самарқандий Акбаршоҳ хизматида ишлаган, лекин икки марта исёнда иштирок этганлиги сабабли Бенгалияда ҳаётидан ажралган.⁴ Яна бири, Абдуллахон (уни Турон ҳукмдори номи билан ёки Ҳиндистонга келиб Ҳумоюн яқинларидан бўлган шахс билан адаштирмаслик керак) аввалига Деканда Шер Ҳўжа хизматида бўлган, кейинчалик Лоҳурда ўзини шаҳзода Салим (кейинчалик Жаҳонгир) ихтиёрига топширган. 1603 йилда у Акбар саройига келган ва 1000 аскарга раҳбарлик қилиш мансабига эришган ва Сафдор жанг (Жанг қаҳрамони) унвонига сазовор бўлган.⁵

Аврангзеб замонида Ҳўжа Убайдулло Аҳрор муридларидан бўлган Сайфуддавла (асли номи Абдусамад) Ҳиндистонга келиб,

1. *Richard C. Foltz. Mughal Relations with Central Asia. p. 57.*

2. *Уша жой.*

3. *Уша жой.*

4. *Nizam al-din Ahmad, Tabaqati-Akbari, tr. B De, 3 vols., Bibliotheca Indica, Calcutta. 1911-41, II. P. 655.*

5. *Shan Nawaz Khan and Abd-al-Hayy "Ma athiral-ulama", tr. Henry Beveridge, I. p. 97.*

5000 суворий лашкарга кўмондонлик вазифасигача кўтарилган, сўнгра Лоҳур шаҳрининг ҳокими этиб тайинланган эди.¹

Туркистондан Ҳиндистонга келган муҳожирлар орасида бобурийлар саройида энг катта лавозимни эгаллаганлардан бири Абдул Боқи Туркистоний бўлиб, уни Акбаршоҳ садр (бош вазир) этиб тайинлаган.² Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Р. Фольцнинг фикрича, кўплаб юқори нуфузга эга бўлган туркистонликларнинг Ҳиндистонга келиб, бобурийлар хизматига ўтишининг асосий сабаби, ўша даврда (XVI-XVII асрлар) Туркистонда узлуксиз тартибсизликлар ва нобакорликнинг ҳукм суриб турганлиги бўлиши мумкин.³ Масалан, 1611 йилдаги “тарқоқлик” (харж ва марж) натижасида кўплаб ўзбек лашкар-бошилари ва сипоҳийлари, жумладан Ҳусайнбий, Паҳлавон Бобо, Наврўзбий Дармоқ ва Байрамбийлар Ҳиндистонга келиб, Жаҳонгир хизматига ўтадилар ва қимматбаҳо саруполар, отлар, пуллар, мансаблар ва жогирлар билан тақдирланадилар.⁴ Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, ўша даврда сиёсий бошпана излаб ёки бошқа сабабларга кўра баъзи нуфузли шахслар Ҳинд ерларини ташлаб, Туркистонга кўчиб ўтганликлари ҳам маълум. Масалан, Жаҳонгиршоҳ даврида, императорнинг катта ўғли Хусрав исён кўтариб, Бадахшонга қочиб ўтган. Кобул ҳокими, Акбарнинг укаси шаҳзода Муҳаммад Ҳакимнинг вафотидан сўнг, унинг яқин амалдорларидан бўлган Хўжа Ҳасан Холдор Нақшбандийнинг ўғли Бадиуззамон сиёсий таъқибдан қўриқиб, Мовароуннаҳрга қочиб келган.⁵ Бундай ҳодисаларнинг тез-тез бўлиб турганлиги иккала минтақа ўртасидаги сиёсий алоқаларга салбий таъсир кўрсатганлиги ўз-ўзидан маълум.

Лекин, шунга қарамай, бошқа соҳаларда, яъни савдо-сотиқ, маданият ва ҳ.к.ларда алоқалар ҳеч вақт узилиб қолмаган.

1. *Ўша асар, 71-72-бетлар.*

2. *Абул Фазл Алломий. Акбар-нома, Хенри Бевеерж тарж. Калькутта, 1902-39 (қайта нашри, Деҳли 1993) III, р. 351.*

3. *Richard C. Foltz, ўша асар, р. 59.*

4. *Jahangir, Nuruddin Muhammad, "Jahangir-nama", tr. A. Rogers, ed. Beveridge, New Delhi 1978. р. 115-16.*

5. *Ўша асар, 308-бет.*

Ҳофиз Муҳаммад Фозилхоннинг Бухоро миссияси

XIX асрнинг дастлабки ўн беш йили тарихда «Наполеон урушлари» номи билан юритилиб келинади. Агар эътибор қилиб қаралса, бу ҳол фақат Оврупо мамлакатлари ҳудудлари билан чекланмасдан, унинг таъсири Шарқ мамлакатларини ҳам қамраб олганлигини, бу даврдаги Оврупо давлатлари ўртасидаги низо ва қарама-қаршилиқлар у ёки бу тарзда Шарқ халқлари тақдирида ҳам бевосита муҳим роль ўйнаганлигини кўрамиз. Бунга сабаб шуки, етакчи Оврупо давлатларини домига тортган ўзаро уруш ва низолар айти вақтда уларнинг мустамлакачилик сиёсатлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ эди. Демак, кураш биргина Оврупо қитъасида устунликни таъминлаш юзасидан бўлмай, балки денгиз йўллари ва Осиё-Африка кенгликларида жойлашган ўнлаб мамлакат ва халқлар тизгинини қўлга киритиш устида ҳам борарди.

XVIII аср охирида, Наполеон (1804-1815) ўз қўшинлари билан Мисрда эканлиги вақтидаёқ¹ ўзининг пировард мақсади Буюк Британиянинг мустамлакачилик ҳукмронлигига чек қўйиш, унга қарашли Шарқ мамлакатларини, жумладан, Ҳинд ярим ороли музофотларини қўлга киритиш эканлигини баралла эълон қилган эди. Шу вақтдан бошлаб Лондон “Буюк Британия тожидаги гавҳар” - Ҳиндистонни француз хавфидан муҳофаза қилиш учун бутун чора-тадбирларни кўриш ишига фаол киришиб кетади. Айниқса, Наполеон билан Россия императори Павел I (1796-1801) ўртасида Ҳиндистонга юриш ҳақида ўзаро келишув² имзолангандан кейин инглизларнинг бу борадаги ташвишлари янада ортиб кетди. Ўз вақтида катта

1. Бу ерда гап Наполеон Бонапарт раҳбарлигида Мисрга қарши 1798-1801 йиллар ичида уюштирилган француз ҳарбий экспедицияси ҳақида бормоқда.

2. Франция консули Наполеон Бонапарт ва Россия императори Павел I ўртасида 1800 йилда имзоланган бу битим махфий сажиядаги халқаро ҳужжатлардан бири бўлиб, унинг тафсилотлари Франция ва Россия давлат архивларида сақланади. Бу масала юзасидан чет эл ҳамда инқилобгача бўлган рус матбуотида айрим маълумотлар чоп этилган.

шов-шувга сабаб бўлган Франция ва Россия ўртасидаги ушбу битим Павел I нинг фожиали ўлими¹ ва Россия-Франция иттифоқининг барбод этилиши билан тарихда амалга ошмаган воқеликлар қаторидан ўрин олган бўлса-да, Англия Наполеон Франциясининг Шарқ мамлакатларига нисбатан олиб борган сиёсатига, айниқса, унинг Буюк Британия мустамлакачилик режаларига раҳна солишга қаратилган ниятларига қарши курашни тўхтатмади. Бу нарса дастлаб Эронда Англиянинг ана шу Шарқ мамлакатини Россияга қарши уруш очиш учун гиж-гижлатиш сиёсатида ўз аксини топган бўлса,² 1812 йилда Наполеон қўшинлари Россия чегараларини бузиб, унга қарши ҳужумга ўтган пайтдан бошлаб Ўрта Осиё музофотидаги давлатлар билан яқиндан алоқа боғлаш, уларни маълум тарзда ўз таъсири доирасига олишга қаратилган уринишларда, айниқса очиқ-ойдин намоён бўлади. Гап шундаки, ўз вақтида Наполеон билан Павел I нинг Ҳиндистонни забт этиш мақсадида тузган аҳдномасида бу мамлакатга юриш режаси икки йўналиш орқали, биринчиси, Эроннинг Каспий қирғоқлари, аниқроғи Астробод ва Хуросон вилоятлари орқали Афғонистонга, сўнг Хайбар довонидан тўғри Ҳиндистонга ўтиш мўлжали белгиланган бўлса, иккинчиси, Россиянинг жанубида жойлашган Ўрта Осиё хонликлари сарҳадларини босиб-янчиб ўтган ҳолда Афғонистонга, ундан Ҳиндистонга ҳужум қилиш нияти баён қилинган эди.³ Франциянинг Россияга қарши бошлаган тажо-

1. Россия императори Павел I нинг ички ва ташқи сиёсатидан норози бўлган дворян гуруҳлари уюштирган фитна натижасида у 1801 йил 12 мартда ўлдирилган. Кўпгина тарихий асарларда бу ишда Англиянинг бевоқифлиги иштироки бўлганлиги тўғрисида тахминлар баён этилади.

2. 1804-1813 йиллардаги рус-эрон уруши.

3. Совет даври адабиётида тарихда “Ҳиндистонга рус хавфи” бўлган деган тушунчанинг нотўғри эканлиги ҳақида кўплаб асарлар яратилган. Уларда, асосан, Россия империяси агрессияга асосланган сиёсат олиб бормаган, қалаверса, Ҳиндистонга ҳужум қилиш учун унда етарли ҳарбий-иқтисодий имконият мавжуд бўлмаган, деган фикрни асослашга ҳаракат қилинади. Тарихий далиллар эса Россия ҳукмрон доираларида бир вақтлар шундай режаларнинг бўлганлигини ва Россия ўз мустамлакачилик сиёсатида ҳар вақт инглизларни талвасога солиб келган ушбу омилдан усталик билан фойдаланиб келганлигини кўрсатади.

нузи, англизларнинг фикрича, Наполеон I учун Ўрта Осиё орқали Ҳиндистонга ҳужум қилиш, яъни илгари шу мақсадда ишлаб чиқилган режани энди ёлғиз унинг ўзи амалга оширишига қулай имконият яратиши мумкин эди.

Шундай бир шароитда Англия шошилинич чоралар кўришга киришиб кетади. Унинг ўз олдига қўйган асосий мақсади - Ўрта Осиё сарҳадларида Ҳиндистон йўлини бекитадиган жиддий ғов ташкил этиш эди. Тўғри, Буюк Британия Ҳиндистонда унинг расмий паноҳида мустамлакачилик хуружларини авж олдираётган Ост-Индия компанияси номидан бу борада аллақачон қатор талбирларни амалга оширган эди. Масалан, 1809 йилда англиз зобити Эльфинстон бошчилигидаги миссия Ҳиндистондан Афғонистонга олиб борадиган йўллар ва бу мамлакатга алоқадор қатор музофотларни махсус ўрганиб чиққан, англиз сиёсий тузоғига илинган афғон амири Шужоул-Мулк (1803-1809, 1839-1842) билан шартнома имзолаб, бу мамлакатда ўз таъсирини бир қадар мустақкамлашга муваффақ бўлган эди. Айни вақтда Афғонистон амири орқали Бухоро хонлиги билан маълум алоқаларни жорий қилишга ҳам ҳаракатлар бўлганди. Аммо 1812 йилга келиб, Ўрта Шарқ мамлакатларида, айниқса Афғонистонда рўй берган сиёсий воқеалар англизлар пухта ўйлаб тузган ушбу режаларни бузиб юборган эди. Афғонистон ўзаро курашлар натижасида бир-бирини тан олмайдиган бир неча бўлакка бўлинган, англизларнинг содиқ дўсти Шужоул-Мулк Кобулдан қувилган ва у ўз ҳомийлари паноҳида жон сақлаб турарди. Шунинг учун ҳам Буюк Британия асосий эътиборини Ўрта Осиёга, тўғрироғи, у ердаги кучли давлатлардан бири - Бухоро билан бевосита алоқа ўрнатишга қаратади.

Шу мақсадда англизлар Ўрта Осиёга Мир Иззатуллоҳ раҳбарлигида махсус таълимдан ўтган мусулмон мутахассислар гуруҳини йўллайди. Бу гуруҳ Кашмир орқали Шарқий Туркистон (Синьцзян)га ўтиб, ундан Бухоро хонлигига келиб кетади. Бу сафар ҳақидаги барча маълумотлар Мир Иззатуллоҳнинг йўл хотираларида ўз аксини топган бўлиб, унинг асосий мазмуни Оврупо тилларида бир неча бор таржима

қилинган ва чоп этилган.¹ У ҳақда инглиз, француз ва рус тилларида маълум даражада материаллар мавжудлигини ҳисобга олиб, бу ерда Мир Иззатуллоҳнинг сафарига тўхталиб ўтирмаймиз. Аммо инглизлар бир вақтнинг ўзида Бухорога яна бир вакил - Ҳофиз Муҳаммад Фозилхон деган элчини ҳам юборганлари тўғрисида кейинги вақтларгача адабиётларда эътиборга молик маълумот баён қилинмаган.

Бу элчининг номи Мир Иззатуллоҳ эсдаликларида тилга олинган бўлса-да, аммо унинг шахси ҳақида ва сафари тўғрисида бирон бир тафсилот келтирилмаган. Мир Иззатуллоҳ кундаликларига ёзган қисқа сўзбошисида ўз асарини ёзишда Бухорога сафар қилган Ҳофиз Фозилхон кузатишларидан ҳам фойдаланганини таъкидлаб, унинг номини фақат бир марта зикр этиш билан чекланган, холос. Мир Иззатуллоҳ сафарномасининг айрим қисмларини инглиз (французча нашр билан солиштирган ҳолда) тилидан русчага таржима қилган Ю. Соколов эса, ана шу маълумотга таяниб, "асарнинг инглизча таржимасида Пекиндан Қашқаргача бўлган масофадаги 126 бекатнинг шарҳи келтирилган. Бу маълумотларни Мир Иззатуллоҳ Ҳофиз Фозилхон деган бир кимсадан олган", деган ҳақиқатдан узоқ хулосани майдонга ташлайди².

Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, инглизлар Бухоро хонлигига бир вақтнинг ўзида иккита элчи йўллаганлари билан асосий эътибор ва ваколат Мир Иззатуллоҳга берилган. Унга ўша пайтгача инглиз мустамлакачилари учун номаълум Кашмир-Синьцзян- Бухоро йўналишини синчиклаб ўрганиш, Ўрта Осиёдаги давлатларнинг ҳарбий куч-қудратига баҳо бериш, Ҳиндистонга қарши шимолдан юриш юз берганда уни тўхтатиш

1. *Мир Иззатуллоҳнинг сафарномаси ўн уч йилдан кейин Г. Клапрот томонидан форсийдан французчага ўгирилиб, 1826 йилда Парижда чоп этилди. Орадан анчо вақт ўтгач, бу асар Англиянинг Форейн Оффис хизматчиси - капитан Р.Д.Хондерсон таржимасида 1872 йилда Калкуттада инглиз тилида босмадан чиқди. Аммо ҳар иккала нашрда ҳам сафарнома қисқартирилган ҳолда чоп қилинган. Мир Иззатуллоҳнинг қулёзмаси ҳақида эса ҳозиргача тайинли маълумот йўқ. 1956-57 йилларда Ю.А.Соколов ана шу таржималардан айрим қисмларини университет илмий тўпламида рус тилида эълон қилганди. Қаранг: "Труды САГУ, История Средней Азии и Узбекистана. Новая серия. Вып XXVIII, кн. II, Таш., 1956, с.41-52, Вып XC, кн. 14, Т., 1957. с.193-217".*

2. "Труды САГУ", вып IXXVIII, кн. II, стр. 41.

имконлари қай даражада эканлигини аниқлаш, Ўрта Осиё хонликлари, биринчи навбатда Бухоро амирлиги билан яқин муносабатлар ўрнатиш вазифалари юклатилган. Айна вақтда Ост-Индия компанияси раҳбарлари Афғонистон орқали Бухорога борадиган йўллари яна бир карра пухта ўрганиш, айниқса, бу мамлакатда юз берган сиёсий ўзгаришлардан воқиф бўлиш, Бухоро хонлигининг жанубий чегараларига бевосита туташган шимолий Афғонистон музофотларидаги аҳвол ҳақида маълумот тўплашни ҳам мақсад қилиб қўядилар. Бу вазифа Фозилхон зиммасига юклатилади. Шундай қилиб, ҳар иккала элчи Ўрта Осиёни Ҳиндистон билан улайдиган маршрутларни ўрганиш ва бири Туркистоннинг шарқий, иккинчиси эса жанубий сарҳадларидан ўтиб, ҳар иккаласи сафарларини Бухорода яқунлаши лозим эди. Бундай, юқорида таъкидланганидек, асосий вазифа Мир Иззатуллоҳ миссияси зиммасига юклатилганлиги сабабли, Бухоро ҳукмдори билан Ост-Индия компанияси ўртасидаги расмий музокаралар фақат Мир Иззатуллоҳ тарафидан олиб борилиши шарт қилиб қўйилганди. Фозилхон миссиясига эса иккинчи даражали вазифа – Бухоро хонига махсус мактубларни етказиш ва Мир Иззатуллоҳ бошчилигидаги асосий элчи гуруҳи келаётганлигидан уни огоҳ этиш топширилганди. Чунки элчилар босиб ўтадиган масофалар бир-биридан фарқ қилганлигидан Фозилхон Бухорога Мир Иззатуллоҳдан олдин етиб бориши ва ўз вазифасини адо этгач, уни кутмасданоқ орқага қайтиши тайинланган эди.

Мир Иззатуллоҳ Ўрта Осиёдан қайтиб келиши билан Ост-Индия компанияси раҳбарларига сафар тасуротлари ҳақида батафсил ҳисобот ёзиб топширади ва у, юқорида айтилганидек, орадан маълум муддат ўтиши билан Оврупо тилларига таржима қилиниб чоп этилади. Аммо Фозилхоннинг сафарномаси негадир компания архивида қолиб кетади. Форс тилидаги “Тарихи манозили Бухоро” (“Бухоро манзиллари тарихи”) номи билан битилган ушбу қўлёзма ҳозирги вақтда Ҳиндистоннинг Алигарх университети қўлёзмалар мажмуасида сақланмоқда¹. Фозилхон миссияси ҳақида маълумот берадиган яқкаю ягона манба ана шу “Бухоро манзиллари тарихи” асаридир.

1. Ҳофиз Муҳаммад Фозилхон валади Қосимхон. Тарихи манозили Бухоро (форс тилида, муаллиф дастхати), 54 саҳифа, Ҳиндистоннинг Уттар-Прадеш штатидаги Алигарх университети кутубхонаси мажмуаси (Аббос-Салом коллекцияси, № 692)да сақланади.

Фозилхон “Тарихи манозили Бухоро”да ўзи ҳақида ва мир Иззатуллоҳ миссияси билан бир вақтда унинг бошчилигида иккинчи элчилик гуруҳининг Бухорога йўлланганлиги сабаблари тўғрисида қуйидаги қисқача тафсилотларни баён қилади: “Ушбу асар, - деб ёзади у, - Пешовардан Бухорога қилинган сафардан олинган айрим тасуротлар, Туркистон музофотидаги аҳвол, ундаги ҳокимларнинг ҳаёт тарзи ва хулқ-атворлари ҳақида ёзилган. У Барейли шаҳрида истиқомат қилувчи марҳум Қосимхон ўғли - Ҳофиз Муҳаммад Фозилхон қаламига мансубдир”.¹ Афсуски, муаллиф ўзи ҳақида бундан бошқа маълумот бермаган. Фозилхоннинг ёзишича, дастлабки режага мувофиқ Мир Иззатуллоҳ миссияси таркибига қўшилган бўлиб, унинг ёрдамчиларидан бири сифатида “инглиз компанияси ҳукумати хизматчиси Саййид Иззатуллоҳга ҳамроҳлик қилиши” керак эди. Аммо Пешоварда миссия сафарга чиқиши олдидан тасодифан рўй берган воқеа туфайли бу режа ўзгариб кетади. Фозилхоннинг таъкидлашича, “1812 йил март ойида навоб мунтазимул давла мухтор-ул-мулк Чарльз Ҳарпер, жаноб Меткальф Соҳиб Баҳодир ва соҳиби воломоноқиб Уильям Муркрафт Соҳиб Баҳодирлар”² топшириғига мувофиқ “Ангрез Баҳодир компанияси”³ хизматчиси Саййид Иззатуллоҳхон Бухоро сафарига жўнаш учун Пешоварга келиши билан марҳум вазир Шер Муҳаммадхоннинг ўғли Баҳодирхон унга қарши чиқиб, уни ҳибсга олишни буюради ва Атток кўрғонига қамаб қўяди. Бу воқеадан саросимага тушган инглизлар, Фозилхоннинг таъкидлашича, Туркистонга жўнатилиши мўлжалланган миссия режаси бузилмаслиги учун, дарҳол Фозилхон бошчилигида қўшимча элчилик ташкил қилиб, уни Пешовар-Хулм-Бухоро йўналиши орқали сафарга жўнатишади. Унга муҳрланган номалар топширишиб, уларни Хулм ҳокими ва Бухоро амирига етказиш буюрилади. Айни вақтда, Фозилхон маълумотларига кўра, худди шу кунлари

1. “Тарихи манозили”, 1-бет

2. Фозилхон “Тарихи манозили Бухоро”да ана шу тарздаги баландпарвоз сўзлар билан эъозлаган Чарльз Ҳарпер, Ю. Меткальф ва Уильям Муркрафтлар Ост-Индия компаниясининг зобитлари бўлиб, Буюк Британиянинг мустамлакачилик режаларини амалга оширишда катта хизмат кўрсатган шахслардир.

3. Ост-Индия компаниясини Фозилхон шундай деб атайдди.

Пешоварда савдо ишлари билан машғул бўлиб турган Бухоро муфтийсининг ўғли Сарфаразхон¹ унга йўл бошловчи қилиб тайинланади. “Бу вазифани адо этиш учун инглизлар йўл харажатлари ва озиқ-овқат учун Сарфаразхонга 500 рупия пул беришиди”, - деб ёзади Фозилхон. Шу тарзда Фозилхон миссияси 1812 йилнинг апрель ойида Сарфаразхон йўлбошчилигида Пешовардан Бухоро сафарига чиқади².

1812 йилнинг апрель ойида Фозилхон миссияси Афғонистон шимолидаги Хулм шаҳрига етиб келиб, унинг ҳокими Мир Қилич Алибек қабулида бўлади. Фозилхон Мир Қилич Алибекка Уильям Муркрафтнинг Ост-Индия компанияси номидан ёзган мактубини топширади. Фозилхоннинг ёзишича, Мир Қилич Алибек у билан қилган узоқ суҳбатида Ост-Индия компанияси раҳбарлари, унинг ташкилий ва амалий фаолияти ҳақида кўплаб саволлар беради. Бу ерда элчилар беш кун давомида Хулм тобелигидаги ноҳиялар аҳволи билан яқиндан танишади, бу бекликнинг савдо-иқтисодий алоқалари, ҳарбий қуввати ҳақида маълумотлар тўплашади. Уларнинг барчаси Фозилхоннинг кундаликларида ўз аксини топган. “Тарихи манозили Бухоро”да Хулм ҳокимлиги тўғрисида баён қилинган фикр-мулоҳазалар шуни кўрсатадики, Афғонистон шимолида бу вақтга келиб Мир

1. Бу ҳол ўша йиллари Ўрта Шарқда мавжуд бўлган сиёсий алғов-далғовларга қарамасдан Бухоро билан шарқий Ҳиндистон туманлари ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар давом этиб турганлигини кўрсатади. Айни вақтда у Бухоро хонлигидаги айрим ҳукмрон доиралар ва диний арбоблар билан Ост-Индия компанияси ўртасида маълум алоқалар ҳам мавжудлигидан далолат беради.

2. Бу ерда Фозилхон миссиясининг юборилиши сабаблари ҳақида унинг ўзи баён қилган фикр-мулоҳазалар келтирилди. Аммо орадан кўп ўтмай Мир Иззатуллоҳ бошчилигидаги асосий элчилик гуруҳининг аввалдан белгиланган йўналиш орқали сафарга чиққанлиги маълум. Бу ҳол қўшимча миссия юбориш масаласининг, Фозилхон таърифлаганидек, она шу тарзда тез ва жўш ҳал этилганлигига шубҳа туғдиради. Фозилхоннинг таъкидлашича, мактублардан бири Саййид Иззатуллоҳхон номидан ёзилган бўлиб, у Бухоро ҳукмдорига топширилиши лозим бўлган. Демак, масалани инглизлар аввалдан нухта тайёрлаганликлари кўриниб турибди. Афтидан, Ост-Индия компанияси раҳбарияти Фозилхонни бу масалалар юзасидан кўрилган тайёргарликлар тафсилоти билан олдиндан таништиришни лозим кўрмаган.

Қилич Алибек қўл остида худди Ҳирот ва Қандаҳордаги каби марказий ҳокимиятта бўйсунмайдиган алоҳида беклик ташкил топган. Ост-Индия компанияси бу воқеликни ҳисобга олиб, у билан яқин алоқалар ўрнатишга катта эътибор берган. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Фозилхон бошчилигидаги Ост-Индия компанияси вакилларининг Хулм беклигида ўзларини бемалол тутишлари, унинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳаёти билан тўла танишиш имкониятига эга бўлганликлари Мир Қилич Алибек билан Ост-Индия компанияси раҳбарияти ўртасида бундан олдин ҳам маълум тарзда мулоқот мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Фозилхон ўз сафари тасуротларида Хулм ҳақида ҳикоя қилар экан, Мир Қилич Алихоннинг ҳеч кимга бўйсунмаслигини, унга қарашли шаҳар ва қишлоқларда ундан бошқа биров солиқ-олиқ ишлари билан шуғулланишга ҳақли эмаслигини, унинг ҳукмронлигидаги аҳоли Пешовардан Хулмгача бўлган ноҳияларда истиқомат қилишини таъкидлашга ҳаракат қилади. Ост-Индия компанияси раҳбарларини алоҳида қизиқтирган масалалардан бири - сунний ва шиа мазҳаблари ўртасидаги жанжал ҳамда қарама-қаршилиқлар бўлганлигидан Фозилхон унга ҳам қаттиқ эътибор беради. У ўз эсдаликларида Мир Қилич Алибекнинг шиа мазҳабидаги Ҳазора уруғига нисбатан амалга оширган хунрезликларини бутун тафсилоти билан баён қилади.

Умуман сунний - шиа мазҳаблари ўртасидаги қарама-қаршилиқ инглиз мустамлакачилари учун Ўрта Шарқда “Орага низо солу ҳукм сур” шиорини амалга оширишда гоят қўл келган омиллардан бири бўлганлиги учун ҳам улар бу воқеликка катта эътибор берар эдилар. Чунки у қанча авж олдирилса, Англиянинг бу минтақада бемалол ҳаракат қилиши учун шунча кенг имконият туғилар эди. Бу воқеалардан бир неча йил бурун, инглизлар таъсиридаги афғон амири Шужа ул-Мулк ҳали Кобулдан қувилмасдан олдин, Бухоро амири Ҳайдар (1800-1820) билан унинг ўртасида ана шу асосда яқинлик пайдо бўлган ва бу ҳолни инглизлар бир томондан Эрон, иккинчи тарафдан Ўрта Осиё ва Афғонистон орасидаги низоларни кучайтиришда фойдаланишни мақсад қилиб қўйган эди. Уларнинг фикрича, агар Эрон французлар таъсирига тушиб қолса, у ҳолда Англия Афғонистон ва Ўрта Осиёдаги сунний давлатлар орқали бевосита ёки билвосита унга тазйиқ кўрсатиши ва Эрон томондан

Ҳиндистонга йўналтирилиши мумкин бўлган хавфнинг олдини олиши мумкин эди. Бухоро амири Ҳайдар ва Афғонистон амири Шужа ул-Мулк ўртасидаги бу борадаги ёзишма 1804 йилда, яъни Шужа ул-Мулк Афғонистон тахтига чиққан йилиёқ бошланган эди. Ўша йили амир Ҳайдар Кобулга махсус элчи йўллаб, Шужа ул-Мулкни муборакбод этган ва шу муносабат билан битилган мактубда “Ота-боболар ўстирган дўстлик дарахтининг янада гуллаб-яшнаши” умидини билдириб, «шиаларга нисбатан муқаддас курашга» доимо тайёрлигини изҳор қилган эди.¹

Фозилхон “Тарихи манозили Бухоро”да Мир Қилич Алибекнинг сунний ва шиа мазҳаблари ўртасидаги зиддиятга муносабатини ойдинлаштирувчи воқеалар билан бир қаторда, Хулм-Бухоро дўстона алоқалари ҳақида ҳам батафсил тўхталиб, Амударёнинг икки томонида жойлашган Хулм беклиги ва Бухоро амирлигида бу масалада эски анъанага мувофиқ яқдиллик мавжудлигини ҳам исботлашга уринган. Табиийки, бундай маълумотлар Ост-Индия компанияси раҳбарияти учун муҳим аҳамиятга эга эди.

Фозилхон Хулмда ўн беш кун меҳмон бўлгач, Мир Қилич Алибек унга компания мутасаддиси Муркрафт номига ёзилган жавоб мактубини топширади. Бу хат Фозилхоннинг иловаси билан ўша кунёқ махсус чопар орқали Пешоварга жўнатилади. Шундан сўнг элчилар қайиқларда Амударёдан ўтиб, Бухоро хонлиги сарҳадларига қадам қўядилар.

Фозилхон Бухорода тез орада Сарфаразхон ёрдамида амир Ҳайдар қабулига киришга муяссар бўлади. Унинг ёзишича, “Бухоро подшоси” Ост-Индия компанияси элчисини очик чеҳра ва мамнунлик билан кутиб олади. Фозилхон амирга компания раҳбарияти ҳамда Мир Иззатуллоҳ ёзган номаларни топширади. “Номаларнинг мазмуни билан танишиб чиққач, - деб ёзади Фозилхон, - подшоҳ Ҳиндистондаги аҳволни суриштирди. Мен унинг барча саволларига жавоб беришга ҳаракат қилдим. Шундан сўнг унинг ижозати билан подшоҳ ҳузуридан чиқдим”².

Ост-Индия компанияси элчилари амир Ҳайдардан юқоридаги

1. Қўлёзма, “Муншаот ва маншурот”. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси, инв. № 302.

2. Тарихи манозили Бухоро, 17-бет.

номаларга жавоб кутиб Бухорода узоқ туриб қоладилар. “Тарихи манозили Бухоро”да келтирилган маълумотларга қараганда, бу ерда ҳам улар, Хулмда бўлганидек, хонлик ҳаёти билан яқиндан танишишга ҳаракат қиладилар. Натижада Бухоронинг ички ва ташқи сиёсати, унинг иқтисодий ва ҳарбий ҳолати ҳақида бирмунча фикр-мулоҳазалар ҳамда турли маълумотларни тўплашга муяссар бўладилар. Масалан, Бухоро хонлигининг ўша даврдаги ҳарбий қуввати тўғрисида Фозилхон қуйидагиларни маълум қилади: “Бухоро қўшини саксон минг суворийдан иборатдир. Бу рақам амирнинг қўшинни йўқлама қилиш дафтариди қайд этилган. Саройдаги айрим эътиборли мулозимлар ҳам ана шу рақамнинг тўғри эканлигини тасдиқладилар”. Шундан сўнг у хонликдаги ҳарбий кучларнинг асосий жойлашган ноҳиялари устида тўхтаб, «қўшиннинг 10 минги Самарқандда, қолганлари ҳам шу тарзда бошқа ноҳияларда, жумладан, Бухоро, Ўратепа ва Марвда жойлашгандир. Барча ҳарбий кучлар амир қўмондонлигига бўйсунди. Уларнинг таъминоти ҳам унинг ихтиёридадир. Амир қўлидаги дафтарда нафақат ҳарбий хизматчиларнинг номлари, балки улар минган отларнинг ранги ва белгиси ҳам ёзиб қўйилган. У қўшинни вақти-вақти билан шахсан ўзи кўриқдан ўтказиб туради»¹, деб ёзади. Фозилхон сафарномасида қайд қилинган ана шу каби маълумотларни қўлаб келтириш мумкин.

Орадан бир ярим ой ўтгач, амирнинг топшириғи билан Бухоро муфтийси Фозилхонга “Мир Ҳайдар жаноби олийларига келтирилган номаларга жавоб ҳозирча тайёр эмаслигини, элчилар уни кутмасдан ўз юртларига қайтишлари мумкинлигини, хатларга эса жавоб Мир Иззатуллоҳ элчилигига топширилишини” билдиради. Шундан сўнг Фозилхон ва унинг ҳамроҳлари “Бухорода қиш бошланиб, қор ёғаётган пайтда” бу шаҳарни тарк этиб, Хулмга келадилар ва бу ерда яна Мир Қилич Алибек ҳузурда бир неча муддат меҳмон бўлгач, ўз ватанлари томон йўлга чиқадилар. Фозилхон ва унинг хизматчилари Пешовардан Бухоро томон йўлга чиққанларига роса бир йил тўлгач, 1813 йил 9 апрелда Шоҳжаҳонобод (эски Деҳли) шаҳрига кириб келадилар.

Юзаки қараганда, Фозилхон миссияси ўша йилларда Ўрта

1. Тарихи манозили Бухоро. 24-25-бетлар.

Шарқда мавжуд бўлган мураккаб халқаро вазиятда кўп ҳам аҳамиятга молик мавқе тутмагандек кўринади. Аслида эса бундай эмас. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, инглизлар Мир Иззатуллоҳ миссиясига қўшимча равишда Фозилхонни Афғонистондан Бухорога юбориб, бу йўналишдаги сиёсий аҳволни чуқур ўрганиш, Хулм билан бўлган алоқаларни мустаҳкамлаш, Бухоро-Хулм муносабатлари ҳақида ишончли маълумотларга эга бўлиш имконига эришдилар. Айни вақтда, Ост-Индия хўжайинлари бу билан Мир Иззатуллоҳ бошчилигидаги элчиликка нақадар катта аҳамият берганликларини ва унга фавқуллодла вазифаларни ҳал этиш юклатилганлигини Бухоро амири Ҳайдарга олдиндан билдириб қўйиш вазифасини ҳам ҳал этган эдилар. Афсуски, биз ҳар иккала элчиликнинг Бухоро амирига топширган мактублари ва уларга ёзилган жавоблар мазмунидан беҳабармиз. На Фозилхон ва на Мир Иззатуллоҳ ўз сафарномаларида бу ҳақда бирон маълумот келтиришмаган. Аммо шу даврдаги Бухоро хонлиги дипломатиясига оид айрим ҳужжатларга асосланиб, Фозилхон ва Мир Иззатуллоҳ элчиликларининг Амир Ҳайдар сиёсатида катта мавқе тутганлигини тахмин этиш мумкин. Гап шундаки, Амир Ҳайдар Бухоро хонлигини Ўрта Осиёда ҳукмрон давлат даражасига кутариш учун курашар экан, бу йўлда жуда тадбиркорлик билан иш кўрарди. Эрон ҳукмдорларининг Марв вилоятига бўлган илинжига қарши кураш олиб бориш ҳамда Хива хонлиги билан бўлган ўзаро зиддиятда у иттифоқчилар изларди. Унинг юқоридаги зикр этилган Шужа ул-Мулкка йўллаган 1804 йилдаги мактубида афғон амирига шиаларга қарши бирга курашда камарбаста эканлигини билдириш билан бирга ўша йили Бухорога ҳужум қилган Хива ҳукмдори Элтузархон (1804-1806) устидан қозонган ғалабаси тафсилотлари ҳам келтирилганки, бу билан Амир Ҳайдар Ўрта Осиёда ягона кучли давлат бўлиш ниятини ўз жанубий қўшнисига намоёиш этганди. Инглизлар эса бундан яхши хабардор эдилар. Шунинг учун ҳам улар Бухорога ўз элчиларини юборар эканлар, улар олдига қўйилган асосий мақсад - француз қўшинларига қарши Ўрта Осиёда кучли тўсиқ ташкил этиш имкониятларини ўрганиш ва ҳал этиш билан бирга, Амир Ҳайдарнинг ана шу ниятларининг амалга ошишига ёрдам тариқасида ишончли ваъдалар бермасликлари мумкин эмасди. Акс ҳолда Ост-Индия компанияси ўз ниятига эриша олмаслигини тушунарди.

Бухоро ҳукмдорлари француз - рус урушидан хабардор эдилар. Мир Иззатуллоҳ ана шу ҳақда Бухорода тарқалган фикр-мулоҳазаларга таяниб, ўз тасуротларида қуйидагиларни ёзади: “1227 йил (1812) қиши арафасида оғир жанглар бўлиб ўтиб, унда руслар талофот кўрганлар ва французлар Москвани қўлга киритганлар. Аммо озиқ-овқат етишмаслиги ҳамда қаттиқ совуқ ваҳждан улар янаги фаслда (бахорда) уруш ҳаракатларини қайтадан бошлаш ниятида мамлакатни тарк этишга мажбур бўлганлар”¹. Демак, Бухорода ҳали француз-рус уруши тугалланмаган ва у давом этади, деган фикр муқим бўлган. Ост-Индия компанияси элчилари ўз музокараларини шунга асосланган ҳолда олиб борганликларига ва Амир Ҳайдарни француз ҳужуми хавфидан сақлашда унга ёрдам ваъда қилганликларига шубҳа қолмайди. Четдан келиши мумкин бўлган мадад эса амир Ҳайдарга биринчи навбатда Ўрта Осиёда ўз режаларини амалга ошириш учун зарур эди. Шунинг учун бўлса керак, орадаги музокаралар натижаларидан илҳомланган Амир Ҳайдар Ост-Индия компанияси элчилари Бухорога келиб-кетиши биланоқ Туркия султони Маҳмуд II (1808-1839)га 1813 йилда Мирза Муҳаммад Юсуфбей бошчилигида махсус элчилик йўллайди. Унинг қўлига топширилган мактубда Амир Ҳайдар пардали сўзлар орқали Ост-Индия компанияси билан алоқалар ўрнатилганидан ислом халифасини хабардор қилиб қўяди. Буни биз унинг турк султонида “бу ерда фикҳ китобларига муҳтожлик кучайиб кетганлиги”, яъни қаттиқ тартиб-интизом ўрнатиш лозимлиги, “Ҳиндистондан ана шу масалага оид бир қанча китоблар келтирилди-ю, аммо улар кифоя қилмаётибди”, яъни Ҳиндистон билан яхши алоқалар ўрнатилганлиги, аммо унга Ўрта Осиёда ягона ҳукмрон бўлиш учун ислом халифасининг фатвоси лозимлиги баён қилинган жумлалардан билиб оламиз. Амир Ҳайдар мактуб охирида сўнгги масала юзасидан турк султонида қуйидаги тарзда очиқ мурожаат қилишни лозим топган: “Мовароуннаҳр, Қазған, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Марви Шоҳ Жаҳон ва Дуғлаб тарафлари, Балх ва Бадахшон ўлкалари мутлоқ ва бевосита бизнинг мулкимиз бўлиб келгани, бу

1. Бу элчилик ҳақидаги маълумотлар Меҳмет Сарайнинг “Рус ишғали даврида Туркистон хонликларининг Усмонли давлати билан сиёсий муносабатлари” (Истанбул, 1990) китобидан олинди, 24-25-бетлар.

мамлакатларнинг ҳокимлари қадимдан Бухоро хони тарафидан тайинланиб келинганлиги ва ҳозирда ҳам шундай бўлмоғи лозимлиги маълум. Аммо Қазған ва Хоразм вилоятлари ҳокимларининг баъзан итоатдан чиқиш ҳоллари рўй бермоқда. Бухоро амирлигининг ушбу ҳудудлари, давлати олийингизнинг итоаткор бир тобе эканлигимизни инобатга олган ҳолда, бизнинг мулкимиз эканлигини тасдиқлайдиган бир маншур (фармон) юборилишини ўтиниб сўрайман”. Аммо Амир Ҳайдар турк султонининг бундай фатвосини ололмайди. Чамаси, Туркия Ўрта Осиёдаги аҳволдан яхши хабардор бўлганлигидан бу ердаги мусулмон давлатларидан фақат биттаси - Бухоро хонлигининг тарафини олиб, бошқалари билан алоқани узишни истамаган.

Тарихий воқеаларнинг кейинги ривожини инглизларнинг Ҳиндистонни Наполеон I нинг Ўрта Осиё орқали амалга оширилиши кутилган ҳужумини даф этиш йўлида кўрган эҳтиёт чораларининг беҳуда эканлигини кўрсатди. Лекин ўз вақтида буни ҳеч ким олдиндан айтиб беролмасди, албатта. Ост-Индия Компаниясининг шу мақсадда Бухоро хонлигига юборган Фозилхон ва Мир Иззатуллоҳ раҳбарлигидаги элчиликлари натижасида ёзилган сафарномалар XIX аср бошларида Ўрта Шарқ минтақасида ҳукм сурган ғоят мураккаб халқаро муносабатларни ўрганиш борасида, дипломатия тарихимизнинг маълум даврини ўзида акс эттирган қимматли тарихий манба сифатида бизгача етиб келди.

ХОРАЗМ ТАРИХНАВИСЛИГИДА ХИВА ХОНЛИГИ ТАШҚИ СИЁСАТИ

Хоразм жаҳон маданияти ривожига, умуминсоний қадриятларнинг такомиллашувига салмоқли ҳисса қўшган муқаддас ўлкалардан биридир. Бу азиз заминда таваллуд топган ўнлаб буюк зотларнинг номи машриқу мағрибда гоят катта эҳтиром билан тилга олинади. Жаҳон фани ва маданиятида ўчмас из қолдирган ана шу алломалардан бири – Абу Райҳон Берунийнинг таъбири билан айтганда “инсон эҳтиёжлари вужудга келтирган фанларнинг” ҳар бир соҳасида бу диёр салмоқли из қолдирган. Бу ҳол тарихнавислик борасида ҳам яққол кўзга ташланади.

Маълумки, араблар истилоси натижасида йўқ бўлиб кетган маҳаллий тиллардаги ёзма манбаларни ҳисобга олмасак, Туркистон халқлари тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи ёзма адабиётнинг ёши ўрта ҳисобда 1200 йил атрофидаги воқеалар билан чекланади. Уларнинг аксарияти ўша вақтлардаги таомилга кўра араб ва форс тилларида битилган. Бу нарса тарихнавислик соҳасига ҳам тааллуқлидир. Ҳатто ўзбек тили ва адабиётида ҳар томонлама ўзини намоён этган темурийлар даврида ҳам тарихнавислик, асосан, форс тилида олиб борилган.

XVI-XVIII асрларда Туркистон сарҳадларида рўй берган ўзаро қонли жанжаллар ва тўқнашувлар, тож-тахт учун курашлар натижасида бу ерда бир йўла уч мустақил давлат: Бухорода - манғитлар, Хивада - қўнғиротлар, Фарғона водийсида эса минглар сулоласи қарор топади. Ҳар учала давлат ўзбеклар тасарруфида бўлса-да, аммо тарихнавислик Бухоро ва Қўқон хонлиқларида эски анъанага биноан асосан форс тилида олиб борилди. Хива хонлигида эса бу соҳа фақат ўзбек тилида ривожланди. Бу ерда ўзига хос ўзбек тарихнавислиги мактаби вужудга келди ва ҳалқимиз тилида шундай ажойиб тарихий асарлар силсиласи яратилдики, уларнинг ҳар бири нафақат Хива хонлиги, балки Туркистоннинг воқеаларга бой ўтмиш саҳифаларини ҳаққоний ёритишда беқиёс аҳамиятга моликдир.

Хоразм тарихнавислигида эски ўзбек тилида ёзилган ва бизгача етиб келган дастлабки асар 1550 йилда ёзилган. “Тарихи Дўст султон” ёки “Чингиз-нома” деб аталган ушбу битик Ўтамиш

Ҳожи қаламига мансубдир¹. XVI асрнинг ўрталарида Хивада хукмронлик қилган шайбонийлар сулоласи вакили Абулғозий Баҳодирхон икки машҳур тарихий асар – “Шажарайи тарокима” ва “Шажарайи турк”ни ёзиб қолдирди. Кейинги шоҳ қўлзма унинг вафотидан сўнг Ануша Муҳаммадхон (1663-87) сипориши билан урганчлик тарихчи Маҳмуд ибн Муҳаммад Замон томонидан тўлдирилиб, ниҳоясига етказилади². Айрим маълумотларга қараганда, Шерғозихон (1714-1727) даврида Мавлоно Саййид Муҳаммад Охунд деган мударрис Хива ўтмишига оид “Гулшани иқбол” деган ажойиб тарихий асар яратган. Аммо у бизгача етиб келмаган³.

Хоразмда шаклланган ўзбек тарихнавислик мактаби айниқса қўнғиротлар сулоласи даврида юксакликка кўтарилади. Бу ерда бирин-кетин буюк ўзбек тарихнавислари - Мунис, Оғаҳий ва Баёнийларнинг “Фирдавс ул-иқбол”, “Риёз уд-давла”, “Зубдат ул-таворих”, “Жомеъ ул-воқеати султони”, “Гулшани давлат”, “Шоҳиди иқбол”, “Шажарайи Хоразмшоҳий” ва “Хоразм

1. Бу асар рус тилига таржима қилиниб, 1992 йилда Қозоғистонда нашр этилди. Қаранг: Утемиш-хаджи. Чингиз-наме. Факсимиле, перевод, транскрипция, текстологические примечания В.П. Юдина. Подготовила к изданию Ю.Г. Баранова, комментарий и указатели М.Х. Абусеитовой. Отв. ред. Б.А. Ахмедов, Алма-Ата, 1992.

2. “Шажарайи турк” кирилл алифбосида 1992 йилда Тошкентда босмадан чиққан: Абулғозий, Шажарайи турк. Нашрга тайёрловчилар Қувомиддин Муниров, Қозоқбой Маҳмудов. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б.А. Ахмедов, “Ўзлпон”, Т., 1992.

3. Мунис “Фирдавс ул-иқбол”да бу асар ҳақида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Анинг замонида (Шерғозихон, 1714-1727) фузалодин мавлоно Саййид Муҳаммад Охунддир, ким онинг аждоди ва ансоби ва аҳволати ва футухотида “Гулшани иқбол” номли бир тарих битибдур. Мусажжихат ва тарсиот ва истиорот ва мажозот ва саноъи била ораситадир, аммо ҳануз мунъадад ёзилмадур эрди. Бухоро фузалосининг қўлига тушуб, ҳасаддин ҳар достонидин жузу жуз ва варақу варақ мақтўз этиб, бурда-бурда қилиб зоеъ қилибдурлар”. Мунис бу воқеа ҳақида хабар берар экан, асарни йиртиб ташлаганларни лаънатлаб, ахирида шундай арабий калимани келтиради: “Худоё худованди! Ушбуни ким топтаган бўлса, унинг зурриётини қирқ, зурриётдан маҳрум қил”. Қаранг: Мунис, Фирдавс ул-иқбол, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёмалар мажмуаси, тартиб рақами 5364, 134а 2-бет.

тарихи” асарлари вужудга келади. Улар жаҳон тарихнавислигида “Хива солномалари” номини олган. Бу тарихий манбаларнинг ҳар бирига кўзга кўринган шарқшунослар юксак баҳо берганлар. Хорижий мамлакатларда (жумладан, АҚШда) ушбу қимматли солномаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ишлари бошлаб юборилган. Аммо бизда ҳозиргача аждодларимиздан қолган ана шу ажойиб асарлар бир бутун силсила сифатида ўқувчилар эътиборига ҳавола этилганича йўқ.¹

Хоразм тарихнавислиги мактабига оид эслатилган битиклар маълум бир тарихий даврда Марказий Осиёнинг ушбу минтақасида рўй берган сиёсий воқеалар, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар тўғрисида беқиёс қимматли маълумотлар берибгина қолмай, унинг жаҳондаги бошқа давлатлар билан олиб борган ташқи алоқалари, биринчи навбатда Хива хонлигининг халқаро муносабатлари ҳақида ҳам гоят эътиборли маълумотлар беради. Бу ҳол, биринчидан, Туркистон тупроғида қад кўтарган хонликларнинг ўз қобиғига ўралиб қолмасдан бошқа халқлар, узоқ-яқин мамлакатлар билан узвий суратда муносабатлар юритиб келганлигини, иккинчидан, ана шу хонликлар ташқи сиёсат юритиш имкониятига ҳам эга бўлганликларини намоён этади.

Хива солномаларида хонликнинг ташқи сиёсий-дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқаларига доир маълумотларни жуғрофий жиҳатдан қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1. Туркистон қаламравидаги ўзбек хонликлари - Бухоро ва Қўқон билан олиб борилган алоқалар;

2. Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари - Туркия, Эрон ҳамда Афғонистон билан юритилган муносабаталар;

3. Россия, қисман Британия Ҳиндистони билан мавжуд бўлган алоқалар.

1. Хива солномалари ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун қуйидаги асарларга мурожаат этиш мумкин: Материалы по истории туркмен и Туркмении, XVI-XIX вв. Иранские, бухарские и хивинские источники, М.-Л., Изд-во АН СССР, 1938; Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари, Тош., Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, Т., 1960; Шер Мухаммад Мироб Мунис ва Мухаммад Ризо Мироб Огаҳий, Фирдавс-ул иқбол. Хоразм тарихи. Қиёсий-танқидий матн. Кириш (инглиз тилида) қисми муаллифи ва нашрга тайёрловчи Ю. Брегиль, Нью-Йорк. 1988 ва бошқ.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, солномаларда юқоридаги давлатлар билан олиб борилган муносабатлар ҳақидаги маълумотлар, асосан, жуда қисқа равишда баён этилган бўлиб, воқеаларнинг тафсилотига кенг тўхталинмаган. Масалан, куп ҳолларда Эрон ёки Россиядан келган элчиларнинг номи, уларнинг у ёки бу хон томонидан қабул қилинганлиги, баъзан эса Хива ҳукмрони томонидан уларга билдирилган муносабат айтиб ўтилади, холос. Аммо ташқи сиёсат бобида хонлар томонидан амалга оширилган биронта ҳам муҳим ҳодиса солномалар муаллифлари назаридан четда қолмаган. Бу ҳол жуда катта аҳамиятга молик бўлиб, йилма-йил баён этилган ана шу маълумотлар қийматини дастлабки ишончли манба даражасига кўтарган. Агар биз хонликларда мавжуд архив ҳужжатларининг кўпчилик қисми бизгача етиб келмаганлигини ҳисобга олсак, ташқи алоқалар бобидаги ана шу маълумотларнинг нақадар катта аҳамиятга моликлигини дарҳол англаб оламиз. Шу билан бир қаторда, солномалар саҳифаларида ташқи сиёсатга оид айрим масалаларнинг тафсилоти ҳам дуч келамиз. Масалан, Ост-Индия компанияси элчиси Жеймс Абботнинг Хива хонлиги гарданига субсидиар шартномани юклаш, уни пировард натижада Буюк Британия мустамлакасига айлантириш ниятида қилган сафари ва унинг бу борадаги “таклифи”га нисбатан билдирилган қатъий рад жавобига доир фикр-мулоҳазаларнинг кенг баён этилганини кўрамиз. Тўғри, Жеймс Аббот миссияси ҳақида Огаҳий “Риёз уд-давла” асарида қуйидаги қисқа аҳборот билан чекланган: “Ҳам ул йил (1255-1839-1840) зулқайда ойининг ўн бешида Ҳиндистондан Ҳайбат отлиғ инглиз элчиси келиб, остон бўшлиққа мушарраф бўлди”¹. Аммо шу воқеа Баёнийнинг “Шажарайи Ҳоразмшоҳи”да батафсил берилганким, уни ўқиган ҳар бир киши инглиз мустамлакачилик сиёсати найранглари ўша йиллар Туркистон хонликлари осмонида ҳам қора кўланка ташлаганлигига бир дақиқа бўлса-да шубҳа қолдирмайди. “Ҳиндистондан, - деб ёзади Баёний, - Ҳаббот (Аббот) соҳиб отлиғ инглиз Англистон подшоҳи тарафидан элчи бўлиб келди. Номасининг мазмуни бу эрдиким, кўп замондан бери Россия

1. Огаҳий. Риёз-уд-давла, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзмалар мажмуаси, тартиб рақами 5364, 352-бет.

аҳли сизлар тарафга ҳаракат этиб, вилоятларингиз-ни олмоқни фикридадур. Мақсади (Россиянинг) будурким, тамоми Мовароуннаҳрни ва Хоразм ва Хуросонни олиб, Сийистон устидан биз тарафга (Ҳиндистонга) ўтгай. Россия подшоҳи бир улуг подшоҳдурким, анинг лашкари ва дастгоҳи таърифдин ортиқдур. Сизларда анинг лашкарига муқобил бўла олгудек қувват йўқдир. Камоли ғолиб будурким, яна эллик йилдан сўнг (Россия) сизларнинг вилоятларингизни олур. Агар хоҳласангизким, вилоятингиз давом қўлингизда туриб, ҳеч кимса анга мўтааррез бўла олмағай, вилоятингизни хатлатиб бизга (Англияга) беринг. Хоразм инглиз юрти бўлди, деган сўз иштиҳор топсун, андин сўнг бу хавфдин фориғ бўлурсиз. Бизнинг сизга бу сўзимиз ҳашо ким нафсоният юзидин бўлғай, балки маҳзи дўстликдурким, ғаразимиз Русияга ҳинд йўлин бекитмоқдур. Хатлашганда хоҳишингизча шартнома ёздуриг, биз қабул этармиз. Нома тамом, вассалом”¹.

Шундан сўнг Баёний Хива хони ҳузурдаги Девон мажлисида бўлиб ўтган мунозаралар ва инглизларнинг сурбетларча қилган бу таклифига берилган қатъий рад жавоби ҳақида шундай ёзди: “Вақтиким Оллоқулихон деди: (Россия) алҳол аввал бизнинг устимизга юруш этган эмас, эллик йилгача ким бор-у ким йўқ. Биз эллик йилда келур ишнинг андишаси била бу кун юртимизни қўлдан бировга бермасмиз. Биздан сўнгилар не иш этмоқни хоҳлар - этсунлар”².

Шу таразда Хива хонлигини Буюк Британия тасарруфига олиш мақсадида бу ерга юборилган инглиз “элчиси” ўз зиммасига юклатилган расмий вазифани адо эта олмасдан орқага қайтишга мажбур бўлади. “Ҳаббот соҳиб, даригким бу ишда сизларга кўп фойда бор эрди, деб қайтиб кетди”³, дейилади қўлёзмада.

Хива хонлиги Ўрта Шарқда юз берган халқаро воқеаларни ҳар вақт хушёрлик билан кузатиб борган ва кўп ҳолларда уларда, ўз манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, фаол иштирок этишга ҳаракат қилган. Бунга солномалар

1. Баёний. *Шажарайи хоразмшоҳи. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзмалар мажмуаси, тартиб рақами 9596, 301-бет.*

2. *Уша асар, 302-а бет.*

3. *Уша жойда.*

саҳифаларидан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Бу минтақадаги ана шундай халқаро муаммолардан бири, масалан, XIX асрда Эрон, Афғонистон ва Англия ўртасида можаро ўчоғига айланган ва бир неча бор уруш чиқишига сабаб бўлган Ҳирот масаласи бўлган эди. Афсуски, Ўрта Осиё хонликларининг бу масаладаги сиёсати ҳозиргача тадқиқотчилар эътиборидан четда қолиб келади.

Солномалар эса Туркистон сарҳадларига туташ жойда рўй берган ва бу ердаги давлатлар хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин бўлган ушбу воқеаларга Хива хонлигининг муносабати ҳақида жуда қимматли маълумотлар беради. 1837-1838 йилларда Ҳирот Эрон ҳукмдори Муҳаммад шоҳ (1834-1848) тарафидан қамал қилинганда, Хива хони Оллоқулихон (1825-1842) бу хабарни эшитиши билан ўз вазири Муҳаммад Юсуф меҳтор раҳбарлигида Марв томонга қўшин йўллайди. Айни вақтда хон туркманларнинг тақа қабиласи сардорларига махсус мурожаатнома юбориб, уларни биргаликда Эрон қўшинларига қарши курашга даъват этади. Муҳаммад Юсуф меҳтор Марвга етиб келгач, бу ердан Абдураҳмон халифа, Раҳмонберди парвоначи ва Маҳмуд Тўқсаболар бошчилигида Ҳирот тарафида туриш учун ҳарбий бўлинмалар юборади. Улар Шайх Аҳмад Талқоний мақбараси ёнига жойлашиб, Ҳирот атрофидаги Хуросон қўшинларига қарши жангларга қатнашиб турадилар. “Риёз уд-давла”да ёзилишича, Хива суворийлари Хуросон волийси Аллаёрхон Асаф билан бўлган тўқнашувда ғолиб чиқадилар ва кўп ўлжа ва асирлар билан орқага қайтадилар¹. Тез орада Хивадан бу ердаги ҳарбий кучларга мадад тариқасида кўшимча равишда Муҳаммад Солиқ эшон, Қутбиддинхўжа шайх ул-ислом, Саид Назарбий бошчилигида яна қўшин юборилади. Солномада бу масалага шу қадар катта эътибор берилганлиги ва Хиванинг кўзга кўринган давлат ҳамда диний намоёндаларининг сафарга отланиши сабаблари қуйидагича изоҳланади: “Бу жамоа азиматининг сабаби ул эрдиким, чун Муҳаммадшоҳ Қожарнинг Ҳирот устига келиб, ташаддуди тамом била мухосара қилгони, барча атроф ва акнофда иштихор топди ва жамеъ мусулмон аҳлига бақадри ҳол сайъ ва кўшиш кўргизмоқ лозим, балки фарз бўлди. Шаҳри Хивақ қозиси Муҳаммад Солиқ эшон ҳазрат соҳибқирон

1. Огаҳий. Риёз уд-давла. 345-а бет.

остонасининг мулозими саодат нишонлариға арз қилдиким: “ал-он куфр черики галаба қилиб, Ҳирот мамлакатининг улусиким, мусулмони комил ва иймон нури била равшандилдурлар, мухосара қилмиш ва мужодала кўргузмиш. Ул жамоа жиҳотиға жаҳд қилмоқ ва урушиға юриш кўргузмак аҳли фатво ривояти билан жамеъ мусулмон аҳлиға ва ажибот жумласи ва фарзиёт қабиласидин бўлгондин кўринур”¹

Бу вақт ичида меҳтор Тажан такаларидан Муҳаммад Амин юзбоши ва Худойберди юзбоши ҳамда Ахалдан Ниёз Муҳаммад юзбошиларнинг ҳар қайси 300 тадан суворийға раҳнамо қилиб, Марв томонларга ем-хашак ва озиқ-овқат йиғиш учун чопқин ясаган Эрон ҳарбий дасталарини тўзғитиш, уларнинг карвонларини қўлга киритишда катта муваффақият қозонади. Бу ҳолат ўз навбатида Ҳиротни қамал қилиб ётган Эрон қўшинларига катта салбий таъсир кўрсатади, албатта. Хивадан янги мадад кучлари етиб келгач, Муҳаммад Юсуф меҳтор ўз қўшинларини йомуд, имрели, солур ва соруқ туркман қабилалари юборган ҳарбий бўлинмалар билан янада кучайтирган ҳолда Ҳирот томон йўналади ва Йўлўтан истеҳкомига келиб жойлашади. Солноманинг маълумотича, Хива қўшинларини чораймоқлар сардорлари - Шермуҳаммадхон, Зомонхон ва Карим додхоҳлар қарши оладилар. Улар билан келганлар орасида Комрон шоҳнинг валиаҳди шаҳзода Нодирхон ва муфти Мулла Лақаблар ҳам бор эди².

Маълумки, бу урушда Эрон енгилди ва Муҳаммадшоҳ ўз қўшинлари билан қайтиб кетишга мажбур бўлади. Уларнинг талафотида Ҳирот халқининг жасорати билан бир қаторда инглизларнинг Ҳиротдек муҳим стратегик нуқтани Эронга топшириб қўймаслик сиёсати ҳам катта ўрин тутганди. Аммо юқорида келтирилган маълумотлар ушбу шаҳарнинг форслар қўлига тушмаслигида Хива хонлиги ва у билан иттифоқда бўлган кучларнинг ҳам аҳамияти катта бўлганлигини кўрсатади. Буни яна шундан ҳам билса бўладики, форслар чекингач, Ҳирот ҳукмдори Комрон шоҳ зудлик билан Марвда турган Хива хони вазирига элчи юбориб, ана шу хушxabарни унга етказишга ошиқади. “Шоҳ Комрондин, - дейилади солномада, - тавотир расми била вазир соҳиби тедбир қошиға бу беҳжад асар ва бу

1. *Ушо асар, 345-б бет.*

2. *Ушо жойда.*

муждаи фарҳадсамар етишди. Таҳниятгуйлик, муборакбодлиғ русуми била ўз тарафидин киши юбормоқни ансаб ва ужиб кўриб, фазилатбарор, фаросатинтимо Шукрулло Оғони элчи қилиб ва тансуқ ва армуғон тариқасида минг калла қўй ва минг ботмон ғалла топшируб, Ҳирот юборди”¹.

1856 йилда эса, Эрон кўшинлари Ҳирот устига яна бостириб келганларида, Марвга етиб келган Хива хони Муҳаммад Амин (1845-1856) ўз сарҳадлари мудофааси йўлида қатор тadbирларни амалга ошириш билан бирга, ушбу шаҳарга туғилган хатарни олдини олишда унинг ҳукмдорига кўмак бериш мақсадида нафақат Ҳирот, балки Афғонистондаги бошқа ҳукмдорлар билан ҳам узвий дипломатик музокаралар олиб борганди. “Хон ҳазратлари, - деб ёзади Баёний ана шу воқеалар хусусида, - Марвга мин жазм этиб ва навкарларга пул бериб ва тамоми оғаниларига ва тамоми умаро ва аркони давлатларга инъомлар бериб буюрдилар: ҳама сафар асбобини тайёр этсунлар. Мундин бир ҳафта ўткандин сўнг тангриқули тўрани жойнишин этиб, отланиб чиқиб, оҳиста-оҳиста равон бўлдилар, токим тамоми лашкар изларидин тушуб жам бўлдилар. Қиёқўлининг бир манзилига етиб келиб эрдилар. Маймананинг хони ўғлини элчи қилиб пешкашлар била юбориб эрди, ул ерга келиб мулозиматга етди. Ҳирот шоҳидин ҳам бир элчи кўп туҳфа ва пешкашлар била бир фил келтурди ва Кобулдин ҳам элчи келди. Хон ҳазратлари буюрдилар: филни ясатиб, устига қанор ёпиб, онинг устига тахт қуруб - боргоҳнинг олдига келтурдилар”².

Бу парчадан яна бир нарса англашиладики, Ҳирот шаҳрига нисбатан Эрон уюштирган ҳарбий юришга қарши бўлган кучлар ичида Хива хонлиги сезиларли нуфузга эга бўлган ва кўшни ҳукмронликлар унга катта ҳурмат билан қараганлар.

Солномаларда ўша давр дипломатияси тарихида қарор топган қатор қонун-қоидалар ҳақида ва уларга қатъий риоя этилганлиги хусусида ҳам ғоят қимматли маълумотларга дуч келамиз. Бу соҳадаги фактлар биргина Хива хонлиги ташқи сиёсатида доир масалалар тарихинигина эмас, балки, умуман мусулмон шарқидаги қатор бошқа мамлакатлар дипломатияси тарихига оид айрим муаммоларни тадқиқ этишга ҳам имкон беради.

1. *Ўша асар, 346-бет.*

2. *Баёний, Шаҳжарайи хоразмишоҳи. 345-6-346-а бетлар.*

Чунончи, Хива хонларидан биронтаси вафот топса ва унинг ўрнига янги хон тайинланса, албатта, бу воқеа муносабати билан қўшни ва алоқада бўлинган узоқ мамлакатларга элчилар йўлланган. Бу мамлакатлар ҳукмдорлари ҳам ўз навбатида ана шу элчиларга қўшиб вакиллар юборганлар. Улар, биринчидан, аввалги хон вафоти муносабати билан ўз ҳукуматларининг таъзиясини изҳор этган бўлсалар, иккинчидан, янги хоннинг тахтга чиқишини муборакбод қилиб, унга валинеъматларининг табрик мактуби ҳамда совға-саломларини топширганлар. Баёнийнинг ёзишича, Раҳимқулихондан (1843-1846) сўнг тахтга чиққан Муҳаммад Аминхон ана шу анъанага мувофиқ дарҳол “атроф ва акнофлағи қалъа ва баладаларнинг ҳукмронлариким, муҳаббатномалар юбориб якжиҳатликдин дам урар эрдилар, барчаларига жулуси ҳумаюннинг эълони учун пайғом юбормоқни муносиб кўриб, ҳар бирига бир кишини таҳниятнома била юбордилар, андоғким Шукрулла Оқони Техронга юбориб, андин Истанбулга бормоқни зам амр этиб, шоҳга ва ҳалифага муносиб тухфа ва пешкашлар бериб, номалар топшурдилар ва Хўқанга Отаниёзбекни таҳниятнома била юбордилар, хони мағфурнинг вафоти ва ўзларининг жулуслари ахбори учун Муҳаммад Шарифбойни Бухорога юбордилар”¹. Қатъий қоидалардан яна бири шу бўлганки, агар элчи юборилган манзилга етиб боргунча уни йўллаган ҳукмдор вафот топса, бундай элчининг ваколати расмий кучини йўқотган ҳисобланган ва уни борган жойидаги ҳукмдор қабул қилмаган ҳамда у билан ҳеч қандай музокаралар юритмаган. Бундай ҳолларда элчилар вазифаларини адо эта олмасдан орқага қайтишга ёки чопар орқали мактуб йўллаб, янги ҳукмдордан ўз ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат келгунга қадар ўша мамлакатда истиқомат қилиб туришга мажбур бўлганлар. Бунга мисол тариқасида Муҳаммад Аминхон томонидан Туркияга 1855 йилда элчи сифатида юборилган Шукрулло Оқо билан юз берган воқеаларни келтириш мумкин. Маълумки, бу элчи халифа ҳузурига равона бўлиши билан бир вақтда Хива хони Серахс томонга юриш уюштиради ва у ерда жангда ҳалок бўлади. Бу хабарни элчи йўлда эшитишига қарамай ўз сафарини давом эттиради. Аммо Истамбулда уни Хива элчиси сифатида тан олмайдилар ва у султон ҳузурига киритилмайди.

1. *Уша асар, 326-а-326-б бетлар.*

Шундан сўнг у Хоразмга мактуб йўллаб, ўзининг элчилиқ ваколатини янгидан тасдиқланишини илтимос қилади. Огаҳий “Гулшани давлат”да ана шу воқеалар тафсилотини баён этар экан, Хива тахтига ўтирган янги хон - Саййид Муҳаммад Баҳодирхоннинг (1855-1865) Туркия султони Абдулмажидга (1839-1861) махсус мактуб йўллагани ва унда Шукрулло Оқо ваколатини тўла тасдиқ этганлигини таъкидлайди. Солномада бунинг исботи сифатида келтирилган хон мактубида, жумладан, қуйидагилар битилган эди: “Шукрулло Оқониким, Муҳаммад Амин хони марҳумийнинг амри била Рум вилоятига марсул бўлмиш эрди, ҳоло Исломбул шаҳрида олий жаноблари хизматида таваққуф кўргизмишдур, ўз тарафимиздин вакил ва элчи қилдуқ. Онинг вакиллик ва элчилигин қабул этсунлар ва Муҳаммад Аминхон марҳумий оқомизнинг юборгон номасида ҳарна сўз бўлса, бизнинг ҳам сўзимиз шулдур, эшитсунлар”. Огаҳийнинг ёзишича, “халифа нома мазмунига мутталеъ бўлгондин сўнг Шукрулло Оқонинг элчилигин ва Муҳаммад Аминхони жаннат маконнинг номасин қабул қилди. Ва Шукрулло Оқонинг мартабасини бурунғидин неча даража баланд этиб, вазифасига кўп зару мол муқаррар қилди ва Шукрулло Оқо ғоятсиз масрур ва хушҳол бўлиб, бир неча айёмни Хоразм азимати учун рухсат олмоқ фикрида ўткарди”¹.

Айрим ҳолларда элчиларга юклатилган вазифалар ҳақида ҳам аниқ маълумотлар келтириладики, улардан ўзаро сиёсий алоқаларнинг даражаси ҳақида, баъзи муҳим тарихий воқеалар туғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш имкони туғилади. Масалан, “Фирдавс ул-иқбол”да баён қилинишича, 1814 йилда Хуросонда² Хивага келган элчиларга хон ўз навбатида элчи қўшиб жўнатар экан, у билан бирга қуйидаги мазмунда хабар йўллайди: “Агар эллик ва итоат изҳорида содиқ бўлсалар, куз фаслида иншоаллоҳ ул тарафга азм эткумиздир. Агар эл муҳолиф бўлсалар, алар самтига нуҳзат қилғумиздир. Агар эл бўлсалар, Саодатқулихон янглиф акобир ва мўтабар кишилардан кўп киши мулозиматга ирсол қилиб, закот ва хирожни камо ҳаққаху юборсинлар”². Бундан

1. Огаҳий. *Гулшани давлат. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, қўлёзмалар мажмуаси, тартиб рақами 7572, 2476-2516 бетлар.*

2. Бу ерда Серахсдан келган элчилар ҳақида сўз боради.

ўша йилларда Хуросоннинг шимолий ноҳиялари, жумладан, Серахс ва унинг атрофлари Хива хонлиги тасарруфида бўлганлиги ва унга тобе жойлар сифатида хирож тўлаб турганлиги маълум бўлади. Яна бир мисол. 1845 йили Бухоро амири Насруллохон Хивага Кўчқорбек Мирохурни элчи қилиб юборади. Афтидан, амир Насруллохон Хива ҳукмдори Раҳимқулихонга йўллаган ўз мактубида унинг шаънига тегадиган тарзда муомалала бўлган ёки ички ишларига аралашшиш даражасидаги таклифлар йўллаган. Бунга жавобан Хива хони Кўчқорбек Мирохурга ўз элчиси Раҳматулла Қоракўзни қўшиб Бухорога жўнатар экан, Насруллохонга қуйидаги мазмундаги мактубни топширишни буюради: “Амир Насруллохоннинг муддаоси агар мусолаҳа қилиб боришмоқ бўлса мухориба майдониغا чиқсунким, биз ҳам ул амрга муҳайё ва мададдурмиз. Бу икки ишнинг қайсисини ихтиёр қилса, ул ишта бел боғласунким, иккиси ҳам бизнинг мақсадимиздур”¹.

Шу нарса диққатга сазоворки, Хива солномаларида муаллифлар у ёки бу мамлакатта хонлик тарафидан элчи қилиб тайинланган шахсларнинг номини аташ билан чекланмасдан, кўпчилик ҳолларда, уларнинг насл-насаби, таваллуд топган жойи, хонликда эгаллаб турган мавқеи ҳақида ҳам ажойиб маълумотлар келтириб ўтадилар. Ҳожи Шукрулло Оқо, - дейилади “Гулшани давлат”да, - Хоразм давлатининг қадимий давлатхоҳ умаросидин ва сартия тавойифининг короғоҳ куборосидиндур ва анинг маншаъ ва мавлиди Кот вилоятидир ва ватан ва маскани ҳам андадур ва Муҳаммад Аминхон салтанати авойида онинг амри била элчи бўлиб Рум подшоҳи султон Абдулмажидхонга нома ва туҳфа элтиб, онинг нома ва ҳадясин ҳам мазкур хоннинг олдиға келтурмиш эрди”². «Жомеъ ул-воқеати султоний»да Эронга юборилган навбатдаги элчи ҳақида эса қуйидагиларни ўқиймиз: “Эрон подшоҳи Муҳаммад шоҳнинг юборган элчисига атабайи фалак мартаба мулозимларидин дониш ва ихлос орой Муҳаммад

1. Мунис. *Фирдавс ул-иқбол*. 186-а-б бетлар.

2. Огаҳий, *Зубдат ул-таворих*. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти*, қўлёзмалар мажмуаси, тартиб рақами 5364/III. 414-б бет.

Огаҳий. *Жомеъ ул-воқеати султоний*. *Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти*, қўлёзмалар мажмуаси, тартиб рақами 9786. 188-бет.

Шарифбойни элчилик тариқаси била ҳамроҳ қилиб, муҳаббат нома била Эрон мамлакатига ирсол этилар¹. Ёки 1852 йилда Бухорога юборилган элчиларга шундай тавсиф берилади: “Умарои садоқат интисобдин Аваз Мурод миробким, Қиёт дудамонининг иззат маоби эрди, илтифоти подшоҳонадин Бухоро элчилигига номзод бўлмиш эрди Кот ақобиридин Отаниёзбек қўнғиротниким, аркони давлат аозимидин эрди, элчилик расми била қўшиб, мувалафатномаи ва савғоти киромий топшуруб Бухоро савбига ирсол қилди”². Албатта, зарур пайтларда хон девонидаги эътиборли аёнлардан ҳар бирида ҳам элчи сифатида фойдаланилган. Аммо хонликнинг хорижий алоқалари ҳақида солномаларда келтирилган маълумотлардан шу хулосага келиш мумкинки, бу ерда маълум тарзда ўзига хос дипломатлар гуруҳи шаклланди. Чунки, юқорида номлари зикр этилган элчилар бир эмас, балки бир неча марталаб турли мамлакатларга Хива вакили сифатида сафарбор этилган ва уларга ҳар вақт ўта муҳим давлатлараро муаммоларни ҳал этиш вазифаси юклатилган. Масалан, Муҳаммад Аминхон томонидан Туркияга элчи қилиб юборилган Ҳожи Шукрулло Оқо, юқорида таъкидланганидек, орадан маълум муддат ўтгач, яна шу мамлакатга Хива вакили сифатида сафарга отлантирилади. “Муҳаммад Аминхон, - деб ёзади Огаҳий, - ўзининг умри ва салтанати айёмининг авохиринда, барс йили таърих ҳижрий 1271 да, рабиуссони ойининг ғуррасида (декабрь 1855 – январь 1856) Шукрулло Оқони ўз тарафидин вакил этиб, ҳаж савобин ҳосил қилмоқ нияти била, байтуллоҳ зиёрати ва Рум сафари учун нома топшируб ва йўл хароҷати учун кўп нақду мол бериб яна Рум вилоятига ирсол қилди”³. Солномалардаги ана шу тарздаги маълумотлар Хива хонлиги ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутган қатор ўзбек дипломатлари ҳақида ва уларнинг фаолияти тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ўзбек хонликларида, жумладан, Хивада чет давлатларнинг доимий ваколатхоналари бўлмаган. Бошқа қўшни хорижий шарқ давлатлари, масалан, Эрон ва Афғонистонда XIX асрда Фарб мамлакатлари, чунончи, Англия,

1. Огаҳий. *Гулшани давлат. 76-а-76-б бетлар.*

2. *Ўша асар, 147-б-148-а бетлар.*

3. *Ўша асар, 121-б бет.*

Россия ва Франциянинг элчихоналари қарор топганди. Аммо ана шу Фарб давлатлари пойтахтларида Шарқ мамлакатларининг доимий элчихоналарини очишга рухсат берилмасди. Улар фақат зарур ҳоллардагина у юртларга ўз элчиларини юбориш билан чекланишарди. Бу ҳол дипломатия тарихида қарор топган мустамлакачилик сиёсатининг бир куриниши эди.

Туркистондаги уч хонликнинг ўзаро элчилик алоқалари тарихига назар ташласак, уларнинг пойтахтларида ҳам бир-бирларининг доимий ваколатхоналари бўлмаган, аммо ўзаро дипломатик борди-келдилар изчил суратда амалга оширилиб борилган. Бу муносабатлар фақат орада низо қўзғалган пайтлардагина узиб қўйилган. Одатда Бухоро ёки Қўқон хонлигидан келган элчиларга, албатта, Хива хони ҳам ўз дипломатик вакилини қўшиб жўнатган. Бу ердан борган элчи ҳам ўз навбатида уларнинг элчилари ҳамроҳлигида ватанига қайтган. Масалан, 1854 йилда “рабийуссоний ойининг ўн учиди, душанба куни, Бухоро элчиси Абдулвоҳид Мираҳурга Раҳматулло маҳрам ким, “Қора кўз” лақаби билан машхурдур, элчилик юсуни била анга қўшиб, муҳаббатнома топшуруб Бухоро сари ирсол қилинди”. Ёинки 1855 йилда «Қўқонга муъаззаз ва мукаррам кишиси Ўринхўжа Мирасадни элчилик расми била онга мусоҳиб қилиб, туҳафоти лойиқ ва тансуқоти мувофиқ ва мусодақат номаи топшуруб, Хоразми жаннат базм самтига ирсол этди”¹ ва ҳоказо.

Ана шу тарзда хонликлар ўртасида узлуксиз борди-келдиларнинг амалга оширилиб келинганидан, табиийки уларнинг пойтахтларида ҳар бирининг муқим элчихонаси ва доимий вакилининг қарор топишига эҳтиёж туғилмаган кўринади. Бу ерда ўзаро масофаларнинг яқинлигини ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Аммо Туркистондан ташқаридаги хорижий давлатлар билан бўлган алоқаларда бундай изчилликни кўрмаймиз. У мамлакатлардан келган элчиларга ҳам элчи қўшиб жўнатиш қондасига риоя қилинган. Аммо бу ердан борган элчи ёлғиз қайтиб келган тақдирда алоқалар маълум муддатга, уларга зарурат туғилгунга қадар узилиб турган.

Солномалардаги маълумотларга қараганда, элчилар пойтахтга кириш олдида хон томонидан тайинланган эътиборли аён

1. Баёний. Шажарайи Хоразмшоҳи. 326-6 бет.

томонидан кутиб олинган. Хивада хориждан келган элчиларнинг истиқомат қилиши учун барча шароитлар ҳозир қилинган махсус элчихона бўлиб, чет эллардан келган расмий вакиллар то ўз юртларига қайтгунга қадар ана шу жойда яшашган. Масалан, Баёний 1846 йилда Бухородан Хивага келган элчилар ҳақида маълумот берар экан, жумладан, қуйидагиларни ёзади: “Муҳаммад Аминхоннинг амри била шифовулбек элчиларнинг олдиға чиқиб, эъзо ва икром ила келтуруб (элчихонаға тушуруди)”¹. “Гулшани давлат”да 1854 йилда Хивага келган Бухоро элчиси ҳақида шундай ёзилган: “Бухоро подшоҳи Амир Насруллоҳнинг элчиси Мирзо Қаровулбегиким, бурунроқ амири мазкурнинг муҳаббатномасин келтируб, Хивақ шаҳрида элчихонаи ҳумоюнда мутамаккин эрди ҳазрат соҳибқирон умаройи изом ва кубаройи фиҳом зумрасидин муқарраби баргоҳи султоний, маҳрами асрори ниҳоний Яхши Муҳаммад доруғони онга элчилик тариқаси била Бухоро жонибиға ирсол қилди”². Шу асарнинг бошқа бир саҳифасида келтирилган маълумотлар эса, юқорида таъкидланганидек, ана шу элчихонада ҳаёт кечирिश учун барча шароитлар муҳайё бўлганлигини ва хориждан келган элчиларнинг маишати ҳар вақт хоннинг диққат-эътиборида турганлигини кўрсатади. “1274 йил рабиъуссоний ойининг йигирма иккисиди (1856 йил, 9 декабр), - деб ёзади Огаҳий, - Бухоро элчиси Довудхўжа Мирахурбоши элчихонаи олийға тушурулди ва ўз муддосидин афсунроқ вазифа ва қунуқ еткурулди”.

Бундай махсус элчихоналар Туркистондаги бошқа хонликларнинг пойтахтларида ҳам мавжуд бўлган. Буни солномалардаги қуйидаги сатрлардан билса бўлади: “Атабаи гардун мартаба давлат ва иқболҳамдам Дўстниёз маҳрамким, элчилик тариқаси била бурунроқ (1855 йил) Хўқанд вилоятиға мурсал бўлмиш эрди андоғ ким, собиқан таҳрир топди. Худоёрхон (унга) подшоҳона навозиш ва пурсишлар кўргузди ва элчихонаи фирдавснишонаға тушуруб, таъзим ва тақрими камоянбағи саян ва кўшиш қилди”.

Юқорида келтирилган айрим парчалардан кўриниб турибдики, Хива солномаларида ўз аксини топган ташқи сиёсат

1. Огаҳий. *Гулшани давлат*. 96-а бет.

2. *Ўша асар*. 135-а бет.

масалаларига тааллуқли маълумотларга таянган ҳолда XVIII асрдан то Россия Хива хонлигини босиб олгунга қадар (1873 йил) бўлган вақт ичидаги ушбу хонликнинг ташқи сиёсати ҳақида ишончли материаллар билан бирга, ўша даврда Ўрта Шарқ минтақасида вужудга келган мураккаб вазият, мустамлакачи давлатларнинг бу минтақа мамлакатларини ўз тасарруфларига олиш учун юритган сиёсатлари ҳақида тасаввур ҳосил этиш мумкин.

Бу ерда яна бир ғоят муҳим ҳолни таъкидлаш лозимки, солномалардаги Хива хонлигининг ташқи сиёсатига оид маълумотлар Хива хонларининг ўз ташқи сиёсатларида ўз даврида дипломатия соҳасида ўрнатилган қонун-қоидаларга ҳар вақт қатъий риоя этиб келганликларини кўрсатади. Россия, Эрон ва Туркия давлат архивларида сақланиб қолган, Хива элчилари ўз хонлари номидан бу мамлакатлар ҳукмдорларига олиб борган расмий мактублар ҳам буни исботлаб турибди.

ЎРТА ОСИЁ – ЭРОН ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИ ТАРИХИДАН

1. “Сафарномаи Бухоро”да Эрон-Бухоро элчилик алоқалари

1994 йили Техронда Эрон Миллий Мажлис кутубхонаси- (№1)нинг қўлёзмалар хазинасида сақланаётган (№2860) “Сафарномаи Бухоро” асари чоп этилди. Қўлёзмани нашрга тайёрлаган тарихчи олим Хусайн Замоний уни Қожорлар давлатидан “биринчи элчи” бўлиб Бухорога келган зотнинг қаламига мансуб деб ҳисоблайди¹.

Ноширнинг тадқиқотларидан ва рисоланинг мазмунидан у Муҳаммадшоҳ (1835-1848) томонидан Бухорога элчи қилиб юборилган Эрон давлат арбобларидан бирининг сафар хотиралари эканлиги маълум бўлади. Қўлёзманинг охириги саҳифалари ноқис бўлганлигидан (ягона нусха) муаллифнинг ном-нишонини аниқлашнинг имкони йўқ ва элчи юборилган вақт ҳақида ҳам бирор аниқ ишора қилинмайди. Элчининг вазифаларидан бири инглиз фуқароси Жозеф Вулфни озод қилиш бўлганлигидан, унинг Бухорога 1844 йили келганини тахмин қилиш мумкин. Зеро, мазкур Англия фуқароси айти шу даврда Бухорода тутқунликда эди. Матнда эслатилган туркий “тушқон йили” ибораси ҳам худди шу йилга тўғри келади.

“Сафарномаи Бухоро” муаллифи Бухорога элчи бўлиб келишдан аввал Бухоро амири “Эрон давлатига дўстлик ва садоқат кўрсатиб”, Сайид Ҳалил номли зотни элчи қилиб юборганини эслатади ва “Нисо” сурасининг 86-оятига² кўра ўзининг бу ерга равона қилинганини қайд этади.

“Сафарномаи Бухоро”да ушбу шаҳар ҳақида турли хил маълумотлар: у ерга борадиган йўллар, йўлдаги манзиллар, бекатлар, уларнинг сув билан таъминланиши ҳақида, ҳар бир бекатда учраган одамлар ва така, соруқ, солур туркман қабила-ларининг жойлашиши тўғрисида, давлат тузуми, солиқ йиғиш усуллари ва аҳолининг урф-одатлари борасида эронликларни

1. *Сафарномаи Бухоро (асари Муҳаммадшоҳи қожор) (1259-1260х). Ба эҳтимоли Хусайн Замоний. Техрон. 1373х.*

2. *Аллоҳ йўлида кураш ва бошқаларни ҳам қўзғат, маъносида.*

қизиқтирадиган маълумотлар берилади. Хусусан, шундай фикрлар эътиборни тортади: “Ўзбакция аҳлининг авзойи атвори, одамияти, рафтору гуфтори, ўтириб-туриши, либосу таоми, аслан бошқа вилоятларга дахли бўлмаган тарзи ва гаройиб қондалари бор”. Ёки “Амир (урушга) кетгандан сўнг беш кун ўтгач солиқчи келиб (хабар қилди). Абдуссамадхон ноиб билан аскар, тўпхона ва сувора келишади; икки кун ичида вазир тўпхонанинг тадорикини (кўрсин) ва Бухородан ва унинг атрофидан юз минг туман чоғлик пул йиғиб олинсин, деб топширилган. Жаъмини икки кундан кейин йиғиб олишди ва ҳар қачон кўшин тортишни истаб қолишса ва пулга зарурат туғилса, Бухоро аҳолиси қарз унвонида унга пул беради»¹. Унда Бухоро амирлигида жорий бўлган дипломатик маросимлар - элчиларни қабул қилиш, шоҳ ёрлиғини топшириш, совғалар тақдим қилиш русумлари, меҳмоннавозлик урф-одатлари ҳақида ҳам маълумот берилади.

“Сафарнома”да, шунингдек, Бухоронинг ўз кўшнилари - Қўқон, Урганч билан зиддиятли муносабатлари, туркманлар ва Хуросон ҳокимлари билан алоқалари, амирнинг инглизларга ишончсизлик кайфияти ҳамда Эрон-Бухоро муносабатлари ҳақида маълумотлар йиғилган.

Эрон элчиси асосан учта вазифа билан юборилган эди:

- а) Бухоро ҳудудида сақланаётган эронлик асирлар масаласи;
- б) Марв ва туркманлар масаласи ва
- в) Бухорода тутқунликда бўлган инглиз фуқароси Жозеф Вулфни озод қилиш.

Бухоро амира томонидан расман қабул қилинган одат бўйича, совға-саломлардан сўнг бир неча бор мунозаралар бўлиб ўтгани ва мазкур муаммолар ҳақидаги музокараларнинг мазмуни баён қилинади. “Амир менда милтиқ, шамшир, инглиз тўппончаси, тилла соат ва асбоблар, тилла ва кумушдан ясалган чой ва қаҳва идишлари борлигини Ҳалилхўжадан эшитиб, уларни кўргани берсин”, дебди, деган жумладан Эронга юборилган Бухоро элчиси Сайид Ҳалилнинг Эрон элчиси билан бирга қайтиб келгани маълум бўлади ва Сайид Ҳалил элчилигининг вақти ҳам аниқланади.

XIX асрнинг I ярмида қуллар масаласи, асирларни қул қилиб

1. “Сафарномаи Бухоро”, 4-бет

сотиш - ўша бетинч замоннинг мудҳиш белгиларидан бири бўлиб қолган эди. Бу одат фақат Бухородагина эмас, балки қўшни мамлакатларда ҳам мавжуд эди. Ҳинд сайёҳи Моҳан Лаъл Кундузда (Афғонистон) бозорда қуллар сотилаётганини кўргани, рус сайёҳи И.П. Пашино эса Сори (Эрон)да қуллар бозори бўлганлиги ҳақида гувоҳлик беришади. Бухорода кенг тус олган асирларни (хусусан, эронликларни) сотишда исломнинг сунний ва шиа мазҳаблари ўртасидаги зиддиятларнинг таъсири ҳам рол ўйнар эди.

Бухоро амири Эрон элчиси билан суҳбатда асирлар ҳақида гапириб, уларни сотиш ва харид қилиш қадим замонлардан буён уламоларнинг фатволари асосида давом этиб келаётгани ва фуқаро уларни нақд пулга сотиб олгани боис қайтариб бермаслигини айтади. Муайян бир вақт ўтиб, Эрон билан иттифоқ мустаҳкамланса, ўзаро борди-келдилар кенгайса, бу муаммо ҳам ўз-ўзидан барҳам топади, деб умид билдиради амир.

Иккинчи масалада Эрон элчисининг Марв Эрон мулки ҳисобланади, деган фикрига жавобан Бухоро амири у ердаги аҳволнинг ниҳоят мураккаблигини тушунтиради ва Марв ҳокими шаҳар аҳолиси талабига кўра тайинланганини айтади. Соруқ, солур ва така туркман уруғлари Бухорога қарши “муҳолифат биносини тиклаган” Урганч ҳокими билан биргаликда Бухоро устига бостириб келиб, қирғин уюштирганликлари, кейин уларнинг бошлиқлари Урганч ҳокимини ўлдириб, амирдан Марвга ҳоким тайинлашни сўраганларини баён қилади. “Ҳақиқат шундаки, - дейди амир, - агар Марв аввалгидай обод бўлмас экан, у ерда на туркманлар раъият бўлади, на ҳоким (у қаердан келса-да) уни бошқара олади”.

Учинчи масала бўйича мунозара анча кескин кечади, чунки бу масала инглизларнинг Бухорода, умуман, Ўрта Осиёдаги, жосуслик фаолияти билан боғлиқ эди.

Инглизлар Афғонистонга бостириб киргач, Ҳиндистондаги инглиз губернатори полковник Стоддартни Бухорога жўнатади (1838). Мулла Олим Маҳдум уни инглиз ҳукумати тарафидан амир Насрулло (1826-1860) ҳузурига келган биринчи элчи деб ҳисоблайди ва унинг фикрича, Стоддартнинг “истак ва муддаоси амирни инглизлар тарафидан бирор турли ёмон ният ё зарар келтирмасликка ишонтириб, бошқа давлатларнинг, яъни Россия-

нинг бу мамлакатларга қасд ва тажовузларидан сақламоқ ва мудофаа этмоқни хоҳлаганидан” иборат бўлган. Мулла Олим Маҳдум инглизларнинг бу ниятлари “Мовароуннаҳр халқига дўстлик ва муҳаббатдан бўлмай, балки Россиянинг Эрон ва Афғонистон ҳудудларига яқин келишини хоҳламаганидан эди”, деб тўғри талқин қилади, бироқ бу элчиликнинг асосий мақсади Ўрта Осиё ҳудудларини ўрганиш, маълумот йиғиш ва хонликларни ўзининг беғаразлигига ишонтириб, улар билан битим тузишга эришиш бўлганлигини тушуниб етмайди. Инглизларнинг асосий мақсади эса, “Бухоро лашкарини янги қурол, тезотар тўплар билан қуроллантириш, ҳарбий муаллимлар юбориш ва Россиянинг хуфя ҳаракатларидан Бухоро ҳокимларини хабардор этиб туришгина” бўлмай¹, балки Афғонистонга нисбатан амалга оширилган тажовуздан сўнг бу ерда ҳам ўз мавқеини мустақкамлаб олишдан иборат эди.

Амир Насрулло унинг ҳаракатларидан ёвуз ниятларини тушуниб етгач, Стоддартни қамоққа олади.

Стоддартни қутқариш ва унинг режаларини давом эттириш мақсадида 1841 йили капитан Конолли Хива ва Қўқонга юборилади. А. Г. Серебренниковнинг ёзишича, у “Хива хони орқали Стоддартни қутқаришга ҳаракат қилиш билан бирга, қушбеги ва меҳтар билан шахсий учрашувларида хиваликларни Бухорога қарши урушга отлантириш учун ҳар томонлама ҳаракат қилади.² У ердан Қўқонга ўтиб, хон билан учрашувларида Қўқон аскарларига инглизларнинг “ҳарбий усули”ни ўргатишни таклиф қилади. Айни шу вақтда Қўқонга юриш қилиб келган амир Насрулло уни ўзининг ўрдасига таклиф қилади ва ўзи билан Бухорога олиб кетади. Бу ерда ҳам Конолли зиммасига юклатилган топшириқларни бажариш билан шуғулланаётганига амин бўлган амир уни ҳам қамоққа олади. Бухоро амири Эрон элчиси билан суҳбатда уларнинг кирдикорлари ҳақида шундай деган эди: “Сиз билмайсиз, бу иккаласи бизнинг давлатимизни хароб қилишга бел боғлашган. Гоҳо қоғоз юбориб Қўқонд хонини бизга душман

1. Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. *Тарихи Туркистон. Қарши. “Насаф”, 1992. 121-бет.*

2. Қаранг: *Муҳаммадҷонов А. Р., Негматов Т. Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига оид баъзи манбалар. Тош., 1957. 70-бет.*

қилиш ҳаракатида бўлишган ва баъзан Урганч хони билан бордикелди мақомига ўтиб, уларни бизга қарши адоватга иғво қилишган ва (бу йўлда) қанча ҳаражат қилсангиз биз тўлаймиз деб аҳд қилишган”.¹

Стоддарт ва Коноллининг ҳаётини сақлаб қолиш ҳақида Британия қироличасининг Бухоро амирига йўллаган мактуби ҳам, унинг илтимосига кўра Россия ва Туркиянинг воситачилиги ҳам, Хива хонининг ҳомийлиги ҳам самара бермайди – инглиз зобитлари қатлга етказилади. Бу ҳақда ёзган барча тарихчилар амирнинг бу аъмолини инглизларнинг Афғонистонда мағлубиятга учраши билан боғлайдилар.

Бундан беҳабар Англия ҳукумати уларни озод қилиш учун Эрон воситачилигидан фойдаланишга ҳаракат қилади ва Эрон орқали Жозеф Вулф номли шахсни жўнатади. У Муҳаммадшоҳдан омоннома олиб, 1844 йили Бухорога етиб келади.

Стоддарт ва Коноллини озод қилишда воситачи бўлиб келган Жозеф Вулф ҳам уларнинг шериги сифатида қамоққа ташиланади. Шундан сўнг Англиянинг Эрондаги элчиси полковник Шейл Муҳаммадшоҳдан бу ишда шахсан воситачилик қилишни илтимос қилади ва шоҳ Бухорога ўзининг элчисини жўнатиб, унга бошқа масалалар қаторида Жозеф Вулфни озод қилиш вазифасини ҳам топширади.

Эрон элчиси Бухоро амири билан суҳбатда ўзининг мамлакати билан Англия ўртасида иттифоқ борлигини эслатиб, қўлида Эрон шоҳидан омонномаси бўлган инглиз фуқароси Жозеф Вулфни иззат-икром билан унга топшириш лозимлигини баён қилади. Бундан “Эрон шоҳининг рози бўлиши” ва, акс ҳолда, “подшоҳнинг хотири ранжишига” сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантиради.

Эрон элчиси Бухорода саккиз ҳафтадан ортиқроқ истиқомат қилади ва у ердаги аҳвол ҳақида, амирнинг Самарқанд, Хўжанд юришлари ва шикаст еб қайтганининг тафсилотлари, амирнинг феъл-атвори ҳақида ҳамда “шаҳар кезиб йиғилган” бошқа хабарлар борасида ёзиб, бир неча дафъа Машҳадга, Ҳожи Қосим Техроний номли шахсга юбориб, у эса уларни шоҳ саройига жўнатиб туради.

Шу тариқа Бухоронинг ички ва ташқи аҳволдан хабардор

1. “Сафарномаи Бухоро”, 34-бет.

бўлиб турган шоҳ ҳукумати амирга янги ёрлик ва элчига мактуб йўллайди. Элчига Хуросон ҳокими Осифуддавла томонидан ёзилган ва Мулла Козим номли шахс олиб келган мактубдан маълум бўлишича, шоҳнинг янги ёрлиғи Жозеф Вулфни овоз қилиш хусусида бўлган. Ёрликни ўқиб чиққан замон амирнинг дарҳол инглиз соҳиблари ҳақида гап очиши ҳам айни шу муддаони тасдиқлайди. Амир айтади: “Яшира олмайман, мен улардан тинч ва хотиржам эмасман; уни ҳам ўзининг иерикларига қўшсам (яъни қатлга етказсам – Д.В.) дейман”.

Амирнинг фикрини унинг қўшнилари – инглизларнинг ниятларидан хабардор бўлган Хуросон ҳокимлари ҳам қўллаб-қувватлар эдилар. Эрон элчиси Бухорода турган кезлари бу ерга Ҳиротдан, Шаҳрисабздан, Ҳулумдан, Урганчдан элчилар келиб-кетган эди. Амир эътироф этишича, Ҳирот ҳокимининг элчиси Ёрмуҳаммашхон олиб келган мактубда Жозеф Вулфни ҳам қатлга етказиш таклифи бор эди.¹

Бироқ амир, эҳтимол, мураккаб вазиятда Эрон билан дипломатик алоқаларни сақлаб туриш мақсадида бўлгандир, элчига айтади: “Аъло ҳазрат давлатининг хоҳиши (шундай) экан ва Сиз келган экансиз, (майли), Сизнингча бўлсин - уни бахшида қилдим, қайтаётганингизда ўзингиз билан бирга олиб кетасиз”.

Шу билан бирга амир - балки, биз ҳам сизга қўшиб Англия давлатига одам жўнатармиз ва ўзимизнинг мактубимизни сиз орқали бериб юборармиз, деб қўшиб қўяди. Бироқ “Сафарнома”да бу ҳақда бошқа маълумот учрамайди.

Шундан сўнг Эрон элчиси эронлик асирлар масаласида ҳам қатъият кўрсатишга киришади. Амир билан хилватда олиб борилган мусохабада Бухоронинг ички ва ташқи аҳволидаги мушкулотларини тасвирлаб, элчи бундай шароитда Эрон билан ҳамжиҳат бўлиш бирдан бир тўғри йўл, деб ўқтиради. Ҳамжиҳатликнинг асосий шартларидан бири эса, элчи фикрича, эронлик асирларни овоз қилиш ва бундан буён уларни сотмаслик ва харид қилмаслик ҳақида фармон беришдир.

“Сафарномаи Бухоро” мазмунидан элчининг бу таклифи Эроннинг ҳарбий қудрати мавқеидан туриб айтилгани очиқдан-очиқ кўзга ташланади. Унинг фикрича, “жанг асбоблари ва қурол-

1. *Уша асар, 48-бет.*

яроқлар, тўп ва милтиқлар, қуrolхона ва ҳоказолар шу қадар (кўп) йиғилганки, унга ҳеч бир мамлакат бир соат ҳам бардош беролмайди”. Элчи Эроннинг ҳарбий қудратини эслатиб, у билан иттифоқчи бўлиш лозимлигини ислом манфаатлари билан асослайди: “Шундай давлат билан дўстлик ва ҳамжиҳатлик исломни бақувват қилади ва куфрни мағлуб этади”.

Эрон элчиси Бухоро амири билан суҳбатда Эроннинг мавқеи ва ҳарбий қудратини тавсифлашда анча муболаға қилган эди. Зеро бу даврда Эрон саройи Англиянинг тенг ҳуқуқли иттифоқчиси эмас, балки унинг кучли таъсири ва таъйиқи остида бўлиб, Англиянинг истак ва талабларини бажаришдан бош торта олмай қолган эди. Масалан, Ҳиротга қарши уруш олиб бораётган (1837-1838) Муҳаммадшоҳ, айна Англиянинг талаби ва таъйиқи остида бир йил давом этган Ҳирот қамалидан воз кечиб, қайтиб кетишга мажбур бўлган эди. Бу урушда англизлар Эронга қарши Ҳирот ҳокимини қўллаб-қувватлаб, уни қуrol билан таъминлаган, қалъа мудофаасини англиз зобити Поттинжер бошқариб турган эди. Эронлик тарихчи Жамшид Киёнфар бу ҳақда шундай ёзади: “Англия давлати Ҳирот ҳокимига пинҳона ёрдам кўрсатиш билан чекланмай ҳақиқий башарасидан ниқобини олиб ташлаб, Эронга расман уруш эълон қилди ва Эроннинг жанубий бандарларини ўққа тутди”.¹ Шундан сўнг Муҳаммадшоҳнинг англизлар талабига бўйсунушдан ўзга иложи қолмаган ва, мазкур тарихчи ёзишича, Муҳаммадшоҳ “Англияга қарши тура оладиган қудрати бўлмаганидан қамални бўшатиб, руҳи тушиб Техронга қайтган эди”².

Сал ўтмай англизлар Эронни тенг ҳуқуқли бўлмаган шартнома тузишга мажбур этадилар (1841) ва Бандар Буширда, Техронда, Табризда ўзларининг савдо агентликларини очишга ва савдода катта имтиёзлар олишга эришадилар. Оқибатда англизларнинг Эронга экспорти йилдан-йилга импортдан бир неча баробар ортиқ бўла боради. Савдо алоқаларида баланснинг бундай бузилиши Эрон хўжалигини бутунлай хароб қилади: қишлоқ хўжалиги тушкунликка юз тутаяди, пахтачилик, ҳунармандчилик, умуман,

1. “Сафарномаи Туркистон” аз д-р Пашино. Таржимон Мартирос Довудхонов. Техрон, 1372ҳ. 11-бет.

2. Ўша асар, 12-бет.

анъанавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш инқирозга учрайди. Оқибатда кенг халқ оммасининг ғзаби 1844 йили бошланиб, саккиз йил давом этган “бобийлар кўзғолони”да ўз аксини топади. Бундай аҳвол мамлакатнинг қудрати ва Англия билан тенг ҳуқуқли иттифоқдан гувоҳлик бермасди, албатта. Эрон шоҳи Муҳаммадшоҳнинг нотавонлиги ҳақида унинг ҳузурда катта нуфузга эга бўлиб, маслаҳатчилик қилиб турган Россиянинг мухтор элчиси И.О. Симонич ҳам гувоҳлик беради. Муҳаммадшоҳнинг Ҳирот билан уруш бошлашига ўзининг қарши бўлмаганлигини эслатиб, у ёзади: “Агар бир йил аввал мен ҳарбий юриш тарафдори бўлган бўлсам-да, 1836 йилги туркманлар устига юришдан кейин шунга қатъий иқдор бўлдимки, на ёш шоҳ, на унинг васийси қўшинга қўмондонлик қилишга мутлақо қодир эмаслар. Мен содир бўлажак оқибатни олдиндан кўра билган эдим”.¹

Эрон элчиси Бухоро амири билан суҳбатда, табиийки, булар ҳақида гапирмаган ва, афтидан, амир ҳам улардан беҳабар эди. Бухоро амирининг халқаро аҳволдан воқиф бўлмаганлиги ҳақида “Туркистон тарихи”да ҳам ўқиймиз: “У вақтларда Бухоро умаролари орасида Россия билан инглизнинг ва аҳволи оламнинг нима эканлигини билган киши йўқ эди”. Бундай вазиятда Эрон элчисининг сўзлари Бухоро амирига кучли таъсир қилгани ажабланарли ҳол эмас, албатта.

Оқибатда амир Бухоронинг ички ва ташқи мавқеини ва воқеалар тараққиётини ҳисобга олиб, Эрон билан зоҳирий дипломатияни сақлаб қолишга қарор қилади ва “Сафарномаи Бухоро”да ёзилишича, “Ҳеч кимни мажбур этмаган ва ўзлари хоҳиш билдирган ҳолда” Бухорода бўлган асирлардан 300-400 кишини олиб кетишга руҳсат беради. Элчи ёзилишича, гўё амирнинг ўзи ҳам 30 минг тиллага сотиб олган мингга яқин эронлик навкарларини бериб юборишга қаршилиқ қилмаслигини билдиради.

“Сафарномаи Бухоро”да таъкидланишича, элчининг ташаббуси ва ҳаракатлари оқибатида мингга яқин асирлар йиғилади ва баъзилари ўзлари нақд тўлаб, баъзилари учун элчи ҳақ тўлаб озод қилинади.

1. Симонич И.О. Воспоминания полномочного министра (1832-1838). М. “Наука”, 1967. с. 119.

Элчи жўнаб кетиши олдидан амирнинг ходими унинг номидан ҳилъат ва инъомлар олиб келиб, меҳмондор сифатида уларни Чоржўйгача кузатиб қўяди.

Амир Эрон элчиси билан Субҳонқулибек номли зотни совға-саломлар билан Эрон давлатига элчи қилиб юборади.

Эрон элчиси у зотни, Жозеф Вулфни ва эронлик асирларни олиб, Бухорони тарк этади.

Умуман, рисолада элчи (муаллиф)нинг сийрати жуда ёрқин ифода қилинади. У зиммасига юклатилган учта вазифадан деярли ярмини бажаришга ноил бўлган, гарчи амирнинг бундан буён эронликларни сотмаслик ва сотиб олмаслик ҳақида фармон беришига эриша олмаган бўлса-да, ўз вазифасини бажаришда у ниҳоят устомонлик билан иш юритиб, очиқ ва пинҳона имкониятлардан тўла фойдаланган, дейиш мумкин.

Хуллас, Муҳаммадшоҳ даврида Бухорога юборилган Эрон элчисининг “Сафарномаи Бухоро” номли қўлёзмасининг Техронда чоп этилгани хайрли ишдир. У XIX асрнинг биринчи ярмида Эрон билан Бухоро муносабатлари тарихи ҳақида тасаввуримизни кенгайтиради ва икки давлат ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг яна бир саҳифасини ёритиш учун маълумотлар беради.

Бироқ, ноширнинг мазкур элчини “Қожорлар давлатидан Бухорога биринчи элчи” деб аташи, фикримизча, янги изланишларни тақозо этади, зотан Фатҳалишоҳ қожор даврида ҳам Эрон билан Бухоро ўртасида элчилик муносабатлари мавжуд бўлган – бу ҳақда амир Ҳайдар мактублари гувоҳлик беради.

2. Бухоро—Эрон дипломатик алоқаларига онд Амир Ҳайдар мактублари

XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро билан Эрон ўртасидаги муносабатлар бир қатор сабабларга кўра яхши кўшничилик мавқеидан анча узоқда эди. Бухоро билан Эрон алоқалари ўтадиган Хуросон вилояти устига Техрон саройи томонидан тез-тез уюштириб турилган ҳужумлар ва қуролли тўқнашувлар; хонликлар ўртасида содир бўлиб турадиган уруш ва низолар икки давлат орасида тинч-тотувлик муносабатларини ўрнатиш йўлида тўсиқ бўлиб қолган эди. Айниқса, Бухоро билан Эрон ўртасида жойлашган кўчманчи қабилалар гоҳ у томонга, гоҳ Эрон устига ҳужумлар уюштириб, уларнинг самараси сифатида асирлар олар ва қулликка сотар эдилар. Бу ҳол карвон йўлларини, ўзаро борди-келдиларни хавф остида қолдирар ва икки ўртадаги алоқаларни давлатлараро нормал алоқалар изига солишга ҳалал берарди.

Шунга қарамай, томонлар ўртада тинч-тотувлик алоқаларини сақлаб туриш мақсадида элчилик борди-келдиларини уюштириб турар эдилар.

Мазкур элчиларга тааллуқли манбалар кўп эмас. Эрон тарихчиси Ҳусайн Замоний ёзганидек, “Эрон билан Бухоро алоқаларининг матлаби манбаларда ва тадқиқотларда зикр қилинмайди, фақат айрим тўпламларда Бухоро амиридан мактуб келганлиги эслатилади, холос”¹.

Бухорода ҳам, худди Эронда бўлгани каби, амирнинг дипломатик ёзишмалари мунтазам равишда йиғиб борилмаган. Бироқ амирнинг муншилари ўша даврнинг расмий ёзишмаларидан намуна сифатида унинг мактублари, ёзишмалари ва ёрлиқларини тўплаб мажмуалар тузганлар ва улардан бир нечаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

1. Сафарномаи Бухоро (асари Муҳаммадшоҳи қоҳжор, 1259-1260). Ба эҳтимоми Ҳусайн Замоний. Техрон. 1373 ҳ.к. 9-бет.

Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасида сақланади¹.

Мазкур тўпламлар, умуман, анча яхши ўрганилган. Бир гуруҳ олимлар (А.А. Семёнов, П. Иванов, О. Чехович, М. Абдураимов, А. Жуванмардиев, А. Ўринбоев, Р. Мукминова, А. Вильданова, Т. Файзиев, Г. Остонова, Ш. Тиловов) бу мажмуалардан Бухоронинг хўжалик-маъмурий тузуми, ер-сув муносабатлари, солиқ тизими ва ҳ.к. га оид ҳужжатларни тадқиқ қилганлар ва қилмоқдалар.

Бухоронинг дипломатик алоқаларига оид ҳужжатлардан, хусусан Бухоро амирларининг Ҳиндистон подшоҳлари билан ёзишмалари И. Низомиддинов томонидан ва “Амир Ҳайдар мактублари” тўплами асосида Бухоро-Афғонистон дипломатик алоқаларига оид айрим маълумотлар Б. Хўжаева томонидан чоп этилган².

Бу ерда шу пайтгача ўрганилмаган ва XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоронинг Эрон билан дипломатик алоқаларига оид ҳужжатлар хусусан, амир Ҳайдар (1801-1826)нинг Эрон шоҳи Фатҳалишоҳ (1803-1833)га йўллаган мактубларидан бири атрофлича таҳлил қилинади. Чунки Муҳаммад Ризо Балхийнинг “Мактуботи амир Ҳайдар” номли мажмуасидан жой олган амирнинг Фатҳалишоҳга ёзган “Ҳазрат амир Ҳайдар ба Фатҳалишоҳ, ҳокими Эрон навиштанд” сарлавҳали бу мактуби ҳануз тўлалигича таржима қилинмаган ва илмий муомалата киритилмаган. Ваҳоланки, у ўша даврдаги Бухоро-Эрон дипломатик муносабатларига ойдинлик киритувчи муҳим манбадир.

Юқорида эслатилган мажмуадан жой олган ушбу мактуб асл

1. Мироншоҳ Мунши. *Мактубот, муншаот, маншурот. Инв. № 289; Муҳаммад Ризо Балхий. Мактуботи Амир Ҳайдар. Инв. № 292; Муншаот ва ёрлиқот. Инв. № 300; Мирзо Содиқ Мунши. Муншаот. Инв. № 302.*

2. Низомуддинов И. Ё. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари. Т. Фан. 1968; Ходжаева Б. “О взаимоотношениях Бухарского ханства с Афганистаном в первой четверти XIX века» (по письмам амира Хайдара // *Общественные науки в Узбекистане. 1990. № 7. с. 53-56.*

3. Муҳаммад Ризо Балхий. *Мактуботи амир Ҳайдар. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ШИ қўлёзмалар хазинаси. Инв. №292. 156-166-бетлар.*

нусхадан кўчирмадир, унинг ёзилган вақти ёки босилган муҳри ҳақида маълумот берилмайди. Қуйида мактуб тўлалигича келтирилди:

“Ҳазрат амир Ҳайдар Эрон ҳоқими Фатҳалишоҳга ёздилар:

Ул подшоҳи (оламга) беҳисоб ҳамду санолар муносибдирки, унинг давлати ҳудудлари ёв хуружидан ва мулклари фазоси душман зарбидан мустаснодир.

Расулulloҳнинг руҳи покига беалад дуолар тухфа бўлсинки, пайгамбарлик етакчилиги унинг мақтовли зотига раводир. Унга, яқинларига ва асҳобаларининг жамъига Оллоҳнинг саломлари бўлсин!

Яратганга санолар ва мақтовли (маҳмуд) етакчи мақомидаги султонга дуолардан сўнг кўнгил оинасида беназир бўлган подшоҳ - Жамшид¹ мақомига муносиб, лашкари юлдузларча саноксиз, офтоб янглиқ тож эгаси, осмондек баланд, Сурайё (Юпитер)дек мартабалик, Баҳром (Марс)дек савлатлик, Кейвон (Сатурн)дек юксак, Ноҳил (Венера)дек қобилиятлик, Утторуд (Меркурий)дек зийрак, Жамшиддек шавкатли, Феридундек² ҳашаматли, Дородек³ посбон, Хусравдек⁴ нишондор (белгилик), эмни омонлик бисотини ёювчи, Эрон мулкларининг ҳукмдори, шавкатга тартиб берувчи, мақтов ва жилоларга эҳтиёжи бўлмаган, тавсиф ва баёнлардан юқори турувчи, давлатини Оллоҳ иноят қилган Фатҳалишоҳга етказилади ва маълум қилинадики, ҳазратулло даргоҳининг бу ниёзманди бундан аввал ҳазрати халифаи исломдан китоб сўраган эди. Мамлакатлар безаги бўлган ул ҳукмдор илтифот ва меҳрибонлик билан ҳурматли имомлар ва буюк мужтаҳидларнинг - Оллоҳ уларни раҳмат қилсин! - бир неча китобларини Бағдод волийсига юбориб, ул зотга китобларни бу тарафга етказишни буюрибдилар. Мазкур волий ўша китобларни ўзининг ишончли кишиларидан бири орқали бу тарафга етказди. Элчи етиб келган-

1. Қадимги Эроннинг афсонавий шоҳи, эъё унинг даври башариятнинг олтун даври бўлган.

2. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида куйланган афсонавий шоҳлардан бири.

3. Аҳмонийлар давлатининг (мил. ав. XI-IV асрлар) машҳур подшоҳи.

4. 590-628 йилларда ҳукмронлик қилган сосонийлар сулоласининг шоҳларидан бири.

дан ва китоблар топширилгандан кейин, мазкур китобларни биз тарафга юбортирган шахриёрий зотини бу маънидан тўла хабардор қилмоқ учун лозим бўлдики, бу тараф ҳам ўзимизнинг давлатхоҳларимиздан бирини аъло ҳазрат хоқон саройига равона қилдик. Бинобарин, иморатпаноҳ, икки шариф маҳрамга ҳаж қилган ҳожи Муҳаммад Шарифбейни (ул зот давлатхоҳларимиз жумласига киради) мазкур элчи ҳамроҳлигида жўнатдик. Ҳумоюн кўриниш шарафига мушарраф бўлгач, зоти олийни дуо қилиб, мақсад манзили томон шошилсин. Икки давлат бир давлат (дек ҳамдам) ва бошқа ҳеч қандай мақсаду муддаомиз йўқ. Бундан буён олий давлат ўртасида ошнолик ва борди-келдилар йўли очилади ва Яратганининг хайрияти ва марҳамати тушади. Бошқа гапларни мазкур иморатпаноҳ оғзидан эшитасиз. Шаҳриёрий давлатининг қуюқ сояси узун ва давомли бўлсин! Бу тарафга (кўрсатиладиган) ҳар қанча иззат-икромдан умид шуки, (Оллоҳ таолонинг) ваъдасига кўра, ким менинг авлодимни сийласа, мен уни кўпроқ сийлайман.

Дуода қоламан”!

Мактуб Бухоро амирлиги дипломатик ёзишмалари услубида ниҳоятда мулозамат ва муболаға билан ёзилган. Унда Оллоҳга, унинг пайғамбарига ҳамду санолар айтилгандан сўнг Фатҳалишоҳ таърифига ўтилади ҳамда унинг саройига юборилаётган элчиликнинг мақсаду сабаблари ҳақида, элчи Ҳожи Муҳаммад Шарифбейнинг амир саройида тутган мавқеи борасида тушунтириш берилади.

Мактубдан кўриниб турибдики, икки шариф маҳрам (Маккаю Мадина)ни ҳаж қилган Ҳожи Муҳаммад Шарифбей элчилиги асосан Туркия султони саройига жўнатилган бўлиб, унинг олдига йўл-йўлакай Эрон саройига ҳам кириб ўтиш, Фатҳалишоҳга ҳурмат бажо келтириб, икки ўртадаги борди-келдилар йўлини очиш, сўнг мақсад манзилига равона бўлиш вазифаси қўйилган эди. Ҳожи Муҳаммад Шарифбей элчилиги Туркия элчилигига жавоб тариқасида, аниқроғи, Туркия султони номидан Бағдод

1. Мазкур мактуб “Амир Ҳайдар Фатҳалиподшоҳга ёздилар” сарлавҳаси остида “Муншаот ва ёрлиқот” тўпламига ҳам киритилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ШИ қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 300. 22-а,б бетлар.

волийси Бухорога юборган ва амир илтимосига кўра ислом уламоларининг бир неча китобларини етказган элчиликка жавобан ўша элчи билан ҳамроҳликда юборилган эди.

Бухоро амирлиги билан Эрон ўртасидаги муносабатларда, юқорида эслатилганидек, энг ўткир масалалардан бири - қуллар масаласи бўлиб, у давлатлараро алоқаларнинг ривожига тўсиқ бўлиб турарди. На Бухорога ва на Эронга бўйсунмаган кўчманчи қабилалар қарвон йўлларида ва чегара бўйларида оломонлар ва талон-торожлар уюштириб, одамларни ҳайдаб кетар ва Бухоро ёки бошқа шаҳарлар бозорларида қулликка сотардилар. Бундай мудҳиш савдодан ҳам сотувчилар, ҳам олувчилар манфаатдор бўлганлигидан унга барҳам бериш қийинлашар эди. Бу муаммонинг ижтимоий-сиёсий моҳиятидан ташқари, ғоявий асоси ҳам мавжуд бўлиб, у сунний ва шиа мазҳаблари ўртасидаги тафовутлар билан белгиланар эди. Масалан, амир 1844 йили Бухорога келган Эрон элчиси билан суҳбатда мазкур масала бўйича изоҳ бериб, шиаларни асир олиш, сотиш ва сотиб олиш каби амаллар ўтмиш уламоларнинг фатволари асосида олиб борилади, деган эди.¹

Иккинчи тараф бундай фикрни баҳсли деб ҳисоблаши сабабли ҳамда икки давлат ўртасида тинч-тотувлик алоқаларини ўрнатиш мақсадида Бухоро амири вақти-вақти билан Туркия султони (халифани ислом)га элчилар юбориб, масаланинг шаръийлигини аниқлашга ҳаракат қилар ва унинг талқини учун лозим бўлган китоблар улуг уламолар ва буюк мужтаҳидларнинг асарларини юборишни илтимос қилар эди. Бу вазифа 1228 ҳ. к. (1813) йили амир Ҳайдар Эронга ва Туркияга юборган Али Риза элчилигига ҳам топширилган,² Ҳожи Муҳаммад Шарифбей элчилиги ҳам шу масала билан боғлиқ эди ва ундан кейинги элчиликлар давомида ҳам бу муаммо баҳс этилар эди.

Шунга қарамай, амир мактубида икки давлат ўртасида ҳеч қандай ғараз йўқлиги, улар бир давлат (дек ҳамдам) эканлигига ишонч ва бундан буён ошнолик ва борди-келдилар йўли очилажигига умид билдирилади. Шу билан бирга, Бухоро амири ёзишмаларида қабул қилинган таомилга кўра, элчига оғзаки

1. "Сафарномаи Бухоро" (асари Муҳаммадшоҳи қожор. 1259-1260). Ба эҳтимоми Ҳусайн Замоний. Техрон. 1373 ҳ.к. 37-бет.

2. Қаранг: "Эрон". Мақолалар тўплами. Тош., Фан., 1977. 103-114 бетлар.

арз қилишга топшириқ берилгани қайд қилинади. Форс тилида ёзилган мактубда “элчи”, “кўриниш бериш” каби туркий сўзларнинг қўлланилиши кузатилади.

Ҳожи Муҳаммад Шарифбей Фатҳалишоҳга амирнинг мактубини олиб бориш билан бирга Эрон вазири Мирза Шафёга Муҳаммад Ҳаким қушбегининг хатини ҳам олиб борган эди.¹ Бу мактуб “Муҳаммад Ҳаким қушбеги ба Мирза Шафё вазир навиштаанд” сарлавҳаси билан “Муншаот ва ёрлиқот” тўпламига ҳам киритилган.²

Қушбеги мактубида Ҳожи Муҳаммад Шарифбей элчилиги ва амир мактубидаги маълумотларга изоҳ берилади. Қушбеги Бухоро амирининг “диний мушкулотлар ва зарур масалаларни ҳал қилиш учун” халифани замон ҳазратларидан мўътабар ислом имомлари ва улуғ мужтаҳидларнинг бир неча жилд китобларини сўрагани ва халифа талаб қилган китобларни “марҳаматнома” билан биргаликда Бағдод волийсига юбориб, унга китоблар ва мактубни амирга етказишни буюргани ҳақида ёзилади. Қушбеги мактубида Бағдод волийси бу китобларни ўзининг йирик аъёнларидан бири бўлган Басранинг собиқ дафтардори (ҳисобчиси) Ҳасан Чалабий орқали юборгани айтилади. Мазкур элчига Ҳожи Муҳаммад Шарифбей ҳамроҳлигида юртига қайтишга руҳсат этилгани ва қадрдон дўст Сурайё мақом юксак шоҳга жавоҳирлар билан нозик безатилган яшма коса совға қилиб юборганини эслатади. Мазкур элчилар етиб борганда (уларга) муносиб меҳмоннавозлик ва мусофирпарварлик кўрсатиб, Бағдод томон жўнатиб юбориш ҳақида илтимос қилинади.

Демак, қушбегининг Эрон вазири Мирза Шафёга мактуби амир Ҳайдар мактубидаги маълумотларни тасдиқлаган ҳолда унда амирга Туркия султонидан китоблар билан бирга “марҳаматнома” ҳам келгани, уларни олиб келган элчининг номи ва унвони (Басранинг собиқ дафтардори Ҳасан Чалабий) ва Бухоро амирининг Эрон шоҳига юборган совғаси (жавоҳирлар билан безатилган яшма коса) ҳамда элчилар шоҳ саройини зиёрат қилгандан сўнг Бағдодга йўл олиши ҳақидаги маълумотлар аён бўлади.

1. *Муҳаммад Ризо Балхий. Мактуботи амир Ҳайдар. ЎзР ФА ШИ кўлёмалар хазинаси. Инв. №292. 146-150 бетлар.*

2. *Инв. № 300. 21-бет.*

Амир Ҳайдар мактубининг ёзилган вақти ва Ҳожи Муҳаммад Шарифбей элчилигининг санаси эса архив ҳужжатлари асосида аниқланади.

Оренбург област давлат архивида сақланаётган ушбу чегарабўйи шаҳарнинг генерал-губернатори П. Эссеннинг Россия ташқи ишлар министри К.В. Нессельродега йўллаган мактубида¹ Туркия султони Бухоро амирига қимматбаҳо китоблар юборгани ва унга жавобан амир ўзининг аъёнларидан бўлган Мирза Ҳожини Туркияга элчи этиб юбораётгани ҳамда Константинопольга кетаётган амир элчиси Эрон орқали ўтиб, шоҳга ҳам махсус мактуб ва совғалар олиб кетаётгани маълум қилинади.

Мазкур ҳужжат ўзининг шу жиҳати билан аҳамиятлики, у Ҳожи Муҳаммад Шарифбей элчилигининг санаси ҳамда амир Ҳайдарнинг Эрон шоҳи Фатҳалишоҳга мактуб ёзган вақтини аниқлаш имконини беради. Генерал-губернаторнинг граф Нессельродега 1819 йил 24 май куни ёзган мактубида Мирза Ҳожи элчи сифатида 1819 йил 4 мартда жўнаб кетгани қайд қилинади. Демак, Туркия элчиси Бухорога 1819 йилнинг бошида келган бўлиб чиқади.

Умуман, Бухоро амири Эрон ва Туркияга юборган Ҳожи Муҳаммад Шарифбей бошчилигидаги элчилик ҳамда шу муносабат билан Фатҳалишоҳга йўллаган мактуб ва совғасаломлар XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро ва Эрон ўртасида тез-тез содир бўлиб турган зиддиятлар шароитида ҳам дипломатик алоқаларни сақлаб туриш ва ўзаро келишмовчиликларни бартараф қилишга интилишлар икки ўртасидаги элчилик муносабатларида ўз аксини топганидан далолат беради.

3. Лолабошининг Хоразм сафари

Эрон-Туркистон муносабатлари жуда қадим тарихга эга. Бу икки сарзамин бир-бирларининг иқтисодий, маданий-маънавий ривожланишига катта таъсир кўрсатган. Туркистонда XVIII асрга келиб такомиллаша бошлаган уч мустақил давлат

1. Ҳужжат Оренбургда қишлаб қолган бухоролик савдогарга укасидан келган хат асосида тузилган. Шу боис унинг номи қисқартирилиб, Мирза Ҳожи шаклида ёзилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

- Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари даврида ўзаро алоқалар тарихида Ўрта Шарқда ўша вақтлар вужудга келган мураккаб сиёсий вазият таъсирида маълум ўзгаришлар содир бўла бошлайди. Эроннинг Хуросон вилояти шимолидаги сарҳадлар билан туташган қатор жойларнинг ўзаро жанжалли масалага айланганлиги кўп жиҳатдан бу мамлакат билан Ўрта Осиё хонликлари ўртасидаги турли тарздаги низоларнинг тобора кенгайиб боришига сабаб бўлди. Бу ҳол, айниқса, XIX асрга келиб янада кескин тус олади. Туркман саҳросидаги сиёсий турғунсизлик натижасида Туркистон сарҳадларидан Эроннинг шимоли-шарқий вилоятларига нисбатан талончилик ниятида уюштирилган оломон чопқинлари одатий тусга айланади. Ҳар томонлама ожизланиб бораётган ва Фарбдаги турли давлатларнинг таъсирига тушиб қолган Эрон марказий ҳукумати эса ўз сарҳадларини қўриқлашга имкон тополмай қолади. Оломон чопқинлари натижасида Ўрта Осиё хонликлари бозорларида қул савдоси авж олиб кетади.

Аmmo ана шундай мураккаб шароитда ҳам Бухоро, Қўқон ва Хива хонликлари билан Эрон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий ва дипломатик алоқалар маълум тарзда давом этиб борганлиги кўзга ташланади. Ўзаро сиёсий-дипломатик муносабатларда, табиийки, томонларни ташвишга солган воқеликлар биринчи ўринга кўтарилади.

Умуман, бу даврга оид Туркистон хонликлари ташқи сиёсатини ўрганиш нафақат илмий, балки тарихий-сиёсий аҳамиятга ҳам молик муаммолардан биридир. Бу давлатларнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ҳужжатлари: турли тарздаги дипломатия ёзишмалари, хорижий давлатларга қилинган мурожаатномалар, дўстона ёки ультиматив мазмундаги мактублар, хонликларга четдан келган хатлар ва жавоб мактубларининг кўпчилиги, бу давлатларнинг архивлари ўз вақтида талон-торож қилинганлиги сабабли, бизгача етиб келмаган. Аммо Эрон билан олиб борилган муносабатларга оид асосий ҳужжатлар Техрон давлат архиви ёки бу мамлакатдаги шахсий кутубхоналарда сақланиб қолган. Шунга асосланган ҳолда Эрон ташқи ишлар вазирлиги ҳузурида ташкил этилган “Марказий Осиё ва Кавказни тадқиқ этиш маркази” сўнгги йилларда Эрон-Марказий Осиё муносабатларига доир

қатор ҳужжатлар тўпламлари, хонликларга ўз вақтида келиб кетган Эрон элчиларининг сафар таассуротномаларини эълон қилиб келмоқда¹. Бу хайрли иш, албатта. Аммо ана шу тарихий манбаларни талқин этишда, афсуски, айрим ҳолларда илмийликдан чекиниш ҳоллари рўй бермоқда. Ваҳоланки, тарихий воқеалар фақат тўғри ва ҳолисона баҳолангандагина ҳақиқат юзага чиқиши мумкин. Бунга фақат битта мисол келтириш билан чекланмоқчимиз. Масалан, 1994 йилда Техронда юқоридаги Марказ томонидан чоп этилган “Марказий Осиё ёзишмалари” ҳужжатлар тўпламининг кириш қисмида куйидагиларни ўқиймиз: “Бу ноҳия (Туркистон) исломдан олдинги даврларда орийлар дастлаб истиқомат қилган минтақалардан бири саналади”². Бунга қўшилиб бўлмайди. Чунки бу ерда қадим даврлардан бошлаб туркий қабилаларнинг ҳам ҳаёт кечириб келганлиги илмий жиҳатдан исботланган. “Ҳижрий X аср бошларида (XV-XVI мелодий), - дейилади ўша жойда, - Эронда сафавийлар сулоласи қарор топгач, ушбу сарзаминнинг асосий минтақалари шоҳ Исмоил қўл остида қарор топди ва шундан сўнг баъзи нисбий ўзгаришлар билан бу ҳол Насриддин шоҳ Қожор (1848-1896) вақтигача етиб келди”³. Ваҳоланки, сафавийлар тажовузи ўз вақтида даф этилганлиги ва узоққа чўзилмаганлиги, қолаверса, ўтмиш тарихда Эрон сарҳадлари бир эмас, бир неча бор Туркистонда таркиб топган давлатлар тасарруфида ҳам бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. XIX аср ўрталарига келганда эса, юқорида зикр этилганидек, Эрон марказий ҳукумати Туркистон қаламравидаги жойлар у ёқда турсин, ҳатто ўз чегараларини кўриқлашга ҳам қурби етмай қолганди.

1. Сўнгги йилларда нашр этилган ана шундай асарлардан айримларини эслатиб ўтамиз: Али Акбар Вилояти. Тарихи равобати хоризмии Эрон дар даврони Носириддин шоҳ ва Музаффариддин шоҳ. Техрон, 1993; Манижа Туробзода, Акрам Ҳусайнпур, Фарабо Шаҳиди Фар, Фаҳима Вазирий. Моҳияти таҳавелот дар Осиёи Марказий ва Қафқоз. Техрон, 1994; Муҳаммад Алихон Ғафур, Рўзномаи сафари Хаворозим. Техрон, 1994; Али Акбар Вилояти. Тарихи равобати хоризмии Эрон дар аҳди шоҳ Аббоси аввали Сафавий. Техрон, 1995 ва бошқ.

2. Эсноди аз равобати Эрон бо манотиқи Осиёи Марказий, Маркази мутолиоти Осиёи Маркази ва Қафқоз. Техрон, 1994. 1-бет.

3. Уша асар, 1-2-бетлар.

Мана шундай бир ҳолатда Эронда бобийлар кўзғолони рўй беради. Бу кўзғолон қатор Шарқ мамлакатлари, масалан, Хитойда тайпинлар, Ҳиндистонда сипоҳийлар ҳаракати билан мазмунан ўзаро боғлиқ воқелик сифатида тарих саҳнасига қалқиб чиққанди. Бу мамлакатларда энди куртак отаётган бозор муносабатларининг асрий феодализм турғунлиги билан тўқнашганлиги, унинг устига, муштамлакачи Фарб давлатларининг ҳукмронлигига қарши маҳаллий аҳолининг турли табақалари орасида кучайиб кетган норозилик кайфияти ана шу кўзғолонларнинг юзага келишига асосий сабаб бўлган эди. Эрондаги бобийлар ҳаракати тез орада бостирилган бўлса-да, унинг бевосита таъсирида бу мамлакатда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг кўпгина қирраларини қамраб олган ислохотлар даври бошланиб кетганди. Бу ислохотлар шоҳ ҳукумати садр аъзами Муҳаммад Тақихон номи билан бевосита боғлиқ бўлди. Бир вақтнинг ўзида у мамлакат ҳарбий кучларининг бош қўмондонини бўлганлиги учун унинг ислохотчилик фаолияти кўпчилик адабиётларда “Амир Низом ислохотлари” ёки “Амири Кабир ислохотлари” иборалари билан ҳам ишлатилади.

Амири Кабирнинг мамлакат ички аҳволини яхшилаш, ташқи мавқеини муштаҳкамлашга қаратилган тadbир-ислохотлари ичида унинг “Туркман саҳроси”, умуман, Туркистон хонликларига нисбатан амалга оширган ва ҳаётта тadbир этилиши мўлжалланган режалари алоҳида ўрин тутди. Бу тadbирларнинг асосий қисми Эронда унинг бевосита раҳнамолигида амалга оширила бошланган қатор муҳим ислохотлар, чунончи, давлат интизомини муштаҳкамлаш, ҳарбий соҳада чуқур ислохотлар ўтказиш, иқтисодий-молиявий масалаларни тубдан қайта кўриб чиқиш каби тadbирларнинг узвий қисми эди. Амир Кабир Эроннинг шимоли-шарқий ноҳиялари - Хуросон, Астробод ва Сейистонда ички тартиб-интизомни муштаҳкамлашга қаратилган бир қатор масалаларга эътибор берар экан, дастлаб Эрон сарҳадларида ва у билан бевосита чегарадош минтақаларда истиқомат қилаётган туркман қабилалари билан марказий ҳукуматнинг муносабатини яхшилашга ҳаракат қилади. Эрон тарихчиларининг таъкидлашича, унинг бу соҳадаги уринишлари “катта муваффақият қозонади”. Улардан бири - Одамиятнинг ёзишига қараганда, Марв водийсининг туркманлари - солорлар “Эронни дарҳол тан олиб, марказий ҳукуматга бўйсунгани маъқул топадилар. Бу қабила

хонлари - Шоҳмуродхон, Жаҳонмуродхон, Муҳаммад Анан, Арзабек, Озодилкуй, Аннамухаммад, Сафармуҳаммад, Озор, Муҳаммад Мурод, Азрози, Элмурод ва ҳатто Шоҳмуродхоннинг хотини ҳам амирнинг (Муҳаммад Тақихоннинг) таклифига биноан Техронга келиб яқдиллик билан шоҳ ҳукмронлигини тан оладилар. Амир ўз навбатида уларга навозишлар кўрсатади ва чегаралар хавфсизлигини сақлаш хусусида махсус кўрсатмалар бериб. 1265 (1849) йилнинг раби-ул-аввал ойида Марвга жўнатиб юборади”¹. Шу муаллифнинг маълумотларига кўра, шундан сўнг “туркманларнинг ёвмут қабиласи ҳам тўла равишда Эронга бўйсундирилади ва амир уларнинг эътиборли кишиларига қимматбаҳо сарполар жўнатади”². Амир Кабирнинг бу соҳада амалга оширган тadbирлари ўша пайтдаёқ “Туркман сиёсати” номини олган бўлиб, у нафақат туркман қабилалари бошлиқлари билан олиб борилган музокаралар ва уларга нисбатан берилган турли тарздаги имтиёз ва рутбалар билан, балки, айни вақтда, қонли тўқнашувлар йўли билан ҳам ҳаётга тadbир этиб борилади. Масалан, Амирнинг гоклан қабиласи билан олиб борган музокаралари ҳеч қандай натижа бермайди. Туркманларнинг бу тоифаси Эрон шоҳи ҳукмронлигини тан олишни истамайди ва рад жавобини беради. Бундан ғазабланган Амир Кабир 1849 йилнинг ноябрь ойида Гургон саҳросига махсус қўшин йўллади. 1849 йилнинг 3 декабрида Қорашайх деган жойда форс мунтазам қўшинлари билан гокланлар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтади. Бу қонли тўқнашув натижасида гокланларнинг 5 минг кишидан иборат кучлари талофотга учрайди³.

Бир вақтнинг ўзида Амири Кабирнинг кўрсатмасига мувофиқ Эроннинг шимоли-шарқий ноҳиялари чегараларини, айниқса, Туркистон хонликлари сарҳадлари билан туташ жойларни ҳарбий жиҳатдан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилади. Жумладан, Гургон дарёсининг сўл қирғоғида Задар, Элхон ва Оқ қалъа каби мудофаа истехкомлари қад кўтаради, Хўжа Нафасда эса йирик ҳарбий қалъа қурилиши бошлаб юборилади. Чегара жойларидаги эски ва юқоридаги каби янги истехкомларда мунтазам қўшин бўлинмалари жойлаштирилади.

Албатта, Эрон марказий ҳокимиятининг мамлакат шарқи-

1. *Одамият, Амири Кабир ва Эрон. Техрон, 1969. 416-бет.*

2. *Ўша жойда.*

3. *Одамият, 417-бет.*

шимолий минтақалари чегараларини мустаҳкамлаш, айниқса, ана шу минтақаларда Эрон ва Туркистон хонликлари таъсирига киришни хоҳламаган эркин туркман қабилаларини Техронга тобе этишга қаратилган “Туркман сиёсати” маълум ижобий натижалар беради. Ушбу тадбирлар биринчи галда Эроннинг ана шу ноҳиялари аҳолисини қаттиқ ташвишга солиб келган “оломон” чопқинларининг кескин суратда камайишига сабаб бўлди. Аммо Эрон тарихчилари бу борадаги Амири Кабир ислохотларига баҳо берар эканлар, уларнинг аҳамиятини ҳаддан ташқари бўрттириб тавсифлашга ҳаракат қиладилар. Масалан, “Воқеайи иттифоқия” деб номланган бир форс манбасида унинг муаллифи “Ўзбошимча туркманлар” ни Эронга тобе этиш йўлида Амир Кабир амалга оширган тадбирлар натижасида ҳатто 1-2та одам ҳам бемалол чегаралардан Астрободгача беҳанотир келиб-кетадиган бўлди; агар туркман саҳросида биронта сигир подадан адашиб қолгудек бўлса, уни туркманлар дарҳол тутиб эгасига топширадиган бўлдилар”¹, деб ёзганди. Ваҳоланки, бошқа кўплаб манбаларнинг маълумотларига кўра, “оломон” чопқинлари камайган бўлса ҳам, аммо мутлақо тўхтаб қолмаган, Ўрта Осиё хонликларидаги қул бозорлари эса ишлаб турган.

Табиийки, Туркистондаги хонликлар, айниқса, “туркман масаласи” да кўп жиҳатдан Эрон билан узоқ вақтлардан буён муҳолифатда бўлиб келган Хива хонлиги Эрон ҳукумати томонидан амалга оширилаётган ана шу тадбирлардан яхши хабардор бўлган. Марв вилояти учун ўзаро кураш давом этаётган бир алфозда Амири Кабирнинг “Туркман сиёсати” юқоридаги тадбирлар билан чекланмаслиги ва у келажакда янада кенгроқ тарзда давом эттирилиши, бу сиёсат Эрон ҳукумати анчадан бери орзу қилиб келган масала - Туркистон хонликлари мустақиллигига раҳна солиш йўлида амалий қадамлар ташлашга олиб келиши мумкинлигини улар сезиб турардилар. Амири Кабир эса бу борадаги ўз ниятларини сир сақлашни лозим ҳам кўрмаганди. Чунки тез орада унинг ана шу мақсадларни ўзида акс эттирган ва Эрон тарихчилари томонидан “Амири Кабирнинг Туркистон сиёсати” деб номланган йўл-йўриқлари ўзини намоеён эта бошлаганди.

1. Ушбу парча Одамиятнинг юқорида зикр қилинган асаридан олинди. 417-бет.

Туркистоннинг бошқа хонликларида бўлганидек, Эрон томонидан туғилган жиддий хавф-хатар Хива хукмрон доираларида ҳам ташвишли воқелик сифатида муҳокамага сабаб бўлади. Муҳаммад Аминхон (1845-1855) бошчилигидаги Девон бундай шароитда Эрон билан бўлган муносабатларни яхшилаш сари қадам ташлаш, бу мамлакат ҳукумати учун уруш баҳонаси сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган омилларни музокаралар йўли билан ҳал этишга тайёр эканлигини изҳор этиш мақсадида зудлик билан Техронга эътиборли элчилик юбориш лозим, деган қарорга келади. Бу элчиликка бир неча бор шундай масъул давлатлараро хизматларни адо этиб келган ва хонликда катта нуфузга эга бўлган зукко дипломат Отаниёз Маҳрам бошлиқ этиб тайинланади. Хива элчиси 1850 йил “раби-ус-соний ойининг еттисида бой совға-саломлар, бир неча учқур отлар ва қимматбаҳо ов қушлари” билан Техронга етиб келади ва Отаниёз Маҳрам шоҳ томонидан қабул қилиниб, Хива элчиси унга ўз ҳукмдорининг “дўстлик изҳори битилган мактубини” топширади¹.

Бундан авваллари бўлганидек, бу сафар ҳам Хива хони Эрон шоҳига йўллаган ўз мактубида унга дўстона эҳтиром изҳор қилиб, икки ўртадаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш тарафдори эканлигини билдирганди. Аммо форс манбаларига қараганда, Хива хони юборган элчилик, айниқса, Отаниёз Маҳрам келтирган мактуб мазмуни бу сафар нафақат шоҳга, балки саройда йиғилган барча аъёнларга қаттиқ тегали. Юқорида номи зикр қилинган Эрон тарихчиси Одамиятнинг таъкидлашича, бунга сабаб бўлган нарса шу эдики, “Хива хони ўз хатида Эрон шоҳига худди тенг ҳукмдорлардек муомала қилган, ўзини мустақил давлатнинг ҳукмдори сифатида тутганди. Бу эса Муҳаммад Тақихон, яъни Амири Кабирнинг режаларига зид бир ҳол эди”². “Тарихи мунтазами Носирий” муаллифи бу воқеани баён этар экан, шоҳ ҳукуматининг Хива элчиси келтирган мактубдан бўлган норозилиги сабабларини янада кенгроқ изоҳлашга ҳаракат қилади. Унинг ёзишича, Хива хонининг Эрон ҳукмдорига бу тарзда муомалада бўлиши қарам ҳокимлик ва олий ҳокимият ўртасидаги қонун-қондаларга хи-

1. Уроз Муҳаммад Сорли. *Тарихи Туркманистон. Жилди аввал. Техрон, 1995. 17-бет.*

2. *Одамият, 418-бет.*

лоф нарса бўлиб, Муҳаммад Аминхон Насриддиншоҳга ҳеч қачон “кичик подшоҳ катта подшоҳга хат йўллаган тарзда ўзини тутмаслиги керак эди. Чунки, биринчидан, Хоразм давлати Эрон давлатининг бир қисми саналади, иккинчидан эса, Эрон ҳукмдорининг Муҳаммад Аминга ўхшаган йигирмадан ортиқ вассали бўлиб, уларнинг ҳар бири Хоразмдан кўра каттароқ подшоҳликни бошқаради. Шу сабабдан унинг бу қилмиши подшоҳнинг виқорлик шаънига ёқмади, албатта. Шоҳ бир неча бор Хоразм томонга қўшин суриш ва у жойни Муҳаммад Амин ҳамда унинг одамларидан тозалашга жазм қилди. Аммо ҳар сафар Садр аъзам уни сабр қилишга ундаб келди, У шоҳга “Муҳаммад Аминхонга қарши қўшин тортиш ва Хивага юриш уюштириш оғир ва сермашаққат иш эканини, чунки у тарафга олиб борадиган йўлларда на бир дарахт, на бир қултум сув йўқлигини, сафарбар қилинган қўшинни ем-хашак ва сув билан таъминлашга Хоразм устидан қўлга киритилган ғалаба туфайли олинган ўлжа қопламаслигини изҳор этиб, “агар фармони олий бўлса, мен қилич ва найзалар ўрнига қалам ва бармоқларимни ишга соламан, қалъаларни қулатадиган замбараклар ўрнига бир неча қатордан иборат бир мактуб билан Муҳаммад Аминхоннинг таянч дарахтини илдиз-пилдизи билан қўпориб ташлайман, деди”¹.

Бу масала шоҳ саройида узоқ муҳокамага сабаб бўлади, албатта. Хоразмга, умуман, Туркистон хонликларига қарши қўшин тортиш тарафдорлари билан Эрон таъсирини дипломатик музокаралар орқали у жойларда мустаҳкамлаш тарафдорлари ўртасида рўй берган тортишувлардан кейин тинчлик йўли билан ҳаракат қилиш сиёсати устун чиқади. Бунда ҳозирча Эроннинг шимолишарқий чегараларда мўлжалланган барча режаларининг тўла равишда амалга оширилмаганлиги, бундай шароитда Техрон дабдурустдан Туркистон хонликлари устига ҳужум уюштиришга, уларга қарши ғалабани таъминлайдиган даражадаги ҳарбий куч ташлашга тайёр эмаслиги асосий сабаблардан бири бўлганди, албатта. Ҳар ҳолда Техрон ҳукумати ҳозирча Хоразмга эътиборли элчилар йўллаш билан чекланишга қарор қилади. Бу элчиликни тайёрлашга қарийб икки ой ҳозирлик кўрилади. Бу вақт ичида

1. Материалы по истории туркмен и Туркмении. II (бундан кейин - МИТТ). Москва-Ленинград, Издательство АН СССР, 1938. с. 259.

Хиванинг Эронга юборган Отаниёз Маҳрам бошчилигидаги элчилиги Техрондан жилмасдан шоҳнинг жавоб мактубини кутиб туришга мажбур бўлади. Ниҳоят, уларга Ризоқулихон Лолабоши¹ раҳбарлигидаги Эрон элчилиги билан ҳамроҳликда ўз юртларига қайтишга рухсат берилади. Шунинг ҳам айтиш керакки, аввалига дўқ-пўписалар билан ниҳоятда совуқ кутиб олинган Хива элчилиги яна қайтадан шоҳ саройига таклиф этилади ва бу сафар Отаниёз Маҳрам ҳамда унинг шериклари катта ҳурмат-иззатга сазовор бўладилар. Эрон ҳукмдори уларга навозишлар кўрсатиб, совға-саломлар билан хушнуд қилади.

Шу тарзда 1851 йилнинг 5 апрелида Отаниёз Маҳрам ва Ризоқулихон Лолабоши раҳбарлигидаги ҳар иккала элчилик Техрондан йўлга чиқиб, Мозандарон ва Астробод орқали Хоразм сари равона бўладилар.

1. Амир аш-шуаро Ризоқулихон Ҳидоят бин Муҳаммад - Ходи Табаристоний 1800 йилда Техронда таваллуд топган. Унинг отаси мамлакат ҳукмдорларига яқин аъёнлардан бўлиб, дастлаб Ога Муҳаммадшоҳ Қожор (1779-1797) ва бир неча муддат Фатҳалишоҳ (1797-1834) ҳукмронлиги йилларида хазиначи лавозимида хизмат қилган, сўнг шоҳ томонидан Форс вилоятига худди шу вазифани адо этишига юборилган. Отасидан вақтли етим қолган Ризоқули Барфурушдаги қариндошлари ҳамда Форс вилоятида ўғай отаси Муҳаммад Маҳдихон Шихна Мозандароний қўлида тарбия топди. У дастлаб Форсда Фатҳалишоҳнинг ўғилларидан бири – Ҳусайн Али Мирзо хизматида бўлди, сўнгра шоҳнинг таклифи билан Техронга кўчиб, саройда Хон ва Амир аш-шуаро унвонига сазовор бўлади. 1834 йилда Муҳаммадшоҳ тахтга чиққач, Шерозга қайтиб, шаҳзодалардан аввал Феруз Мирзо, сўнг Фаридун Мирзолар ҳузурида маслаҳатчи вазифасини бажаради. Муҳаммадшоҳ 1839 йилдаги Ҳирот юришидан мағлуб бўлиб қайтгач, уни саройга чақиртиради ва ўз валиаҳди Аббос Мирзога отабек қилиб тайинлайди. 1847 йилда у Ферузқул ноҳиясига ҳоким этиб тайинланади. 1848 йилда Насриддиншоҳ тахтга ўтиргач, Ризоқулихон маълум муддат давлат ишларидан чекланади ва асосан ижод билан шуғулланади. 1851 йилда у шоҳ ҳузурига чақирилиб Хивага элчи қилиб юборилган. Соққиз ой давом этган ушбу сафардан қайтгач, уни Техронда ташкил этилган Дорулфунунга раҳбар этиб қўйишади. У ана шу лавозимда қарийб 15 йилча фаолият кўрсатади. Сўнгра валиаҳд Музаффариддин Мирзога Лолабоши, яъни отабек қилиб тайинланади ва шу вазифани бажариш асносида бир неча йил Табризда истиқомат қилади. Ризоқулихон 1871 йил 30 июнда Техрон шаҳрида оламдан кўз юмган. Ризоқулихон йирик

Ризоқулихон Лолабошининг ёзишича, у бошчилигидаги элчилик зиммасига қуйидаги муҳим вазифалар юклатилганди:

1. Хонликда асоратда бўлган барча Эрон фуқароларини озод қилишга эришиш ва уларни ўзлари билан бирга Эронга олиб келиш;

2. Хонни Эрон сарҳадларига уюштирилаётган оломон чопқинларини ман этишга қаратилган махсус фармон чиқаришга мажбур этиш ва мусулмонларни олиб сотишни, яъни қулчиликни бекор қилишга мажбур қилиш;

3. Ушбу талабларни бажаришдан бош тортилган тақдирда Эрон бу соҳада ўз мақсадига эришиш йўлида бошқа чора-тадбирларни қўллашга тайёр эканлигини очиқ-ойдин билдириш;

4. Туркман сардорлари орасида уларни Эронга тобе этиш учун ошкора ташвиқот-тарғибот ишларини олиб бориш;

5. “Кўрилган ва эшитилган” барча нарсаларни батафсил ёзиб бориш, жой номлари, йўллар, дарёлар ва булоқлар, қишлоқ ҳамда овуллар ҳақида маълумотлар тўплаш;

6. Хоннинг нафақат Эронга, балки барча қўшнилариغا нисбатан юритаётган сиёсати ва фикр-мулоҳазаларини аниқлаш, уни Эроннинг қудрати билан қўрқитиш, иложи бўлса, хонни Эроннинг сиёсий раҳнамолигини тан олишга кўндириш¹.

Эрон элчилиги олдига қўйилган ушбу вазифалардан кўриниб

олим, шоир ва тарихнавис сифатида ўз даврида катта хурмат қозонган форс алломаларидан бири саналади. Унинг қаламига мансуб бўлган тарихий асарнинг ўзи йигирмадан ортиқдир. Улар орасида ғоят муҳим саналган уч жилдли “Равзат ус-сафойи Носири” алоҳида аҳамият касб этади. Бу асар Мирхонднинг машҳур “Равзат ус-сафо” асарининг давоми сифатида битилган бўлиб, унинг биринчи жилдида сафавийлар Нодиршоҳ ва унинг ворислари ҳақида, иккинчисида — Каримхон Занддан то 1834 йилгача яъни, Муҳаммадшоҳнинг мамлакат тахтига чиқишигача бўлган давр воқеалари ва ниҳоят, учинчи жилдда Муҳаммадшоҳ ва Насриддин шоҳ ҳукмронлиги билан боғлиқ ҳодисалар қаламга олинган. Бу асарларда Эроннинг эслатилган ҳукмдорлари даврида руй берган воқеалар билан бир қаторда бевосита муаллифнинг таржимаи ҳоли ва сиёсий-илмий фаолиятига доир кўптаб маълумотлар ҳам мавжуд. Қаранг: МИТТ, т. 2., 280-бет; Стори Ч.А. Персидская литература. Библиографический обзор. Часть II. Главная редакция восточной литературы. М., 1972. с. 982-983 . 1. Ризоқулихон “Ҳидоят”. Сафарномаи Хаворазим. Техрон, Тоҳури, 1978. 16-бет.

турибдики, Техрон ҳукумати бу дафъа Хоразм диёрига йўллаган ўз вакилига одатий давлатлараро муносабатларда камдан-кам учрайдиган муҳим ва айни вақтда ғоят қалтис масалалар ечимини адо этишни топширганди. Хива хони олдига қўйилиши лозим бўлган ушбу талаблар мустақил давлат томонидан ихтиёрий суратда қабул қилиниши мумкин бўлмаган “таклиф”лардан иборат эди. Бу талаблар охирида ҳатто шароит тақозо этганда, хонни Эрон тасарруфига ўтишга кўндириш каби фикр мавжудлиги ҳисобга олинса, ушбу элчиликнинг жуда катта ваколат билан жўнатилганлиги ўз-ўзидан аён бўлади. Тўғри, Эрон ҳукумати бу сафар Хивага элчи сифатида ўта билимдон, зукко ва ғоят тажрибали кишини йўллаганди. Аммо ҳар қандай юксак рутбали доно элчи ҳам бундай дўқ-пўлисига асосланган, бошқа бир давлатнинг мустақиллигига таҳдид соладиган вазифани биргина музокаралар йўли билан амалга ошириши мушкул бир ҳол эди. Буни Амири Кабир яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам у Ризоқулихон Лолабоши раҳбарлигидаги элчилик Эрон чегараларидан ўтиб, Ўрта Осиё сарҳадларига қадам қўйиши билан Хива хонини юқоридаги талабларни тан олишга мажбур қиладиган қатор қўшимча тadbирларни амалга оширишга киришади.

Дастлаб, Амири Кабир “илгари туркманлар орасида бир неча бор ўз шафқатсизлиги билан ваҳима солган” Жаъфарқулихон Қорача Доғийни катта кўшин билан Астрободга етиб бориб, чегара сарҳадларида шай бўлиб туришга буюради ва айни вақтда Ҳисом ус-Салтана бошчилигидаги иккинчи бир гуруҳ кўшинга Серахс сари йўналишга буйруқ беради. 1267 йил рамазон ойининг ўрталарида (1851 йил, июн) туркманларнинг ёвмут қабиласи ва Хива аҳолиси ўртасида Астрободга етиб келган йирик ҳарбий кучларнинг Жаъфарқулихон ва Астробод беглар беги - Муҳаммад Валихон раҳбарлигида Туркистон томонга силжиётганлиги ҳақида миш-мишлар тарқалади. Лолабошининг эсдаликларида таъкидланишича, бу ҳол “Туркман саҳроси ва Хива хонлиги аҳолиси орасида катта ваҳима ва саросималикнинг кўтарилишига сабаб бўлди”¹. Элчилик гарданига юклатилган вазифанинг муваффақиятини таъминлаш учун амалга оширилган ушбу тadbирлар, Эрон ҳукуматининг фикрича, музокараларда ўз таъсирини кўрсатиши керак эди. Кучга таянган сиёсатнинг рақиб

1. *Уша асар, 19-бет.*

томонга бўлган тазйиқини кучайтириш мақсадида юқоридаги миш-мишлар Туркман саҳроси ва Хива хонлигининг турли жойларида атайлаб тарқатилган бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас эди.

Лолабоши раҳнамолигида Эрон элчилиги жазирама қум саҳроларида кўпдан-кўп машаққатларни бошидан кечирган ҳолда 1851 йил июл ойида Хива шаҳрига етиб келади. Аммо Эрон элчиси бу ерга келган кундан бошлабоқ музокараларга киришишни ният қилган бўлса ҳам бунга муяссар бўла олмайди. Чунки Хива хони Муҳаммад Амин бу вақтда пойтахтда йўқ эди.

Гап шундаки, Муҳаммад Аминхон ўз элчиси Отаниёз Маҳрамни Техронга жўнатгандан сўнг, бу ерга Марв вилоятига Эрон таҳдид солаётганлиги хабари етиб келади. Марвни ўз тасарруфидаги сарҳадлардан бири деб билган ва бу вилоят учун неча бор Бухоро хонлиги билан кураш олиб борган Хива хонига бу ҳол гўё унинг давлатига қарши Эроннинг ҳужуми бошланганидек таъсир кўрсатади. Бундай бир шароитда хон дарҳол Марв водийси томон қўшин тортишга жазм қилади. Икки ой мобайнида Хива қўшини Марвни қамал қилиб турса-да, аммо шаҳарни қўлга киритишга муваффақ бўла олмайди. Марвликлар ўз шаҳарларининг яна бир бор ҳарбий кучлар томонидан талон-торож қилинишига йўл қўймаслик учун бутун жон-жаҳдлари билан уни мудофаа қиладилар. Икки ойлик қамал натижасида Марв аҳолиси катта қийинчиликларни бошидан кечиради, аммо хиваликлар ҳам сув, озиқ-овқат танқислиги ҳамда қулай шароит йўқлигидан ночор аҳволга тушадилар, “ем-хашак захиралари тугайди, отлар ва туялар озиб-тўзиб кетади”.¹ Муваффақиятсизликдан руҳи тушган Муҳаммад Аминхон ноилож орқага қайтишга фармойиш беради. Аммо худди шу пайтда унга Хуросон волийси Султон Мурод Мирзо бошчилигида форс қўшинлари Эроннинг шимоли-шарқий сарҳадлари томон йўлга чиққанлиги ва Серахс шаҳрига яқинлашиб қолганлиги ҳақида хабар етказилади. Хива хони икки ўт орасида қолган эди. Шундай шароитда Муҳаммад Аминхон шошилинич равишда атрофдаги туркман қабилаларига “қизилбош кофирларнинг мусулмонлар устига юриш қилганлиги ва уларга қарши ғазотга кўтарилиш ҳар бир

1. МИТТ, т. 2. 289-бет.

мусулмон учун фарз эканлиги” ҳақида хитобнома ва махсус хатлар йўллайди. Айни пайтда у, Серахс шаҳри аҳолисининг илтимосига кўра, уларга ўз қўшинининг ёвмут ва жамшидлардан иборат Мир Аҳмадхон Жамшид қўмондонлигидаги сараланган қисмларини зудлик билан ёрдамга йўллайди”¹.

Бу орада Хуросон волийси султон Мурод Мирзонинг хуфиялари унга қарши келаётган Хива суворийларининг қудрати ҳақида ваҳимали хабарлар келтирадилар ва форс қўмондони ўз қўшинларига Серахс остоналаридан зудлик билан Машҳадга қайтиш ҳақида буйруқ беради. Бундан илҳомланган туркман қабилалари ва жамшидлар 8 минг кишилик суворийлар билан ўзларидан икки баравар кўп бўлган Хуросон қўшини устига шиддатли ҳужумга ўтадилар. Натижада султон Мурод Мирзонинг мунтазам армияси тор-мор келтирилади. Ғолиб томон кўплаб ўлжалар билан бирга юзлаб форс сарбозларини асир олишга муваффақ бўладилар. Асирлар гуруҳ-гуруҳ қилиниб Хивага келтирилади ва хонлик бозорларида қул сифатида сотила бошланади². Табиийки, бу воқеаларнинг барчаси Муҳаммад Аминхонни Хивада кутиб ўтирган Эрон элчиси Ризоқулихон Лолабоши кўз ўнгида содир бўлади, албатта. У ўз ҳукуматининг юксак топшириқларидан бири – Хивада эронлик фуқароларнинг асоратда тутилишига узил-кесил чек қўйиш масаласининг султон Мурод Мирзо талофати натижасида янада мураккаб тус олганлигини тушунади.

Ана шундай бир шароитда Хивага қайтган Муҳаммад Аминхон ва Эрон элчиси Лолабоши ўртасида музокаралар бошланади. Элчи хон қабулида бўлар экан, биринчи кунданок ўзига нисбатан у қадар катта хайрихоҳлик сезмайди. Чунки хон, биринчидан, Марв вилоятига нисбатан Эроннинг илинжи туфайли катта сарф-ҳаражатли юришни уюштириб, ундан муваффақиятсиз қайтишга мажбур бўлган экан, буни Эроннинг ўз мамлакатига нисбатан юритилаётган таъмагирлик сиёсати натижаси деб қарар, иккинчидан, Эрондаги ислоҳотлар туфайли қайта тузилган форс мунтазам армиясининг энгилмаслиги ҳақидаги ваҳимали гап-сўзлар Султон Мурод Мирзо қўшини-

1. МИТТ, т. 2. 288-бет.

2. МИТТ, т. 2. 289-бет.

нинг тор-мор келтирилиши натижасида чипакка чиққан, бу борада Хива асосий ташаббускор бўлганлиги учун ҳам Муҳаммад Аминхон ўзини форслар устидан ғалабани қўлга киритган ҳукмдор сифатида тутарди.

Икки ўртада бўлиб ўтган музокараларнинг тафсилотлари Лолабошининг эсдаликларида бирма-бир баён этилган¹. Афсуски, улар ҳақидаги маълумотлар Хива солномалари ёки бизгача етиб келган хонлик архиви ҳужжатларида учрамайди.

Эрон элчиси ўз тасуротларида ёзишича, Хивадаги қулларни² озод қилиш масаласига хон Эроннинг унга нисбатан душманлик ниятида қўшин йўллаганини рўқач қилиб, бундай бир шароитда бу масала юзасидан музокараларга ўрин қолмаганлигини шамаъ қилади. “Биз Али ва унинг фарзандларига, - дейди хон, - катта эҳтиром билан қараймиз. Нега эронликлар бизларни бу оилага нисбатан душманликда айблайдилар”. Бунга жавобан элчи “бу ерда асосий сабаб эронлик мусулмонларни қул қилишдадур”³, дейди. Хон эса бу масалада асосий айб туркман қабилаларида эканлигини таъкидлаб, Эрон - Хива чегараларидаги қабилалар унга бўйсунмаслигини, улар қулларни келтириб, олтин эвазига Хива бозорларида пуллашини айтади. Лолабошининг таъкидлашича, у хондан ана шу қабилаларнинг Хивага тобе эмаслиги тўғрисида расмий хат ёзиб беришини илтимос қилади. Муҳаммад Аминхон Эрон

1. Ризоқулихон Ҳидоят Лолабошининг эсдаликлари “Хоразм сафарномаси” номи билан Эронда ўз вақтида у ёзган тарихий асарларнинг бир қисми сифатида ва алоҳида бир неча бор нашр этилган. Бу асар 1876 йилда Парижда ҳам форс тилида чопдан чиққанди. Унинг туркманлар тарихига оид қисмлари рус тилига ағдарилиб, МИТТнинг 11 жилдига киритилган. Сўнги марта бу асар Техронда Тоҳурий нашриётида 1978 йилда қайта босилди.

2. Урта Осиё хонликларидаги қуллар тарихига бағишланган бир қўлёзма асарда келтирилган маълумотларга қараганда, бу вақтда Хива хонлигининг ўзида қарийб 40 минг қул бўлиб, уларнинг аксарияти эронликлардан иборат бўлган. Қаранг: Бекжон Раҳмон ўғли. Озоднома. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтидagi қўлёзмалар мажмуаси, рақам тартиби 8956, 6-бет.

3. Ризоқулихон Ҳидоят, 62-бет.

элчисининг усталик билан ўртага ташлаган бу таклифига жавоб бермайди¹.

Эронлик қулларни озод қилиш масаласи юзасидан олиб борилган музокаралар асносида Хива хони бу борадаги қатъий фикрини қонунлаштириб ҳам олади. Шу мақсадда у масалани давлат девони муҳокамасига ҳавола қилади. Девон қабул қилган қарорда хоннинг рад жавоби тасдиқ этилади. “Агар биз Эрон элчисининг талабини бажо келтирсак, - дейилади унда, - форслар бизни Астробод ва Хуросон кўшинлари таҳдидидан қўрққан ҳисоблаб, ҳар куни Хивага нисбатан янгидан-янги мажбуриятларни юклайверадилар”².

Табиийки, Хива асоратидан эронлик қулларни озод этиш масаласи ҳал бўлмагач, элчи ўз ҳукуматининг бошқа топшириқлари ҳақида очиқ-ойдин сўз юритишдан чўчийди. Унинг ёзганларига қараганда, Лолабоши музокараларда умумий тарзда бўлса-да, Хива хонлигига Россия хавфи мавжудлиги хусусида фикр юритиб, Эрон билан яқинлик уни ана шу хатардан халос этиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Аммо унинг бу борадаги мулоҳазалари ҳам эътиборсиз қолдирилади.

Шу тарзда Лолабоши элчилиги ўз олдига қўйилган биронга ҳам вазифасини адо этолмасдан 1851 йил сентябрь ойида орқага қайтишга мажбур бўлади. Элчи хондан ўз юртига келган йўл билан эмас, балки Хуросон орқали жўнашга руҳсат сўрайди. Бу йўналишни ҳам у ўз ҳукумати учун изчил тавсифлаш ниятида эди. Хивада Лолабошининг бу борадаги режасини яхши тушунганликлари учун унга янги йўналиш орқали сафар қилиш тақиқланади. Эрон элчиси келган йўли, яъни Астробод орқали ўз юртига равона бўлади.

Хива хони Эрон элчисига ўз элчиси Муҳаммад Шариф Маҳрамни қўшиб жўнатади. Бу ҳақда Огаҳий шундай ёзади: “Ул ҳазрат (Муҳаммад Аминхон) зулқаъда ойининг ўн бешиди пайшанба куни Эрон подшоҳи Муҳаммад шоҳнинг юборган элчисига атабайи фалак мартаба мулозимларидан дониш ва ихлос орой Муҳаммад Шарифбойни элчилик

1. *Уша жойда.*

2. *Ризоқулихон Ҳидоят. 73-бет.*

тариқаси билан ҳамроҳ қилиб, муҳаббатнома била Эрон мамлакатига ирсол эттилар”¹.

Хиванинг навбатдаги элчиси Техронга етиб келгач, аввалгиларидек, Эрон шоҳига совға-саломлар билан бирга Муҳаммад Аминхоннинг махсус мактубини топширади. Аслини олганда, хоннинг бу сафарги мактуби ҳеч жиҳатдан илгаригилардан фарқ қилмасди. Унда хон Эрон шоҳига яна тенг ҳукмдор сифатида “биродар” деб мурожаат қилган ва ҳар иккала давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни давом эттириш истагини изҳор этганди. Бу мактуб ҳақида тула тасаввур ҳосил қилмоқ учун унинг Эронда чоп этилган нусхасидан куйидаги кўчирмани келтирамиз:

“Жалолат ва салтанатнинг дарахшанда меҳри, рифъат ва макнат меҳрининг тарозанда сипеҳри, аблот ва ҳукмронлик осмонининг тобанда ахтари, иморати комронлиқ уммонининг дарахшанда гавҳари, подшоҳи шавкатпаноҳ Насриддин шоҳ ҳамиша равнақ афзойи мамлакати Эрон ва лиқои каломи муволот паём адосидан сўнгра малҳузи замири мунир ва макшуфи хотири мувохот тахмир улким, бу айёми фурсат анжом ва ҳангоми беҳжат фаржомда ул мактуби саросар услубким, муътамед ул атвор, садоқат нишон Мирзоқулихон саҳобати била ирсол қилиб эрди. Асъади замон ва овонда восил ва мазмуни таваддуд машҳуни меҳр танвири замири мунирга ҳосил ўлди. Чун шоҳи муҳаббат огоҳнинг фиристодаси русуми рисолат домини сафоратни тақдимга еткуруб муражаат истидъосин қилди, мураххас қилуб ихлос ва эътиқод таом Муҳаммад Шариф Маҳрамни анга кўшиб ул совға рағона ва маъмур қилдуқ, токим, анда бориш ул муҳаббат асар биродарнинг сихат ва офиятмандлигин кўриб келгай. Эмди мундин сўнгра ҳамвора фимобайни давлатайни олиятайн элчи рафт-омади мутаворит ва мутаволи ўлуб, икки тарафнинг дўстлиқ ва ошнолиғи издиёди даражайи санний ғадият ҳар оина иттиҳод риштаси доиман барқарор ва мустаҳкам бўлғусидир, улкаким, тил сўзумиздур ва мушоурун алайҳ Маҳрам шарафёби хузур бўлғоч тақрир қилур мужиби сидиқдур деб, зулқайда ойининг ўнламчиси жумъа куни бу муҳаббатнома марқум бўлди.

1. Огаҳий. Жамигул-воқеоти султоний. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқишунослик институтидаги қўлёзмалар мажмуаси, рақам тартиби 9786, 188-бет.

Ассалому алайкум, сана 1267¹ (1851 йил, 6 сентябрь)”.
Шуниси қизиқки, хон ўз мактубида Эрон элчиси Мирзоқули-

хоннинг, яъни Ризоқули Лолабошининг Хоразмга келганлиги, уни қабул этганлиги ва ўз навбатида Эронга “ихлос ва эътиқод тавъом Муҳаммад Шариф Маҳрамни анга қўшуб ул савбга равона” қилгани ҳақида эслатиб ўтган бўлса-да, аммо икки ўртада олиб борилган музокаралар ҳамда уларнинг натижалари тўғрисида ҳеч фикр билдирмаган.

Ризоқулихон Лолабоши раҳбарлигидаги элчиликнинг натижасиз яқунланиши Амири Кабир ва унинг тарафдорларини ғазабга келтиради. Чунки уларнинг Хива хонлигига нисбатан осонгина амалга оширилиши мўлжалланган режалари барбод бўлган эди. Бундай шароитда Амири Кабир ўз “Туркистон сиёсати”нинг иккинчи босқичини амалга оширишга киришади. Тез орада Хива хонлигига қарши қўшин тортиш тадориклари кўрила бошланади. Шу мақсадда мамлакатда қуроли кучлар сафига қўшимча чақриқ эълон қилинади. Айни вақтда унинг буйруғи билан Хуросонда ҳарбий бўлинмалар қайтадан кўриқдан ўтказилиб, улар узоқ сафарга шайлаб қўйилади. Одамиятнинг ёзишича, Амири Кабир Серахс, Марв, Ҳирот ва Балхда Эрон ҳукмронлигини ўрнатиб, Хоразм устига ҳужум уюштиришга қатъий киришган эди².

Аммо ана шу кенг қамровли, аслида хом хаёлдан иборат бўлган ўз режаларини амалга оширишга қаттиқ бел боғлаган Амири Кабир унинг ислохотларига қарши кучларнинг қутқуси билан тўсатдан барча лавозимлардан озод этилади. Насриддин шоҳнинг буйруғига биноан у Қошонга бадарға қилиниб, ўша ерда қатл этилади³. Айни вақтда унинг Туркистонга ҳужум қилиш юзасидан бошлаган барча тadbирларини тўхтатиш ҳақида ҳам буйруқ берилади. Афтидан, Шоҳ ҳукумати Хуросон қўшинининг Серахс остонасидаги мағлубиятидан кейин Туркистонга қилинадиган ҳарбий юришнинг Эрон учун беҳуда эканлигини яхши тушунган эди.

1. Ушбу мактуб Ўроз Муҳаммад Сорли китобида тўла чоп этилган, 63-бет.

2. Одамият, 42-бет.

3. Иванов М.С. Новая история Ирана. Москва, 1982, 176-бет. Бу воқеанинг тафсилоти Д.М. Анаркулованинг монографиясида уз аксини топган. Қаранг: Д.М. Анаркулова. Социально-политическая борьба в Иране в середине XIX в. “Наука”. Главная редакция восточной литературы. Москва, 1983, 124-127-бетлар.

ЎРТА ОСИЁ ВА РОССИЯ ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАРИГА ДОИР

1. “Элчига ўлим йўқ” таомили нега бузилди?

Бу ерда биз XVIII асрнинг биринчи чорагида Россия-Хива муносабатларида рўй берган бир воқеа ҳақида фикр юритмоқчимиз. Шуниси қизиқки, ана шу воқеа туфайли ҳар икки томоннинг элчилари ўз вазифаларини адо этиб турганларида ҳаёт билан видолашишга мажбур бўлдилар. Бунда Россия томони Хивани элчилик қонун-қоидаларини бузишда айблаган бўлса, Хива хонлиги Санкт-Петербургни “элчига ўлим йўқ” таомилига амал қилмасликда айблаган. Ким ҳақ - у ким ноҳақ? Буни аниқлаш учун қуйидагиларни инобатга олиш лозим бўлади.

Маълумки, Петр I Россияда ҳарбий империяга асос солиб, унинг ташқи сиёсати замирига бошқа юртларга таҳдид солиш тамойилини қўйганди. Қўшни халқлар сарҳадлари ҳисобига Россия чегараларини кенгайтириб бориш унинг асосий мазмунини ташкил этарди. Узлуксиз давом этган урушлар мамлакат хазинасини қуритганлиги сабабли император тинимсиз равишда қўшимча маблағ ахтарар, атроф мамлакатларнинг ҳарбий қуввати ва бойликлари ҳақида маълумот тўплаш мақсадида турли тарздаги экспедициялар ташкил этарди. Масалан, Сибирь губернатори князь Гагарин қалмиқ шаҳри Эркети (Еркети) яқинидаги Дарё деган жойда олтин қум кони борлиги ҳақидаги хабарни етказиши биланоқ, Петр I унга зудлик билан полковник Бухгольц раҳбарлигида махсус экспедиция уюштириш ва у жойга бориб дастлаб ҳарбий истеҳком қуриш, сўнг Зайсан кўли тарафга юриб барча олтин захираларини аниқлаш, уларни иложи борича қўлга киритиш, яъни бу жойларни Россия тасарруфидаги ерлар деб эълон қилиш ҳақида сипориш берганди. 1714 йилда Бухгольц Ямиш кўли бўйига ўрнашиб, бир йил мобайнида бу ерда ҳарбий истеҳком барпо қилади ва 1716 йилнинг баҳорида Эркети томон юриш бошлаш ниятида эканлиги ҳақида

хабар юборади¹. Аммо рус императорининг бу режалари амалга ошмай қолади. Қалмиқлар сардори Черен-Дондук ўша йилдаёқ Бухгольц қурган ҳарбий истеҳкомни қуршаб, агар у бузиб ташланмаса бу ердаги барча русларни қириб юбориш ниятида эканлигини билдиради. Истеҳком вайрон этилиб, Бухгольц орқага қайтишга мажбур бўлади.²

Бир вақтнинг ўзида Санкт-Петербургда Туркистон сарҳадларидаги бойликларни қўлга киритишнинг бошқа йўлларини ҳам қидира бошлаганди. Ўрта Осиё хонликлариغا Каспий денгизининг шарқий қирғоқларидан суқилиб кириш ана шу соҳадаги асосий режалардан бири эди. Шунинг учун ҳам бу масала Петр I Каспий сиёсатининг узвий қисмига айлантирилганди.

Гап шундаки, Петр I кўпдан Каспий денгизини Россиянинг ички сув ҳавзасига айлантириш, унинг қирғоқларида ҳарбий таянч нуқталари вужудга келтириб, уларга таянган ҳолда босқинчилик хуружларини авж олдиришни мақсад қилиб қўйганди. Бу борадаги режалар жуда катта эди. Уларнинг асосий мазмуни “Петр I нинг иссиқ денгизларга чиқиш ҳақидаги васиятномаси”да ўз аксини топган.³ Унга мувофиқ Россия нафақат Кавказ, Эрон, Ўрта Осиё, балки Ҳинд ярим оролига ҳам эгалик қилишни мўлжаллаган эди. Ҳиндистонга у вақтда Россиядан асосан Эрон орқали қатналар ва бу йўл гоёт даражада машаққатли саналарди. 1716 йилда Ҳиндистонга савдо ишлари билан келган Андрей Семёнов бу йўналиш ҳақида маълумот бериш учун Сенат канцелярисиغا чақирилганда, у ўз шериклари билан Астрахандан кемаларда Низавойга, у ердан отларда

1. Соловьев С.М., *История России с древнейших времен*, Изд-во соц. - экон. литературы. М., 1963, кн. IX, с. 349.

2. *Уша асар*, 350-бет.

XVIII асрнинг бошларидан то 1758 йилгача фаолият кўрсатган Жунгория давлати бу ерларда ҳукмрон бўлиб, унинг аҳолиси ойрат, уйгур ва қирғизлардан иборат бўлган. Ўрта Осиёлик муаллифлар, кейинчалик эса Россия тарихчилари уларни қалмиқлар, деб атаганлар.

3. Петр I нинг ушбу васиятномаси кўп йиллар давомида ўта махфий ҳужжат сифатида сир сақланиб келинган. У биринчи марта 1775 йилда француз тадқиқотчиси Бегон томонидан Парижда эълон қилинди. Совет тарихчилари Россия империясининг ҳужумкорлик сиёсатини оқлаш мақсадида уни сохта ҳужжат деб баҳолаган эдилар. Қаранг: “Правда”, 1980, 23 март.

Шемаха ва Исфохон орқали Бандар Аббосгача борганлиги, бу портдан Араб денгизи орқали Ҳиндистон соҳилларига ўтганлиги ҳақида ахборот берганди. Бу ерда савдогарлар аввал Буранпур (ҳинд подшоҳлари қароргоҳи), сўнгра Акра ва Дехлида бўлиб, орадан 5 йил ўтгач юқорида эслатилган маршрут билан Россияга қайтиб келгандилар¹.

Бу машаққатли йўлни қисқартиш, Ҳиндистонга шимоли-шарқдаги минтақалардан кириб бориш учун дастлаб Туркистон хонликларини қўлга киритиш лозим эди. Шу мақсадда 1714 йилдаёқ Петр I Сенатга қуйидаги мазмунда фармойиш йўллаганди: “Хива ва Бухоро хонларига савдо ниқоби остида экспедиция юбориш. Унинг зиммасига Эркет томонга Каспийдан ёки унга яқин бирон жойдан сув йўли бор-йўқлигини аниқлаш вазифасини юклаш”.² Ушбу фармойишга мувофиқ 1716 йилнинг бошида императорнинг яқин аъёнларидан бири - Кабарда князи Александр Бекович-Черкасский бошчилигида ана шундай ҳарбий экспедиция ташкил этилади.

Бунда Бекович-Черкасскийнинг ҳарбий маҳорати билан бирга унинг Петр I буйруғига биноан бундан олдин Каспийнинг шарқий қирғоқларини “ўрганиб” қайтганлиги ва уни ёзма тавсифлаб берганлиги ҳам ҳисобга олинганди. Петр I бу экспедицияга катта вазифалар юклайди. Аввало, Бекович-Черкасский Каспий денгизи соҳилида минг кишилиқ форт - қалъа қуриши, сўнгра ундан Хива томонга юриб, Амударёнинг қадимда Каспийга оққан ўзанини қидириб топиши (у ерда катта олтин захиралари бор, деган хабарлар тарқалганди), дарёнинг Оролга оқадиган ҳозирги ўзанини тўсиши ва уни яна Каспийга йўналтириши, шундан кейин сув йўли билан Бухорога юриши, ундан иложи борича ҳинд томонга ситқини уришиб кўриши лозим эди.

Бу ишларнинг жўнгина битмаслигини ва экспедиция аввало Хива, қолаверса, Бухоронинг қаршилигига дуч келишини билган Россия императори Бекович-Черкасскийга хонлар билан муомала қилганда элчи сифатида иш кўришни уқтирди. Подшоҳ сипоришига мувофиқ у Хива хони Шерғозихоннинг (1715-1728) тахтга ўтириши муносабати билан ўз императори номидан

1. Лысов В.И. Персидский поход Петра I, 1722-1723, М., с. 73.

2. Соловьев С.М. История, н. IX, с. 349.

муборакбод этиши ва уни иложи борича Россия тобелигига ўтишга кўндириши лозим эди. Бунинг эвазига у хонга 1000 кишидан иборат гвардия ажратиши, аммо гвардия билан боғлиқ барча сарф-харажатларни хон зиммасига юклаши шарт қилиб қўйилганди. Агар бунга хон кўнмаса, унда бир йил муддатгача харажатларни Россия ўз устига олиши ва кейинги сарфлар хон томонидан белгиланиши кераклигини уқтириш, бу ишлар бажарилгач, хондан кемалар олиб дарё орқали Эркет томонга сузиб бориш ва ундан, юқорида таъкидланганидек, Ҳинд тарафларга ҳам ўтиш мўлжалланганди. Режага мувофиқ, Бекович-Черкасский Ҳиндистонга поручик Кожинни йўллаши лозим эди. Поручик Кожин савдогар ниқобида “Буюк мўғуллар” ҳукмдори ҳузурига бориши, йўлларнинг аниқ режасини тузиши, айниқса, Каспийдан Туркистон сарҳадлари орқали Ҳиндистонга ўтадиган (у вақтларда шундай тушунча бўлган) сув йўллари ҳақида тўла ва атрофлича маълумот тўплаши шарт қилиб қўйилганди. Айни вақтда, Бекович-Черкасскийга Хива хонидан Бухоро ҳукмдорининг ҳам Россия табаасига ўтиш-ўтмаслиги ҳақида фикрини билиш ва бу масалада шунга риоя қилган ҳолда ҳаракат қилиш лозимлиги юклатилганди.

Бекович-Черкасский Петр I дан бу фармонни олгач, императорга мурожаат қилиб, Ўрта Осиё хонликлари Россия қўйган шартларни тан олмаган тақдирда қандай ҳаракат қилиш кераклигини сўрайди. 1716 йил 13 майда Петр I унга “Агар шартларимизни қабул қилишмаса, ҳеч бўлмаганда дўстона алоқаларни ўрнатишга рози бўлишар, акс ҳолда сен ўз йўлингда ҳаракат қилавер, бизнинг топшириққа мувофиқ денгиз қирғоғида иккита истехком кўрғонни барпо қил-у, Амударёни Оролга бурган тўғонни бузиб ташла ва дарё орқали юқорига сафарга отланавер”¹, деган мазмунда жавоб қайтаради. Бу эса кучга таяниб белгиланган мақсадни ҳаётга татбиқ этавер, деган гап эди.

Бекович-Черкасский ҳарбий экспедицияси учун ажратилган куч-қувват етарли даражада эди. Унинг ихтиёрига 4000 кишилик мунтазам ҳарбийлар, денгиз офицери поручик Кожин раҳбар-

1. Эдвард Олворт. Ҳозирги ўзбеклар. Ўн тўртинчи асрдан бугунги кунгача. Маданият тарихи (инглиз тилида). Станфорд, 1990, 98-бет.

лигида сув иншоотлари мутахассисларидан иборат махсус гуруҳ, 2 инженер, ёйиқ казакларидан 1500 ва гребен казакларидан 500 ҳамда тажрибали офицер бошличилигида 100 та драгун ажратилган эди¹.

1716 йилнинг кузида Бекович-Черкасский Волга дарёсининг денгизга қуйиладиган жойидан кемаларда Каспийнинг шарқий қирғоқлари томон сафарга чиқади ва Тик Қараган деган жойда истеҳком-қалъа қурилишини бошлаб юборади. Ундан жанубга силжиб, денгиз соҳилидаги Қизил Сув (Красные воды) нуқтасига келади ва бу ерда ҳам ҳарбий истеҳкомга асос солади. Бу ишларни бажариб бўлгач, у Хивага қарши юришга астойдил тайёргарлик кўриш мақсадида 1717 йил 20 февралда Астраханга қайтиб келади.

Орадан кўп фурсат ўтмасдан Бекович-Черкасский 1717 йилнинг баҳорида Каспий денгизи қирғоғида ўзи барпо этган Тик Қараган истеҳкомидан Хива томонга юриш бошлайди. Аммо ҳарбий экспедиция бошлиқлари бу сафарга тайёргарлик кўрар эканлар, улар Каспийдан Хивагача бўлган масофани босиб ўтишнинг ҳаддан ташқари мушкуллигини, бу жойларда ўқтин-ўқтин қўзғолиб турадиган қум бўронларининг ҳалокатли эканлигини, йўлда сув масаласи асосий мушкулликлардан бирига айланишини тўла тасаввур қилмаган эдилар. Натижада экспедиция Хива яқинида ҳолдан тойган, пароканда бўлган бир аҳволда пайдо бўлади. Тез орада Россияда унинг тор-мор этилганлиги ҳақида хабарлар тарқалади.

Рус тарихчиси С.М. Соловьёвнинг ёзишича, ёйиқ казаклари сафидаги татар Аҳметов Хивадан қочиб келиб, у ерда Бекович-Черкасский ҳарбий экспедицияси бошига тушган барча воқеаларни сўзлаб беради. Унинг гувоҳлик берганига қараганда, Бекович-Черкасский 1717 йилнинг август ойида Хивага олти кунлик йўл қолганда Дарё деб аталувчи оқар сув яқинидаги бир кўлча атрофига келиб жойлашади. Кўлнинг олд ва ён томонларида бир кечалаёқ тупроқдан истеҳкомлар барпо этилади. Эртаси саҳарда Хива аскарлари бу ерга етиб келадилар. Хивадан келган суворий ва пиёдалар камонлардан ўқ узиб ҳужум бошлайдилар. Уч кун ичида казаклардан талайгина киши ҳалок бўлади. Тўртинчи кун хон Бекович-Черкасскийга яраш таклифи билан

1. *Ўша жойда.*

одам юборади. Унинг номидан келган хивалик эътиборли вакиллар рус аскарларига зарар етказмаслик ва тинч келишувга амал қилишга ваъда берадилар. Шундан сўнг Бекович-Черкасский совға-саломлар билан хон ҳузурига ташриф буюради. Хон унга рус аскарларини барчасини биргина Хивага жойлаштириш ва бошлана билан таъминлаш қийинлигини айтиб уларни бўлиб-бўлиб хонликнинг олтита шахри хонадонларига жойлаштириш таклифини ўртага ташлайди. Бекович-Черкасский бунга розилик билдиради. Шундан сўнг рус харбийлари тўпу тўпхоналари билан бир неча гуруҳларга бўлиниб, Хива аскарлари билан биргаликда белгиланган манзиллар сари равона бўладилар. Жумладан, Ахметов хизмат қилган 240 кишилик ёйиқ казаклари ҳам минг кишилик Хива суворийлари ҳамроҳлигида белгиланган жойга жўнайдилар. Улар чўлда биринчи кечани осойишта ўтказадилар. Аммо эртаси саҳар пайтида хиваликлар казакларни гуруҳларга бўлиб, қўл-оёқларини кишанлайдилар, буюмлари ва отларини тортиб оладилар ва асир сифатида қўриқлаб йўлни давом эттирадилар. Ахметовни эса қўйиб юборадилар. У Хивага келиб карвон саройга жойлашади ва у ерда рус аскарлари сафида бўлган қалмиқ Бахшидан бошқа тафсилотларни эшитади. Қалмиқ Бахшининг ҳикоясига қараганда, Россия тасарруфида бўлган қалмиқ хони Айиқ Бекович-Черкасский экспедицияси бошланиши арафасида Хивага келиб кетган ва Хива хонига бу харбий экспедициянинг асл мақсади нимадан иборатлиги ҳақида маълумот берган. Бу ҳол Хива ҳукмдорини ўз юртини сақлаб қолиш йўлида қатъий чоралар кўришга ундаган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Қалмиқ Бахшининг таъкидлашича, Хива хони Шерғозихон рус қўшинини олти бўлакка бўлиб, ўз харбийлари ихтиёрига топширгач, ўзи князь Черкасский билан пойтахтгача бирга келган ва унга сафар вақтида навозишлар кўрсатган. Аммо Хивага келгач, уни дарҳол қатл эттириб, калла терисига сомон тиқтирган ва шаҳар дарвозаси тепасига осиб қўйишни буюрган. У билан бирга келган Астрахань дворяни Михайло Замонов ҳам шундай жазога лойиқ кўрилган¹. Шу тарзда Россия харбий экспедицияси Хива остоналарида мутлақ тормор келтирилган.

1. Соловьев С.М. История. и. IX, с. 350-351.

Хива хони Шерғозихоннинг бу курашда голиб чиқиши ва ўз юрти мустақиллигини сақлаб қолишда у ишлатган ҳарбий ҳийла, юқоридаги воқеалардан кўриниб турибдики, унга катта имкон яратган. Акс ҳолда тиш-тирноғигача қуролланган ва турли жангу жадалларда чиниққан, Оврупо ҳарбий услубида таълим олган бу мунтазам кўшинга Хиванинг қарши туриши, айниқса, унинг устидан узил-кесил ғалабага эришиши анча мушкул эди. Бу тўқнашувда хиваликларнинг жуда усталик билан ҳарбий ҳийла ишлатиб хавф-хатардан қутулиб қолганликлари Хивада битилган тарихий қўлёзма асарлар саҳифаларидан ҳам ўрин олган. Масалан, Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол”ида бу ҳақда қуйидагиларни ўқиймиз: “Товуқ йили ўрус тўраларидан Давлат Гирей ва Андрей Губернот ўттиз минг ўрис била Шайх Жалил тоғким олтин ва қумуш маъданидур, анинг орзуси била балким Хоразм фатҳининг тамонноси била Орол худудига нузул қилди. Хон кўнғирот Қулмуҳаммад оталиғ ва найман амир Аваз иноқни жунуди номаъдуд била мудофаага номзод этти. Алар Давлат Гирей била гургошти қилиб, зиёфат баҳонаси била аъдойи миллати байзони меҳмонхонайи асфала ас-софилинга етқурдилар.

Маснавий:

*Агар ишинга пайсал берса тадбир,
На ҳожат тортмоқ ул ишда шамшир.
Басе мулк очди Скандар ҳиялдин,
Ки очилмас эрди разму
Жадалдин.
Балё тадбир эрур давлат нишони,
Кўлидин бермас аҳли давлат они”.*

Россия ҳарбий экспедициясининг Хива остоналарида тор-мор

1. Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқишунослик институти қўлёзмалар фонди, рақам 5364/1, 32 а бет. Бу асарда Хивага қарши юришга қатнашган кишиларнинг сони ошириб кўрсатилганга ўхшайди. М.С. Соловьевдан биз келтирган рақамлар билан унинг ўртасида катта фарқ бор. Уз асарида ушбу масала юзасидан фикр билдириб ўтган Н.И. Веселовский ҳам рус кўшинининг умумий сони 6655 кишидан иборат эди, деб ёзган. Бу рақам С.М. Соловьевдаги фактларга тўғри келади. Қаранг: Н.И. Веселовский. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве. СПб., 1877. с. 169.

келтирилиши, табиийки, Петербургда катта шов-шувга сабаб бўлди. Расмий доираларда “ёввойилар”ни жазолаш, Хивага қарши янгидан юриш уюштириш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирила бошланди. Икки ўртадаги савдо-иқтисодий муносабатлар сезиларли даражада сусайиб кетди. Хива хонлигидан Россияга борган савдогарларга нисбатан жойларда ноҳақ муносабатда бўлина бошланди.

Айни вақтда, Петр I Бухоро хонлигига махсус элчи йўллаб, унга Туркистоннинг бу давлати билан Хива ўртасига раҳна солиш, Хивани яққалаб қўйиш ва пировард натижада ҳар иккала хонликни ҳам осонгина қўлга киритиш режаларини тузишни топширади. Бу элчи италиялик Флорио Беневини эди. У 1718 йилда, бу воқеадан бир йил олдин Бухородан Петербургда элчи сифатида борган Қулибек Тўпчи боши билан биргаликда, Астрахандан Каспий денгизи орқали Шемаха ва Гилон вилоятдан Казвин ва Техронга, сўнгра Хирот орқали Бухорога кириб келади. Бу элчилик Бухоро ва Эрон ўртасида ўша йиллар мавжуд бўлган можаролар туфайли қарийб бир йилча Шемахида туриб қолганлиги учун, у Бухорога 1721 йилда келганди. Флорио Беневини анча ўқимишли одам бўлган. Унинг Бухорога элчи сифатида юборилишини Э. Олворт “ҳукумат ўша вақтда малакали рус вакилини топа олмаган ёки Петербург ўз дипломатини хавф-хатар остига қўйишни истамаган бўлса керак”, деб изоҳлайди¹. Бунга қўшилиб бўлмайди. Чунки Петр I саройида ўз вақтида бу каби вазифаларни бажаришга шай турган жуда қўп хорихликлар хизмат қилганлиги маълум. Беневини ҳам шулардан бири бўлган. Бу узоқ сафарга қизиқишда эҳтимол, ундаги авантюристлик сажия ҳам сабаб бўлгандир.

Флорио Беневинига Туркистонга доир ҳарбий ва дипломатик маълумотлар йиғиш, айниқса Хивага қарши Россия-Бухоро иттифоқини ташкил этиш, бу хонликлар билан уруш бўлган тақдирда қанча аскар ва тўпларни ишга солиш мумкинлиги, уларнинг жойлашган ерларини аниқлаш вазифаси юклатилганди. У Бухоро ҳукмдори Абулфайзхонга (1711-1747) махсус рус отрядини таклиф этиши ҳамда Туркистон ўлкасида олтин захиралари мавжуд жойларни ўрганиши ҳам лозим эди.

Флорио Беневини Бухоро хонлигида қарийб уч йилча туриб

1. Эдвард Олворт. Ҳозирги ўзбеклар. 99-бет.

қолади, яъни 1721-1724 йиллар ичида бу ерда фаолият кўрсатади. Абдулфайзхонни қўшниси Хивани қўллаб-қувватламасликка кўндиради. Унинг камердинери Н. Минер савдогар ниқоби остида бир неча бор Ҳирот, Балх ва Бадахшонга бориб келади. У ўз хўжасининг куръери сифатида Беневини тўплаган ахборотларни бу орада Петербургга ҳам етказади¹.

Бунинг устига Шимолий урушдан қутулган Петр I жадал суръатда Каспий флотилиясини кучайтириш ва денгиз қирғоғидаги қуруқлик кучларини кўпайтириш ишига киришиб кетади. Натижада 1722 йил ёзига келиб Эроннинг Кавказ чегаралари билан туташ рус вилоятларида мунтазам пиёда қўшинлари, драгун отлик аскарлари, казак, қалмиқ ва кабардалардан иборат 50 минг кишилик ҳарбий куч шайлаб қўйилади². Тўғри, бу кучлар, асосан, Эронга қарши қаратилган эди. Аммо лозим бўлган пайтда улар Хивага қарши ишлатилиши ҳам эҳтимолдан холи эмасди.

Шу тарзда Хива учун ғоят хавфли бир вазият вужудга келганди. Унинг ҳукмдори Россиядек катта ҳарбий салоҳиятга эга бўлган бир давлат билан юзма-юз кела олмаслигини яхши тушунарди. Шунинг учун ҳам Шерғозихон кўп ўтмай Петербургга элчилик юбориб, ўртадаги совуқчиликни юмшатишга, Бекович-Черкасский ҳарбий экспедициясидан қолган асирларни Россияга қайтиб беришга қарор қилади. Айни вақтда, у элчиликка юз берган воқеаларни баён этиб бериш ва бўлган англашилмовчилик учун айб Хива томонида эмаслигини изҳор этишни топшириб, элчи қўлига ўз номидан Петр I га ёзилган махсус нома ҳам топширади.

Шерғозихон элчиликка бошлиқ қилиб ўзининг яқин аъёнларидан бири, иш кўрган ва зукко Аваз Муҳаммадбекни тайинлайди. Элчилик 1720 йилнинг май ойида Астраханга етиб келади. Ўрнатилган тамойилга мувофиқ Аваз Муҳаммадбек Астрахан губернаторига ўз ваколати ҳақидаги ҳужжатлар ва Шерғозихоннинг император номига ёзган мактубини топширади. Хон мактубида қуйидагилар битилган эди: “Илгарилар биз Сиз билан дўстона алоқада эдик, ҳозирда ҳам шундай бўлишини истаймиз. Аммо Сиз ва бизнинг орамиздаги ана шу дўстона алоқаларга раҳна тушди ва унга қуйидаги воқеа сабаб бўлди:

1. Попов А.Н. *Сношения России с Хивой и Бухарою*. СПб, 1853. с. 65.

2. Лысов В.И. *Персидский поход*. с. 6-7.

бизга Давлат Гирейнинг элчи бўлиб келаётгани ҳақида хабар етди ва биз бундан хушнуд бўлдик. Сўнгра эшитдикки, Давлат Гирей бизнинг улусларда шаҳарлар қуриш ниятида экан. Биз унга буни тақиқладик, лекин у қулоқ осмади ва шаҳар қурди. Шундан кейин у бизга элчи йўллаб, катта Дарёдан қўшин билан ўтиш учун кўприк қуриш ниятида эканлигини билдирди ва биздан от уловлар юборишни талаб қилди. Биз ана шу масалалар бўйича музокаралар олиб бориш учун элчи юбордик, аммо Давлат Гирей одамлари уни ҳақоратладилар ва боғлаб қатл этмоқчи бўлдилар. Элчимиз келиб, Давлат Гирей элчи сифатида эмас, балки шаҳар қуриш учун келган экан, деган хабарни етказди. Биз Давлат Гирейга яна ўз кишиларимизни юбордик, аммо у уларни яқинлаштирмай тўплардан ўққа тута бошлади. Жанг бўлди. Ўшанда бизнинг кўп одамларимиз ҳалок бўлди, бизникилар ҳам кўп русларни ўлдирдилар. Давлат Гирейни ҳар хил тоифадаги рус одамлари билан менинг ҳузуримга келтирдилар. Тирик қолган русларни биз, Сиз улуғ давлатпаноҳ уларни хоҳиш билдирсангиз, қайтариш ниятида ўзимизда сақлаб турибмиз, чунки Сиз билан уруш қилиш бизнинг хаёлимизда йўқ”!

Ўша йили август ойининг охирида ташқи ишлар коллегиясидан Астрахан губернаторига элчини Петербургга юбориш ҳақида фармойиш келади. Унда Хива элчисини озиқ-овқат ва от-улов билан таъминлаган ҳолда маҳбус сифатида қўриқлаб пойтахтга жўнатиш лозимлиги, шу мақсадда бир зобит бошчилигида етарли даражада аскар ажратиш, қўриқчиларга элчининг қочмаслиги учун ҳушёр бўлишни уқтириш, бу ҳолни элчининг ўзига ҳам айтиб қўйиш таъкидланганди. Фармойишда бу тadbирлар Хива хонининг унга элчи сифатида юборилган Черкасскийга нисбатан душманларча иш кўрганлиги туфайли амалга оширилаётганлиги айтилганди.

1721 йилнинг бошида Хива элчиси юқоридаги алфозда Петербургга олиб келинади. Ташқи ишлар коллегиясига келтирилиб, бу ерда вазирлар ҳузурида сўроқ қилинади. “Сенга хон оғзаки нималарни етказишни буюрганди”, дейишади улар. Бунга жавобан элчи: “Хон менга подшоҳ олий ҳазратларига

узоқ вақтлардан буён Россия ва Хива ўртасида ўзаро ҳурмат ва савдога асосланган муносабатлар барқарор бўлганлигини ва баъзи воқеалар туфайли улар барҳам топганлигини, аммо ўша ўзаро ҳурмат ва савдонинг қайтадан ўрнатилиши истагида эканлигини билдиришни буюрди”, дейди. “Биз ўйлаймизки, бутун ёруғ жаҳонда ва ҳеч қайси қонунда элчини ўлдириш таомили йўқ, нима сабабдан сизлар подшоҳ ҳазратларининг элчиси князь Черкасскийни гуноҳсиз қатл эттирдингиз?”, дейишади вазирлар. “Тўғри шундай қилинди, - деб жавоб беради элчи, - аммо у бизга элчи сифатида эмас, балки душман сифатида келиб, (бизнинг сарҳадларимизда) шаҳар барло қилди, унда 8000 аскар қолдирди. Сўнгра биз томонга отланди ва Хивага бир неча кунлик йўл қолган жойда бизнинг аскарларимиз билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Унинг қолган одамлари ҳозиргача Хива сарҳадларида турибди ва хон уларнинг барчасини қайтиб бериш ниятидадир”. “Сенинг хонинг, - дейишади бунга жавобан вазирлар, - илгари подшоҳ ҳазратларига мурожаат қилиб, савдо-сотикни ривожлантириш мақсадида шаҳар қуришни сўраган эди, сўнгра эса шундай буюк ҳукмдор шаънига тегадиган иш қилди - унинг элчисини гуноҳсиз қатл этди. Эҳтимол, сенинг ўз хонинг олдида гуноҳинг бордир ва князь Черкасский учун осиб ўлдиришимизни истаб, бу ерга юборгандир?”, “Ихтиёр сизларда, - дейди элчи, - аммо хон мени ўзаро ҳурматда бўлиш ва барча асирларни қайтиб бериш ниятида эканлигини етказиш учун юборган”¹.

Аммо, ана шу тарзда давом этган сўроқ натижаси Хива элчиси фойдасига ҳал бўлмайди. Ташқи ишлар коллегиясида йиғилган вазирлар уни гуноҳкор сифатида ҳибсга олиш ҳақида ҳукм чиқарадилар. Элчи шу ердан тўппа-тўғри қамоқхонага жўнатилади. Орадан кўп ўтмасдан у ерда Аваз Муҳаммадбек номаълум сабаб билан вафот этади. Тахмин этиш мумкинки, рус аъёнлари князь Черкасскийнинг ўчинини олиш учун императордан уни қатл этиш ҳақида фармойиш олганлар ва бу фармон қамоқхонада ижро этилган. Шу тарзда улар юқоридаги сўроқ вақтида ўзлари таъкидлаган “элчига ўлим йўқ” шиорига хилоф иш тутганлар.

1. *Ўша асар, 354-бет.*

Петербург бу воқеанинг Россия-Хива муносабатлари учун салбий таъсир кўрсатишини яхши тушунарди. Шунинг учун бўлса керак, Хива элчисининг шерикларига ўз ватанларига қайтишга рухсат берилади ва улардан бирига канслер ва унинг ёрдамчиси имзоси билан подшоҳ номидан битилган ёрлик топширилади. Унда Аваз Муҳаммадбекнинг ўз ажали билан вафот этганлиги (қатл қилинганлиги эмас) билдирилиб, Хивадаги рус асирларини озод қилиш ҳақидаги талаб олға сурилганди. Шерғозихон масаланинг моҳиятини дарҳол англайди, албатта. Шунинг учун бўлса керак, 1722 йилнинг январиди бу ердан ўз юртига қайтган собиқ ёйиқ казакнинг маълумотига қараганда, Хива хони бу ёрликни ўқиб чиққач, газабдан оёқ остига олиб тепкилаб ташлайди¹. Шунга қарамасдан, Шерғозихон Россия билан яхши алоқаларни тиклашга уринади. Шу мақсадда у Бухорода элчи сифатида бир неча йилдан буён иш кўриб келаётган Флорио Беневинининг ўзига ёзган махфий хатларига хайрихоҳлик билан қарайди ва жавоб мактубларидан бирида уни Хивага таклиф этади. Аммо рус элчиси Бухоро-Хива муносабатларининг бузилганлиги туфайли (бунга унинг ўзи ҳам маълум даражада сабабчи бўлганди) Бухоро ҳукмдори Абулфайзхондан расмий розилик ола олмайди.

Шундан сўнг у Бухорони яширинча тарк этиб, Хивага етиб келади ва 1725 йилнинг август ойида Шерғозихон қабулида бўлади. Аммо ўз бузуқ ниятларининг ошкора бўлиб қолишидан чўчиган Флорио Беневини бу хонликдан ҳам махфий ҳолда чиқиб кетиб, Гурьев орқали Петербургга етиб келади. Етти йиллик сафаротдан қайтган рус элчиси император саройида катта иззат ва эътибор билан кутиб олинади. У ўзининг расмий ахборотида Туркистондаги олтин захиралари ва унинг сарҳадларидаги давлатларнинг ҳарбий қуввати ҳақида батафсил маълумотлар келтиради. Элчи Россия императорини сиёсий жиҳатдан нотинч Бухоро ва душман Хива хонликларига қарши тездан ҳарбий юриш уюштиришга ундайди ва уни бу ишнинг муваффақият билан якунланишига ишонтиришга катта куч сарфлайди². Аммо 1725 йил январда Петр I ўлгач, Россия императорининг бошқа қатор ҳужумкорлик ниятлари қаторида

1 *Уша жойда.*

2 *Эдвард Олворт, Ҳозирги ўзбеклар. 100-бет.*

Флорио Беневини жон куйдирган бу масала ҳам Петербург саройида кўзголган ички зиддиятлар қаърида йўқ бўлиб кетади.

Россия империясининг Туркистон сарҳадларига уюштирилган дастлабки ҳарбий хуружи ана шу тарзда ўз якунини топади.

2. Поручик Субҳонқулов миссияси

XIX асрнинг дастлабки йилларида Ўрта Осиё минтақасидаги хонликлар билан Россия империяси ўртасидаги муносабатлар, Россиянинг асосан Оврупо қитъасидаги мураккаб сиёсий вазият билан банд бўлганлигидан, маълум тарзда сустлашиб қолганди. Тўғри, Россия Кавказ учун Эрон билан уруш олиб борар (1804-1813), ammo икки давлат ўртасидаги бу қуролли тўқнашув ҳам Овруподаги катта сиёсатнинг инъикоси сифатида у ёки бу воқеликлар туфайли гоҳ кучайса, баъзан танаффуслар билан давом этарди. Россия Туркистон хонликлари билан олиб борган алоқаларида асосан хонликларнинг Эрон билан биргаликда унга қарши иттифоқ тузишидан чўчиганидан, бу ерга савдо карвонлари билан юборилган хуффиялар орқали¹ бундай хавф-хатар йўқлигига ишонч ҳосил қилган ва шунинг учун ҳам хонликлар билан алоқалар юритишни Оренбург ҳарбий губернаторлигига юклаб қўйганди. Оренбург ҳарбий губернатори савдо карвонлари ҳаракатларини кузатиб борар, Ўрта Осиёдан Россияга йўлланган элчиларни Петербургга ўтказиш-ўтказмаслик масаласини ҳал қилар, кўпгина ҳолларда у ёки бу муаммо юзасидан хонликлар ҳукмдорларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш одатини қарор топтиришга ҳаракат қилар эди. Бу вақтда, асосан, икки масала устида баҳс-мусохаба олиб борилганлиги кўзга ташланади. Улардан бири - йўлга чиқиб, саҳрода қароқчилар ҳужуми туфайли талон-торож этилган савдо карвонлари масалаларига тааллуқли бўлса, иккинчиси Россиядан қочиб Бухорода бошпана топган сохта пул ясовчи Хамитов ва унинг шериклари фаолияти билан боғлиқ масалалардан иборат бўлган.

Ҳар икки масала юзасидан олиб борилган музокараларнинг натижалари Оренбург маҳаллий ҳукумати тарафидан Россия

1. Қаранг: Маннонов Б. Нодиршоҳнинг зурёдини топинг..., Шарқшунослик. 2., 1991. 90-102-бетлар.

ташқи ишлар вазирлигига изчил суратда ахборот тарзида етказилиб турилган. Аммо бу музокаралар асносида томонларни баравар рози қиладиган хулосаларга келиш қийин эди. Чунки кўпчилик ҳолларда ихтилофли масалаларда Россия маъмурлари ва хонликлар вакиллари фақат ўзларинигина ҳақ деб билардилар. Шундан бўлса керак, Бухородан 1805 йилда Петербургга юборилган элчи, гарчи у Россия маъмурияти талабига биноан сохта пул ясовчи Ҳамитов ва унинг шериклари ихтиёрида бўлган асбоб-ускуналарни олиб келган бўлса-да, қўйилган талабнинг фақат бир қисмигина бажарилганлиги учун унинг ҳужжатлари расмий эмас, деган баҳона билан орқасига қайтариб юборилади¹.

Оренбург ҳарбий губернатори бу ҳақда Россия ташқи ишлар вазирлигига ёзма ахборот йўллайди, албатта. Пойтахтдагилар унинг ушбу хатти-ҳаракатини оқлаш учун Бухоро амири номига ташқи ишлар вазирлигининг махсус тушунтириш хатини тайёрлашади.

Россия ташқи ишлар вазири А.Я. Будберг 1806 йил 19 ноябрда Бухоро амири Мир Ҳайдар номига битилган ва подшоҳ назаридан ўтказилган ушбу мактубда 1805 йилда Оренбургга Бухоро элчилари сифатида икки савдогар - Мирзабек Аллаёров ва Гофуржон Наврўзжоновларнинг келганлигини ва улар Оренбург ҳарбий губернатори Г.С. Волконскийга сохта пул ясовчи Валит Ҳамитовдан мусодара қилинган асбоб-ускуналарни топширганини билдиради. Аммо элчи сифатида ўз миссияларини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлмаганликлари учун қабул қилинмаганлигини ва бундан буён юбориладиган шахслар элчилик ваколатини тасдиқловчи расмий ҳужжатларга эга бўлгандагина ва сохта пул ясовчилар рус маъмурларига топширилган тақдирда Россия маъмурлари уларни ҳурмат-эҳтиром билан қабул қилишлари мумкинлигини баён қилади. Айни вақтда Россия ташқи ишлар вазири Бухоро билан дўстона муносабатларни ривожлантиришга тарафдор эканлигини билдириб, бундан кейинги элчилик алоқаларида “қай тарздаги ҳужжатлар

1. *Внешняя политика России XIX начала XX века. Документы российского Министерства иностранных дел. Серия первая. 1801-1815 гг. Том четвертый. Изд-во полит. лит-ры. Москва, 1965, с. 126.*

кераклиги” ҳақида келишиб олиш лозимлигини таъкидлайди. Будберг худди шундай мазмундаги хат билан Бухоро амирининг бош вазирига ҳам мурожаат қилади ва унда сохта пул ясовчиларни рус маъмурларига топшириш ҳақидаги талабни яна бир карра такрорлайди. Подшоҳ назаридан ўтган бу иккинчи мактуб 1806 йил 29 ноябрда битилган эди¹.

Оренбург ҳарбий губернатори Г.С. Волконский 1807 йил баҳорида ушбу мактубларни ўз ишончли одамлари билан Бухоро ҳукмдорига йўллайди. Россия ташқи ишлар вазири Будбергнинг хатлари билан бирга ҳарбий губернатор ўз номидан ҳам амир Ҳайдарга махсус мактуб билан мурожаат қилади. 1807 йил 20 мартда битилган ушбу мактубда у юқоридаги масалалар юзасидан фикр юритиб, Мир Ҳайдардан сохта пул ясовчини ва унинг шерикларини зудлик билан Россия маъмуриятига топширишни талаб қилади².

Бухоро ҳукмдори амир Ҳайдар Оренбург ҳарбий губернаторига 1807 йил август ойида йўллаган жавоб мактубида Россиянинг бир вилояти ҳокими билан мустақил давлат ҳукмдори бевосита музокаралар олиб бориши мумкин эмаслиги, ҳарбий губернатор мактубида кўтарилган масалалар юзасидан амирга фақат бевосита Россия подшоси мурожаат қилиши лозимлиги ҳақида, умуман, давлатлараро муносабатларда қадимдан барча риоя қилиб келган умумий қонун-қоидаларга амал қилиш кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар баён этилганини кўрамуз. Чунки, Россия вилоятларидан бири - Оренбург ҳокими Туркистондаги давлатларни писанд қилмаслик йўлини тутган ва уларнинг ҳукмдорлари билан барабар мавқеда туриб дипломатик муносабатлар юритишга ҳаракат қилган эди. Бухоро амири Ҳайдар ўзининг ана шу мактуби билан давлатлараро қонун-қоидаларга риоя этиш масаласини эслатиб, унга танбеҳ бериш билан бирга халқаро миқёсда Бухоро амирлигининг мустақил давлат сифатида обрў-эътиборини сақлашга нақадар катта эътибор бериб келганлигини ҳам намоён этади. Туркистон давлатчилиги тарихи учун катта аҳамиятга молик бўлган ушбу

1. *Ўша осар, 580-бет.*

2. *Ўша жойда.*

мактубнинг асл нусхаси бизгача етиб келмаган, аммо унинг рус тилидаги таржимаси Россия ташқи ишлар вазирлиги архивида сақланиб қолган. Бу эътиборли ҳужжатда, жумладан, қуйидагилар битилган: “Оренбург ҳарбий губернатори князь Григорий Семеновичнинг Мулло Ёмғир ва Мулло Абдил Носир¹ нўғайлар орқали юборилган мактуби бизга етиб келди. Аммо биз унга жавоб ёзишни лозим топмадик. Чунки икки давлат ўртасида кўтарилган бу масала юзасидан биз томонимиздан аллақачонлар жавоб хати ёзилган ва у муътабарли ва юксак шон-шавкатли умумроссия императори эътиборига ҳавола этилган. Агар ул жаноби олийларидан мактуб келса, биз жавоб ёзиб жўнатурмиз. Сен эса шуни билгилки, агар Оренбург ҳарбий губернатори иккала давлат орасидаги ишлар юзасидан фикр билдирмоқчи бўлса, у бундан буён бизнинг эътиборли ва юксак мартабали, ишончли вакилимиз Муҳаммад Ҳакимбий Девонбеги билан алоқа ўрнатиши ва ундан жавоб олиши мумкин. Чунки, қадим замонлардан буён ўрнатилган қонун-қоидага мувофиқ, ҳукмдор ҳукмдорга, вазир вазирга, ҳоким эса фақат ҳокимга хат билан муурожаат қилиб келган. Бу таомилга ҳамма вақт амал қилиб келинмоқда.

Мактуб 1222 йилнинг жумаду-с-соний ойида битилган. Бу ернинг йил ҳисобида 1807 йил август ойи. Сиёҳ билан босилган муҳрда Мир Ҳайдар номи ёзилган”².

Бу мактубни олгач, Оренбург генерал-губернатори Г.С. Волконский Россия ташқи ишлар вазирлиги бошқарувчиси Н.П. Румянцевга 1807 йил 18 ноябрда ёзган ахборотига “Бухоро хони юборган хатни ҳам илова” қилиб Петербургга жўнатар экан,

1. Бу мактубда номи зикр этилган мулло Ёмғир ва мулло Абдул Носирлар афтидан савдо қарвони билан Бухорога юборилган. Улар Оренбург ҳарбий губернаторининг вакиллари сифатида иш кўришган. Улардан бири - Мулло Абдул Носир орадан икки йил ўтгач Бухорога Россиянинг расмий элчиси сифатида юборилган поручик Субҳонқулов бўлиши керак. Буни шундан ҳам билса бўладики, у элчилик сафаридан Петербург учун ёзган билдиргиси (рапорт) охирига араб имлосида “Бошқирд аскарлари поручиги Абдул Носир Субҳонқул ўғли” деб имзо чеккан. Қаранг: ЦГА Уз., ф. 6, оп. 10. Канцелярия Оренбургского военного губернатора, д. 291. О командировании ханского письмоводителя Субханкулова в г. Бухарию, л. 277.

2. Внешняя политика России. с. 580-581.

унинг мазмунига ишора тарзида “Хон фақат имератор ҳазратлари билан бевосита алоқа юритиш ниятини ёзган”, дейиш билан чекланмасдан, Бухоро томони қимматбаҳо тўхфалар илинжида Россияга келаётган турли тоифадаги одамларни ҳам элчи тарзида қабул қилишга даъво қилиб келаётганлигини, Мир Ҳайдар эса “Подшоҳ ҳазратларига мактуб юборганлигини айтиб, ундан жавоб кутаётганлигини”, ваҳоланки, у “Император ҳазратларига ҳеч қандай мактуб юбормаган”лигини ёзади. “Чунки, - деб таъдиклайди у, - шу пайтга қадар менинг воситачилигимда Бухоронинг биронта ҳам хати император ҳазратларига юборилгани йўқ. Фақат 1805 йил 24 июлда Оренбургга келган ва ўзини Бухоро элчиси деб таништирган Бухоро мансабдори девонбеги Ғофуржон Наврўзжоновдан олинган, аслида хат эмас, балки император ҳазратларига йўлланган, аммо ҳеч қандай расмий кучга эга бўлмаган Ёрлиқнинг нусхасини ташқи ишлар вазирининг ёрдамчиси князь Черторижскийга жўнатган эдим. Бу ҳужжат Ғофуржон ва унинг ҳамроҳи Мирзобекларнинг элчилик ваколатларини тасдиқловчи расмий далил сифатида қабул қилинмаганлиги сабабли улар Бухорога қайтариб юборилади”¹.

Ушбу махфий ахборотида Г.С. Волконский яна бир карра сохта пул ясовчи тептар (татар) Валит Ҳамитов ва унинг шерикларининг Бухорода паноҳ топганлигини ҳамда уларни Россияга тутиб бериш ҳақида Бухоро ҳукумати билан 1804 йилдан буён узлуксиз ёзишмалар олиб бораётганлиги, аммо бундан қутилган натижа чиқмаётганлиги, Бухоро хони Оренбургга фақат сохта пул ясашда қўлланадиган асбоб-ускуналарни юбориш билан чекланганлигини изҳор қилиб, Бухоро томони бу масалада фирромлик йўлига ўтганлиги ҳамда ҳаддан зиёд манфаат кутаётганлигини эътиборга олиб, ҳозирча бу ҳақда музокаралар юритишни қулай фурсат келгунча тўхтатмоқ лозимлигини маслаҳат беради. Айни вақтда, у ана шу масалада Петербургни хотиржам қилиш мақсадида, “бутун Оренбург чегара чизигида сохта пулларнинг биз томондан ўтмаслигини таъминлайдиган қаттиқ чора-тадбирлар кўрилган”лигини таъкидлайди².

Бу ерда аслида гап юқорида номлари зикр этилган элчиларнинг

1. *Ушо асар, 127-бет.*

2. *Ушо жойида.*

ваколатини тасдиқловчи ҳужжатларда эмасди, албатта. Улар Россия томонидан қуйилган талаб - сохта пул ясовчи ҳамда унинг шерикларини олиб келишмаган ва Бухоро улар орқали сохта пул ясовчиларнинг асбоб-ускуналаринигина юбориш билан чекланган эди. Фикримизча, ана шу сабабдан рус маъмурлари юқоридаги кимсаларнинг элчилигини тан олмайди ва Оренбург генерал-губернатори уларни пойтахтга юбормаслик йўлларини қидиради. Аслида эса Бухоро амири Мир Ҳайдарнинг хатида айтилган гап, яъни Россия императорига расмий жавоб ҳам мавжуд бўлган. Бу Г.С.Волконскийнинг Н.П. Румянцевга ёзган хатида эсалатилган ва 1805 йил 24 июлда Черторижскийга жўнатилган Ёрликдир.

Оренбург генерал-губернаторининг ушбу мактубида Бухоро ҳукмдори ва унинг ноиблари дипломатия соҳасидаги сиёсатига нисбатан билдирилган салбий фикр-мулоҳазаларига келсак, улар Бухоро амири Ҳайдарнинг унга йўллаган танбеҳона хати таъсири остида намоён бўлганлиги кўзга ташланади.

Г.С.Волконскийнинг пойтахтга юборган ушбу ахбороти, Мир Ҳайдарнинг мактуби Россия ташқи ишлар вазирлигида ҳар томонлама муҳокамадан ўтади. Натижада ҳукумат доираларида Россиянинг Ўрта Осиё хонликларига нисбатан олиб бораётган сиёсатининг пировард мақсадларини назарда тутиб, улар билан, жумладан, Бухоро амирлиги билан яхши муносабатларни давом эттириш, бу давлатларни ҳар томонлама ўрганиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланишга қарор қилинади. Шу мақсадда, Мир Ҳайдарнинг мактуби бу ерда маълум норозиликка сабаб бўлса-да, унга йўриғлик билан жавоб қайтариш лозим топилади ва Бухоро амирига бевосита император номидан мактуб йўллашга қарор қилинади.

Император Александр I номидан тайёрланган расмий Ёрлик 1808 йил 20 августда имзоланиб, ташқи ишлар вазири граф М.П. Румянцевга топширилади. Вазирлик ўз навбатида уни зудлик билан Оренбург ҳарбий губернатори Г.С.Волконскийга етказди. Ушбу Ёрликқа биноан Оренбург ҳокими ўз ходимларидан бирини элчи қилиб тайинлаши ва у орқали бу муҳим ҳужжатни Бухоро ҳукмдорига олиб бориб топшириши керак эди. Шу мақсадда Г.С. Волконский Бухоро хонлигидаги сиёсий вазиятни ҳисобга олиб, элчиликка ўз хизматида бўлган бошқирд

мусулмон офицерларидан бири поручик Абдул Носир Субҳонқуловни тайинлайди. Россия императори имзоси билан битилган қуйидаги Ёрлиқ унинг қулига берилади.

“Александр I нинг Бухоро хони Мир Ҳайдарга йўллаган Ёрлиғи (Грамота). 1808 йил 20 август.

Бухоро мулкининг ҳукмдори Мир Ҳайдархонга бизким, император ҳазрати олийнинг табриклари бўлсин. Фуқароларимизнинг Сиз жаноби олийлари ихтиёридаги вилоятлар ҳамда уларга қўшни ерлар ва халқлар билан ўзаро фойдали савдони ривожлантиришга бўлган рағбатини ҳамда Сизнинг фуқароларингизнинг бу борадаги катта саъй-ҳаракатларини инобатга олиб, биз кавалерия генерали ва Оренбург ҳарбий губернатори князь Волконскийга ўз ихтиёридаги амалдорларидан бирини Сизнинг ҳузурингизга юбориши ҳақида фармойиш бердик. Бу тўғрида Сизга хабар йўллар эканмиз, бизким, буюк ҳукмдор, император ҳазрати олий, Сизнинг қадим замонлардан бизга бўлган ихлосмандлигингиз ва империяга дўстона хайрихоҳлигингизга ишонган ҳолда умид қиламизки, Сиз, юксак мартабали хон, ана шу ўзаро фойдали мақсаднинг рўёбга чиқишига хайрихоҳлик кўрсатиб, ҳузурингизга юборилган амалдорни илтифот билан қабул қилгайсиз ва унга имкон борича марҳамат кўргазгайсиз. Биз ўзимизнинг ушбу императорлик Ёрлиғимизни Сизга йўллаш ҳақида фармон берар эканмиз, аввало, юқорида зикр қилинганларни етказишни мақсад қилиб қўйган бўлсак, айтили вақтда ушбу Ёрлиқ Сиз ва Сизнинг давлатингизга билдирилган бизнинг илтифотли марҳаматимиз нишонаси ҳамдир.

Ёрлиқ Санкт Петербургда Христос таваллудининг 1808 йили ёзда 20 августда ва бизнинг подшоҳлигимизнинг саккизинчи йилида битилди”.

Россия ташқи ишлар вазирлиги архивида сақланган ушбу Ёрлиқнинг нусхаси (Бухорога жўнатилган асли бизгача етиб келмаган) охирида қуйидагилар битиб қўйилган: “Илова. Император олий ҳазратларининг барча рутбалари Ёрлиқ бошида энг йирик ҳарфлар билан санаб ўтилди. Асл нусхада ҳарбир хатбоши ҳарф турк султони вазирига ёзилган мактублардагидек катта ҳажмдаги ҳарфлар билан ёзилди. Императорнинг барча рутбалари олтин билан битилди. Хат охирида олий мақомли имзо

чекилди ва унга давлатнинг кичик муҳри босилди. Ёрликқа унинг форс тилидаги таржимаси илова қилинди. Ёрлик олтин суви билан жило берилган ғилофга солиниб, битилган куни, яъни 20-чида вазир граф Н. И. Румянцев маҳкамасига юборилди”¹.

Абдул Носир Субҳонқулов 1809 йил 17 октябрда Оренбургдан йўлга чиққан савдо қарвони билан Бухорога равона бўлади. Поручикка Россиянинг элчиси сифатида барча ваколатлар берилган эди. Унга императорнинг махсус Ёрлиғини Мир Ҳайдарга шахсан топшириш, ундан ташқари қушбегига ташқи ишлар ва савдо вазири Румянцев ва Оренбург генерал-губернатори Волконский номидан ҳам мактублар етказиш буюрилган эди. Умуман, Субҳонқулов зиммасига юклатилган вазифа кенг қамровли бўлиб, у Россия ҳукуматига Ўрта Осиёда уни қизиқтирган жуда кўп масалаларни ўрганиш ва улар ҳақида батафсил маълумот келтириши керак эди. Бу масалаларнинг нималардан иборатлиги эса Субҳонқуловга берилган махфий йўриқнома - инструкцияда ўз аксини топганди. 1809 йил 14 октябрда Оренбург ҳарбий губернатори Волконский томонидан элчига топширилган ана шу йўриқнома (инструкция)да қуйидагилар битилган эди:

“Бухорога сафарингиз вақтида Сиздан қуйидагиларга қаттиқ эътибор беришни ва аниқ бажаришни талаб қиламан:

1. Император ҳазрати олийларининг Бухоро ҳукмрони юксак мартабали Мир Ҳайдархонга йўллаган Ёрлиғи ҳамда Давлат канслери ташқи ишлар ва савдо вазири граф Румянцев ва менинг хатимни Бухорога етиб келгач, унинг ҳукмдорига топширинг ва уларга жавоб беришини кутинг;

2. Агар Бухоро ҳукмдори ёки унинг амалдорларидан биронтаси Сизнинг у ерга келишингиз сабабини суриштириб қолишса, Сиз фақат Олий рутбали Ёрлик ва хатларни топшириш учун келганлигингизни, ундан ташқари қарвон сарбонлари Россия маъмуриятидан савдо йўналишини аниқлаб олиш учун мени шахсан қарвонга қўшилиб боришимни илтимос қилганлар, деган жавобни беришни зинҳор унутманг;

3. Ундан ташқари, Сиз Россия ҳукуматининг Бухория билан ҳамиша муносабатлар тарафдори эканлиги, қирғизлар (қозоқлар) бундан кейин савдо қарвонларини таламасликлари учун Оренбург-

га чақирилиб, савдо карвонлари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида уларга маълум мажбуриятлар юклатилаётганлиги ҳақида гапиришингиз мумкин;

4. Бухорода бўлган вақтингизда Сиз унинг қайси шаҳарлар ва халқлар билан савдо-сотиқ олиб бориши, умуман, савдонинг давомийлигига алоҳида эътибор беринг;

5. Маълумки, Бухорияда яҳудийлар жамоаси истиқомат қилади. Сиз уларнинг ҳаёт тарзи ва касб-корлари билан қизиқинг;

6. У ердаги амалдорлар ёки бухоролик савдо аҳли билан бўлган суҳбатларда Аму ва Сир дарёлари орқали кемалар ёрдамида савдони ривожлантиришга уларнинг рағбатлари бор-йўқлигини аниқлашга уриниб кўринг;

7. Махфий йўллар билан сохта пул ясовчи жиноятчи Валит Хамитовнинг қаерда истиқомат қилишини, унинг озодликда юрган-юрмаганлигини, шерикларининг сони, уларнинг турар жойларини аниқлашга ҳаракат қилинг, шунингдек, махфий ҳолда Бухоро ҳукумати нима сабабдан уни ва ўртоқларини қайтариб бермаётганлигини билиб олинг;

8. Бухорога боришда ва қайтишда йўл-йўлакай қирғиз (қозоқ) оқсоқолларидан қайсилари ишончли ҳамда тўғри фикрли эканлигини ва карвонларни қўриқлаб боришга яроқли эканлигини, умуман, олий тожу тахтга садоқатлиларини аниқлашга ҳаракат қилинг;

9. Сафар вақтида ҳар икки томон йўлини билиб олиш мақсадида йўлда учраган яйловлар, тўхтов манзиллари, дарёлар ва кечув жойлари, ем-хашак захиралари, карвоннинг ҳар куни босиб ўтган аниқ масофаси ўлчови кабиларни атрофдагиларга сездирмай изчил ёзиб боринг. Шунингдек, Бухорияга бориш йўлида истиқомат қиладиган халқларнинг, жумладан, қорақалпоқларнинг Россияга нисбатан хайрихоҳлиги даражасини аниқлашга, уларнинг четараларга ҳужум қилиш ниятлари бор-йўқлигини билишга ҳам ҳаракат қилинг;

10. Хива ва Бухоро муносабатларининг ҳозирги ҳолати ҳақида маълумот йиғинг, улар ўртасида тўқнашувлар юз бераётгани ёки йўқми аниқланг, худди шунингдек, Форсистон (Эрон) ёки бошқа халқлар билан Бухория ўртасида низолар мавжудлиги ҳақида маълумотлар тўплашга ҳаракат қилинг”.

Йўриқнома-инструкцияда ҳарбий губернатор элчига ана шу айтилганларни махфий йўл билан аниқлаш вазифасини юклар

экан, сафардан қайтгач, ундан “уларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил ёзма маълумотнома” ёзиб топширишни талаб қилган. Шу билан бирга унда “агар топширилган вазифалар” бекамикўст бажарилган тақдирда “элчини катта мукофотлар кутаётганлиги, бу гап элчига ёрдамчи сифатида у билан бирга юборилаётган “бошқирд Раҳмонқуловга ҳам тааллуқли” эканлиги айтиб ўтилган¹.

Субҳонқуловнинг ёзишича, у Бухорога келгач, амир Ҳайдар қабулида бўлади ва қўлидаги Ёрлиқ ва хатларни унга топширади. 1810 йил 28 январда Мир Ҳайдар уни ўрдага таклиф этади. Унинг шаънига ташкил этилган зиёфатда Мир Ҳайдар элчига “Осиё нуқтаи назаридан қараганда анча-мунча қимматбаҳо совға-саломлар топширади”. Айни вақтда, амир унга Россия императорининг Ёрлиғига ҳам жавоб мактубини беради. Элчининг “давлат канслери ва Оренбург ҳарбий губернатори мактубларига ҳам жавоб берилиши лозим”лиги ҳақидаги илтимоси ерда қолдирилади. Унга ҳамма хатларга ёзилган жавоб “император ҳазрати олийлари Ёрлиқларига берилган жавоб мактубида ўз аксини топган”, деган баҳона рўқач қилинади.² Шу тарзда поручик генерал-губернатор Волконский унинг зиммасига юклаган “барча мактубларга жавоб олиб келиш зарур”лиги ҳақидаги сипоришни бажара олмайди.

Афсуски, Россия канслери граф Румянцев ва Оренбург генерал-губернатори Волконскийларнинг поручик Субҳонқулов орқали Бухоро амири Мир Ҳайдарга юборган мактублари мазмуни билан танишиш имконига эга эмасмиз. Бу мактубларнинг нусхалари бизнинг ихтиёримиздаги архив ҳужжатлари ичида учрамади. Фақат тахмин этиш мумкинки, ҳар иккала чор амалдорлари, Бухоро ҳукмдорининг оғоҳлантиришига қарамай, яна унга тўғридан-тўғри мурожаат этишган бўлса керак. Афтидан, шунинг учун уларнинг хатларига Мир Ҳайдар жавоб қайтаришни истамаган кўринади.

Аммо воқеаларнинг кейинги тафсилоти шуни кўрсатадики, амир бу хатларга жавоб қайтаришни лозим топмаган бўлса-да, элчининг бошқа масалалардаги илтимосларини инобатта олиб, уни қушбеги Ҳакимбий билан музокаралар олиб боришига шароит яратади. Бу музокаралар вақтида Субҳонқулов “сохта пул ясовчи Мулла Вали” ва унинг шерикларини Россияга қайтариш масаласини кўндаланг кўяди. Бу талабга, поручикнинг ёзишича, Ҳакимбий мусулмон одати

1. ЦГА Уз., ф. 6, оп. 10, д. 291, лл. 101-102.

2. Ушо асар, л. 138 об.

бўйича сохта пул ясовчини тирик қўйиб юбориб бўлмаслиги, у зиндонда сақланаётганлиги, агар Россия подшоси қадимий урф-одатларга биноан катта совға саломлар билан бу масала юзасидан Бухорога махсус элчилик жўнатса, у ҳолда жиноятчи ана шу элчилар кўз ўнгида қатл қилиниши мумкинлиги ҳақида гапиради. Аммо Субҳонқуловнинг ўз сафари натижалари ҳақида ёзган билдиргисида (рапортида) у бу суҳбатга қадар сўраб-суриштиришлар орқали “Мулла Валининг зиндонда эмас, балки яхши жиҳозланган, аммо деразасиз бир хонада истиқомат қилишини, у ҳеч нарсага зориқмасдан осойишта ҳаёт кечираётганлигини ва фақат назорат остида экан”лигини билиб олганлиги таъкидланган. Унинг ёзишича, Ҳакимбий бу ҳақда масала кўтарилгандагина жиноятчини зиндонга ташлашга шошилиш суръатда буйруқ берган, холос. Узоқ тортишувлардан кейин ҳар ҳолда элчининг хоҳишига қараб, унга “сохта пул ясовчи жиноятчини кўришга рухсат берилади”. Қушбеги Ҳакимбий иштирокида ўтган бу учрашувда Субҳонқулов фақат қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлади: “Сохта асигнациялар жиноятчи томонидан Бухоро расмий доиралари руҳсатсиз ясалган. Бу сохта пуллар рус савдогарлари ва Россияга савдо билан борадиган бухороликлар ҳамда Қозон тоторлари орқали тарқатилган. Шу муносабат билан поручик қозон тоторларининг Бухорода мавжудлигини, “улар, асосан, 1800 йилда Россиядан ҳаж қилиш учун Маккага кетган шахслардан иборат бўлиб, негадир бу ерда муқим туриб қолганлар”ини ёзади. Шу билан бирга, у ўз билдиргисида бу тоифага оид одамлар рўйхатини ҳам илова қилган!

Поручик Субҳонқулов Бухорога борган карвон билан Оренбургга қайтиб келади. Бу ерда у ўз тасуротларини тартибга солиб, уларни дастлаб Оренбург ҳарбий губернатори Волконский канцеляриясига топширади². Бу ерда тасуротлар таҳрир қилиниб,

1. *Уша асар, лл. 139, 141.*

2. *Умуман олганда, элчиликларга оид дастлабки қораламадан иборат бундай ҳужжатларнинг тадқиқот ишлари учун аҳамияти каттадир. Чунки уларда ўша давр сиёсати нуқтаи назарига тўғри келмайдиган ёки катта сиёсат учун аҳамиятсиз саналган айрим иқир-чиқирлар тўлалигича ўз ифодасини топган ва бизгача сақланиб қолган. Ваҳоланки, канцелярияда “ишловдан” ўтган ва Петербург учун тайёрланган расмий билдиргиларда биз бундай тафсилотларга дўш келмаймиз.*

уни билдирги (рапорт) ҳолига келтирилади ва поручик билан Петербургга жўнатилади. 1811 йил бошида поручик Россия ташқи ишлар ва савдо вазирлигига ўз сафари ҳақидаги ҳисоботни топшириб қайтади.

Шундай қилиб, 1809 йил кузида бошланган поручик Субҳонқуловнинг Бухоро сафари 1811 йил бошига келиб ўз якунини топади. Шундан кейин анча вақтгача бу кимса Россия ташқи муносабатлари билан боғлиқ сиёсий-дипломатик масалаларда кўзга ташланмайди. Фақат 1818 йилга келиб Оренбург уни яна Ўрта Осиёга, бу сафар Хива хонлигига элчи сифатида жўнатганлиги ҳақида маълумот бор. Бунинг тафсилоти шундаки, 1816 йилда Троицкдан Бухоро томон йўлга чиққан катта савдо карвони Букан деган жойда Хива суворийларининг ҳужуми туфайли талон-торож қилинади. Бу қароқчилик натижасида карвондаги Бухоролик савдогарлар қаторида Екатеринбурглик рус савдогарларидан Якушев ва Лазарев деганлар ҳам ўз мол-мулкларидан ажраладилар. Табиийки, улар Оренбургга қайтиб келгач, ҳарбий губернаторга шикоят ёзиб, таланган бойликларини қайтариб олиш учун Россия ҳукуматидан мадад сўрайдилар. Ҳарбий губернатор П. Эссен бу ҳақда Петербургга хабар берар экан, номлари зикр қилинган рус савдогарлари кўрган зарарни 127 минг рус рубли миқдорида эканлигини ёзганди. Аммо пойтахтдан ҳадеганда жавоб келавермайди. Шундан бўлса керак, Оренбург ҳарбий губернатори бу ҳақда пойтахтга қайта-қайта ёзишга мажбур бўлади. Натижада Петербургдан талон-торож этилган карвон масаласи бўйича подшоҳ номидан Хива хонига махсус элчи юбориш ҳақида фармойиш келади. Шу фармойишга асосан ҳарбий губернатор П. Эссен 1818 йилнинг июнь ойида Хива хони Муҳаммад Раҳим (1806-1825)га бошқирд аскарлари поручиги Абдул Носир Субҳонқуловни элчи сифатида юборди ва унга рус савдогарлари Лазарев ва Якушевлар кўрган зарарни ундириш масаласини ҳал қилиш вазифасини топширади. Аммо миссия мутлақо мағлубият билан якунланади. Субҳонқулов Хивада жуда совуқ қабул қилинади. Ҳатто унинг мусулмон қавмидан эканлигига ҳам шубҳа билдирилиб, ўз хўжаларига хонликка христианларнинг кириши мутлақо ман этилганлиги, агар бу тақиқни бузиб улар бу ерда пайдо бўлгудай бўлсалар, у

ҳолда дарҳол қатъ этилишлари мумкинлигини етказишни айтиб, элчи билан музокарага киришмасдан уни қайтариб юборишади¹.

Поручик Субҳонқуловнинг Ўрта Осиёга йўлланган иккинчи миссияси ана шу тарзда муваффақиятсиз якунланади. Бундан кейинги йиллардаги дипломатик борди-келдиларда Субҳонқуловнинг номини учратмаймиз. Афтидан рус маъмурлари Хива сафаридан кейин ундан бошқа бу йўлда фойдаланмасликка қарор қилган кўринади.

Аммо Субҳонқуловнинг Бухорога юборилган миссияси Россия учун анча муваффақиятли бўлганди. Албатта, бу ўринда унинг Бухоро ҳукмдорига шахсан императорнинг ўзи номидан битилган махсус Ёрлиқ билан борганлиги ҳал қилувчи омил бўлганди. Шунинг учун ҳам у, юқорида айтилганидек, ҳатто сохта пул ясовчи Валит Ҳамитов билан ҳам учрашишга муваффақ бўлади. Ҳужжатларда таъкидланишича, у Бухорода “3 та рус асирини озод этишга эришади”².

Ушбу сафар натижасида Россия ҳукмрон доиралари Ўрта Осиёдаги сиёсий аҳвол, айниқса, Бухоро амирлигининг халқаро мавқеи ҳамда ички вазияти тўғрисида синчковлик билан йиғилган аниқ маълумотларга эга бўладилар. Поручик Субҳонқуловнинг йўл хотираларида келтирилган бу соҳадаги маълумотлар элчининг ўзига топширилган, айниқса, махфий Йўриқномада бирма-бир санаб ўтилган масалаларга жавоб топиш учун тинмай ҳаракат қилганлигини кўрсатиб турибди.

Поручик Субҳонқулов ўз сафари хотираларида Бухорога бориш йўлларини, аҳоли нуқталари орасидаги масофаларни, ичимлик сувлари захираларини (ҳатто қудуқларни ҳам), дарёлар, ўсимликлар номларини бирма-бир санаб ўтишга ҳаракат қилади. Оренбург давлат архивида у ёзган йўл хотираларининг дастлабки қоралама нусхаси сақланиб қолган. Унда ҳатто йўлларда учраган айрим ўсимликларнинг шакллариғача чизилган.

Субҳонқулов унга юклатилган топшириққа биноан Туркистон минтақасида мавжуд давлатлар орасидаги муносабатлар даражаси билан жуда қизиқади. Айниқса, Бухоро-Хива орасига раҳна солган

1. Халфин Н.А. *Россия и ханства Средней Азии (первая половина XIX в.)*. Москва, “Наука”, 1974. с. 133-134.

2. ЦГА Уз, ф. 6. оп. 10. д. 291, л. 277.

воқеалар тафсилотига алоҳида эътибор беради. Унинг ёзишича, бу вақтларда Бухоро билан Хива ўртасидаги сиёсий алоқалар бузилган ва икки ўртада қатор ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтган.

Хива ва Бухоро муносабатлари ҳақида ёзар экан, асосий эътиборни у Хива хонлиги билан қорақалпоқ кўнғиротлари ўртасида юз берган ихтилофларга қаратади. “1809 йилда, - деб ёзади у, - хиваликлар савдо-сотик ишлари билан Сирдарё бўйларида кўчиб юрвчи қирғизларнинг (қозоқларнинг) Чиклин қабиласи томон борганлар. Улар савдо ишларини тамомлаб қайтаётганида Янги Дарё бўйларидаги кўнғирот-қорақалпоқлар Тўра Мурат Сўфи бошчилигида хивалик савдогарларга ҳужум қилиб, улардан бир қанчасини ўлдирадilar, қолганларининг мол-мулкани тортиб оладилар. Бу хабар Хива хони Муҳаммад Раҳимга етгач, қорақалпоқларга қарши кўшин юборади ва уларни тор-мор келтириб, 300 га яқин кишини оиласи билан асир қилиб олишади. Қолганларга эса Янги Дарё бўйларини тарк этиб, Хивага ёки Қирғиз-Қайсоқ Ўрдасига тобе жойларга кўчиб ўтиш ҳақида сипориш берилади. Аммо қорақалпоқлар хоннинг бу буйруғини назар-писанд қилмасдан ўз жойларида истиқомат қилаверганлар.”¹

Субҳонқуловнинг таъкидлашича, ана шу воқеалар сабаб бўлиб, Бухоро ва Хива ўртасида совуқчилик пайдо бўлади, бу эса аста-секин қуролли тўқнашувларга ҳам олиб келади. Чунки Чиклин қабиласининг бошлиқларидан ака-ука Хожа Мурод ва Тўра Мурод Сўфийлар ўзаро душманлик туфайли ўз тарафдорлари билан бири Хива ва иккинчиси Бухоро хонлигига таяниб иш кўришга ҳаракат қилади. Тўра Мурод Бухоро хони Мир Ҳайдардан ҳарбий мадад олади. Ўз укаси тазйиқидан Хивага қочиб борган Хожа Мурод эса у ерда қандайдир сабаб билан ўлдирилади ва бу воқеаларни баён этар экан, уларни якунлаб: “Бухоро ва Хива ўртасидаги муносабатлар ёмон аҳволда”, деб хулоса қилади Субҳонқулов.²

Шунингдек, у Бухоро билан Кўқон ўртасидаги алоқаларни ҳам ёритишга ҳаракат қилган. “1807 йилда, - деб ёзади Субҳонқулов, - Кўқон аскарлари Бухорога қарашли Ўратепага яқин қишлоқлардан бирига ҳужум қилиб, Ўратепа ҳокими кушбеги Ҳакимбийнинг укаси Ўткир сўфини одамлари билан асир олиб кетишган. Улар ҳозир ҳам Кўқон хони ихтиёрида туришибди. Кўқон хони Алимхон

1. ГАОО, ф. 6. Оп. 10. 291, л. 142.

2. Ушо асар, л. 143.

1810 йил 5 январда Ўратепага ҳужум қилиб, кўплаб одамларни асир олган ва молларни ҳайдаб кетган. Бунга жавобан 1810 йил 15 январда Бухоро кўшинлари кўқонликлардан 150 тасини асир олиб, Бухорога олиб кетганлар. 20- ва 24-январ кунлари Бухоро хони Кўқонга қарши 18000 кишилиқ кўшин жўнатади. Аммо бу кўшин Жиззах яқинида Алимхон кучлари билан тўқнашганда унга ҳужум қилишга журъат эта олмайди ва орқага қайтади. Алимхон эса май ойида Тошкентни кўлга киритишга муваффақ бўлади. 18 майда у ердан қочган Тошкент ҳокими Хожа ва Қобилбий деган қалмиқ ўзларининг бир неча суворий шериклари билан Мир Ҳайдар ҳузурига келдилар. Улар хонга бешта қалқон, ўн бешта яхши милтиқ, қимматбаҳо эгар-жабдуқлари ҳамда ёпинчоқ билан 15 та аргумоқ тортиқ қилдилар. Мир Ҳайдархон ўз навбатида Хожа ва Қобилбий ҳамда уларнинг 3 та шерикларини олтин қинли ханжарлар билан сийлайди. Бу ханжарлар Бухорода маъмурият белгиси сифатида тан олинади”¹.

Юқорида келтирилган парчадан кўриниб турибдики, Субҳонқулов нафақат Хива-Бухоро, балки Бухоро-Кўқон муносабатлари ҳақида ҳам синчковлик билан маълумотлар тўплаган.

Умуман, поручик Субҳонқулов ҳисоботида бу масалалар юзасидан келтирилган тафсилотлар Ўрта Осиёдаги ўша давр сиёсий воқеаларини ёритиш учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу билан бирга, Субҳонқулов Туркистон хонлиқларининг бошқа давлатлар билан муносабатларига ҳам катта эътибор беради. “Бухороликлар эронликлар билан ҳеч қандай иттифоқ тузмаганлар”², дейди у.

Бухоро хонлигининг савдосига тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди: “Бу ерга Кўнак, Кашмир, Ҳиндистон, Мемет, Ҳирот, Қашғар, Тошкент, Хива ва Осиёнинг бошқа шаҳарларидан савдо карвонлари келиб туради. Январ ва феврал ойларида савдо гавжум бўлади. У баъзан ҳатто 15 апрелгача ҳам давом этади. Шундан сўнг карвонлар турли тарафларга жўнаб кетадилар”³.

Бухоро хонлигидаги турли миллат вакилларининг машғулотлари ва касб-корлари ҳақида шундай ёзади: “Бухорода истиқомат қилаётган исроилликлар ипак қурти етиштириш, ипакни бўяш,

-
1. *Ўша жойда.*
 2. *Ўша асар, л. 144.*
 3. *Ўша асар, л. 145.*

шоҳи ва бошқа матоларни тўқиш билан шуғулланадилар, аммо деҳқончилик ишлари уларга бегона. Ҳиндлар, афғонлар, арманлар савдо билан машғул, улар ҳам деҳқончилик қилмайдилар. Туркманлар ҳарбий ишларга жалб этилган, аммо уларнинг ичида деҳқонлар ҳам мавжуд. Асли бухоролик бўлган ўзбек ва сартларга келсак, уларнинг айримлари ҳарбий хизмат билан, баъзилари савдо-сотик, қолганлари эса ғалла ҳамда бошқа ҳаётий зарур маҳсулотларни етиштириш билан шуғулланадилар.»¹.

Поручикнинг кундаликларида Аму ва Сирнинг катта кемалар қатнови учун ноқулайлиги, улар “атрофи қумликлар билан ўралган ва Каспийдан узоқда жойлашган кўл - Оролга қуйилиши” ҳақидаги маълумотлар билан бирга Ўрта Осиё жанубидаги хорижий Шарқ мамлакатларида рўй берган воқеаларгача баён этилганлигини кўраемиз. “Ишончли хабарларга қараганда, - деб ёзади у, - инглизлар дарёлардан сузиб келиб жойларда турли товарлар ва бугдойни аҳоли ўртасида атайлаб арзон пулламоқдалар. Ваҳоланки, ўзлари уларни қиммат нарҳда харид қилганлар. Шундай маккорона усуллар билан улар Қандаҳор ва Пешовар деган шаҳарларни ижарага олишга муваффақ бўлганлар. Қобул шаҳрининг ҳокими Шужа ул-Мулк деган бир кимса илгариги йилларда шаҳар аҳолисининг сиқувидан у ердан кетиб, инглизлар билан танишган. 1810 йил баҳорининг бошида инглизлар Шужа ул-Мулкка бир қанча аскар бериб, Кашмир орқали уни яна Кобулга олиб келганлар ва аввалги лавозимига тиклаб қўйганлар”².

Субҳонқуловнинг кундаликларида яна бир тарихий фактга дуч келамиз. Унинг таъкидлашича, 1810 йилнинг 1 апрелидан 18 майгача Бухорода жуда катта қум бўрони юз берган. Хонликнинг айрим ноҳияларида бутун бошли ҳовли-жойлар ва боғлар қум тўдалари остида қолиб кетган. Далалардаги барча экинларни қаттиқ совуқ уриб йўқ қилиб юборган. Бунинг натижасида аҳоли ўртасида даҳшатли очлик бошланиб кетади, қимматчилик авж олади, бозорлар бекилади, ҳеч ким бирор егулик сотмай қуяди. Бухорода турли ғалаёнлар, ўғирлик ва қароқчилик одатлари воқеликка айланади. Бундай шароитда, Субҳонқулов келтирган маълумотларга қараганда, Мир Ҳайдар шаҳардаги эркагу аёлни қалъа ташиқарисига олиб чиқиб, ўзи бошчилигида уч кун давомида

1. *Ўша асар, л. 147.*

2. *Ўша асар, л. 149.*

қўлларни осмонга кўтариб Оллоҳга нола қилишга мажбур этади. Шундан сўнг амирнинг буйруғи билан шаҳардаги хусусий омборлардаги барча дон-дун захиралари мусодара қилинади ва сотувга чиқарилади. “Бир ботмон, яъни саккиз пуд галланинг баҳоси, - деб ёзади Субҳонқулов, - беш червонга кўтарилди. Четдан келган аҳоли ўз юртларига тарқаб кета бошлади. Бухоро ва унинг атрофларида истиқомат қилувчи қорақалпоқ ва қирғиз-қайсоқ (қозоқлар) камбағаллар асл жойларига қайтиб кетдилар. Умуман, шаҳарнинг учдан бир қисми ўз уй-жойларини ташлаб Қўқон, Самарқанд, Шаҳрисабз, Хива каби бошқа шаҳарларга жўнашга мажбур бўлдилар. Ионнинг ўнинчисида шаҳарга ариқ қазилиб сув келтирилгандан кейин ҳамма нарсанинг нархи яна аста-секин ўз ҳолига кела бошлади”¹.

Поручик Субҳонқулов хотира дафтаридан жой олган бу каби қизиқарли тарихий воқеаларни кўплаб келтириш мумкин.

Бу маълумотларга таянган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: XIX асрнинг бошларида Бухоро-Россия муносабатлари у қадар ривож топмаган бўлиб, савдо карвонларининг йўлларда таланиши, Россиядан Ўрта Осиёга қочиб, у ерда паноҳ топган айрим шахсларнинг фаолиятдан (масалан, сохта пуллар ясалиши каби) рус маъмурларининг норозилиги каби воқеалар икки орадаги алоқаларнинг янада сусайишига сабаб бўлади.

Овруподаги муҳим воқеалар билан банд бўлган Петербург Туркистон хонликларига кўп ҳам эътибор қилмас, улар билан алоқа қилишни Оренбург ҳарбий губернаторига ташлаб қўйган эди. Бу эса ўз навбатида хонликлардан бири - Бухоронинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлади. Бу вақтга келиб Овруподаги сиёсий аҳвол Ўрта Шарқдаги воқеаларда ҳам ўз инъикосини топа бошлайди. Шундай бир вазиятда Петербург Бухоро хонлиги билан яхши алоқаларни ўрнатишга жиддий аҳамият беришга қарор қилади. Натижада Бухорога Оренбург ҳарбий губернатори номидан эмас, балки император Ёрлиғи билан махсус элчи Субҳонқулов жўнатилади.

Поручик Субҳонқулов элчилиги икки ўртадаги сиёсий ва савдо-иқтисодий алоқалар ривожига катта ҳисса қўшмаган бўлса-да, аммо орадаги расмий муносабатларнинг бир маромга тушишига йўл очди. Аслида бу миссиянинг Россия учун аҳамияти

1. *Уша асар, а. 150.*

катта бўлди. Петербург Наполеон хуружи арафасида бу минтақадаги сиёсий вазият, хонликларнинг халқаро алоқалари, уларнинг куч-қудратлари, иқтисодий ҳолати ҳақида ишончли материаллар тўплаш, улардан Россия ташқи сиёсати учун маълум хулосалар чиқариш имконига эга бўлади.

Шу билан бирга, бу миссия ва унинг юборилиши билан боғлиқ воқеалар Бухоро хонлиги мустақил ташқи сиёсий тарихини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

3. Амир Ҳайдар даврида Бухоро–Россия дипломатия алоқаларига оид маълумотлар

XIX аср бошларида Бухоронинг Россия билан олиб борган дипломатик алоқаларини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган “Тарихи амир Ҳайдар” номли нодир қўлёзма асарнинг аҳамияти каттадир.¹

Бу асарнинг бир қисмини 1950 йилларда А.А. Семёнов рус тилида эълон қилган². Унинг фикрича, бу нусха Мулла Ибодулла ва Мулла Муҳаммадшарифлар томонидан жуда муфассал ёзилган асарнинг бошқа номаълум муаллиф томонидан қисқартириб кўчирилган нусхасидир. А.А. Семёнов уни Бухоро амалдорларидан бўлса керак, деб ҳисоблайди. Ҳажми 97 бетдан иборат бўлган бу асарнинг бир боби амир Ҳайдарнинг рус элчиси А.Ф. Негрини қабул қилиш маросимига бағишланади. Бухоро–Россия дипломатик алоқаларига тегишли бўлган айни шу бобни ҳозирги вақтда тадқиқотчилар ихтиёрида бўлган архив материаллари билан таққослаб ўрганиш муҳим. Чунки қиёсий тадқиқот натижасида баъзан манбаларда турли сабабларга кўра йўл қўйилган хатоликлар ва чалкашликлар ҳам аниқланади.

А.Ф. Негри элчилиги XIX асрнинг аввалида Россиянинг Бухорога етиб келган биринчи йирик расмий элчилиги эди.

1. Тарихи амир Ҳайдар. ЎЗР ФА Шарқшунослик институти (ШИ) қўлёзмалар хазинаси. Инв № 1836.

2. Семёнов А.А. К истории дипломатических сношений между Россией и Бухорой в начале XIX века. - Известия академии наук Уз ССР. 1951. № 1. с 85-95.

Тўғри, унғача ҳам икки ўртада элчилик алоқалари давом этиб келган, бироқ бу алоқаларда Бухоро томони кўпроқ фаоллик кўрсатган. Тарихчилар шаҳодат беришича, 1762 йили Оренбург атрофларида Бухоронинг савдо карвони Пугачёв қўзғолончилари томонидан талангандан сўнг Бухоро амири 1775 ва 1779 йиллари Мулла Эрназар Мақсудовни ўзининг элчиси сифатида Петербургга юборган эди. Шундан сўнг то 1820 йилгача Бухородан Россияга ўн бир марта элчиликлар юборилади. Гарчи улар сиёсий-дипломатик характердаги муаммолар билан боғлиқ бўлса-да, уларга ҳамма вақт ўзаро савдо алоқаларини мустаҳкамлаш вазифаси ҳам юкланар эди. Зеро, Бухоро Россия билан савдо алоқаларини кенгайтиришдан ва унинг транзит имкониятларидан манфаатдор эди.

XIX аср бошларида Россиядан Бухорога юборилган элчиликларнинг сони кўп эмас. Ўрта Шарқ ва Оврупо можаро-ларига аралашиб кетган Петербург Ўрта Осиё хонликлари билан дипломатик алоқалар олиб боришдан кўра бу ўлкалар ҳақида маълумотлар йиғиш билан шугулланарди. 1804 йили Бухорога юборилган рус элчиси поручик Гавердовский (унга бу ўлкани ўрганиш бўйича кенг қамровли топшириқлар берилган эди) йўлда қароқчиларга дуч келиб, мақсадига етолмай орқага қайтишга мажбур бўлади. 1809 йили подшоҳ Александр I номидан Оренбург генерал-губернатори томонидан Бухорога юборилган Субҳонқулов элчилигининг Россия учун самараси унинг дипломатик аҳамиятидан кўра, у йиғиб қайтган ҳарбий-стратегик қийматга эга бўлган маълумотларда эди, деса ҳам бўлади.

Рус-француз уруши даврида (1812) Бухоро билан Россия ўртасида нафақат элчилик алоқалари, балки карвон йўлларидаги қароқчиликнинг кучайиб кетганлиги туфайли ўзаро савдо алоқалари ҳам анча қисқариб қолган эди.

Франция билан уруш тугагач, Россия ҳукмрон доиралари ўз эътиборини Ўрта Осиёга қаратади ва икки ўртадаги савдо алоқаларини кенгайтириш билан бир қаторда, бу “номаълум ўлка” ҳақида турли хил маълумотлар йиғишга астойдил киришадди.

Оренбург генерал-губернатори Бухоро амирига хат ёзиб, Франция билан уруш Россия галабаси билан тугаганлигини хабар қилади ва икки ўртадаги савдо алоқаларини кенгайтиришга даъват этади.

Шундан сўнг Бухородан Россияга икки марта расмий элчиликлар юборилади. Уларнинг ҳар иккаласига девонбеги Азимжон Мўминжонов бошчилик қилади¹.

Амир Ҳайдар (1800-1826) Азимжон девонбеги орқали подшоҳга юборган Ёрликда Франция устидан қозонилган ғалаба билан табриклаб, унинг эътиборини савдо алоқаларига оид муаммоларга: савдо карвонларининг қароқчилар томонидан таланаётгани, чегара божхоналарида бухоролик савдогарларга азият етказилаётгани ва ҳ.к. ларга қаратади². Элчи бу фикрларни шарҳлаб, савдо алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида биргаликда тадбирлар кўриш, улар йўлида ғов бўлаётган тўсиқларни бартараф этиш, ҳатто Бухоронинг рус асирлари масаласини муҳокама қилишга ҳам тайёр эканлигини билдириб, Россиянинг ваколатли элчисини Бухорога юборишни амир номидан таклиф этади.³

Россия ташқи ишлар вазирлигининг нотасида Азимжон девонбеги элчилиги мамнуният билан қабул қилинганлиги ва ўзаро алоқаларга оид масалалар борасида музокаралар олиб бориш учун Бухорога рус элчилиги юборилиши ҳақида расмий равишда эълон қилинади. Бироқ, амалда бундай элчилик келавермаганидан 1818 йилда яна Азимжон девонбеги бошчилигида “дўстлик ва тотувлик асосларини мустаҳкамлаш учун” Бухородан элчилик жўнатилади ва юқорида эслатилган масалалар юзасидан музокаралар давом эттирилади.

Россия подшоҳи Бухоро амирининг мазкур элчиликларига жавобан 1820 йил сентябрда ўзининг юксак мақом амалдори - ҳақиқий давлат маслаҳатчиси, форс ва турк тилларини яхши билган шарқшунос, Россиянинг Техрондаги элчихонасида ишлаб, тажриба орттирган дипломат Александр Федорович Негри (1784-1854) раҳбарлигида расмий давлат элчилигини юборди.

Александр I А.Ф. Негри орқали амир Ҳайдарга юборган Ёрлигида шундай дейилади: “Бухоронинг молики амир Ҳайдар Султонга Бизнинг, Император ҳазратларининг, ёқимли олқишларимиз (бўлсин!). Ҳазратингиздан юборилган элчи девонбеги

1. *Муфассалроқ қаранг: “Шарқшунослик”, 1999, № 9, 119-132-бетлар.*

2. *Мироншоҳ Мунши. Мақтубот, муншаот ва маншурот. Ўз РФА ШИ қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 289, 200-а, 6 бетлар.*

3. *Внешняя политика России XIX и начала XX века. Серия I, Т., VIII. М. 1972. с. 646-647.*

Азимжон Мўминжонов Бизга Сизнинг ёрлигингизни топширди. Биз ундан Сизнинг Россия ва Бухоро ўртасида қадимдан мавжуд бўлган дўстлик ва савдо алоқаларининг равнақ топиши ҳақидаги истакларингизни мамнуният билан англадик. Бу масалага ўзимизнинг эътиборимизни намойиш қилиш (мақсадида) Биз Ҳазратингиз ҳузурига ҳақиқий давлат маслаҳатчиси ва кавалери Александр Негрини жўнатдик; унга Сизнинг зотингизга гоят мойиллигимизни тасдиқлаш ва Россия билан Бухоро ўртасидаги савдо алоқаларини энг қулай тартибга келтириш ва таъминлашга алоқадор бўлган жиҳатларини тушунтириш топширилади. Алқисса, Сизни Худога топширдик.

Петербургда, 1820 йил 24 июл куни, Бизнинг подшоҳлигимизнинг йигирманчи йилида берилди”.¹

Подшоҳ ёрлигида жуда беғубор, ҳатто назокатли жилоланган бу фикрлар Россия ташқи ишлар вазири К.В. Нессельроденинг А.Ф. Негрига берган қўшимча қўлланмасида (1820 йил 25 июл (6 август) шундай талқин қилинади: “Гарчи биздан узоқда бўлсалар-да, бироқ савдо воситаси билан муайян бир даражада боғлиқлиги бўлган Осиё мулклари ҳақида мумкин қадар энг тўғри маълумотларни йиғиш учун миссиямизни Бухорога жўнатишдан фойдаланиш зарурлигини эътироф этиб, вазирлик жанобингизга қўйидаги топшириқларни беради.

1. Қўқон хонлигининг аҳволини, бу мулкнинг музофотлари, табиий бойликлари, савдоси, бошқаруви, ҳозирги ҳокимнинг хислатлари ва хонликнинг қўшнилари билан муносабатларини билиш.

2. Туркистон ва Тошкент ҳақида ҳам худди шундай тафсилотлар.

3. Бухоронинг Усмонли Порта (Туркия) га, Эронга, Хивага ва афғонларга нисбатан муносабати.

4. Эслатилганлардан охиридагиларининг ҳозирги аҳволи.

5. Сирдарё (Яксарт) ва Амударё (Жайхун) да кемалар юрадими, қайси жойидан бошланади ва қаерда тўхтайти.

6. Шунингдек, Кобул, Қандаҳор, Кашмир, Тибетдаги Латак ва Панжоб ҳақида ҳақиқатга жуда яқин бўлган маълумотларни олиш гоят мақсадга мувофиқ бўлур эди; ўша ерларнинг ҳақиқий

1. Внешняя политика России XIX и начала XX века. Серия II. Т. III (XI). М., 1979. с. 453.

сиёсий ҳолати, ўзаро алоқалари дўстонами ёки душманона ва энг асосий маҳсулотлари (нима?).

Ниҳоят, у ерларда кўпроқ қандай Овруло молларига эҳтиёж бор ва уларни қаердан олишади?!

Кўлланмадан кўриниб турибдики, гарчи элчиликнинг асосий мақсади савдо алоқалари эканлиги эътироф этилса-да, ўлкани ҳар томонлама ўрганиш, унинг ички ва ташқи алоқалари, моддий ва маънавий ҳолати, иқтисодий ва ижтимоий аҳволи, бойликлари, хўжалиги, ишлаб чиқариши, жугрофий имкониятлари, қўшни давлатлар ва халқлар билан муносабатлари ва уларнинг ҳам ички ва ташқи аҳволи ҳақида муфассал ва мукамал маълумотлар йиғишдан иборат эди.

Табиийки, бу қадар кенг қамровли топшириқларни бажариш учун элчилик таркибига турли хил мутахассислар, табиатшунос, врач, географ-картограф ва ҳарбийлар киритилган ва уларнинг ҳар бирига муайян-аниқ вазифалар юклатилган эди. Жумладан, элчи ҳузурида бўлган рус-француз урушининг иштирокчиси, ҳарбий масалалар бўйича билимдон мутахассис ва шижоатли калитан барон Е.К. Мейендорфга элчилик босиб ўтган йўллар ва ўлкалар ҳақида жугрофий ва статистик маълумотлар йиғиш вазифаси топширилади. Унинг олдида Троицкдан Бухорогача бўлган йўллар, дарёлар ва Оренбургдан куйида бўлган музофотларни ўзлаштириш, у ерларга аҳоли жойлаштириш режалари ва муаммолари ҳақида мулоҳаза юритиш; Орск ҳамда Троицкдан Сирдарёгача бўлган йўлларнинг қаерларида истеҳкомлар ва қалъалар қуриш мумкинлиги ва ҳ.к. ни аниқлаш; йўлларнинг астрономик кенглиги ва узунлигини тадқиқ қилиш асосида ўлканинг бош харитасини тайёрлаш каби муҳим вазифаларнинг қўйилиши Россия ҳукуматининг Ўрта Осиёдаги манфаатлари фақат савдо алоқалари билан чегараланмаганлигини, балки улар узоқни кўзловчи стратегик аҳамиятга эга бўлган мақсадлардан келиб чиққанлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, америкалик тарихчи Эдвард Олвордснинг: “Москва дипломатлари Марказий Осиёнинг ҳарбий имкониятлари ҳақида маълумотлар йиғар эдилар... Марказий Осиё хоңлари Россия билан дипломатик алоқаларда бу каби

1. *Внешняя политика России XIX и начала XX века. Серия II. Т. III (XI). М. 1979. с. 453.*

иқтисодий ва стратегик омилларга эътибор бермас эдилар”, дейишига асос бор эди.

1820 йил декабрда Россия элчиси А.Ф. Негри тантанали равишда Бухорога кириб келади.

Унга иккита дала тупи билан 200 та аскар, 200 та казаклар, 25 та бошқирд отлиқлари ҳамроҳлик қилар ва юк ортилган 380 туялик карвон, 400 та от элчилик хизматида эди. Давлат элчисининг яхши ҳимояланганлиги давлатнинг қудратини намоён қилиши керак эди.

Бухорога 15 чақирим етмасдан элчиликни 30 та отлиқ билан амир ясовули кутиб олади ва Бозорчи номли жойга бошлаб боради. Бу ерда 36 соат давомида қабул маросимининг қонун-қоидалари муҳокама қилингандан сўнг, А.Ф. Негрига амир ҳузурида ўтирган ҳолда суҳбатлашиш учун ижозат берилади.

Ниҳоят, 20 декабр куни чошгоҳда элчи амир ҳузурига саф тортиб йўл олади. “Сафнинг олдида, - деб ёзади Е. К. Мейендорф, - казаклар биз олиб келган совғаларни кўтариб боришарди. Улар: мўйналар, чинни ва биллур идишлар, тилла соатлар ва қуроллардан иборат эди. Пиёда аскарларнинг бир қисми саф тортиб орқадан келишарди. Форс тилини мукамал биладиган, хушсурат, муҳим мансабли ўзбек амалдор элчиликни саройга олиб кириш учун уларнинг олдида тушиб борарди”¹.

Элчининг амир ҳузурида қабул қилиниши ва унга подшоҳнинг ишонч ёрлиғини топшириши ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: “Икки ёнида камергерлари билан Негри хон томонга ўн қадам юриб, унга форс тилида мурожаат қилди ва кейин қушбегига ишонч ёрлиғини топширди ва ўтирди. Элчиликнинг бошқа аъзолари эшикнинг икки томонида турганча қолдилар. Қушбеги зудлик билан императорнинг мактубини хонга топширди; хон уни баланд овоз билан ўқиб чиқди...”²

А.А. Семёнов бу одатни ўрта асрлар Бухоро дипломатиясидаги қоидалар билан солиштириб, уларнинг бирмунча ўзгарганини кўрсатади. Аввал элчи олиб келган чет эл ҳукмдорининг мактуби кичик иноқ (иноқи хурд)га топширилар эди; у хатни очиб ва

1. Мейендорф Е. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. М., 1975. с. 56.

2. Уша ерда.

хоннинг буйруғи билан ўз ҳокимининг шахсий котибига, муншига берар, у эса баланд овозда уни ўқиб берарди¹.

Қабул маросими 20 дақиқа давом этади. Элчи яна бир неча бор амир ва унинг вазири билан учрашиб, музокаралар олиб боради. Амир ҳар икки томондан савдо карвонларининг тез-тез келиб туриши ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш лозимлиги, жумладан, савдо карвонларини Сирдарёгача бухоролик отлиқлар кузатиб бориши, у ердан Оренбурггача рус отлиқлари ўз ҳимоясига олиши тўғрисида фикр билдиради. Бироқ Россия элчисининг Бухорода Россия империясининг доимий консуллигини очиш фикрига у рўйхуш бермайди; худди шунингдек, Оренбургда ёки Петербургда Бухоро консуллигини ташкил этиш ҳақидаги таклиф ҳам маъқулланмайди.

Россия элчисининг ўзи ва Оренбург генерал-губернатори А.Ф. Негри элчилиги муваффақиятли ўтди, деб ҳисобласаларда, бўлиб ўтган музокаралар ҳақида бирон-бир расмий ёзма ҳужжат имзоланмаган эди. Афтидан, Бухоро ҳукмдорлари Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга ҳаракат қилсаларда, ўзларини ёзма битим ва шартномалар билан боғлаб қўйишни истамас эдилар. Ҳар ҳолда А. Ф. Негри Россия давлат элчиси сифатида Бухорода амир билан савдосотиқ масалаларини расмий муҳокама қилди ва кўп ўтмай юқорида зикр этилган савдо карвонларини қуроли отлиқлар ҳимоясида кузатиб қўйиш ва кутиб олиш одат тусига кира бошлади. Шу билан бирга элчи бошқа масалалар бўйича, жумладан, рус асирлари ҳақида расмий ва норасмий учрашувлар олиб борди ва 20 га яқин рус асирларини харид қилиб, ўзи билан олиб кетди.

Амир элчига Муҳаммад Юсуф Муншининг “Тарихи Муқимхоний” қўлёзмасини тақдим қилди; буни рус элчилигига кўрсатилган шоҳона илтифот, дейиш мумкин, зеро, бундай асарнинг борлиги Петербургда ҳали ҳеч кимга маълум эмас эди. Шарқшунос О. И. Сеньковский унинг айрим қисмларини француз тилида нашр этганидан сўнг мазкур қўлёзма Оврупода ҳам машҳур бўлган эди. “Тарихи Муқимхоний”нинг

1. Семенов А.А. К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX в. - Известия академии наук Уз ССР. 1951. № 1. с. 91.

1956 йили А.А. Семёнов томонидан рус тилида чоп этилганлиги ҳаммага маълум¹.

А.Ф. Негри элчилигининг Россия давлати учун муҳим самараларидан бири - бу ўлка ҳақида унинг аъзолари амалга оширган турли хил маълумотлар йиғиш, таҳлил қилиш ва хулосалар яшаш бўлдики, Е. К. Мейендорфнинг “Оренбургдан Бухорога саёҳат” асари бунга яққол мисол бўла олади. Ўз вақтида Бухоро ҳақида энг мукаммал асар ҳисобланган, бироқ шовинистик руҳдаги айрим фикр-мулоҳазалари эътирозли бўлган бу китобнинг муаллифи Бухоро-Россия савдо алоқаларининг истиқболлари ҳақида фикр юритиб, бу йўлдаги муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги узоқни кўзлаган хулосаларни берган эди: “Агар Бухородан Россияга борадиган йўлда қароқчилик ва йўлтўсарлик тугатилса, савдо анча кенгайди. Агар Хива хонлиги Россия ҳукмронлиги остига ўтса, бу йўл мутлақо хавфсиз бўлади².”

А.Ф. Негри Бухорода 1820 йил 20 декабрдан 1821 йил 10 мартгача истиқомат қилади ва яна Бозорчида икки ҳафта туриб, 25 март куни Бухоро музофотларини тарк этади.

Россия элчилигининг Бухорога келиши билан боғлиқ воқеалар “Тарихи амир Ҳайдар” асарида шундай таърифланади:

“Ҳокий айтади: Бухорога (рус) элчиси келгани ҳақида хабар етгач, халқ мислсиз томошани кўргани кўчаларга чиқди. Шунча халқ йиғилган эдики, таърифлаб бўлмайди. Элчи шаҳар худудига кириб келганда у юрган йўлнинг икки тарафидаги томошабинлар сафи Обулхафс Кабир - Аллоҳ уни раҳмат қилсин, - дарвозасигача чўзилган эди. Элчи халқнинг фавқулодда кўплигидан ғоят ҳайратга келган эди. Шундай қилиб, у шаҳарга кириб келди; амир (шу муносабат билан) пойтахт руҳонийларидан сўради: “Биз элчи олдида ўрнимиздан турсак, тўғри бўладими? Йўқми”? Руҳонийлар шундай жавоб берди: “Амир биронта одамга қўлтиғига Қуръон олишни буюрсинлар ва у элчининг олдига тушиб юрсин; агар амир ўринларидан турсалар, (бу) фақат Оллоҳнинг Каломига чуқур ҳурмат ваҳжи-

1. Мухаммед Юсуф Мунши. *Мукимхановская история (Тарих-и Муким-хани)*. Т., 1956.

2. Мейендорф Е.К. *Путешествие из Оренбурга в Бухару*. М., 1975.

дан турган бўладилар (ва кофирлар билмай, буни ўзларига нисбатан юксак мақом амирнинг эътибори белгиси, деб қабул қилдилар)”. Фикр амирга маъқул бўлди. Шу вақтда элчи Регистонга кириб келгани ҳақида хабар келди; у ерда арklar ва деворлар, майдон атрофидаги масжид ва мадрасалар томошабинлар билан тўла эди. Элчи аркда пайдо бўлиши билан амир аъёнларидан бирига қўлтиғига Куръон олиб, элчининг олдига тушиб юришни буюрди. У худди шундай қилди. Элчининг яқинлашиб келаётганини кўрган амир ўрнидан турди; элчи шу он амирга яқинлашиб, унга эҳтиром кўрсатди. Амир унга жой кўрсатди ва ўз ўрнига ўтирди. Амир элчига шаҳар ичида катта уй ажратиб берди, унга махсус муваккал тайин қилиниб, элчининг кундалик таъминотини муҳайё қилишни унга топширди. Элчининг ҳамроҳлари Бозорчи номли ерга жойлаштирилди. Руслар тасвир санъатида моҳир бўлганлигидан улар барча мансабдорлар (амирлар) ва руҳонийларнинг расмларини чизиб олдилар. Худди шунингдек, улар Аркни, Регистонни, Болойи ҳовузни ва бошқа нарсаларнинг расмини чизиб олдилар. Муқимхоннинг ҳам расми чизилди, чунки у вақтда (Бухорода) ҳусндор (одамлар) кўп эди (у эса ҳусндорларнинг ҳусндори эди). Амир Насрулло ҳукмронлиги вақтида ушбу Муқимхон Россия пойтахтига элчи бўлиб борганда (у ерда) ўзининг расмини кўрган. Вақти келганда бу ҳақда махсус айтилади.

Хуллас, бу (рус) элчиси Бухорода қарийб 50 кун (ё ундан кўпроқ ёки камроқ) истиқомат қилди, кейин амирдан орқага қайтишга ижозат олди. Рус давлати бошлиғига кўп нарсалар тортиқ қилинди; элчи билан биргаликда ниҳоят катта фил (фили маҳмудий) юборилди. Амир ўз тарафидан Россияга элчи юборади, бироқ йўлда рус элчиси оламдан ўтади (ва) амирнинг элчиси йўлида давом этиб, ажнабийлар давлат бошлиғи талабига мувофиқ хизмат қилиб, унга муносиб эҳтиром кўрсатади, олиб келинган совғаларни тақдим қилади, уларни подшоҳ назаридан ўтказди, подшоҳ ғоят катта филни кўриб таажуж қилади, зеро, Россияда бундай ҳайвонлар йўқ эди. Подшоҳ қабулида Бухоро элчисига император белгилаган жой тайин қилинади ва мукамал эҳтиром кўрсатилади”¹.

1. Тарихи амир Ҳайдар. - ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 1836. 81-а, 6 бетлар.

Айтиш мумкинки, “Тарихи амир Ҳайдар” асарида Бухоро - Россия дипломатик алоқалари қисқагина ёритилган бўлса-да, у, шубҳасиз, Е. К. Мейендорф китобидаги маълумотларни бойитади. Бу асар Бухоро амирининг икки давлат ўртасида яхши муносабатлар ва савдо алоқаларини мустаҳкамлашга интилганидан далолат беради. Бу ҳол рус элчисини қабул қилиш маросимида дипломатик расм-русумларнинг бирмунча ўзгартирилганида ҳам акс этади. Амир рус элчисига катта ҳурмат кўрсатиб, уни ўрнидан туриб кутиб олади. Рухонийлар дипломатик илтифотнинг бу кўриниши учун жуда нозик сабаб ўйлаб топган бўлиб, бу аъмол амир “кофирлар” олдида эмас, балки Куръони карим олдида ўрнидан турди, деган хулосага ишора қилар эди. Шунингдек, рус элчисига амир ҳузурда ўтирган ҳолда суҳбат олиб боришга ижозат берилгани ҳам амирнинг унга эътиборини намойиш қиларди. Асарда русларга кўрган ҳар бир нарсанинг, шу жумладан, сарой аҳли, рухонийлар ва тарихнавис Муқимхоннинг расмини чизиб олишга руҳсат берилгани ҳам муаллиф (ёки нусха кўчирувчи)нинг назаридан четда қолмайди. Бироқ у бу ҳолни элчилик аъзоларининг асосий вазифаларидан деб билмай, балки “русларнинг суврат чизишда моҳирлиги” билан изоҳлайди.

Кўлёзма мазкур воқеалар юз бергандан анча кейин ёзилган (ёки кўчирилган) бўлса керак деб тахмин қилиш мумкин. Чунки унда айрим хатоликлар ва чалкашликларга йўл қўйилган. Жумладан, “рус элчиси оламдан ўтди (ва) амирнинг элчиси йўлида давом этиб, ажнабийлар давлат бошлиғи талабига мувофиқ хизмат қилиб, унга муносиб эҳтиром кўрсатди”, дейилади. Биринчидан, рус элчиси А.Ф. Негри нафақат омон-эсон ва хавфу хатарсиз Петербургга етиб боргани, балки яна 34 йил яшаб, 70 ёшида дунёдан ўтгани маълум. Иккинчидан, А.А. Семёновнинг: “балки элчиликнинг бирор аъзоси дунёдан ўтгандир”, деган тахмини ҳам шубҳали; бундай ҳолда мазкур элчилик ҳақида катта китоб ёзган Е.К. Мейендорф буни эсламай ўтмас эди. Учинчидан, амир Ҳайдар А.Ф. Негри элчилиги билан бирга ўзининг элчисини қўшиб юборгани ҳақидаги фикр ҳам тасдиқланмайди. Оренбург вилояти давлат архиви ва Россиянинг бошқа архивларидан фойдаланган тадқиқотчилар А.Ф. Негри билан бирга Бухородан жавоб элчилиги юборилмаганлигини қайд қиладилар.

Афтидан, қўлзма муаллифлари (ёки уни кўчирган шахс) турли вақтларда содир бўлган иккита элчиликка алоқадор бўлган воқеани аралаштириб юборган бўлсалар керак. Гап шундаки, амир Ҳайдар Негри элчилигига жавобан 1825 йилдагина элчилик юборди. Бекназар Абдурасулов бошчилигидаги Бухоро элчилиги 1825 йили жўнатилиб, 1826 январда Петербургга етиб келади. Элчи Россия императорига олиб борган амир Ёрлиғида Бухоронинг қўқонликлар ва бошқа халқлар билан тинч-тоғув муносабатлар ўрнатгани ҳақида хабар берилиб, Россия билан савдо алоқаларига доир масалаларни ҳал қилишни истаётгани зикр қилинади. Бироқ бу ҳақдаги музокаралар амалга ошмай қолади - амирнинг элчиси оғир касалланиб, дунёдан ўтади.

Унинг ўрнига 1826 йилиёқ Россияга Бекназар Абдукаримов юборилади. У олиб борган амир Ёрлиғида дўстона муносабатлар ва савдо алоқаларини ривожлантириш истаклари билдирилган эди. Амир Россия подшоҳидан қозоқ чўлларидаги қароқчиларни тинчйтиш, бож солиқларини камайтириш, Оренбургга келган карвонбошиларига бухоролик савдогарларнинг савдо-сотиқ ишларида уларга кафил бўлиш (хуқуқини бериш) хусусида таклиф этилган ҳамда Россия хазинаси ҳисобидан Бухорода масжид солиб бериш илтимос қилинган эди.

Россия подшоҳининг жавоб хатида карвон йўлларидаги қароқчилик ва қотилликлар учун Кичик жузнинг султони Хорунғози у ердан чиқариб юборилгани ҳақида хабар берилади. Бухоролик карвонбошиларга ўзларининг савдогарлари учун кафил бўлишга йўл қўйиш имкони йўқлиги ва Бухорода масжид қуриш масаласига ҳам рад жавоби берилади¹.

Бироқ бу элчилик муайян бир маънода Россия ҳукуматини Бухорога нисбатан муносабатларида ўзини анча зийрак тортишга мажбур этади. Амир элчиси Бухорога инглизлар келгани ҳақида ахборот бергандан сўнг Россия ҳукумати таҳликага тушиб қолади ва Оренбург генерал-губернатори П. К. Эссенга мазкур масала бўйича барча маълумотларни вазирликка юбориш топширилади².

1. Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами. Т. , 1982. с. 80-81.

2. Государственный архив Оренбургской области. Ф. 6, Оп. 110, д. 3260. лл. 55-56, 63.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Тарихи амир Ҳайдар” қўлёзмаси XIX асрнинг биринчи чорагида Бухоро-Россия дипломатик алоқалари тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Унинг маълумотларини архив ҳужжатлари билан қиёсий ўрганиш эса икки ўртадаги дипломатик алоқалар тарихини ёритишда учраб турадиган тарихий чалкашликлар натижасида нотўғри хулосалар келиб чиқишига асос қолдирмайди.

ЎРТА ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ САРОЙЛАРИДА ЭЛЧИЛАРНИ КАБУЛ ҚИЛИШ МАРОСИМЛАРИ

Ўрта Осиё ҳудудида минг йилликлар давомида ҳукм суриб келган давлатчилик тизими мавжуд бўлганлиги, давлатчиликнинг ўзига хос барча хусусиятлари, шу жумладан ташқи сиёсати, дипломатик алоқалари, элчиликлар борди-келдилари узлуксиз давом этиб келганлиги ҳозирги вақтда ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди, албатта.

Давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳукмдорларнинг ўзаро мулоқотларини барқарор этиш билан ишонч ҳосил қилиш, мамлакатларнинг ички ва ташқи ҳолатидан хабардор бўлиш, икки ўртада ҳамжиҳатлик ўрнатиш орқали фуқароларнинг тинчлиги ва осойишини барқарор этиш ва бошқа хил муаммоларни бартараф қилиш - элчилик алоқаларининг асосий мақсадлари ҳисобланган.

Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун, ўз ҳукуматининг сиёсати ва ниятларини тушунтириш ва унга ишонтира олиш учун элчиларнинг шахсиятига катта аҳамият берилган ва улар энг етуқ инсонлар орасидан танланганлар. Даврнинг доно ва зукко зотлари ҳукмдорлар учун бу борада қўлланмалар ёзиб, чет элларга юборилажак элчиларни танлаш, тайёрлаш ва уларнинг фаолияти тамойиллари ва меъёрларини белгилаб берганлар. Бу ҳақда юқорида тўхтаб ўтилди.

Қуйида Марказий Осиё давлатлари саройларида элчиларни қабул қилишда турли даврларда қарор топган ўзбек дипломатиясининг бу масаладаги ўзига хос қирралари ҳақида фикр юритилди.

Манбалардан шу нарса маълум бўладики, Ўрта Осиё давлатларида элчиларни қабул қилиш тартиб-қоидалари қадим замонлардананоқ ҳукмдорларнинг диққат-эътиборида бўлиб келган ва бу масалага ҳар вақт жиддий муносабатда бўлинган. Дипломатиямиз тарихига оид кўплаб асарларда унинг йўл-йўриқлари атрофлича таҳлил этилган. Юқорида эслатилган Низомулмулкнинг XI асрда битилган “Сиёсатнома”сида бу ҳақда, жумладан қуйидагиларни ўқиймиз: “Агар атроф мамлакатлардан келган элчилар ҳукмдор саройига етгунларича, гарчи уларнинг келишлари ҳақида ҳеч қандай хабар олинмаган тақдирда ҳам улар эътиборсиз қолдирилса

ва зудлик билан хабар етказилмаса - бу ҳол давлатдаги тартиб-қоидаларнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги тарзида баҳоланади. Сарҳадлардаги маъмурларга уқтириб қўйилиши лозимки, улар элчиларга дарҳол ишончли бир вакилни кузатувчи этиб тайинласинлар ва бу вакил уларни маълум бир манзилга (шаҳарга) етказиб қўйсин ва у ердаги ишончли мулозимга топширсин, токим у ҳам элчиларни навбатдаги манзилгача кузатиб бурсин. Бу тартиб элчилар ҳукмдор саройига етгунларича давом этсин. Ҳар бир тўхтамда элчиларни зиёфат қилиб, уларни хушфезллик билан кутиш, кейинги манзилгача зарур озиқ-овқатлар билан таъминлаш лозим, чунки уларга нисбатан кўрсатилган ҳар бир яхшилик ёки ёмонлик қабилдаги хатти-ҳаракатлар ҳукмдор томонидан амалга оширилган тадбир сифатида баҳоланишини унутмаслик даркор”¹.

Амир Темур саройида чет эллик элчиларни қабул қилиш маросими элчилар чегарадан ўтиб, унинг мулклари ҳудудига қадам қўйишларидан бошланар эди дейиш мумкин. Мамлакат бўйлаб шундай тартиб ўрнатилган эдики, элчилар йўлидаги шаҳар ва қишлоқларнинг ҳокимлари уларни кутиб олар, аҳоли уларидан гиламлар чиқариб жой солар, дастурхон ёзиб меҳмоннавозлик кўрсатар, тунаш учун муносиб жой берар ва йўлни давом эттириш учун от-улов билан таъминлашар эди. Бу ернинг одати шундай, деб ёзади Испания (Кастилия) қироли Генрих III нинг Амир Темур саройига юборган элчиси Руи Гонсалес де Клавихо². Агарда Амир Темур кимники бирор ерга юборса, балки унинг қошига кимдир келаётган бўлса, шу тарзда кутиб олишади ва ҳар куни янги от билан таъминлашади, деб давом этади элчи. Бу отлар аҳоли бор ерларда ҳам, йўқ ерларда ҳам амирнинг буйруғига кўра тайёр туради, уларга қарайдиган одамлар тайинланади. Алоқа тизимида ўрнатилган бундай мунтазам тартиб нафақат элчиларга қулай шароит яратади, балки Амир Темур бепоён мулкларининг ҳар чеккасидан хабардор бўлиб туради³.

1. *Сиясат-намэ. Книга о правлении вазира XI столетия, Москва-Ленинград, 1949. с. 101.*

2. *Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). М., Наука. 1990.*

3. *Ўша асар. 109-111-бетлар.*

Испания элчилари Амир Темур давлатидаги йўлларда ўрнатилган тартиб-интизомдан баҳраманд бўлиб, Самарқандга етиб келганларида улар Самарқандга яқин Гулистон боғига жойлаштирилиб, бир ҳафта давомида меҳмондорчиликда дам оладилар.

Амир Темур қароргоҳи - Дилкушо боғида - уларни қабул қилиш маросими бўлиб ўтади. Испания қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг сафар хотираларига бағишланган асарида бу маросим шундай тасвирланади: “Амирнинг яқинларидан иккита мирза уларни қўлтиқлаб бошлаб борадилар. Олдинда Испания қироли юборган совғаларни кутарган одамлар уларни намоёиш қилиб ўтадилар.

Элчиларни аввал кекса бир шахс олдида тўхтатадилар - у амирнинг эгачиларидан бирининг ўғли эди - унга таъзим қилгач, ўша ерда ўлтирган ёш ўспиринлар қошига олиб борадилар - улар амирнинг неваралари эди - уларга ҳам таъзим қиладилар.

Испания қиролининг мактубини топшириш вақтида ҳам шундай одат қўлланилади. Хатни ўтирган ўспиринлардан бири (Мироншоҳнинг ўғли) олади ва учала ўспирин ўринларидан туриб, мактубни амирга элтадилар.

Шунда элчиларга олға юриш буюрилади ва улар рўбарўда супада ўтирган амирни кўрган замон қўлларини кўксиларига қўйиб, тиз чўкиб таъзим қиладилар. Таъзим уч марта такрорланади ва элчилар тиз чўккан ҳолда қоладилар. Амир уларга ўринларидан туришни ва яқинроқ келишни буюради - ҳамроҳ бўлган мирзалар ўз жойларида қоладилар. Сўнг амир олдида турган учта мирза келиб, элчиларни қўлтиқлаб амир қошига олиб келадилар. “Амир қўлини ўпиш учун узатмади, - деб ёзади Руи Гонсалес де Клавихо. - Бу уларнинг одатига кирмайди ва буюк ҳукмдорлардан ҳеч бирининг қўлини ўпмайдилар - чунки ўзлари ҳақида фикрлари баланд”¹. Амир элчиларга қироллари, унинг соғлиғи, ишлари ҳақида саволлар беради - жавоб олади. Элчилар ўз элчиликларининг мақсадини тушунтирадилар - амир диққат билан қулоқ солади. Амирнинг невараси қирол юборган хатни баланд кўтариб бобоси олдида туради. Шу он илоҳият илмлари магистри тилмочга қараб: «Сеньорга айтинг, амирнинг қирол ўғли юборган бу хатни мендан бошқа ҳеч ким ўқий олмайди ва қачон аъло ҳазратларига маъқул бўлса, ўқиб бераман.» Шунда амир невараси қўлидаги хатни

1. *Ўша асар. 109-бет.*

олади, очади ва уни ҳозир ўқишни истаётгани, бироқ кейинроқ, ёлғиз қолганда тилмочни чорлашини ва хатни ўқишини айтади.

Кейин мирзалар элчиларни ўринларидан турғазиб, қўлтиқлаб амир ўтирган супага олиб бориб, унинг ўнг томонига ўтқаздилар. Амир уларни Хитой элчисидан юқори ўтқазиларни буюради.

Испания элчилари ва бошқа давлатлардан келган элчиларни жойлаштириб бўлгач, зиёфат бошланади.

Зиёфатдан кейин амир олдида элчилар келтирган совғаларни намоиш қиладилар. Шундан сўнг махсус тайинланган шахс элчиларни ўзлари учун ажратилган манзилга элтиб қўйиб, лозим бўлган барча нарсалар билан таъминлаб туради.

Испания элчилари ғоят юксак эҳтиром ва тантана билан қабул қилинади ва амир бир неча бор Боғи чинор, Боғи нав, Боғи дилкушо ва бошқа даргоҳларда улар шарафига зиёфатлар беради, улар амирнинг неваралари тўйларига таклиф этиладилар, бу маросимларда элчиларга саруполар кийдирилади, бошларидан тангалар сочилади, совғалар берилади ва бошқа турфа хил эътибор тимсоллари кўрсатилади. Элчи хотираларида мазкур маросимларда эркаклар қаторида аёллар ҳам иштирок этганлиги, уларнинг ўзлари ҳам у ёки бу муносабат билан зиёфатлар берганлиги ва уларга чет эллик элчилар ҳам таклиф этилганлиги ҳақида маълумотлар берилади.

Юқоридагилардан равшан бўладики, Амир Темур саройида бошқа давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатиш ва ривожлантириш ишига ғоят катта аҳамият берилган ва элчиларни кутиб олиш ва қабул қилиш маросимлари аниқ тартиб-интизом ва муайян бир қоидалар билан белгиланган.

Чет эллик элчилар Амир Темур мулклари ҳудудига кириб келиши биланоқ йўлда жойлашган шаҳар ва қишлоқларнинг ҳокимлари ва аҳолиси пешвоз чиқиб, уларни кутиб олиши ва меҳмон мақомида қабул қилиб, сафарни давом эттириш учун барча шароитларни яратиб бериши йирик давлатда ўрнатилган мустаҳкам интизом белгисигина бўлмай, балки Амир Темур давлатининг чет эллар билан дипломатик алоқаларни ривожлантиришга самимий интиганидан ва бу ўлкада меҳмондўстлик халққа хос хусусият ва миллий қадрият бўлганидан ҳам далолат беради.

Амир Темур саройида чет эллик элчиларни кутиб олиш маро-

симида асосан амирнинг авлодлари, мирзалар, невараларининг фаол иштироки кўзга ташланади: элчиларни кутиб олувчилар ҳам, уларни амир ҳузурига саломга олиб келувчилар ҳам, чет эл ҳукмдорининг мактубини қабул қилиб олиб, амирга топширувчилар ҳам амирнинг яқинлари - мирзалар эдилар.

Элчи олиб келган мактубни топшириш маросими ҳам ўзига хос тарзда ўтади: неваралардан бири уни баланд кўтариб Амир Темур ҳузурига боради ва элчилар амирга таъзим қилганларидан сўнг мактуб унга топширилади. У хатни олиб ўзи очади ва ҳозир эмас, ёлғиз қолганда ўқимоқчи эканини билдиради. Элчилар амирга таъзим бажо келтиргач ва савол-жавоблар тугагач, мирзалар уларни ҳукмдор ўлтирган супага олиб бориб, унинг ўнг томонига ўтқаздилар. Амирнинг буйруғи билан улар Хитой элчисидан юқори ўтқазилади.

Бу каби дипломатик маросимларда айtilган ҳар бир сўз ва босилган ҳар бир қадам ўзига хос маънога эга бўлиб, шу ўлканинг миллий қадриятлари, урф-одатлари ва ички ҳамда ташқи сиёсатини намойиш этиш учун фойдаланилган. Элчиларнинг амирдан олдин қария қошига, сўнгра неваралар олдига саломга олиб борилишида ҳам муайян бир маъно ётади - бир тарафдан, кексаларга ҳурмат ва ёшларга иззат бу ўлканинг одати эканлигини намойиш қилса, иккинчи тарафдан, ёш авлодга - келажак ҳукмдорларига ҳам муносиб ҳурмат кўрсатиш лозимлиги, давлатнинг давомийлигини эътироф этиш ва шу билан бирга дипломатиянинг нозик қонун-қоидаларини уларга ёшлигидан синдириб бориш, чет элликлар билан мулоқотга тайёрлаш мақсадлари назарда тутилган бўлса, ажаб эмас.

Амир Темур буйруғи билан Испания элчиларининг Хитой элчисидан юқори ўтқазилиши мисолида бу давлатнинг ташқи сиёсати ёрқин ифода топади. Бу омил амир Темурнинг янги-янги давлатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатишга катта аҳамият берганини кўрсатса, Хитой билан алоқаларнинг таранглигини ҳам намойиш этар эди. Демак, элчиларни қабул қилиш маросимини давлатлараро алоқаларнинг характери акс этган ойна деса ҳам бўлади.

XVI-XVIII асрларда ҳам Марказий Осиё давлатларининг чет эллар билан дипломатик муносабатлари ва элчилик алоқалари гўҳтаб қолмади. Мовароуннаҳр ҳукмдорлари мамлакатда ободон-

лик ва осудаликни сақлаш, давлатлараро муносабатлардаги муаммоларни ҳамжиҳатликда бартараф қилиш, у ёки бу масалага бир-бирларининг нуқтаи назарини аниқлаб олиш, ўз юртларидаги аҳволдан хабардор этиш ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлаш масалаларини элчилар воситасида амалга оширар эдилар. Элчилар орқали юборилган мактубларда ота-боболардан мерос қолган дўстликни сақлаш мамлакат тинчлиги ва аҳолининг фаровонлигини таъминловчи ва исломнинг қудратини оширувчи омил деб баҳоланар ва бир-бирларини шунга даъват этар эдилар.

Бу даврда Бухоро амирлари саройида жорий бўлган чет эллик элчилар, туман раислари, улус бошлиқларини қабул қилиш маросимларининг тартиб-қоидалари ҳақида ёзма рисола ҳам мавжуд бўлган. Маҳмуд бин Вали асарид¹ элчиларни қабул қилиш маросимининг тартиби шундай тасвирланади: «Энг аввал шиғовул олдинга чиқади ва ҳукмдорга элчини юборган зотнинг арзи ва илтимосларини (совғалари билан) баён қилади; кейин у бир неча қадам орқага чекинади ва элчининг саломларини, уни қабул қилиш (“кўриниш”) ҳақидаги илтимосларини ва унинг тортиқларини етказди. Агарда элчи машҳур амирлар сирасига кирса, мансабдор шахслардан икки киши (парвоначи, тўқсоба ва ҳ.к.) икки тарафдан унга яқинлашадилар ва уни юксак тахт поясига олиб келадилар. “Оллоҳнинг сояси бўлмиш ҳукмдорнинг қўли унинг саодатманд елкасига текканда” худди шундай тарзда элчини ўраб оладилар ва ўзининг олдинги жойига кузатиб қўядилар. Шундан сўнг ҳукмдор кўрсатма беради - у мажлиснинг ўнг томонига ёки чап томонига ўтирсин. Элчи кўрсатилган ерга ўлтиради ва токи ундан сўрамагунларича гап бошламайди.»²

Бироқ давлатлараро муносабатларнинг характери, даврнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий омиллари таъсирида элчиларни қабул қилиш маросимларининг қоида ва тартибларига янгиликлар киритила боради. Буни XVI асрда раванқ топган Бухоро - Ҳиндистон дипломатик алоқалари мисолида кўриш мумкин. Бу икки давлат ҳукмдорлари ўзларининг насабий илдиэлари бирлигидан бир-бирларига ҳурмат ва ишонч билан

1. Махмуд бин Вали. *Море тайн относительно доблестей благородных (География). Введение.* (Перевод, примечания, указатели Б. А. Ахмедова). Ташкент, 1977.

2. Қаранг: Бартольд В.В. *Сочинения.* 1.11.4.2. М., 1964. с. 389.

қарар эдилар ва бу ҳол баъзан уларни элчиларни қабул қилиш маросимига янгиликлар киритишга олиб келарди.

Ҳофиз Таниш Бухорий ўзининг “Абдуллонома”¹ асарида 1587 йили Ҳиндистондаги бобурийлар сулоласидан бўлган Акбаршоҳ (1542-1605) саройига юборилган Абдуллахоннинг (1557-1599) элчиси Мир Курайш билан биргаликда унинг элчилари Ҳаким Ҳумом ва Садр Жаҳоннинг келганлиги ҳақида маълумотлар беради. Асарда Ҳиндистон элчиларини Бухоро амири саройида қабул қилиш маросими шундай таърифланади: “Султон Хусайн Мирза мадрасасида катта базм уюштирилди. Абдуллахон учун тахт ўрнатилиб, унинг атрофида, амалларига қараб, ноиблар, амир ва лашкарбошилар жойлашдилар. Тилладўзи тўнлар кийган ва марваридлар қадалиб безатилган ханжарлар таққан махсус кишилар хизматда эдилар. Сарой ҳожибларининг қулоқлари хон фармойишига қаратилган эди. Мажлис бошланиши билан Ҳаким Ҳумом, Садр Жаҳон ва элчиликнинг бошқа кишилари базмга таклиф этилдилар. Ҳинд элчиларига уларнинг шоҳлари элчиларни қандай тартибда қабул қилса, шу тартиб-қоидага асосан мурожаат қилишларига ижозат берилди. Ҳинд элчиси Ҳаким Ҳумом ҳаяжонга тўлган ҳолда йигирма етти маротаба салом берди. Салом шундан иборат эдики, қўл-кафтларини ерга теккизиб, сўнг баланшга кўтаради ва олдинга қадам ташлаб бошини қуйи солади. Олий жойга (тахтга) яқинлашганда элчи тиззасида туриб хон қўлини ўпади ва ўзи билан келтирган номани узатади. Номанинг мазмуни шундан иборат эдики, - деб ёзади Ҳофиз Таниш Бухорий, - муҳаббат ва дўстлик ҳақида сўзланиб, умумий душман (Эрон)дан сақланиш учун биргаликда ҳаракат қилиш таклиф этилади”².

Бу тарихий ҳужжатдан кўриниб турибдики, ҳинд элчисини қабул қилиш маросими тантанали тарзда ўтказилган. Бухоро амири Ҳиндистон элчисига амирликда қабул қилинган тартиб бўйича эмас, балки ўз юртидаги одат бўйича саломга келишни таклиф этиб, унга катта илтифот курсатган. Элчиларни қабул

1. Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. *Абдуллонома (Шарафномаи шаҳий)*. 1 жилд. Форсчадан Содиқ Мирзаев таржимаси. Масъул муҳаррир Я. Ф. Фуломов. Тошкент, “Фан”. 1969.

2. Қаранг: Низомуддинов И.Ф. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари. Тошкент. “Фан”. 1969. 35-6.

қилиш маросими тартибига киритилган бу янгилик наинки элчига курсатилган хос иззат, балки элчи тимсолида Ҳиндистон давлатига, унинг подшоҳига нисбатан чуқур ҳурмат ифодаси бўлган эди. Абдуллахон бу билан Акбаршоҳни нақадар қадрлашини, ўзаро алоқалар ривожидан қанчалик манфаатдор эканлигини, Бухоро-Ҳиндистон муносабатлари бошқа давлатлар билан муносабатлардан фарқ қилишини намоён этган эди. Зеро, уларнинг ўзаро ёзишмаларида ҳамиша нафақат дипломатик илтифот, балки “илдизлари бир бўлган улуг аждодлардан мерос қолган ҳамжиҳатлик муносабатларини давом эттириш”, ўз мулкларида “оройиш ва осойиш эшикларини кўпоийиш этиш” учун бир-бирлари билан бирга бўлиш истаги ифодаланар эди. Албатта, Бухоро ва Ҳиндистон ҳукмдорлари ўртасидаги бундай ҳамжиҳатлик асосида нафақат насабий илдизларининг бирлиги, балки бир қатор сиёсий, ижтимоий, маънавий ва бошқа муаммоларнинг мавжудлиги ҳам, ҳар икки томоннинг ташқи хавфдан - зўрайиб бораётган Эрон сафавийлар давлатидан хавотирланиши ва Эрон билан улар ўртасида сунний-шиа зиддиятлари ҳам бўлганлигини инкор қилиб бўлмайди.

Демак, XVI-XVIII асрларда Бухоро амири саройида чет эл элчиларини қабул қилиш маросимининг қоидалари ёзма рисолада белгиланган бўлган. Унга кўра элчини кутиб олишда шиғовулнинг роли катта бўлган. Элчи ҳақида ҳам, уни юборган зот ҳақида ҳам, уларнинг совға-саломлари ва арзу илтимослари ҳақида ҳам шиғовул арз қилган. Шу ҳам белгилаб қўйилганки, шиғовул элчини юборган зот ҳақида арз қилиб бўлгач, бир неча қадам орқага чекиниб, кейин элчининг ўзи ҳақида, унинг “кўриниш”га илтимослари ва тортиқлари борасида баёнот берган. Бу аъмол элчи билан унинг ҳукмдори ўртасидаги оралиқни кўрсатиш учун қўлланилган бўлиши мумкин. Элчининг ўз давлатидаги мавқеига кўра уни юксак мақом сарой мансабдорларидан икки киши хон қошига саломга олиб келганлар; ҳукмдор унинг елкасига қўлини теккизгач, яна ўша мансабдорлар уни жойига олиб бориб қўйганлар. Элчини қаерга ўтқозишни амир буюрган. Ундан сўрамагунларича гап бошламаган.

Бироқ Ҳиндистон подшоҳининг элчисини қабул қилишда бу қоидалардан воз кечилган эди.

Мазкур фактда ўзаро дипломатик ва бошқа хил алоқалар тараққиётидан манфаатдорлик элчиларни қабул қилиш

маросими тартибининг ўзгартирилишига, унинг Бухоро саройидаги тартиб бўйича эмас, балки элчи келган давлатнинг маросими қоидалари билан алмаштирилишига олиб келганини ҳам кўрамыз.

XIX асрга келиб Бухоро саройида элчиларни қабул қилиш маросими бир қадар ўзгаргани ва аввалги ёзма қоидаларга янгиликлар киритилгани кўзга ташланади. А.А. Семёнов ҳам буни қайд қилган эди. “Аввалда элчи олиб келган чет эл ҳукмдорининг мактуби кичик иноққа топширилар, у хатни очиб, хоннинг буйруғи билан ўз ҳукмдорининг шахсий котибига - муншига топширар, у эса баланд овозда уни ўқиб берар эди”¹.

Қабул маросими қоидаларига киритилган янгиликлар, айниқса, шимолдаги қўшнилари билан, ўзга маданий муҳит ва ўзга динга мансуб бўлган йирик давлатлар билан дипломатик алоқаларда акс этади ва элчиларни қабул қилиш маросимлари турфа хил кўринишларда ифода топа бошлайди.

Қабул маросими қоидаларини ўзаро муҳокама қилиш тажрибасининг қўлланилгани шундай янгиликлардан бири бўлган эди. Жумладан, 1820 йили Россия подшоҳи Александр I (1801-1826) Бухоро амири Ҳайдархон (1800-1826) саройига юборган расмий элчиси А.Ф. Негрини қабул қилиш маросими ҳар икки томонга мақбул бўлиши учун узоқ муҳокама ва мунозара қилинган эди. Россия дипломатияси ўз талабларини йирик давлат мавқеидан туриб қўйган бўлса, амирлик дипломатияси йирик давлат билан муносабатларда ўз шаънига путур етказмасликни, уни тенг ҳуқуқли шерик деб ҳисоблашларини кўзлар эди. Айни бир вақтда ўзаро савдо алоқаларидан, тинч-тотув муносабатлардан манфаатдорлик томонларни ҳамжиҳатликка олиб келарди. Негри элчилигининг асосий вазифаси ҳам айни шу мақсадни кўзлар - у Россия-Бухоро савдо алоқаларини кенгайтиришдан, савдо йўлларидаги хавф-хатарни биргаликда бартараф қилишдан ва рус асирлари масаласини ҳал қилишга интилишдан иборат эди. Мазкур элчиликнинг расмий котиби Е.К. Мейендорфнинг

1. Семёнов А.А. К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX века. Известия академии наук УзССР. 11. 1951 с. 91.

ёзишича, Бухорога 15 чақирим етмасдан Бозорчи номли жойда 36 соат давомида қабул маросимининг қоидалари муҳокама қилинади ва элчига амир ҳузурида ўлтирган ҳолда суҳбатлашиш учун ижозат берилади.

Элчини амир ҳузурида қабул қилиш ва унга подшоҳнинг Ёрлиғини топшириш маросимини мазкур муаллиф шундай тасвирлайди: “Икки ёнида камергерлари билан Негри хон томонига ўн қадам юриб, унга форс тилида мурожаат қилди ва кейин қушбегига ишонч Ёрлиғини топширди ва ўлтирди. Элчиликнинг бошқа аъзолари эшикнинг икки томонида турганча қолдилар. Қушбеги зудлик билан императорнинг мактубини хонга топширди; хон уни баланд овоз билан ўқиб чиқди”!

Демак, ўрта асрларда махсус рисолада қайд қилинган қоидалар бўйича амирга элчи ҳақида, уни юборган зот ва уларнинг илтимослари борасида шиғовул арз қилган, элчи келтирган совға-саломлар ҳақида ҳам у ахборот берган, чет эл ҳукмдорининг мактуби кичик иноққа (кейинроқ: шиғовулга) топширилган, у - муншига берган, мунши хатни ўқиб берган бўлса, XIX аср бошида Россия элчиси ўзи ҳақида ўзи арз қилган, подшоҳининг мактубини шиғовулга эмас, қушбегига топширган, у эса хатни амирга элтиб берган ва амир баланд овозда ўзи ўқиб чиққан эди. Элчига амир ҳузурида ўлтирган ҳолда суҳбатлашишга ижозат берилган; амир Россия элчисини ўрнидан туриб кутиб олганлиги ҳам янгилик эди. Гарчи бунда юқорида эслатилганидек элчи учун эмас, балки Қуръон ҳурмати учун ўриндан туришдек нозик дипломатик усул қўлланилган бўлса ҳам.

Ҳар қандай давлатнинг ташқи сиёсати ички сиёсатининг давоми бўлганлиги важҳидан элчиларни қабул қилиш маросимларида ҳам Бухоро маъмуриятида белгиловчи омил бўлган руҳият масаласи, исломнинг роли юқори қўйилган ва, айниқса, бошқа диндаги давлатлар элчиларини қабул қилиш жараёнида унга путур етказмаслик чоралари қидирилган.

Бироқ чет эл элчиларини қабул қилиш маросимлари ҳамма вақт ҳам силлиққина ўтар эди, деб бўлмайди. Бунинг учун ҳар икки томоннинг бирдек интилиши, дипломатияга изчил риоя

қилиши талаб қилинарди. Шундай ҳолни 1844 йили Бухорога юборилган Эрон шоҳининг элчисини қабул қилиш маросими мисолида кўриш мумкин.

Мазкур элчи ёзиб қолдирган “Сафарномаи Бухоро” қўлёзма манбада¹ сафар тафсилотлари қаторида амир саройида элчини қабул қилиш маросими ҳақида ҳам маълумот берилади. “Кун ботишга ярим соат қолганда шаҳарга кириб бордик, - деб ёзади элчи. - Бизни амирга қарашли уйлардан бирига жойлаштиришди.

... Кейин ширинликлар, нон, холвалар келтириб суфра ёйишди. Бир неча калла қанд ва чой амир номидан келтирилди”. Амир ҳузурига элчи истаса бугун, истаса эртаси куни келиши мумкинлиги билдирилди.

Эртаси куни шиғовул келиб, уни амир ҳузурига бошлаб боради.

Элчини Регистон аркида қабул қилиш маросими шундай таърифланади: “Шиғовул билан биргаликда девонхонага кирдик... Камина хонага кириб, баланд овозда салом бердим. Амир ҳазратлари жавоб бериб, ўзи ишора қилиб жой кўрсатди - ўлтирдим. Расмий танишувдан кейин жаҳонпаноҳнинг муборак фармонини ўпиб, бошимдан баланд кўтариб, нигоҳ қилдим.

Амир ҳазратлари икки қўли билан олиб, очиб, бошидан охиригача ўқиб чиқди. Аҳвол сўради: (айтадиган) фармойиши борми, шоҳ нима буюрган”².

Элчи шоҳнинг оғзаки топширигини - Бухорода жосусликда айбланиб зиндонга ташланган Англия фуқароси Жозеф Вулфни озод қилиш масаласи эканлигини баён қилади. Шоҳнинг мактубида ҳам айни шу масала ва эронлик асирлар масаласи кўйилган эди.

Шу билан биринчи қабул маросими тугайди; кейин элчини дастурхончининг манзилига олиб бориб меҳмон қиладилар ва уни “дастурхончининг меҳмони” деб атайдилар. Элчи билмай ёки бошқа мақсадда, дастурхончини вазир деб таърифлайди.

Хуллас, элчини қабул қилиш маросимининг анча соддалаштирилгани кўзга ташланади. Элчини кутиб олиш, жойлаштириш,

1. Сафарномаи Бухоро (Асри Муҳаммадшоҳи қожор, 1259-1260). Ба эҳтимоми Ҳусайн Замоний. Техрон. 1379. Қўлёзма нуқусли бўлганлигидан элчининг номини аниқлаш имкони бўлмади.

2. Ўша асар. 33-34-бетлар.

унинг таъминоти билан, одатдагича, шиғовул шуғулланади, унинг воситасида бир неча бор амир билан учрашувлар уюштирилади ва у бошқа давлат арбоблари билан мулоқотда бўлмайди.

Амир Эрон элчисига илтифот кўрсатиб, ўз ҳузурига келиш учун махсус вақт белгиламайди, уни элчининг ўз ихтиёрига қолдиради; шоҳнинг ёрлигини шиғовул қўлидан эмас, балки элчининг қўлидан амирнинг ўзи олади, ўзи ўқийди.

Бироқ бу маросимда Бухоро амираи саройида элчиларни қабул қилиш маросимларидаги тантана ва байрамона руҳ сезилмайди. Элчини давлат бошлигининг эмас, дастурхончининг меҳмони деб атайдилар ва унинг шарафига уюштирилган зиёфат ҳам дастурхончининг уйида ўтказилади.

Бунинг сабабини, табиийки, ўша даврда икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг таранглиги ва элчиликнинг мақсад-вазифаларининг характери билан изоҳлаш мумкин. У Бухорода жосусликда айбланган шахсни озод қилиш учун келган ва бу вазифани бажаришда нодипломатик усуллардан ҳам фойдаланишдан бош тортмаган эди.

Элчи Бухорода эканлигида пинҳона воситачилар орқали Техрон билан боғланиб турган ва шоҳдан амир номига яна мактуб олган эди. Уни амирликдаги қоидага кўра шиғовул орқали беришдан бош тортиб, “бизда одат шундай”, деб амирга ўз қўли билан топширишни талаб қилади. Бир неча бор музокаралардан сўнг амир бунга розилик билдиради.

Бироқ амир унинг бу талабларига, яъни қабул маросими тартибининг бузилишига ўз эътирозини дипломатик усул билан сездириб қўяди - элчини иккинчи бор қабул қилишда, одатдагидек, ўз жойида кутиб олмайди ва элчи кириб келгандан кейингина чиқиб саломлашади¹. Аммо “Сафарнома”да элчи бу тимсолни тушунганлиги ҳақида лом-мим дейилмайди.

“Сафарномайи Бухоро” асари ўқувчида унинг муаллифи (Эрон элчиси) ва шоҳ ҳукуматининг дипломатияси ҳақида бир қатор саволлар туғдиради. Ношир уни “Эроннинг давлат арбобларидан бири” деб таърифлайди. Элчи эса ўзининг дипломатиянинг умумий қоидаларини писанд қилмаганлиги ҳамда ўзини гўё буюк давлатнинг вакили сифатида тутиб, “аъло ҳазрат давлатига

1. *Ўша жойда.*

муносиб шавкат билан ҳаракат қилганини” қайта-қайта таъкидлайди. “Регистондан аркка ўтишда ҳар бир амалдор пиёда бўлади, - деб ёзади у. - Мен ҳамма жойдан отлиқ ўтиб, амирнинг ўзи, қозикалон ва қушбеги олдидагина отдан тушдим.”¹

Бундай эътирофдан мазкур элчи дипломатиянинг халқаро тан олинган анъаналаридан саналмиш қоида - ҳар бир элчининг зиммасида нафақат ўз ватанининг шон-шавкатини сақлаш, айти бир вақтда ўзи борган мамлакатнинг қонун-қоидаларини ҳурмат қилиш мажбурияти ҳам борлигидан беҳабармиди, ёки “Сафарнома...” муаллифнинг шоҳ олдидаги хизматларини бўрттириб кўрсатиш учун ёзилган асарми деган савол келиб чиқади. Афсуски, унинг маълумотларини бошқа манбалар билан қиёслаш имкони йўқ - ношир таъкидлашича, Эрон манбаларида на унинг номи, на ўзи ҳақида бирор эслатма учрамайди. Бизнинг ихтиёримиздаги манбаларда ҳам бу ҳақда маълумотлар топилмади.

“Сафарнома”да: “Мен оми одам ва навқар бўлсам-да...” деган ибора учрайди. Бу ҳолда элчининг дипломатиянинг талаб ва қоидаларидан беҳабар бўлганини тушуниш мумкин. Бироқ унинг амир билан суҳбатлари ҳақида: “Мен, маслаҳат қилинганидек, давлат шукуҳига муносиб жавоб қилдим...”² каби жумлаларни ва элчининг Эроннинг сиёсий-иқтисодий аҳволи ҳақида ҳамда Англия билан муносабатлари тўғрисида амирга берган муболағали ахбороти тарихий ҳақиқатдан йироқ эканлигини ҳам ҳисобга олинса, буни шоҳ ҳукуматиининг Бухорога нисбатан такаббуруна сиёсатидан далолат, дейиш мумкин бўлади.

Эрон элчиси Бухоро амири билан музокараларда Эроннинг ҳарбий қудрати, унда йиғилган қурол-яроғлар шиддатига ҳеч ким бардош бера олмаслиги ҳақида муболаға қилган ва у билан иттифоқ бўлишни тавсия этганди. Шоҳ дипломатияси инглизларнинг тазйиқи остида уларнинг талабини бажариш мақсадида барча омилардан, шу жумладан элчининг, “оми”лиги ва “навқарлик” шиддатидан ҳам фойдаланган ва эронликларга хос бўлган латофат ва назокат анъаналаридан чекинган эди.

Хуллас, Бухоро саройида Эрон элчисини қабул қилиш маросимида икки давлат ўртасидаги зиддиятли муносабатлар ва элчининг носамимийлиги ўз аксини топган ва улар маросим

1. *Уша жойда.*

2. *Уша жойда.*

тартибига путур етказган эди. Шунга қарамай, амир ўзаро муносабатларда зоҳирий тинчликни сақлаб қолиш мақсадида Эрон элчилигининг арзига қисман ижобий жавоб қилган эди.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб ишонч билан айтиш мумкинки, Ўрта Осиё давлатларида, ҳар бир мустақил давлатда бўлгани каби, дипломатия давлатчилигининг ўзига хос хусусияти сифатида давлатнинг ташқи сиёсатида катта роль ўйнаган ва унинг воситасида давлатлараро муносабатларда содир бўладиган сиёсий, ижтимоий, маънавий, савдо алоқалари муаммолари ҳал қилинган, жангу жадалларнинг олди олинган, дўстона муносабатларни ривожлантириш кўзланган.

Элчиларни қабул қилиш маросими муайян бир тартиб-қоидалар асосида олиб борилган, бу ҳақда рисоалар ёзилган.

У ёки бу даврда дипломатик алоқаларнинг ривожини давлатлар ўртасидаги муносабатлар даражасига боғлиқ бўлганидек, элчиларни қабул қилиш маросимлари ҳам муайян бир тарихий даврда томонларнинг ўзаро муносабатларининг характери, хусусиятлари, имкониятлари ва халқаро майдондаги мавқеи билан белгиланган.

Амир Темур давлатида чет эллик элчиларни қабул қилиш маросимига хос бўлган қатъий тартиб-қоидалар давлатнинг қудрати ва унда ўрнатилган интизомни ҳамда давлатнинг чет эллар билан дипломатик алоқаларни кенгайтириш иштиёқини намойиш қилса, XVI-XVIII асрларда Бухоро-Ҳиндистон дипломатик алоқалари маросимига киритилган янгиликларда икки давлат ҳукмдорларининг ўзаро яқинлиги, бир-бирига эҳтиёж-мандлиги, дипломатик алоқаларни мустаҳкамлашдан гоёта манфаатдор эканлиги акс этади.

XIX аср бошида Бухорода Россия элчисини қабул қилиш маросими қоидаларига киритилган ўзгартишлар Бухоронинг йирик давлат билан дипломатик алоқаларини мустаҳкамлашдан, ўзаро савдо алоқаларини кенгайтиришдан манфаатдор эканлигидан дарак беради ҳамда муайян бир даражада эҳтиёткорлик мавжудлигини ҳам кўрсатади.

XIX аср ўрталарида Эрон элчисини қабул қилиш маросимининг у қадар тантанавор бўлмаганлиги ва айрим тушунмовчиликлар юз бергани ҳам икки давлат ўртасидаги зиддиятли муносабатлар билан белгиланади. Бу алоқаларда ташқи дунёдан

ажралиб қолган ва заифлашиб бораётган Бухоро амирининг худди шунингдек заифлашаётган ва Англияга қарам бўлиб бораётган Эроннинг ички ва ташқи аҳволдан мутлақо беҳабарлиги ва Эрон элчисининг бундан фойдаланганлиги намоён бўлади.

Демак, Ўрта Осиё давлатларида чет эллик элчиларни қабул қилиш маросими муайян тартиб қоидалар асосида олиб борилган бўлса-да, ўзаро муносабатларнинг характери ва даврнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий омиллари тақозоси билан уларга ўзгартишлар киритиб борилгани кузатилади.

Х У Л О С А

Мустақиллик шарофати билан уч минг йилдан зиёд вақт ичида фаолият кўрсатган давлатчилик тарихимизнинг барча жабҳаларини одилонга тадқиқ этиш, уни халқимизга бир бутун ва ҳаққоний тарзда тақдим этиш имконига эга бўлдик.

Албатта, бу бирдан юзага чиқадиган осон иш эмас. Бунинг учун шу пайтгача ўрганилмаган ёки атайлаб четлаб ўтилган сон-саноксиз ёзма манбаларни ўрганиш, архив маълумотларига мурожаат қилиш, ҳатто илгари истифодага киритилган юзлаб ҳужжатларни ҳозирги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишга тўғри келади. Ҳали тарихимизда ўрганилмаган воқеликлар, ёзилмаган “оқ доғлар” кўп.

Ана шундай соҳалардан бири ўзбек дипломатияси тарихидир.

Маълумки, дипломатия тарихи давлатчилик тарихининг таркибий атрибутидир. Уни ёритмасдан туриб давлатчиликнинг муайян тарихий шароитдаги фаолиятини объектив баҳолаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ушбу мавзу ҳозирги кунда гўят катта аҳамиятга молик бўлган долзарб йўналишлардан бири саналади.

Ўзбек дипломатияси тарихи сарҳадларимизда биринчи пайдо бўлган давлатчилик уюшмалари тарихидан бошланади. Унинг сарчашмалари “Авесто” саҳифаларида акс этган фикр-мулоҳазалардан озиқланган. У асрлар мобайнида сайқалланиб келган. Давлатдан-давлатга, элдан-элга, асрдан-асрга ўтиб, тобора тиниқлашиб борган унинг турли қирралари “Кутадғу билик” ва ўнлаб дастурий асарларда ўз аксини топиб келган. Бундай ажойиб манбалар тарихимизда фаолият кўрсатган ҳукмдорлар учун ташқи сиёсат бобида дастуриламал вазифасини ўтаган.

Давлатчилик тарихимизда бўлганидек, унинг таркибий қисми - ўзбек дипломатияси тарихида ҳам ҳодисалар ривожини бир зайлда давом этмаган, унда баъзан кенг қамровли имкониятлар даври ҳукм сурган бўлса, айрим замонларда таназзул ҳамда чекланган воқеликлар давлари ҳам намоён бўлган. Аммо, шунга

қарамасдан, давлатчилигимиз тарихида юз берган барча ҳолатларда дипломатиямиз тарихан таркиб топган ўз тамойилларига амал қилиб келган, унда мустақиллик роясига содиқлик, тинчлик ва осойишталикка интилиш, уни асраш, қўшни давлатлар ва халқлар билан яхши муносабатларни жорий этиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, бошқа халқларга ҳурмат билан қараш, ватанни севиш, адолат нуқтаи назаридан иш қўриш каби қирралар ҳамиша намоеън бўлиб келган.

Тўпلام-моногорафиядаги ҳар бир даврга бағишланган илмий очеркда, унга илова қилинган дипломатик ёзишмалар, ҳужжатлар ва лавҳаларда ана шу тамойиллар у ёки бу тарзда ўз аксини топган. Бу ҳол узоқ тарихимизда юз берган айрим узилишлар ҳисобга олинмаса, қадим даврлардан то XIX асрнинг иккинчи ярмигача, яъни Ўрта Осиё хонликлари Россия империяси томонидан босиб олингунига қадар узлуксиз давом этиб келган.

II қисм

Юртимиз дипломатиясига оид лавҳалар

Ўзбек дипломатиясининг жуда қадим замонларга оид ёзишмалари бизгача етиб келмаган. Араб истилосигача бу ерда мавжуд бўлган асарлар ва ҳужжатлар “кофирлар маънавияти” сифатида мусулмон фотиҳлари томонидан йўқ қилиб ташланган.

Масалан, Абу Райҳон Беруний араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим бошчилигидаги истилочилар Хоразмни забт этгач, бу ердаги ёзма ёдгорликларга нисбатан юритган сиёсати ҳақида шундай ёзганди: “Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди”.¹ Шунинг учун ҳам бундай маълумотлар кўпроқ хорижий муаллифлар (юноний, чиний каби) асарларида учрайди. Айни вақтда кўпгина ажойиб маълумотларни тошбитиклардаги хабарлардан ҳам олиш мумкин. Баъзи хабарлар бизгача етиб келган суғд ҳужжатларида ҳам мавжуд. Аслида эса уч минг йилдан ортиқ давлатчилик тарихига эга бўлган юртимизда турли даврларда фаолият кўрсатган давлатлар ташқи сиёсатига доир минглаб ҳужжатларнинг бўлганлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Кейинги минг йиллик тарихимиз эса аждодларимиз қўли билан ёзилган китоблар - қўлёзмаларда ўз аксини топган. Уларда дипломатик ёзишмаларга оид кўплаб маълумотлар жамланган. Айни вақтда бундай маълумотлар турли давлат архивларида ҳам мавжуд.

Қуйида ана шу манбалардан айрим намуналар келтирилади.

Хитой элчиси Чжан Цян маълумотларидан:

Хитой давлати миллоддан аввалги иккинчи асрда Хан сулоласи даврида ғарбга томон интила бошлайди. Бу ҳол иккинчи асрнинг сўнгги чорагида Фарғона билан Хитой ўртасида кескин сиёсий-

1. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. 1. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Тошкент, Фан, 1968. 72-бет.

ҳарбий алоқаларга олиб келади. Бу соҳадаги маълум муаммоларни ҳал этиш учун Фарғонага Хитой элчиси Чжан юборилади. Элчига аслида катта вазифалар юкланган эди. Унинг мақсади минтақанинг Бақтрия қисмида ҳукмрон бўлган южилар (тахорлар) билан хунларга қарши ҳарбий иттифоқ тузиш, йўл-йўлакай Фарғонага ҳам кириб, у билан бўлган ихтилофларни бартараф этиш бўлганди. Хитойликлардан элчи Чжан Цян Фарғона билан илк бор танишган кимсалардан бири бўлди. Улар Фарғонани Довон, бу ердаги давлатни Довон - Улуғ Ван давлати деб атадилар. Чжан Цян ёзиб қолдирган маълумотларга қараганда, Фарғона ҳукмдори уни жуда яхши қабул қилади. Унинг совға-саломларини катта мамнуният билан олиб, кетар чоғида элчига ўз навбатида кўплаб қимматбаҳо тортиқлар ҳада этади ва унга йўл кўрсатувчи алоқа хизматчиларини ҳамроҳ қилиб жўнатади. Бу ҳол ўртадаги музокараларнинг ҳар иккала томон учун ҳам мақбул даражада бўлиб ўтганлигига шохидлик беради.

Элчи Чжан Цян ўз сафари даврида Фарғона, Сугдиёна, Бақтрия ва Туркистоннинг бошқа қатор вилоятларида бўлиб, бу ердаги халқлар, уларнинг сиёсий тузуми, маданий ҳаёти ва урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар тўплайди ва уларни ёзиб қолдиради. “Довондан ғарбга томон Ансигача (Парфиягача) бўлган улкан ҳудудда турли тилларда, лаҳжаларда сўзлашсаларда, аммо урф-одатлари ўхшаш ва муомалада бир-бирларини тушунадилар” - деб таъкидлайди элчи. Унинг ёзишича, Фарғона давлати бошқаруви тизимида ҳукмдор, унинг икки ёрдамчиси (вазири) ва оқсоқоллар кенгаши фаолият кўрсатган. Оқсоқоллар кенгаши уруш очиш, сулҳ тузиш, янги ҳукмдорни тайинлашда катта ўрин тутган. Масалан, хитойликларнинг Фарғонага тажовузлари чоғида оқсоқоллар кенгаши ўзаро сулҳ тузиш тарафдори бўлиб чиқади ва бунга муяссар бўлади ҳам¹.

Эрон шоҳи Дорога берилган жавоб

Эрон шоҳи Доро (милоддан олдинги 522-485 йиллар) Турон сарҳадларига бостириб кирар экан, бу ердаги кўчманчи скиф қабилаларини жуда тез ўзига бўйсундиришни хаёл қилганди. Аммо бундай бўлмади. Доро ўзининг 700 минглик сарбозларига

1. Бичурин Н.Я. *Собрание сведений...* Т. 2. с. 16-162.

ишонар эди. Улар машқ курган, кўплаб жангларда чиниққан бўлсалар-да, отда юришда, найза отишда скифларга тенг кела олмас эдилар. Тунда кичик-кичик скиф тўдалари эронийларнинг олдинги қисмларига қўққисдан ҳужум қилиб, қириб ташладилар. Доро қўшинлари борган сари сийраклашаверди. Доронинг сабр-тоқати тугаб, скифлар шоҳи Иданфрисга мактуб йўллади. Мактубда бундай дейилган эди:

“Тентак, икки йўлдан бирини танла, имконинг бор. Аммо сен қочиб юрибсан. Агар менга қарши туришга кучинг етса, дайдиб юришдан тўхта, мен билан жанг қил. Агар заифлигингни тан олсанг, қочиб овора бўлма, ер-сувингни ўз султонингга сийлов қилиб бергин-да, келишув битими тузгин”.

Скифлар шоҳи Иданфрис Доронинг ушбу хатига бундай жавоб берган экан:

“Менинг аҳволим бундай, шоҳ! Мен авваллари ҳам бирор кимсадан кўрқиб қочмаганман. Ҳозир ҳам сендан кўрққаним учун қочаётганим йўқ. Тинчлик вақтида қандай йўл тутган бўлсам, ҳозир ҳам шундай йўл тутяпман. Сен билан дарҳол жанг қилмаганимнинг боиси бундай: шаҳарларимиз ёки экин экадиган ерларимиз бўлсаки, уларнинг талон-торож қилиниши ва яксон бўлишидан кўрқсак. Шул сабаб сизлар билан дарҳол жанг бошламадик. Агар жанг қилишни жуда истасангиз, оталаримизнинг қабрларини топиб, уларни оёқости қилишга уриниб кўринглар, жанг қиламизми, йўқми, кейин биласизлар. Бу жанг ҳақида айтганим. Мен ўз султоним ва ҳукмдорим деб Зевс билан Гестияни - скифлар маликасини ҳисоблайман. Сенга эса сийлов қилиб, ер-сув ўрнига бошқа нарсаларни юбораман. Ўзингни менга султон, ҳоким деб ҳисоблаганинг учун ҳали адабингни ейсан!”¹.

Кўриниб турибдики, скифлар шоҳи Иданфрис Доронинг бўйсунуш ҳақидаги талабига мағрурона жавоб берган, у ўз юртини бировга бериб қўймаслигини, унинг жазосини беришга тайёр эканлигини билдиради. Орадан кўп ўтмасдан қумликлар ичида саросимага тушиб қолган Доро қароргоҳига скифлардан махсус совға келади. Бу совға қуш, сичқон, бақа ва бешта ўткир ўқдан иборат эди. Эронийлар, жумладан, Доронинг ўзи ҳам бу

1. Драчук В. Дорогами тысячелетий. М., 1976. с. 34-бет.

нарсалар скифларнинг енгилганидан дарак берувчи бир мужда деб қувонадилар. Фақат Доронинг маслаҳатчиси Гобрыйун бундан тўғри хулоса чиқаради: “Бу скифларнинг бизнинг олдимизга қўйган шартидир, - дейди у. - Улар бизга бундай демоқчилар: “Агар сиз, эронийлар, қуш каби учиб ғойиб бўлмасангиз, ё сичқон каби ер тагига кириб кетмасангиз, ё қурбақа сингари ботқоқликка шўнғимасангиз, у ҳолда уқлардан шикаст еб, шу ерларда қолиб кетасиз”¹.

Шундан кейин орадан кўп ўтмай скифлар шундай ҳужумлар уюштирдиларки, уларнинг кеча-кундуз тиним билмаган суворийлари яшин тезлигида Доро қўшинларини пароканда қилиб ташлай бошлади. Доро шармандаларча мағлубиятга учради. Скифлар ва уларнинг шоҳи Иданфрис ғалабага эришди.

Асрлар қаъридан бизгача етиб келган ана шу лавҳалар авлоддан авлодга ўтиб, аждодларимизнинг Ватан озодлиги, унинг мустақиллиги учун нақадар мардонаворлик билан курашганлиги, келгинди босқинчиларнинг куч-қудрати олдида эсанкираб қолмасдан, уларга оқилона жавоб берганлари ҳамда ўз сўзлари устидан чиққанлари ҳақида ҳикоя қилиб келган. Қадимий кўчманчи давлат уюшмаларида қаттиқ жанговар интизом ва доно дипломатия бўлганлиги ҳақида мужда берувчи ушбу сатрларга жо бўлган воқелик ундан кейинги юз йилликларда элимизда рўй берган тарихий воқеаларда кўрсатилган қаҳрамонлик ва фидокорлик намуналари учун дастлабки таянч бўлган.

Турк хоқонлиги даври дипломатиясидан

Юртимизнинг қадимги даврларда олиб борган дипломатик алоқалари ҳақида сўз борар экан, бу ҳол, айниқса, Турк хоқонлиги даврларидан қолган турли битиклар ва ашъвий далилларда ўзининг ёрқин ифодасини топганлигини кўраемиз. Айни вақтда, биринчи турк хоқонлиги (551-630 йиллар) ва иккинчи турк хоқонлиги (VIII асрнинг 20-30 йиллари) ёки уйғур хоқонлиги (VII асрнинг II ярми) ҳукмронлигига оид жуда кўп воқеалар, жумладан, бошқа халқлар билан олиб борилган дипломатик алоқалар хитой манбаларида кўплаб сақланиб қолган.

1. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. Тошкент, 1993. 21-23-бетлар.

Бу вақтлар ичида туркийлар Фарбу Шарқда ва Жануб тарафда тараққий этган мамлакатлар билан узвий алоқада эдилар. Хитойлар билан яхши қўшничилик муносабатлари бор эди.

Турк хоқони Бўмин вафотидан кейин 552 йилда хоқонлик унинг угли (Шарқий турк хоқонлиги) ва укаси Истами хоқон (Фарбий турк хоқонлиги) томонидан бошқариладиган бўлди. (Византиялик тарихчи Феофилакт Симкатта уни Стемби хоқон деб атади). Орадан кўп ўтмай, у Шарқий турк хоқонлигидан ажралиб, мустақилликка эришгач, халқаро доирадаги хоқон бўлиб қолди. Сосонийлар ҳукмдори Хусрав Ануширвон (531-579) билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Бунинг устига, Истами Ануширвонга ўз қизларидан бирини берган эди. Икки ҳукмдор ўзаро келишиб Ўрта Осиё ва Афғонистоннинг бир қисмида, Эроннинг шимоли-шарқда ҳукмрон бўлган эронийларни тор-мор келтириб, уларга қарашли жойларни бўлишиб олдилар.

Истами узоқни кўрадиган ҳукмдор эди. У Византия билан ҳам ўз алоқасини мустаҳкамлади. Ипак жўнатиб туриш мақсадида Маннах деган суғдни Волга ва Кавказ орқали Византияга жўнатиб, император Юстин II билан алоқа ўрнатди. Келаси йили Маннах ўзи билан бирга Византия элчиси Земархосни олиб қайтди. Бироқ Истами дипломатик муносабатларни ёзувсиз ўрнатиши мумкин эмас эди.

Элчи Маннах Юстинга, албатта, хат олиб борган ва руний алифбо худди шу йўсинда халқаро алоқалар учун хизмат қила бошлаган. Бу ҳақда яна бир шундай тарихий далил бор. Истами хоқон Юстин II га мактуб жўнатганлиги ҳақида тарихчи Менандр хабар беради. Аммо бу мактуб қайси ёзув - суғд ёзуви ёки туркий ёзув билан битилганми, деган савол очиқ қолади. Кўриниб турибдики, Истами хоқон даврида туркий ёзув асосий алоқа воситаси бўлган¹.

Битиктошлардаги дипломатик маълумотлар

Қадимий туркий давлатларнинг дипломатик алоқаларини аниқлашда уларнинг бошқа давлатлар билан олиб борган муносабатлари ҳақида битиктошлардаги ёзувлар жуда катта аҳамиятга эгадир. Уларнинг асосий қисми ўрхун ёзувлари номи

1. Насимхан Раҳмон. Турк хоқонлиги. Тошкент, 1993. 33-34-бетлар.

билан машхур бўлган битиклардир. Бундай битикларнинг кашф этилиши тарихи, ўрганилиш даражаси турлича бўлиб, улар орасида Култегин битиктоши, Билга хоқон битиктоши, Тўнжук битиктоши, Куличур битиктоши, Мокунчур битиктошлари, айниқса, яхши ўрганилган обидалар қаторига киради. Бу битикларда туркий хоқонларнинг қаҳрамонлиги, уларнинг фаолиятидаги муҳим воқеалар билан бирга, бундай шахсларнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиришга вакиллари келган турли мамлакат, халқлар ва шаҳарларнинг номлари ҳам келтирилган. Бу эса ана шу хоқон ҳукмронлигида, унинг таъсирида бўлган ёки у билан яқин дўстона-дипломатик алоқаларда бўлган жойлар ҳақида яхши тасаввур беради.

Масалан, 731 йилда вафот этган хоқон Кул тегиннинг азасига таъзия изҳор қилиш учун келганлар ҳақида қуйидаги маълумот берилган: “Азачи, йигичи, қитан, татаби халқини бошлаб Удар сенгун келди. Табғач хоқони Исйи, Ликанг келди. Бир туман ипак, олтин, кумушни ортиқча келтирди. Тубут (Тибет) хоқонидан булунг (олий мартабали шахс) келди. Жанубдан кунботардаги Суғд муҳожирлари, Буқарақ (Бухоро) улусидан Нанг сангум, Ўғул тархон келди. Турғаш хоқонидан Мақарач тамғачи, Ўғуз билга тамғачи келди. Нақшли битиктош ясовчи, бинокор уста Табғач хоқоннинг сангтароши Чанг сангун келди”.

Култигин вафотидан кейин 3 ой ўтгач, 731 йилнинг май ойида Билга хоқон Хитой императори Сюан Цзунга мурожаат этиб, Култегиннинг суратини, битиктош ясовчи усталар жўнатишни илтимос қилди. Унинг илтимоси қондирилиб, Чжон Цой ва Лю Сян (битиктошдаги Исйи ва Ликанг) келиб, 732 йилнинг августигача битиктошни ўрнатиб кетдилар¹.

Македониялик Искандар билан элчилик мулоқотларидан

Қадимги юнон тарихчиларининг гувоҳлик беришича, Искандар Зулқарнайн истилоси йилларида Искандар тахминан ҳозирги Бекобод яқинида Чекла Александрия (Александрия Эсхата) номини олган ҳарбий истеҳком-шаҳарчани бунёд этиб, ундан Сирдарёнинг шимоли-шарқий томонларида яшовчи

1. Уша асар, 78-79-бетлар.

скифларга (саклар) қарши фойдаланмоқчи бўлган. Квинт Курций Руфнинг ёзишича, бу ҳол Танаиснинг (Сирдарёнинг) нариги томонида ҳукмронлик қилаётган скифлар (саклар) подшоҳининг жаҳлини чиқаради ва у ўз иниси Картазисни юнонликларга қарши юбориб, истехкомни бузиб ташлашни буюради. Ўзаро тўқнашув охир-оқибатда сулҳ билан тугайди. Александр қароргоҳига келган 20 отлиқдан иборат элчилар: “Билгинки, биз скифларга (сакларга) шундайин неъматлар ато этилган: кўш, найза, камон ва қадах... Биз дўсту душманлар билан бўлган мулоқотимизда улардан ҳар вақт фойдаланиб келганмиз. Кўш воситасида олган ноз-неъматларимизни дўстларимиз билан баҳам кўрамиз, қадахларда улар билан бирга худолар шаънига шароб ичамиз, камон билан узоқдан туриб, найза билан эса бақамти бориб душманларимизни маҳв этамиз...” Квинт Курцийнинг айтишича, элчилар яна дейди: “Агар худо сенинг танангни иштиёқингга яраша бичиб яратганда, сен (ҳатто) бутун ер юзига (ҳам) сиғмаган бўлардинг; бир кўлинг билан машриқни тутсанг, иккинчиси билан бирга мағрибга интилардинг. Уларга етишгач, сен, албатта, яратганнинг нурли ўчоғини билишни ҳам хоҳлаб қолардинг... Сен билмайсанки, ахир улкан дарахт узоқ вақт ўтсада, бир зумдаёқ кўпориб ташланади... Биз ҳеч кимга бош эгмаймиз, бировни итоат эттиришни (ҳам) хоҳламаймиз, фақат ўзаро тенглар ўртасидагина мустақкам дўстлик бўлиши мумкин, ўзаро тенг деб эса, бир-бирларига куч ишлатмаганларни айтиш мумкин... Скифлар (саклар) қуруқ қасам ичиб дўстликка ундаяптилар, деб ўйлама, улар учун қасам содиқлик гаровидир. Сиз, юнонликлар эҳтиёткорлик юзасидан аҳднома имзолайсизлар ва бунда худоларга ҳам илтижо қиласизлар. Содиқликни сақлаш бизнинг (дуану) имонимиздир. Ким инсонни ҳурмат қилмаса, у худоларни алдаган бўлади”.

Сугд элчиси Фатуфарнинг Чочдан жўнатган мактуби

Жаноби ҳукмдорга, буюк таянчимиз, Сугд подшоси, Самарқанд ҳокими Деваштичга унинг энг эътиборсиз («миллионинчи» даражали) кули Фатуфарндан мурожаатнома.

1. История Узбекистана в источниках. Составитель Б.В. Лунин. Ташкент, Фан, 1984. с. 128-129.

Жаноби ҳукмдор, (сенга) буюк шон-шараф (эгасига) кўпдан-кўп таъзим йўллайман (“муружаат қиламан”).

Ва жаноб, мен бу ерга, Чоч ҳукмдори ҳузурига келдим. Жаноб, хатларни ҳам толширдим, оғзаки (“тил билан”) (айтилиши) лозим бўлган муружаатномани ҳам тўлиқ, оқизмай-томизмай (“қолдиқсиз”) баён этдим.

Тудунга ҳам, унинг ёрдамчисига ҳам. Ва жаноб, хоқонга (мўлжалланган) хатни ҳам, Фарғона подшосига мўлжалланган хатни ҳам Фарғона тутуғи қўли билан (орқали) Фарғона подшоси томон жўнатдим. Жаноб, мен шу туфайли юқорига томон (яна йўл) юра олмадимки, хабарларга кўра хоқон (ҳеч) кўринмас эмиш. Жаноб, тудундан ва унинг ёрдамчисидан хат ва оғзаки жавобларни олдим ва жаноб (йўлга чиқиб) Апвартконга (етиб) келганимда, жаноб, Чадрчик ҳақида яхши хабарлар эшитмадим ҳамда Уструшон вилояти ҳаммаси (душманга) топширилган. Жаноб, мен ёппа-ёлғиз, беҳамроҳ ҳолда (йўлимда давом этиб) юришга журъат қилолмаяпман. Жаноб, иккинчи қайта Чоч томон қайтиб келдим. Бунинг учун (сен) ҳукмдоримдан жуда ёмон кўрқяпман. Жаноб тудун тозийлар (араблар) билан битимга биноан чекинди. Битимга кўра, Жамраваз ва форс лашкарбошиси қуйи томон кетдилар.

Хабарлар (борки), товон ундириб олиш ва кучларни араблардан нарига олиб кетиш (уларнинг мақсадидир). Жаноб, хабарларга биноан хвонак ҳеч кўринмайди, чунки улар юқорига қараб кетишди ва ҳалигача ҳеч ким қайтиб келгани йўқ. Жаноб, тудун Гарбанд билан битим тузган эди. У ердаги ҳамма жойларни олди. Жаноб Чадрчикда (тузилган) сулҳ муносабати билан, эшитишимча (“Сулҳ хабари туфайли”) ёрдамчи жуда ғамгин, андуҳнок бўлмоқда ва яна ёнингга боролмагани учун сендан (“ҳукмдордан”) кўрқмоқда.

Жаноб, сўнгра сен томондан (“ҳукмдордан”) хабарлар келмай қолди.

Жаноб, мана бу хатларни мен Марвон (исмли киши) қўли орқали Канд томонидан (айланма йўл билан) жўнатдим.

Жаноби ҳукмдор, буюк таянчимиз Суғд подшоси, Самарқанд ҳокими Деваштичга унинг эътиборсиз (“миллионинчи” даражали) қули Фатуфарндан мактуб¹.

1. Исҳоқов М. Унутилган подшоликдан хатлар. Тошкент, Фан, 1992. 5-6-бетлар.

Юсуф Хос Ҳожиб элчилик ва элчилар ҳақида (XI аср)¹

Тамоми кишилардан сараси элчи (бўлиши) керак,
Билимли, заковатли, жуда етук (бўлиши) керак.
Худонинг қуллари орасида энг сайланганлари,
Кишиларнинг яхшиси элчилар бўлганлар.
Турли хил ишлар элчи туфайлигина битади,
Хайрли ишлар элчилар туфайли содир бўлади.
Элчи жуда заковатли, хотиржам (бўлиши) керак.
Билимли, сўзга доно, тадбирли (бўлиши) керак.
Яна сўзининг ичи ҳам ташини билса,
(Токи) унинг туфайли бузилган ишлар тузалса.

(419-бет).

Садоқатли ҳамда кўзи тўқ (бўлиши) керак.
Ишончли, чин, қиладиган ишлари фақат тўғри
(бўлиши) керак.

(421-бет).

Турли хил санъат-хунарларни тугал билса,
Шу санъат-хунар(лар) билан киши юзини ёруғ
қилса.
Китоблар ўқиса ҳамда сўз(ларни) биладиган бўлса,
Шеър(лар)ни ўқадиган бўлса ҳам ўзи кўшадиган
(ёзадиган) бўлса.
Нужум ва тибни билса ҳамда туш йўра билса,
Унинг таъбир қилганидек сўзлари тўғри келса.
Сақиш² ҳамда ҳандасани билса,
Сондан илдиз чиқарса, яна чегараларни
аниқлашни билса.
Яна нард ва шатранжни яхши биладиган бўлса,
Рақиблари ундан жуда буқилса (мот қолса),
Чавгонга моҳир бўлса, ўқ отадиган (мерган) бўлса,
Яна дунёда илғор лочиндор, овчи бўлса.
Барча тилларни биладиган бўлса, тилини
(сўзга) очса,

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билик (Саодатга йўлловчи билим).
Нашрга тайёрловчи Қайом Каримов. Тошкент, Фан, 1971.

2. Сақиш - математика, ҳандаса - геометрия.

Турли хатларни билса, қўли (билан) ёзса
(яъни қўли хатга равон юрса).

(423-бет)

Бу янглиғ барча санъат-хунарларни
биладиган (бўлиши) керак,

Бу янглиғ элчи тилакка етади.

Элчи зехили, доно, зийрак бўлса,

Бег ундан манфаат топади, балоларнинг

олди олинади.

Элчи ярамас, қипчоқлар қули бўлса,

Шубҳасиз, у туфайли бег (лар)нинг

обрўси тўкилади.

Элчи (бўлиб) борадиган киши жуда яхши

(бўлиши) керак,

(Токи) у турли хил ишларга журъат қила олсин.

Ҳар қандай киши яна (ўз) сўз (лар)ини

сўзлаганда,

У (сўзлар)ни уқса, билса ҳамда сир тутса.

Элчи ҳамма санъат-хунарларни биладиган бўлса,

Бегнинг номи элда жуда улуғланади.

Сўзни уққан, ҳозиржавоб бўлиши керак,

Берилган сўзга (саволга) тўғри жавоб қилса.

Ичимлик ичмайдиган, ўзини тутган

(бўлиши) керак,

Ўзини тутувчи киши қутга қувват бўлади.

Билимли ичкилик ичса, билимсиз бўлади.

Билимсиз маст бўлса, бошқа нима қилади.

(425-бет)

Тили ширин (да) кўнгли очиқ

(бўлиши) керак,

Сўзи ёқимли ҳам (да) жуда ақлли

(бўлиши) керак.

Тили ширин киши ёқимли бўлади,

Сўзи ёқимли бўлса, кишининг иш (лар)и

манзур бўлади.

Хотираси яхши бўлиши керак, (токи)

сўзни унутмаса,

Қандай сўз эшитса, (кўнгилда) қаттиқ сақласа.

Юзи кўрки чиройли бўлиши керак ҳамда

бўйи (яъни қадди-қомати),

*Келишган бўлса, қадди-қомати келишган
(киши) одамлар орасида яхши бўлади.*

*Ўзи мард, ҳиммати буюк бўлса,
Кишининг ҳиммати шу икки (хислат) биландир.
Сўзи юмшоқ, шакардек ширин бўлса,
Ширин сўзга улуғ ҳам, кичик ҳам юмшайди.
Элчининг иши мутлоқ сўз (лар)дан иборат
(яъни сўзлар орқали битади),
Сўзи яхши бўлса, (у) тилагини топади.*

(427-бет).

*Бу янглиғ киши топилса, эй бахтиёр элчи
Унга элчи оти (мансаби)ни берса бўлади.
Уни элчиликка юборса бўлади,
Йироққа бўлса ёт-бегонани, яқинга бўлса,
Ўзга яқин (кишини).*

(429-бет).

**Амир Темур ҳузурига 802 хижрий йилда
(1399-1400) Соҳибқирон Авниқда (Грузия)
турган вақтида Овруподан келган
элчилар ҳақида**

“Фаранг томонидан элчилар келдилар... Оёқ ўпишга етиб, ўз амирларининг сўзларини арз иззатгоҳига етказдилар. Амир Соҳибқирон ҳазрат уларни сийловлар билан тақдирлаб чопон кийгизди ва кўнгилларини хушвақт қилиб қайтарди”¹

1. Низомиддин Шомий, “Зафарнома”, 217-саҳифадан келтирилган ушбу парчада Овруподан Амир Темур ҳузурига келган элчиларнинг қайси мамлакатдан ва кимдан келганлиги ҳақида маълумот берилмаган. Аммо шу қисқа ахборотдан хулоса қилиш мумкинки, Амир Темур билан Оврупо мамлакатлари ўртасида бу вақтда узвий дипломатик алоқалар мавжуд бўлган ва ҳар икки тарафдан элчилар бориб-келиб туришган. Шомий “Зафарнома»сидан олинган бу парчада муаллиф, фикримизча, Византия императори Мануил II Палеолог ёки француз қироли Карл VI Валуа элчиларининг таширифи ҳақида маълумот берган бўлса керак.

Амир Темурнинг Византия императори Мануил Палеолог II нинг Константинополдаги ноиб Иоанн Палеологга ёзган мактуби¹

“Кирманолия² императорининг бош мухтор вакилига³.

Александр билан бирга юборилган монах Франческо⁴ етиб

1. Ушбу мактубнинг ёзилган вақти (ой ва кундан ташқари) аниқ эмас. Уни Анқара яқинидаги жанг арафасида битилган деб тахмин этиш мумкин. Чунки хатнинг мазмуни Боязид Йилдиримга қарши асосий ҳужумга тайёргарлик кўриш масалалари билан чабарчас боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам уни 1402 йилда Византия давлати билан олиб борилган узлуксиз ёзишмаларнинг намунаси сифатида баҳолаш мумкин. Афсуски бу саҳага тааллуқли бундан бошқа мужда бизгача етиб келмаган. “Самарқанд тарихи” - да таъкидланишича, “Венециялик зодагон томонидан Константинополдан Венецияга олиб борилган бу хат бизга асл нусхада эмас, балки бир оз бузилган итальянча таржимада етиб келган. Итальян тарихчиси Марино Санудо (XV-XVI асрлар) бу хатни ўзининг “Венеция подшоҳларининг ҳаёти” деган асарида босиб чиқарган” - Самарқанд тарихи, 1 жилд. Тошкент, “Фан”, 1971. 18-бет.

2. Кирманоли - Константинопольнинг (Византия) императори Мануил II Палеолог шундай деб юритилган. Бу сўз юнончадаги “Жаноб Мануил”нинг бузиб талаффуз этилиши натижасида пайдо бўлган. Қаранг: Руи Гонсалес де Клавиho. Дневник путешествия... с. 44; История Византии. Т. 3. М., 1967, с. 383.

3. Мактуб Византия императори номига эмас, балки унинг ноиб императорнинг жияни номига битилган. Амир Темурдек жаҳонга машҳур давлат бошлигининг кичик бир ҳукмдор ноиб билан бевосита мулоқот олиб бориши ҳатто ўрта аср дипломатияси қонун-қоидаларига ҳам хилоф бир ҳолдир. Аммо гап шундаки, бу вақт Византия императори Мануил Палеолог Боязид Йилдирим қўшинлари даҳшатидан кўрқиб, тобора кичрайиб бораётган ўз давлати мустақиллигини сақлаб қолиш, турклар қўлига ўтиб кетган сарҳадларни яна қайтариб олиш умидида Европа ҳукмдорларидан ёрдам сўраш учун жўнаб кетганди. У узоқ вақт давомида ғоҳ у, ғоҳ бу қирол саройида «хурматли меҳмон» сифатида туриб, ўз мақсадини амалга оширишга ҳаракат қилди. Аммо бу уринишлардан ижобий натижа чиқмади. Император Мануил Европада ана шу тарзда ҳаёт кечириб юрган вақтда Константинополда барча ишлар, шунингдек ташқи алоқалар ҳам унинг номидан император ноиб Иоанн Палеолог томонидан амалга ошириб берилган. Бу ерда яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хатнинг мазмунидан Амир Темур Византия императори ноибига тенг ҳукмдор сифатида эмас, балки ўзига қарам бўлган бир кимсо сифатида мулоқотда бўлганлиги ҳам кўзга ташланади.

4. Бу ҳол Европа мамлакатлари билан олиб борилган ўзаро дипломатик алоқаларда Амир Темур насроний динига мансуб ишончли кишилардан

келди ва сенинг хатларингни менга топширди. Биз уларни кўрдик ва ўқиб чиқдик. Биз энди сенга айтмоқчимиз: ана шу хатларинг орқали тинчлик ва осойишталикка бўлган ишончимиз илгаригидан ҳам мустаҳкамланди¹. Монах Франческо биринчи марта келган (вақт) даёқ менда яхши ниятлар пайдо бўлган эди. Трапезунд императори (Мануил III) унга (йўлда) катта тўсқинлик кўрсатган, бу нарса бизни таажжубга солди ва ана шу сабабга кўра биз Оллоҳнинг паноҳи остида у ерга (Трапезундга) юриш уюштирдик ва мен унга (Трапезунд императорига) сузишга яхши тайёрланган 20 та кема бўлиши кераклигини буюрдим². Агар бизнинг сўзларимиз адолатли бўлса (бизнинг буйруқларимиз Трапезундда ижро этиш учун қабул қилинган), у ҳолда бу ерга (бизнинг қароргоҳимизга) бизнинг элчиларимиз келишади (улар Трапезундда қолдириб кетилган эди); ҳозир турган жойдан биз Йилдирымга қарши кураш бошлашимиз керак. Сенинг одамла-

кенг фойдаланганини кўрсатади. Уларнинг кўплари христиан роҳиблари - монахлардан иборат бўлган. Ўқимишли, ғарб ва шарқ тилларини пухта эгаллаган бундай кимсалар энг мураккаб шароитларда ҳам бошқаларнинг эътиборини жалб этмай ўз вазифаларини адо этаверганлар. Христиан мамлакатларида уларни ҳамма жойда яхши қабул қилишган. Бундай шахсларнинг мусулмон ҳукмдори хизматида бўлишлари, унинг изми билан ғоят муҳим, баъзан эса қалтис сиёсий топириқларни муваффақият билан адо этганлари шуни кўрсатадики, Амир Темур салтанатида ҳам улар учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Умуман, христиан динига мансуб кимсалар (насоний эътиқодининг турли мазҳаб ва орденларига мансуб роҳиб-лар, йирик савдогарлар) хулагийлар, мамлуклар ва усмонли турклар ҳукмдорларига ҳам Европа билан бўлган уларнинг мулоқотларида изчил фаолият кўрсатиб келганлар. Амир Темур бу анъанани бузмаган ва ўз дипломатик алоқаларида ундан кенг фойдаланган.

1. Бу жумла икки орада изчил суратда ёзишма бўлиб турганлигини кўрсатади.

2. Трапезунд императори Мануил III дастлаб Амир Темур даъватига тесқари иш тутиб, Фурот дарёси бўйида унинг қўшинларига қаршилик кўрсатишга ҳам ҳаракат қиланди. Бу ҳол юқорида таъкидланганидек, Амир Темур ваколати билан музокаралар олиб бориши лозим бўлган роҳиб Франческо ва унинг ҳамроҳларига нисбатан у тутган сиёсатда ҳам намоён бўлади. Қисқаси, бундай хатти-ҳаракатларнинг барчаси Соҳибқиронни куч ишлатишга мажбур қилади. Натийжада Амир Темур Трапезундни маҳв этади ва 1402 йилнинг баҳоринда Мануил III нинг шахсан ўзи итоат юзасидан унинг қароргоҳига кириб келади.

ринг бу ерга келиши биланок, биз зарур ҳисобланган масалаларни биргаликда муҳокама қиламиз. Биз шунинг учун ҳам монах Франческони сенинг ҳузурингга юбордикки, шиддаткор Боязиддан элчи келишини кутиб турибмиз, чунки Боязиддан шахсий элчининг келиши тўғрисида ишончли хабарлар олдиқ ва монах Франческо ўша (турк) элчи билан биргадир. Монах Франческо ўша элчига (Мануил ноиби номидан) қўйидагиларни айтди: “Константинополь билан Перанинг Боязидга тўлаган солиқларини эндиликда улут сеньор Темурга беришни ҳоҳлайман”¹. Биз бунга қўшиламиз. Мана шу сабабга кўра мен (кейинчалик) Боязидни офир аҳволга солиб қўйишни истамагандим. Мана, энди зеро Боязид сени тинч қўймаётган экан, мен унинг йўлини тўсаман (унга қарши чиқаман). Агар Боязид сенга аҳоли яшайдиган жойларни ва қалъаларни қайтариб берса, етказилган зиён ва зарарларни (тўласа), у ҳолда мен у билан урушмайман². Шундай қилиб, сен менга мулкларингни қайтариб берган-бермаганлигини ёзиб юборгин. Бу хатда менга очиқ равшан ёзиб юборгин, чунки бизнинг одамларимизнинг Трапезундда бошидан кечирган кўнгилсиз воқеаларни эшитдим ва шахсан ўзим Трапезунд яқинига келдим (ва уни бўйсунушга мажбур этдим), бу ҳақда сен ҳеч ҳам шубҳаланма. Шундай, сен менга айтмоқчи бўлганларингни аниқ-равшан ёзиб юборгин, чунки Трапезунд императорлари ва унинг одамлари ҳузуримизга (қароргоҳга) келишади, шу боисдан биз қабул қилган шартнома (бизнинг ўзаро шартномамиз) сенинг учун бузилмас ва ишончли битим бўлиши керак.

1. Бу жумла Амир Темур ва Византия ўртасида Анқара жангигача ана шу тарздаги расмий ҳужжат тузилганлигидан дарак беради. Айни вақтда у Саҳибқиронни Боязид Йилдирум фаолиятини чеклаш йўлидаги ўзининг яна бир талабини унга етказганлигини намоён этади.

2. Амир Темур билан Византия ўртасида Боязид Йилдирумга қарши тузилган битимнинг Византия учун муҳим асосий шартлари шулардан иборат бўлса керак. Маълумки, Амир Темур Анқара тўқнашувидан кейин Константинополга берган ўз ваздасини асосан бажаришга ҳаракат қилади. У Турк империясини мағлуб этса-да Константинополга ҳужум қилмади ва шартномага асосан Византиянинг ўзига қарам давлат сифатида хирож тўлаб туришини жорий этиш билан чекланди.

Мана шу Исҳоқ (хатни топширувчи) сенга айтадиган барча гаплар ва хатимнинг мазмуни очиқ-равшан, хуллас, сен 20 та кемани олиб, улар билан Трапезунд томон сузишинг керак!

Биз Оллоҳнинг ёрдами билан юзимизга доғ туширмай ва ишонч билан аниқ мақсадга эришиш учун қадам ташладик.

Бу хат 15 майда ёзилди ва ишончли бўлиши учун биз унга ўз муҳримизни босдик”.

1. Амир Темур олиб борган барча ҳарбий юришлар қуруқликда содир бўлган. Унинг империясида ҳарбий флот йўқ эди. Аммо бу буюк саркарда ғарбга томон силжиб, Ўрта ер денгизи ва Қора денгиз ҳамда Форс кўрфази қирғоқларига чиққан, сувда юз бериши мумкин бўлган муҳорабаларга ҳам эҳтиёж туғилишини тўла идрок этган. Буни биз унинг йирик денгиз кучларига эга бўлган Генуя ва Венеция билан яқин алоқа боғлаш мақсадида уларга эътиборли элчилар йўллагани ҳақидаги фактлардан билишимиз мумкин. Афсуски, бу масаладаги ёзишмалар ва музокаралар тўғрисидаги материалларга эга эмасмиз. Улар, эҳтимол, ўша мамлакатлардаги архивларда сақланган бўлиши мумкин. Ушбу мактубда эслатилган кемалар масаласи ҳам Соҳибқироннинг Боязид Йилдирим билан тўқнашувга тайёргарлик кўришда ана шу масалага жиддий эътибор берганлигини кўрсатади. Тарихдан маълумки, ўша даврда жаҳон миқёсидаги энг йирик икки ҳарбий саркарданинг жанг майдонидаги бевосита беллашуви Амир Темур саркардалик даҳосининг тўла устуңлиги билан яқунланди. Боязид Йилдирим кўшинларининг Анқара ёнида узила-кесил тор-мор этилиши, афтидан, денгиздаги сув жангларига эҳтиёж қолдирмади. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон томонидан бу масалада кўрилган эҳтиёт чора-тадбирлар ҳаётга тадбиқ этилмасдан қолди.

Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га йўллаган биринчи мактуби¹

Улуғ Амири Кабир Темур Кўрагон умрлари зиёда бўлғай. Рой де Франс² бу дўстингизнинг юз минг саломи ва истакларини бир жаҳон орзулари билан қабул қилғайсиз.

Дуоларни етказишдан сўнг у улуғ амирнинг олий раёйига етказиладики, таълим берувчи (миссионер) Фри Францискус³ бу тарафга келди ва маликона ёзувлар келтирди, ҳамда у улуғ амирнинг олийжаноблиги ва бузrugворлигини арз қилди. Кўп шодмон бўлди. Яна у айтдики, (жанобингиз) “катта лашкар билан равона бўлиб, Оллоҳ таолонинг кўмагида бизнинг ва сизнинг душманларимизни забун қилибсиз”⁴.

Шундан сўнг Султониянинг навқирон Мор Хасеси (Архиепископ Жан) хузурингизга юборилди. Ҳар нимаики воқеъ бўлган бўлса, у хизматингизда арз этгусидир. Энди у улуғ амирдан илтимосимиз шулки, доимо ҳумоюн номаларини юбориб турсалар ва улуғ амирнинг саломатликларини билдириб турсалар, токи хотиримиз тасалли топса. Яна ўз савдогарларингизни бу тарафга юбориб турсалар, биз уларни азизу-мукаррам тутғумиздир. Шундай биз ҳам ўз савдогарларимизни у тарафга юбориб турсак, уларни ҳам муаззаз ва мукаррам тутсалар ва

1. *Мактуб айрим жузъий тузатишлар билан А. Ўринбоев ва Д. Валиеваларнинг форсчадан қилинган таржимасида берилди.*

2. *Итальянча “Франция қироли” иборасининг французча талаффузи.*

3. *Фри - биродар (христиан монахлари номига қўшиб айтилган). Амир Темур ёзишмалари тадқиқотчиси Силвестер де Саси эса бу номани итальянча талаффузда эмас, балки французча - Франсуа тарзида берган.*

4. *Бу ерда қайси уруш ҳақида гап бораётгани маълум эмас. И.И. Умняков Француз қиролининг маршал Бусико раҳбарлигида Византияга 1399 йида ёрдамга юборган ҳарбий кемалар экспедицияси ҳақида гап боради, деб ёзган бўлса (И.И. Умняков, *Международные отношения...*, с.181), эронлик тадқиқотчи Ҳусайн Навоий эса “гап Венгрия қироли Сигизмунд илтимосига кўра Комте де Неверс раҳбарлигида Франция қўшинларининг Никополос қалъаси учун бўлган жангда (1396 йил 22 сентябр) иштирок этиши ҳақида бораётибди. Бу жангда гарчи оварўпаликлар шикаст еган бўлсаларда, Темур сиёсий назокат юзасидан Франция подшоҳига унинг мағлубиятига ишора қилмай, балки “Сизнинг ва бизнинг душманлигимизни енгдаингиз”, деб ёзади” қабилида изоҳ берган.*

уларга ҳеч ким зўравонлик қилмаса. Зўрлик ва тазйиқ қилмаса, зеро дунё бозоргонлар (тужжорлар) билан ободдир¹.

Бундан ортиқ нимани талаб қиламан. Давлатингиз кўп йиллар комронликда ўтсин. Вассалом. Мукаррам муҳаррам ойининг бошида 805 ҳижрий йилда битилди. (1402 йил 1 август)².

Амир Темур муҳрининг ўрни.

Амир Темурнинг Фарангистон қироли Карл VI га йўллаган иккинчи номаси¹

Биз ким, Амир Темур Кўрагон сўзимиз.

Аслзода ва музаффар дўстимиз қирол ҳазратларига, дунё учун бағоят фойдали, буюк жангларнинг ғолиби, малик ва султон, Фарангистон ва бошқа кўпгина халқларнинг қиролига саломлар йўллаймиз, ҳамда осойишталик тилаймиз.

1. Р. Қиличев ва М. Холбековлар таржимасида шундан кейин "Рисолатни (элчиликни) ҳам ўрнатурмиз", деган жумла битилган. (Қаранг: "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 1993 йил 28 май). Бу эса муҳим аҳамиятга молик бўлиб, гап икки давлат ўртасида расмий дипломатик алоқалар ўрнатиш ҳақида бормоқда.

2. Ушбу мактубнинг жўнатилган вақти Анқара жангидан кейинги пайтга тўғри келади. Шуниси қизиқки, Амир Темурнинг бизгача етиб келган иккинчи мактуби ҳам Франция қиролига худди шу санада, яъни 1402 йил 1 августда жўнатилган. Аммо кўпчилик мутахассисларнинг фикрича, ушбу хат Анқара жангидан анча олдин битилган ва қандайдир сабаб билан у ўз вақтида жўнатилмаган. Агар мактуб бу ерда кўрсатилган санада битилганда эди, унда, албатта, Анқара жанги эсга олинган бўлур эди. Ваҳоланки иккинчи мактуб худди ана шу мавзуга бағишланган.

3. Ушбу мактуб латин ва фаранг тилларидаги нусхалардан Раҳим Қиличев ва Муҳаммаджон Холбеков томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" рўзномасида (1993 йил, 28 май) эълон қилинган. Таржима француз олими Люсьен Кэреннинг 1991 йилда Парижда нашр эттирган Руи Гонсалес де Клавихонинг "Темурбек саройига саёҳат кундалиги" (у "Самарқандга йўл" сарлавҳаси билан босилган) китобидаги иловаларида берилган ёзишмалар асосида бажарилган. Зотан, муаллифлар ўз таржималари ҳақида улар "мактубларнинг аслига ёҳуд латинча, фарангча ва испанчага ўгирилган нусхаларига тамомила монанддур, деган даъводдан йироқмиз" деган бўлсалар-да, бу мактубларнинг олдинги таржималарига нисбатан сифатлироқ адо этилгани кўзга ташланади.

Ҳақиқий дўст сифатида, биз сизнинг кишварингизнинг ҳамиша равнақда бўлмоғини истаймиз. Бунинг боиси шулдирким, сизнинг номингизни узоқ-узоқ ўлкаларда ҳам биладилар ва сизнинг барча қироллар орасидаги обрў-эътиборингиз тўғрисида бутун Шарқ архиепископи, бир вақтлар фаранглар томонидан, менинг ҳузуримга жўнатилган монах Жан¹ бизга ҳикоя қилиб бердилар. Ул кишининг ҳикоялари ҳам монах Франциск Сатруникига жуда ўхшаш бўлиб, салтанатингиз тасарруфининг кўплаб, хусусан, ҳозирги кундаги ўлкаларгача кенгайганлигини биз яқинда Туркияда бўлганимизда эшитдик. Бундан ташқари, тижорат аҳли ва бошқаларнинг манфаатлари тўғрисида ҳам эшитдик. Саройингизнинг улуғворлиги, қудрати ва тартибқоидалари бизни мамнун қилди.

Сизнинг турк Боязид билан орангизнинг совуқлигини эшитдик. Ул султон мен билан бир тузум ва бир дин одами бўлишига қарамасдан, орамизда тузилган битимни ҳурмат қилмади. Оқибат, биз ва дўстларимиз уни синдиришга азм этдик. Биродарларимизнинг даъвати ҳамда сизга берган ваъдамизга амал қилиб², сиз ва биз учун бир хил ғаним бўлгон Туркия султониға қарши юриш қилдик. Оллоҳнинг мадади бирла қисқа муддат ичида султон Боязиднинг бутун қўшинини тор-мор келтирдик³.

Буюк ҳукмдорлар ва дўстлар ўртасидаги улуғ ишлар ҳақида бир-бирларини огоҳ этиш одатига бўйсуниб, мазкур архиепископ Жанни сиз жанобларининг ҳузурига жўнатдик, токи ул киши бизнинг мамлакатимиз ва ҳозирги аҳволимиз, шунинг бирла, сўнги пайтларда бул ўлкаларда сизнинг ғанимингизга нисбатан содир бўлган воқеалар тўғрисида сизни хабардор этсинлар, батафсил сўзлаб берсинлар. Тагин ул зот сизлар билан бўлган дўстлигимиз ва иттифоқимиз, сиз ва сизнинг одамларингизга

1. Бу жумладан маълум бўладики, монах Жан дастлаб Амир Темур ҳузурига Франция қироли номидан элчи тариқасида келиб, унга Карл Vнинг "Султон Боязидға қарши иттифоқ тузиш" тўғрисидаги илтимосини етказган. Афсуски, бу масалаға тааллуқли француз қиролининг мактуби бизгача етиб келмаган.

2. Демак, Амир Темур ва Карл VI ўртасида Боязид Йилдиримға қарши курашда ҳамкорлик қилиш хусусида ўзаро келушувға ўхшаш бир нарса бўлган.

3. Бу ерда гап Ангора (Анқара) ёнидаги 1402 йилда 27 июн кунинда рўй берган жанг ҳақида боради.

хурмат-эътиборимиз ҳамда биродарлигимиз равнақи йўлида шу кунларда бажарилаётган кўпгина фойдали тadbирлар ҳақида ҳам ҳикоя қилгайлар¹. Ул зотни ҳам сизнинг, ҳам бизнинг одамимиз тариқасинда тавсия этмоқдамиз; ул кишини диний масалалардан ташқари, бошқа барча масалаларда ишончли вакил, деб тинглағайсиз².

Бизнинг истагимиз - сизнинг саломатлигингиз устивор бўлсин; сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки эътиборли мамлакат ўртасида ўзаро бориш-келиш қилсинлар, токи бизнинг улўғворлигимиз ҳамма ерда мақтовга лойиқ бўлсин. Тижорат ишларининг фойдали бўлувига ҳам эришайлик.

Қолғон бошқа ишлар, фаолиятимиз ва режаларимиз хусусида ушбу архиепископ сизга сўзлаб берур, чунки ул киши бу мамлакатда узоқ вақт бўлдилар ва кўп нарсани биладилар.

Ҳижрий 805 йил муҳаррам ойининг биринчи кунда (мелодий 1402 йил 1 август) Сивасда берилди.

1. *Уша вақтдаги оғир шароит ва йўлларнинг нотинчлиги туфайли кўпгина элчиликларнинг талон-тўрож этилгани тарихдан маълум. Шунинг учун ҳам одатда йўлланган мактубларда кўпгина масалалар тафсилоти ўз аксини топмаган ва уларни қўшимча суратда оғзаки арз этиш элчи зиммасига юклатилган. Бундай услубни Амир Темур ҳам ўз дипломатиясида кенг қўлаганини кўраимиз.*

2. *“Диний масалалардан ташқари” иборасини И.И.Умняков “ушбу мутлақо қутилмаган чеклаш монах Жаннинг ақлига келган ажойиб фикр бўлиб, Темур ва унинг вазири бунга ҳеч қачон ҳатто хоёлига ҳам келтириши мумкин эмас эди”, деб изоҳлаган. (Қаранг: И.И. Умняков. Международные отношения... с. 184) Бунга қўшилиб бўлмайди. Фикримизча, бу ибора Амир Темур томонидан мактубга киритилган. Бу билан у ислом динининг ҳомийси сифатида христиан қироли билан диний масалаларда музокаролар юритишни мутлақо лозим деб топмаслигини қатъий таъкидлаб қўйган.*

Амир Темурнинг Кастилия қироли Ҳенрих IIIга йўллаган мактуби¹

Подшо ва соҳибқирон Темурбекдан Кастилия шаҳарлари ва ерлари ҳамда Испания Леони қиролига.

Узоқ йиллар шуҳратли ва фароғатли, ҳамиятли ва марҳаматли умр кўринг. Сизга маълум қилгаймизким, Пайо ва Эрнан Санчес орқали жўнатган номангиз бешикаст етиб келди². Биз анинг дўстлик ва яхши муносабатларини ривожлантиришга оид мазмуни билан танишиб чиқдик. Ҳеч бир шубҳа йўқки, номангиз шароитингизнинг гўзаллиги, ўтган йиллар мобайнида қироллигингизнинг тинчлик борасинда устуворлиги, ҳара-катларининг қатъийлигини ўзида акс эттирибдур.

Мен буюк тангрига илтижо қилурманки, у сизнинг салтана-

1. Лотин ва фаранг тилларидаги нусхалардан Раҳим Қиличев ва Муҳаммаджон Холбековлар таржимаси.

2. Кастилия ва Леон (Испания) қироли Ҳенрих III 1401 йилда бир вақтнинг ўзида Туркия султони Боязид Йилдирим ва Амир Темурга икки зодагон - Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуэлолар раҳбарлигида элчилик йўллайди. Улар дастлаб турк султони ҳузуринда бўладилар. Боязид Йилдирим элчиларни яхши кутиб олади ва унинг қароргоҳи билан бирга улар Анқара ёнидаги жанг майдонига ҳам келишга ва бу ерда юз берган қонли тўқнашувни кўришга муваффақ бўладилар. Бу элчилик ҳақида маълумот берган Клавио куйидагиларни ёзиб қолдирган: “Ушбу жангни (Анқара яқинидаги Амир Темур ва Боязид Йилдирим ўртасидаги тўқнашув - Б.М.) худонинг марҳамати билан Кастилия ва Леон қироли бўлган буюк ва шавкатли сеньор дон Энрикенинг, Яратган уни ўз паноҳида асрасин, элчилар Пайо де Сото Майор, Эрнан Санчес де Паласуэлолар бевосита кузатишга муваффақ бўлдилар. Улар қирол томонидан Темурбек ва Турк Йилдирим (Боязид Йилдирим)нинг қудратини ўрганиш, уларнинг бойликлари, бир-бирларига қарши қўйган қўшинларининг сони ҳақида маълумот тўплашга ҳамда бу ҳукмдорлар ўртасида юз бериши кутилган жангни бевосита кузатиш учун юборилган эдилар (Руи Гонсалес де Клавио, Дневник путешествия... стр. 15) Элчилар орадаги жанг тугаши биланоқ биринчилар қаторида Амир Темурни буюк ғалаба билан муборакбод этадилар ва унга ўз қиролларининг дўстлик изҳори битилган мактубини топширадилар. Амир Темур уларни катта ҳушнудлик билан қабул қилади, қимматбаҳо совға-саломлар билан сийлайди ва ўз элчиси Муҳаммад ал-Кешийни қўшиб Испанияга жўнатади.

тингизни роҳи мустақимда сақласин ва давлатингиз умрини жуда кўп кеча-кундузларга узайтирсин, пайғамбарлар таҳсинига сазовор бўлсин!

Алқисса, султон Боязид ўз ҳуқуқ доирасидан чиқиб, ўртада низолар пайдо қилди, парокандалик туғдириш, подшолар ва ҳукмдорларга ҳукм ўтказиш тўғрисида хусуматли фармонлар берди, бизнинг огоҳлантиришларимизга қулоқ осмади, зигирча ҳайиқмади. Андин сўнг биз ҳам буюк тангри номи билан унинг устига сон-саноксиз туғларимизни кўтардик. Биз жангларда тобланган лашкарларимизни, ани жазога маҳкум этмоқ ниятида насроний мамлакатлар ерларига бошладик, йўл-йўлакай кўплаб насроний шаҳар ҳамда қалъаларни озод қилдик ва келишмовчиликларимизни жангнинг тақдирига ҳавола этдик!

Ўртамизда жанг бошланиб, Оллоҳнинг иродаси ва паноҳи остида биз уни мағлуб этдик, чунки буюк тангрининг - барча нарсаларнинг яратувчиси ва халоскорининг паноҳидан ўзга паноҳ йўқдир. Биз Йилдирым Боязид ва унинг ўғли Мустафони асир олдик. Улар бизнинг қўлимизга тушдилар, қўшинини қириб ташладик, одамларини қиличдан ўтказдик, бизнинг найзамиз ва қиличимиздан маҳв бўлдилар, ер уларнинг қонига бўялди. Бизникилар уларнинг жасадларини ҳайвонларга ташладилар,

1. Бу ерда Амир Темур Боязид Йилдирым таҳдид солган Кичик Осиёдаги денгиз соҳилларида жойлашган насроний ҳукмдорликлар, жумладан, Каффа, Тана, Трапезунд, Пера каби ҳудудларни назарда тутган бўлса керак. Ундан ташқари, бу жанг натижасида турк султони измида бўлган минглаб овруполиклар ҳам озод этилган эдилар. Уларнинг кўпларига соҳибқирон ўз юртларига жўнашга руҳсат беради. Бу ҳол Оврупо мамлакатлари билан ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлашга қаратилган ажойиб дипломатик тадбирлардан бўлиб, Оврупо қиролларининг миннатдорлигига сабаб бўлганди. Жумладан, Амир Темур Испания қироли Ҳенрих III ҳузурига йўллаган ўз элчиси Муҳаммад ал-Кешийга қиролга топшириш учун кўплаб қимматбаҳо совғалар билан бирга, Клавихонинг ёзишича, "Ўз одатига кўра хотинлар ҳам юборганди" (Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия..., стр. 16) Ҳ. Исматулланинг таъкидлашича, Клавихо кундаликларининг бошқа тиллардаги таржималарида "Ўз одатига кўра" ибораси йўқ бўлиб, "Амир Темур ўз ота-онасига топшириш мақсадида Ҳенрих III ихтиёрига хотинларни эмас, балки ёш, турмушга чиқмаган икки қизни юборган". Ҳ. Исматулла, бошқа манбаларга таянган ҳолда уларнинг кейинги тақдири ҳақида ажойиб маълумотларни келтиради (Қаранг: Ўзбекистон адабиёти ва санъати", 1995 йил, 7 апрель).

омон қолганлари тўс-тўполонда яланғоч, ялангоёқ қочдилар. Оллоҳнинг инояти бирлан, бу чопарлар хабардор бўлганларидек, барча насроний қиролларга уларнинг шаҳар ва қўрғонларини биз марҳамат қилиб қайтариб бердик.

Амир Темур ўғли Мироншоҳ Мирзонинг Оврупо қиролларига йўллаган номаси¹

Биз ким, Мироншоҳ Кўрагон² сўзимиз.

Насроний динидагилар орасиндан танлаб олинган, Оллоҳ суйган қудратли қироллар, ҳукмдорлар, жамоалар ва франкларнинг ҳазрати олийларига саломлар бўлсин.

Биз дўстона сизларга маълум қиламизки, магар сизлар хоҳиш билдириб, бизнинг юртларга ташриф буюрсангизлар, ҳамма нарсани сизнинг динингизга мос келадирғон ҳолатда тайёр этгумиздир, негаки зулҳижжа ойидаги ёзишмалар саломнома тарзидаги тинчлик, дўстлик ва тангри томонидан бахт-иқбол йўлинда нимаики мақбул кўрилган бўлса, ўшаларни тилаб битилган мактублардир³.

1. Латин ва фаранг тилларидаги нусхасидан Раҳим Қиличев ва Муҳаммадҷон Халбековлар таржимаси.

2. Мироншоҳ Кўрагон - Амир Темурнинг учинчи ўғли. 1393 йилда Соҳибқирон унга ўз империясининг фарбий сарҳадларини бошқаришни топширган. Мироншоҳ 1408 йилда ҳаётдан кўз юмган. У 1376 йилда катта акаси Мирзо Жаҳонгирнинг вафотидан кейин, унинг беваси - Ўзбекхоннинг набираси - Хонзода Севин-бекага уйланди. Шунинг учун ҳам унга кўрагон, яъни хон куёви унвони берилган.

3. "Зулҳижжа ойидаги ёзишмалар" ибораси Мироншоҳ билан Оврупо қироллари ўртасида бундан олдин ҳам дипломатик ёзишмалар рўй берганлигини кўрсатади. Улар Амир Темур топшириғи билан унинг номидан амалга оширилиб келинган бўлиши ҳам мумкин. Аммо ушбу мактуб Мироншоҳнинг Оврупо ҳукмдорларига бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқига ҳам эга бўлганлигидан дарак беради. Ваҳоланки, расмий тарихнависларнинг хабарича, Мироншоҳ 1396 йилда отдан йиқилган давлат ишларига совуққонлик билан ёндошиб, унинг хатти-ҳаракатларида маълум ноқисликлар сезила бошлаган (масалан, Шарофиддин Али Яздий шундай ёзган), Клавихонинг таъкидлашича эса, у Табриз ва ўз пойтахти Султонияда "одамлар Миасса Мираха (Мирзо Мироншоҳ - Б.М.) ҳеч нарса қурмаган бўлса-да, жаҳондаги энг ҳашаматли биноларни вайрон этишга фармон берган". деб мени

Ушбу мактубнинг ёзилишига Осиё архиепископи Жандан олинган хабарлар сабаб бўлди, боиси мен уни дастлаб сизларнинг иккита машҳур шахрингиз - Генуя ва Венецияга мактублар ила жўнатиб эрдим. Ул зот у томонлардан сизларнинг салта-

эслайдилар, деган андиша билан жуда кўп ажойиб қурилишларни ер билан яксон этган" (Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия..., с. 82). Бошқа маълумотларга қараганда, 1399 йилда Мироншоҳнинг хазинани талон-торож этганлиги ва хотини Севинч-беканинг Соҳибқирон ҳузурига унинг қилмишларидан арз билан борганлигидан ғазабга келган Амир Темур шу йилиёқ ғарбга юриш қилиб, Султонияга етиб келади ва ота-бола ўртасида катта тавбихиралик рўй беради. Шундан сўнг Мироншоҳнинг катта ўғли - Бағдод ҳокими бобосидан ўз отасини унинг ҳузурига юборилишини сўрайди (Бартольд В.В. Улугбек и его время. с. 56-57). 1404 йилда Ғарбий Эрон, Месопотамия ҳамда Кавказорти ўлкалари ва Мироншоҳнинг барча кўшинлари унинг иккинчи ўғли Мирзо Умар ихтиёрига ўтади (Якубовский А.Ю. Темур, с. 67). Бу хат 1402 йил август ойида Мироншоҳ номидан ёзилган. Айни вақтда, Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз эсдаликларида Султонияга келганда у ерда элчиларни Мироншоҳ қабул қилганлиги ҳақида ёзади. Бу эса 1404 йил эди. Элчи кундаликларида бу ҳақда қуйидагиларни ўқиймиз: "Пайшанба кун, йигирма олтинчи июнда (1404 йил - Б.М.) туш пайти катта шаҳар - Султонияга кириб келдик ва у ерда Темурбекнинг катта ўғли (Клавихо шундай деб ёзган - Б.М.) Мираха Мирасса (Мироншоҳ - Б.М.) ни кўришга муяссар бўлдик. Эртасига, жума кун эрталаб ана шу Мираха Мирасса ҳузурига равона бўлдик... Уни катта боғ ичида қад кўтарган саройда кўлаб қуроли соқчилар қуришовида кўрдик. У элчиларни катта хушнудлик билан қабул қилди ва уларни ўз чодирга таклиф этди. Бу ерда бўлган суҳбат чоғида у элчилардан бизнинг сеньоримиз, яъни Кастилия қиралининг саломатлиги ҳақида сўради. Шу тарзда бироз суҳбатлашган, элчилар зиёфатга таклиф этилдилар ва уларнинг расм-русумига мувофиқ танаввул қилдилар. Улар кетадиган вақтда Мираха Мирза элчиларга сарполар улашиш ҳақида буйруқ берди" (Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия..., с. 80) Агар Мироншоҳ ҳақида юқорида баён қилинган фактлар тарихий ҳақиқат бўлса, у ҳолда Мироншоҳ 1399 йилдан кейин Амир Темур томонидан яна ўз жойига қайтарилган ва аввалгидек барча ишлар унинг номидан бошқарилган. Ҳар ҳолда Оврупо қиролларига ёзилган ушбу мактуб ва испан элчиларининг унинг томонидан расмий суратда қабул этилиши фикримизга далил бўла олади.

натларингизга оид кўпгина хушxabарлар келтирдилар. Бундан ташқари, бу ўртада монах Франсуа Сатру ҳам ташриф буюрдилар ва яхши кутиб олиндилар¹.

Сизлар ва сизларнинг одамларингизга нисбатан дўстликка мойил бўлган падари бузрукворимиз ва биз ҳам уларнинг ахборотларини ҳисобга олиб, кўпгина ишлар қилдик ва қилмоқдамиз. Чунки, уларнинг маслаҳатларига кўра, ҳозирги кунда жуда кучли бўлган бизнинг умумий душманга юзма-юз бўлдик, биз уни мағлуб этдик, синдирдик ва маълумингизким, яна шундоқ қилгаймиз². Бунинг учун Оллоҳ таолога шукроналар айтурмиз ва хоҳлаймизким, орамиздаги дўстлик янада камол топсин.

Падари бузрукворимиз ўшал архиепископнинг бизга бўлган садоқатини кўргач, ул кишини сизларни барча воқеадан хабардор қилмоқ, бизнинг енгилмас куч-қудратимиз, амалга ошираётган ишларимиз, хатти-ҳаракатимиз, шунингдек, бу ўлкаларнинг афзалликлари ҳақинда ахборот бермоқ ниятинда ҳузурингизга жўнатдилар³.

1. Демак архиепископ Жан Амир Темур давлатининг Генуя ва Венеция билан олиб борган музокараларида ҳам катта роль ўйнаган. Монах Франсуа Сатру эса Париждан қирол Карл VI томонидан Султонияга юборилган бўлса керак. Улар Амир Темур ҳарбий юришлар билан банд бўлган пайтларида Мироншоҳ топшириқларини бажариб, Соҳибқирон империяси билан Ғарб давлатлари ўртасидаги дипломатик алоқаларда ҳар вақт муҳим вазифаларни бажариб келган кўринадилар.

2. Бу ерда гап Анқара (Ангора) яқинида рўй берган 1402 йил 27 июндаги жанг ҳақида бораётибди. Маълум-ки, бу ҳарбий тўқнашувда Боязид Йилдирим кўшинлари Амир Темур томонидан батамом тор-мор этилган ва турк Султони асир олинган эди.

3. Манбаларнинг хабарига қараганда, Амир Темур империясининг ғарбий қисмида султония шаҳри нафақат сиёсий-ҳарбий пойтахт, балки энг гавжум савдо марказларидан бирига ҳам айланган. Бу ерда ҳар йили Ғарб ва Шарқ ҳамда шимолу Жанубдаги минтақалардан келтирилган товарлар ярмаркалари уюштирилган. Буни ўз кўзи билан кўрган Клавихо қуйидагиларни ёзиб қолдирган: “Бу шаҳар (Султония) жуда гавжум, аммо Туус (Табриз)- чалик улкан эмас, аммо бу ерда савдо-сотик кенг тараққий топган. Ҳар йили бу ерга, айниқса, июнь, июль ва август ойларида кўп товарлар юкланган катта карвонлар келади: Бу шаҳар катта савдо маркази бўлиб, у подшога катта даромад келтиради... Гилонда етиштириладиган ипакнинг асосий қисми шу ерга

Тожирлар хусусинда эса, биз истардикки, улар биз томонларга омон-эсон етиб келсинлар ва улар ҳозир ҳам шундайдирлар, бизникилар сизларнинг юртингизда, сизларники эса бизнинг юртларда хавф-хатардан холи бўлсинлар. Алқисса, сиз билан бизнинг ўртамазда диний тафовут бўлишига қарамасдан, биз бу дунёда барчанинг, хусусан, тижорат аҳлининг манфаати йўлинда дўстликни асраб-авайламоғимиз зарурдир.

Бизда амалга оширилган бошқа ишлар ҳақида ул архиепископ жаноблари сўзлаб бергусидир; шу боисдан ул зотни ишончли вакил тариқасинда тинглағайсизлар ва хизматларини кўплигини инобатга олиб, биз каби ҳурматларини ўрнига қўйгайсизлар.

Мактуб ҳижрий 805 йилнинг юқорида кўрсатилган ойида Сивасда топширилди.

Фарангистон қироли Карл VI нинг Амир Темурга жавоб мактуби¹

Карл, худонинг суюкли бандаси, франклар қироли, шавкатли ва музаффар хоқон Темурбей жаноби олийларига саломлар йўллайди, осойишталик тилайди.

Қудратли ва музаффар ҳукмдор, маълумингизким, шавкатли қироллар ва ном таратган подшолар ўзларининг диний мазҳабларидан, забони, дунёқараш ва қонунларининг турли-туманлигидан қатъи назар, хоҳиш билдириб, иттифоқ бўлсалар, ошно тутунсалар, улар кўл остидаги аҳли фуқаронинг ҳам тинч-осойишталиги таъминланган бўлур эди. Шу боисдан, сиз шавкатли

келтирилади... ва бу товар учун Султонияга ҳатто Венеция ва Генуядан савдогарлар келишади... Христиан дунёсидан, Каффа, Трапезунд, шунингдек, Туркия, Балдакдан келадиган барча тўғжорлар худди шу пайтларда шу ерда йиғиладилар ва керакли молларни харид қиладилар" (Руи Гонсалес де Клавиho. Дневник путешествия..., с. 80-81). Бу ҳол ўз навбатида Мироншоҳдан ана шу соҳани янада ривожлантириш учун атроф ҳукмдорлар, айниқса, Оврупо давлатлари билан алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришни тақозо қилган. Айни вақтда, Оврупода ҳам бу масалага катта қизиқиш билан қараганлар.

1. Ушбу мактубнинг лотин тилидаги дастлабки нусхаси Париж миллий кутубхонасида сақланиб қолган. Уни Раҳим Қиличев ва Муҳаммаджон Халбековлар ўзбек тилига ўғиришган.

ва музаффар ҳукмдорларнинг архиепископ Иоани жаноблари орқали юборган номангизни оларканмиз, бу мактублар¹ орқали сиз олий ҳазратнинг бизга саломлар йўлаганингизни, бизнинг мамлакатимиз майдони ва қироллигимиз имкониятлари хусусида маълумот сўраганингизни ҳамда Оллоҳнинг инояти бирла душманамиз Боязид устидан зафар қучганингизни билиб олдик.

Маълумингизким, бу номалар бизга биргина завқ бағишлаб қолмайди, боз устига, сиз олий ҳазратларига маъқул бўлганидек, бизнинг ва ўзга насроний давлатларнинг тожирлари сизнинг фуқароларингиз билан савдо-сотик қилсалар, ўз молларини хавф-хатарсиз олиб бориш, айрибошлаш имкониятига эга бўлсалар ҳамда сизнинг тасарруфингиздаги ерларда эмин-эркин юрсалар. Алқисса, ўзингиз айтганингиздек, биздан олдинги ҳукмдорлар даврида худди шундай бўлган. Ўз навбатида биз ҳам сизнинг улуғ илтифотингизга самимий, ўшал азму қарор бирла жавоб берурмиз, токи сизнинг одамларингиз ҳам бизникилар сизнинг мамлакатингизда бўлгани каби, бизнинг ерлар ва музофотларга келсинлар, савдо-сотик билан машғул бўлсинлар. Бу ишда бизнинг вафо қилажамизни, ваъдамизнинг барқарорлигини ўртадаги элчимиз архиепископ Иоаннинг ўз оғзидан ҳам эшитгайсиз. Ҳазрати олийлари унинг содиқлиги ва бизнинг хайрихоҳлигимизни инобатга олиб, ул зотга ишонч билдирсалар. Бундан буён ул зот сизнинг измингиздаги мамлакатлардан биз тарафга ўтиш имкониятига эга бўлган он ўз фаолиятининг давоми борасинда бизга ахборот бериб борур².

1. “бу мактублар” ибораси орқали қирол Карл VI Амир Темури мактуби билан бир қаторда Мироншоҳ Мирзо тарафидан Оврупо қиролларига йўланган мактуб-мурожаат мазмуни билан ҳам ошно эканлигини ва ҳар уккала хатда изҳор қилинган фикр-мулоҳазаларнинг унга таъқулигини таъкидламоқда.

2. Айрим хабарларга қараганда, архиепископ Иоанн (Жан) дастлаб Франция қироли Карл VI Валуанинг элчиси сифатида Амир Темури ҳузурига келган. Француз қироли унинг Султонияга насронийлар архиепископи лавозимига тайинланганидан фойдаланган бўлса керак. Манбаларнинг таъкидлашича, архиепископ Иоанн (Жан) ҳар томонлама маълумотли ва Оврупо қироллари наздида катта обрў-эътиборга молик шахс бўлган. Амир Темури Оврупо мамлакатлари билан олиб борган дипломатик

Ва, ниҳоят, сиз олий ҳукмдорнинг ўз қўл остингиздаги ўлкаларда яшаётган насроний мазҳабига мансуб фуқароларга нисбатан мурувватли бўлаётганингизни ҳам эшитдик, бунинг учун сизга ўз миннатдорчилигимизни баён этгумиздир. Биз ҳам сиз ҳазратларининг фуқароларига, насиб этгудек бўлса, бундан ҳам зиёда мулозимат кўрсатишга ҳаракат қилурмиз.

Нома милодий минг тўрт юз учинчи йилнинг 15 июнида Парижда битилди.

муносабатларида ундан ва бошқа насроний монахлардан кенг фойдаланган. Архиепископ Иоанн (Жан)нинг қайси миллатга мансублиги ҳақида ҳам турли фикрлар мавжуд. Унинг Султониядан оядин 1394 йилда Нахичеванда епископ лавозимида бўлганлиги ва ўша жойдан Рим папаси Жанни Султония архиепископи лавозимига тайинлагани маълум. У бу ерда “бутун шарқнинг архиепископи” деб юритилади, чунки 1328 йилда Пекиндаги Осие митрополити вафот этгач, бу насаб Султониядаги насроний руҳонийга берилганди. Француз тарихчиси Люсьен Кереннинг тавъкидлашича, Англия қироли Ҳенрих IV архиепископ Жанни (Иоанни) Амир Темур ҳузурига жавоб хати билан юборар экан, унга айни вақтда Абиссиния қироли, Кипр ҳукмдори, Венеция дожи, Константинополь ва Трапезунд императорлари ҳамда Грузия подшоси билан ҳам ўз номидан мулоқотда бўлиш ҳуқуқини берган. Архиепископ Жандан кейин бир қанча асарлар қолган. Улар ичида, айниқса, унинг “Эсдаликлар”и катта аҳамиятга молик бўлиб, улар француз тилида битилган. Архиепископ 1412 йилда Каффадан Львов шахрига кўчиб борган ва ўша ерда вафот этган.

Англия қироли Ҳенрих IV нинг Амир Темурга ёзган жавоб мактуби¹

“Худонинг инояти билан Англия ва Франциянинг қироли², шунингдек, Ирландия ҳокими Ҳенрих улуғ ва қудратли подшоҳ Темурбекка сўзимиз, бизнинг дўстимиз, худонинг азиз бандасига энг катта саломлар бўлсин ва худо тинчлик ато қилсин.

Улуғ подшоҳ, дўстимиз, худонинг азиз бандаси, Исо пайгамбарнинг Шарқдаги вакили архиепископ орқали юборган хатингиз (яъни унда ёзилган нарсалар) билан танишибгина қолмай, сиз ишонч билдирган ўша архиепископнинг ўзидан оғзаки суҳбат вақтида гапларни эшитиб, Сизга бўлган дўстлигимизни яна бир бор ҳис қилдик³. Биз билдирган дўстлигин-

1. Ушбу мактубнинг қоралама лотинча асли Лондонда давлат архивида сақланади. Унинг ўзбекча таржимаси “Самарқанд тарихи”нинг бирикчи жилдида келтирилган (191-192 саҳифалар). У Амир Темур хатига жавоб тариқасида ёзилган. Унда Боязид Йилдирымнинг тор-мор келтирилиши воқеаси тилга олинганлигидан, бу мактуб 1403 йил ўрталарида ёзилганлигини тахмин этиш мумкин.

2. Англия ва Франция ўртасида тарихда 100 йиллик уруш (1337-1453) номини олган муҳорабанинг турли босқичларида ҳар иккала томон бир-бирларига зарба бериб ёки мағлубиятга учраб турганлар. Бу вақтда Англия Оврупо субконтинентидаги қатор вилоятларни қўлга киритганлиги учун унинг қироли мактубда ўзини Франция қироли ҳам деб атаган. Бу ҳол, табиийки, ўша даврдаги сиёсий ҳақиқатга унча тўғри келмайди.

3. Бу ерда гап монах Жан (Иоанн) хусусида бораётибди. Амир Темур уни Анқаро ёнидаги жангдан кейин 1402 йилнинг кузида Боязид Йилдирым устидан қозонилган ғалаба ҳақидаги хушxabарни етказиш учун Франция ва Англияга юборган эди. Манбаларнинг шоҳидлик беришича, у Парижда маълум муддат қирол Карл VI ҳузуринда бўлгач, Лондонга жўнаб кетган ва Амир Темурнинг махсус номасини Англия қироли Ҳенрих IVга топширган. Монах Жан (Иоанн)нинг диний лавозими хатларда турлича таърифланади. Уни кўпинча “бутун Шарқнинг архиепископи” деб аташганини кўрамыз. Бу ерда ҳам сая бошқача ибора билан шу нарса яна бир бор таъкидланади, яъни у “Исо пайгамбарнинг Шарқдаги вакили” деб аталади.

гизга лойиқ иш қилганимизча йўқ ҳали; сизнинг эсон-омонлигингизни мазкур архиепископдан эшитиб қувондик, шу билан бирга, айна вақтда Францияга сизнинг шавкатли ўглингиз топшириғи билан бошқа масалалар бўйича, яъни сулҳ ва ҳамжиҳатлик юзасидан билдирилган истаклар бизни хурсанд қилди¹, шундан сўнг сизнинг олдингизга борувчи руҳоний (доминиканлар орденига мансуб бўлган) Франческо Шадер томонидан сиз зоти олийларига ўзаро алоқаларимиз доирасини кенгайтириш, давлатларимиз савдогарларининг бир-бирлари билан илгари, авлодларимиз даврида бўлганидек, учрашиб туришларини таъминлаш ниятидамиз. Бу гапларни, улуғ подшоҳ, сизга бўлган дўстлиги-мизнинг рамзи сифатида айтмоқдамиз... (қолган кетган). Миннатдорчилик билан чин қалбдан сўраймиз, бундан сўнг бизнинг савдогарларимизнинг мамлакатингизда бемалол юришларига имкон туғилса.

Юқорида зикр этилган хат мазмунидан сизнинг яқинда Туркия чегараларига келиб, худонинг мадади билан қисқа муддат ичида бизнинг ва сизнинг эски душманимиз Боязид ва унинг давлатини тор-мор қилганингизни билдик. Бу эса дилларимизни қувонтирди ва катта шодлик келтирди. Унинг (хоҳиши билан) подшолар ҳукм юргизади, ғолиблар юксакликка кўтарилади, подшоҳлар ҳокимияти улуғланади. Ғалабани ғойибдан юборган парвардигорнинг номини ҳамиша эсда тутайлик.

Дарвоқе, улуғ подшоҳ, Сизга бўлган муҳаббатимиз ва ҳурматимиз ҳаққи юқоридаги биз томондан хурсандчилик билан кутиб олинган архиепископга хайрихоҳлик билдирибгина қолмай, балки дўстона муносабатда бўлдик. Шунинг учун ҳам сиздан чин қалбдан илтимос қиламизки, сиз зоти олийлари олдингизга борса, у кишини қабул қилурсиз, у бизнинг подшоҳлигимиздаги аҳвол ва олиб борилаётган ишларни айтиб беради, биз унга ўз мулоҳазаларимизни батафсил гапириб

1. Демак, архиепископ Жан (Иоанн) Англия қироли Ҳенрих IV ни Мироншоҳнинг Овруто қиролларига йўлаган мактуб-мурожаати билан ҳам таништирган. Хатдаги жумлалар дўстлик ва савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатиш ҳақидаги Мироншоҳнинг мактуби инглиз қиролида яхши таассурот қолдирганлигини кўрсатади.

берганмиз, у бизнинг номимиздан сизга етказган хабарга ишонинг. Улуғ подшоҳ, худонинг азиз бандаси... ”¹

Амир Темурнинг Йилдирим Боязидга мактуби²

Адолат шиор ва мукарримат осор, энг улуғ ва машҳур қудрат ва шуҳрат қоидаларини белгиловчи, давлат ва иқбол қоидаларини ўрнатувчи, иззат ва саловат қудратининг (балқиб) чиқар жойи, мулк ва дин асарларини зоҳир этувчи, ғозийлар ва мужоҳидларнинг бошпанаси, қўлагувчи малик бўлмиш Оллоҳ лутфига (сазовор), қодир Оллоҳ инояти билан сийланган, дину дунёнинг барчаси содиқ ва бошдан-оёқ сидқу сафодан иборат бўлмиш субҳу содиқ сафҳаларидан соя ташловчи, мақтовлар саҳифалари ҳамда барчаси нуру зиёдан иборат бўлмиш ёрқин офтоб шуғлалари каби латиф дуолар туҳфа ва ҳадя этилади ва беиллат ато этувчи Оллоҳдан - унинг сўзи улуғлансин ва қудрати ортсин! - амин у омонликни келтириб чиқарувчи, икки томоннинг оралиғини ислоҳ этувчи ва тарафларни бирлаштирувчи бир сабаб яратишини илтижо қилиб қоламиз. У (Оллоҳ) бунга қодир ва ижобат этишга лойиқдир.

Агар замона шу сўзни эшитса,

Унинг латифлигидан таъзимга мойил бўлади.

Унинг лафзларини мутолаа қилиш ва маъносидан огоҳ бўлишдан хўп мойиллик ҳосил бўлди ва у холислик ва содиқлик эшикларини очишга олиб келди. Малаксифат зотингизнинг саломатлиги, давлат ишларининг интизомда эканлиги, ҳузур-ҳаловат ва иқболу ютуқлар учун Олий тангрига - унинг улуғлиги ортсин! - шукрлар бажо келтирилди. Мактуби шарифингиз

1. *Шу ерда хат узилиб қолган. 1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Буюк Британияга расмий визит билан борган вақтда Англия бош вазири Мейнжер унга икки ўртадаги дўстликнинг тарихий рамзи сифатида ушбу мактубнинг юнон тилида битилган дастхати аслидан нусха тортиқ этган эди.*

2. *Амир Темур ва Йилдирим Боязид ёзишмалари 1963 йилда Техронда манбашунос олим Абдуҳусайн Навоий томонидан нашр этилган “Аснод ва макотиботи тарихий-йи Эрон аз Темур то Шоҳ Исмоил” («Темурдан то Шоҳ Исмоилгача бўлган Эрон тарихий ҳужжат ва ёзишмалари») номли тўпلامдан олинди. (А. Ўринбоев, Д. Валиева таржимаси).*

бошдан-оёқ мақбул дилпазир, маъкул ва ёқимли бўлганлиги учун “Сўз дилдан чиққанда, шубҳасиз, дилга ўтиради” (мақолига) кўра, уни самимий ва бешубҳа деб топилиб, кўп мақтовларга сазовор бўлди. Назму насрдаги иборатларнинг барчаси шундай ғаройиб бадиаларки, қалбларни ўзига тортади.

Агарчи аҳвол ҳақиқати ва сўзнинг хулосаси илгарироқ Санқур Човуш ҳамроҳлигида борган Хожа Боязид Фатҳ орқали юборганимиздек бўлса ва унга бирор нарсани кўшишни ҳеч бир жиҳатдан тасаввур қилиб бўлмаса ҳамда тақдирга биноан, бу маъни қоидаларини ўзгартириб ва алмаштириб бўлмаса ҳам аммо эндиликда дўстлик ва бирлик йўлида у маънини қувватловчи ва тасдиқловчи бир неча калимани бирлик қалами рақамига олинади. Ва у шундан иборат: сиз ёзибсизки, биз ва сиз жанобнинг орамизда бирор сабабсиз бир ваҳшат воқеъ бўлибди. Бу маънини сиз тўғри ёзибсиз. У шундай: чунки дунё ва ундаги нарсалар (орасида) икки ўртада бирор кечмишнинг воқеъ бўлишига сабаб бўладиган нарса йўқки (токи) у мусулмонларга заҳмат етказса. Бу ҳаёт алдамчи лаззатдир. (“Ол-и Имрон”, 182-оят).

Дунё тартиблари солиҳ кишининг одатларига қарши бўлса, солиҳ киши унга ҳамду санолар айтадимиз?

Сиз ота-боболарингиздан тартиб кофирлар ва дин душманлари билан жангу муҳораба қилиб келаётганингиз ҳақида ёзибсиз. Бу маъни ҳам биз учун равшан. Ва биз доимо шу маъни сабабли сизнинг хонадонингизга ишонч билан қараб келдик ва ҳозирда ҳам (дарахтнинг) шохлари аввал чанг-тўзонга булғаланади, кейин кўкариб-яшнаб кетади. Сув аввал лойқаланади, кейин тинади (байтининг) далолатича шундай бўлсинки, жанобингиз ҳеч бир хавотирсиз у диёр кофирларига қарши машғул бўлсинлар. Биз тарафдан эса жанобингиз томонга турли иноятлар ва мададлар қай бир важҳдаки муяссар бўлса, кўрсатилади, токи лаънати фаранг кофирларига қарши олиб бораётган жиҳодингиз савобидан бизга ҳам бир улуш бўлсин. Жанобингизнинг биз билан мувофиқлик ва холисликлари равшанлик топгач, биз Шарқ диёри кофирларига қарши олиб борган ғазотимиз савобидан сиз жанобингиз ҳам баҳраманд бўлурсиз. Орада элчилар ва калимачилар ўтган маликлару султонлар қўллаган тартиб ва расм-русумлар бўйича бориб-

келиб турсинлар ва шу сабабли мусулмонлар амну омонлик беланчагида фароғатда ва ишонч билан ҳаёт кечирсинлар ҳамда турли-туман диний фойдалар ва мулкӣ нафлар ҳар икки томонда ҳосил бўлсин ва йиғилсин. Ёрдам ва тавфиқ Оллоҳдан-дир.

Яна ёзибсизки, агар сизнинг сўз ва пайғомларингиз вақт маслаҳати (юзасидан) бўлса (улар орасида) тафовут йўқ. Асло, у мактубларда бирон бир ёлғон (шубҳали нарса) тасаввур қилинишидан худо сақласин ва у сўзларнинг чеҳраси қасам жамоли билан безатилган бўлганлиги учун, худо сақласинки, ёзганларимизга хилоф нарса зоҳир бўлса. Биз ва сизнинг орамизда Оллоҳнинг шоҳидлиги кифоядир. Оллоҳ сиз ва биз учун етарли шоҳиддир. (“Юнус”, 30-оят).

Балки сулҳнинг дастурлуламали ва аҳдлашиш амри барчаси мактубларда зикр этилган ўша сўзлардан иборатдир. Дўстлик биносининг қурилиши ва бирлик маънисининг асоси у мактубларнинг мазмуни ва далилларидан муқаррар ва мустаҳкамдир.

Яна сиз хабар берибсизки, агар раббоний тақдир ваҳшат ғуборининг орамиздан бутунлай кўтарилишига қаратилган бўлса, сиз жаноб, биз билан Миср ҳокимлари орасида воситачилик қилишни зиммангизга олибсиз. Ҳар нимаики жанобингизга маъқул бўлса, унга ҳеч нарса қўшилмайди. Аммо бизнинг дорилфанодан рихлат қилган Миср волийси билан - у муфсидлардан эди (“Қасас”, 3-оят) - орамизда воқеъ бўлган хушунад жанобингизга маълум; у воқеада шарият, ақл ва урф бўйича қаралганда ҳам биз ҳақмиз, у киши ноҳақдирлар. Чунончи, салтанатни бошқариш қоидаларидан ва жаҳондорлик расм-русумларидан хабарсизлиги оқибатида бизнинг турли-туман фазилатлар билан безанган, ҳасаб ва насаби покизалик ва тақводорлик билан уланиб кетган, Ироқи ажам уруғларидан бўлган Шайх Баҳовуддин Савожий бошчилигидаги яхши навкарларимизнинг барчасини шиҳодат даражасига етказган.

Агар эр кишининг назари тўғри бўлмаса.

Ажаб эмаъки, у субҳидам шуъласига ҳам шубҳа билан қарайди.

Бу шайтон амалларидан бўлган гуноҳдир (“Моида”, 92-оят).

Ундан сўнг жанобингизга маълум бўлган бир сабаб билан бизнинг кўкалдошимизнинг ўғли Отламишни боғлаб, маҳбус

қилиб ҳибсда тутиб турибдилар. Қанчалик ваъз-насиҳатлар билан уни озод этишни илтимос килдик, элчилар юбордик, фойдаси бўлмади. Элчиларни ҳам қатлга етказдилар ва унинг орқасидан ўйламасдан бордилар (“Саффо”, 67-оят) ҳақиқатини зоҳир қилдилар. Натижада шу восита билан ғалабаёр лашкарлар Шом томонга ҳаракатга келтирилди. Ва ўша харобаликларнинг барчаси уларнинг қабиҳликлари сабабли дарвишлар (оддий халқ) бошига тушди. Оллоҳ таолога ҳамд бўлсинки, аҳвол бошланишидан то ушбу кунларгача жиддий бир сабабсиз ва аниқ ҳужжатсиз бирор мамлакатга юз тутмаганмиз. Ҳар бир содир бўлган кечмишда биз улардан ҳар бирини гуноҳига яраша жазоладик (“Анкабут”, 39-оят) мазмуни зоҳир ва равшан бўлган. Шу билан бирга Мисрга юришга жазм қилган эдик, улар (Миср волийси) Ҳожий номли маҳрамларидан бирини бир донишманд билан бирга юбориб, илтижо қилибдиларки, “агар сиз Миср юришини тўхтатиб, Дамашқдан қайтиб кетсангиз, ҳали Ҳалабга етиб бормасингизданок Отламишни орқангиздан юборажакмиз”. Бу сўзларига ҳам вафо қилмасдан ваъдаларига хилоф иш тутдилар. Қара, улар қандай ёлғончилар (“Мужодала”, 20-оят).

Энди жанобингиз айтганидек, орада воситачилик қилиб, интиқом шуъласини пасайтирсангиз, бу сизнинг тўғри фикрингизга тааллуқлидир. Ҳар қалай аҳдлашув қоидаларини мустаҳкамлашга асосланиб, Отламишни юборсалар, агар улар тинчликка мойил бўлсалар, унда сен ҳам унга қайишгин ва Оллоҳга таваккал қилгин (“Анфол”, 63 - оят) мазмунича, жанобингиз нимани тўғри топсангиз, унга ҳеч нарса қўшилмайди. Аммо Миср ҳокимини фарзандликка қабул қилдик деганингизни биз раво кўрмаймиз. (Аюўғли “Муншаоти”да “раво кўрамиз” дейилган). Сизнинг хонадонингиз узоқ муддатлардан динга қувват бериш ва тўғри шариятни ёйиш билан машҳур бўлишига қарамай, сиз шундай қул ва қулвачча билан яқинлашаяпсиз. Бу амал тўғрилиқдан холидир (“Худ”, 48-оят) биноан орангизда бундай бирлик шароитлари ва ўхшашлик ҳақиқати мумкин эмас эди. Дўстлик жиҳатидан биз бу маънини муносиб деб билмаймиз. Чунки Миср ҳокимларида ҳақиқатда мағрурланишлари учун асос бўладиган бирор қадр-қиймат йўқ. Яна уларни Султон ул-Ҳарамайн (икки ҳарам султони) деб ёзишни ҳам муносиб ва лойиқ деб ҳисобламаймиз. Чунки Макка

ҳарамии - Оллоҳ таоло унинг шарафини орттирсин! - Худойи таборак ва таолонинг ҳарамидир; Мадина ҳарамии эса Муҳаммад Мустафонинг - у кишига энг яхши дуолар ва энг гўзал мақтовлар бўлсин! - пок ҳарамии ва муаттар қабридир. Қандай қилиб, уларни бу икки ҳарамнинг султони дейиш мумкин? Балки бу икки ҳарамнинг ходими деб аталишнинг ўзи ҳам улар учун катта саодат бўлади. Шу билан бирга ҳақиқатдирки, жанобингиз уларнинг мамлакатига тама қилиб ва уларни инкор этишга ҳозир бўлиб, баъзи вилоятларни уларнинг тасарруфидан юлиб олган эдингиз, энди эса, ҳар бир ашённинг ҳақиқий моҳияти унинг зиддиятлари билан очилади (мақоли) мазмунича, уни фарзанд ва икки ҳарам султони деб атаяпсиз ва шунга яраша имтиёзларни ҳам жоиз деб билияпсиз. Маслаҳатга кўра, бу маъни устида муҳокама қилиш муносиб эмасдир.

Менинг ва ўзингизнинг душманларингизни дўстларингиз деб билмангиз (“Мумтаҳана”, I - оят).

Яна (мазкур) хатнинг бошланишида қалам тилига олинганидек, у жанобнинг (яъни Темурнинг мактуби - тарж.) азиз мактубининг барча сўз ва калималарини маъқул ва дилпазир дебдилар. Биз Солиҳ ибн Жаноҳнинг иккита арабча байтини келтирганмиз. Бу маъни воқеликнинг баёнидир. Биз тўғри ёзганмиз ва нимани назарда тутганимизни биламиз. Аммо у тарафга юборганимиз мактубнинг иборатлари хилъати қасам безаклари билан тикилган ва безатилганлиги учун насаблар тақаллуфини тарк этиш ва сўзимизни тасдиқлаш яхши ва тўғридир ва бу ушбудир:

Менинг битта отим бор, (уни) муҳаббатга содиқ вақтимда жиловлайман.

Яна битта отим бор, (уни) ҳалолликка аҳд қилганимда эгарлайман. Агар сенда шу икки амал бўлса, сен тўғри одамсан.

Сенга зид бўлган эгриликка ҳеч ўрин қолмайди.

Яна жанобингизга маълумдирки, мулк ва мамлакатни бошқариш ишларида бир нозиклик бордир, унинг латиф томонлари кўп. Ҳозир биз эшитдикки, Аҳмад Жалойирий Бағдод ва ўша тарафларга қайтибди, шу сабабли лашкар амирларини у томонга юборилди. Бу маънидан Санкур Човуш воқифдир. Агар Оллоҳ таолонинг инояти билан (амирлар) уни қўлга тушурсалар, бу айни муддао. Йўқса, у қочиб у тарафларга юзланса, дўстлик

вазифаси шундан иборат бўладики, келишувимизнинг қатъийлигига биноан, унинг у вилоятга киришига йўл бермасалар. Чунончи, шу нарса ҳақдирки, тириклиги чехрасидан давлат нури ўчган, илоҳий назардан қолган, кунлар зарбидан ўқ еган ва бахтсизлик қўли уларнинг ҳаёти этагидан тутган, тақдир раддига учраган у кишилар қадами қай бир вилоятга етмасин, унинг келажаги қутлуғ бўлмайди. Шу билан бирга, Аҳмад Жалойирий Қора Юсуфга нисбатан яхши кадхудозодадир. Агар унинг отаси амирлик ва бузургликка етишмаган булса-да, унинг оталаридан уч-турт киши бу диёрда кимки қудратли ва ғолиб келса тортиб олаверади, деган нақлнинг ҳукмига биноан, мамлакат чехраси Чингизхон шуъласи юлдузлари уруғининг вужуди безагидан холи қолгандан кейин ҳокимлик ва амирликка етишдилар; Қора Юсуф (оталарига) келсак, улар қароқчилардирлар, ўғирлик, йўлтўсарлик, савдогарлар қонини тўкиш билан машғул бўлганлар ва бу бобда гапирса, гап тугамайди. Энди жанобингиз муслмонлик ва диндорликдаги, газот ва жиҳотдаги шуҳратингиз билан улардек фасод маддаси ва азият унсурларини риоят қилиб кучлантиришингиз (қувватлашингиз) қандай муносиб бўлар экан? Чунончи, айтибдилар:

Нопокзодадан умид тутмангиз ҳеч, Занги ювган билан оқармайди ҳеч.

Аниқдирки, қачон бўлмасин, бадфеъллик хосияти ва тутуруқсиз табиат тақозоси (бора-бора) имкониятдан амалиётга айланади. Шу билан бирга эшитдикки, жанобингизнинг Арзинжонга юзланишининг боиси у (Қора Юсуф) экан. Ҳар қандай мамлакат яхшиланишининг ғамини емайдиган, бахтсизликка учраган бадхоҳлар, амирлар ва маликлар бирор ваҳшатни келтириб чиқариш ва қудратни қўзғатишдан холи бўла олмайдилар; дўстлик ўрнатилишига, мустаҳкамланишига Оллоҳ бизнинг мамнунлигимиз. У ишончли Ҳомийдир (“Ол-и Имрон”, 167-оят) ва Қандай гўзал бу маъво! Қандай гўзал бу кўмакчи! (“Анфол”, 41-оят) Оллоҳнинг (иродаси билан) яхшилик ва хуррамликда тугатилди, муҳр босилди.

Султон Боязиднинг Амир Темурга жавоби

Рубби маскуннинг Ҳумоюн подшоҳи Соҳибқирон Хусрав, жаҳон султонларининг султони, ижобат этувчи малик (Оллоҳ) нинг кўмаги билан қўлланган давлат ва диннинг жилоси Темур Гурагондан - Оллоҳ таоло у кишининг улуғлик, иззату иқбол кунларини абадий этсин, умр ва шону шавкат йилларини давомли қилсин! - омонлик тумори, комронлик қўшимча, яъни хоқоннинг шараф китоби (мактуби) ва жаҳондорликнинг буюк хитоби раббоний илҳом ва осмоний ваҳийсифат нозил бўлди. Унга жавобан шаъни улуғ, ҳуррамлик бисотиға лойиқ бўлган беҳисоб мақтовлар, чексиз дуоларни, ихлосу ихтисос тарихидан йўллаб (бизни) дуо ва ниёзмандликка машғул деб билсинлар.

Ундан сўнг ўзининг қутлуғ тамомига еткан номада шарҳу баённи топган ва бирликка етказувчи навкарлар билан безанган тафсилотларни бир-бир мутолаа қилишда, иккита ҳикоятдан ташқари ҳаммаси ўринли экан. Ўртада сулҳ воқеъ бўлгандан кейин бу хайрихоҳнинг сиз олийжаноб билан Миср азизини ислоҳ (сулҳ) га келтиришдаги воситалигини бу беиштибоҳ дўстингизнинг фойдасига деб билибсиз. Йўқ ва асло! Асл мақсадимиз мана шу мусулмонларнинг осойиши, хусусан, икки шарафли ҳарамда - Оллоҳ уларнинг шарафи ва улуғлигини орттирсин! - яшовчи мусулмонларнинг осойишидир. Бошқа нарса эмас. Агар шу мулоҳаза бўлмаганида биз билан (унинг орасида) ҳам сулҳ шаклланмаган ва Миср ва Шомни забт этиш осонлик билан амалга ошган бўларди.

Иккинчиси эса Аҳмад Жалойирийнинг Бағдод томон бориши ва агар қайтиб келса, мамлакатдан чиқариб юбориш ёки тутиш (ҳамда) Қора Юсуф туркман билан Элхон қурултойни юборишни таклиф ва қатъий талаб қилган экансиз. Бу маъни ҳам баҳона излашдан бошқа нарса бўлуб туюлмади. Чунки у номлари аталганлар узоқ муддатлардан бери биз билан яқин дўстлик танобига қўл уриб, сира ҳам муҳолифат йўлига кирган эмаслар. Аҳвол шундайки, (улар) бир қаҳрамон кишваристон (мамлакатларни олувчи) нинг қаҳридан туртки еб, биздан ҳимоят излаб келдилар. Биз уларнинг узрини (сиз) яхши хислатли зотдан сўрашни истаган эдик, муяссар бўлмади.

Шундан сўнг уларга озгина риоят қилиб, бизнинг мамлакатдан чиқиб кетишларига изожат бердик. Улар тақдир тақозоси билан яна қайтиб келсалар, “меҳмонни иззатланади” (деган мақол) талабича уларга озор бериш усмонийлар тўрасидан ташқаридир; балки айни шавқатсизлик, ҳатто иймонсизликдир. Чингизий Хулагу хон дор-ус-салом Бағдодни олиб, халифани замон ал-Мустаъсим биллоҳни-унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин! - шаҳид қилган вақтида халифанинг амакиси Мисрга борган, Мисрнинг ўша вақтдаги азизи Бейбарс унга бундукдари (меҳмондорликни) ўрнига қўйиб ва ёрдам бериб, беҳисоб лашкари билан Бағдод томонга жўнатган. У улуг нуён Қаробуқо билан жанг қилиб, мисрликлар енгилгач, ҳар бир тараф ўз жойига қайтган. Халифаларнинг авлодлари ҳозиргача Мисрда яшаб келмоқда. У тўла галабадан кейин Хулагухон халифалик тахтининг ворислари бўлмиш халифаларни (беришни) мисрликлардан талаб қилмади ва (уларга) илтифот ҳам кўрсатмади. Энди эса бу иккита қаноти синган, асалдан йироқ пашша ва ўз ошиёнидан ажралган кабутарларда нима ҳад? Ва улар нима олардиларки, бу икки миллат хожаси савлати бургутнинг панжаси қўрқинчидан Хумо (Темур) билан ҳам парвоз даъвосини қилсинлар. Ёки бўлмаса, дунёни забт этувчи фил ёнидан ўрин олиб ватан тутсалар. Бундан кейин уларнинг номларини тилга олишни ва булар каби камном шахсларни зикр этишни муносиб деб билмайман. Чунки биз (сизнинг) хумоюн хотирингизни битта-битта фалак зарбига учраган (кимсанинг) фикри билан озурда қилишни истамаймиз. Агар улар қайтиб келсалар, биз уларга ёрдам бермасдан вақт ихтиёрига ташлаб қўямиз.

Бас, сиз олийжаноб бундай икир-чикирларга қўл силтаб, воқеан агар муроди шарифингиз ислом аҳлининг равнақи ва икки тарафнинг ислоҳи бўлса, Сивос атрофидан ишора қилинганидек, қўлингизни тортиб, амну-омонлик тadbирларига киришсалар. Бўлмаса, нимаики тақдирда (ёзилган) бўлса ундан оёғимизни тортмаймиз. Амрингиз аъло. Вассалом валикром.

А. Ўринбоев, Д. Валиева таржимаси.

Амир Темурнинг Йилдирим Боязидга тўртинчи номаси

Мамлакат паноҳи, салтанат куббаси бўлмиш замона ҳокимларининг малики Боязид Баҳодирхон жаноби олийларига - Оллоҳ унинг иззату иқболини оширсин! - шоҳона лутфлар йўллаб маълум қиламизки, бу томон Оллоҳ таолонинг кўмаги билан имкон бўлган даражада мусулмонлар аҳволини тузатиш билан машғулмиз ва шундай бўлишини шаъни улуғлангур ҳазрат (Оллоҳ) дан тилаймиз. Оллоҳ бизни қўлласин ва қабул этсин!

Шундан сўнг маълум қилинадикки, биз (муносабатларимизнинг) бошланишидаёқ ўзимиз билан у жаноб орамизда дўстлик қоидаларининг мустаҳкам бўлишини истадик. Шунга ҳамда ўтган маликлар ва қадимги султонлар суннатига кўра жанобингизга бир неча бор мактуб йўллаб илтимос қилинди. Сиз буни илтифотсизлик билан рад этдингиз ва ваҳшатни орттирдиз. Ниҳоят иш шунга бориб етдики, биз Сивос томон юрдик ва у кечмишлар содир бўлди. Шу билан бирга унинг аҳволи бутунлай бузилмасин, кофирлар ва мустаҳкам муҳаммадий динининг - у зотга энг мукамал саловотлар ва энг гўзал мақтовлар бўлсин! - мункирлари ислом аҳли устига истило қўлини чўзмасинлар ва Оллоҳ сақласин! Мусулмонлар оммасига зарар етказишга сабаб бўлмасин, деб ундан нарига ҳаракат қилмадик ва у вилоятни хароб қилишга киришмадик. Сизнинг беморлигингиз хабари тарқалганлиги ва у вилоятга кириш Шомга юришдан кўра осонлигига қарамай, у вилоятни омон қолдириб, Шом томонга юзландик. Бунинг боиси яна шунда эдики, биз маликлар ва султонлар тўрасига биноан ўз элчилар ва навкарларимизни тухфа ва ҳадялар билан Миср волийси ҳузурига юбордик. У ҳеч бир сабабсиз уларнинг ҳаммасини қатлга етказибди. Интиқом юзасидан қасос талаб қилиб, яна ўша томонга юрдик. Нима воқеа бўлса, бўлди. Нима содир бўлса, бўлди.

(Жанобингиз) шундай бўлишига қарамай ва яхшиликни билмай, бизни қайтиб кетди, деб эшитганингиз заҳотиёқ, буни ганимат билиб, дарҳол Арзинжонга кетибдилар ва у кишидан ўша ҳаракатлар содир бўлибди. Яна ҳар томонга мактуб ёзиб, бизни кофирликка нисбат берибдилар. (Бу маъни мусулмон киши

томонидан бағоят ажиб ва узоқдир, қандай қилиб мусулмонларни кофирликка нисбат берадилар?!). “Қибла аҳлини кофир демайдилар!” (“Анфол”, 63). У жойнинг уламо ва имомларидан савол сўранг, агар мусулмон кишини кофир дейилса, (буни айтган) одамнинг мусулмонлиги қандай бўлади. Бизнинг мусулмонлигимиз ислом шиорларига бўйсунимиз, аҳли суннат ва жамоага эътиқодимиз қуёшдан ҳам равшан. Жанобингизнинг навкарлари Санқур ва Аҳмадлар бир муддат бизнинг лашкарларимиз орасида мусулмонлик аломатлари қай тарзда эканлигини ҳақиқати билан айтиб берурлар. (Жанобингизнинг) Арзинжонга ва содир бўлган сўзлар ва феъллари (ишлари) аниқ бўлгач, тезликда лашкарларни ва лашкарларнинг катта ва кичик амирларини Арзинжонга равон қилдик ва ўзимиз ҳам бахтли толеъ билан уларнинг кетидан йўлга чиқдик. Нахичеван ва Хўй ҳудудига бориб тушгач, жанобингиз қайтиб кетганлиги ҳақида турли хабарлар етишди. Тахуртан Баҳодирдан ҳам шундай хабар келди: “Менинг фарзандларим ва яқинларимни қайтариб юбордилар, қилган ҳаракатларидан пушаймон бўлибдилар, узр сўрамоқчилар. Фитна қўзғатувчилардан Аҳмад Жалойирни ўз ҳузурларидан йироқлатибдилар ва Қора Юсуфнинг одамларини ҳам пароканда қилиб, ундан ажратиб юборибдилар”. Биз ҳам “Агар улар сулҳга майл бўлсалар, Сен ҳам унга қайиш ва Оллоҳга таваккал қил, Оллоҳ - эшитувчи ва билгувчидир” (оятининг) ҳукмига биноан у тарафларга юришни кечиктирдик. Ҳозир иззатли ва шавкатли фарзандимиз Муъиниддин Муҳаммад Султон Баҳодир - Оллоҳ уни боқий этсин! - ҳам Самарқанд дорилмулкидан саодат ва камронликда у мамлакатларнинг амирлари, гуломлари ва лашкарлари билан етиб келди. Уларнинг келиши билан хурсандлигимиз афзун бўлди. Шундан сўнг лашкарларни тартибга келтириш ва жиҳозлашга машғул бўлдик. Қрим, Кафа ва у томонларга юришга жазм қилинган эди. Оллоҳ таоло огоҳдирки, биз Туқмоқ, Қрим, Кафа диёрига юришга қатъий қарор қилиб, баъзи амирлар ва лашкарлар Ширвоннинг Дарбандига бориб етдилар, чунончи, бу маъни кайфиятидан жанобингизнинг навкарлари Санқур ва Аҳмад воқиғадирлар. Шу ҳол асносида хабарчилар Камох тарафидан келишиб, “у ўз навкарларини Камох қалъасига киритиб, ухлаган фитнани яна қайтадан уйғотибди”, деган ахборотни етказдилар. Бу маъни

аниқлангач жанобингиз ўз номулойим (номақбул) ҳаракатларингиздан пушаймон бўлганлигингиз ҳақида Тахуртан Баҳодир ёзган гап нотўғри эканлиги маълум бўлди. Оллоҳнинг истихораси бўйича Арзинжонга бориб тушгумиздир, иншоолоҳ. Ваҳоланки, Шом мулкларидан қайтганимиздан кейин бир неча бор мактублар ёзиб, сулҳ ва дўстликка даъват қилдик. Мусулмонлар тинчлиги ва дини исломнинг равнақини назарда тутиб, толиб ва голиб, (ҳамма нарсадан) хабардор, йўқ қилувчи ва барҳаёт, ҳушёр ва ўлмайдиган Оллоҳ ҳаққи сулҳ ва дўстлик йўлидан ҳар нимаики ёзган бўлсак, рост ёздик, тўғри ёздик. Жаноблари билан сулҳ ва дўстлик истагида эдик. Агар чунончи жанобингиз фитнаю ваҳшатни истамасалар, ҳамда ўз мулки мусулмонлари ва у ернинг аҳолиси омонлигининг тарафдори бўлсалар, биз Арзинжондан нарига ўтиб, у кишининг вилоятларига кирмасимиздан илгари ўзлари билиб, огоҳ тортиб омонлик йўлини тутсинлар ва ўз қилмишларидан пушаймон бўлиб, ўзларининг яхши одамларидан бирини биз томонга юборсинлар, сулҳ ва дўстлик қоидаларини мустаҳкамласинлар. Чунончи, ишонч ва эътимод пайдо бўлсин, бегоналик яқдилликка алмашилсин, кудурат мустафоликка айлансин, мусулмонлар ва фуқаролар омонлик ва ишончликда бўлсинлар. У тарафдан Аҳмад Жалойирийни ўз ҳузурларидан йироқлаштирсинлар ва Қора Юсуфни ҳам ўз олдиларидан узоқлаштириб, унинг одамларини тарқатиб юборсинлар ва уни ғарбий томонларга бадарга қилсинлар. Бу тарафдан биз ҳам жанобингизнинг бу ердаги ғаразғўйларининг низо ва нуқсон қидирувчи сўзларига ҳеч бир жиҳатдан қулоқ солмаймиз, уларнинг сўзига илтифот қилмаймиз. Ҳар икки тарафдан сулҳ, бирлик ва мувофиқлик заруратлари эшиклари очилсин. Бундан илгари бу томонга тааллуқли бўлган Тахуртан Баҳодир, Жиржиз Баҳодир, Ялмон Баҳодир, Ҳожси пошшо ва уларнинг фарзанд ва хешларини ушлаб турган ва уларга мутасарриф бўлган бўлсалар, (энди) уларнинг бу томонга қайтишига дахл қилмасинлар. Нимаики у жанобга тааллуқли бўлган нарсаларни, чунончи Сивос, Малотия, Албистон ва бошқалар Сиз жанобингизга қатъиян барқарор бўлиб қолади. Биз ва бизнинг одамларимиз у вилоятга дахл қилмаймиз. Жаноблари ҳам Камох қалъасига киритган бир гуруҳ навкарларни у ердан чиқариб олсинлар ва сулҳ аҳди ва савган (қасамёд) ни шу тарзда

муқаррар деб билсинлар. Чунки сулҳу садоқат қондаси маликлар ва султонлар орасида келишилган бир расм ва одатдаги бир йўлдир.

Улар жаҳондорлик асосларини доимо сулҳ ва мувофиқлик изҳори билан таъкидлаб, мустаҳкам туриб келганлар. Икки орада тарафларнинг ислоҳи мана шу зикр этилган дақиқ томонлар (шартлар) билан барқарор этилгач, аҳдномалар Маккаи шарифга - Оллоҳ таоло уни шарафли ва улуғ этсин! - юборилади ва Каъбаи муаззамнинг - Оллоҳ уни улуғласин! - эшигига осиб қўйилади. (Ким хиёнат қилса, у ўзигагина қарши хиёнат қилади; Оллоҳ қаршисида қилган аҳдига тўғри амал қилса, ўшанга Оллоҳ буюк ажрини беради) (“Фатҳ”, 10). Токи ҳар ким ўз аҳдини қандай бўлмасин бузса ва келишилганга хилоф иш тутса, абадий азоб ва доимий жазога дучор бўлсин. Ва ҳар бир нусрат эгаси ўз аҳдига вафо қилса, (унинг) ажрига сазовор бўлади.

Оллоҳ бизнинг айтганларимизга кафилдир (“Юсуф”, 66), биз изоҳлашни истаган нарса “Оллоҳ энг яхши ҳомийдир” (“Ол-и Имрон”, 167). Қандай гўзал бу мавло! (Эгам!). Қандай гўзал бу кўмакчи! (“Анфол”, 41). Эй раббимиз, сенга сифнадилар, сенга интиладилар.

Ана шу маслаҳат билан мактубни элтувчи Ҳожи Бойазидни Аҳмад ва Санқур билан биргаликда жўнатилди. Ёлғиз Оллоҳга ҳамдлар бўлсин ва сайидимиз Муҳаммадга, унинг яхши авлодларига саломлар бўлсин!

Амир Темурнинг тўртинчи номасига Султон Боязиднинг жавоби

Олий рутбали аълоҳазрат, ҳашаматли жаҳонпаноҳ, бахту иқбол волийларининг барқарор давлатли волийси, голиб қувват (қоҳира) билан подшоҳлар гарданини кесувчи, жаҳон нуинларининг нуини ва нуин¹ нишонлик нуён², камронликка эришган олий қадрли улуғ хоқон, қудрати муаззам қоон, сахий малик, Оллоҳ қўллаган Абдулфатҳ Темур Гурагонга - Оллоҳ таоло адолати ва салтанати қондаларининг асосини мустаҳкамласин, унинг чексиз хайру эҳсонини оламга таратсин! - у кишига янгит-

1. Нуин - подшо.

2. Нуён - Элхонлар давлатида олий ҳарбий рутба.

дан оламни қамровчи кенг бисотга нисор этишга муносиб бўлмиш муҳаббат оятлик соф дурлар ва бирликка элтувчи етук мадҳларни ҳар томонлама бирлик ва дўстлик ва муҳаббат ва якдиллик турлари билан олий мақомга совға ва баланд пояга ҳадя қилиб, ҳамиша у олий зотнинг хайрхоҳи ва аҳвол сўровчиси-сидирмиз. Нимадаки ислом аҳлининг фойдаси бўлса, Оллоҳ таоло икки орага насиб этсин!

Шундан сўнг жаҳонга оро берувчи раъйга етказиладики, ҳумоюн мавкаб Сивосга еткандан кейин ёзилган сулҳ услубига марғуб мактубингизга жавоб ёзилганидек, ислом мамлакатларининг маъмурлиги ва инсонларнинг аҳволи осойиш-талиғига асосланган сулҳ шартлари анжомига етсин. Ҳозирда у аҳвол тарзини кузатиб турилганда жанобингиздан яна бир шарафли мактубни етказдилар; унинг мазмунидан англашиладики, уни (хатни) Сивосга юзланишдан олдин етказгансиз. Ундаги баъзи масалалар макру ҳийлага йўйилиб, бизнинг танқидий таъбимиз ва зийрак фаҳмимизга мақбул келмади, балки шундай аниқландики, қутлуғ қадамли хабарчининг Қарамон ҳудудига етган жойида бир неча муфсидлар у атрофдан бу кечмишдан воқиф бўлиб, хабарчини ном-нишонсиз қилиб, ўзларини билмасликка солганлар; (аҳвол) шу даражага етганки, фитна оташи аланга олиб, уни ўчиришни маҳол деб билганлар. Энди эса у номани бир қанча фасод (бузуклик) зоҳир бўлгандан кейин қишлоқдан қишлоққа, шаҳардан шаҳарга қўлма-қўл айлантириб, шайтонлик ва номусулмонлик билан бизнинг нусратмақом лашқаргоҳимизга юборганлар. Шу билан бирга яна маълум қилинадики, агар калималарнинг ғализлигини бирор тавфо учун баҳона қиладиган бўлсалар, шафқатсиз сўзларнинг бошланиши у томондандир. Ва агар у номанинг жавоби кечикканлиги ҳақида гапираётган бўлсалар, у етиб келган бўлса, биз уни кечиктирармидик. Агар хушомад деб мулоҳаза қилсалар, олий мартабали султонлар - Оллоҳ уларни кечирсин! - Оллоҳ даргоҳидан ўзга ҳеч бир ерга тавба-тазарру қилмаганлар ва қилмайдилар. Агар Оллоҳ истаса - бўлади, истамаса - бўлмайди деган хосиятли калимани дилга жо қилиб (кўз устига ўрнатиб), беғараз диндорлар ва чуқур фикрли вакиллар билан машварат қилгач, Еру Осмоннинг эгасига таваккул қилдик, деб юзларини аҳли иймон душманларини дафъ қилишга қаратадилар. Ҳикоят

узундан узоқ қийлу қол (гап-сўз) - баҳслашувлардан ўтиб кетгач, баҳона қидирувчиларнинг йўлини тўсиш оғир бўлади. Сулҳ (тинчлик) ва урушни ихтиёр этишни ҳар икки томондан кимки фитна бўронини кўзгатаётган бўлса, унинг савоби ва гуноҳини ўшанга ҳавола қилдик. Худо ҳаққи, Сизнинг ва бизнинг орамизда шунча шахидлар бўлгани етар. Оллоҳ бизга ризқ беради. Билингки, ким уни қадрласа, унга яхшилик бўлади.

Оллоҳ ишончли ҳомийдир (“Ол-и Имрон”, 167).

Қандай гўзал бу мавло! Қандай гўзал бу кўмакчи! (“Анфол”, 41).

(А. Ўринбоев ва Д. Валиева таржимаси).

Амир Темурнинг Султон Боязидга яна бир мактуби

Адолатли улуғ амир, замона раҳбарларининг раҳбари, ғозийлару мужоҳидларнинг таянчи Жалолиддин Йилдирим Боязид баҳодир - унинг адолати абадий бўлсин! - самимий ақидаларни ва соф мақсадларни етказувчи салом ва мақтовларни мутолаа қилсинлар. Ҳумоюн ҳимматларимизнинг барчасини салтанат ва комронлик ишларини тартибга солишга ўз мақсад ва эзгуликларимизга етишишга сарфлаётганимизни билсинлар. Ишларнинг муваффақиятли бажарилиши Оллоҳнинг ихтиёрида ва омманинг манфаатига кўмаклашиш унинг ҳукмидадир.

Шундан сўнг (жанобингизнинг) тўғри раъйингизга чизилсинки, бундан илгари Миср ва Шом ҳуккомлари томонидан шарият, ақл ва урф жиҳатларидан қаралганда ўринсиз ва номаълум бу журъат сурати содир бўлган эди. Шу сабабдан, бу маъни интиқомини олим ва (оятда): Ким ёмонлик қилса, жазосини олғусидир (“Нисо”, 123) дейилганидек, уларнинг жазосини етказиш бизнинг олий ҳимматимиз учун лозим бўлди. Шу восита билан меҳрибон малик (Оллоҳ) нинг инояти билан голиб лашкарларни у тарафга суриб, уларга яхши адаб ва етарли жазо берилди. Улар ўз қилмишларига яраша жазоланадилар (“Зумар”, 49). Бизга етказган эзгуликлари ва неъматлари учун Оллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин!

Хотирдан ўтдики, Рум диёрига ҳумоюн юриш содир бўлганлиги ва у ҳудуднинг сокинлари (аҳолиси) аҳволига андак изтироб,

бесаранжомлик йўл топганлиги сабабли мабодо (жанобингизнинг) қувватларига заифлик етишиб, фурсатдан фойдаланган фаранг кофирлари ғолиб келмасинлар ва у диёрда ислом боғларининг райҳонлари таровати сўнишга бошламасин.

Бинобарин, билимдон малик Оллоҳнинг қўллови билан Шом мулклари фатҳ этилиб, истагимиз ҳосил бўлгач, қайтиш яхшироқдир (мақомининг) ҳукмича қайтишга қатъий қарор қилинди. Бу тарафнинг ҳолати ва кечмишлари тегишлича аниқ шарҳлар ва келажак оқибатлари билан таҳрир қилинди. Истагимиз шундай эдики, унга ижозат бериб, у томонга жўнатиб юборилса. У ижозатсиз ғойиб бўлган. Шу ҳолатда Фирот сувидан ўтилгач, у жанобингизнинг махсус кишиларидан бўлган Фориснинг ўғли Яъқубни юборилди. Садоқат яловлари мустаҳкамланди ва яқинлик йўллари очилди, токи у маъни икки тарафнинг ислоҳидан холи бўлмасин, балки Муҳаммадий динининг - унга энг тўлиқ саловотлар ва гўзал мақтовлар бўлсин! - низочилари ва мункирлари учун зўравонлик майдонида журъат қилишга мажоли бўлмасин. Тезликка риоят қилган ҳолда жанобингиздан кутилган жавоб шуки, муҳаббат шартларига риоят қилсалар, икки мамлакат ҳалойиқининг ва аҳолисининг осойиши бўла олур. Бу дўстлик сурати мусулмонлик кунлари саҳифаларида ва боғларида ёзилганча қолур. Оллоҳ таоло кимни истаса, (ўшани) қил кўприкда қўллайди.

Аҳвол шундайки, аниқланишича, Яъқуб соғ-саломат жанобингизга қўшилибди. Яйламиший (яйлоқ) қилмоқ учун Олатоққа юришга қарор қилинди. Ҳозирда барча ғуломлар, фарзандлар, улус амирлари, туманлар амирлари, саййидлар ва машойихларнинг улуглари, имомларнинг машхурлари, аёнлар етакчилари ва бизга тааллуқли иқлиму мамлакатларнинг машхур зотлари ва давлат арконлари билан кенгаш тузилди. Уларнинг маъқуллаши билан ва Оллоҳ таолонинг истиҳорасидан сўнг дилбанду аржуманд фарзанд бемонанд мақтовли хислатлар эгаси тангрининг инояти билан бахтиёрлик нурлари ва асарлари пешонасидан ярқираб турган Мағисуддин Муҳаммад Султон Баҳодирни - Оллоҳ унинг умрини узун қилсин! - дориссалом Самарқанддан талаб қилдик, токи у илоҳий иноят билан унинг амрида ва қарамоғида бўлган барча мамлакатлар ва иқлимларнинг амирлари, лашкар улуглари, қавмларнинг масъул кишилари, волийлари, ҳокимлари ва раислари билан бирга бу томонга етиб келсинлар.

Булджар шундайки, олий даражада бир қурултой тузиб, бахтли ва муборак бир толеъда (шеър):

Ундан юлдузлар саодатга етишувчи бир саатда,

Тақвим ундан дўстлик изловчи бир толеъда.

У фарзанди аржумандни - Оллоҳ уни умрини узайтирсин! - у мамлакатлар салтанати тахтига ўтқазиб, у диёрнинг ҳал қилиш ва боғлаш изми ва забтбаст жиловини унинг жасорат ва кифоят панжасига тутқазилди. Иншооллоҳ таоло. Оллоҳ учун бу қийин эмас (“Иброҳим”, 23).

Аммо эндиликда маълум қиламизки, биз Шом томондан қайтаётганимизда ва Мордин ҳудудига муборак қўнган вақтимизда азиз фарзанд Рустам Баҳодирни - Оллоҳ таоло уни боқий этсин! - ва Сулаймоншоҳ Баҳодирни бир гуруҳ амирлар ва лашкар билан Ироқ томонга у мулкларни забт этиш (бошқариш) ва ясомиший қилиш учун юборган эдик. Олатоғ томонга ҳаракат қилганимиздан сўнг уларнинг мактублари келди. Мазмуни шундайки, Бағдодда бир гуруҳ риндлар, бебошлар ва баъзи бошқа кишилар тўдалашганлар ва турк, тожик, араб, халлуҳ туркманлардан куллари жамъ бўлишиб, шаҳар девори ва дарвозаларини мустаҳкамлаб ётибдилар ва бўйсунмаслик ва исён йўлини тутибдилар. Агарчи Бағдод ҳароратининг шиддатли мавсуми бўлганидан ҳавонинг ғоятда иссиқлиги туфайли у томонга лашкарни ҳаракатга келтириш ниҳоятда қийин бўлса ҳам, аммо тезда бу кечмишнинг тадориксини қилиш ва тузатиш учун ўз муборак зотимиз билан андак сипоҳ ҳамроҳлигида у тарафга юрдик. Барча нопок қайсарлар, саркашлар, муборизлар диловарларнинг олов сочувчи обдор шамшири чақмасидан йўқлик шарбатини тотганларидан кейин, мурдорликка берилган бундай халқ битта қолмай қирилди. Оламлар Раббига ҳамдлар бўлсин (“Анъом”, 45).

Саодат ва камронлик билан раббоний иноят қўлловида Олатоғ яйлоқига бориш қарорига қайтиб, ушбу хат уни элтгучи орқали юборилди. Энди дўстлик вазифаси ва бирлик тақозоси шуки, жанобингиз ҳам дўстлар қувончи субҳининг тулуғи бўлмиш табриклаш ва баракот кунларига дохил бўлиб, (ўз) фарзандларидан бирини ва бизнинг ҳешларимизни яхши навкарлар ва маҳрам мулозимлардан бир кишини табриклаш расми билан жўнатсалар, токи иттифоқлик сурати у томондан холи қолмасин, балки у жанобнинг мувофиқлик ва дўстлик безаги билан жило-

лансин. Иншооллоҳи таоло, шак йўқдирки, у муқаддима (айтилган)нинг тартибга келтирилиши билан сулҳ тизим-ларининг боғланиши икки томон учун турли-туман фойдали ва нафлардан иборат натижа бўлғусидир ва бу йўлни тутиш ниҳоли охират савобидан иборат ҳар хил меваларни бағишлағусидир. Жанобингизнинг шариф қулоқларига етишсинки, Абхоз мамлакатининг волийси ва бутун Гуржистон пайғамбарлар саййидининг шариятини инкор этишни ўзларига шиор қилиб олганликлари, балки барча важдлардан бизга нисбатан келишмовчилик, номувофиқлик тўла собит бўлса ҳам аҳвол осойишталиги ва ўз вилояти аҳолисининг офият ва саломатлиги учун тобелик йўлидан юриб, хутба ва секка (танга зарб қилиш) ҳумоюн лақаблар билан безаган ва муқаррар мол (хирож) ни адо этишни йилма-йил бажаришни қабул қилган. Ана шу қоидага асосан унинг вилояти аҳолиси амну омонлик тўшагида фароғатда ва хотиржамликда кун кўрмоқдалар. Бизнинг сиз жаноб билан бирлик ва яқдилликда бўлишимиз учун турли-туман сабаб ва боислар мавжуддир ва (уларга) ҳусни зътиқод кўмаги боғлангандир. Шунга биноан ақлу қиёсат етуқлиги ва мулкни бошқариш шуни тақозо этадики, дўстлик ҳоидаларини мустаҳкамлашда саъй-ҳаракатларини аямасинлар ва бу маънини айни садоқат деб билсинлар ва мусолиҳа шарбатини самимий ақида ва сидқи ниятдан узоқ бўлмиш қудурат лойиҳасидан мусаффот тутсинлар. Чунки дунё ва ундаги барча нарсалар, қудрат эгалари ва арбоблари шундай бир тарзда тириклик ўтказсинларки, у йўлдан мусулмонлар ва фуқароларга зарар етмасин.

(Шеър):

*Улуғлар олдида ҳам,
кичиклар олдида ҳам,
Бу жаҳон битта чумолига
озор беришга арзимаиди.
Ҳақиқатда ҳам:
Хушнуд лойиқ эмас,
жафо номуносиб,
Кел, сулҳу тинчлик
ва сафо мавсумидир.*

Шак йўқки, биз билан у жаноб орамизда бирлик асослари мустаҳкамланса, бу маъни қудратли динга душман тоифалари ва шарият мункирларига қарши (иш) бўлиб, уларнинг такаббурлигини синдираб эди. Агар бизнинг сўзимизни бу гал ҳам қабул қилоғи билан эшитмасалар, тўғрилиқдан холи деб билиб, сансалорлик йўлига ташлаб қўйсалар, эзгулик ва сахийликни етказувчи вожиб улвужуд ҳазратларидан умид тугилади. Восиқки (ишонамизки), чунонки доимо барча умумий матлабларимизга етишишда ҳамма вақт ва ҳолатда қудрат эгаси Оллоҳнинг қўллови равшан ва зоҳир бўлиб, барча муродларига етишилганидек, бу кечмишда ҳам мақсад чеҳрасини ғайб тутуғи (пардаси) дан тезликда кўрсатар ва тақдир пардаси остида нима бўлса, зоҳирлик гўшангасидан намоён бўлар. У вақтда надомат фойда ва эътироз наф етказмас. Улуғ тангри номи билан ва анбиё ва авлиёлар арвоҳини (ўртага қўйиб) истайманки, сиз жаноб билан сулҳ қилмоқчиман. Икки орада дўстлик қоидалари мустаҳкам бўлсин, хусумату низо бўлмасин, токи мусулмонлар ҳар икки тарафда фароғатда бўлсинлар, ҳар кимки аҳду мусолиҳанинг катта йўлидан оғишса, насиҳатни қабул қилмаса, фитна занжирларини ҳаракатга келтириб, ваҳшат сабабларини ҳаяжонга солса, бу кечмишнинг заволи албатта унинг ўзига оид бўлади ва у гуноҳкор бўлади. Бу маънилари ҳақиқат деб билсинлар. Биз изоҳлашни ирода қилганимиз ва у билан танбеҳ бермоқчи бўлганимиз, мана шу».

Изоҳ: Амир Темурнинг бу мактубига султон Боязиднинг жавоб ёзган-ёзмагани маълум эмас.

(А. Ўринбоев, Д. Валиева таржимаси).

(Абдулазизхоннинг) Ҳиндистон вилояти шоҳига ёзган мактубларидан бири¹

Дўстлик баҳористонининг тозалиги ва муҳаббат бўстонининг равнақи йўлида лаб ошнолик шодлигининг кулкиси билан гунча бўлсин ҳамда қулоқ ошнолик ҳарфларининг ҳаммасини эшитсин! Осойишталик гулшани, соғ-саломатлик чамани, олий даражали, мубораксифат, мақтовга лойиқ, шарофат осмонининг офтоби,

¹ Ҳиндистон ва Ўрта Осиё ўртасидаги ёзишмалар И.Г. Низомиддинов таржимасида берилди.

латофат конининг гавҳари, салтанат ва қудратнинг доимий баҳори, буюклик ва эҳсон баҳорининг гулзори, баланд мартабалик, илтифотни билувчи, дўстлик ва бирликнинг хос гавҳари, иттифоқлик ва ҳамдамликнинг танилган жавҳари, иззат ва комрон оиласининг ёдгори, хилофат ва соҳибқиронлик хонадонининг сараси, маърифат ва ошнолик қоидаларини янгидан тикловчи, самимий муносабатлар ва яқдилликка ривож бағишловчи, улуғлик ва шуҳрат оламига файз берувчи қуёш, иззат ва ихбол ерига нур таратувчи чироғ, саодат ва илтифот, муҳаббат ва бирлик, марҳамат ва камол манбаи (бўлмиш у жаноб) доимо саломатлик оғушида ва амният даврининг кифтида бўлиб, уруш-жанжал офатидан ва офат тўстўлолонидан (умуман) улар гирдобидан узоқ бўлсин ва воқеаларнинг бадбин тамошосини кўриш (асло унга) насиб бўлмасин! Ҳамиша барча мурод қабул шабодасининг эсишидан очилиб, айёмингиз яхлаб қолмасин.

Ва фаросатли порлоқ диллари ва зийрак хотираларига очикойдин ва равшан бўлсинки, тангрининг марҳамати ва (Оллоҳнинг) зўр илтифоти билан ўртадаги дўстлик ва ошноликнинг сарриштаси қадимий муносабатлар ва табиий пайвандлик эътибори нуқтаи назаридан дил ва жон оламида интизом ва мустаҳкамлик топган экан, ҳозирги даврда ва кўриниб турган замонда ҳали мунтазам бўлади, (бу) нуқсонсиздир.

Дўстликнинг гулзори бўлган мувофиқлик риояси ва улфатлик ҳимоясининг воситаси билан Ироқ ва Хуросон мамлакатлари устига юришни ва дин Каъбаси томон борувчилар йўлида тикан ҳамда “тариқи яқин” йўлидан ўтувчиларга ғов бўлган бадбахт шиа асосларини туб-томири билан кўпориб ва емириб ташлашликни кўнгилда қарор қилдик ва ҳар нарсаки, бу сафарга лозим ва нимаики бу маслаҳатга керак бўлса, унинг истеъдодли ҳозирлиги ва тайёрлигида истеъдод кўрсатдик, иттифоқлик ҳукми билан у қавм шиорининг ғуборини диннинг ҳиммат этаги четидан, албатта, қоқиб ташлаймиз ва давр рўзномаси саҳифаларини бу бадном гуруҳларнинг номидан тозалаймиз. Шояд, тангри бандалари Каъбани (зиёрат қилиш) истагида мақсуд қомини ком кўнгилларига жо қилиб, осуда ҳолда талаб йўллари томон йўл олурлар. Айнан шу вақтда абадий давлатлик хонадон тарафидан бизга нисбатан хайрихоҳлик асари

кўринмади. Балким у олий мақом ходимларига вақтнинг монезлиги ва (шундай) замон ҳодисалари юзага келгандирким (шу сабабли) бу ният юзасидан азимат этақларини тортган-тортмаганликлари, хусусан, маълум бўлмай қолди. Вақтики, огоҳлик ва идрок ваҳждан ҳол-аҳвол кайфияти ва муҳим сирлар (баёни) билан мактуб ва элчилар юбориш расм-қондаси хаёл қилинса, буни межозий эътиқод ва ривож топаётган диёнат воситаси билан амалга оширмақ лозим.

Ҳозирда улуг тангри марҳаматидан ҳинд иқлими чўлларининг сатҳида бахтиёр оқибатлик ул (жаноб) вужудининг зиёси билан субҳ файзлик давлат пайдо бўлди ва олимақом (ва) олий даражот ул бахтиёрнинг ҳимоя ва адолат (ўз) қарам матлаъидан у диёр рўзғорига нур сочган: у субҳи давлатнинг шабистон оғушидан шу хилда равнақ юзага келди ва ул навқирон мамлакатнинг гулистон фазосидан (асло) бу хилдаги росттаъблик мамлакатнинг гулистон фазосидан (асло) бу хилдаги росттаъблик кўтарилмайди. Мавжуд ошноликка қарамай, илоҳим, бегоналар ошнолик ҳарфига ошно бўлмасин; мазҳаб дурдоналарига тўхмат этувчилар ва миллат сирларини ошкор қилувчилар сирлар соҳиби бўлмасин.

Ул хонадоннинг юборган кишиси Мустафоҳондан, гарчи хушмуомалалик ва меҳрибонлик зоҳир бўлса ҳам, масала пинҳонлигича қолди. Мувофиқлик гулининг хушбўй иси бўлмаса ва миллат тарафига ҳиммат юзини қаратмаса (бу) тилни куфрони неъматларга очишга ўхшаб қолади. Етқизилиши лозим бўлган ҳар бир нарса дўстликнинг муҳим аҳамиятлиги ҳамда мазҳаб ва миллатнинг тоза яхшиланиши зарурлигидандир. Ақлу фаросатнинг чироғи ва амну саломатликнинг нури билан исломшиорлик ва диёнатасарлик томонлар ўртасидаги дўстлик ва самимий муносабатга хизмат қилиб, меҳрибонлик ва бирлик эшигини кенг очади. Бу маънининг исботига амирлик паноҳи, вилоят дастгоҳ, жасорат эгаси, давлат (имиз) нинг азизи Тоҳирхон ва покиза катта ҳурматга лойиқ, иззатлик ва муқаррам, миллат (имиз) нинг шарафи Обидхон сингарилар кафил бўладилар. Шубҳасиз, булардан бири элчилик расмига тайин қилиниб, самимият қадами билан ихлос йўлини босиб ўтган вақтда ошнолик тариқи ва садоқат равиши билан меҳрибонлик даражасини бажо келтирадилар. Ва бу навқирон ошнолик восита-

си билан муҳаббат қийинчиликларининг ҳал бўлиши юзага чиқиб, дўстлик асоси абадий ва мустаҳкам бўлади.

**Ҳазрат Халофатпаноҳ (Субхонқулихоннинг) аслзот
саййиднасл Мир Абдурахмон Хўжа Садр элчилиги юзасидан
Ҳиндистон шоҳига ёзган номаси**

“Ҳазрати Фаттоҳ ва ғойиблар калиди фақат унда бор, буни ҳеч кимса билмайди, магар шу ҳазратдан бошқа”. Сахий кашф эгаси (яъни худо) дил хонасидан иборат бўлмиш баланд бинолик маъмурихонани барча нав инсонларга бир хилда кашф этди. “Оллоҳ кимнинг кўнглини ислом йўлига шарҳ этса, у раббий томонидан мунаввар этилади”нинг далилига асосан абадий армуғон (яъни дунё) муваффақиятларига лозим калидлар билан ҳар нафас янги-янги фатҳлар бахш этади, ҳамда олам устун буюлмиш барча инсонларнинг “қувонч саройи” - кўнгил манзилига “кўнгилни (исломга) оч ва ишга осонлик бер”нинг ёруғ чироғи билан ва заволсиз (тангри) файзларининг фатҳи билан ҳар вақт ҳисобсиз зиёлар бахш этади.

Шижоатдастгоҳ хилофат ва қудрат тахтида ўлтирувчи, шуҳрат ва улуглик майдонининг арслони, хоқонликнинг қудратли хонадонининг пойдевори, кўрагонийлик ҳурматига лойиқ оиланинг лоқи, подшоҳлик нурларининг матлаъи, шаҳаншоҳлик фалакнинг ёруғ юлдузи, адлу эҳсон аносирлари мажмуъининг натижаси, эмин у омонлик гавҳарлари бирикмасининг хулосаси, осмон тахтининг куёш байроғи, илда Искандардек ва Дорудек жангчи, олдиндан кўриш, кўз қорачиғининг нури, жаннат боғининг равшани, саодатмандликнинг баланд тожи ва шараф ва иқбол буржининг саодат юлдузи, илтифот, баланд даражалик ва олийлик осмони куёшининг олий кўнгил назари ва хотир кошонаси ҳар бир хона ва ошён тузоғида бўлмиш давр ва замон офатининг ва турмушга лозим бўлган кулфат ва қудуратнинг бало ғуборидан мусаффо ва холи бўлсин!

Тангрига шуқр ва (ундан) миннатдормизки, бизнинг қутлуғ соат вақт жараёнимиз ва саодат-анжом кеча-кундузимизнинг ўтиб бораётган вақти олий даражали ҳазрат (худо) ва бахтиёрлар қозисига тоат ва ибодат қилишдан сўнг, шариф шарият

байроғининг ривожига, бахтиёр миллат ҳокимларининг интизоми, дин уламолари ва билим фузалоларининг тарбияти, буюк амирлар ва қобилиятли вазирлар мартабаларининг тартиби, (душман) лашкарини барбод қилувчи, мардонавор ва лашкаршикан курашувчиларнинг қурол-асбобни яхшилаш, тақдири Оллоҳ қадри юзасидан барча раъиятлар риоясини қилиш йўлига сарф қилинади.

Ҳадялар юборилгач, жон жаҳонининг равзасидан анбар исларни тартиб эсувчи шаббода оқиллик ва ақл думоғини ҳушбўй ис билан муаттар қилади.

Савобнома раъйимиз меҳр жилолик қилмоқдаки, “кун факона” (“Бўл деда, бўлди”, яъни дунё) дўконида ундан ҳам қийматлироқ гавҳар бўлмайдиган меҳри муҳаббат тартиблик мактублар, иттифоқ ва бирдамликни барқарор қилишга чақирувчи алоқалар бир қанча марта ва бир неча бор ўтган элчиликларда ёзган эдик. Бу неъматига зиёда давлатнинг ақидаси (раъи) шундайким, “Биз улар ризқини ўрталарида тақсимлаб қўйганмиз” (оят) нинг моҳияти ва хусусияти билан буюк аждод ва ҳурматлик ота-боболарнинг - Оллоҳ уларнинг ётган жойларини дорус-салом қилсин - улуғ суннат ва яхши тартиби йўлидан боришдир, (ва) хотиримиз бу (йўл) ни мустаҳкамлаш ва сақлаб қолишга ўзининг тамом эътиборини қаратганки, албатта, қадимги дастурга биноан ҳар иккала томондан мактуб ва элчилар юбориш воқе бўлади. Мактублар ва элчилар хабарларининг зўр нафъи ва катта лутфи соғлиқ ва тинчликдирки, (бошқа) ҳеч қандай иш ундан маъқулроқ эмасдир. Тангрининг инояти билан қўлда бўлган ҳар қандай бойлик шоду хуррамлик масаласида лозим бўлади, ҳамжихатлик ва иттифоқлик оламида уни изҳор қилиш зарур кўринади, чунки мамлакат ва ўлкаларни бўйсундириш ҳар иккала томоннинг шоду хуррамлиги сабабли ва ходимлар (кўз қорачиғи)ни асраш ҳамда томонларнинг хотирини (икки ўртада) ёйиш тўфайли бўлади.

(Юқорида айтилган) сўзларнинг тасдиғи (мана будир) мана шу бир қанча йил мобайнида олий қаламравнинг энг катта қалъаси, валий ва набийлар мақбараси, шаҳид ва солиҳлар қабрларининг эътиборлиги билан ва хусусан, комкор подшоҳлар ва қудратли номдорларнинг мангулиги ва тупроғининг воситаси билан улар қабри тинч ва мунаввар бўлсин - кўп шаҳарлардан

файзлиқ (тангри) ҳимоясидаги фирдавс монанд Самарқанд шаҳрида тақдирга кўра, барча нопок фасод (аҳли ва бахти қаро қорагуруҳлар) томонидан муҳтарам “қарам”¹ (ман қилиш) эҳтироми юзасидан ўз қилмишларидан қайтмай хоналарига кириб, (уни) оёқ ости қилишдек кўнгилсиз воқеа содир бўлган эди, мамлакатларни фатҳ этиш йўлидаги олий неъмат ҳиммат (имиз) ва мулқороликни сақлашни лозим деб билган ният (имиз) унинг Самарқанднинг фатҳ қилишликка тамоман қаратилди (ва) сарф қилинди. Тангрига шукурки, “Биз сенга фатҳ бердик, у - муайн фатҳдир: биз сенга ёрдам қилдик, у - мўътабар ёрдамдир” (деган) оятининг тақозоси билан (Самарқанд) яхши чеҳра билан фатҳ қилинди, фисқу фасодни бунёд этган кишилар бу пок ўлкадан бутунлай қувилдилар ва тубтомирлари билан юлиб ташландилар.

Озодлик ва тўғрилиқ билан бу хушxabарни ўзгаликка мойил бўлмаган ул мустаҳкам огоҳ, улуғ даргоҳга етказиш ваҳҳидан пок ва саййидлар дастгоҳи, саодат ва тўғрилиқ огоҳи, зийрак дўст, ҳаёти ва насаби зебу зийнат билан безалган, отабоболаридан тортиб бу вилоят аҳлининг иззат-хурматига етишган (ва) ўзи назар (имиз)га ҳаммадан кўра мақбул бўлсин Мир Абдурахмон Хўжа Садри элчилик расми билан юбордик.

(У) ҳумоюн кўриниши билан саодат топгач, ишончимиз комилки, шоҳларга хос бўлган серилтифот ва бировнинг қадрига етишлиқ юзасидан бошқа сафир ва элчилардан (кўра) унга имтиёз кўрсатсалар, токи (бу имтиёз) подшоҳликнинг эҳсон боғи ғунчасининг ҳамда шаҳаншоҳлик илтифот сабосининг эсишидан кўнгилнинг гул-гул очилиши бўлсин.

Ва ул тарафдан ҳам элчи ва мактублар кўплаб юборилсаки, бу ишончимиз ва ҳамжиҳатлигимизнинг боиси бўлсин. Давлат айёмлари муродига етсин.

1. Қарам-ман қилиш: Маккада зиёратгоҳ ерга яқинлашишга маълум масофа қолганда “ҳайрам” (ман) - ҳеч бир нарса, ҳатто пашишага ҳам озор бериш ман қилинади. Бу ерда авлиё ва подшоҳлар қабри мавжуд сабабли Самарқанд Маккага ташбиҳ этилмоқда.

Ҳазрат Абдулазизхоннинг Ҳиндистон подшоҳи (Аврангзеб)га ёзган жавоб мактуби¹

Беқиёс ҳамд ва муқаддас асос сано Эгамга лойиқдирким, “Оллоҳ” бор эди, у билан бирга ҳеч нарса бўлмаган” (ҳадиси) нинг аввалидан то - “бугун мулк кимники” (ояти) нинг ниҳоясигача кенг ўлчанган мамлакатнинг янгиланиши (ҳам) биргина униқидир. Файз билан тўла, қулоқ солишлик вожиб, “ғараз” ва ғоядан ҳоли фармоннинг унвони “Бўл деди; бўлди?” (ояти) у (тангри) гагина хосдир. Элчи ва мактублар юборилиши унинг улуғворлиги ва олий мартаба эгасидан дастурдир. Ҳидоят йўлини тутувчи яхши хислатлиларнинг тўғри йўлга бошлаши унинг салтанат ва иқбол пешгоҳидан ҳужжатдир. Номдор элчини юбориш билан миллат ва дин қонун-қоидасини мустаҳкам қилди.

Муқаддас салавот қувончи ва буюк саломнинг армуғони (шундай) расулга мансубки, “Оллоҳ таоло ҳаммадан аввал менинг нурымни яратди” (ҳадис) нинг ибтидоидан то - “мен сингари бошқа (пайғамбар) бўлмайди” шарофат хотималикнинг охиригача муборак соат вақт (ҳамда) итоати лозим элчилик (ҳам) униқидир: оқибати саодатли тушунча: “ва локин, расулиллоҳ (яъни Муҳаммад пайғамбар) - пайғамбарларнинг сўнггиси” (ояти) пайғамбарлик муҳри ва сўнгги элчилик хосдир. “Ва сўнг яқинлашди” қадрининг баландлигидан (тангрига) икки қавс оралиғи даражасида (туришидан) ёки жуда яқин туриши даражасидан оламга “раҳмат” мартабаси тушди (ва у мартаба) ҳилоят йўлини кўрсатувчи асҳоблари учун - тангри улардан қиёмат-қойимгача рози бўлсин - ҳужжат бўлди.

Сўнг, хилофат офтобининг машриқи, адолат қуёшининг матлаъи, машҳур подшоҳлар хулосаси, комкор шаҳриёрлар сулоласи, ҳаққоний, тўғри йўлни маҳкам тутган, аҳли турғун ва аҳли исённи ҳалокат қилувчи, кофирларга қарши курашувчи, ёмонлар душмани, фаридун қувватлик, искан-дарасарлик, фалак қадарлик, осмон соябонлик, халойиқпаноҳ ва ҳақиқат огоҳ ул (жаноб) нинг ойнага ўхшаш кўнглида (шу нарса) қарор топсин ва нақшлансинки, дўстлик ва ошнолик алоқалари ҳамда бирлик

1. Ушбу ҳужжат Субҳонқулхоннинг Ҳиндистон шоҳига ёзган мактубидир. Бу ерда ҳаттолар хатога йўл қўйиб “Абдулазизхон” деб кўчирганлар.

ва ҳамжиҳатлик воситалари - яъни дўстликнинг жами мазмуни ва бирликнинг барча маъниларини ўзида тўплаган қилкнинг гавҳартизма тасвири бахтиёр фурсат ва саодатманд соатда етиб келиб, бағоят хушдиллик манбаи ва бениҳоя қувончнинг сабаби бўлди; беҳисоб фатҳлар эшигини очган қувончга тўла мазмундор шодкомлик дарвозалари ва ҳуррам эшиклари кенг очилди. Ҳа, доимо фармонраволик орзусида ва (бошқа) мамлакатларни фатҳ қилиш ҳаёлида бўлган салтанат тахтининг тўрида ўлтирувчилар ва адолат бисотининг мумтозлари учун қандай ҳам хайрли иш фатҳу зафар (хабари) ни эшитишдан қувончлироқ ва қанақа ҳам воқеа муваффақият ва ғалабага оид хабарни билишдан мўътабарроқ бўлсин. (Шунга кўра), шоҳлик нозирининг қўнгил кўзгуси ақлни занг губоридан тозалаган ва жаҳонгирлик асбоби ҳар бир иш юзасидан тайёр қилинган, ҳурсандчилик билан тўлиб-тошган шу кунларда тангри йўлида кофирларга тамоман қарши курашмоқликнинг ҳукми билан Оллоҳ даргоҳида бу ниёзманднинг хоҳиши шундайки, жангу жадал майдонида ва ғазовот жавлонгоҳида фалакни (ҳам) олувчи ва дунёни кезувчи саманд отга жавлон бериб, исломнинг ўткир қиличини ва интиқом денгизини душманлар қони билан кетма-кет бахтиёр қилмоқ зарур. Ўша бахтсизлик асари ярамас шиалар (дили) га илтижо қилиб, баъзи бузуқ ҳаёллар пасткаш фикрларига йўл берганлиги аниқлангандан сўнг, мазкур орзу кучайди ва мастаҳкамланди. Хайрлик дилимизда нимаики марказлашган бўлса, (энди) ошкор бўлди. Дўстлик одатида бир-бирига бадаидиш бўлиш муқаррар душманликдир. Шундай бўлгач, адолат дастгоҳ ул жанобни ҳозиргача у ҳудудга ғазоват қилиш ишларида (сўзлаб) хушнид қилинганича йўқ. (Энди эшитинг): бу бошдан-оёқ саодатлик юришни амалга ошириш йўлига киришилди ва ҳаракат қилинди: фавж-фавж зафар асарлик лашкарларни бузғунчи қизилбошлар томон жўнатдик (ва) урушда мағлубиятга учрайдиган (қизилбошлар) нинг аксарияти ҳалокат жарига қуладилар ва хароба хонасида қолдилар.

Оллоҳга шукурки, бир минг бир юзинчи, илон йилининг раббиал аввал ойида кўп қалъалар ва такрорлаб бўлмайдиган жойлар, хусусан, Эрон мамлакатининг калиди ва Хуросоннинг дарвозаси ҳисобланмиш Болои Мурғоб вилояти босиб олинди ҳамда қизилбошларнинг кўпгина ишончлик номдор кишилари-

дан бўлган, ул мамлакатнинг ҳокимлари асир олиниб, хилофот пойтахтига келтирилдилар.

У жойларда алангаланган қирғиннинг кучли ўтидан ва жангу жадал шиддатидан Ироқ ва Хуросон аҳли қўрқувга тушиб, сўзлашдан қолди ва асҳобларнинг лақабини ўзларига гумбаз қилдилар ва (буни) ўзларига одоб билдилар. Улар сунний (мазҳаби) ҳақиқатига ишонтирилдилар, уларда (илгари) шиа нопоклигидан бўлак одоб йўқ эди. Ул ўжар гуруҳнинг масжид ва ибодатхоналари жума ва жамоатнинг турар жойига ҳамда тоат ва ибодат мақомига айланди. Минбарларнинг энг баланди ва маншурлар¹ ваҳҳи бўлмиш “Тоҳо ва Ёсин” га бўйсундириш ва халифаи рошидинга бўлган таъзим қайта тикланди ва (“Тоҳо ва Ёсин”) нинг овозаси баланд бўлди.

Босиб борувчи аскарларнинг таъқиб кириб боришидан у жойлардаги нодон каллалар шундай тафаккур ва хаёл танглигида, маҳбуслик ва улоқтириб ташланганлик (ҳоли) далар ким, ватанни тарк этишдан ва ўз жонидан кечишдан бўлак бошқа бирор муҳим иш қилишга фурсатлари йўқдир.

(Байт):

Ҳеч ким унинг тоқат шукрини қила олмайди,

Магар бизнинг тухфамиз ожизлик ва муҳтожлик бўлса, Аммо (бандаларига) инъомлар берувчи ҳазрат (тангри) нинг иноятдан Ироқнинг дилкушо майдонини қон тўкувчи шамшир хайр мавжининг булуту билан нифоқ аҳлининг нопок вужудидан юлиб ташламагунча роҳат ва осойишталик тахтида бир лаҳза ҳам хотиржамликда ўлтирмаслик лозимдир. Очиқ равшанки, агар шу мақсадни рўёбга чиқариш йўлида ўртамизда ўзаро қуввати куч ва зуҳр топса ва у бир тўда хасларга нисбатан мажбур этадиган оташ алангаланса, (унда) у бахтсиз тоифадан бўлак ному нишон қолмайди, балки у ўлканинг ҳамма тарафига нур барқ уриб сочади; сахий миллат зиёсининг ва шарият куёшининг жилолик нури - тангри (бандаларини) қоронғулик ва зимистондан сақласин - барча жаҳоннинг ҳамма бўлақларида ярқирайди ва порлайди. Қуёш ва Муштарий ҳар бири буржда самимий ҳолатда барқарор бўлгач, қандай қилиб ҳам шундай бўлмасин. (Улар) мувофиқлик фалаки ва ҳамжиҳатлик осмонида яқинлашиш

1. Маншур - пайгамбар томонидан халққа қарата имон келтириш учун қилинган мурожаатнома.

ҳолатида бўлганларидан ғариб ишлар манбаи ва ажиб йўсунлар масдаридир. (Жаноблари) исломия фирқасида ҳукм қилишда ягона (шахс) бўлганликларидан (улар) таассуб енгини астойдил шимаришда ҳамда юқори мартаба эгаси бўлганликларидан тақвода ҳам саъй-ҳаракат қилишлари лозимдир.

Ушбу воқеалар хабарини етказиш ва қон-қариндошлик лойиҳаси (у жанобнинг) муқаддас хотиралари ҳурсандчилигига сабаб бўлур, деб ихлосманд ва эътиқод атвор бандамиз, мазкур ғазоватда иштирок қилган (ва) бўлган воқеалар тафсилотини муфассал билладиган Шоҳбекбий элчилик расми билан ул вилоятга юборилди. Элчиликка лозим бўлган маросимларнинг ижросидан хотиржам бўлгач, (унга) тезлик билан қайтишига рухсат берилиб, ортиқча ушлаб қолмасалар ва тўхтатиб турмасалар.

(Ҳиндистон шоҳи) Аврангзеб подшоҳнинг (Субхонкулихонга) ёзган мактубининг нуسخаси

Беқиёс одил (тангри) га санолардан сўнг (чунки) мулк ва мол унинг улуғлик қудратининг ато қилганларидандир ва коинот зарралари унинг беқиёс косининг¹ (ҳамда) заволсиз зилолининг парвардасидир - сон-саноқсиз саломлар бахтиёр, мақталган пайгамбаргаки, у одамзодга янглишишининг қоп-қора тунида ҳидоят нури билан раҳбарлик қилиб, уларни мақсадларнинг сарманзилларига етказди ва унинг камёб истеъдоди мукаммал, ҳар нарсадан хабардор, гуноҳни кечирувчи ва ҳаля берувчи худованднинг раҳматидан бўлиб, (унинг) кибриё асоси (ҳассаси) инсон ва руҳлар жонини силқитди.

Улуғлик ва жамол саропардаси маҳрамнинг ул камол топган хонадонига ҳамда жазо ва ҳисоб кунида гуноҳқор (бўлмиш) қари ва ёшлар жарималарига шафи бўлувчининг шуҳратлик асҳобларига маълум бўлсинки, баланд мартабали, олий хислатлик, юксаклик ва шавкатпаноҳ, ҳашамат ва шон-шавкат дастгоҳ, шижоат ва ботирликни тамоман эгаллаган, шавкатлик ва олий хонадоннинг хулосаси, азиз ва улуғ оиланинг покизаси, номдорлик нурларининг зуҳури, бахтиёрлик аломатининг ниҳоли, фалак

1. Кос - катта ноғора, яъни осмон маъносига.

ҳокимиятининг гумбази, улуғлик доирасининг маркази, жасурлик зарраларининг ёруғ нури, давлат узугининг кўзи (яъни Субхонқулихон) нинг ойдек мунаввар кўнгилларида махфий ва пинҳон қолмасинки, (ул) шавкатли ва олий хонадон покизасининг хонлик тахтида ва ҳукмронлик ёстуғида қарор топганлигининг хабари муносиб ва буюк қулоғимизга етиб келганда, муаттар бўй илтифотимизнинг табрикномаси билан элчи юборишни истаган эдик.

Аммо Муҳаммад Сиддиқ ўта нодонлиги ва ёшлик ғурури орқасида ўз мавқе андозасидан чиқиб, ўз ҳуқуқини бўйсунмаслик билан алмаштириб, ўша яхшилик йўлини тутган сарзаминда туғён ва исён кўтарган эди ва у томоннинг йўллари тўс-тўполон ҳамда фитначилар тартибсизлигининг хас ва хашагидан тоза бўлмади. (Шунга кўра) бу маъни (яъни элчи юбориш) вақтинча кечикди ва бу иш анча кейинга чўзилди. Эндиликда эса исённинг ўти ўчган ва у томон худудларининг нотинч дарахти тангрининг тез эсув тақдир шамоли билан қулаган экан, жаҳонпаноҳ даргоҳнинг яқин кишиларидан, одобда азамат ва фалакдастгоҳ боргоҳнинг огоҳнинг огоҳи бўлган, шижоат нишон хонзод Забардастхонни (у томонга) юбордикки, у (сизни) хонлик болиши билан (тахтга) ўтиришингиз ҳамда иқбол ва комронлик тахтига чиқишингизни табриклаш маросимини амалга оширсин ва у ердан ҳашаматпаноҳ, шавкатдастгоҳ шоду хуррамлигининг боиси бўлмиш баъзи буюк ва шавкатли ҳодисалар ҳамда улуғ ва бахтли воқеаларнинг муфассал хабари билан қайтиб келсин ҳамда муаттар бўйли хома (эса) бу (воқеалар) ни зоҳир қилади, (албатта).

(Ўзимиз хусусида қуйидагиларни баён қиламиз) бепоён Ҳиндистоннинг қатта заминдорларидан бўлмиш ва файз пайдо этувчи ушбу (мамлакатнинг) чегарасидаги йирик ҳокимларидан ҳисобланмиш Рондан жузья олиш нияти билан жаҳонкушо байроқ ва оламоро тугдорулхайр Ажмир томон кўтарилди. Муҳаммад Акбарни музаффар қўшинлар сардори қилиб, у мазкур кофирни ҳар томондан исканжага олиб ўраб олган эди - у бадномни қириб ташлаш учун юборган эдик. У (Муҳаммад Акбар) ёшлиги туфайли ва тажрибасизлиги орқасида ўз қилмишларига яраша бўлган ва нимаики кўрган бўлсалар кўрган тоифаларнинг фириб ва алдовларига учиб, узоқни хўришлик водийсидан юрмади, ўзини исёнга мансуб қилди, ўз мавқеи ва мартабасини

билмади ва шу сабабли у тиг тутган мужаҳҳидлар ва баҳромкирдор тиг тутганлар дастидан Ҳиндистон вилоятида ҳеч бир ерда қароргоҳ ва манзил топмади (ва) ночор ўзини Сивонинг кофир, урушқоқ ўғли Сингхга қарашли тоғ оралиғига - бу ерда олиб бўлмайдиган қалъалар, баланд қалъалар, дарахтлар билан қопланган чангалзор ва юриш мумкин бўлмаган душвор жойлар кўп урди.

Мазкур Роно жузьяни тўлашда қатъий туриб олганидан ва буни ўзининг авлод-аждоди учун номус деб ўйлагандан сўнг, (кўп ўтмай) жузьяни ўз хоҳиши билан тўлади. Шу вақтда пешма-пеш (бизга) бож тўловчи, фармонбардор ва фалакмадор давлат(имиз) нинг иноят қўлини ушлаган Бижонур волийсининг Сингхнинг зулмига қарши доимий ёрдам сўраб қилган аризалари жаҳонпаноҳ саройга етиб келди. (Сингхнинг) Деҳқан томонлаги раъият ва халққа қилган зулми адлу адолат пешгоҳида маърузага етди. Файзли марҳаматларга шукурким, улуг моликул мулк (тангри) жаҳондорлик эшикларининг калидини ва шаҳриёрлик воситаларининг тартибини бизнинг азамат ва қодир кафтимизга қўйди ва ихтилофларга миннатдорликким, олам ҳукмдори (тангри) (Ҳиндистон) чегаралари ва йўлакларининг ва жумла жаҳон халқлари матлаблари хоҳишини ушлаш жиловини бизнинг буюк ва ихтиёр қўлимизга тутди. Кенг мамлакат(имиз) нинг ўлка ва атрофларининг сатҳи ва чегарасини ҳамда улкан вилоятларнинг шаҳарларини ўз ҳимоямиз бағрига ва мудофаа ихотамизга олиб, ёвуз ва ўжар фитначи тоифаларнинг ҳақоратидан асрашдан бошқа ниятимиз йўқ. (Шунинг учун ҳам) жаҳондорлик ҳамма(имиз)нинг зиммасига лозим бўлдики, жаҳонгир ва оламни кезувчи қўшин ва гардун мисол ва қуёш сифат чодир - олий пойқадам(имиз) соясини, Деҳқан мулкининг майдони устига ташлаб, аҳолисининг осойишталигини таъминлаш ва душманни қўлга тушириш ҳамда (мазкур) кофирни орадан кўтариш зарур. Шу онда исёнчи олам боғини ўзига тенг кўриб ва зиклик чангали ҳамда надомат оташида эриб, ул кофирнинг куч ва қуввати ўз ишида тўхтаб ва (унинг) қудрату қодирлиги ҳаракатда самарасиз қолди. Сўнг у (ўзининг) пасткашлиги ва жиноятларини кечиришни сўраб аризалар юборди. (Ўзи учун) барча восита ва илтимосларни ишга солиб, абадий халифатнинг осмондек баланд рутбалик саройи остонасини ўпишга (рухсат қилиш)ни илтимос қилди. Шу бир-икки йил мобайнида (ўша) ёвуз кофир нималарни ҳам кўрмади: унинг кўп

вилоятлари музаффар низомлик ислом қўшинлари отларининг оёғи остида поймол бўлди, бундан фақат сипоҳлар тараддудига жой бўлмаган ва шижоатлик жангчиларга жанг майдони ҳисобланмайдиган ғор ва чуқурликларгина мустаснодир; у (фитначи) зиндон ҳукми ва жаҳаннам йўлига эгадир. Унинг ўлкаси тасарруф ихота(миз) га кирди ва ғолибкор давлат валийлари(миз) томонидан босиб олинди ва у урушда мағлуб бўлган харобхонага муносиб бўлди. Бу ақлсизлик ишидан юз ўгириб (кечиirim сўраб) келмоқчи бўлди. Аммо гуллаб-яшнаган Деҳқандаги озор чеккан бечора халқни (ўз ҳолича) қолдириш маслаҳатдан бўлмагани учун жаҳонкушо азимат(имиз) шунга қарор қилдики, у тор-мор этилган, таг-томири билан йўқ қилинади, (токи) бу ерларда қайтадан пайдо бўлмасин ва унинг истаги амалга ошмасин. Иншоолло таоло поёнига яқинлашган ишлар (тез фурсат ичида) саранжом топади ва фатҳу ғалаба ҳамда зафару бахтиёрлик билан биз кишворкушо, тезюрар, жаҳонни кезувчи отимиз жиловини хилофот тахти томон илтифот билан қаратамиз. Карамли муддао “аммо, Оллоҳнинг мурувватини уларга (ҳам) кўрсат” (ояти) нинг тақозосига кўра, булут тангрининг марҳаматларидандир.

Ниҳоясиз илоҳий неъматлар шукридан сўнг, ҳома баъзи янги фатҳлар шарҳини қисқа ва лўнда, тоза ва ажойиб услубда баён қилади. Тангрига шукр ва (ундан) миннатдормизки, шу бахтиёр анжомлик кунлар Қашғар вилоятига туташган жойларга қилинган юриш деярли ғалаба билан тугади. Тоғу тепаликларнинг кўплигидан у тоғлик ерни босиб олишни тасаввур қилиш маҳолдир ва улуғ иқболли султонларнинг (бу ўлкани босиб олишдаги) ишларининг сариштаси доимо уни қўлга киритиш мумкин эмаслигига дучор бўлган эди. Ниҳоят (бу ўлка) абадий давлат(имиз) валийларига насиб бўлди. Чумоли ва чигирткадан кўп, сурбетлик ва бебокликда шер ва йўлбарсдан ҳам баттар (бўлган) қалмоқ қавмига қаттиқ танбеҳ берилди ва (бизнинг) қонга ташна қиличимиз даҳшатида жанг дарёсидаги тимсоҳлар ва урушқоқ йўлбарслар ўз бошларини панага тортдилар.

Шунингдек, Декан мамлақатида кенглиги ва катталиги билан машҳур бўлган Жонда вилоят ҳамда (қўшинларнинг) беҳисоблиги ва шон-шавкатлари билан мағрур бўлган у ер чегарасидаги ҳокимлар ҳам бўйсундирилди. Мамлакатларни фатҳ этувчи давлат(имиз) соф (қўшинларининг) қақшатғич зарбасидан

мазкур тор-мор қилинган заминдор куп уриниш ва курашлардан сўнг хорлик ҳокига ўтирди ва қочиш водийсини нажот манзили деб билиб, қочиш иснодини ихтиёр этди ва ислом лашкарларининг ғозийлари қўлидан қатл шаробини ичди. Ва жаҳондек кенг ул жой олий мақом даргоҳ бандаларининг тасарруфи билан оройиш топди. (Шунинг учун ҳам) “Оллоҳга ҳамиша беҳисоб, муттасил шукур билан унинг етарли неъматини учун шукур қил ва соф, баракали ва астойдил, мақташ билан унинг тўла карами учун (уни) мақта”.

Мазкур элчи (Бухорога) етиб бориб элчилик вазифасини адо этгандан сўнг, уни ортиқча ушлаб қолишга рози бўлмади (унинг қайтишига) тез рухсат этсалар. Адолат, инсоф ва олийлик равнақи оқибати бахтиёр, олий мақом ота-боболарнинг мақтовига сазовар яхши сифати билан давр(ингиз)га мансуб бўлсин.

Ҳазрат Субҳонқулихоннинг Ҳиндистон волийсига ёзган мактубининг нусхаси

Подшоҳни мақташ мактубларнинг зийнатидирки, саҳифалар ва элчиларнинг эътибори шон-шавкат эгаси бўлган шаҳриёрларга қаратилган. Унинг мақташга арзийдиган донишмандлиги ва мактубларни беаши (ҳазрат) рисолатпаноҳ (Муҳаммад пайғамбар) ни мадҳ қилиш билан (белгиланади)ки, муносиб ўринлик ва қудратли халифалар учун мактублар ва элчилар ихтиёри (ундан) қолгандир. “Унинг улуғ суннати билан: Алҳамдулиллоҳки, у ўз расулини ҳидоят йўли билан юборди ва Муҳаммадга ва ҳидоят йўлини тутган унинг авлоди ва суҳбатдошларига дуо ва саломлар бўлсин!”

Аммо, сўнгра уларнинг оқил раъи шаҳриёрлик бурчи юлдузининг раҳнамоси, номдорлилик дуржининг гавҳари, салтанат тахтининг зеби-зийнати, ҳашамат маснадининг беағи, подшоҳлик нурларининг матлаъи, зиллиллоҳлик сирларининг хазинаси, иқбол ва улуғлик жойининг ҳусни, улуғворлик ва буюклик саройи тўрисиининг кўрки, хилофот мартабалик, адолат хислатлик, Кайвон даражалик, Муштарий манзиллик, жасурлик ва шижоатнинг тўплами, буюклик ва улуғликка шухрат берувчи ул олий илтифотликка сўз шулки, камоли бирдамлик тўғрисида баён қилувчи ва самимий ҳамжиҳатликдан хабар берувчи ажойиб

муҳаббат услуб мактубингиз шарифлик соатлар ва бахтиёр онларда иқболан етиб келиб, марҳаматлик ота-боболар давридан то шу вақтгача муттасил давом этиб келаётган қадимий алоқалар ва самимий муносабатларни мустаҳкамлади ҳамда (уларга) собитлик бахш этди. Мазмунидан тўла ғалабалар англашилган бу ҳиссиётдан янги-янги вилоятларнинг бўйсундирилганлиги ва кўпдан-кўп мамлакатларнинг олинганлиги очиқ-ошкора бўлиб, тамом шодлик ва сўзлаб бўлмайдиган қувонч (ҳосил) бўлди. Шунингдек, равшан бўлдики, аксарий калтабинлар итоат ва бўйсуниб бўйинбоғидан бош тортиб (ва) “Сенинг аҳлингдан эмас” (деган) маслак йўлини тутиб олганлар. Шубҳа йўқки, бу аҳволнинг оқибати ва жазоси ҳаёл макридан қутилаолади, чунончи, уларнинг рўзғорида дарҳол тартиб топган хулоса осойишталик билан тўлиб-тошган шод-хуррамликдан узоқ ва олислаштирилиб, (улар) ғурбат ғамига гирифтор бўлиб қолганлар (ва) то ҳанузгача бу дори (қалампирнинг) офатларидан муқофотлар кўрмоқдалар.

Ҳозирги вақтда ўртамизда камолот даражада бўлган халқлар муносабати ва доимий мувофиқликка назар ташланса. Бу ерларда ҳар жиҳатдан рўй берган воқеалар (шулардан) иборатки, вақтиги бу Тангри даргоҳидаги ниёзманд фахрланишга лойиқ хилофот пойтахти (бўлмиш) Бухоро ва Мовароуннаҳрга қарашли бошқа ерлар хилофотига муяссар бўлгач, қуббатул ислом Балх вилоятида Абдулмансур майдонга чиқиб, бир қанча кун давомида юзсизларча ғавво ва фитна губорини сочди. Бу бесаодат кўп ҳосил дарахтининг мевасидан тотий олмагандан сўнг, унинг ўрнини Сиддиқ эгаллаб баъзи калтабин ва кўтоҳ андишаларнинг раҳнамолиги билан ақлсизлик ва адолатсизлик расмини ўзига муносиб билди (ва) зулм ва бедодлик қондасин илгари сурди. Шу йўсинда ул вилоятнинг халқи кун сайин ўзларининг ожиз ва ниёз юзларини мазлумларга навоз ишлар кўрсатувчи бу (олий) даргоҳга қаратиб, фарёдимишга етинг, деб талаб қилдилар ҳамда (бу ҳақда бизга) насиҳатомуз ва маслаҳат сўзлари етиб келиб тургани сабабли ғафлат пахтасини қулоққа пардапўш қилиб (бу талабни бажаришдан) асло бўйин товланмади ва ул хайрли жойга юриш қасди мурувватли дилимиздан жой олди. Аммо, шу аснода бетсизлик даштидаги сарғашта Анушта Хоразмий мерос мамлакат(имиз) худудларининг яқинида пайдо бўлиб, саҳрода истиқомат қилувчилар ва чўлни ватан тутганлар ўртасида паришонлик

бўлишига сабабчи бўлган эди. Бу қора ниятлики даф этиш ва унинг адабини бериб қўйишликдан зарурликдан энг муҳим ва лозим (иш) деб билиб, осмондек (катта) лашкар билан у тўполончи ақлсиз пода устига ташландик. Лашкарнинг муқаддимасида туриб (душман) сафларини бузиб юборадиган баҳодирлар ва мардларнинг домини берадиган жангчилар гуруҳи олий амрга биноан, у тоифа устидан устун келиб, биринчи ҳамладаёқ барча сон-саноксиз ва жамий беҳисоб кишиларни яшин тезлигида англатувчи тигнинг ёвуз сувидан ўтқазиб дўзоҳ қароргоҳи томон жўнатдилар; (душманнинг) қолган сафлар(и) эса олдинма-кетин қочишни ихтиёр қилиб, (ва) фисқу фасод билан лик тўла каллалар учун айни оқибат бўлмиш йўлдан бориб бадарға кетдилар.

Шу он мунаввар кўнгилда жойлашган мазкур қуббатул ислом томон йўлга тушилди. У баланд, қўрқинчли қалъанинг атрофига осмон ҳашаматли чодир ўрнатилганда Сиддиқ ва унинг тарафдорлари саросимага тушиб, қалъадорлик қуролини ва одобда устиворликни ўз омонликларининг гарави деб билиб, ўқ ва тўплар рамзи устида кўп ўйламай ва фурсатни кечиктирмай фақирона таважжуҳ билан асир тушдилар. Улар хусусида нимаики муқаррар бўлса, қарор топди. Хотир(имиз) ул вилоят ишларидан хотиржам бўлгандан сўнг қайтмоқ-мақтовга сазовордир (мақоми) нинг мазмунига кўра, чексиз иноятимиз Турон томон илтифот этди, иқбол ва улуғлик маркази (бўлмиш Бухоро) га қайтилди.

Аммо, гумроҳликни ўзига кашф қилган Ануша ўша вақтда Хумоюн қўшинининг Балх худуди томон кетганини эшитибоқ баъзи лаънати малъунлар ҳамроҳлигида ва Хўжақули сингари шайтонбачча биродарларининг шахсий иғвоси билан фурсатни ганимат деб ҳисоблаб, Бухоро томон юзланган эди. Эшитилган воқеалар кайфиятида жуда паришонлик ва тушкунлик содир бўлдики, (лекин) шу хил ғамгинлик ва тушкунликда ҳам ўзбилармонлик билан қатъий ҳаракат қилинди. Кўп бор ислом лашкарлари шамширининг дамидан ўлим қонини ютган хоразмликлар тангдил ва камҳафсала бўлган эдилар. (Ҳозирда) улар бундан кўз юмиб, ёшу қарилари... (?). Оқибатда бу чексиз раҳматларга мунтазир учун тангрининг иноят назари билан айнан шундай бўлдики, унинг қудрат бармоғи ғазаб милини ул

офиятбинларнинг кўзига тортди; уларни зоҳиран кучли, аслида эса кўр ва нобино қилиб қўйди.

Шу вақтгача хоразмликлар жогирнишинлик (яъни вассал) дулида шундай интизомга эгадирлар ва уларнинг умрлари доимо саркашлик қоронғуси ва гумроҳлик залолатида ўтган. Ва ул қаро юзли деб аталганлар марди-майдонлар қиличларининг ярқираши билан кўрқоқларча, бошларини йўқлик томон буриб (ва) йўқлик сарманзили томон қўйиб жаҳаннам қаърида муқим бўлдилар. Шунингдек, қозоқларнинг тамом улуси иқомат йўлида ва истиқомат ёстиғида муқим ва мустақим бўлиб, Дашти қипчоқ чегарасини кўриқлашга буюрилгандирлар.

Ва қалмоқ қабиласининг сардори бўлмиш Абуке кўп қулоқ бурашлар ва ҳад-ҳисобсиз танбеҳлардан сўнг барча кўчманчилар ва қабилалар билан биргаликда бошини итоат бўйинбоғига тикиб, доимо хизмат қилиш йўлига ва бандалик тариқага ўтди.

Бундан ташқари, Рум ўлкасига қарашли узунлиги ва кенглиги (эътибори) билан мазкур ер (Рум) га тенг бўлган Қарамон вилояти жаҳонгирликка лозим бўлган кўп тadbирлар ва беҳисоб ҳаракатлар билан “қанча шукр қилсанг (неъматимизни) шунча зиёда қилман”нинг мазмуни билан фармон(имиз) остига кирди.

Ва яна, Қошғор томонидан бир қанча бошлиқ ва сардорлар олий остонада лутфан қабул этилиб бахтиёр бўлдилар (ва) улар у томоннинг волийси ва ҳукмронининг содиқлик ва эътиқодни англаувчи маълумотномасини келтириб (бу олий даргоҳни) пойқадамлари билан мунаввар этдилар.

Шунингдек, (шу) бўй (ҳам) таралдики, шу вақтда, у адолат самарасининг мунаввар кўнгилларига ёмон асарлик шиаларга қарши зўр жиҳод ва ғазот дағдағаси тушибди. Биз ҳам бирлик ва ҳамжиҳатлик юзасидан тамоман хайрлик бўлмиш бу ишга азм қиламиз. Аммо, то ҳанузгача у шавкат паноҳга қатор кофирлар туфайли хотиржамлик муяссар бўлмаган экан, биз мазкур ният юзасидан пешқадамлик қилиб, гуруҳ-гуруҳ музаффар асарлик лашкарларимизни бебош қизилбошлар устига юбордикки, мухлис, вафодор элчингиз (бу) воқеаларнинг суратини кўрди (ва) ундан сўнг рухсат олиб қайтиб кетди.

Шу кунлари жанговар сипоҳларимиздан бир гуруҳи фармонга мувофиқ у диёрга бостириб кириб Болон Мурғоб вилоятининг йиғирмата мўътабар қалъаси ва уларнинг ҳокимлари билан бирга

қўлга киритдилар. Шу ондаёқ ул жойларнинг халқи тилини “Тоҳо ва Ёсин”ни¹ ўқиш, халифани рошидинларга таъзим йўлида тобеълик қилишга очиб, асқобларнинг лақабларини ўзларига қубба қилдилар.

Байт:

**Қўл ва тилдан нимаики келса,
Унинг шукрини қилишликни ҳам
уҳдасидан чиқмоқ зарур.**

Бас, дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг хусусиятларини қўриқлаш борасида (шу) муносибки, сўнгги кунларни ҳам оқилона равишда (бир-биримизга) элчилар ва мактублар юбориб туришга сарфлаб ажойиб ҳамжиҳатлик равнақини оширмоқ керак. Шунга асосан подшолик ишларидан ва султонлик хизматининг қонун-қондасидан огоҳ бўлган, эътиқодни кучайтирувчи, хоназод бандаси Назарбий додхоҳни у томонга (Ҳиндистонга) жўнатилдики, токи ҳузурларига етиб борган вақтда элчилик одобининг муддаоси ҳамда вакиллик одатининг шарт-шароитини баён этиб ва англатиб, дўстлик асосини ва ҳамжиҳатлик қондасини мустаҳкамласин ва кучайтирсин. Муқаррарки, (унга) тезроқ (қайтишига) рухсат бериб, тутиб қолиш ва кечиктириш хоҳишини қилмасалар.

Интиқом шамшири ва қонхўр қилич ислом дини душманларининг томиридаги қонларидан ҳамиша қизил ва қип-қизил бўлсин, пок парвардигор ҳақи.

Ҳазрат Халофатпаноҳ (Абулфайзхон) нинг Ҳинд вилоятига табрик юзасидан Амوراتпаноҳ Султонбий Кушбеги элчилиги орқали ёзиб юборган мактуби

Тангрига шукурлар ва (ундан) миннатдор(миз)ки, коинотни барпо қилган ва мавжудотлар парвардигори (томонидан) инъом (қилинган) султонликнинг барчага баробар файзи ва булут фазлидан - “айт, Оллоҳ мулклар молики; у хоҳлаган (киши) га мулк ато қилади” (деган) яхши оятнинг далили билан инсонларнинг мақсад ва хоҳиш дарахти шохчаларининг ғунчаси

1. “Тоҳо ва Ёсин” - “Қуръон”даги икки (20-ва 36-) оятларнинг номлари бўлиб, уларнинг бу йиғиндиси Муҳаммад пайғамбар нисбати сифатида ишлатилади.

олий даража ва яхши мартабада - хоҳлаган (киши)имни азиз қиламан” фотиҳанинг хушбўй иси билан яшаб, улар турмушининг ривожига ва тараққиётига восита бўлмоқда. Умид - истак ниҳоли, улуғлик ва шавкат, юксаклик ва бахт кўчати, қудрат ва иқбол шажараси, улуғвор, ходим, олий даргоҳнинг олий мақоми ҳашамат ва адолат равнақи, саодат ва шарофат рамзи, илтифот ва марҳаматнинг пайти, ҳазрат Оллоҳ “ли маъоллоҳ”¹ хабарларининг масдари фуқаро ва уламанинг бош паноҳи, фузало ва халқлар қароргоҳи, арши аъло манзиллик ва фалак мартабалик (жаноб) га ҳамиша океандек карам, денгиздек марҳамат ва ҳазрат карим ул-акрамликни “мен сени ер юзида халифа этдим (токи) халқлар орасида ҳақиқатни ҳукм қилгил” (ояти) нинг ижроси билан ва “юқори даража (мақом) га кўтариш” (ояти) нинг тақозоси билан доимо серунум этиб, кишваркушолик байроғининг моҳчасини (ойчасини) портласин, тангри ҳимоясидаги ул давлат хайрихоҳларига (бир) шабистон (осойишталик бахш этувчи) бўлсин.

“Оллоҳга шукр қилиш (билан) неъматлар устига неъматлар қўшилади”. Қудратли ва ягона ҳазрат (тангри) нинг илтифот марҳамати билан давр келинчакларининг хушид рухсори ва замон қизларининг қамар ороси жавҳар ва лаъллар билан ҳузурсурурни безади.

Шу хуш ва интизом ўрнатилган кунларда “У - Оллоҳ марҳамати, уни хоҳлаган (киши) га беради” деган (оят) ишорати билан ҳожатлар қозиси (тангри) даргоҳидаги ҳожатманднинг бахтли зотлигидан ва баракасининг зиёдалигидан шаҳарларда яшовчиларнинг муддаолар чеҳраси ва мамлакат халқларининг пешонаси фароғат ва осойишталикнинг гул-гул очилиши ҳамда омонлик ва тинчликнинг нақши билан тамом зебу зийнатланди. Фуқаро аҳволининг чамани ва раъиятнинг умид гулшани (бизга) хайрихоҳларнинг ёрдами билан жабр шамоли ва тўфон тугёнидан саломат бўлиб, ҳамиша эмин у омонлик боиси бўлмиш мунаввар зотимизнинг сиҳат-саломатлиги тилга олиниш даражасига етди.

Бу мислсиз ҳадяларнинг шукронаси билан муаттар хотири(миз) нинг мулоҳазаси ва файзлик кўнгил манзури шулки, ўз мақсадинигина кўзлаб пиёда юрувчилар ва мақсадсиз

1. Ли маъоллоҳ - сўфизмга оид терминлардан бўлиб, “Оллоҳ билан яқинлашиб, бирлашиб кетган” деган маънода.

майдонда жойида туриб қолганлар мақсад бисотида ва талабларнинг катта йўлида умид юзларини дилором от устида (бизга) қаратиб, фарзин юришда ҳодисаларни банд ва филни мот қилишни (бир-биридан) фарқ қилмадилар ҳамда дўстлар йиғинида умид кўвачасидан тотли ва лаззатли бўлиб, талхкомликка юзлантирувчи мастлик қултумлар ва (кишини) иккилантирувчи соғирдан бесаранжом бўлмадилар.

Бахтиёрлик билан эгизак бўлган шу вақтларда дўстлик гулистонининг севинчли майин шаббадасининг элчиси у буюклик саройининг тўрида тахтда ўтирувчи ва адолат айвони суфасидаги тахтга муносибнинг давлат қуёшининг тулуғи ва адолат нурлари пайдо бўлгани ҳақида хабар келтирди. Бу хабар хотир бўстони райҳонларига тозалик ва кўнгил боғлари сунбулларига равнақ бахш этди; дил гунчаси садбарг (юзбарг) бўлиб очилди. Ва бошдан охиритача саодатли бўлган ул дўст олоҳ (подшоҳ) зотнинг саломатлигининг қувончидан кўнгил тинчлик ва севинч боиси зиёда бўлди.

Ниҳоятда сидқидиллик билан ул олий жаноб ходимларининг тинчлигини истайман. Карим (тангри) нинг олий жаноб марҳаматларидан бу банданавоз, мусулмонларга хайрихоҳ, ҳушёрдирки, унга карамлик ота-боболаримиз ва улуг аждодларимиздан мерос бўлиб қолган бу олий ҳимматлик ва комронлик муяссар бўлди ва абадий бўлиб қолади.

Буюк ота-боболаримизнинг ризолик йўли дўстлик ва (олий) мақсад қондаларини мустаҳкамлаш бўлиб, элчи ва мактублар юбориб, мувофиқлик ва ҳаққониятни изҳор қилиш экан, лозим ва зарури шулки, бизнинг қайта тикланган ва авлод ва фарзандларимизга тақдим қилинадиган расм-одатимиз (яъни дўстлигимиз) ўз хусусиятини янада кучайтирган ҳолда вожиб бўлмоғи керак.

Шу маънини ҳосил қилиш учун амирлик паноҳи, вилоят дастгоҳ, шак-шубҳасиз давлатхоҳ, тўғри эътиқодлик, марҳаматга лойиқ, хоназод иноятига қобил; авлод-аждодидан тортиб олий остонамиз ғуборини тобеълик кўзига тўтиё деб билган, ажойиб одоблик ва мақтовга арзийдиган ахлоқлик, мулозиматнинг қоида ва дастурини яхши тушунадиган, адаб таълими ва таъзим одобини биладиган Рустамбий Оталиқнинг ўғли Султонбий додхоҳни элчилик (рамзи) билан ва фирузбахт

тахт(ингиз) ни табриклаш важҳидан у томонга элчи этиб тайин қилинди, бориб камол ҳамжиҳатлик хусусияти шароитларига риоя қилиб, бирлик расм-қоидаларини кўнгилдагидек натижалик қилиб ва мустаҳкамлаб, сўнг қайтади.

Қачонки, (хузурларига) ташриф буюришдан мамнун бўлиб, бандалик лозиматини ўрнига қўйса, унга топширилган зарур ишлардан нимаики эшитилса қулоқ бериб (унга) иқбол даражасини (яъни қабул этиб бахтиёр қилишликни) муносиб кўрсалар.

Хилофот ва комронлик кунлари абадий ва давомли бўлсин.
Пок парвардигор ҳақи!

Ҳазрат Халофатпаноҳ (Абдуллахон)нинг Муҳаммад Назарбий Додхоҳ элчилиги юзасидан Ҳинд подшоҳига ёзган мактуби

Кувончлик давримизнинг саодат ва иқболига зебу зийнат муқаррар бўлсин! Шод-хуррам айёмимиз юксалиш ва шону шавкатга муяссар бўлсин!

Адолат ва саодат бўстони, ҳашамат ва бахтиёрлик гулшани, шоҳлик нурларининг матлаъи, шаҳаншоҳлик фалакиннинг юлдузи, саховат ва лаёқат жамъининг хулосаси, шон-шавкат саҳифасининг унвони, осмон қадрлик юлдуз, иқболи баландликнинг порлар гавҳари, оламни ёритувчи офтоб, адолат ва ҳақиқат осмони, карам ва раъиятпарварликнинг жаҳонни ёритувчи тўлин ойи, бирдамлик поясини мустаҳкамловчи, дўстлик даражасини баландлатувчи, курагоний (яъни Темур) хонадонининг намунаси, Чингизхон оиласининг зубдаси (яъни Акбаршоҳ) тангрининг илтифотлари шуъласидан, Оллоҳнинг хайру саховат гулидан, худонинг яратувчилик каромати нурларидан баҳраманд бўлсин! Улуғлик ва зафар осмонининг ёруғ юлдузига саодат шарафи билан жаҳонгирлик йўлдош бўлсин!

Калом ошнолик ва вафодорликка сабаб бўлувчи муҳаббат асос маросимларни адо қилгандан сўнг ҳаққоний, олийжаноб фикримиз ўз меҳр жилосини намоён қиладики, муаттар ислик ҳавонинг мушк-анбар таратишдан олам жаннат рашк қиладиган ҳолда бўлган бу қутлуғ оқибат кунларда мувофиқликни асос қилиб олган ҳақшунос хотир (имиз) “Бу Оллоҳ фазли, хоҳлаган (кишим) га бераман ва тангри буюк фазллар эгаси” (ояти) нинг

муфассал (ва) ҳаққоний мазмуни билан худонинг буюк “вадиъа” си¹ бўлмиш Халофатнинг муҳим ишлари тартибидан хотиржам бўлди. Оллоҳга шукур ва (ундан) миннатдормизки, (ушбу) олий қаламравнинг аҳолиси ва халқи олдида ором ва осойиш эшиги кушойиш бўлди.

Баҳор ёмғири каби беҳисоб ва осмондаги юлдузлардан ҳам ортиқ Турон мулкининг тўқсон икки ўзбекия фирқасининг бир қанча минг эл ва усули илоҳий фазлнинг файзи билан итоат ва фармонбардорлик халқасини жон қулоқларига осиб (бизга) тамоман тобеъ бўлдилар ва бўйсундилар; карам (имиз) эҳсонидан хурсанд ва мамнундирлар.

Ижроси вожиб фармонга мувофиқ мамлакат чеккаларида истиқомат қилиб, қадим замонлардан тортиб шиорлари жангу жадал ва (хулқ) атворлари қатли-ом бўлган қозоқ ва қорақалпоқ ва қирғиз фирқалари доимо нифоқ билан тўла кофир қалмоқларга қарши ғазо қилиб шон-шавкати беҳисоб (бўлган) маконга кўплаб асир ва сон-саноқсиз моллар юбориб турибдилар. Зафар нисбатлик узангига пайваста бўлган аҳоли ва (салтанат) хизматкорларининг жамияти ҳам шу даражадаки, пок шариатнинг мустаҳкам қонуни ва бахтиёр миллатнинг буюк расми аёнлар ва фуқаролар ўртасида равшан ва мустаҳкамдир.

Шу хил мартабага етишилгандан сўнг “Яхшилик қил, тангри сенга яхшилик қилгани каби” улуғ (оят) нинг мавриди билан улуғ хоҳишимизнинг барча ҳиммати” (унга) нима муносиб бўлса юзага келтир” - яъни элчилик ва элчиликларни ҳамда камол ақл эгаси (бўлган) фозил воситачиларни юбориш билан ер куррасининг ҳар бир ерига ва мовий осмон остида яшовчининг ҳар бирига ҳамда (барча) халойиқ ҳоли ва аҳволига сарф қилинди; айниқса, номдорлик бисотининг у танлаган (жаноб)-нинг шод-хуррамга тўлиб тошган ҳузурига (элчилар юбориш йўлида сарф қилинди). Ўтган кунлар ва ўтмиш ой ва йиллардан бошлаб ҳурматлик улуғ аждодларимиз - тангри улар ётган жойларни то қиёматгача доруссалом қилсин, - ўртасида бу мақтовга муносиб одатга риоя қилинган. Агар уларнинг аксарияти ва кўпчилиги макон ва манзил (нуқтаи назари)дан бир-биридан узоқ бўлиб, ўртада ҳақиқий жисмоний ажралиш (бўлган) бўлса ҳамки, аммо дўстлик ва ҳамжиҳатлик эътибори билан элчи ва

1. Вадиъа - сақлаш учун берилган буюм. Омонат.

номалар юборишликни руҳоний учрашувлар ноиблигининг ноиби деб ўйлаб, (ўзаро элчи ва номалар юборишни) давом этдирганлар.

Сўз шулки, руҳий ёзишмаларда манзил узоқлиги бўлмайди, буни энг муҳим деб биламиз.

Саодатнинг боши, қутли оқибат (ул олий жанобнинг) олий мақом шоҳона тахт ва қудрат маснадига ўлтирганлиги хабаридан аржуманд бисоти ва тамом шоду ҳуррамлик юз берди, чунки қандай давлат бундан яхшироқ ва қанақа ҳам эҳсон бундан ширинроқ бўлсин!

Тангри марҳаматининг ёрдами ва марҳум улуғлар пок руҳларининг мадади билан зебу зийнат ва шаън-шавкат билан умр кечирганларнинг беҳисоб шарафи (уларнинг) ноибларидан ҳоли бўлмасин, гуллаб-яшнаверсин, унинг меваси меросхўр бўлсин.

Ва яна, олам безаги (подшоҳ) фикрида махфий ва пинҳон қолмасинким, ярамас шиа фирқаси ўзларининг ёмон хулқ атворлари асосида номақбул шиор пайдо қилиб кундан кун ёлғонни орттириш ва сафсатабозликни кучайтиришга интиломқдалар. Шунингдек, ҳақиқат ҳам қаттиқ азоб бериб оғрийдиган касалга сабабчи бўлган шиалар ҳарамайн-шарафайн (Макка ва Мадина) - тангри уларнинг шарафини зиёда қилсин (бу табаррук жойларни айланиш нияти ҳар дилда ва бу олий остона ерлар тупроғини ўпиш умид-орзуси ҳар бир фикрдадир) йўлида “тариқи мустақим” ва “вожиби таъзим”га ғов, тўсиқ бўлиб, Каъба муридлари ва Макка мухлисларини тан олмай ва ҳақорат қилиб уларни таҳқир қилмоқдалар.

“Унга юмшоқ сўз қилинглр” (деган) шарафли оятнинг тақозоси билан жаннатмакон, мақтовга сазовор хоқонларнинг қондаси (бўлмиш) тариқи мулойим ва насиҳат йўлини ўзимизга биринчи даражали йўл тутиб, дўстона мактубни топширувчи, амирларнинг таянчи, шижоат дастгоҳ, душманликни битирувчи, жанг майдонида фирибгар лашкарларни енгувчи, ғазовот ғолиби, шоҳона марҳаматларни парвариш қилувчи, зийракликда огоҳ, ризожўйлик йўлидан қилча ҳам ташқарига чиқармай кучи жанговар табиатли бўлишига қарамай, ўткир фикр ва ҳозиржавоблик билан зийнатланган, авлод-аждодларидан тортиб қудратли шоҳларга манзури назар бўлиб келган Муҳаммад

Назарбий додхоҳни - у кўпинча зарур хизматлар ва подшоҳликнинг муҳим ишларини тартибга келтиришга тайин этилади - йўлдан озган, адашган ул тоифага насиҳат қилиш жиҳатидан юборган эдикки, бориб уларнинг (бундай) хулқ-атворларини йўқ қилишда савийлик кўрсатган. Мушорулилайх олий остонани олиш билан бахтиёр бўлгандан сўнг маълум бўлдики, (шиалар) исломга тобеълик қилмаганлар. Бинобарин, шоҳлик эҳсонидан парвариш топган Хоразм вилоятининг волийсига, ниҳоятда фармондор бўлишликни тақозо этувчи, ўз жонини сақлаш шукронасининг туҳфаси сифатида (олий) остонанинг барча бандалари билан бирликда у қавм устига (бостириб боришга) амр қилдикки, (улар) Машҳад, Астробод ва Нишопургача бориб, кетма-кет ҳужум ва талон-тарож қилиб, у табиатан ёмон хулқлар фиғони (кўкка) чиқарсин. Ва (яна) бир томондан, мангития ва туркман жамоаларига буюрдикки, улар Марв ҳудудидан бориб, шиаларнинг ҳаёт томирларини қирқиб ташлаб, куплаб асир ва ўлжалар келтирсинлар. “Сизларнинг қўлингиз билан тангри уларни ўлдирсин, азобласин, уларни хорласин ва сизларга улар устидан ғалаба берсин” (деган оятнинг) далили билан истаймизки, давлат ва иқбол (ҳамда) дарёдек оқувчи беҳисоб зафар асарлик аскарлар билан Турон мулкани зафар нисбатлик узанги остига олиб (у томонга) қараб юрамиз. Ишбилармон амирлар ва ихлосманд оқсоқоллар шундай маслаҳат бериб, арз қилдиларки, ана шундай “қасири ғанимат”ли ғазо юриши юзасидан зийрак давлатхоҳлардан бирини дин ва миллат масаласида (биз билан) қадимдан буён мувофиқлик ва ҳамжиҳатликда бўлган, (ул) олий мақом ва халофат тахтига муносибнинг шодликка тўла ҳузурларига юбориб, огоҳлик берилсаки, порлоқ шариятни мустаҳкамлаш ва бахтиёр миллатни кучайтириш учун барча тоғдек басавлат мужоҳидлари ва жанговар, музаффар муборизлари билан у тарафдан йўлдан озган тоифа устига отлансалар, токи шон-шухрат конининг ҳар икки гавҳари (яъни Абдуллахон ва Акбаршоҳ) ўзаро бир-бирларига ёрдам ва мадад бериб у тоифани оёғидан қутласалар. Ва уларнинг диёрини (шундай) исломобод қилсаларки, (бу) яхши ном то оламнинг инқирозигача жаҳон саҳифасида қолсин ва зиёрат қилувчи ва йўловчилар осойишталикда йўл босиб ўтиб, мурод қаъбасига етишсинлар.

Бу маъни таъби (мизга) маъкул тушиб, гап-сўз ва (баъзи бир) ишлар бўйича мазкур бандага ишонч бор эди, уни шу мақсад юзасидан ҳамда осмондек баланд тахтга бахтиёрлик билан ўтиришларини табриклаш учун оқилона (иш) бўлсин деб, шодхуррамга зиёда бўлган ҳузурларига равона қилдик. Умид (имиз) қатъийки, осмондек (баланд) тахт поясига етиб бориб шарафланиш бахтиёрлигидан сўнг подшоҳликнинг турли ишларидан хабардор бўлиш учун (уни) ҳумоюн кўриниш билан сарафроз бўлиб, арз қилган (ҳар бир) гапига қулоқ солсалар ва нимаики арз қилса, олий қулоқларига воситасиз эшитилса. Ва, шунингдек, ўз азиз хотираларини у томондан ҳам элчи ва мактублар юборишга таважжуҳ-этсаларки, (бу) дўстлигимизнинг абадийлигига сабаб бўлсин.

Ҳамиша бахтиёр кунлар бўлсин, поки парвардигор ҳақи!

Абдуллахон Ўзбекка бирликни кучайтирувчи мактуб битилди

(Абдуллахон), олий мартабалик ва улуғ саҳоватлик, ғалаба ва қудратга молик, юксаклик ва шавкат эгаси, қаҳрамонлик ва сардорлик майдонининг суворийси, инсоф ва адолат даражасининг энг юқориси, улуғ ва олий оиланинг покизаси, шон-шуҳратлик ва буюк хонадоннинг таянчи, равшан илоҳий шуълалар таралувчи жой, огоҳлик нурларининг зуҳр этган ери, шижоат ва ҳашамат устунларини баланд этувчи, ботирлик ва азаматликка асос солган, иззат ва иқбол ерда (яъни Бухорода) тахтда ўлтирувчи, қудратли ва шавкатли саройнинг кўркидирки, “яратилиш табиатидан олий ҳимматларга эга ва улуғ неъматлар билан файз топган бахтиёрликка хос бўлган”.

Қитъа:

Абдуллахоннинг узуги ва тифининг

қимматини орттирувчи

Тифининг умид ойнасидан зангини кетказишдир.

Бўз оти мардлик майдонида шернинг ишини қилади,

Унинг қора (тусли) оти жанг дарёсида

тимсоҳ мақсадлидир.

(Унинг) “Давомли равишда мустаҳкам унинг муҳаббат асослари барқарор бўлсин ва яхши тартиб асосида ташкил топган унинг давлати доимий бўлсин”. (Абдуллахоннинг)

илтифотли мактубида ва ажойиб мазмунли хатида дўстона ва хос алоқалар, муҳаббат ва яқдиллик воситаси, яъни яхши хабарлар ва дўстликка оид сўзлар ёзилган ва битилгандир. Яқинлик нисбатини ва собиқ муҳаббатни кучайтириш ва мустаҳкамлаш ҳамда самимий садоқат қондаларини барпо қилиш тўғрисида сўз юритилган экан, амалга ошди; соф кўнгилдаги армуғон ва дил равшанлик самараси барпо ва зоҳир бўлди; яқжиҳатлик ва бирдамлик асоси мустаҳкамланди ҳамда дўстлик ва яқдиллик асослари тартиб топди.

Муқаддас олам нури билан ва тангрини дилга жо қилиш одатининг аломатлари билан нақшланган мунаввар кўнгилларининг ойнасига ва кундуздек равшан хотираларига махфий ва пинҳона бўлмасинки, подшоҳлик тахтига ўтиргандан то иккинчи асрнинг бошланиши бўлган ҳозирга қадар абадий (яъни тангри) қудратнинг мадади ва самовий қувватнинг ёрдами билан халқчил хотирамизда шундай жилва намойиш қилдики, салтанат ва ҳокимият ҳамда қудратлилиқ ва жаҳонгирликдан мақсад молу дунё жамлаш ҳамда нафсоният баҳрасига ва жисмоний лаззатларга берилиб кетиш эмас, балки чўпонлик маросимларини ёқлаш ва посбонлик лавозимларига қадам қўйишдир. Шунинг учун (ҳам) тангри даргоҳидаги бу ҳожатмандлиқнинг хатти-ҳаракати ва тутган йўли - дўсту душман ҳамда ҳешу бегона билан мулойим ва меҳрибон ҳамда илтифотли ва ҳамжиҳатда бўлишдан бошқа нарса эмасдир, хотиримиз ҳамини барча халойиқ ва жумлаи жаҳоннинг яхши аҳволда ва осуда ҳолда бўлишига сарфланади ва қалбдаги орзумиз ана шу олий мақсад ва оқилона ишга қаратилган.

Буюк ва олий Ҳақ шоҳид ва тангрининг кафиллиги кифоядирки, рубъи маскун (яъни ер шарининг тўртдан бири - қуруқлик бўлаги) ўлчовларининг ва тоғу биёбонларда сайр қилувчи сайёҳларнинг катта мамлакат ва оламнинг “чоҳардонаги” (етти иқлимнинг тўрт иқлимида жойлашган) деб таърифлаган ва уч томондан Дарёйи муҳитга (яъни океанга) туташган Ҳиндистон мамлакатларининг забт ва фатҳ қилиниши хоҳиш ва ҳаваснинг тақозоси билан бўлмайди, аксинча, ҳимматимизнинг мақсади - жабрланганлар риоясини ва мазлумлар ҳимоясини хотирада тутишдан бошқа нарса эмас. Шу сабабдан Ҳумоюн ҳимматимиз қай томонга боқса давлат

ва иқбол-истикбол(имиз) томон азм қилди ҳамда муборак азиматимиз қайси томонга қаратилмасин, фатҳу зафар шошилинч равишда бахт-толе кўрсатди.

Кўнгиллик одатимиз ва розилик табиатимиз тангрининг барча бандаларига нисбатан шундай экан, улуғ тангри даргоҳидан мадад топгучиларнинг буюги, у салтанат дастгоҳга (ҳам шу зайлда бўлади). Шунинг билан бирга, томонлар ўртасидаги дўстлик ва ўзаро муҳаббат қоидалари ҳаққоний ва кучлидир; қадимий яқинликлар (насабий) боғланиш¹ билан қўшилиб кетгандир. Яхшиликни билган доноларга маълумки, муҳаббат ва дўстликни тиклаш ишида шу хил муносабатларнинг биригина кифоя. Бас (бу) барча хоҳишлар ҳам бўлгач нега ҳам ҳақ (ва) ҳақиқат равишлик назар дўстлик ва ҳамжиҳатликдан бўлак нарсани манзур тутсин. Маълумки, бу мувофиқлик ва дўстликнинг баракали самараси олам ва оламдаги (барча) кишилар аҳволини ҳамда жаҳон ва жаҳонда яшовчилар ҳолининг тартиб-интизомига восита бўлади. Элчилар ва номалар юборишга тўсқинлик қилгани хусусидаги имо-ишорат эса ҳарчанд узоқни кўрувчи ақл назарида бу хусусда сўзламаслик сўзлашдан кўра яхшироқдир. Аммо, у тўсқинликдан кўз юмушликни бу ўринда сўзни чўзиш сингари номувофиқ деб билиб, дин ақобирлари улуғларининг нақли бўлмиш ушбу қитъа билан кифояланилди.

Қитъа:

“Тангрини - “соҳиби фарзанд”, деб атаганлар”.

“Пайғамбарни - сеҳргар деб айтганлар”.

“Тангри ва пайғамбарнинг ҳар иккиси ҳам (маломатдан) нажот топмагач”.

“Бас, қандай қилиб мен нажот топаман?”

Тангрига шукурки, ижод ва барпо этилган субҳ гулшанининг, яъни салтанат эгаси бўлишнинг бошланишидан ва саодатлик салтанат ёруғ нури чиқишининг ибтидосидан бошлаб, назаримизнинг хоҳиши доимо дину миллатнинг шавкати йўлида ҳамда ҳақиқат ва ишончни мустаҳкамлаш борасида бўлиб, мулку диннинг эгизаклиги туфайли Ҳумоюн салтанатимиз даражасининг юксаклиги ва кундан-кун тараққий топаётган давлатимиз

1. Бу ерда ҳар икки подшоҳнинг темурийлар хонадонига мансуб эълонлиги назарда тутилади.

байроқларининг баландлиги бизнинг камол диндорлигимизнинг қатъий далили ва ёрқин ҳужжатиدير. Тангри барчани ўз иродаси билан мустаҳкамлик ва собитқадам қилсин! Олий тахт садри-шинлари бўлмиш адолатли султонларнинг тамом ҳимматлари пок ҳазратнинг (тангрининг) ажойиб омонати (бўлмиш) бутун халқ ва барча халойиқнинг эмин у омонлик бешигида бўлиши йўлида экан, улар илоҳий ибодат лавозимида ва турмуш яхшиланишига хайрихоҳлик кўрсатишда астойдил ҳаракат қилдилар. Шунга биноан, бир қанча олий миқдор султонлар ва қудратли ҳокимларга тегишли бўлган бу кент ва улкан мамлакатларда шу муддат ичида тартиб ва интизом ўрнатишда саъийлик қилинди. Тангри даргоҳидаги бу ҳожатманд (ўз) ҳолига шомил бўлган Худонинг инояти билан мамлакатларнинг барча ишларидан, яъни бўйсундириш ишларидан батамом бўшади. Ислому нурлари тулуъ этган вақтдан то шу кунларгача жаҳонгир султонлар отларининг туёқлари ва фармонраво хоқонлар қиличларининг ярқираши бу макон ва бу жойларга яқинлаша олмаган. (Бу жойлар) аҳли имонларга маскан ва ватан бўлди; аҳли куфр яъни ҳиндлар ва исломдан бебаҳраларнинг каниса ва маъбадлари ишонч арбобларининг тоат масҷидларига ва ибодатхоналарига айлантирилди. Пок ва олий тангридан миннатдормизки, дил нимаки хоҳлаган бўлса, бу интизомга ва тузалишга юз тутди ҳамда муддаомизга мувофиқ тартиб-интизомга тушди ва саранжом топди. Ҳинди аскарларнинг барча сардорлари ҳамда бўйин товлаганлари ва бошқалар итоат халқасини эътиқод қулоқларига илиб ғалаба билан шуҳрат топган аскарларимиз сафига кирдилар ва (шу билан) турли халқ гуруҳларининг ўзаро алоқаларини ўрнатиш ва тартибга солиш амалга ошди. Биз ҳам “яхшилиқ қил, тангри сенга яхшилиқ қилгани каби” деган (оят) га содиқ бўлиб, барча таважжухумизни меҳрибонлик қоидаларини кучайтиришга ва адолат асосини таъсис этиш ҳамда ғамхўрлик нурларини тарқатишга сарф этиб, карам ва эҳсон булути томчиларидан ҳамда фазлу илтифот ёмғири қатраларидан омонлик боғига ва халқлар умидига тозалик ва равнақ бағишладик.

Ва лутфлик хотиримиз ҳимматининг олдига қўйган мақсади шу эдики, бу муҳим ишлардан буткул бўшагач, тангрининг кузатиши ва тўғри йўл кўрсатиши билан, Дарёйи Шўр Камбей қўлтиғи оролларида кириб олиб фитна кўзғатишга бош кўтарган ва

ҳарамайн-шарафайн (яъни Макка ва Мадина) - (тангри уларнинг шарафини зиёда қилсин) ни зиёрат қилувчиларга жабр қўлини чўзиб, барчани кўплаб ўлдириб, зиёратчи ва тужоратчилар йўлида ғов бўлиб турган кофир фаранглар яъни португалларга (қарши) тангрининг мадади билан отланиб бу йўлни ҳору хаслардан пок қилинса.

Лекин маълум бўлмоқдаки, Ироқ амирларининг баъзилари ўз волийларига нисбатан беихлослик мақомида бўлиб, уларнинг олий мартабаларга кўтарилишларига сабаб бўлган яхши ақидани қўлдан бериб, баъзи беадабликлар қилганлар. Ҳақиқатчи хотирамиздан (шу ҳам) ўтдики, равшан пешонасидан саодат нури ва иқбол толеининг зоичасидан сафар йўли кўриниб турган номдор ва бахтиёр фарзандларимиздан бирини у томонга тайин қилдик. Токи уларга ёрдам кўрсатиб хотиржам бўлмагунча бошқа бирор ишга қарамаймиз.

Айни вақтда, Рум (яъни Туркия) султони ота-боболарнинг (мавжуд) аҳду иттифоқларини “гўё бўлмаган”, деб ўйлаб, Ироқ волийсининг заиф аҳволига назар ташлаб неча бор қўшин юборган. (Эронлилар) суннат ва жамоатнинг бош йўлидан тойган бўлишларидан қатъий назар пайғамбар насаблигимиз ваҳжидан холис пайғамбар хонадони, яъни Эрон томон юриш қилиб ёрдам кўрсатамиз, токим бу (ўтмишдаги) ота-боболаримизнинг ўзаро таниш-билишлигига манзур бўлсин.

Алалхусус, (айнан) шу вақтда маълум бўлдики, Эрон ҳукмдори ёрдам ва мадад сўраб, Алиқули Султон Ҳамадон ўғлини тухфа ва ҳадялар билан (хузуримизга) жўнатибди. Ниятимизнинг олий ҳимматига вожиб ва лозимдирки, Ироқ ва Хуросон томонга қараб юришимиз лозим. Хотиримизга (яна) шундай фикр ҳам келдики, у салтанат эгасига (яъни Абдуллоҳга) нисбатан қадимий вақтлардан бери дўстона алоқа ва яқин муносабат мавжуд экан ва сайидлик паноҳи ва тақводор Мир Қурайш орқали муҳаббат услуб мактубнинг юборилиши билан дўстлик олати ва бирлик қондаси янгидан мустаҳкамланган экан, Хуросон ҳудуди иқбол чодирининг ҳиймагоҳи бўлганда ҳамда олий ва улуг чодир ўрнатилган вақтда у салтанатпаноҳ ҳам ўз вилоятларидан юриб, бу ҳудудга лозим (ва) мақбул буюрадилар бу ўлка буюк ва олий икки дарё (яъни Акбар ва Абдуллахон қўшинлари) нинг қўшилган (яъни учрашган) ҳамда порлоқ ва равшан икки бахт юлдузининг

чиққан жойи бўлсин (ва) элчию мактублар воситалигисиз дўстлик ва якдиллик асослари янада мустаҳкамлансин. Ақобирлар қўнғил хазиначидан яширинган баъзи диловуз сўзлар ва ҳақиқатомиз сирлар ҳамда тўла файз берувчининг (яъни тангрининг) инъом-эҳсони билан истеъдодга яраша қўлга киритилган художўйлик ва ҳақпарастлик шарҳи дўстлик мажлисида зикр қилинади ва ул шавкат эгасининг муаттар хотираларида порлаган нафис илоҳий ҳақиқат ҳамда олийжаноб огоҳлик ҳам (ўшанда) англашилади. Ҳаётдан хулоса ва бахтиёрликнинг зубдаси - инсоний қиёфадаги суҳбат ва руҳий мужассамликдаги дўстликдир. (Шундай экан), тангрининг икки мумтоз қилганлари ва буюк даргоҳдаги икки назаркарда ўртасида, бу маъни (яъни учрашув) ҳақиқатга айланса, бу шубҳасиз, файзнинг ва умум фазилятнинг боиси бўлади.

Тангрининг инояти билан бу орзулар рўёбга чиққан замонда Оллоҳга манзур бўлганлар ва тангри шод этганларнинг қиммати ном чиқариш ва халқлар устидан ҳокимият ўрнатиш бўлмай, балки тангри ризолигини ҳолис қилиш бўлади. Шунга асосан, ҳақ қўнғилимизда ўрнашган дўстлик ҳақидаги (фикрлар) навқирондир. Умид шулки, ул жанобнинг орзу ва мақсади ҳам шу бўлсаки, қайси бир томонда ҳаққўйлик ва ҳақталаблик ортиқ бўлса, ўзга томон унинг хотир ризолигини лозим деб билиб, камоли яқинҳатлик мақомида бўлиб, унинг тўғри йўлидан чиқмаса.

Бирдамлик ва иттифоқ(имиз)нинг нисбати олам халқларига маълум ва ошкор бўлган шу кунларда Ироқ ва Хуросон ҳокимига ёрдам ва мадад бериш юзасидан нимаики бизнинг ва сизнинг тўғри мушоҳадамизда бўлса, у пинҳоналикдан зуҳр оламига чиқмоғи лозим.

Шоҳрух Мирзо фарзандининг масаласи хусусида¹ муҳаббат билан узр-маъзур ёзилган экан, инсофни ихтиёр қилган хотирамизга маъқул тушди. Ҳақиқатан (ҳам) номи зикр қилинган (Шоҳрух Мирзо) ёшлиги ва ўзбошимчалиги орқасида камақлилики ва нотўғри мулоҳаза йўлидан бориши бир қанча номуносиб ишларнинг келиб чиқишига асос бўлди. Уларнинг (яъни қилмишларининг) ҳар бири унинг иши шу даражага бориб етишини талаб этди: биринчидан, Шоҳрух Мирзо калтабинлар иғвоси билан бизга итоат қилиш лозимини ва бўйсуниш

1. Бу ерда Бухоро қўшиқлари томонидан асир олинган Муҳаммад Замоннинг вафоти ҳақида сўз боради.

маросимини тамоман менсимай қўйди; иккинчидан, биз ва у олий мартабалик жанобнинг ўртамиздаги мавжуд бўлган мустаҳкам дўстлик ва яқинликка назар қилмай, ўз ҳоли ва мартабаси юзасидан нисбат берилиши мумкин бўлмаса ҳам у улуғ дастгоҳга яъни Сизга беадабона қараши турди; учинчидан, зиммасига қарор диний ва дунёвий вазифалар қўя оладиган бузруквор бобосига Мирзо Сулаймонга нисбатан ана шундай йўл тутди (қарши курашди). Унга нисбатан содир бўлган ҳар бир танбеҳ илоҳий қисмат ҳиссини ва тангри илҳомининг фармойишидир. Ҳозирда, Шоҳрух Мирзо гафлат уйқусидан бедор ва мастлик ғуруридан хушёр бўлиб, марҳаматимизнинг барқарор таянчига илтижо қилди ва қўл узатган экан, унинг ҳолига карам ва лутфни имтиёз деб билишдан бошқа амр хотиримизга келмади. У буюк дастгоҳнинг дўстлик ва яқинлик маросимларидан ҳам умид шулки, унинг хато қилмишларига кўз юмиб қарасалар.

Муҳаббат асосларини мустаҳкамлаш ва дўстлик қоидаларини кучайтириш жиҳатидан ифода паноҳ ва ҳикматлик, яқин хайрихоҳ кишиларнинг сараси, ишбилармон кишиларнинг таянчи Ҳаким Хумомки, ростгўй мухлис, тўғри муомилалик мурид ва мулозимлик қилгандан берли яқин мулозим бўлган (ва) унинг узоқлашишини ҳеч важдан маъқул кўрмаган эдик, элчилик расми билан (хузурингизга) юбордик. Бизнинг мулозиматимизда унга берилган нисбат ҳақиқат бўлгани учун у муддаоларни ўзгаларнинг воситасисиз арз жойига етказди. Агар жанобларининг шарафли мажлисларида ҳам бу услубга риоя қилинса, ўртамиздаги сўзлашув гўё воситасиз бўлгандек бўларди. Шафқатпаноҳ жаннат дастгоҳ Искандархоннинг - тангри қабрини (ҳамиша) мунаввар этсин - воқеасини сўраш жиҳатидан саййидлик паноҳи, нақобат насаб, бу мамлакат улуғ саййидларининг улуғларидан, руҳонийлар руҳонийси Мир Садржаҳонни тайин қилган эдик (лекин) баъзи хайрлик ишлар сабабли кечикиб қолган эди, шу вақтда номи зикр қилинган ҳикматпаноҳ ҳамроҳлигида юбордик. Тухфа ва ҳадя намуналарини эса алоҳида тушунтиришлар билан хос кишиларимиз улуғи Муҳаммад Али орқали жўнатдик. “Бир-бирингизга ҳадялар юборинг, (токим) бир-бирингизга дўст бўлинг” (деган) порлоқ (ҳадиснинг) тақозоси билан иш қилиб, доимо ўзаро бир-бирига элчи юбориш ва туҳфалар ҳадя қилиш тартиби йўлга қўйилмоғи лозим.

Паризод кабутарларнинг Фарғонадан талаб қилиниши ва уларнинг юборилиши ҳамда (қушлар) ишқибози Жаййибнинг келиши сабабли қанот соҳиблари (кабутарлар) қувонч ва севинчга келиб, яқжиҳатлик ва дўстликнинг хушбўй ҳидини искатди.

Агар бу паррандаларнинг парвозига таважжуҳ биринчи назарда ўйин ва тамошога бўлган таважжуҳдан ортиқ бўлиб кўринмаса ҳамки, лекин иккинчи назарда, кабутарларнинг чархи ва ўйини “арбоби важд”ларнинг (яъни худога нисбатан ишқ соҳибларининг) шавққа бўлган нисбати ва завққа бўлган муносабатидан дарак беради ҳамда яратувчига тавважжуҳ қилишнинг сабаби бўлади. Ҳазрати Вожиб таоло кўнгил сирларидан огоҳ эмасмикинким, яратувчи жамолига боқишда гоҳо шу иш мисолидаги сурий машғулотлар пардадан ортиқ бўлаолмайди ва ҳақандиш хотиримиз танҳо ва кўриниб турган пар билангина кифояланмайди, албатта.

Умид шуки, муҳаббатнинг мўътабар саҳифалари ва дўстликнинг шонли элчиларини юбориш билан доимо ихлос силсиласини уйғотгайлар ва ихтисос (яъни хос, самимий муносабат) асосини таъсис этгайлар.

Шеър:

Нома “ихтисос” сўзида бўлди тамом,
Вассалому валикром.

**Ҳақиқатни изловчи жаҳондор, тоғдек савлатлик,
адолатпарвар, илоҳий соя осмонининг юлдузи, шаҳаншоҳлик
конининг гавҳари Жалолиддин Муҳаммад Акбаршоҳ
Фозийнинг Турон мамлакатининг сипоҳдори Абдуллаҳон
Ўзбекка хитобномаси**

Қудсий асос (муқаддас) шукр яратувчиғаки, у ўз яратувчилик қудратининг кучи билан бу хилма-хил оламни ўзининг суvari илмийясидан¹ иборат бўлмиш бир қанча воқеа-ҳодисалар билан биргаликда қоронғулик махфийхонасидан ёруғлик оламига келтирди ҳамда кишилар тоифаларини гоҳ пайғамбарларнинг

1. Суvari илмийя - тасаввуфга оид термин бўлиб, “борлиқ олам”, “барча мавжудот” демакдир.

ва пайғамбарлар олийси Расулнинг - уларнинг ҳаммаларига тангрининг салавати ва саломи бўлсин - пок зотларидан бўлмиш маънавий раҳбарлар ҳукми остида иродий бирликка жипслаб, уларга интизом ва ҳамжиҳатлик бағишлади ва гоҳо эса улуглик боргоҳининг устунлари бўлмиш дунёвий тахт безовчиларининг қудратли ҳамласи билан уларга тартиб бериб, куч билан амалга ошган бирлик орқали бу кўриниб турган оламнинг қонун-қондасига оройиш берди.

Мақсаднинг катта йўлидан борувчи карвонбошилар (яъни пайғамбарлар) руҳига олам-олам ҳамди санолар бўлсинким, улар бу маънини танлаган художўйларни ва бу борлиқ оламда яшовчи бандаларни гумроҳлик чангалидан ва ихтилоф биёбонидан ихтидо ва ҳамжиҳатлик дорулмулкига олиб кириб, мақтовга арзийдиган муваффақият ва оқибати бахтиёрлик билан боқий хилватхона (яъни жаннат) томон шошилдилар.

Олам-олам илохий кумақлар ва самовий ёрдамлар фақат замон ахволини фисқу фужур ғавғосидан ва бахтсиз ҳолисалар фалокатидан сақлайдиган, узларининг ҳамма химматларини иттифокда бўлган барча халқларнинг эмин умонлиги йўлига қаратиб, харобаларни тўзатиш билан олам ободлиги учун интилаётган давр уруғлари ва буюкларига хосдир.

Ва замона учун саодатлик ва кўнгил учун шодликдан иборат бўлган севинчга тўлиқ ва хурсандчиликка шомил вақтда дилни олувчи, гуллаб-яшнаган Кобилда ҳамжиҳатлик нигористонининг намунаси бўлмиш нафис ва мусаффо лавҳани (мактубни) кўриш ҳамда дўстона ва танланган дебочани ўқишлик билан дилхушлик ва хуррамлик пайдо бўлди.

Самимий дўстликнинг тоза ҳиди ҳамда очиқ кўнгиллик ва дилхоҳликнинг муаттар бўйи яратилган боғлар гулзоридан (яъни мактубдан) ҳамда маъни ва мазмунлар райҳонидан эсиб, у файзлик ҳушбўй янги руҳ билан тозаланди ва жаннатдек гуллаган кўнгил беандоза равшанлик топди. Муҳаббат ва қадимий дўстлик боғлари гуллаб-яшнаб кетди ҳамда самимийлик ва ҳамжиҳатлик асоси мустаҳкамланди.

Бу мақтовга сазовор хуш одат (яъни ўзаро мактублар юбориш) аслида руҳоний учрашув ва сўзлашувдан иборат бўлиб, фақат угина муштоқ диллар шодлигини орттира олади ва соф кўнгил севинчининг зийнати бўла олади. Бу хуш одат

юзма-юз ўтириб қилинган мажлислар ва очиқ-ошкора суҳбатларнинг мислсиз бадали ҳисобланиши мумкин.

Сулҳ асосини мустаҳкамлаш ва ҳамжиҳатлик чашмасини тозалаш йўлида ҳар икки томон аҳамият берсин деб, хушбўй ҳома билан ёзилган ва “Ҳиндиқўх ўртамизда бўлсин” (деган) сўзлар “маъқул назаримизда жилва қилади. Маълумки, (пайғамбарлар) бу мавжуд ва фасад оламида муҳаббат ва ҳамжиҳатликка тааллуқ бўлмаган нарсанинг пайдо бўлишини мақсадга мувофиқ деб кўрсатмадиларким, коинот силсиласининг интизоми ана шунга (ҳамжиҳатликка) боғлиқ ва алоқадордир. Ва ҳар қанчонки, бу маъни қудратлик боргоҳ устунлари бўлмиш султонлар табақаси даврида зоҳир бўлса, (бу ҳолда) ҳамма вақт молу мулк баракали, самарали ва яхши натижали бўлади ҳамда минг-минглаб аҳоли ва (турли) синфдаги (инсон)лар сиҳат-саломатлик бешигида ором топадилар.

Сулҳ маросимларини изҳор этишда ва дўстлик лавозимларини амалга оширишда бизларга пешқадам бўлмоқлик керакким, ўтган ҳокимларнинг кўпчилигига қарама-қарши ўлароқ, барча ҳақ талаб ҳимматимиз субҳи саодатнинг очилган вақтидан бошлаб доимо ҳамма табақалар билан яхши муносабат ва самимий алоқада бўлиш йўлига қаратилсин. Ва ҳар қанча бу воқийнинг (яъни дўстликнинг) шаббодаси (яъни ташаббусчиси) у улуғ зот бўлсалар, у вақтда бу хил муносабатларни сақлаш ва бу зайлдаги алоқаларни ҳимоя қилишлик бизнинг ҳиммат зиммамизга янада кўпроқ лозимдир. Бинобарин, шу кунлари Эрон ҳокими қадимий таниш-билишликни ва собиқ ошноликни назарда тутиб, Ёдгор Султон Румлуни юбориб ёрдам беришни илтимос қилган экан, (бу илтимос) қабул қилинмади. Ва яна, Шоҳрух Мирзо совуқ иқлим вилоятларидан бирида - Кобилда ёки Кашмир ё Савод Бужир ва ёхуд Тироҳда жогирга эга бўлиш орзусини қилган эди, яқин қўшничилик мулоҳазасини қилиб, унинг илтимоси ижобатга олинмади, унга Малва вилоятида жогир бердик.

Шунингдек, Қандаҳор мирзаларини олий даргоҳга чақириб, қадимдан империя(миз)га кирган бу вилоятни (Қандаҳорни) қўриқлаш бобирий мирзаларга тайин қилиндики, мабодо Турон қўшинлари бу ерларни Эронга тегишли деб ўйлаб, (унга) қасд

қилмасинлар ва у баланд шавкатликнинг давлати билан империя(миз) ўртасида жиддий келишмовчиликлар воқеъ бўлмасин.

Ва яна, дайди бадтабиатлардан бири “мен Шоҳрух Мирзонинг ўғлиман” деган даъво билан Бадахшон Кўхистонида кўзғолон кўтарган. У диёрнинг заминдорлари ҳам унга қўшилганлари ҳолда ҳарчанд илтимосномалар юбориб, ёрдам сўрамасинлар, (уларга) илтифот қилмадик, токим (у) бадбахтлик даштида саргардон бўлсин. Демак, сўз устидан чиқиш олий ҳиммат учун зарурдир. Модомики, “сулҳ” нинг бош ҳарфи ўртага ташланган экан, кўнгил шуни истайдики, бу воқеанинг шакли шундай маънида амал топсинки, улуғларнинг иши – тангрининг қилмиши бўлсин.

Ҳақиқатан ҳам, агар кўнгилни завқлантирувчи бу сўзларнинг асл маъноси элчи ва номалар юборишликда ўз ифодасини топса, қандай яхшики, олий жойни (яъни учрашувни) муқаррар қилмоқ керак, токи бу қароргоҳда ҳамжиҳатлик базми безалсин ва воситачисиз ҳамда ўзгаларсиз диний ва дунёвий мақсадлар, шаклий ва маънавий матлаблар соф, беғубор сўзларда, тўғри-ҳақиқий талқинда равшан бўлсин.

Муборак қулоғимизга етдики, Панжоб ҳудудида бўлишимиз барча бўҳтончиларга “бу дўстлик асосига қарама-қарши бўлган иш”, деб айтишларига баҳона бўлган. Худо кўрсатмасинким, кўнгил хилват саройида бўлмаган иш тил пешгоҳида зуҳр топса, тақдир ва таҳрир қилинган нарса унга қарама-қарши ҳолда амалга ошса. Бу диёрнинг ҳавоси ва сайру шикори (кўнгилга) хуш келган бўлишига қарамай, хотиримизга (шу нарса) келдики, дорил-ҳилофот Атра томон юрсак, токи беҳуда сўзловчиларнинг тили боғлансин.

Шоҳрух Мирзога нисбатан ҳамон хотиримизда губор бор, деб ёзилган сўзлар (чўқур) мулоҳаза қилинди. Илоҳий нурларнинг матлаби ва яхши ва соф хулқ-атворларнинг зуҳр этган жойи бўлмиш баланд мартабали ҳокимлар ва олий шавкатлилар ўртасида, ҳеч қачон, ҳанузгача тенглик руҳи ва дўстлик таъби қарор топмагач, бошқа гуруҳлар орасида қандай ҳам қарор топсин. Алаҳқусус, қилмишига сабаб ёшлик ва нодонлик бўлгач, неча афв ва кечиримнинг зилол суви билан ювилмасин. Ва у (Шоҳрух Мирзо) ўзбошимчилиги орқасида бу олий хонадонга (яъни Акбар давлатига) нисбатан қилган гуноҳи туфайли унинг мукофоти

Ўлароқ гурбат биёбонида сарсону саргардон бўлди. Бу томонга паноҳ тортиб келган вақтда унинг пешонасида афсусланиш аломатлари борлиги кўринди.

Ва Шоҳрух Мирзо ва Муҳаммад Ҳаким Мирза фарзандларининг бу давлат остонасида илтижо қилиб келишлари у олий ва шавкатлик пок хонадонга муҳаббатнинг аломатидир, деб ишора қилинибди. Бизга тегишлик, хос кишиларнинг бу томонга келишини қандай қилиб шундай тасаввур қиласиз? Муҳаббат ва ҳамжиҳатликнинг тақозоси билан фатҳлар тафсили ҳома воситаси билан ёзилган экан, биз буни у олий зот яхши ниятларининг натижаси деб ҳисоблаб, ҳушвақт бўлдик. Азиз фарзанд (Абдулмўмин) ёшлиги туфайли ўзига номуносиб бирмунча ишлар қилибди, бундан кўнгил қолиб, дўстлик этагига чанг ўтириши мумкин, деб ва бунинг учун узр-маъзур айтилиб дўстлик қалами билан битилган (ва) Мавлоно Ҳусайний келтирган гапларга келсак, элчи келишидан олдин йўлда сувга чўкиб кетганидан мактуб мазмуни маълум бўлмаган эди. Ҳақиқатни танланган хотиримиз бу воқеани эшитишдан афсусланди. Қадимий дўстона муносабатлар ҳеч қачон шу хилда ҳақиқий дўстлик қонун-қоидалари билан тартиб топмаган ва интизомга кирмаган эдики, мабодо бирор бир нарса бўлса ҳамки садоқат этагига маломат ғубори ўтирмасин. Фарзандлар ўз ҳақиқий оталарига, хусусан у олий дастгоҳга эркалик қилгач, мажози падарга нисбатан бу маъни ва юз берса нима бўлибди?! Фарзандлик бахт шуки, ота ризоси фарзанднинг ҳиммат бурчи бўлиб, буни асрашда у астойдил ҳаракат қилади.

Ишбилармон элчиларнинг воситаси билан бир қанча марта қарор топган буюк аҳдномалар ва шарафлик шартномалар ҳақписанд хотирамизда ҳамон жилоланган ва нақшлангандир. Муслмонлик расми ва валинеъматлар одатига кўра, дўстлик ва якжиҳатлик устунларини абадийлаштириш учун ҳақиқатни ихтиёр этган ва ҳиммат хислатлик оммага унинг (бу хилдаги саъи ҳаракатларнинг) ўндан бири ҳам етарлик кофийдир. (Юқорида) баъзи юришлар Аҳмад Али Оталиқнинг келишига қадар кечиктирилади, деб ёзилган сўзлар (маъноси) тушунилди. У жаҳонгаштага рухсат берилиш ҳақиқати шариф қулоқларига етиб борса, (у шундайки) рухсатдан сўнг, олий зот ва огоҳдил билан учрашиши ҳақидаги зарур амр ҳам қилинди. Агар муқаддас

жойга етиб бориб унинг (Аҳмад Али Оталиқнинг) ростгўй тилидан садоқат сирлари ва мувофиқлик назокатлари у олий гавҳарга маълум бўлса, савоб андиш кўнгилларида яширинган ҳар бир иродани пинҳонлик ичидан (чиқариб) ишга соладилар ва дўстликни мустаҳкамлаш лозимлиги йўлида қандай ёрдам ҳақиқатни ихтиёр қилган хотирларига келса айтсинларки, бу муносиб интилишда нур порлайди. Тангрига шукурлар (бўлсин)ки, фармонраволик тахтига ўлтирган вақтдан то ҳозирга қадар - ҳозир иккинчи асрнинг ўнинчи йили субҳе иқбол равнақининг аввали ҳамда буюк баҳор гуллашининг илк давридир, - бу тангри даргоҳидан (илтифотлар) сўровчининг барча ҳақиқат асос нияти шуки, ўз ғараз-мақсадларини назарда тутмай, доимо жаҳон халқларининг тартиб ва интизоми йўлида саъи ҳаракат қилади. Ва бу саодат партов феъли-атворнинг самарасидан бир қанча юқори даражалик ҳукмдорлар ўртасида (илгари) бўлиб олинган кенг Ҳиндистон мамлакати тасар-руфимизга ва иқтидорлик ихотамизга кирди. Ва яна, кунгурали тоғлар ва мустаҳкам қалъалар ҳамда мушкул жойларда кибр ва кабрли ердаги ҳокимиятга итоат қилмай, душманчилик йўлидан борган инсон табақалари яхши ният(имиз)нинг тақозоси билан кетма-кет итоат йўлига кирдилар ҳамда турли инсон гуруҳлари учун - уларнинг бир-бирларига нисбатан қарама-қарши кай-фиятда ва муҳолифлик феъл-атворда бўлишларига қарамай, ўзаро алоқада бўлиш муносабатлари пайдо бўлди.

Дуруст (ният) ва ростгўйлик ҳамда яхши ишларнинг натижаларидан бўлмиш диловиз сўзлар то шунгача етиб келган экан, ночор тангри неъматларининг баъзилари ҳақида - худога шукурлар ва одил тангрига мақтовлар бўлсин - баён қилиб, яқжиҳатлик базмини шодлик билан безатилади. Муқаддас олам нури билан жилоланган кўнгил ойнангизга маҳфий ва яширин қолмасинки, шу кунлари буюк қўшиннинг Панжоб мамлакати томон кириб келиши содир бўлди. Гарчи (бу юриш) юзаки қаралганда бу ўлканинг сайри ва шикори бўлса, аммо (аслида) мустаҳкам ва устиворликда тенг ва мисли йўқ, оромбахш ва латофатда узоқни кўрувчи доноларнинг зарбулмасали ҳам маъқул тушиши мушкул бўлган ва то шу замонгача давр султонларининг пойи қадами етмаган, кўнгил(ни) олувчи Кашмир вилоятини бўйсиндириш ҳам маҳфий фикрда бор эди, (чунки) у мамлакат

ҳоқимларининг адолатсизлиги қудсий қулоғимизга етган эди. Самовий мадад билан басавлат баҳодирлар ва шон-шавкатлик гозийлар андак фурсат ичида у мулкни тасарруфимиз ихтосига киритдилар.

Магар у ернинг ҳоқимлари жангу жадалда кам-кўстлик кўрсатмаган бўлсалар ҳам, ҳақ асос ниятимиз фақат яхшиликдан иборат бўлганидан (ғалаба) ҳуш чехра билан намоён бўлди ва ўзимиз ҳам тангри (биз учун) янгитдан ато қилган қутлуғ равишли мамлакатга бориб, парвардигорга шукрни бажо келтирдик.

Ва яна (Панжоб мамлакатига кириб келишдан мақсад) Кобилнинг сайру шикори ва у хурсандлик ишрат саройининг гашти эди. Кашмир тоғларининг энг узоқ чеккалари ва Табатда сайр қилиб ва у илоҳий санъат нигористонининг нодир (манзара)ларини ибратбин кўзимиз билан кўриб, бир-бирига туташган тоғлар ва турли-туман баланд-пастликлар ҳамда ўнқир-чўнқирлар билан чегараланган Пакли ва Дамтур вилоятларининг йўли орқали осмонни сайр қилиш ҳар бир фикр ва баландликни ўлчаш ҳаёли бу йўллардан ўтишликни ваҳимали ва мушкул деб билади - кўшинимиз дилга маъқул тушган Кобилга етиб келди.

Ҳақпараст хотирдаги маҳфий фикрлардан бири шуки, мамлакати рўзи афзуннинг (яъни Ҳиндистон) ғарбида Дарёи Шўр соҳилида жойлашган ва ўз қўл остидагиларга адолат йўлини тутмаган Тата ҳоқимига ҳушёрликни оширувчи биринчи насиҳатлар қилинса, токи у фармонбардорликнинг асосий йўлига раҳнамо бўлсин ва агар бахтнинг мададсизлиги натижасида шинаванда насиҳатларга қулоқ осмаса, у кенг мамлакат ва у фаровон ўлка бўлмиш бу вилоятни адолатлик фармонбардорларнинг бирига топширсин. Ва ақли расо ва узоқни кўрувчи ҳамда (насиҳатларга) қулоқ берувчи бўлмагач, насиҳатомуз дostonни афсона деб ўйлаб, ўзбошимчалик кайфияти билан озгинагина ақлдан ҳам ажралди. Муносиб лашкарни у ўлка томон юбордик ва ихлосманд баҳодирлар ҳар хусусда тайёргарлик ва тараддудга аҳамият бериб, икки йилга яқин муддат ичида хоҳ дарёларда (бўлмасин) ва хоҳ саҳроларда (бўлмасин) айрим-айрим жангу жадал қилдилар. Ҳақиқатни ихтиёр этган барча ниятимиз жаҳон аҳлининг фаровонлигига қаратилгани учун ҳамма ерда зафар ва ғалаба

этиқодли келажаги бор ул гуруҳнинг (ислом лашкарларининг) ҳолига муносиб бўлди ва “муомалани билмайдиган ва узоқни кўраолмайдиганларнинг иши ҳамиша баробардир”, деган қадимий қонун-қоидага биноан у ернинг ҳокими устига шикаст тушди. Ва унинг таъбида саодатлик асоси бор экан, омонлик истаб ва аҳду паймон қилиб давлат волийлари қарорига кирди ва у улкан мамлакатнинг ҳаммаси ҳамда бу дарёнинг барча қалъалари мерос мамлакатга қўшилди. Ва ҳар қанча жангу жадал қилганига қарамай хизмат(имиз) га мушарраф бўлгач, унинг пешонасида саодат-мандлик аломатларини яна кўриб, зўр (ва оғир) жанглар билан қўлга киритилган у мулкни қайтадан унга илтифот қилдик.

Савобандиш кўлгилда бор ниятлардан бири - Бужир ва Тироҳ атрофларидаги мустақкам тоғларда макон қуриб, доимо Турон йўлидаги карвонларга тажовуз қилиб турувчи, қурту кумурсқалардан ҳам кўп бўлган ҳайвонсурат ва ваҳший табиат афғонларнинг танбеҳ ва адабини бериш эди, бу иш ҳам адолат тақозоси билан муносиб равишда амалга оширилди. (Уларнинг) кўпчилиги итоат ва бўйсунуш халқасини хушёр қулоқларига илдилар ва димоғларида пасткашлик ва даҳрийлик қора нияти бўлган бу йўл тўсувчи қароқчиларнинг бир гуруҳи (бўлса) тоғ ҳайбатлик филлар оёғи остида поймол бўлдилар ва қўплари илоҳий қаҳр ҳукмининг арқони билан асир олиниб сотиб юборилдилар.

Ва яна, ҳақиқатни ўз ичига олган маҳфий фикрлардан бири ахлоқи бузуқ балужларни тўғри йўлга солиш эдики, улар доимо хавф туғдириб ва ғорат умидида бўлиб, ҳамда итоатдан чиқиб, Эрон саёҳатчиларининг йўлини тўсганлар ва талон-торожни “тамғо” атаб, мусулмонларнинг кўпчилигини озиқ-овқатсиз ва сармоясиз қилганлар. Бу (иш) ҳам кўнгилга ҳуш келадиган тартибда нақшланди.

Дил маъқул кўриб кўнгил ойнасида маҳфий бўлган ҳар қандай иш зуҳр пешгоҳида дил хоҳлагандан ҳам яхшироқ жилваланди. Яхши ниятлигимизнинг баракотидан иқбол туғимизнинг Панжобда бўлишига қарамай, қирқминг киши билан мақтанчоқлик дамани урган султон Музаффар Гужаротий голиб мужоҳидларнинг саъйи ҳаракати билан қўлга тушди ва у диёрнинг барча саркашлари ва бўйин товловчилари омонлик истаб итоаткорлик хирожини ўз зиммаларига олдилар.

Ва ажойиб воқеалардан бири шулки, уни (султон Музаффар Гужаротийни) хилофот остонасига келтираётган вақтда у ўз-ўзини ўлдирди. Раҳм-шафқатни ихтиёр этган хотирамиз бирор бир одамни ўлдириш ва (ёки) тангри бунёд этган (бирор) нарсани йўқ қилишда атрофлича ва чуқур мулоҳаза қилади. Ва шу (фикр) ғолиб чиққан эдики, агар (уни) назар пешгоҳимизга келтирсалар у (албатта) саломат қолади.

Ва яна жанг талаб муборизларнинг ҳаракати билан машҳур Сумнот Бичунагада ва Уммон денгизининг жанубга томон кетган соҳилларида жойлашган Суратнинг бошқа вилоятлари тасарруфимизга киради.

Ва яна улкан Декан вилоятининг улуғи бўлган Низомулмулкнинг биродари Бурхонулмулк замон ҳодисаларидан бу томонга паноҳ тортиб келган эди. У ўлкадаги ҳаққоний аҳвол ҳақиқатни эшитувчи қулоғимизга етиб келгач, Бурхонулмулкка зўр илтифотлар кўрсатилиб, Деканни бўйсундиришни унга топширган эдик. Исён ва раъиятга ситам етказилаётганлик хатари келгандан сўнг, Малва ва Ҳондис вилоятларининг амирлари ҳукми олийга итоат қилиб ул вилоят (Декан) ҳокимлигини Бурхонулмулкка топшириб қайтиб келдилар. (Бурхонулмулк эса) кам ҳафсалали бўлганидан кишилар кайфи тобини синамай туриб, мустақилликка интилди. Кўрнамаклик йўлига киришга ошиқиш - ўз-ўзини йўқ қилишдан иборат бўлганидан, андак вақт ичида ундан ва фарзандларидан асар ҳам қолмади ва у диёрнинг бошлиқлари ул силсилага мансуб бўлган кишилардан бирини (ҳокимиятга) кўрсатиб, мағрурланиб кетдилар.

Иқбол юлдузи, давлат ва шон-шавкатнинг равшан кўзи (бўлмиш) саодатманд фарзандимиз султон Мурод бошчилигидаги зафарасар аскаримизга (Деканга юришга) фармон бердик, улар тангрининг қўллаб-қувватлаши билан ўзи бир бошқа Ҳиндистон аталган ул кенг мамлакатнинг кўп қисмини тасарруфимиз ихотасига киритдилар.

Ва яна ҳақиқатманд жангчиларимиз шарқий мамлакатлар чеккасидаги Дарёи Шўрга туташган кенг Удийса (Орисса) вилоятини бўйсундирдилар ва бир неча минг сипоҳлари омонлик топиб, мулозимлар қатори хилофот остонасига келдилар.

Тангри неъматларини санаб ўтмоқ узун бир дostonдир. Ул қудратли даргоҳ хотираларининг хушнудлиги учун шу хил даражада (баён қилиш) маъқул кўринди.

Мавлоно Хусайний мулозимат (яъни элчилик хизмати) билан бахтиёр бўлганидан кўп ўтмай салтанат ишларини безатувчи мутасаддиларга ишорат қилиндик, улар (Мавлоно Хусайнийнинг Ҳиндистонга кириши учун) тезда муносиб рухсат қилсинлар. Дебочада кўрсатилдик, шу вақтда бирмунча бахти қаролар дилга маъқул тутган Кашмирда фитнаю фасод бошлаб, тангри ато қилган давлатга ихтилоф ва низо кўрсатдилар. Иқбол кўшинимиз эса барча яқин кишилар билан бирликда айшу ишрат учун овга кетган бўлиб, тангри қудратининг ёрдам кучи билан ибратбин кўзимиз очилди ва у ғалаён ҳақида хабар топилди. (Сўнг) шамол ва ёмғирнинг ҳаддан ошишига қарамай, (тезлик билан) йўлга тушдик. Фолиб ғозийлар мушқул йўллардан ўтиб, бу мулкга киришларидан аввал зарурият орқасида бу нопок тўфонга тушиб қолган баъзи саодатлик ҳақиқатмандлар фурсатни қулай билиб, уларнинг энг катта бошлиғини бошини келтирдилар. Шавкатлик кўшинимиз яқинлашиб келган (ҳам) эдик, бу беҳазон боғистонга яна ўтишга тўғри келди ва бу файзбахш гулзаминда шаклий ва маънавий лаззатлар олинди. (Шунинг учун) элчи юборишлик кечиктирилди. Хисравона туғимиз (ўша вилоятдан) қайтаётганда йўлда Мавлоно Хусайний воқеасининг хабари келдик, у қорин шишиш касали билан ўлди (деб). (Бу хабар) афсусланишимизнинг ортишига сабаб бўлди. Бинобарин, муҳаббатни орқидирувчи баъзи сўзларни буюк авлиёлар авлюди, соф зотлилар хулосаси, бу олий хонадоннинг улуғларидан бўлмиш Хўжа Ашраф орқали айтиб юборилди, токи мунаввар кўнгилларини барча ҳақиқий аҳволдан огоҳ қилсин ва ҳам элчи ва номалар воситаси билан таҳлил этилган ва мустаҳкамланган аҳду паймон муносабатлари аниқ бўлсин. Муҳаббат ва бирдамлик шон-шуҳратининг қудратидан умид шулки, қувончни орттирувчи хушxabарлар билан кўнгил бўстонига тозалик бағишласинлар.

**Жаннатмакон, абадий оромгоҳдаги Ҳазрат Саййид
Абдулазиз Муҳаммад Баҳодирхоннинг шох Аврангзебга
Ҳинд (истон) тахтига ўтиришини қутлаш юзасидан ёзган
мактуби**

(Аврангзеб) тахтга ўлтирган Хисрав, осмон каби юксак саройнинг қувончи, фалакнинг тўртинчи чаҳор болишида¹ тахт безатувчи хоқон, замон ва заминнинг қувончи, яратилган одам кўринишининг одоб гулшани, ихтиро ва ижод ўлкаси чаққон юрувчиларнинг жавлонгоҳи бўлиб, у жаҳонгирлик зуҳуридан баланд тахтга ўтиришликнинг ёруғ нури, халқларнинг умид силсиласининг пайваста ва олам аҳволи низомининг бошқарувчисидир. У ҳаминша хайру эҳсоннинг ёруғ нури, илтифот-паноҳ, хушёрлик ва муҳаббат дастгоҳи, дўстлик ва ҳамжиҳатлик огоҳи, фармонравонлик майдонида тахтда ўлтирувчи, жаҳонкушолик бисотида олий макон, мулку миллат асосини мустаҳкамловчи, давлат ва дин пойдеворини қурувчи, ирода масалаларининг туғроси, фатҳу зафар муқаддимаси, подшоҳлик тожига фатҳ бахш этувчи, шаҳаншоҳлик кулоҳига зийнат берувчи, кўрагоний байроғини ўрнатувчи, соҳибқиронлик оятларини ижод этувчи, дин ва миллат ёруғ тонгининг (ва) осийлик ҳамда душманлик жаҳолатини барбод этишнинг далили бўлган юксаклик ва ҳашамат, буюклик ва илтифот, иқбол ва шон-шуҳрат учун тайин қилинган бўлсин (ва) адолат ва ҳақиқат маконига равнақ берувчи ҳамда бирдамлик ва иттифоқнинг кўрки бўлсин.

Мунаввар кўнгилларга махфий қолмасинким, барқарорлик ва яқдиллик расми заковатликлар наздида дўстлик сийнасининг жавҳаридир, ҳамда қадршуносларнинг мамлакатлараро маънавий дўстлиги ва аҳиллиги - вафо ва улуғлик учун қиймат бебаҳо бир матодир. Бу нарса боқий маслаги (яъни ислом) даги карам йўлидан борувчиларнинг (асосий) йўли ҳамда соф ва тоза суфа (яъни тахт) да ўтирувчилар (қўлидаги) қурол бўлиб, бунинг

1. Фалакнинг тўртинчи чаҳор болиши ибораси “Чаҳордонак” терминининг синоними сифатида ишлатилган, яъни Ҳиндистон демакдир.

асл маъноси тушуниб етиш тангри ато қилган марҳаматларидан бўлади.

Ҳақиқатан ҳам ўртадаги самимий муҳаббат ва маънавий ҳамда руҳий сўзлашув бўлмиш мактуб ва хабарлар орқали қилинган маълумотларга бирдамлик ва ҳамжиҳатлик биносининг асосини мустаҳкамлашдир, деб ном берсалар.

Шу кунлари эшитилдики, хилофотнинг оламини ёритувчи офтоби шаҳриёрликнинг шарафи буржидан ул мусаффо саболик комронлик чаманининг иқбол пешонасини ярқиратган ва илоҳий иноятнинг барқ урган нурлари саропарда (осмон тумбази) орқасидан кўрагоний авлодининг айни у аъзосининг улуғ жабҳасига толеъ ва ёғду сочган. Яратилишидан бошлаб одамзодга қатъий тегишли бўлган жисмоний таносиб ва руҳий яқинликка кўра, ошнолик маросими ва дўстлик қондасини улуғлаш ва янгилаш орзуси бундан аввал (ҳам) хотиримизда бор эди. Шу пайтда (бу) хушxabар ҳақидаги янги маълумотлардан ва кўпдан кўп (бошқа) хабарлардан қувонч устига қувонч қўшилиб, хурсандчилик ҳад-ҳисобсиз ортди. Ана шу он халойиққа инъом этилганларнинг ҳимояси ва халқлар шоду хуррамлигининг қуроли бўлмиш бахтиёр тахтга ўтиришликни табриклаш юзасидан бу мамлакатнинг кўзга кўринган акобирларидан бўлган саодат-паноҳ, тақводор, авлиёлар сулоласидан, азизлар зотидан бўлган, бахтиёр оқибатлик Хожа Аҳмад ва Ҳусайний Нақшбандийни фаровон сарварлик ҳузурларига юбордик, токи жаннатдек ҳашаматлик манзилга етиб боргач, номи зикр қилинган Хожа барча айтилган сўзларни (бирма-бир) баён қилур. Умид шулки, доимо шу тартибда бирдамликнинг зўр ифодаси бўлган мактуб ва элчилар юбориб туришда саъй-ҳаракат қилиб, бирлик ва ҳамжиҳатлик қонун-қондасига муҳаббат ва дўстлик асосининг инъикоси билан имтиёз ва махсус муносабат бахт этсалар. Ҳаққи субҳоний таоло эҳсонлик аждодларнинг у покизасининг давлатини ҳамиша барқарор ва мустаҳкам қилиб, (ўзини) фитнанинг макридан ва фирибгарликнинг алдовидан асрасин ва сақласин, пок парвардигор ҳақи.

**Ҳиндистон подшоҳи (Аярангзеб)нинг бир қанча
жонивор юборилгани сабабли Абдулазизхонга
жавобномаси**

Дўстлик ва содиқликнинг анбар бўй сабоси ҳамда бирлик ва мувофиқлик шамолининг ҳуш иси ошнолик ерига атр сепувчи ва иттифоқлик мажлисининг ажойиб нақши бўлганидан ҳамиша айшу ҳузур асосли ва доимо хурсандчилик ва завқ айёмли, баланд манзиллик, юқори мартабалик, олий мақом, шавкат ва ҳашаматпаноҳ, салтанат ва азамат дастгоҳ, бойлик ва фаровонликни зиёда этувчи, дўстликни ва муҳаббатни уйғутувчи, адолат ва шавкатлик хонадонининг сараси, шижоат ва иқбол онласининг айни муносиби, садоқатназар, иззатасос, зийракравиш, адолатшунос (у жаноб) доим бахтнинг мушки анбар таратишидан ва иқболнинг атр бўй тарқатишидан ажойиб эрам (боғи) ва жаннат мисол бўлсинлар!

(Эй) иқбол эгаси! Бир қанча тезучар обғоз лочинлари совға расми билан юборилган экан, улар кўп таълим ва тарбиядан сўнг яхши учадиган ва яхши равишлик бўлдилар. Яратганнинг хизматлари ва халойиқнинг муҳим ишларидан хотиржам бўлингач, марҳаматлик хотир учун ҳаёт белгилаб қўйган тузоқдан озод бўлиш йўлида шикор машғулотида бошқа (бирор бир) дурустроқ баҳона ва сабаб йўқдир. Умид шуки, бу сафар ҳам бир қанча яхши, тезучар обғоз лочинларидан, уларнинг битта урғочи жўраси билан (... ?) юборилса. (Бу) албатта, (ўзаро) алоқаларнинг кучайиши ва дўстлик асосининг мустаҳкамланишига сабаб бўларди.

Юборилган туяқуш танҳолик юкини тортишдан бир лаҳза ҳам фароғатдан кечириб, жўраларидан яккаланган ҳолда гариблик қафасида танҳо қилингандирлар. Агар буларнинг ҳаммасига ёр ва ғамгузорларидан юборсалар (бу иш) муҳаббатдан ҳоли бўлмас эди. Иқбол лочини тузоқда бўлсин, мурод ови мақсадга етсин.

ЎЗР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси.

Инв. № 289.

Турон мулкнинг сипоҳсолари Абдуллоҳон Ўзбекнинг хонларидан бирига

(У) ҳақиқатга мухлис ва ул покиза саодатли хонадоннинг ақл гавҳари, давлат кишиларининг хотирида (мустаҳкам) ўрнашганидир ва у жанобнинг ажойиблиги муқаддас шаҳоншоҳлик¹ мажлисида ҳамма вақт зикр қилинмоқда. Қандай яхшики, (у) баланд бахтли давлатманд саодат етакчилигида ўз зотини шундай (олий) шоҳликка² шаклан ва маънан манзур қилабилса. (У вақтда) бу тўғри пайвандликнинг натижалари баракасидан диний тилаклар ва дунёвий мақсадлар дил хоҳлагандек амалга ошади. (Шунга кўра) ҳақиқий аҳволлари ҳақида узлуксиз ёзиб, ўзларини эсга солиб турсинлар.

Эътиқодни ихтиёр этган ишбилармонларнинг расм-одати шуки, ўзлари бирдамлик асосининг посбони бўлганларидек, ўзларига ўхшаш ва ўзлари кабиларга шу хилда йўл тутишни ўрганишга ҳаракат қилсалар. Равшанки, у саодатли ҳар икки иш³ юзасидан ҳам муваффақият қозонади. Яхши андишали, ҳикматталаб Ҳаким Хумом “Муқаддас мулки”ни ихтиёр этган экан⁴, жаҳон подшоҳининг Хумоюн ишорати шундай бўлдики, бу ҳақ йўлнинг фидойи⁵ мактублар юборишни бошлаб юборади. (Шу ҳам лозимки), ҳақиқат ичида қандай орзулар пинҳон бўлса, уни маълум қилиш билан (бизни)хушвақт қилдилар. Оқибати хайрли бўлсин.

1. Акбар давлати.

2. Акбар давлати.

3. Ҳар икки иш, яъни дўстлик посбони бўлиш ва бошқа (хонлар)ни ҳам шу ишга тортиш.

4. Вафот этган экан.

5. Бу ҳақ йўл фидойи, яъни нома битувчи Абдулфазл Алломий.

**Абдулфайзнинг Меҳтар Убайдулло элчилиги
жихатидан Ҳиндистон
подшоҳига ёзганлари**

Тангри файзнинг мадади ва пок парвардигор карам булутининг томчилари билан меҳру муҳаббат ва ҳамжиҳатлик райҳонларининг муаттар иси ҳамда улфат ва дўстликнинг хушбўй сабоси, халқ тоифаларининг умид чамани, барча инсон синфларининг тозаликни орттирувчи мурод гулшани равнақ топсин!

Осмон комронликнинг абадий тахти ва фалак жаҳон-бонликнинг доми маснади, шон-шавкатли ва жаҳонгирликнинг бисоти, бирламчи бахт-саодат, (худонинг) латиф ходимларининг унесури, ҳашамат эгаси, олий мақом, қутлуғ анжом, саодатманд, салтанат хислатлик, Искандар мартабалик, Жамшид шавкатлик, Баҳром савлатлик, юлдуз сипоҳлик, адолатдастгоҳ, шарофатогоҳ давлат буржининг юлдузи, ҳашамат дуржининг¹ иқбол гавҳари, шоҳлик оила сулоласининг улуғи, шаҳаншоҳлик хонадонининг хулосаси, шижоатлик ва ботирликнинг сара жавҳарлари, шавкат ва карам хазинасининг жавҳарлари, доно шоҳлар ниҳол боғининг меваси, улуғ мартабалик кишваркушо султонлар умидининг натижаси, шон-шуҳратлик, олий даргоҳ ва олий мақомнинг - тангри унинг меҳрибонлик соясини то қиёматгача мусулмонлар учун абадий зийнат, мартаба, муборак ва бахт этсин - хоҳиш ва матлаб баҳористони дарахтлари шоҳларининг гулларини замоннинг совуқ шамоли ва давр макрининг тўфонидан сақласин ва асрасин, у олий зотнинг (тобора) ортиб борувчи қудрат ва иқтидори ҳамда кучайиб борувчи азимат ва эътиборини то гардишсифат айланувчи фалак чархининг инқирозига қадар замоннинг шум қўлидан ва кеча-кундуз офатидан узоқ қилсин.

Алҳамдиллоҳ, давлатимиз тонгининг ва ҳашамат нуримизнинг барқ урганган бошлаб мерос мамлакатнинг (бу нурдан) кўплаб фойда топган қалъаларида истиқомат қилувчилар ва шон-шуҳрат орттирган ерларда яшовчилар тамом шод-хуррамлик ваҳидан таърифга сизмайдиған қувончга эга бўлдилар. Барча раъият ва

1. Дуржи - қимматбаҳо буюм (тош)лар сақлаб қўядиган идиш.

халқлар омонлик ва фароғат бешигида ором толиб, давлатимизнинг барқарорлиги ва абадийлигини ўз олий матлаблари деб билиб қувонмоқдалар. Шунга биноан, жалоли аҳадият (тангри) нинг кундан-кун қилаётган янги ҳадялари билан давлатимиз бойлиги ва шавкатимиз воситаси кучаймоқда ва кўпаймоқда. Пок парвардигор даргоҳидаги ҳар нимаики қарор топган бўлса, ғайбий мададнинг баракаси билан унинг маҳсул нурлари бутунлай ва тамоман зуҳр этди ва порлади.

Шавкат ва салтанатпаноҳлар, чунончи, ўтмишда улуг аждод ва ҳурматлик боблар “Сенга юборилган китоб - муборакдир” карим (оятининг) далили билан томонлараро элчилар юбориш расмига риоя қилиб, “одамлар орасидан сени танлаб олдим” (оятининг) қувватлашига асосланиб, мактуб ва саломномалар юбориш билан ҳар икки томон давлат валийларининг муҳаббат юзига мактублар эшиги очиб келганлар.

Модомики, ўтмишдан ота-боболарнинг асосий йўли улфат ва дўстлик машъалини ёқиш ҳамда ҳамжиҳатлик ва бирлик силсиласини ҳаракатга келтириш бўлган экан, бу маънилар сурати (бизнинг) хуршид хотиримизда ҳам жило беради.

Оқ кўнгил хотиримизда (шу) сақланганки, келажак авлод билан бирликда ўтмишдош аждодларимизнинг одатларини қайта тиклаш - давлат (ларимизнинг) юксаклиги ва ҳаққоний ишмизнинг мустақамланишига сабаб бўлади.

Суннатни қайта тикловчи, қадимий хоназод, дурусий эътиқодли, саботликни самимий ихтисос қилган, банда огоҳ, жаҳонпаноҳ даргоҳнинг зодагон бандаларидан бири бўлмиш меҳтар Убайдуллони савоб (тўғрилиқ) билан у томонга юборилди. Олий мартаба остона қабулидан ва авлод-аждодларимиздан тортиб ўртада тартиб топган дўстлик лавозимлари адо қилгандан сўнг унга қайтиш учун муносиб рухсат берилиб, жаноблари томонидан махсус меҳтар Поянда Боқи ва Худойберди таҳвилдорлар билан бирга (юбориладиган) моллар унинг (элчининг) сўзига асосан у орқали юборилса, мазкур банда (элчи) уларнинг каму кўстсиз гардунмадон саркор (яъни Бухоро хони) ҳузурига келтиради. Хилофат ва адолат айёмлари (ҳамиша) барқарор бўлсин!

Ҳиндистон сафари воқеанависига (берилган нишон)

Меҳрибон тангри ва бечорапарвар Оллоҳ кашф этилган ва зоҳирий оламнинг катта йўлидан борувчи билимдонлар ҳамда бирламчи кўриниш ва мавжудотнинг чаҳордонаи бисотида юрувчи бўлган барча инсон тоифалари аҳволининг тартиб ва интизомини “уни танлаб олганмиз” (ояти)нинг муддаосига кўра, бизнинг подшоҳликка равнақ берувчи раъимизга ҳавола қилди ва “хоҳлаганимча мулк ато қиламан” (деган) сўзига биноан, “Бўл, деди, бўлди”, яъни олам кишиларининг ихтиёр жиловини бизнинг қудратли кафтимизга қўйди. Шунинг учун (ҳам) қуёш мисол пок кўнгил тақдир суратининг ойнаи ва яхши тадбирлар мажмуасининг мундарижасидирки, (у) мамлакатнинг ҳар бир ўлкасида (содир бўлаётган) ахборотни билиб олишда, ҳар бир мулк ва вилоятнинг авгор ва авозини англашда, воқелардан воқиф ва ҳар жиҳатдан қонушунос бўлишликда умум ва жузвий сирларнинг барча кайфиятидан хабар топишликда ва (мамлакатимизнинг) ҳар бир чегарасини айланиб чиқишликда равшанлик кўрсатади; мерос мамлакат ва бошқа (ўлка) лар хусусида жуда кўп тиришқоқлик ва саъй-ҳаракат қилади. Жаҳонбонлик лавозимининг давраларидан ва мулкдорлик ҳамда посбонлик маросимининг улуғларидан бўлган ва машҳур хислатларнинг юз бериши зўр уриниш ва санъат билан турмушга татбиқ қилинади.

“Айт, сайр қилганлар ерда, бу - файзлиқдир”нинг мисолига кўра бу иш (сайр қилиш)нинг истаги оқиллик, рамзшунослик ва ҳаққонийликни тажриба ва имтиҳоннинг энг юқори босқичига кўтарувчи, салтанат сирларидан бохабарлардан бирининг кўнглида, жилва берди ва (унинг) савоб андишалик фикрига тушди. Бинобарин, покзотлик Хожа Абдураҳимга кўпдан-кўп илтифотлар қилиниб, уни элчиларга нисбатан илиқлик (ва) ёқимли ирода билан Ҳинд (истон) сафарининг воқеанавислик хизматига сарфароз қилдики, Хожа Абдураҳим (чегарадан) ўтишдан ва ишга тушишдан бошлаб то бу хизматнинг анжомига ва охирига қадар ҳар мулк ва ҳар ерда рўй берган турли воқеаларнинг ҳаммасини оққа тушириб баён қилиб, ҳар куни олий тахт поясининг арзига етказди ва шубҳасизки, (буни)

тўхтатиш ва (унга) килофлик қилиш (олий) остонага бош кўювчиларга доғ туширишдан хабар беради.

**Хожа Самандар Термизий “Дастур ул-мулук”
(XVII аср). Олтинчи фасл. Элчининг сифати хақида**

1 - Ҳикмат

Азизим, элчи ўткир, ялтироқ шамширга монанд тилдан чаққонлик ва моҳирлик билан фойдаланиши лозим. Аммо унинг очиқ юзлиги, гўзал муомаласи бирон-бир муросага келиш ёки сулҳ тузиш пайтида мулойим, ёқимли нутқидан таралиб турган сўз жавҳарларидан билиниб турсин. Агар у ўз нутқининг аввалида дағал, кўрс, кескин сўзлар борлигини сезса, бундай сўзларни юмшоқлик қайчиси билан кесиб ташлаши зарур. Элчи нутқининг бошланишида дўқ-пўписа тарздаги сўзларни айтган бўлса, галнинг хотимасини яхши. ёқимли муносабатларни, меҳрибонликни англатадиган сўзлар билан тугатиши керак. Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

Ёқимли сўз кўнгулдан ҳар ҳасад, кинни аритгай,

Ширин сўз ҳатто душман чеҳрасин нурдек ёритгай.

2 - Ҳикмат

Азизим, тўрт тоифа одамини элчи сифатида юбормаслик тажрибада исботланган. Биринчиси - подшоҳдан жафо кўрган, иккинчиси - мол-мулк, ҳурмат-иззати подшоҳ ғазоби шамоли билан совурилган, учинчиси - ўз амалидан ҳайдалган, тўртинчиси подшоҳнинг зарари ҳисобидан ўз манфаатини кўзлаган, яъни давлат манфаатидан ўз манфаатини устун қўйган кишиларни давлат элчиси қилиб юбориш ақлдан узокдир. Зеро, тажрибадан шу нарса маълумки, зебу зийнатидан, обрў-эътиборидан жудо бўлган одамнинг қалбига алам-изтироб тиканаги қадалган бўлади. Шу боис бундай киши душманнинг куч-қуввати ва шавкатини ўз давлатининг куч-қувватига нисбатан устун, ортиқ деб ҳисоблаб, шундай бир пайтда фурсат топиб, қалбида яшириниб ётган адоватни юзага чиқариб, подшоҳига хиёнат қилиш йўлига кириб, унга қарши фитна уюштириши мумкин.

Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

*Кишиким кин-адоват-ла иноқ бўлғай -
Шафиқу меҳрибонликдин йироқ бўлғай.*

3 - Ҳикмат

Азизим, элчи икки масалада ниҳоят хушёр бўлиши зарур. У ўз подшоҳига содиқлигини ифодалаш учун мамлакатининг номуси, шон-шуҳратини, салтанатининг улуғворлигини эҳтиёт қилиши, шунинг билан бирга душман билан бўлган муносабатида унинг макр-ҳийласидан ҳамиша огоҳ ва хушёр бўлиб туриши лозим.

БАЙТ

*Ақли расо одам сўз-ла ростлагай ҳар бир ишни,
Юз лашкари жаррор' ҳам қилолмас бу юмушни.*

4 - Ҳикмат

Азизим, элчини бирор жойга жўнатишда ниҳоят катта эътибор ва аҳамият бергин, унга сафар моҳияти ва мазмунини жуда кўп муболағали сўзлар билан чуқур тушунтир. Чунки элчи подшоҳнинг тилидир. Унинг камолоти, ақли, тажрибаси гуфторида - нутқида ойдинлашади.

Бинобарин, айтадиларки:

БАЙТ

*Элчи бўлса гар жасур, доно, моҳир,
Унга равшан ҳар муаммо, ҳамма сир.
Неки сўрсанг бергўвси дарҳол жавоб,
Бандасиға теккуси ондин савоб.*

* * *

*Хуш каломлар сўйламакни элчи фунун айлағай,
Мажлис аҳлин бешумор мафтуну мамнун айлағай.
Нутқи совуқ ҳам ғализ эрса ҳама гирён бўлур,
Ут тушур одамғаю бори улус вайрон бўлур.
Оқил элчи хуш каломлар дилға пайванд қилғуси,
Икки ёвни бир-бирига дўсту дилбанд қилғуси.*

1. Хожя Самандар Термизий. Дастур ул-мулук. Подшоҳларга қўллама. Форс-тожик тилидан эркин таржима. Сўзбоши, изоҳлар муаллифи Жаббор Эсонов. Тошкент. Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.

Хива солномалари сәхифаларидан намуналар¹ Хива ва Бухоро алоқалари ҳақида

1226 (1811/1812) йили Амир Ҳайдар ўғлининг тўйи муносабати билан Хоразмга Муҳаммад Раҳимхон олдига Ўроқбой Жўра Оғоси ва Аваз Муҳаммад Ясовулбоши элчи қилиб юборилади. Шу муносабат билан Хива ва Бухоро хонликлари ўртасида узоқ давом этган совуқ алоқаларга чек қўйилиб, ўзаро дипломатик борди-келди тикланади.

(“Фирдавс ул-иқбол”, 160-б-161-а)

“1261/1845 йил Бухородан келган Қўчқорбек Мирохурга Хива Раҳматулла Қорақўзни қўшиб Бухорога элчи қилиб юборилган эди. Хива хони Бухоро амирига қуйидаги номани юборган: “Амир Насруллонинг муддаоси агар мусолаҳа қилиб боришмоқ ва келишмоқ бўлса, бизнинг хоҳишимиз улдур ва агар ғарази савош ва талош бўлса мухориба майдонига чиқсунким, биз ҳам ул амрга муҳайё ва амодадурмиз. Бу икки ишнинг қайсисини ихтиёр қилса ул ишга бел боғласунким иккиси ҳам бизнинг мақсадимиздур. Бу сўз била элчиларни Бухоро вилоятга ирсол қилди”.

(“Зубдат ул-таворих”, 414-б)

“1856 йил... ямут муфсидларидан бир жамоаким, бурунроқ Бухоро подшоҳи Амир Насруллонинг олдига мадад ва кўмак тилаб бормиш эдилар ва амирнинг қўшғон элчиси била муовадат қилиб, дарёйи Жайҳун канорига келиб, Юмри маъбаридин убур этар чоғда қипчоқ пурдилларидан жалолат нишон Отажон юзбоши хабар топиб, бир жамоа мутаҳаввир йигит била оч арслон ва балойи ногаҳондек ҳамул муфсидларга ҳамла етқуриб, барча амвол ва асбобин олиб, бир нечасин қаҳру кин тиг била ултурдилар ва ўзгаси Бухоро элчиси била қочиб, юз машаққат ва минг кулфат била афтону хизон ва нимжон ўзларин қорақалпоқ аросига етқурдилар ва қорақалпоқ тавойифининг давлатхоҳ ва ихлос бийлари Кенагас

¹ Бу силсиладаги қўлёзмалар ҳақидаги маълумотлар библиографияда кўрсатиб ўтилган.

Эрназарбий бошлиғ иттифоқ била оларни доғи тутиб, Зарлиқхон била бир маконда банд этиб юбориб, остони олий мулозимларига ҳамул воқеани иълوم ва ахбор эттилар”.

(“Гулшани давлат”, 41-б-42-а)

“1272 (1855/56) йил умарои садоқат интисобдин Аваз Мурод миробким, қиёт дудамонининг иззат маоби эрди, илтифоти подшоҳонадин Бухоро элчилигига номзод бўлмиш эрди, андоқким юқорида баён килкининг рақамзадаси бўлди, қать манозил ва тай мароҳилдин сўнг Бухоро шахрига дохил бўлиб бир неча кун таваққуф кўргузди, нединким, Бухоро волиси Амир Насруллоға Шаҳрисабз улуси неча йилдин бери мухолифат ва адоват кўргузуб инқиёд ва итоат доирасига мувофақат ва мужобаат қадамин қўймос эрдилар, амири мазкур ҳар йил карротан маррот олар қасдиға лашкар чекиб, муҳориботи бисёр ва муқоталоти бешумор зухурға еткурар эрди. Ул ошонда доғи ҳамул дастур била Шаҳрисабз устиға бориб, ғалабаи тамом била мусаххар қилиб, дасти тасарруфиға киргузуб, ҳамул диёр муҳиммотининг саранжомиға машғул эрди. Чун Аваз Мурод миробнинг сафорат расми била Бухороға ворид бўлиб онда таваққуф кўргузгонин эшитти, киши юбориб Шаҳрисабзга талаб қилиб подшоҳона лутф ва навозишлар кўргузуб онинг борасида таъзим ва тақрим шаройитин бажо келтурди ва бир неча кундин сўнг иззати тамом билан мурожаат рухсатин берди ва ўзининг муътамадун алайҳ умаросидин Иброҳимбий юзни элчилик тариқаси била онга масхуб қилиб, ихлос ва ақидат юзидин муҳаббат ва муволлафатнома ирсол қилди. Ва олар масофати баъидани тиги суръат била қать этиб Бухороға етдилар ва ондин азимат якронин нуҳзат майдониға суруб, манозили мутанаввиъа қатъидин сўнг зулқайда ойининг ўн еттисида, якшанба куни атабай аъло ҳок буслиқи саодатиға қойид бўлуб, Амир Насруллонинг юборгон тухафот ва мактуботин назари анвар мутоласиға еткурдилар ва илтифоти подшоҳона Иброҳимбийнинг ҳолига шомил бўлуб элчихонаи мусаффоға тушурилди ва ўз тақозосидин зиёдароқ вазойф ва таҳойф онга марсум бўлди ва йигирма олти кун муддати инқизосидин сўнг, зулҳижжа ойининг ўн бешида, шанба куни хилоъи подшоҳона ва навозиши хисравона била онга мурожаат рухсатин бериб Кот акобиридин

Отаниёзбек кўнғиротниким, аркони давлат аозимидин эрди, элчилик расми била қўшуб, муволафатномаи ва савғоти киромий била топшуруб Бухоро савбиға ирсол қилди.

(“Гулшани давлат”, 76-а-76-б)

“Бухоро подшоҳи Амир Насруллонинг элчиси Мирзо Каровулбегиким, бурунроқ амири мазкурнинг муҳаббатномасин келтируб Хивақ шаҳрида элчихонаи ҳумоюнда мутамаккин эрди, ҳазрат соҳибқирон умаройи изом ва кубаройи фиҳол зумрасидин муқарраби баргоҳи султоний, маҳрайи асрори ниҳоний Яхши Муҳаммад доруғони онга элчилик тариқаси била масхуб қилиб, муҳаббат афзо мактуб ва таажубнома тухфалар била рабиъуссони ойининг ўн саккизида сешанба куни Бухоро жанобиға ирсол қилши».

(“Гулшани давлат”, 96-а)

“Яна улким: даргоҳи гардуи иштибоҳнинг шавкат паноҳ фаҳомат дастгоҳ мулозимлари аозимидин муқаррабул ҳазрат заҳируддавлат маҳрами Сармад Яхши Муҳаммад дороғоким, инояти подшоҳонаға махсус бўлуб, элчилик тариқаси била Бухороға кетмиш эрди, ондоқким, юқорида мазкур бўлди. Жумадассони ойининг ўн тўртида, якшанба куни (1272), Бухоро волиси Амир Насруллонинг қўшуб юборғон элчиси саёдат паноҳ, нажобат огоҳ Порсоҳўжа Садрининг ҳамроҳлиғи била даргоҳи давлат иктино мулозамати шарафига фойз бўлуб навозиши хисравонадин сарафрозлиғ топти ва элчи мазкур Амир Насруллони юборган муҳаббатнома ва тухофот ва тансуқотин ҳазрат соҳибқироннинг назари анвари мутолаасиға еткуруб ихтироми мулукона била муъаззаз ва муҳтарам бўлди ва кетурғон тухфалари фаройби жумласидин бири бир тайри муқаррам шахбози баланд парвоз эрдиким, жуссаси ўзга бозлардин андак улуғроқ эрди ва бошида мунаққаш тожи бор эрди ва жаҳон шикор гаҳида ҳеч бир миришкор онинг мислин мушоҳада қилмамиш эрди ва ҳар турлук овни камоли жаҳд ва иштиҳо била олур эрди.

БАЙТ

*Олур эрди жаҳд бирла овни,
Шаҳ лашкари ул сулфатки ёвни».*

(“Гулшани давлат”, 105-а-105-б)

“Тўра Мурод атлуқким, инояти подшоҳонадин элчи бўлуб Бухороға кетмиш эрди ондоқким, собиқан тахир топти. Амир

Насрулло они таъзим ва табжил била куринуши олийсиға ундоб, лутфу навозишлар била аҳвол пурсишлиқ қилиб элчихонаи олийға тушурди ва бир неча муддат онинг иззату ихтиромиға қиём кўргузуб, хилоъи зардор ва инъомати бисёр била маҳзуз ва баҳра бардор қилиб муовадат рухсатин берди ва ўзининг иттиҳодмандлик ва якжиҳатлик изхори учун олийжоҳ ва рафъи жойгоҳ муътабар ва иззатпарвар умаросидин ўзбек тавойифидин юз хонадонининг хулосаси Абдулазиз тўқсобани элчи қилиб мусодақатномаи номий ва тухафоти киромий топчуруб ихлос ва эътиқод юзидин они Тўра Мурод оталиқға масхуб қилиб, суддаи хилофат хизматиға ирсол этти. Элчи мазкур оталиқи мазбурнинг мусоҳабати била қатъи манозил ва таййи мароҳил қилиб шавволул мукаррам ойининг ўн еттисида, сешанба куни даргоҳи сипехр иштибоҳ зиёрати давлатиға восил бўлуб, амирнинг юборгон тухаф ва ҳадоёсин мусодақатномаси била назари саодат асар арзиға еткурди. Ул ҳазрат онга навозишлар кўргузуб аҳволин истифсор қилғондин сўнг элчихонаи Ҳумоюнга топшируб, атоёи мулконадин баҳрамандлик еткуруб амомаи иззатин чархи барин бошидин ошурди».

(“Гулшани давлат”, 109-а-109-б)

“Ҳазрат аъло хоқони кишварситон зулқаъда ойининг йигирма бешида, панжшанба куни, Бухоро элчиси Абдулазиз тўқсобоаким, садоқатнома била келиб бир неча муддатдин бери иззати тамом била элчихонаи фирдавс нишонада оромгузин эрди, заррин халъатлар кийдуруб лутфу эҳсон била мурожаат рухсатин берди ва умаройи олийшон ва шужъоти гардун тавон зумрасидин сидку ихлос нишон убҳат ва шавкат иқтирон зубдаи дудамони қипчоқ Искандар иноқнинг аҳволи хайрият маолин марҳамат ва макрамат кўзи била манзур этиб, Бухоро элчилигига таъйин ва масрур қилди. Мувофақат ва муҳаббат мазмуниға мушъир бир мактуб топшуруб, подшоҳона тухаф ва ҳадоё била Абдулазиз тўқсобоға кўшуб Бухоро волиси Амир Насруллонинг олдиға сафорат тариқаси била равон қилди”.

(“Гулшани давлат”, 110-б)

“Искандар иноқға Насрулло ўзининг мақарраб ва муътабар умаросидин Абдулвоҳид мирохурни сафорат тариқаси била онинг ҳамроҳлиғига номзод қилди... ва остони олий мулозимлариға муносиб тухфа ва ҳадялар топшуруб ирсол этди. Мазкур элчи сафар

ойнинг салҳида, якшанба куни етиб келди ва “келтургон мактуб ва тухофотин одоби тамом била назари анвар мутолаъсиға еткурди...”

(“Уша асар, 118-б)

“1273 йил. Яна улким: мазкур ойнинг ўн учида, душанба куни, Бухоро элчиси Абдулвоҳид мирохурким, бурунроқ келиб Амир Насруллонинг мусодақатномасин арзга еткуруб бир неча муддатдин бери мутамаккин эрди, онга эъзози тамом била муурожаат рухсатин берилди ва даргоҳи гардун иштибоҳнинг муқарраб ва муътамад ходимларидин Раҳматулло маҳрамниким, “Қарокўз” лақаби била машҳурдур, элчилик юсуни била онга кўшуб муҳаббатнома топшуруб Бухоро сари ирсол қилинди”.

(“Уша асар, 121-б)

“1274 йил. Ва мазкур ойнинг (рабиъуссоний) йигирма иккисида, шанба куни, Бухоро элчиси Довуд хўжа мирохурбоши Раҳматулло қоракўз билаким, бурунроқ элчи бўлуб Бухороға бормиш эрди, ондоқким, юқорида баён килкининг рақамзадаси бўлди. Амир Насруллонинг юборгон тухфа ва ҳадяларин келтуруб ихлос ва эътиқодномасин русуми одоб ва икром била ҳазрат хидо саодат парварнинг мутолаъида давлат асарига еткурди, мароҳими хисравона онинг ҳолиға шомил бўлуб, элчихонаи олийға тушурулди ва ўз муддаосидин афзунроқ вазифа ва кунуқ еткурулди.

(“Уша асар, 135-а)

“1274 йил ражаб ойининг йигирма олтисида Хўканд элчиси Муҳаммад Раҳим эшоғосиға Қорақалпоқия тавойифидин манқит уруғининг мунтахаби соҳиб Назарбийни сафорат расми била кўшуб, муҳаббатнома била Хўканд вилоятиға ирсол қилди ва шаъбан ойининг тўртида жумъа куни Довуд хўжа мирохўрбошиға хўжа эли содотидин Мададулло хўжа бийни рисолат тариқаси била масҳуб қилиб, муволафатнома била Бухоро жонибиға роҳлаймо қилди”.

(“Уша асар, 155-б-156-а)

“1276 йил. Ва сўнги кунким, жумаъ эрди Бухоро подшоҳи Амир Насруллонинг улуғ кўшун била бориб Ўротула Кўрғонин мусаххар қилиб севинчилатиб юборгон элчиси Саййид Мурад тўқсоба келди ва даргоҳи фалак иштибоҳ ҳожибларининг воситаси била ҳузур мажлисиға духул шарафин топиб, барча

вуқуъга еткон воқеъни одоби тамом била тақрир қилди. Ва навозишоти хисравонадин шодком бўлуб, ишорати олий била элчихонаи фирдавс нишонада ором тутти”.

(“Гулшани давлат”, 168-а-168-б)

“1277 йил рабиуссони ойининг учида (20 октябр 1860 йил) Амир Насрулло... вафот толди. Музаффар тўра унинг ўрнига ўтирди. Ул... отаси вафотининг изҳори ва ўз жулусининг ахбори учун ўзининг муътабар умаросидин Шоҳхўжа Садрни муҳаббатномаси ва яхши тухфа ва ҳадялар топшуруб, ҳазрати хидив комкорнинг дарё фалак мадори хизматиға ирсол этти ва Шоҳхўжа Садр бир неча муддат қатъи манозил қилиб, рабиуссони ойининг йигирма бешида остон бўслиғ саодатиға етиб, келтургон муҳаббат услуб мактубни тухфа ва ҳадялари била ҳузурни олийға еткуруб илтифоти подшоҳонадин хурсандлиғ ва масрурлиғ топти ва бир неча кун таваққуф қилиб, фароғ ва осойиш ҳосил қилгондин сўнг ҳазрати соҳибқирон, умаройи олийшон зумрасидин Яхшимуҳаммад доругани анго ҳамроҳ қилиб муборақбодлиғ ва фотиҳахонлиғ расми била Бухоро жонибиға равона қилди”.

(“Гулшани давлат”, 231-б-232-а)

Хива ва Қўқон хонликлари дипломатик алоқаларига доир айрим парчалар

“1272 (1855) йил саёдат ва нажобатнишон Қубодхон хўжаким, ҳазрат соҳибқирони мамолики ситоннинг фармони вожибул изони била сафорат тариқасида Хўқанд вилояти савбиға равон бўлмиш эрди, андоққим, собиқан баён топти ва мазкур вилоят волиси Худоёрхон бир неча муддат онга мизбонлиғ юсуни била таъзим ва такрими фаровон кўргузуб, ул вилоятнинг содоти муҳтарамидин ўзининг муъаззаз ва мукаррам кишиси Ўрун Хўжа Мирасадни элчилик расми била онга мусоҳиб қилиб, тухафоти лойиқ ва тансуқоти мувофиқ ва мусодақат номайн топшуруб, мулотафат ва навозишлари била Хоразми жаннатбазм самтиға ирсол этти. Ва олар масофоти баъида ва манозили айдани бир неча муддат қадами суръат била қатъ этиб, моҳи мазкур яъний жумадул аввал ойининг ўн саккизида, сешанба куни, остони саодатошён зиёратиға мушарраф бўлуб Худоёрхоннинг юборган

хироманд пешкашлар ва аржуманд тухфаларин муҳаббатномаси
била ҳазрат соҳибқироннинг назари кимиё нишони пешгоҳидин
ўтқориб навозиши подшоҳона ва авотифи хисравонадин хурсанд
ва баҳраманд бўлдилар”.

(“Гулшани давлат”, 103-б)

“1273 (1856) йил. Яна улким: атабаи гардун мартаба мулозим-
ларининг ихлос шиор ва жонсупор муқарраблари жумласидин
давлат ва иқбол ҳамдам Дўстниёз маҳрамким, элчилик тариқаси
била бурунроқ Хўқанд вилоятига мурсал бўлмиш эрди, ондоқ-
ким, собиқан таҳрир топти. Чун мазкур вилоят волийси шавкат
ва ҳашаматнишон Худоёрхоннинг кўрнушу олийсига дохил бўлб
ҳазрати соҳибқироннинг юборгон савғот ва муҳаббатномасин
онинг арзиға етқурди. Ул бағоят масрур ва мубтаҳиж бўлб подшо-
ҳона навозиш ва пурсишлар кўргузди ва элчихонаи фирдавс-
нишонага тушуруб таъзим ва тақрими камоянбағи саъи ва қўшиш
қилди. Ва бир неча муддатдин сўнг... ўзининг мўътабар муло-
зимларидин Муҳаммад Раҳим эшоғосини сафорат расми била
онга масхуб қилиб хисравона тухфалар била ихлоснома топшуруб
Хоразми жаннат базм жонибиға равона қилди. Мазкур элчи
Дўстниёз маҳрам рафоқати била... рабиъул аввал ойининг йигирма
бешида панжшанба кунни остони давлат посибон хокбўслиқи
саодатиға истисод топиб, келтургон ихлоснома ва ҳадяларин одоби
тамом била назари кимиё асар пешгоҳида маъруз этти ва навозиши
хисравонаға махсус бўлб ишорати олий била элчихонайи
ҳумоюнда манзилгазин ва инояти подшоҳонадин ўз муродига
ишратқарин бўлди”.

(“Гулшани давлат”, 120-а)

“1275 (1858) йил. Даргоҳи жаҳонпаноҳ мулозимларидин
қароқалпоқия манқитининг сарвари, садоқатпарвар, иззат асар
Соҳиб Назарбийким, бурунроқ Хўқанд элчилигига маъмур бўлб
Худоёрхоннинг олдиға бормиш эрди. Худоёрхоннинг иниси
Муҳаммадёрхон Хўқанд вилоятида хон бўлб, онинг қўшгон
элчиси Мирзо Абдулваҳҳоб панжоҳбоши била мазкур
жумадуссоний ойининг тўртида, сешанба кунни келиб остон
бўслуг давлатиға фойиз бўлди.

Бу ижмол тавсифи улким, Хўқанд вилоятининг волийси
Худоёрхон неча муддатдин бери шайтон игвоси ва нафсу ҳаво
иқтизоси била айшу ишратға мойил бўлб, лаҳву лаъбға иштиғол

кўргузди ва салтанат умури ва мамлакат мусолиҳидин бепарволиғ қилиб, бурунғи роҳ ва равишин бузди. Охир жамиъ умаро ва риоё ниҳоятсиз танг ва малул бўлуб, иттифоқ била иниси Муҳаммадёрхонни салтанат тахтига миндуруб они азл этиб, юртдин чиқориб қувуб юбордилар. Ул Бухорога бориб Амир Насруллонинг давлати соясин ўзига паноҳ қилди. Ва Муҳаммадиёрхон салтанат саририда мутамаккин бўлуб мамлакат муҳиммоти ва сипоҳу раъият саранжомига иштиғол кўргузди ва умаросидин Абдулваҳҳоб панжоҳбошини элчи қилиб, подшоҳона туҳфалар била ихлоснома топшуруб, Соҳиб Назарбийга ҳамроҳ қилиб даргоҳи фалак иштибоҳ мулозаматиға ирсол этти. Ул... Муҳаммадёрхоннинг юборгон мувофақатнома ва ҳадяларин ул ҳазратнинг кимиё асар назарига одоби тамом била еткуруб навозишоти мулуконадин сарафрозлиғ топди.

Яна улким, шаъбон ойининг тўртида сешанба куни... Хўқанд элчиси Мирзо Абдулваҳҳоб панжоҳбошиға жаноби салтанат маоб мулозимларидин ўн тўрт уруғ қарақалпоқининг сархайли ва мунтахаби ихлоспаноҳ Эрназарбийни рисолат расми била масҳуб қилиб, муволафат мазмуни била бир мактуб топшуруб Хўқанд подшоҳи Муҳаммадёрхон жонибиға равон қилдилар”.

(“Гулшани давлат”, 179-а-179-б)

“Амри олий мужиби била Қорақалпоқ ақобиридин Эрназарбий Хўқанд элчиликига марсул бўлмиш эрди андоқким, собиқан гузориш топти, мазкур вилоятнинг волийси Муҳаммадёрхоннинг сидку ихлос юзидин онга маҳуб қилиб юборгон элчиси Маллабек додҳоҳ рабиул аввал ойининг ўнида жумъа куни остон бўслуғ саодатиға истисъод топиб хони мазкурнинг ирсол қилгон тансуқотин мусодақатномаси била арзи аълоға еткуруб навозиши мулуконадин хурсанд ва баҳраманд бўлди”.

(“Гулшани давлат”, 215-а)

“... жумадуссони ойининг йигирма иккисида Хўқанд подшоҳи Муҳаммадёрхоннинг олдиға Қорақалпоқ ақобиридин Оймуҳаммадбийни элчи юсунлуқ онинг ҳамроҳлиғида номзод қилиб равона қилилди”.

(Ўша асар, 216-а)

“1276 (1859) йил. Шаввол ойининг ўн олтисида Хўқанд вилояти волийси Муҳаммадёрхоннинг элчиси Тошмуҳаммадбий ҳазрат аъло хоқоннинг юборган элчиси Оймуҳаммадбийнинг

ҳамроҳлиғи била салтанат остонаси зиёратига мустасъид бўлуб, келтиргон ихлосномаси била савғот ва ҳадоёсин арз мавфиқиға етқаруб назари анвар олдидан ўтқарди”.

(“Гулшани давлат”, 217-б)

Хива ва Эрон элчиликлари

“Шаҳзода Вали 1812 йили Хива хонлигига ўз элчисини юборади. Шу йили Машҳадга Хива хони шаҳзода Вали ҳузурига Нодир сардорни элчи қилиб юборади”.

(“Фирдавс ул-иқбол”, 177-б)

“1228 (1813-1814) йили “Умаршайх ва Амирхонким... Хуросон билодининг хонларига элчи қилиб юбормиш эрди... остон бўслиқға етиб, барча хонларнинг аризашошт ва ихлосномаларин етқурдилар... Рабиъ-ал-аввал ойининг авойилида Ҳасан Мурод оталиқ Бухоро элчиси Боймуҳаммад жарчи боши билан... Муҳаммад Раҳимхон мулозиматиға фойиз бўлди. Моҳи мазкурнинг авохирида Берди иноқни элчийи мазбурга қўшуб, Бухорога ирсол қилди... Мазкур ойнинг 27 да якшанба куни Берди иноқ Амир Ҳайдарнинг элчиси Подшоҳўжа садр била Бухородин келиб, остон бўслиқ шарафига ихтисос топдилар. Бухоро элчиси Подшоҳўжага яна Берди иноқни масжуб қилиб, Бухорога юборди.

Жумод-ул-аввал ойининг ўнида жума куни Курдистондин элчилар келиб... тансуқоти мутақосира пешкаш чиқдилар... Жумадий-ас-соний ойининг саккизида жума куни Хуросон элчилари ихсони подшоҳона ва инъоми бегарона била баҳраманд қилиб, ўз юртларига рухсат берди. Бадирхон бек ва Муҳаммад Ҳусайн бекни... Саттор Қули оқо била мазкур бўлғон элчиларга қўшуб юборди. Бу мазмун билаким: “Агар эллик ва итоат изҳорида содиқ бўлсалар, куз фаслида иншоолло ул тарафға азм этқумиздир. Агар эл муҳолиф бўлсалар, алар самтиға нуҳзат қилқумиздур. Агар эл бўлсалар, Саодат Қулихон янглиғ акобир ва мўтабар кишилардан қўп киши мулозиматга ирсол қилиб, закот ва хирожни камо ҳаққаҳу юборсинлар. Алар сешанба куни Хуросон азимати била, йўлга тушуб равон бўлдилар”.

(“Фирдавс ул-иқбол”, 186-а,б)

“Муҳаммад Амин тахтга чиққач, 1846 йилиёқ атроф ва акнофдаги қалъа ва баладаларнинг ҳукмронлари ким, муҳаббатномалар юбориб, якжиҳатликдин дам урар эрдилар, барчаларига жулуси ҳумоюннинг эъломи учун пайғом юбормоқни муносиб кўриб, ҳар бирига бир кишини таҳниятнома била юбордилар. Андоғким Шукруллағони Техронга юбориб, андин Истанбулга бормоқни ҳам амр этиб, шоҳга ва халифага муносиб тўхфа ва пешкашлар бериб номалар топшурдилар ва Хўқандга Отаниёзбекни таҳниятнома била юбордилар. Ул вақтда Раҳмат Халифаким, они Раҳимқулихон мағфур Бухорога элчи қилиб юбориб эрдилар, амир Насрулло анга Қобил тўқсабони кўшиб юбориб эрдилар, алар келиб амир Насруллонинг муҳаббатномасин бердилар. Муҳаммад Аминхон Қобил тўқсабога кўп меҳрибонлиқлар кўргузуб хони мағфурнинг вафоти ва ўзларининг жулуслари ахбори учун Бекжон маҳрамнинг биродари Муҳаммад Шарифбойни Қобил тўқсабога кўшуб Бухорога юбордилар. Бундин бир ой ўтгандин сўнг Муҳаммад Шарифбой келди. Амир анинг ёнига хони мағфурнинг фотиҳахонлиғи ва Муҳаммад Аминхоннинг жулусининг муборакбодлиғи учун бир жуйбори хўжа ила Қобил тўқсабони кўшуб юбормиш эрди. Муҳаммад Аминхоннинг амри била шиғовулбек элчиларнинг олдиға чиқиб, ағроз ва икром ила келтуруб элчи-хонага тушурди”.

(Баёний, “Шажарайи Хоразмшоҳи”, 326-а,б)

“Бу жамоа азиматининг сабаби ул эрдиким чун Муҳаммадшоҳ Қожорнинг (Эроншоҳи) куффори бешумор бирла Ҳирот устига келиб ташаддуди тамом била мухосара қилғони (1837 йил) барча атроф ва акнофда иштихор топти ва жамеъ мусулмон аҳлиға аҳли куффор жиҳодиға бақадри ҳол сайъ ва кўшиш кўргизмоқ лозим, балки фарз бўлди. Шаҳри Хивақ... қозиси Муҳаммад Содик Эшон... ҳазрат соҳибқирон... остонасининг мулозими саодатнишонлариға арз қилдиким: “алон куфр черикни мағлуб қилиб, Ҳирот мамлакатининг улуси ким, мусулмони комил ва имон нури била равшандилдурлар, мухосара қилмиш ва мужодала кўргузмиш. Ул жамоа жиҳодиға жаҳд қилмоқ ва урушиға юруш кўргузмак аҳли фатво ва ажибот жумласи ва фарзиёт қабиласидин бўлгондин кўринур.

Агар бу мухлис ва дуогўй мўътақид ихлосжуйға марҳамат кўргузиб рухсат берсалар ҳам ул фарз қарзин бўйнимдин исқот қилсам ва ғазот иродасин жазм этиб, сафар машаққат ва кулфатин ўзимға айни нашот ва инбисот билсам” деб ижозат илтимосида кўп муболаға кўргиздиким ҳеч манъ муфид ва мутаассир бўлмади”.

(“Фирдавс ул-иқбол”, 345-б)

“Чун куффори залолат шиор яъни Муҳаммад шоҳ Қожорнинг сипоҳи шарорат осори офтоби оламтоб юзидин саҳоби зулмат маоб зоил бўлғонидек Ҳирот аҳли устидин кўтарилиб оворалиғ даштиға мойил ва инонтоб бўлди. Шоҳ Комрондин тавотир расми била вазири соҳибитадбир қошиға бу хабар беҳжад асар ва бу муждаи фаршод самар етишти. Бу хабар истимоидин башошати тамоми ва фарахи локалом замири садоқат таъсирифиға жойғир бўлиб таҳният гўйлик ва муборакбодлиғ русуми била ўз тарафидин киши юбормоқни ансаб ва ужиб кўриб, фазилаторо фаросат интимо Шукрулла офони элчи қилиб ва тансуқ ва армуғон тариқасида минг калла қўй ва минг ботмон ғалла топшируб Ҳирот юборди. Элчи мазкур истеъжולי тамом била маъмур бўлғон тарафға сабо дабурдек мурур қилиб мароҳилга бепоёндин ўбур қилғондин сўнг Ҳирот қалъасиға дохил ва шоҳ Комрон суҳбатига восил бўлиб, жаноби вазорати маобнинг таҳниятнома ва дуо саломин арзға еткурди. Чун бир неча кун йўл ранжидин осудалиқ толиб муовадат амриға муқтазо бўлди. Шоҳ Комрон анга неча турлик навозишлар била узрлар қилиб, анинг ҳамроҳлиғиға иззат нишон муалломакон Султонхон ким, Ёр Муҳаммадхон вазирнинг биродари аржуманди эрди, тайин этиб соҳибқирон жаннатмакон мулозимлариға маазират юсунида муҳаббатнома топшириб рухсат берди. Чун элчилар инсироб рухсатина ҳосил қилғондин сўнг масофати бениҳоят ва манозили билоғоят қадами суръат била қатъ қилиб, вазири муаззам хизматиға еттилар ва Ҳирот аҳлининг аҳволи ва куффор черихининг маоли кайфиятин камо ҳаққаху шарҳ эттилар. Вазири ҳикмат тахмир ҳам ул элчилар келгонидин сўнг мааскари саодат асардин, ким Қаровулхона мавзуида эрди, мурожаат қилиб, оҳишта-оҳишта қатъи манозил этиб Марв вилоятининг хотиросо ва дилкушо манзилиға восил бўлди”.

(“Риёз уд-давла”, 349-а)

“1839 йил. Хивага Ҳирот шоҳи Комрондан Султонхон отлиғ элчи келди ва хонга ўз ҳукмдорининг мактубини топширди. Мазмуни бул эрдиким, Алҳамдулилло ва-л-минна ул ҳазратнинг нусрат ва муованати била душмани голибнинг шарридин қутулдиқ. Мулкимизга эга бўлдиқ. Биз жамоанинг жони ул ҳазрат ўлжаси ва филҳақиқати Ҳирот вилояти ул ҳазратнинг мулкидир, эмди илтимосимиз булки бул тарафга таширф келтириб, Ҳирот мулкига давлат ҳузурингиз билан интизом бериб ва бу ихлоскашларнинг бошгин шарафи қудумин-гиз билан фалак авжига еткурингким, бағоят мунтазирдурмиз”.

Ул ҳазрат бу номага жавобан анга лойиқ Ҳирот жонибиға яқин вақтларда бормоқни ваъда қилиб, жавоб хатини элчига топширди ва кетишга рухсат берди. Анга ўз номидин элчи сифатинда Меҳтарнинг иниси Воис Ниёзбойни унга қўшди, токим Марв вилоятиға бориб, ҳамул элчига минг тиллоға галла олиб бориб, Ҳирот сари узатғай”.

(“Пуёз уд-давла”, 349-б-350-а)

“1840 йил. Маълум бўлсинким, чун Муҳаммадшоҳ Хоразм шужоасининг даст бурдига тоқат қила олмай Ҳирот устидин фирор ихтиёр қилиб, Техрон дорилмулкиға борди. Авволғи фаҳомат ва гурури қолмади. Охир ҳазрати соҳибқирон, биҳишт нишоннинг мулозимлариға ошнолиқ қилмоқни сабаби амният ва мазиди давлат англаб ўз мўътаמידларидин Ҳодихон отлиғ бир кишисин элчи қилиб, қўлиға муҳаббатнома топшириб, Хоразм сари равона қилди. Мазкур элчи неча кунлар йўл юриб, остонбўстлик шарафиға восил бўлиб, Муҳаммадшоҳнинг юборган номасин арзга еткурди. Нома мазмуни ул эрдиким: Қадим замондин то бу овони саодатнишонгача Хоразм хонлари била Эрон подшоҳлари орасида дўстлиқ шеvasи ва рафтү-омад тариқаси ҳеч важ била матрук ва маслуб бўлмамиш эркан. Бас бизлардағи ҳамул тариқада сулук қилиб, муғоират ва мусодақат расмин бунёд қилсоқ, токим бу шеъвайи хўп ва расми марғиб маёманидин икки юртнинг фуқора ва риёёси фароғат ва амният билан маишат қилғусидурлар”. Чун ул ҳазрат номадин хабардор бўлғач, жавобига бул иборат билан нома ёздирдиким, “Кўп муддатдин бери эшитадурмизким, Эрон халойиқи аҳли суннат ва жамоат мазҳабиға муҳолифат қилиб, ҳазрати набоват

паноҳининг азҳоби киром ва аҳбоби лозим эҳтиромларига саб ва дашном қилур эрминлар. Бо вужуд ул азизи соҳибтамизларнинг эҳонати мужиби қатл ва боиси нифоқ бўлатурур. Агар ул аъмоли қабиҳа ва афъоли фазиҳанинг ул жамоа тарк тутса, иншоолло таоло дўстлиқ биноси мушаййид ва яқжиҳатлик аҳди паймони муаккид, ўлиб, тарафайн раъиятларига фориғболлиқ ва осудаҳоллиқ етишғусидур”.

(“Риёз уд-давла”, 350-а-350-б)

“Муҳаммад шоҳ мўътамид алайҳи кишиларидин тўрт вазири-нинг бири Мирзо Ризо отлиғ вазири масхуб қилиб, нома жавобин ҳам анга топшириб, Хоразм жаннатбазм совбиға ирсол этти... Элчилар мазкур йилнинг (1840) рамазон ойининг охирида атабайи аъло туроб бўслиқиға етди ва Муҳаммадшоҳнинг нома ва тухафот ва тансуқотин назари анвар пешгоҳидин ўткардилар. Номаси мазмуни ул эрдиким: “Ул афъоли замима ва аъмоли шаниа, яъни сабби саҳобаи киборким, эрон халқи нисбатида масъмўлари бўлмишдир, замони мозийда шоҳ Исмоил сафоҳат нишонким, Эрон мамоликининг ҳокими ҳукмрон волийи соҳибфармони эркан, онинг айёмида мазҳаби ҳақға тағйир берилиб онингдек ақволи қабоҳат иштимол ва афъоли шанонатмаолни бунёд ва ижод қилмишлар эркан. Алҳамдилуллоҳ бу айёми саодатнизомда шариат ва диндорлиқ биноси бағоят мушаййид ва мустаҳкамдир ва ул каломи маззаммат анжом қойилиға заҳр ва танбия кўргизилди ва равофизий жамъияти кошонаси сиёсат селоби била бузилди. Агар сабъ ва дашном қилатургон кишиларни топаолсақ тиғи кин била мақтул этиб, ҳаёт мулкидин маъзур қилғумиздир”.

(“Риёз уд-давла”, 350-б)

“Хива хони бул мактубдин сўнг “атроф ва жавонибдаги чопавулчи-оломонни Эрон вилоятининг торож ва ғоратидин манъ қилиб, Эрония улусининг бўйинларидин асирлик қайди хавфин кўтарди ва элчисига дағи шафқат неъматидин баҳрамандлиғлар еткурди”.

(“Риёз уд-давла”, 350-б)

“Ҳамул йил (1840 йил) зулҳижжа ойининг ўн тўққизида жумаъ куни ул ҳазрат даргоҳ олампаноҳ мулозимлардин Якуббой Ханқайини ошнолиғ изҳори учун Кобилда вазири мухторға ким,

инглис ақобиридин эрди, ирсол қилди ва ҳамул ойининг йигирма еттисиди шанба куни Муҳаммадшоҳдин келган Мирза Ризо отлиғ элчига ул ҳазрат махсус маҳрамлар зумрасидин гарт макон, хусусият нишон, садоқат тавом Отаниёз маҳрамин кўшиб Эрон сари узатти, то ким саббе саҳобаға тил очатурғон аҳли рафизани манъ ва заҳбар қилиб аҳли суннат ва жамоати тариқа саъиға ривож бериб, анда собит қадам бўлса, Муҳаммад шоҳ била муҳаббат ва ошнолиғ муоҳидасин маҳкам ва мустаҳкам қилиб қайтгай”.

(“Риёз уд-давла”, 352-б)

“Юқорида мазкур бўлмиш эрдиким, олампаноҳ даргоҳининг садоқатогоҳ ходимларидин Отаниёз Маҳрам Эрон мамлакатига ва Раҳматулла Қорақўз Хўқанд вилоятига ҳам ул вилоятлар подшоҳларининг ихлосномаси бу давлат остонасига юборган элчиларига элчи йўсунлиқ ҳамроҳ бўлиб бормиш эрдилар, ҳам ул подшоҳларнинг муҳаббат изҳори учун қўшғон элчилари ила мурожат қилиб ҳазрат Алачохонни Марв сафарига азм бўлғонидин сўнг дорилхулофа Хивақға келиб таваққиф кўргизмиш эрдилар. Ул ҳазрат шаввол ойининг авосатида мазкур вилоятлардин келган элчиларни ҳумаюн мажлисларга ундаб подшоҳона навозишлар ила сарбаланд қилдилар. Яна улким, зулқала ойининг ўн бешида пайшанба куни Эрон подшоҳи Муҳаммад шоҳнинг юборган элчисига атабайи фалак мартаба мулозимларидин дониш ва ихлос орой Муҳаммад Шарифбойни элчилик тариқаси била ҳамроҳ қилиб, муҳаббат нома била Эрон мамлакатига ирсол эттилар ва андин бир неча кун сўнг Хўқанд подшоҳининг элчисига Отаниёзбекни сафорат расми била қўшуб, Хўқанд вилоятига юбордилар”.

(“Жомеъ ул-воқеоти султони”, 187-б-188)

“Хўқанд вилояти волийсининг элчиси Бек Муҳаммадни ким Истанбули шарифға ихсос топмиш эрди, андоқким юқорида мазкур бўлди, анга амри олий мужуби била атба селехр мартаба ходимларидин Раҳматулло Қорақўз элчилик тариқаси била масхуб бўлуб, сана минг икки юз олтмиш еттида (1851 йил) муҳаррам ойининг аввойида мураққат рухсати берилди. Яна улким, ҳамул ойининг авохирида даргоҳи олийпаноҳнинг ихлосшиор ва ақидати осор мулозимларидин давлат ва иқбол тавом Ота Ниёз маҳрам Эрон мамлакатининг олийжоҳ фалак дастгоҳ волийси Муҳаммадшоҳ

қожорнинг муҳаббат ва видод изҳори учун остон бўсулигга юборгон элчисига амри олий мавжаби била элчи юсунлуқ ҳамроҳ бўлуб Теҳрон вилояти жонибиға азимат кўргизди”.

(“Жомеъ ул-воқеоти султони”, 180-180-б)

“Ҳазрат аъло хоқоннинг ҳумоюн жулусларининг еттиламчи йилининг (1852 йил) воқеалари аввал жумладин улким; фақирким (Отаҳий) баъзи касал сабабидин ул ҳазратнинг ҳумоюн мукоблари била юруб сафар қилмоқдин маъзур эрдим. Бу жиҳатдин подшоҳона дилдорлиғлар била илтифот кўргузиб ўз илтимосим мужиби била сафардин маоф тутуб сана минг икки юз олтмиш саккизда тўнғиз йили муҳаррам ойининг ўн тўққизида жума кечаси амакзодам Муҳаммад Каримбекни ўрнимға мироблиғ мансабиға мансуб этиб сарафрозлиғ ва комёблиғ еткурдилар.

Яна улким, ражаб ойининг йигирма бешидида якшанба куни Муҳаммад Шарифбой Эрон подшоҳи Муҳаммадшоҳнинг олдидин муовадат қилиб, юборган ҳадяларин назари анвар пешгоҳидин ўткарди”.

(“Жомеъ ул-воқеоти султони”, 190)

“Муҳаммад Амин Баҳодирхоннинг жулусларининг ўнламчи йилининг воқеоти-чун ҳижратнинг бир минг икки юз етмиш бирламчи йили кирди ва икки ой орадин ўтиб раби-ул-аввалнинг гурраси келди. Хон ҳазратлари Марв азмин жазм этиб навкарларга пул бериб ва тамоми оға-иниларига ва тамоми умаро ва аркони давлатларга инъомлар бериб буюрдилар: ҳама сафар асбобини тайёр этсунлар. Мундин бир ҳафта ўткандин сўнг Тангриқули тўрани жойнишин этиб, отланиб чиқиб оҳиста-оҳиста равона бўлдилар, токим тамоми лашкар изларидин тушуб жам бўлдилар. Қиёққўлининг бир манзилига келиб эрдилар, Маймананинг хони ўғлини элчи қилиб пешкашлар била юбориб эрди, ул ерда келиб мулозиматға етди. Ҳирот шоҳидин ҳам бир элчи кўп тухфа ва пешкашлар била бир фил келтурди ва Кобулдин ҳам элчи келди. Хон ҳазратлари буюрдилар: филни ясатиб устиға қанор ёпиб онинг устиға тахт қуруб боргоҳнинг олдиға келтурдилар.

(“Шажарайи Хоразмшоҳи”, 345-б-346-а)

“Элчилар била бирға Марвға етиб келдилар. “Тамоми Марв улуғлари тухфа ва ҳадя ва пешкашлар бирла келиб хон ҳазратларини кўрдилар. Йўлўтон ва Мурғужон ва Қараёб ва Тажан улуғлари ҳам тухфа, ҳадя ва пешкашлар била келдилар.

Амир Ҳайдарнинг Эрон шоҳи Фатҳалишоҳга мактуби

“Ҳазрат амир Ҳайдар Эрон ҳокими Фатҳалишоҳга ёздилар:

Беҳисоб ҳамду санолар шундай бир подшоҳга муносибдирки, унинг давлати сатҳи ёв хуружидан холи ва мулклари фазоси душман зарбидан мустаснодир.

Расулиллоҳнинг руҳи покига беадад дуолар тухфа бўлсинки, пайгамбарлик етакчилиги унинг мақтовли зотига раводир. Унга, яқинларига ва асҳобаларининг жамъига - Оллоҳнинг саломлари бўлсин!

Яратганга ҳамду санолар ва мақтовли (маҳмуд етакчи) мақомидаги султон (пайгамбар)га дуолар айтгандан сўнг кўнгил ойнасида беназир бўлган подшоҳ - Жамшид мақомига муносиб, лашкари юлдузларча саноқсиз, офтоб янглиқ тож эгаси, осмондан баланд, Сўрайё (Юпитер) мартабалик, Баҳром (Марс) савлатлик, Кейвон (Сатурн) дек, юксак, Ноҳид (Венера) қобилиятлик, Ўтторуд (Меркурий) дек зийрак, Жамшиддек шавкатли: Ферудун ҳашаматли, Доро дарбон, Хусравдек нишондор (белгилик), эмни омонлик бисотини ёювчи, Эрон мулкларининг ҳукмдори шавкат ва улуғликка тартиб берувчи, мақтов ва жилоларга эҳтиёжи бўлмаган, тавсиф ва баёнлардан юқори турувчи, давлатини Оллоҳ иноят қилган Фатҳалишоҳга етказилади ва маълум қилинадикки, илоҳий даргоҳнинг бу ниёзманди бундан аввал ҳазрати ҳалифаи исломдан китоб сўраган эди. Илтифот ва меҳрибонлик мулклари тахтининг безаги (яъни ҳалифаи ислом) иззатли имомлар ва буюк мужтаҳидларнинг - Оллоҳ уларнинг руҳларини шод этсин! - бир неча китобларини Бағдод волийсига юбориб, ул кишига ўша китобларни ўзининг ишончли кишиларидан бири орқали бу тарафга етказди.

Зоти шаҳриёрий бу маънидан тўла хабардордирлар, чунки ўзлари (элчини) бу томонга ўтказиб юборганлар, элчи етиб келиб китобларни топширгандан сўнг лозим бўлдики, бу тараф (биз) ҳам ўз давлатхоҳларимиздан бирини аълоҳазрат хоқон саройига йўлласак. Бинобарин, иморатпаноҳ, икки шариф ҳарамга ҳаж қилган ва давлатхоҳларимиз жумласидан бўлган ҳожи Муҳаммад Шарафбейни мазкур элчи ҳамроҳлигида жўнатдик, токи у ҳумоюн кўриниш шарафита мушарраф бўлгач, зоти олийни дуо

қилиб, мақсад манзили томон шошилсин. Икки давлат бир давлатдек, бошқа ҳеч қандай мақсаду муддаоимиз йўқ. Бундан буён икки олий давлат ўртасида ошнолик ва борди-келдилар йўли очиқ бўлса, Оллоҳнинг бандалари учун ҳайрият ва марҳамат бўлғусидир. Бошқа оғзаки гапларни мазкур иморатпаноҳ тилидан эшитурсиз. Шаҳриёрий давлатининг қуюқ сояси узун ва давомли бўлсин! Бу тарафга нисбатан қанчалик иззат-икромга риоя қилсалар, умид шуки, “ким менинг авлодимни улуғласа мени улуғлаган бўлади”, деган иборага дахлдор бўлмайлар.

Қолаверса, дуолар.

*Муҳаммад Ризо Балхий. Мактуботи
Амир Ҳайдар.*

*ЎзР ФА Шарқишунослик институти қўлёзмалар хазинаси.
Инв. № 292.*

Д. Валиева таржимаси.

Амир Ҳайдарнинг Россия подшоҳи Александр I га мактуби¹

“Лашқари юлдузларча саноқсиз, Марс (Миррих) сифат даҳшатлик, Сатурн (Зуҳал) янглиқ юксак, Плеяды (Сурайё) ва Юпитер (Муштарий) ўрнини эгалловчи, Македониялик Искандардек кўркам, энг қудратли ва кўп мамлакатларнинг эгаси, қуёшдек тож беагаган подшоҳ (ва) подшоҳлар авлоди, хоқон (ва) хоқонлар авлоди, Александр Павлович, Россиянинг яққа ҳокими!

Сизга сихат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик ва шоду ҳуррамлик тилайман. Саломлардан сўнг ўзимнинг (шундан) мамнунлигимни изҳор қилиш шарафига муяссарманки, ҳазратингизнинг қулоғимизга етиб келган барча ташвишлари, Худонинг марҳамати билан барҳам топди: чунончи, вилоятларингизга бостириб келган французларнинг қўшини Сизга баъзи талофотлар етказган ва бу дўстлигимиз туфайли бизга ҳам дарду алам келтирган эди. Бироқ Сизнинг ролиб

1. Внешняя политика России XIX и начала XX века. Серия 1. Т. УШ. М. 1972. с. 650-651.

лашкарингизга насиб бўлган тақдирга шукурки, улар ёв устига қилич ялонғочлаб бориб қириб ташлади ва қувиб юбориб, фитнани барбод қилдилар, кўглаб ўлжалар олдилар. (Бундан) биз узоқ вақтлардан буён давом этиб келаётган ўзаро дўстлигимиз ва тотувлигимиз важҳидан бағоят шодландик. Император аъло ҳазратларига шу табрикларимизни етказмоқ учун жанобингиз юксак саройига ғайратли амалдорим Азимжон девонбегини танлаб, ўзимдан элчи қилиб юбордим.

Московга ёв ҳужуми юз берганда кўп рус савдогарлари (қатори) бухоролик савдогарлар ҳам мол-мулкда катта талофатлар кўрдилар; ва умид қиламизки, император аъло ҳазратлари, инсонпарварлик ва чексиз марҳамат юзасидан ўзингизнинг фуқароларингизга туганмас хазинангиздан мукофот берганингиздек, бизнинг бечора савдогарларимизни ҳам худди ўзингизникидек кўриб, ҳар икки давлатнинг розилиги билан уларни (ҳам) марҳаматингиздан дариг тутмағйсиз.

Троицкдаги баъзи бир мансабдорларингиз (у ерга) борадиган бухоролик савдогарларга турли хил ранжу азиятлар етказишидан хабар топиб, биз император аълоҳазратларидан сўраймизки, уларга қаттиқ топшириқ берсангиз, токим ўша мансабдорлар мазкур савдогарларга аввалги қондалар бўйича муносабатда бўлсинлар; бундан аъло ҳазратнинг номлари ҳамма ёқда шуҳрат қозонади ва ўртамиздаги дўстлик олдингидан кўра ҳам мустаҳкамланади.

Биз турк султониغا табрик учун юборган ғайратли ва ҳурматли мансабдор Мирза Муҳаммадюсуф қўрчибоши эса, умид қиламизки, император аъло ҳазратлари, марҳаматингиз юзасидан ўзингизнинг мансабдорларингизга буйруқ беришни лозим топсангизки, токим у мансабдорни мулкларингиз бўйлаб ҳамма ерда, чегарагача ва орқага қайтишда мансабдорлар қабул қилсалар, унга меҳмоннавозлик кўрсатсалар ва у бежавотир сафар қила олса.

Бошқа ишларимиз ҳақида мансабдорларимиз Азимжон девонбегига оғзаки арз қилишга топшириқ берилган ва унга тўла ишонишингизни сўраймиз!"

Ёрлик ҳижрий 1229 йил жумодул аввал (1814 йил 21 апрел) да имзоланганлиги ва орқасида сиёҳли муҳрда: Мирҳайдархон Мирмаъсум ўғли деган ёзув борлиги қайд қилинади.

**Оренбург харбий губернатори П.К. Эссен ташқи ишлар
министрлиги бошқарувчиси К.В. Нессельродега
(1818 йил 7 (19) сентябрь)**

Оренбургга Бухоро хони девонбеги Мирза Мўминжоновнинг элчи бўлиб келганлиги ҳақида хабар беради. (Бу унинг иккинчи элчилиги). Биринчи марта у подшо саройида 1815 йилда бўлган (қ. : ВПР., Т. УШ, прил. 107).

У Бухоро хонининг ёрлигини олиб келган.

Мир Ҳайдархоннинг Александр I га (1818 йил 12/24) апрелда ёзган хати (ёрлиги)нинг форс тилидан таржимаси қуйида тўлалигича келтирилади.

“Бисмиллаҳир раҳмонир роҳийм”:

Жамшид улуглигига эга бўлган, лашкари юлдузлардай кўп, куёш янглиқ тож эгаси; Баҳромдек серсавлат, Зуҳал янглиқ юксак даражали, Муштарийдек мартабалик, Меркурийдек зийрак, Зухродек қобилиятли, Заххоқ сифат қудратли, Кавусдек улуг, Фаридун янглиқ олийжаноб, Жамшиддек кучли, Доро янглиқ дабдабали, Парвизга тенг (келувчи), соҳибқирон якка ҳоким подшоҳ фарзанди. Русиянинг, Черказистоннинг, Арманистон ва бошқа мамлакатларнинг қудратли подшоҳи Александр Павлович шодлик ва тетиклик майидан сархуш бўлиб, яхши кайфиятда ва саодатли руҳиятда қолаверсинлар.

Ўзларини дуо қилиш билан бирга давлатнинг зийнати бўлган ғоят юксак зотингизга етказаманки, қудрат ва улугликнинг манбаи бўлган буюк ота-боболар ва шарафли аجدодлар қадим замонлардан буён бизнинг мамлакатимиздан борган савдогарлар ва мусофирларга нисбатан муайян бир тартиб ва ўзаро муносабат белгиланганлар.

(Бизнинг) савдогарларимиз сармоясини кам ва заиф халқ. Икки юксак давлат тотувлиги ва иттифоқи манфаатлари учун ҳамда ўзаро алоқаларнинг асосини мустаҳкамлаш учун аъло ҳазратларининг олий ҳужжатларига умид қиламизки, олдинги қондалар ва муносабатлар ўз кучида қолади ва боз устига кундан-кунга мустаҳкамланаётган давлатнинг подшоҳидан янги имтиёзлар берилади.

Қозоқлар ва ўрганчлилар ўз тарафларидан зиммаларига бечора

савдогарларнинг мол-мулкларига масъулият олдилар ва уларни ўзлари кузатиб қўядиган бўлдилар; бу ҳақда Сизга маълумот бермоқдамиз.

Давлатга садоқатли ходимимиз, ҳурматли Азимжон девонбегини Зуҳал сифат шуҳратли саройингизга элчи қилиб юбораяпмизки, (у) дўстлик ва иноқлик асосларини мустаҳкамласин.

Нимаики айтмоқчи бўлсак, дўстона мактубимизда баён қилдик, мазкур элчига оғзаки айтиш учун вазифа ва топшириқ берилмади. Фақат дуода (қоламиз). 1233 йил 14 жумадулаввал, душанба куни ёзилди”.

Мироншоҳ мунши, Мулла Зоҳид мунши, Муҳаммад Тоҳир мунши. Мактубот, муншаот ва манишурот. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси, Инв. №289. 200-а,б бетлар.

Д. Валиева таржимаси.

Азимжон Мўминжоновнинг элчилиги ҳақида ¹

Архивда Бухоро элчиси Азимжон Мўминжоновнинг Оренбург генерал-губернатори Г.С. Волконскийга хатининг таржимаси сақланиб қолган. Қуйида ўзбек тилидаги асл нусхасига солиштирилган ушбу таржима келтирилади: “Оренбург ҳарбий генерал-губернатори саодатли князь Григорий Семенович Волконскийга Бухоро шаҳрининг элчиси девонбеги Азимжон Мўминжоновдан. Мени император аълоҳазратларининг юксак саройига элчи сифатида жўнатаётиб, Бухоро ҳукмдори Мир Ҳайдархон лозим бўлган шартлар (гаплар) изҳор қилинган ёрликни қўлимга берди. Бу ёрликқа қўшимча қилиб, Бухоро ҳукмдори қуйидагиларни оғзаки айтишни буюрди.

Биринчи. Башарти Русия подшоҳи, император ҳазратлари, рус ва Бухоро савдо қарвонларининг чўлдан хавфсизлиги учун Бухоро шаҳрининг айна чегарасигача бўлмаса ҳам, бироқ Сирдарё бўйигача уларнинг бешикаст ўтиши учун рус ҳарбий ҳимоясини тайинлаб, ҳимоя тадбирлари тузишни лозим деб билсалар, унда Бухоро ҳокими Мир Ҳайдархон ҳам, ўз тарафидан

1 Внешняя политика России XIX и начала XX века. Серия 1. т. VIII, с. 646-647.

Сирдарёда карвонни кутиб олиб, уни Бухорогача кузатиб боришга етарлик ҳарбий соқчи отряд тайинлайди. Бухорода савдо тугагандан сўнг Русияга қайтаётган карвон Сирдарёгача Бухоро соқчи отряди ҳимоясида боради ва Русия соқчи аскарларига топширилади. Бухоро ҳокими бунинг қоидаларини бутунрусия подшоси император ваколат беришни лозим топган шахс билан аниқлайди.

Иккинчи. Башарти бутунрусия подшоси, император, карвонларда ўзларининг моллари билан бирга рус савдогарларининг ўзлари ёки уларнинг ишончли вакиллари (приказчиклари) боришларини лозим деб билсалар, бу ҳолда Бухоро ҳокими уларнинг Бухорога киришига ва эркин савдо қилишларига ҳеч қандай қаршилик қилмайди. Бироқ, уларга ҳомийлик қилади ва савдо ишлари билан бошқа Осиё шаҳарларига боришларига рухсат беради. Агар Бухоро ҳокими Мир Ҳайдархон томонидан таклиф қилинган бу битим маъқулланса, унда рус мансабдорлари ва савдогарларидан консулни, унинг ёнида фақат иззат-эҳтиром учунгина, кичик ҳарбий соқчи отряд билан қабул қилади, токим Бухоро аҳли бу янги фармойишдан умумсавдо манфаатларига зид бўлган хулосалар қилмасин. Шу масала ҳақида ҳамда умуман ўзаро савдонинг манфаати учун Мир Ҳайдархон Русия давлати билан ўзаро савдонинг бутун музофотида, ҳам енгилтак қирғиз ва қозоқларнинг талашидан қутулиш учун ҳамда ўзаро фойда учун халқаро савдо битими тузишга ва имзолашга тайёр.

Учинчи. Бухоро ҳокими Мир Ҳайдархон ва Бухоро вазирлиги менга, девонбеги Азимжонга, бутунрусия подшоҳи, императордан, шунинг илтимос қилишни қаттиқ буюрдиларки, фақат Бухоро савдогарларигина савдо қиладиган Осиё божхоналари бошқармаси бошқа мансабдорга эмас, (балки) ягона ҳарбий губернаторга бўйсундирилса ва Оренбург ўлкаси Бухоро билан ва бошқа шаҳарлар билан қадимдан қандай қоида асосида савдо қилган бўлса, худди ўшандайлигича қолсин. Бунинг устига, Бухоро ҳукмдори хоҳиш билдирадиги, Астрахан, Оренбург, Троицк, Петропавловск божхоналарида осийлик жамоалар савдо қиляётганда Бухоро шаҳридан ҳар йили энг бой ва сармоёси кўп бўлган икки киши ўша жамоалар томонидан сайлаб қўйилса, улар устидан Сиз томондан назорат қилиб турилса, токим улар

савдо ҳақидаги барча фармойишлардан ва назоратдан ўтган моллардан тушадиган бож солиқларидан бохабар бўлиб турсалар. Бунинг учун улар махсус дафтарлар тутиб, моллар ва бож солиқларини ёзиб борсалар, йил тугагач улар ҳар иккаласининг имзоси билан божхона оборотида ўзларининг савдолари ва хазинага тушган бож солиқларининг умумий ҳисоб ведомостини беришлари лозим. Божхоналарга тайинланган Бухоро мансабдорларига ўз элатларининг савдога тааллуқли бўлган барча ишлари бўйича илтимос қилиш ҳуқуқи берилсин; уларга божхоналарда (юз берадиган ва) қатъий қарор қилиш учун Оренбург чегара комиссиясига юбориладиган барча даъволарни кўришда ва текширувларда иштирок этишга рухсат берилади.

Яна Бухоро ҳокими истаидики, ҳар йили иккита бухоролик мансабдор мазкур комиссиянинг ишида иштирок этсин; ниҳоят, деярлик бутунлай Осиё савдоси мужассам бўлган Оренбург ва Троицк божхоналари ҳар жиҳатдан чегара комиссиясига бўйсундирилсин. Астрахан божхонасини эса Сибирь линиясидаги Петропавловск божхонасини ўша жойларнинг маҳаллий ҳокимиятига топширилсин, чунки бусиз бухоролик савдогарлар савдо оборотида жуда қийналадилар ва бошқа ижтимоий маҳкамаларда ўзларининг даъвогарлик процессларини тез ва қониқарли ҳал қилаолмайдилар. Элчи Азимжон сўрайдики, Оренбург ҳарбий губернатори ўзининг бутунрусия подшоҳи, император, ҳузуридаги ваколатини Бухоро халқи фойдасига (ҳам) ишлатсин.

Тўртинчи. Бухоро ҳокими Мир Ҳайдархон (айтдиларки), башарти Бухородаги рус асирлари¹ ҳақида масала кўтарилса, (ва) агар император аълоҳазратлари уларнинг товон эвазига Русияга қайтарилишини лозим деб топса, чунки улар Бухорода

1. *Ўрта Осиёда қулдорлик ва қул савдосига барҳам бериш ҳақидаги масала XVII-XIX асрларда Русиянинг хонликлар билан муносабатида махсус ўрин тутарди. Кўчманчи қозоқ ва туркманлар, баъзан хиваликлар ҳам рус қишлоқларига, савдо карвонларига, Каспий денгизида балиқчилик қилаётган кемаларга ҳужум қилиб, рус фуқароларини асирга олар ва Бухоро, Хива ва Қўқонга қулликка сотар эдилар. Хонликлардан қулликда сақланаётган рус фуқароларининг сони баъзан бир неча ўн мингларни ташкил қилар эди. (ВПР. Т. 1., док. 133).*

пулга сотиб олинганлар, у ҳолда Мир Ҳайдархон бу муҳим масала ҳақида Русия вакили билан мунозара қилишга тайёр, агар фақат бундай ҳаракатларни Бухоро жамоаси мақбул кўрса, рус вакилини қабул қилишга ҳам рози.

Бешинчи. Бухоро ҳокими Русия подшоҳи, императордан, (шуни) қаттиқ туриб сўрашни буюрдик, қозоқларни чўлда карвонларни талаб олган моллар билан Оренбург, Троицк ва бошқа савдохоналарга киритиш манъ қилинсин, чунки қирғизлар ва қозоқлар (таланган) савдогарларнинг кўзлари олдида уларнинг кўп нарсаларини қаршиликсиз сотадилар ва шу билан гўё бундан бўён ҳам савдо карвонларини талаш рағбатлантирилгандек бўлади.

Олтинчи. Бухоро ҳукмдори менга, девонбеги Азимжонга, бутунрусия подшоҳи, императордан, қаттиқ туриб сўрашни буюрдик, бухоролик савдогарларга аввалги қоида бўйича ўзларининг молларини бир божхонадан бошқасига кўчириш манъ қилинмасин; божхона назоратидан ўтишда бож солиғи тўлашда улар ҳозир қийналмоқдалар. Бу хатни девонбеги Азимжон Мўминжонов 1815 йил 18 январидан имзолаган (Архив материалларидан).

Русия ҳукумати Ўрта Осиё хонликларига ўз элчиларини юбораётганда уларга, албатта, рус асирларини қутқариш ҳақида музокаралар олиб боришни топширар эди. Бу масала 1620 йилдаёқ Бухорога жўнатилган биринчи рус элчилиги И. Хохлов зиммасига ҳам юклатилган эди. 1619 йилда Русияга келган Бухоро элчиси билан ҳам, 1645 йили - Хива элчиси билан ҳам ва ундан кейинги даврда икки ўртада бўлиб турган барча элчилик алоқаларида ҳам қуллар масаласи кўтарилар эди. XIX аср бошидан бошлаб 70-йилларгача ҳам рус қуллари ҳақидаги масала ҳар гал музокара объекти бўлиб келар эди.

1873 йил 12 (24) августдаги Русия-Хива шартномаси, 1873 йил 28 сентябрь (10 октябрь) Русия-Бухоро шартномаси бўйича қулчилик ва қул савдоси бекор қилинди. (Қаранг: Сборник действующих трактатов, конвенций и соглашений, заключенных Россией с другими государствами и касающихся различных вопросов частного международного права, Т. 1. Спб. 1891. с. 421-427).

**В.К. Нессельроде С.-Петербургдан Бухоро фавкулудда
элчиси А. Мўминжоновга
1816 йил 5 (17) июль¹**

Ташқи ишлар министрлиги Бухоро ҳокими Мир Ҳайдархоннинг элчиси девонбеги Азимжон Мўминжоновни қайтариб юбориш ҳақида император ҳазратларининг олий амрини олишга муяссар бўлиб, айна аъло ҳазратнинг илтифоти билан мазкур элчига эълон қилади:

1. Аълоҳазрат номидан ишонтириладики, император ҳазратлари Мир Ҳайдархоннинг бу элчилигини илтифот билан қабул қилишга муносиб кўриб (юборилган) мактубдан ҳам, девонбеги Азимжон Мўминжоновнинг оғзаки сўзларидан ҳам у Мир Ҳайдархондан олиб келган табрикни ҳамда унинг ҳар икки томон фуқароларининг ўзаро манфаати, айниқса савдо алоқалари учун буюк Русия империясининг Бухоро билан дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлаш истагини мамнуният билан эътироф этди.

2. Император ҳазратлари Мир Ҳайдархоннинг хоҳишига кўра ўзаро савдо ва ҳар икки томоннинг бошқа хил манфаатларига тегишли бўлган ва хусусан карвонларнинг юришини таъминлаш, асирларни - Русия фуқароларини озод қилиш ва Русия консулини тайинлашга тааллуқли бўлган барча масалалар бўйича шартлашилган қарорлар қабул қилмоқ учун ваколатли бўлган Русия амалдорларини Бухорога бажонидил юборди.

3. Бухоро ҳокимига ва унинг фуқароларига (улар ҳаммавақт Русиянинг махсус ҳомийлиги остида бўлиб келадилар) олий марҳаматнинг исботи сифатида ҳозир ҳам, элчининг ўтинчларига кўра, уларга қуйидаги янги манфаатлар берилди.

4. Элчи таклиф қилган бухороликлар савдо қиладиган божхоналар маҳаллий фуқаролик ҳокимликларига ёки ҳарбий губернаторга бўйсиндирилсин, деган фармойиш бериш ўрнига

1. Внешняя политика России XIX и начала XX века. М., 1974. Серия II., т., I IX. с. 213-214.

(давлатдаги савдо ишларининг умумий ташкилоти важдан уни амалга ошириб бўлмайди) Осие билан умумий савдо учун энг қулай (бўлган) махсус божхона қоидалари тузилади.

5. Оренбург линиясидаги божхоналарда бухоролик фуқароларнинг ишлари кўрилаётганда бу ишлар бўйича мазкур божхоналарга бухоролик савдогарлар ўзлари ичидан сайланган энг ҳурматли иккита вакил киритилади.

6. Бухороликларнинг даъволари Оренбург чегара комиссиясида кўрилади ва улар текширилаётганда ҳам, Бухорода Русия консуллиги ташкил топгач, Бухоро амалдорларидан иккита вакил иштирок этишига рухсат берилади.

7. Бухороликларга (ўз) молларини бир божхонадан иккинчисига кўчиришга рухсат берилади.

8. 1812 йилда молларини қирғизлар талаган бухоролик савдогарларни иложи борида рози қилиш мақсадида қирғизлардан ундириб олишга ҳаракат қилишни нафақат генерал Глазенапга, балки Оренбург ҳарбий губернаторига ҳам топширилади, ҳарбий губернатор бухороликларга аллақачон 100.000 лик молларини қайтариб берди.

9. Русияда мусулмон аёлларга уйланган бухороликларга ўша хотинлари ва фарзандлари билан ўз юртига қайтишга рухсат берилади, агар бунга хотинларининг ота-оналари рози бўлсалар, зеро, маълумки, улар кўпинча айти Русиядан ҳеч қачон кетмаслик шarti билан уйланадилар; бироқ Бухоро хони ҳам ўз тарафидан у ерда уйланган Русия татарларига шундай эркинлик бериши керак. Бухороликларга Русияда бутунлай қолиш ҳам манъ этилмайди, бироқ улар давлат қонунлари асосида қандай бўлмасин бир турмуш тарзини танлашлари лозим; чегара бўйи қалъаларида беиш санқиб юрганлар ёки рухсат берилмаган касблар билан машғул бўлганлар фойдасиз ва жамият учун зарарли (шахслар) сифатида умумий қонун асосида чегарадан чиқариб юборилади.

10. Бухороликларнинг ўз ҳисобларидан Троицкда номозхонлик учун масжид, карвонсарой, меҳмонхона ёки келиб-кетадиган бухороликлар учун бошпана ҳовли ва ўқув юрти қуришларига қаршилик кўрсатилмайди, бироқ шу шарт

биланки, бу иморатларнинг ҳаммаси савдо растасидан узоқда бўлмаслиги керак, мустаҳкамлиги ва ёнғиндан хавфсизлиги учун эса иморатлар гиштан, томлари тунукадан бўлиши зарур; уларнинг тархи ва олд қисмининг (кўриниши) маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланиши шарт; уларнинг ҳаммасига лозим бўлган харажатларга ёрдам сифатида эса бухороликларга ўша иморатлар қурилишига лозим бўлган ёғочни линиянинг нариги ёғидан, хусусан, Троицк атрофидан, қирғизлар (ери) дан олиб келишга рухсат берилади.

11. Лабораторияда (қайта ишланган канцелярия) уруғларни тайёрлайдиган омилкор устани Бухорога тезликда жўнатишда қийинчиликлар бўлиши мумкинлигидан элчининг бу таклифи зарурат юзасидан қулай фурсат келгунча тўхтатиб турилади; шу билан бирга бухороликларга лаборатория уруғини ишланмаган ҳолда, савдонинг умумий қондаларига кирадиган моллар қаторида олиб чиқиб кетиш имконияти берилади.

12. Троицкда бўлган ва гўё Бухородан келадиган савдогарларни ранжитадиган ва уларга азият етказадиган рус мансабдорлари устидан шикоят борасида - қачон бухороликлар ўша мансабдорларнинг айни кимлигини ва улар етказган ранжу-азият нимадан иборат эканини кўрсатиб берсалар, (ўшанда) текшириш ўтказиш ҳақида буйруқ бўлади.

13. Башарти карвонларни ҳимоя қилиш ҳақида қарор қабул қилинса ва элчи айтганидек Бухоро хонининг бу масалага мойиллиги ҳақиқатан амалда тасдиқланса, қирғизларнинг талон-торожи жуда осон барҳам топади; унга эса уларнинг ўғирланган молларни сотишини манъ қилишнинг имкони кўринмайди, чунки қайси моллари ўғирланган, қайси бири ҳалол йўллар билан топилганини ажратиб бўлмайди.

14. Император ҳазратлари шахсан элчига олий илтифот кўрсатиб, унинг элчилиги масалаларига ҳурмат юзасидан (бирок келажак вақтлар ва ҳодисалар учун намуна сифатида эмас), унинг 200 та шол рўмолидан Петропавловск божхонасида хазина учун олинган солиқни қайтариб бериш ҳақидаги илтимосларини инобатга олишни лозим топди; бу ҳақда молия министрлигига, унга боғлиқ бўлган топшириқларни амалга ошириш учун амри олий берилди. Нусхадан кўчирма.

**А. Мўминжоновнинг Оренбург ҳарбий
губернаторининг хатига жавоби
(1818 йил 4 (16) сентябрь)**

“Саодатли ҳазратингиз мактубларини олиш шарафига эришдим, мазмунини тушуниб, гоят мамнун бўлдим, саодатли ҳазратингизга хотиржамлик, сиҳат-саломатлик ва император ҳазратларининг марҳаматига сазовор бўлишингизни тилайман. Ҳазратингиз менинг юксак даражали эгам Мир Ҳайдархондан император саройига ва министрлигига (етказиш учун) менга қандай топшириқлар берилганини билишни талаб қиласиз. Бунга жавобан, (шуни) хабар қилиш шарафига муяссарманки, менинг юксак даражали, юксак мақом эгам ўтган 1816 йилда мен орқали император подшоҳдан юксак ёрлиқ ва турли хил тортиқлар олиш шарафига муяссар бўлиб, икки давлат ўртасида мавжуд бўлган қадимги дўстлик ва иттифоқнинг рамзи сифатида менга император подшоҳга ўзининг ёрлигини топширишни ва бешта арғумоқ от тортиқ қилишни ва император ҳазратларига миннатдорчилик ва уларнинг ҳар куну ҳар соатда комил фароғатда, саломатликда, хузур-ҳаловатда бўлишларига истак билдиришни буюрган эди. Император подшоҳ Бухорога ўзаро савдо ва бошқа иккиёқлама манфаатларга алоқадор бўлган, хусусан, карвонларнинг юришини таъминлашга, кулларнинг, рус фуқароларининг озод қилинишига ва Русия консулини тайинлашга тегишли бўлиши мумкин бўлган барча масалалар ҳақида шартлашишга ва қарор қилишга ваколатли бўлган Русиянинг ғайратли бир мансабдорини юборишни ваъда қилган эди. Шу боис бунинг эълон қилинганига учинчи йил кетаётибди, бироқ улардан биронтаси амалга ошмади ва Бухорога ҳеч қандай элчи келмади, бундан ўн беш йил олдин тайинланган жаноб Гавердовскийдан ташқари; уни эса қирғиз-қайсақ қароқчилари талаган ва унга берилган топшириқ бажарилмай қолган эди; (ваҳоланки) ундан қанчалик ўзаро манфаат ва йўлида таланган турли хил молларини қайтариб олиш, хусусан, ҳозирги кунларгача жазосиз қолиб келаётган айбдор қирғизларга жазо бериш усулларини кутиш мумкин эди. Икки давлат ўртасидаги алоқалар узилиб қолди ва император ҳазратларининг яхши

ниятлари юзага чиқмади. Худди мана шундан юксак даражали ва атоқли хон Мир Ҳайдар жуда ташвишда қолди; Онҳазрат (Мир Ҳайдархон) император ҳазратларига жонбозлик кўрсатиб қалбдан ёрдам беришга қанчалик тайёр эканини ва Бухорода рус элчиси билан ҳар хил фойдали шартлар ва қарорлар қилишни ва ҳамма вақт савдо бўйича ҳар икки томоннинг фойдаси учун уз юртида Русия консули бўлишини, ҳамда император ҳазратларига азалий дўстлик ва иттифоқ (бўлиш)ни ва Бухоро савдосининг олийжаноб ҳомийсига ва душманлари устидан ғолиб келган бундай машҳур подшоҳга ўзининг чуқур садоқатини кўрсатишни истайди. Шундай хулоса қилиш мумкинки, карвонларни ва савдони ҳимоя қилишга албатта эҳтиёж бор. Чунки эндиликда Султон Ҳорунғози Абдулазиз ўғли қирғиз-қайсақ чўлларида яхши ишларни бошлаган ва давом этаётган бўлса-да ва, буни билиб, бухороликлар бу йил кўп сонли карвонларни юбордилар; бироқ ҳали номаълумки, бундай фойдали иш қанча давом этади; бироқ маълумки, қирғиз-қайсақ халқи енгилтак ва ваҳший ва яна бундай яхши султонга бўйсинишдан зерикиб қолишлари ва уни, балки ўлдириб, яна карвонларни талай бошлашлари ва савдога катта зарар етказишлари (мумкин); шу сабабдан менинг юксак даражали, машҳур эгам менга аввалги арзларим ва хатларим асосида император ҳазратларига илтимосларни қайта бошлашни ва ўтиниб сўрашни топширди ва ундан жуда фойда бўлади, император ҳазратларининг яширин маслаҳатчиси жаноб министр ва граф Карл Васильевич Нессельроде эса, гарчи буоқ подшоҳининг олий амри билан менинг турли арзларим қониқтирилади ва бухороликларга турли хил фойдалар етказилади, (деб) ўзининг жавобини берган ва, худди шундай, молия министри жаноблари ва кавалер Дмитрий Александрович Гурьев (ҳам) менинг илтимосларимга ёрдамлашиш ва кўмаклашишни ваъда қилган бўлса-да, бироқ ҳалигача ҳеч нарса бажарилгани йўқ; Мана шунинг учун юксак даражали эгам, Русиянинг улуғ саройида яхши таниш бўлганим учун мени элчи қилиб борди; Министр жаноблари, граф Карл Васильевич Нессельроде жанобларининг ўзлари ҳам бизнинг муҳтарам оталигимиз Муҳаммад Ҳакимбойга ёзган хатларида мени мақтаган; мен марҳаматли император ҳазратларидан нимаики сўраган бўлсам, император ҳазратларининг номидан берилган барча ваъдалар бажарилиши керак, бухоролик савдогарларга эса,

аввалгича, азалдан буюк подшоҳнинг ажодлари ўрнатган ва император ҳазратларининг доно ва бехатар подшоҳлиги даврида давом этиб келган (қоида асосида) муомала қилиниши керак; ва ўшанда, хусусан, карвон ҳимоя қилиниб ва кузатиб борилганида ва ҳар икки давлатнинг консуллиги ва элчилиги ташкил этилганда, юксак даражали ҳоким номидан мен аввал қилган илтимосларим бажарилганда савдо ҳар икки давлат ва (уларнинг) фуқаролари учун жуда фойдали бўлган бўларди.

Саодатли ҳазратингиз менинг бу жавобимни назардан ўтказишни лозим топсангиз, шунини кўрасизки, юксак даражали Мир Ҳайдархоннинг мени элчи қилиб юборишдан мақсади ўзаро алоқа ва қадимги дўстликни мустаҳкамлаш ҳам Русия, ҳам Бухоро давлатлари учун фойдали бўлган барча ишни қилишдан иборатдир, бу ҳақда мен император ҳазратларининг юксак саройида тушунтирмай қўймайман; фақат саодатли ҳазратингиз, бизга кўшни бўлган ўлканинг узоқни кўрувчи бошлиғи ва бош кўмондони сифатида бизнинг арзларимизни кўриб чиқишингизни ва ўзингизнинг ваколатингиз билан тасдиқлашингизни ўтиниб сўрайман ва менга элчилигимни муваффақиятли амалга оширишга ёрдам беришни сўрайман, токим яхши ишлар бажарилмай қолмасин, бундай фойдали ишларнинг Сизнинг даврингизда бошланиши ва давом этиши Сизнинг номингизни шуҳратга буркаш эса, албатта, Сизга ҳам хуш келади; фақат лозимки, бу яхши ишларни кучли кўллар ва оқил инсонлар ва ғайратлилар бажарсинлар ва саодатли ҳазрат, менга бу ишда ёрдам қилишингизни сўрайман; Бухоро халқи нима яхши, нима ёмон эканини (ўзи) билганича ажратиб олсин, Бухоро ерини Русия билан маҳкам ўрнатиш (боғлаш) ва ҳар икки томон савдосини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш вақти келди; агар бу иш Сизнинг саодатли ҳазратингиз даврида мен улуғ император подшоҳ ҳузурига киришга муваффақ бўлганимда император аълоҳазратларидан эшитганим асосида амалга оширилса, нур устига нур бўларди.

Шундай қилиб, менинг С.-Петербургга жўнаб кетишим ҳақида амр бўлганда, (хатга) илова қилинган рўйхатдаги одамларни, хусусан: менинг ўз ўғлим, катта қоровулбеги Мирза Носиржонни; менинг ёрдамчим, рус мансабдори, унвони маслаҳатчи, Бухоро давлатида кўрчибоши мансабига эга бўлган Назарбой ҳожи Эшмуҳаммад ўғли Бойкишиевни; менинг ўртанчи ўғлим

понсадбоши Шарифжонни; менинг кичик ўғлим Мирза Умиджонни; Маҳрам боши мулла Орифжон Аҳмаджон ўғлини, хазинадор Мирза Фузоил Раззоқ ўғлини, юзбоши Муҳаммад Юсуф Салим ўғлини, ясовул Ражаб боқи Ашур Муҳаммад ўғлини, катта отбоқар Муҳаммад Саид Бекмуҳаммад ўғлини, ўнбоши Муҳаммад Раҳим Муҳаммад Шариф ўғлини, баковул Муҳаммад Ражаб Нуриллабой ўғлини ва бешта хизматкорни ўзим билан бирга олиб кетишга зарурий эҳтиёжим бор. Бизнинг юксак мақом хонимиз Мир Ҳайдар император аъло ҳазратларининг юксак саройига совға қилиб юборган беш бош аргумоқларга ва мен онҳазратга тортиқ қилиш учун олиб келаётганим шахсий буюмларимга келсак, мен саодатли ҳазратингизга оғзаки айтаман.

Бироқ, саодатли ҳазратингизнинг менга махсус мурувватини кутиб, худди шундай ўзимнинг ўтинчли илтимосим билан қоламан, токим мурувватингиз ўзингизнинг менга берган ва мени қаттиқ шодухуррам қилган ва ҳузур бағишлаган кўрсатмангизга мос ва мувофиқ тарзда бўлса; хусусан мен ўзимнинг қатъиятим билан барча истакларимга, албатта, муваффақиятли равишда етишмай қолмайман; шунга қаттиқ ишонган ҳолда ҳам саодатли ҳазратингизга (дилимни) очмоқдаман, бошқа бошлиқлар билан эса мен бундай очиқ гаплашмаган бўлардим; саодатли ҳазратингиз менда ўзингизга нисбатан катта ҳурмат ва ишонч уйғотгансиз; мен ҳам Сиз билан мулоқотда бўлишдан қанчалик ҳузур қилсам, шунчалик катта мамнуният билан Худодан Саодатли ҳазратингизнинг умрларини узун қилишни сўрайман; Сизнинг чегара ишлари бўйича фармойишларингиз энг яхши ишлардир ва савдо шароити учун улар ҳеч қачон ўзгармасдан умрбод мустаҳкам ва бузилмас бўлиб қолишларини истайман. Чегара комиссиясида раислик қилаётган генерал ўзининг вазифасини аъло бажараяпти, у ҳолда саодатли ҳазратингизга шундай хушфезъл ва ишончли ёрдамчи билан (ишлаш) албатта, яхши бўлса керак, у билан мулоқотда бўлиш бизга ҳам ёқди; албатта, Сиз бу узок ўлкани обод қиласиз - Сиздан олдин бўлган бош қўмондонлар истаган, бироқ турли ноқулайликлар ваҳидан эриша олмаган (ишни) Сиз қиласиз. Ёлғиз ва абадий Худо, албатта, Сизга ёрдам беради. Зотингизга юксак ҳурмат ва садоқат билан Бухоро элчисини девонбеги Мирза Азимжон Мирза Мўминжон ўғлиман”.

Ташқи ишлар министрлиги бошқарувчиси
К.В. Нессельроденинг Бухоронинг мухтор вакили
Мўминжоновга нотаси (1820 йил 3 (15) июндан олдин)¹

Русия императорлик ташқи ишлар министрлиги амри олий бўйича Бухоро ҳокими Мир Ҳайдархоннинг элчиси Азимжон Мўминжоновга (шуни) хабар қилиш шарафига эгаки, подпоҳ, император, дўстлик алоқаларини мустақамлаш ва савдони кенгайтириш асосий мақсади бўлган ушбу элчиликдан гоаят хушвақт бўлди, оқибатда яқинда биздан ҳам, Русиянинг юксак саройидан, Бухорога дипломатик мансабдор юборилади. Элчи жаноблари топширган ноталарга² келсак (улар ҳақида) министрлик рухсати олий олиб, (Сизни) хабардор қилишни ўзининг вазифаси деб билади:

1. Осиё савдоси учун янги тасдиқланган тариф³ ўрнига эски қондани киритиш ҳақидаги илтимос тегишлича эътибор билан кўриб чиқилди. Талаб қилинаётган давлат қурилмасидаги

1. К.В. Нессельроденинг Оренбург ҳарбий губернатори П.К. Эссенга юборилган қўшимча хатида шу сана кўрсатилаган. *Внешняя политика России XIX и начала XX века. Серия II, т. III (XI), М., 1979, с. 415-416.*

2. 1820 йил 6 (18) февралда салом маросимида топширилган Александр I номига ёзилган нотада ва унга илова қилинган расмий хатда Азимжон Мўминжонов Бухоро хони топшириғи билан янги Осиё савдо тарифи бухоролик савдогарларга тегишли бўлмасин, деб илтимос қилди. Элчи чегарадаги ҳукмдорларга фармойиш берилишини, токим “улар бож солиғини аввалги қоида бўйича олишларини” сўради. Бу илтимос бухоролик савдогарларнинг белгиланган бож солиқларини тўлаш учун етарли капитали бўлмаганлиги билан асосланади. Шунингдек, Мўминжонов чегарада ундан олинган 10.460 рубллик бож солиғини қайтариб беришни илтимос қилди. Нотага илова қилинган расмий хатда Бухоро хонининг Русиянинг Осиё билан савдода янги тарифини Бухорога ёймасликни сўрашининг сабаблари муфассал баён қилинган эди.

3. Александр I нинг 1817 йил 30 май (11 июн)даги Манифести билан 1818 йил 1 (13) январдан бошлаб Осиё мамлакатлари билан савдо учун янги тариф ва божхона низоми киритилиши эълон қилинди. У чоп этилган: *ПСЗРИ (Полное собрание законов Российской империи с 1649 года). Т. XXXIV, с. 328-348; т. XIV, книга тарифов, ч. III. Общие дополнения к тарифам, с. 63-67. См. также ВПР, т. IX, аннотацию на стр. 569х.*

ўзгартишлар кўп муқаррар ноқулайликлар билан боғлиқ бўлиши аниқланди; бу Бухорога жўнатилаётган дипломатик мансабдор зиммасига шуни юклаш лозимлигини эътироф этишга олиб келди, токи у бу масала ҳақида Бухоро ҳукуматига тушунтириш берсин ва орқага қайтишда чегара бўйлаб янги тарифнинг савдо равнақига, фаровонлигига қандай таъсир ўтказаятганини кўрсин ва буларнинг ҳаммаси ҳақида император аъло ҳазратларининг министрлигига маълумот берсин ва русиялик ҳам бухоролик савдогарларнинг бевосита фойдасини жуда аниқ тасаввур қилиб, кейин энг яхши бўлган тadbирлар кўрилсин.

2. Элчининг нотасида номлари келтирилган Бухоро фуқароларига ўзларининг молларини сотиш учун Москвага бетўсиқ олиб келишлари учун рухсат беришга элчи жанобларининг илтимоси бўйича (шу нарса) маълум бўлдики, бундай имтиёз ҳатто русиялик савдогарларнинг ўзларига ҳам, агар улар савдогарлар (уюшмаси)га ёзилган бўлмасалар, берилмаган экан. Боз устига агар бухоролик савдогарлар фойдасига истисно қилинадиган бўлса, бошқа қўшни халқларнинг ҳам шундай истиснони талаб қилишларига асосли баҳона берилган бўлади ва унда умумий қонданинг бузилишидан савдонинг бутун фойдаси чет элликларга ва қийинчиликлари эса - русиялик савдогарлар ҳиссасига қолади. Шу сабабларга кўра, элчи жанобларига хуш ёқадиган иш қилиш истаги бўлса-да, унинг бу ҳақдаги илтимосларини қондириб бўлмайди.

3. Элчи жаноблари Русияга олиб келган моллари учун божхонада тўлаган 10. 464 рубл бож солигини қайтариб бериш тўғрисида молия министри жанобларига олий фармойиш берилди. Министрлик ишонадики, элчи жаноблари бу амри олийни Русия билан Бухоро савдо алоқалари фойдасига Сизнинг кўп меҳнатларингиз ва ҳаракатларингизга император ҳазратлари (кўрсатаётган) эътиборнинг исботи деб қабул қилади.

Нотанинг асл нусхасини Бухоро элчисига ташқи ишлар министрлиги бошқарувчиси шахсан топширган. Тарихи ва рақами кўрсатилмаган. Чиқим хатлар рўйхатида № 481 дан кейин қайд қилинган. Нусхадан чоп этилган.

МАНБАЛАР, АДАБИЁТЛАР

1. Қўлёзма асарлар.

Абдураззоқ Самарқандийнинг Ҳиндистон сафарномаси. Кириш, таржима ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев, Тошкент, "Фан", 1980.

Абдураззоқ Самарқандий. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. II жилд. I қисм. А. Ўринбоев таржимаси. Тошкент, "Фан", 1969.

Абдурахмон Толе. История Абдулфайзхана. Перевод, предисловие, примечания и указатели А.А. Семенова, Ташкент, "Фан", 1959.

Абдулқодир бин Мулукшоҳ Бадавоний. Мунтахаб ут-тавориҳ. ЎзФА ШИ, қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 25.

Абу Бакр ан-Наршаҳий Муҳаммад ибн Жаъфар. Бухоро тарихи. Форс тилидан А. Расулов таржимаси. Тошкент, 1991.

Абулфазл Алломий. Оини Акбарий. Лакнау, 1983, ЎзФА ШИ, қўлёзмалар хазинаси. Лит. № 5245.

Абулфазл Алломий. Тарихи Акбаршоҳий. ЎзФА ШИ, қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 6.

Абу Райхан Бируни (Памятники минувших поколений). Избранные произведения. Т. I Перевод и примечания М. Салье. Ташкент, 1957 т. II (Индия). Перевод. А. Б. Халидова и Ю.Н. Завадовского. Ташкент., 1963.

Абу Сайид Гардизи. Зайн ал-ахбар. Украшение известий. Раздел об истории Хорасана. Перевод с персидского языка А. К. Арендса. Введение, комментарии и указатели Л. М. Епифановой. Ташкент, "Фан", 1991.

Абдулғозий. Шажарайи турк. Нашрга тайёрловчилар - Қ. Муниров, Қ. Маҳмудов. Масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Б.А. Аҳмедов. "Чўлпон", Тошкент, 1992.

Абу-л-Фазл Бейхаки. История Масъуда (1030-1041). Вступительная статья, перевод и примечания А.К. Арендса. Ташкент, 1962. Издание второе, дополненное. Москва, 1969.

Абулҳусайн Навоий. Эснод ва макотиботи тарихийи Эрон (форс тилида). Техрон, 1963.

Баёний. Шажарайи хоразмшоҳий. ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзмалар хазинаси. Инв. № 2057.

Огаҳий. Гулшани давлат. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзмалар хазинаси. Инв. № 7572.

Огаҳий. Жоме ул-воқеоти Султоний. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзмалар хазинаси. Инв. № 5786.

Огаҳий. Риёз уд-давла. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзмалар хазинаси. Инв. 0185-П.

Мунис. Фирдавс ул-иқбол. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзмалар хазинаси. Инв. № 5364-1.

Шер Муҳаммад Мироб Мунис ва Муҳаммад Ризо Мироб Огаҳий. Фирдавс ул-иқбол. Хоразм тарихи. Қиёсий-танқидий матн. Кириш (инглиз тилида) қисми муаллифи ва нашрга тайёрловчи Ю. Брегель. Нью-Йорк, 1988.

Бекжон Раҳмон ўғли. Озоднома. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлэзмалар хазинаси. Инв. № 8956.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев. Т., "Фан". 1960.

Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи ("Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур" - "Темур тарихида тақдир ажойиботлари"), I-II китоб. Сўзбоши ва таржима У. Уватовники. "Меҳнат", Тошкент, 1992.

Исмоил Ақа. Темур ва давлати (турк тилида). Анқара, 1991.

Исмоил Ақа. Шоҳруҳ ва давлати (турк тилида). Анқара, 1995.

Искандар мунши. Тарихи Оламоройи Аббосий. ЎзР ФА ШИ. Қўлэзмалар хазинаси. Лит. № 5228.

Материалы по истории туркмен и Туркмении. I-II, Москва-Ленинград. Изд-во АН СССР, 1938.

Мирза Муҳаммад Хайдар. Тарих и-Рашиди. Введение, перевод с персидского А. Уринбаева, Р.П. Джалиловой., Л.М. Епифановой. Ташкент, "Фан", 1996.

Мирза Муҳаммад Соқий, Оламгирнома. ЎзР ФА ШИ, қўлёзмалар хазинаси. Лит. № 12444.

Мирза Муҳаммад Товихон. Носиҳ ут-таворих. ЎзР ФА ШИ, қўлёзмалар хазинаси. Лит. № 12444.

Мирза Сирожиддин. Туҳафи аҳли Бухоро. ЎзР ФА ШИ, қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 2142.

Муиниддин Натанзий. Мунтахаб ут-таворихи Муиний. К. Обен нашри (форс тилида). Тەхрон, 1957.

Муҳаммад Толиб бин Тождиддин Ҳасанхўжа. Матлаби толибин. ЎзР ФА ШИ, қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 80.

Мулла Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. Қарши, “Насаф”, 1992.

Муътаmidхон Бахши. Иқболномаи Жаҳонгирий. ЎзР ФА ШИ, қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 4369.

Ризоқулихон Ҳидоят. Сафарномаи Хаворазм (форс тилида). Тەхрон. Тоҳури, 1978.

Сайди Али Раис. Миръат ул-мамолик (Мамлакатлар кўзгуси). Таржима и изоҳлар И. Зуннуновники. Таҳрир ва сўз боши С. Азимжонованики. Тошкент, “Фан”, 1963.

Таджад-дин ас-Салмани. Тарих-наме. Перевод с туркского акад. В.М. Бунятова. Баку, “Элм”, 1991.

Тарихи Муқимхани Муҳаммад Юсуфа Мунши. Пер. с тадж. с предисловием, примечаниями и указателями А.А. Семенова. Ташкент, 1956.

Тарихи Ҳофиз Абру. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 5361.

“Темур тузуклари”. Форсчадан Алихон Соғуний ва Ҳабибулла Кароматов таржимаси. Тошкент, 1991.

Утемиш-хаджи. Чингиз-наме. Факсимиле, перевод, транскрипция, текстологические примечания П. Юдина. Подготовила к изданию Ю.Г. Баранова. Комментарии и указатели М.Х. Абдусеитовой. Отв. ред. Б.А. Ахмедов. Алма-Ата, 1992.

Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорий. Абдулланом. (Шарафномаи шоҳий). 1-жилд. (Форсчадан Содик Мирзаев таржимаси. Масъул муҳаррир Я.Ф. Фуломов). Тошкент, “Фан”, 1969.

Ҳофиз Муҳаммад Фозилхон валади Қосимхон. Тарихи манозили Бухоро. Алигарх университети кутубхонаси мажмуаси. (Форс тилида, қўлёзма). Абуссалом коллекцияси, № 692.

Махмуд Қошғарий. Девону луготит турк. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Ўз ФА нашриёти, Тошкент, 1960.

Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Тошкент, “Фан”, 1971.

Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Нашрга тайёрлаш, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Ўринбоевники. Тошкент, “Фан”, 1972.

Низомиддин Шомий. Зафарнома. Форс тилидан ўтирувчи Юнусхон Ҳакимжонов. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Асомиддин Ўринбоев. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996.

2. Ўзбек ва рус тилларидаги тадқиқотлар ва адабиётлар.

Азамат Зиё. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. Тошкент, “Шарқ”, 2000.

Амир Темури жаҳон тарихида (тўлдирилган 2-нашри). Тошкент, 2001.

Амир Темури ва Йилдирим Боязид ёзишмалари - “Миллий тикланиш”. (Таржимон: Ўринбоев А., Валиева Д.). 1995 йил, 1 декабр.

Амир Темурининг Йилдирим Боязидга тўртинчи мактуби - “Миллий тикланиш”. (Таржимон: Ўринбоев А., Валиева Д.). 1996, 9 январ.

Амир Темури мактублари. - “Миллий тикланиш” (Таржимон: Ўринбоев А., Валиева Д.). 1996 йил, 30 январ.

Аҳмедов Бўри. Историко- географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв., Ташкент, “Фан”, 1985.

Байкова Н. Б. Роль Средней Азии в русско-индийских торговых связях. Т., 1964.

Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и в России. Л., 1925.

(Бернс А.) Путешествие в Бухару: рассказ о плавании по Инду от моря до Лагора с подарками великобританского короля и отчет о путешествии из Индии в Кабул, Татарию и Персию, предпринятом по предписанию высшего правительства Индии в 1831, 1832 и 1833 годах лейтенантом Ост-Индской компанейской службы Александром Бернсом. (Пер. с англ. ч. II.) М., 1848.

Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Тошкент, "Фан", 1991.

Бўриев О. Темур даврида Мовароуннахр ва Мўғулистон муносабатлари. "Шарқшунослик", №7, 1996. 37-44-бетлар.

Бўриев О. Элчилар йўл юрдилар. "Шарқшунослик", 1990, 1. 60-65-бетлар.

Валиева Д. Бухоро-Эрон дипломатик алоқалари тарихига оид. "Шарқшунослик", № 7, 1997. 133-148-бетлар.

Валиева Д. XIX асрнинг биринчи ярмида Бухоро ва Хиванинг ташқи иқтисодий алоқаларига доир. "Шарқшунослик", №8, 1997. 162-176-бетлар.

Валиева Д. Амир Ҳайдар мактублари Бухоро-Россия муносабатларига оид муҳим манба. "Машъал", №1-2, 1999.

Вамбери А. История Бухары. СПб. 1873.

Веселовский Н. Прием в России и отпуск среднеазиатских послов в XVII-XVIII столетиях. По документам Московского главного архива министерства иностранных дел. "Журнал Министерства народного просвещения", ч. ССXXXIV, июль, 1884.

"Внешняя политика России XIX и начала XX века". Сборник документов. Т. I-X. М., 1978-1986.

Гулямов Х.Г. Из истории дипломатических отношений России с Бухарским ханством в XIII в. Т., «Фан», 1992.

Жалилова Р. Ўрта Осиё ва Туркия муносабатлари тарихидан. "Шарқшунослик", №2, 1991. 102-108-бетлар.

Жуковский С.В. Сношения России с Бухарой и Хивой за последнее трехсотлетие. СПб, 1915.

Зияев Х. Средняя Азия и Сибирь (вторая половина XVI-XIX вв.). Ташкент, 1964.

Зияев А. Переписка правителей Шейбанидов и Аштарханидов с Ираном и Индией, сб. Исследования по истории, истории науки и культуре народов Средней Азии. Ташкент, "Фан", 1993. с. 93-109.

Из Тегеранского дневника полковника Косоговского (подготовил к печати Г.М. Петров). М., 1960.

Каримова Н. Кўҳна Туроннинг дарвозаси (Хитой манбалари асосида). "Шарқшунослик", №5, 1994. 125-131-бетлар.

Каримова Н. Темурийлар билан Хитой алоқалари, "Шарқшунослик", №7, 1996. 44-60-бетлар.

Карен Л., Саидов А. Амир Темур ва Франция, Тошкент, "Адолат", 1996

Маннонов Б. Ўзбек дипломатияси тарихи муаммолари. "Шарқшунослик", №4, 1993. 120-131-бетлар.

Маннонов Б. Нодиршоҳнинг зурриёдини топинг. "Шарқшунослик", №2, 1991. 90-102-бетлар.

Матвиевский П.К. О роли Оренбурга в Русско-Индийской торговле. "История СССР", №3, 1969.

Мейендорф Е.К. Путешествие из Оренбурга в Бухару (пер. с фран. Е. Беттера). М., 1975.

Михалева Г.А. Узбекистан в XVIII - первой половине XIX века.

Михалева Г.А. Торговые и посольские связи России со среднеазиатскими ханствами. Ташкент, "Фан", 1982.

Муҳаммаджонов А.Р., Нейматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига оид манбалар. Тошкент, 1957.

Мўминов Иброҳим. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли. Тошкент, 1991.

Небольсин П.И. Очерки торговли России со странами Средней Азии, Хивой, Бухарой и Коканом. Записки Русского географического общества. Т. X. Сиб., 1856.

Низомиддинов И.Ф. XVI-XVIII асрларда Ўрта Осиё-Ҳиндистон муносабатлари. Т., "Фан", 1966.

Низамутдинов Илёс. Из истории среднеазиатско-индийских отношений. Ташкент, Изд-во "Узбекистан", 1969.

Низамутдинов Иляс. Очерки истории культурных связей Средней Азии и Индии в XVI- начале XX вв. Т., "Фан", 1981.

Низамутдинов Иляс. Сайёҳларнинг ёзганлари. Тошкент, Ўздавнашр, 1960.

Петрушевский И.П. Комментарий географический и исторический к "Хождению за три моря Афанасия Никитина". Изд. 2-е, М-Л., 1958.

Бўлат Солиев. Ўзбекистон тарихи (XVI-XIX асрлар). Тошкент, Самарқанд, 1929.

Рой П.Ч. Посольство Баба Рам-Сингха в русский Туркестан. "Проблемы востоковедения", № 4, 1959.

Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Ўзбекистон ҳудудида энг

қадимги даврда дипломатик муносабатларнинг ривожланиши. Тошкент, 2001.

Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406). Перевод, предисловие и комментарии И.С. Мироковой. Москва, "Наука", 1990.

Русско-индийские отношения в XVII в. Сборник документов, Москва, 1958.

Семенов А.А. К истории дипломатических сношений между Россией и Бухарой в начале XIX века - "Известия АН УзССР". Ташкент, № 1, 1951. с. 85.

Семенов А.А. К вопросу о культурно-политических связях Бухары с "Великогогольской" Индией в XVII в. "Материалы второго совещания археологов и этнографов Азии". Москва, Изд-во АН СССР, 1959. с. 1-10.

Соколов Ш.А. Бухара, Самарканд, Келиф в 1813 году. "Труды Среднеазиатского государственного университета. Ташкент, 1957. вып. 90, кн. 14.

Стори С. Персидская литература в 3 томах. Москва, 1978.

Уватов У. Амир Темур ва мамлуклар. "Шарқшунослик", 7, 1996. 60-74 бетлар.

Умняков И.И. Международные отношения Средней Азии в начале XV в. Сношения Тимура с Византией и Францией. Труды узбекского университета. Самарканд, 1956, вып. 61.

Ўринбоев А., Бўриев О. Ғиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. Тошкент, "Фан", 1991.

Халфин К.А. Английская колониальная политика на Среднем Востоке. Ташкент, 1957.

Халфин К.А. Посольство Баба Рам-Сингха в Туркестан в 1879г. (Из истории русско-индийских отношений в XIX в.) "Советское востоковедение", № 2, 1957.

Халфин К.А. Британская экспансия в Средней Азии в 30-40-годах XIX в. и миссия Ричмонда Шекспира - "История СССР". № 2, 1958. с. 103-112.

Ханыков К. Описание Бухарского ханства. СПб., 1898.

Хасанов А.А. Из истории дипломатических отношений Средней Азии с Египтом в начале XV в. - конце XIV в. "Востоковедение". Сб. научных трудов. № 589, Ташкент, 1981.

Хидоятов Г.А., Курбанниязов Р. Дипломатические отношения и дипломатический протокол в Центральной Азии в эпоху темуридов. «Халқаро муносабатлар», №2, 2001. С. 75-80.

Ҳошимов И. Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласи салтанати. Тошкент, "Ўқитувчи", 1996.

Хронологическое обозрение политических сношений России с Бухарией. Дипломатические приложения. Сборник князя Хилкова. "СПб., 1879".

Фехнер М.Ю. Торговля Русского государства со странами Востока в XVI в. М., 1956.

Чулошников А. Торговля Московского государства с Средней Азией в XVI - XVII вв. МНУТТ. вып. 3.

Шипелев А. Очерк военных и дипломатических сношений России со Средней Азией до начала XIX в. - Альманах. Ташкент, "Средняя Азия", 1895.

Фулумов С. Амир Темур ва Боязид муносабатлари. "Шарқшунослик", 7, 1996. 74-83-бетлар.

Фулумов С. Амир Темур билан Аҳмад ибн Увайс Жалойир муносабатларига доир. "Шарқшунослик", №8, 1997. 196-200-бетлар.

Юлдашев М.Ю. К истории торговых и посольских связей Средней Азии с Россией в XVI - XVII вв. Т., 1964.

Якубовский А.Ю. Феодальное общество Средней Азии и его торговля с Восточной Европой в X - XV вв. - В кн. : Материалы по истории Узбекской, Таджикской и Туркменской ССР. Вып. 3, ч. 1, 1962.

3. Чет тиллардаги адабиётлар

Али Акбар Вилоятӣ. Тарихи равовати хорижийи Эрон дар даврони Носириддин шоҳ ва Музаффариддин шоҳ (форс тилида). Теҳрон, 1993.

Али Акбар Вилоятӣ. Тарихи равовати хорижийи Эрон асри шоҳ Аббоси аввали Сафавӣ (форс тилида). Теҳрон, 1995.

А. Заки Валидий Тўғон. Умумий турк тарихига кириш. Ж. 1. Энг эски даврлардан XVI асрга қадар: 3-босқич (турк тилида).. Истанбул, 1981.

Манижа Туробзода, Акрам Ҳусайнпур, Фарабо Шаҳиди Фар,

Фаҳима Вазирий. Моҳияти Таҳвелот дар Осиёи Марказий ва Қафқоз (форс тилида). Техрон, 1994.

Муҳаммад Алихон Фафур. Рўзномаи сафари Хаворазм (форс тилида). Техрон, 1994.

Меҳмет Сарай. Рус истилоси даврида Туркистон хонликларининг Усмонли давлати билан сиёсий муносабатлари (турк тилида). Истанбул, 1990.

Мирза Муҳаммадхон Қазвиний. Бист мақолоти Қазвиний (форс тилида). Бомбей, 1928.

Одамият. Амири Кабир ва Эрон (форс тилида). Техрон, 1969.

Сафарномаи Бухоро (асри Муҳаммадшоҳи қожор. 1259-1260). Ба эҳтимоми Ҳусайн Замоний. (форс тилида). Техрон, 1973.

Сафарномаи Туркистон аз д-р Пашино. Таржимон: Мартирос Довудхонов (форс тилида). Техрон, 1372 ҳ.қ.

Саид Нафисий. Тарихи иҷтимоӣ ва сиёсий Эрон дар давраи маосир. Ж. 1. (Аз оғози салтанати қожорҳо то поёни жангги нухустини бо Русия), (форс тилида). Техрон, 1335 ҳ.қ.

Ўроз Муҳаммад Сорли. Тарихи Туркманистон. Жилди аввал (форс тилида). Техрон, 1994.

Асноди аз равобати Эрон бо манотиқи Осиёи Марказий. Маркази мутолиоти Осиёи Марказий ва Қафқоз (форс тилида). Техрон, 1994.

Усмонли давлати билан Кавказ, Туркистон ва Қрим хонликлари орасидаги муносабатларга доир архив ҳужжатлари (1687-1908 йиллар), (турк тилида). Анқара, 1992.

Allworth, Edward, The Modern Uzbeks. Hoover Union. Palo Alto CA. 1989.

Ali, M. Athar, Jahangir the Uzbeks. Proceeding of the 26th in Judian History Congress, 1964. pp. 108-109.

Dickson, Martin B. Shah Tahmasp and Uzbeks. Princeton University, 1958.

Islam, Riazul A, Calendar of Documents of Indo-Persian relations (1500-1750), 2 vols, Iranian Cultural Foundation, Tehran and Institute of Central and West Asian Studies. Karachi 1979-82.

Gopal, S. Indians in Central Asia in the 16th and 17th Centuries, Proceeding of the 52nd in Judian History Congress. New Delhi, 1992.

- Meer Izzat Oollah. Travels in Central Asia. Calcutta, 1872.
- Mohan Lal. Travels in the Punjabiab. London, 1846.
- Walter J, Fischel. A new latin Source on Tamerlan's conquest of Damascus (1400-1401). "Orlans" 9, 1956. p. 2.
- Ramesh Chandra Verma. Akbar and Abdulla-khan. "Islamic Culture", vol. XXI, № 4. October, 1937. pp. 379-389.
- Verma, R. Ch. Foreign Policy of the Mughals. Agra, 1967.
- Rahim, Abdur. Mughal Relation with Central Asia. Calcutta, 1955.
- Foltz Richard. Cultural Contacts between Cetntral Asia and Mughal India. "Central Asiatic journal", 42/1, 1998.
- Farooqi, K.R. Six Ottoman Documents on Mughal - Ottoman Relations During the Reign of Akbar. Journal of Islamic Studies, 7/1, 1996. pp, 32-48.
- Rossabi, Morris. The "Decline" of Central Asian Caravan Trade, in the Rise of the Merehant Empires. Cambridge University Press. Cambridge, 1990.

**ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ
УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЎЗБЕК ДИПЛОМАТИЯСИ
ТАРИХИДАН
(Тарихий очерк ва лавҳалар)**

Нашр учун масъул: Маннанов Б.

Мухаррирлар: Рустамов Т., Шамшаров Т.

ЭҲМ оператори: Семенюк И.

Нашрга тайёрланган материалларнинг сифати, келтирилган фактлар, атоқли отлар ва бошқа маълумотларнинг аниқлиги, шунингдек, очиқ нашр этиш ман этилган маълумотларни оммавийлаштиргани учун матн муаллифлари жавобгардирлар.

ЖИДУ рухсатисиз қайта чоп этиш ман илинади.

Формат 84x108 1/32. Ҳажми 23,3 б.т.
Нусха сони 1000. Келишилган нарҳда.

**ООО "ХЕГА-ПРИНТ" босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Буюк Ипак йўли кўчаси, 257а.**